

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ  
ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯ КАФЕДРАСИ**

# **ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР**



«Akademiya» nashriёti  
Тошкент 2005

---

---

**Ижодий гуруҳ:**

с.ф.д. Жўраев С.А., с.ф.н. Худойбердиев Б.Х., с.ф.н. Қосимов О.С.,  
с.ф.д. Ғофуров С.М., с.ф.н. Жалилов А.Т., с.ф.н. Саидолимов С.С.,  
с.ф.н. Рустамбоев С.М., с.ф.н. Убайдуллаева С.Ф., Бердиев Б.

**Тақризчилар:**

с.ф.д. Қосимова Н.А., ф.ф.д. Эргашев Б.

**ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР.** (Масъул муҳаррир ф.ф.д.  
Қ.Н.Назаров). Тошкент, "Akademiya" нашриёти, 2005 й.

Миллий манфаатларни англаш жараёнида ташқи сиёсат ҳамда халқаро муносабатларнинг иштирокчилари бўлган давлатлар, халқаро ташкилотлар, халқаро ноҳукумат ташкилотлари тўғрисида аҳолига, айниқса, ёшларга ҳолисона, тўғри маълумот бериш орқали уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига эришиш мумкин. Бу эса миллий ўзлигимизни англаш, тенглар ичида тенг бўлиш, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни тушуниб етишга гоявий асос сифатида хизмат қилади.

Мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг тўлақонли аъзоси сифатида танилиб бораётган бир пайтда, ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган мутахассислар халқаро ташкилотлар ҳамда давлатлар тўғрисида кенг қамровли маълумотларга эҳтиёж сезади. Ташқи сиёсат давлатчилик амалиётимизда устуворлик касб этаётгани туфайли турли вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари чет давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан бевосита мулоқотга киришиш, улар фаолиятини ўрганиш ва ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлмоқда. Шу боис хорижий давлатлар ва ташкилотлар фаолиятининг турли жиҳатларига доир амалга оширилаётган тадқиқотлар гоят муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мазкур китобда халқаро муносабатларнинг иштирокчилари — давлатларнинг иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг фаолияти тўғрисида кенг маълумот берилган.

Китоб академия тингловчилари, халқаро сиёсат, халқаро иқтисодиёт, сиёсатшунослик ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган талабалар ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

### СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида ташқи сиёсат — ҳукумат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаган эди. Шу боис халқаро муносабатлар иштирокчилари — давлатлар ва халқаро ташкилотлар тўғрисида жиддий тадқиқотларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз ташқи сиёсий фаолиятини янада такомиллаштириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустақамлашга илмий асос сифатида хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда, дунёда халқаро ҳуқуқнинг де-юре ёки де-факто субъектлари дея тан олинган, муайян ҳудудни эгалладиган, мустақил ёки ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга ва давлат сифатида тан олинган 230 га яқин мамлакат мавжуд. Улардан 185 таси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси ҳисобланади. Ер шарининг ушбу доимий аъзолари майдонининг кенглиги, аҳолисининг сони, этник ва миллий таркиби, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлангани, ҳарбий салоҳияти, халқаро муносабатлардаги ўрни ва бошқа мезонлар билан бир-биридан фарқланади. Инсоният қай даражада тараққий этганидан қатъи назар, одамларни Ер курраси, унинг жўғрофий тузилиши, мамлакатлар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, Ер юзидаги маданиятлар, анъаналар, қадриятлар, моддий ва маънавий бойликлар ҳамиша ўзига жалб этиб, қизиқтириб келади, зеро инсоният яралгандан буён атроф-муҳит билан танишини ҳисси уни ҳеч қачон тарк этмаган.

Мамлакатшунослик — ижтимоий-сиёсий билимлар соҳасидаги энг қизиқарли фанлардан бири бўлиб, мамлакатларнинг шаклланиш хусусиятлари, тараққиёт қонуниятлари, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳалари ривожини, инсон омили ва унинг табиат билан узвий боғлиқлиги каби масалаларни тадқиқ этиш билан шуғулланади. Кўплаб олимлар, жумладан, географ-мамлакатшунос, иқтисодчи, сиёсатшунос, халқаро муносабатларни ўрганувчи мутахассислар

мазкур масалаларни атрофлича ўрганиш ҳамда муайян тизимни шакллантириш борасида жиддий изланишлар олиб бормоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, мазкур фан доирасида мамлакатларни тадқиқ қилиш, уларнинг ўзига хос жиҳат ва хусусиятларини турларга, тизимларга ажратган ҳолда ўрганиш ва баҳолаш йўлга қўйилган.

Ушбу китобда Ер юзидаги давлатлар ва халқаро ташкилотлар тўғрисида тўлиқ маълумот беришга ҳаракат қилинди. Мазкур тадқиқот шу йўналишдаги бошқа китоблардан фарқли жиҳати шундаки, у давлатларнинг ер майдони, сиёсий тузуми, аҳолисининг сони ва этник таркиби, иқтисодиётидаги экспорт ва импорт хусусиятлари, валютаси, савдо шериклари, табиий захиралари, шунингдек, бошқа муҳим маълумотларни қамраб олади.

Маълумки, “Халқаро муносабатлар” мамлакатимизда эндигина шаклланаётган фанлар қаторига киради. Бу фан доирасида нашр этилаётган китобларда мамлакатшуносликнинг турли назарий ва амалий масалалари таҳлил этилган бўлсада, халқаро муносабатларда давлатлар ва халқаро ташкилотлар тўғрисида мавжуд барча маълумотларнинг таҳлили асосида алоҳида тадқиқот ҳали яратилмаган. Бу йўналишда яратилаётган янги тадқиқотлар мазкур фан соҳасини юқори босқичга кўтарилишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

## КИРИШ

Маълумки, давлат халқаро муносабатларни амалга оширадиган, унинг мезонларига тўлиқ жавоб берадиган, халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти ҳисобланади. Давлатларнинг ташқи сиёсати халқаро муносабатларнинг мазмун-моҳияти ва характерини белгилаб беради. Бундан ташқари, давлат инсонлар жамоаси сиёсий ташкилотининг универсал шакли ҳамдир. Ҳозирги вақтда деярли бутун инсоният, баъзи истиснолардан ташқари, давлатларга бирлашган. Айни пайтда, янги давлатларнинг ташкил топиш жараёни ҳам давом этмоқда. Агар XV асрда дунёда атиги 5-6 та давлат бўлган бўлса, 1900 йилда уларнинг сони 30 тага етди. 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари сони 60 та бўлган бўлса, 1965 йилга келиб - 100, 1990 йилда - 160, 1992 йилда - 175, 1996 йилга келиб эса - 185 тага етди. БМТнинг аъзоси бўлиши ва халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинishi учун давлат мустақил ҳукумат, ҳудуд ва аҳолисига эга бўлиши зарур.

Вазифалари нуқтаи назаридан давлат чегаралар билан ажратилган ҳудуд доирасида тартиб ва хавфсизликни таъминлаш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун зарур шарт-шароит яратиш, бойлик ва хизматларни оқилона тақсимлаш, аҳолининг асосий эҳтиёжларини қондириш ва бандликни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Маълумки, давлат ўз тарихий тараққиёти давомида турли шаклларда ривожланиб келган. Жумладан, илк даврларда кенг тарқалган қадимий шаҳар-давлатлар кейинчалик улкан империяларга бирлашган бўлса,

ўрта асрларга келиб Европа монархиялари XIX асрдаги миллий давлатларнинг пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қилган. Бироқ XV-XVI асрларга қадар ҳам ўзининг қатъий ҳудудий чегараларининг йўқлиги, чекка жойларга нисбатан марказий ҳокимиятнинг заифлиги, ижтимоий тузилмаларнинг ҳукмронлиги туфайли ушбу тушунчанинг бугунги маъносига мос тушадиган давлатлар бўлмаган.

Давлатчиликнинг замонавий шакли “суверенитет” тушунчаси билан боғлиқ. Дастлаб бу тушунча ҳукмдорнинг иродасига асосланган мамлакат ичида чекланмаган ҳокимияти ҳамда давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашини билдирар, унинг феодал тартибот ва черков ҳукмронлигидан қутулишга бўлган интилишини акс эттирар эди. Европада 30 йиллик диний урушлар ўз ниҳоясига етгач, ҳар бир давлатнинг мустақиллиги ва юридик жиҳатдан тенглигини ўзаро тан олишга асосланган халқаро муносабатларнинг замонавий тизими шаклланди ва Вестфаль тинчлик шартномасида мустаҳкамлаб қўйилди.

XVIII асрда давлатчилик ривожидан янги босқич – монарх суверенитетидан миллат суверенитетига ўтиш жараёни бошланди. XIX асрдан бошлаб дастлаб Европа минтақаси, кейинчалик эса жаҳон миқёсида тарқалган миллий давлатчилик шакллари пайдо бўлди.

Давлатнинг шаклланиши ва моҳиятини тушунишда “миллий давлат суверенитети” тушунчаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Унинг икки жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Бир томондан, у давлатнинг ўз иқтисодий ривожланиш йўли, сиёсий тузуми,

фуқаролик ва жинсий қонунчилик тизимини эркин танлаши, бошқа томондан, давлатлар бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслиги, уларнинг тенглиги ва мустақиллигини ифода этади. Бироқ, миллий давлатлар суверенитети тамойили халқаро муносабатларда ҳар хил оқибатларга олиб келади.

Биринчидан, ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсатида турли зиддиятли масалаларни ҳал этишга мажбур. Шу маънода, айрим олимлар фикрича, ҳар бир давлат, бир томондан экспансияга, яъни ҳудудлар, ресурслар, иттифоқчилар ва таъсир доирасини кенгайтиришга интиlsa, бошқа томондан, ўз ҳудуди ва миллий манфаатларини ҳимоя қилади. Айрим ҳолларда, у давлатлараро муносабатларда тинчлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш йўлида муайян манфаатидан воз кечиши ҳам мумкин.

Иккинчидан, ҳар бир давлат ўз хавфсизлигини таъминлашга интилади. Аммо, суверен давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги шароитида бундай саъй-ҳаракат халқаро муносабатларда хавфсизлик дилеммаси деб ном олган ўта мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бу ҳол бир давлатда хавфсизликнинг кучайтирилиши бошқа бири учун таҳдид деб қаралиши оқибатида унинг қуролланиши ва ҳатто, аввалдан зарба бериш каби фавқулодда чораларда яққол намоён бўлади.

Учинчидан, гарчи расман барча давлат ва миллатлар тенг бўлса-да, аслида улардан баъзилари бошқаларига қараганда кўпроқ имтиёзларга эга эканини ҳам тан олиш зарур. Ҳақиқатан ҳам халқаро ҳуқуқий нуқтаи назардан давлатларнинг юридик жиҳатдан тенглиги уларни ҳудуд, аҳоли миқдори, табиий захиралари, иқтисодий салоҳияти, ижтимоий барқарорлиги, сиёсий обрў-эътибори, қуролланиш даражаси ҳамда давлатчилик анъана ва тарихига кўра бир-биридан фарқланишини бекор қилиши мумкин. Чунки бу фарқ миллий куч-қудрат нуқтаи назаридан давлатларнинг тенг эмаслигини кўрсатади. Бундай тенгсизлик халқаро майдонда давлатларнинг амалдаги иерархиясининг ифодаси бўлган халқаро ёки давлатлараро стратификация сифатида ўрганилади.

Давлатлар қудрати борасидаги тенгсизликдан келиб чиқадиган, ўз суверенитетини ҳимоя қилишда имкониятлари халқаро стратификациянинг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан давлатлар қудратли, буюк, ўрта, кичик давлатлар ва микродавлатлар сифатида тасниф этилади.

Қудратли давлатлар қуйидаги белгилар бўйича ажратилади:

а) ядро қуролига эга ва сайёравий миқёсда оммавий вайронагарчилик қилишга қодир бўлган;

б) бутун инсоният тақдирига таъсир ўтказоладиган;

в) ҳар қандай давлат ёки давлатлар коалициясини (бошқа қудратли давлат иштирок этмаган ҳолда) мағлуб этиш имконига эга экани.

Улардан фарқли ҳолда, буюк давлатлар жаҳон тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатади, лекин халқаро муносабатларда ҳукмронлик қила олмайди. Улар кўпинча оламшумул роль ўйнашга интилади, бироқ мавжуд имкониятлари уларнинг таъсирини муайян минтақа ёки давлатлараро муносабатларнинг алоҳида соҳаси билан чеклаб қўяди.

Ўрта давлатлар ўз яқин атрофида доимий таъсир этиш имкониятига эга бўлиши билан ён веридаги заиф, кичик давлатлардан фарқланади. Аммо, аксарият кичик давлатлар ҳам ўз мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш учун етарли воситаларга эга бўлади. Микродавлатлар эса суверенитетини ўз кучига таянган ҳолда ҳимоя қилишга қодир эмас.

Тадқиқотчилар орасида давлатларни кичик ёки микродавлат деб таснифлаш масаласида ягона фикр мавжуд эмас. Кўпчилик бундай ҳолларда аҳоли миқдори мезонига эътибор қаратади: баъзан аҳолиси 1 млн. кишидан ошмайдиган мамлакатлар микродавлатлар деб ҳисобланади, баъзан эса бу рақам 2 млн. гача боради. Бу борада унитар давлатларнинг катталиги, қудрати ва мақомини аниқлаш бўйича майдон, аҳоли ва ЯИМ миқдори таҳлилига асосланган мезонлар қўлланилади. Бундан ташқари, ҳарбий салоҳият, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси, болалар ўлими фоизи, тиббиёт муассасаларида аҳоли жон бо-

## КИРИШ

шига тўғри келадиган врачлар ва ўринлар миқдори, унинг ирқий таркиби, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сони ҳамда бошқа мезонлар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. Бизнингча, давлатларни таснифлаш ва баҳолашда, аввало, асосий мезонлар, сўнгра иккиламчи омиллар таҳлил этилмоғи даркор.

Анъанавий тасаввурларга кўра, давлатлар халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсати билан ўзини намоён қилади. Ташқи сиёсат икки асосий шаклда амалга оширилади: дипломатия ва стратегия. Уларнинг вазифаси - миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш, унинг хавфсизлиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш. Бироқ ҳозирги даврда ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларни бундай тушуниш тор экани намоён бўлмоқда, чунки ташқи сиёсат – экология ва илмий-техник тараққиёт, иқтисодиёт ва оммавий ахборот воситалари, коммуникация ва маданий бойликларга оид масалаларни ҳам эътиборга олиши зарур. Энг асосийси, у барча янги омиллар таъсирида халқаро муносабатларга тааллуқли анъанавий муаммоларнинг тубдан ўзгариши ва халқаро нодавлат ташкилотларнинг ҳақиқий роли ва ўрнини рад эта олмайди.

Шу ўринда халқаро муносабатларнинг нодавлат иштирокчилари тўғрисида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Халқаро муносабатларнинг нодавлат иштирокчилари қаторига жаҳон майдонида фаолият юритаётган ҳукуматлараро ташкилотлар (ХТ), халқаро ноҳукумат ташкилотлар (ХНТ), трансмиллий корпорациялар (ТМК) ҳамда бир қанча жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари киритилади. Улар мавқеининг ошиб бориши халқаро муносабатларнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврига хос бўлган нисбатан янги ҳодисадир. Бу жараён «совуқ уруш» ниҳоясига қадар жаҳон сиёсатида муҳим аҳамият касб этмагани туфайли нодавлат иштирокчилар сиёсий фанлар доирасида етарлича ўрганилмаганини таъкидлаш жоиз. Уларга нисбатан «кўринмас континент» ёки «иккинчи дунё» каби атамаларнинг қўллангани ҳам бежиз эмас.

“Халқаро ташкилотлар” атамаси, одат-

да, давлатлараро (ҳукуматлараро) ва ноҳукумат ташкилотларга нисбатан қўлланади. Бундай ташкилотлар қуйидаги белгилари билан ажралиб туради:

биринчидан, давлатларнинг аъзолиги; иккинчидан, халқаро таъсис шартномасининг мавжудлиги;

учинчидан, доимий органларнинг мавжуд бўлиши;

тўртинчидан, давлатлар суверенитетининг ҳурмат қилиниши.

Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланади.

Ноҳукумат халқаро ташкилотларнинг асосий фарқли белгилари уларнинг давлатлараро шартнома асосида ташкил этилмагани, жисмоний ва юридик шахсларни бирлаштиригандан (масалан, Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси) иборат.

Аъзоларининг таркибига кўра халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар:

биринчидан, универсал, барча давлатларнинг иштирок этиши учун очиқ ташкилотлар (БМТ ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари);

иккинчидан, минтақавий, маълум минтақада жойлашган давлатларгина аъзо бўлиши мумкин бўлган ташкилотларга (Европа кенгаши, Африка бирлиги ташкилоти) бўлинади.

Бундан ташқари, давлатлараро ташкилотлар умумий ва махсус ваколатларга эга ташкилотларга бўлинади.

Умумий ваколатларга эга ташкилотлар фаолияти аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг барча (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа) соҳаларига тегишли бўлади.

Махсус ваколатларга эга ташкилотларнинг фаолият йўналиши муайян (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий) соҳа доираси билан чекланган бўлади.

Халқаро ташкилот органлари унинг таркибий тузилма ва бўлинмаларидир. Халқаро ташкилот органларининг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, халқаро ташкилот органи таъсис этувчи ёки бошқа ҳужжат асосида ташкил этилади;

## КИРИШ

иккинчидан, унга муайян ҳуқуқ ва ваколатлар берилади;

учинчидан, у ўзига хос ички тузилиш ва таркибга эга;

тўртинчидан, қарорлар чиқариш ҳуқуқига ҳам эга;

бешинчидан, таъсис этувчи ёки бошқа ҳужжатда унинг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлади.

Халқаро ташкилотлар органларини турли белгиларга кўра тасниф этиш мумкин. Аъзолик белгисига кўра, ташкилотлар ва ҳукуматлараро, парламентлараро, маъмурий, жисмоний шахс сифатида қабул қилинган турли ижтимоий гуруҳ вакилларида иборат бўлиши мумкин.

Сиёсий фан соҳасида халқаро ташкилотларни белгиловчи уч асосий мезон ажратиб кўрсатилади: биринчидан, ҳамкорликка қаратилган хоҳиш-ироданинг ташкилот таъсис ҳужжатларида акс этиши; иккинчидан, ташкилот тараққиётида ворисликни таъминловчи доимий ишчи органнинг мавжудлиги; учинчидан, лаёқатлилиқ ва қарор қабул қилишдаги мустақиллиги. Ушбу қоидаларга халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш жараёнида асос солинган бўлиб, улар доимий органларга эга давлатларнинг барқарор бирлашмалари бўлган халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар фаолиятининг моҳиятини акс эттиради. Қуйида уларнинг асосий белгилари ва типологияси тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Наполеон урушларининг ниҳоясига етгани ва халқаро муносабатларда янги босқич бошлангани ҳақида дарак берган 1815 йилги Вена Конгресси Европа сахнасида янги ишгирокчи пайдо бўлганини ҳам билдирди: Конгресснинг яқунловчи акти илк БМТ - Рейн бўйлаб кема қатнови бўйича доимий комиссия тузилганини эълон қилди. XIX асрнинг охирига келиб давлатларнинг саноат, техника, коммуникация ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик заруратини келтириб чиқарган саноат инқилоби таъсирида дунёда ўнлаб шундай ташкилотлар юзага келди. Халқаро санитар конвенция (1853), Халқаро телеграф иттифоқи (1865), Ўлчов ва тарозиларнинг халқаро бюроси (1875), Халқаро почта иттифоқи (1878), Саноат мул-

кини ҳимоя қилиш иттифоқи (1883), Халқаро жиной полиция ташкилоти (Интерпол, 1923), Халқаро қишлоқ хўжалиги институти каби ташкилотлар шулар жумласидандир.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг сиёсий тусдаги Миллатлар лигаси, Халқаро меҳнат ташкилоти сингари тузилмалар ташкил этила бошлаган бўлса, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги ҳамкорлиги ва ялпи хавфсизликни таъминлаш мақсадида таъсис этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номида сиёсий ташкилот пайдо бўлди. Ушбу ташкилот таркибига кирадиган ихтисослаштирилган орган ва институтлар ривожланиши баробарида турли соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган минтақалараро ва минтақавий ҳукуматлараро ташкилотлар тузила бошлади. Дунёнинг 24 та ривожланган мамлакатини бирлаштирган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (1960), Европа Кенгаши (1949), Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (1951), Европа иқтисодий ҳамжамияти (Умумий бозор, 1957), Атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти (Евратом, 1957), Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ, 1960), Араб давлатлари лигаси (1945), Америка давлатлари ташкилоти (1948), Африка бирлиги ташкилоти (1963) ва бошқалар шулар жумласига киради. 1945 йилдан эътиборан бундай ташкилотлар сони икки баравар ошди. Масалан, 1970 йиллар бошига келиб уларнинг сони 220 та эди, 1970 йиллар ўрталарида 260 тага етди, ҳозирги вақтда эса улар 400 дан ортиқдир.

Бу ташкилотлар фаолиятини ташкил этувчи эҳтиёжлар аъзо мамлакат вакиллари иштирокида конференцияларни мунтазам ўтказиб туришни тақозо қилади. Бундай конференцияларни тайёрлаш ва уларда қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш учун доимий тарзда фаолият юритадиган маъмурий бошқарув органлари тузилади. Таъкидлаш жоизки, халқаро ташкилотлар аппарати ходимлари сони жихатидан ҳамisha бир хил бўлмаган. Масалан, БМТ фаолиятининг

## КИРИШ

илк даврида унинг маъмурияти ва бошқарув аппарати нисбатан камтарона бўлган (масалан, Бутунжаҳон почта иттифоқи унинг раҳбари ва олти доимий хизматчисидан иборат бўлган) бўлса, ҳозирги вақтда, бу ташкилотда 50 мингдан зиёд ходим хизмат қилади.

БМТ доирасидаги ташкилотлар ва улардаги ходимлар сонининг ортиб бориши давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг ва кўп томонлама ҳамкорликнинг узлуксиз равишда кенгайиб бораётганидан далолат беради. Бундан ташқари, ушбу ташкилотлар муассис давлатларга нисбатан муайян мухториятни қўлга киритгани сабабли уларни назорат этиш қийинлашади. Бу уларнинг давлатлараро муносабатларнинг турли соҳаларига мунтазам таъсир ўтказиш имконини беради. Шу маънода, бу ташкилотлар халқаро институт вазифасини ўтайди.

Том маънода, бундай халқаро институтлар қарорлари барча, ҳатто, улардан норози бўлган аъзо давлатлар учун ҳам мажбурий экани халқаро муносабатларда кам учрайдиган ҳодисадир. Бу каби мақомга эга институтлар ҳозирги вақтда фақат Европа ҳамжамияти доирасида мавжуд, ҳолос. Бу ташкилот Комиссияси, Вазирлар кенгаши ва Суди кўпчилик овоз олиш тамойили асосида иқтисодий, ижтимоий ва, ҳатто, сиёсий соҳаларда барча аъзо давлатлар учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Халқаро ташкилотлар бир қанча турларга бўлинади. Улардан бирортаси ҳам мукамал эмаслиги олимлар томонидан тан олинган бўлсада, ана шу бўлиниш нисбатан янги бўлмиш ушбу халқаро актор ҳақидаги билимларни бир тизимга солишга ёрдам беради. Булар асосан «геосиёсий» мезон, фаолият йўналишлари ва соҳаларига кўра тасниф этилади. Биринчи ҳолатда улар универсал (масалан, БМТ ёки Миллатлар лигаси); минтақалараро (масалан, Ислон конференцияси ташкилоти); минтақавий (масалан, Лотин Америкаси иқтисодий тизими); субминтақавий (масалан, Бенилюкс) каби турларга ажратиб кўрсатилади. Иккинчи мезонга кўра, умум сайёравий (БМТ); иқтисодий (ЕАСТ); ҳарбий-сиёсий (НАТО); молиявий (ХВЖ, Жаҳон бан-

ки); илмий («Эврика»), техникавий (Халқаро телекоммуникациялар иттифоқи) ёки янада тор доирада ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар фарқланади.

Айни вақтда, юқорида келтирилган мезонлар шартлилиги билан ажралиб туради. Биринчидан, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди, чунки кўпгина ташкилотлар ҳар иккала мезонга таяниб, фаолият юритиши мумкин. Мисол тариқасида тор соҳада ихтисослашган ҳамда субминтақавий характердаги сахро (саранча) чигирткасини назорат қилиш бўйича Шарқий Африка мамлакатлари ташкилотини тилга олиш мумкин. Иккинчидан, таъкидланган мезонлар асосида таснифлаш анча нисбийдир. Чунки, дейлик, техника соҳасига ихтисослашган халқаро ташкилотлар ҳам иқтисодий ва, ҳатто, сиёсий вазифаларни амалга ошириши мумкин. Бу, масалан, аъзо давлатларда эркин бозор муносабатларини ривожлантириш учун шароит яратишни мақсад қилган Жаҳон банки сингари ташкилотларга ҳосдир. Мазкур банк фаолият йўналиши ва мақсадларининг кўпинча сиёсий тусга эга экани намоён бўлади.

Учинчидан, ХТнинг нафақат амалий, балки сиёсий мустақиллигини бўрттиришга зарурат йўқ. Зеро, ташкилот ва унинг мансабдор шахсларининг мақоми, фаолият доираси тегишли меъёрий ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйилган. Масалан, БМТ Низомининг 100-моддасида шундай дейилади:

1. Бош Котиб ва котибият ходимлари ўз мажбуриятларини ижро этишда ташкилотта бегона бўлган ҳеч қандай ҳукумат ёки ҳокимиятдан кўрсатма сўраши ёки олиши шарт эмас. Улар ўзларининг фақат ташкилот олдида жавобгар бўлган халқаро мансабдор сифатидаги обрўсига путур етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан сақланиши лозим.

2. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Бош Котиб ва котибият ходимлари вазифаларининг халқаро аҳамиятга эга эканини қатъий ҳурмат қилиш ва уларга ўз вазифасини ижро этишда таъсир ўтказишга ҳаракат қилмаслик мажбуриятини олади.

Бироқ амалда БМТ, унинг институтлари

фаолиятига АҚШ ва унинг иттифоқчилари турли даражада таъсир ўтказди. Бунга кўрса-тиб ўтилган институтларда у ёки бу масала юзасидан қарор қабул қилишда овоз бериш тамойили ёрдам беради. Бошқача айтганда, қудратли давлатлар ушбу институтлар орқали турли мамлакатларга молиявий ёрдам беришда кўпроқ имкониятга эга бўлади. АҚШ Халқаро валюта жамғармаси (IMF) ва Жаҳон банкида (WB) 20 фоизга яқин овозга эга. Бу ҳол халқаро ташкилотлар ва, айниқса, энг йирик ташкилот БМТнинг самарали фаолият юритиши масаласини кўндаланг қилиб қўяди.

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, давлатлараро дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг фикр алмашиши, ўзаро фойдали алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида тузилган БМТ «совуқ уруш» шароитида кескин тарғибот олишуви майдонига айланди. У ўта сиёсийлаштирилгани сабабли кўпгина ҳолларда қабул қилган қарорлари замон талабларига мос келмаслиги, унга юклатилган вазифаларни ҳал қилишга қодир эмаслигини намоён этди. Бундай ҳолат БМТнинг тубдан ислоҳ қилиниши заруратини тақозо этмоқда. Бироқ, таркибий тузилиши, узок йиллар мобайнида тўплаган тажрибаси ва фаолият қамрови нуқтаи назаридан БМТ энг мураккаб тузилма, серқирра фаолиятга эга бўлган улкан халқаро ташкилот бўлиб қолаётгани боис уни ислоҳ этиш учун барча аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш, баҳамжиҳат ҳаракат қилишини таъминлаш зарур.

### **Халқаро муносабатлар иштирокчилари**

БМТ барча аъзоларининг тенг ҳуқуқлилик тамойилининг акси – бу ташкилот аъзоларининг кўпчилигини ташкил этувчи кичик давлатларнинг йирик мамлакатлар билан тенг овозга эга бўлиши мутахассислар томонидан яна бир зиддият сифатида эътироф этилмоқда. Шу билан бирга, дунё аҳолисининг ўн фоизидан камроқ қисмини ташкил этган йирик давлатлар вакиллари ҳал қилувчи кўпчиликни ташкил этиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қудратли давлатлар кичик гуруҳининг

мазкур ташкилотда ҳукмронлик қилишига йўл қўйиб бўлмаслик борасидаги қарашлар тобора кучаймоқда. БМТ собиқ бош котиби Бутрос Бутрос Галининг фикрига кўра, чет давлатларга молиявий ёрдам лойиҳалари кўп ҳолларда «совуқ уруш»нинг қуроли бўлган.

1980 йилларнинг охири 1990 йилнинг бошларида «совуқ уруш»нинг тугаши бу халқаро ташкилотни мустақкамлаш, унинг имконият ва самарадорлигини кучайтириш, ўз ваколати доирасидаги муаммоларни ҳал этишга янги имкониятлар очди. Бу муаммоларнинг аксарияти ҳукуматлараро ташкилотларнинг чеклангани ва уларнинг давлатлар сингари марказлашган ҳолда фаолият юритиши билан изоҳлаш мумкин. Давлат ҳақиқатан кишиларнинг универсал андоза асосидаги сиёсий бирлашмаси ҳисобланади. Масалан, унинг барча миллат ва элатларни қамраб олиши буни яққол намоён этади. Лекин давлатлар расман тенг бўлсада, аслида бунинг аксини ифода этувчи кўплаб далиллар бу тенглик аҳамиятини мутлақлаштириб бўлмаслигини англатади. Халқаро муносабатлар социологияси соҳасидаги тадқиқотлар натижаларига кўра, кўп ҳолларда кишиларнинг манфаатлари давлат билан эмас, сиёсий ва маданий қадриятлар билан боғлиқ бўлиб қолаётганини тасдиқламоқда. Бу қадриятлар давлат ва миллатга нисбатан кенгроқ бирликни акс эттирадиган “славянчилик”, “ислом дунёси”, “католик дунёси” сингари ибораларда яққол намоён бўлади. Ёки дейлик, Ироқ ва Туркияда яшаётган курдларда этник асосдаги бирлик билан боғлиқ қадриятлар улар яшаб турган расмий давлатдан устун туради. Бу яна бир бор ҳозирги даврда халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг аҳамияти сезиларли даражада тобора кучайиб бораётганидан далолатдир.

Мустақил давлатлар халқаро ноҳукумат ташкилотлар аъзоси бўлмагани боис улар таркибий тузилиши жиҳатидан ҳукуматлараро ташкилотлардан фарқли ўлароқ, одатда ноҳудудий бирлашма ҳисобланади. Улар уч мезонга асосан характерланади:

- мақсади ва таркиби жиҳатидан халқаро миқёсга эга экани;

ташкilotлардан фарқли жиҳати шундаки, улар давлат томонидан эмас, балки профессионал, диний ва алоҳида ташкilot, муассаса, институтлар томонидан таъсис этилади. Бундан ташқари, улар қабул қилган қарорлар давлатлар учун юридик кучга эга бўлмайди. Шунга қарамай, аксарият ҳолларда улар ўз олдига қўйган нафақат профессионал, балки сиёсий соҳадаги вазифаларни ҳам амалга ошишига эришади. Бу кўп ҳолларда миллий суверенитетнинг «муқаддас тамойили» асосида фаолият олиб боришни билдиради. Масалан, охириги йилларда баъзи ХНТ, жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экологик муаммолар ёки гуманитар (инсонпарварлик) ёрдами каби соҳаларда ХНТ суверен давлатларнинг ички ишларига аралашшига интиломқда. ХНТ халқаро сиёсат соҳасидаги асосий «қуроли» халқаро жамоатчилик фикрини жалб этиш бўлса, мақсадига эришиш учун улар ҳуқуматлараро ташкilotларга, энг аввало, БМТ, шунингдек, муайян давлатга таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Мисол учун, Гринпис, Халқаро амнистия, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро федерация ёки Қийновга қарши умумжаҳон ташкilotи ҳам ана шу тартибда фаолият юритади. Шу сабабли ҳам бу турдаги ХНТни «халқаро таъсир гуруҳлари» деб ҳам аташади. Маълумки, сиёсий социологияда «таъсир гуруҳлари» тушунчаси жамоат ташкilotларининг сиёсий партиялардан фарқини англатади: агар партиялар жамиятда ҳокимиятни эгаллаш ва амалга оширишга интилса, таъсир гуруҳлари ҳокимият тузилмалари ва институтларидан холи бўлган ҳолда манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида унга таъсир ўтказишга интилади.

Эҳтимол, ХНТнинг ҳаммаси ҳам, халқаро таъсир гуруҳи ролини ўйнамаслиги мумкин. Лекин, барибир уларнинг халқаро муносабатларга сезиларли даражада таъсир этишини инкор этиш қийин.

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) каби ихтисослашган ноҳуқумат ташкilotлар ҳам халқаро муносабатларда алоҳида ўрин тутади. Айниқса, халқаро иқтисодий муносабатларга таъсир этиш орқали улар турли дав-

латлар миллий суверенитетини мустаҳкамлаши ёки аксинча, заифлаштириши мумкин.

ХНТдан фарқли ўлароқ ТМКлар ўз филиаллари орқали бир вақтнинг ўзида дунёнинг турли минтақа ва давлатларида асосан фойда олишни кўзлаб фаолият юритади.

Эътиборли жиҳати шундаки, айрим йirik ТМКлар нафақат кичик ёки ўртача, ҳатто қудратли мамлакатлар имкониятлари билан қиёсланадиган улкан иқтисодий-молиявий салоҳиятга эга. Мисол учун, 1970 йилнинг ўрталарида «ЭКССОН» фирмасининг ташқи савдо миқдори 30 млрд. долларга етди. Бу Швейцария каби иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакат ички миллий маҳсулоти (ИММ) миқдоридан зиёд экани унинг куч-қудратидан далолат беради. Албатта, бундай имконият ТМКнинг ўзи жойлашган мамлакатда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам иқтисодий ва сиёсий муносабатларга сезиларли таъсир ўтказа олади. 1970 йилларнинг бошида Чилида С. Альенде ҳуқуматининг ағдарилишида Американинг ИТТ компаниясининг роли бунга ўзига хос мисол бўлиши мумкин.

ТМКлар фаолиятида бир-бирига зид қарма-қаршилиқлар мужассам этилган. Бир томондан у, шубҳасиз, ўзи жойлашган мамлакат тараққиёти, халқ хўжалигининг ривожланиши, сиёсий ва иқтисодий эркинлик анъана ва кадриятларининг кенгайишига кўмаклашади. Бошқа томондан, улар тузилмавий ислохотлар, ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнининг жадаллашуви билан боғлиқ бўлган иқтисодий, технологик, ҳатто сиёсий қарамлик ва ҳукмронликнинг янги шакллари вужудга келтириб, ижтимоий инқирозларга сабаб бўлади. Кўп ҳолларда уларнинг фаолияти мавжуд экологик муаммоларнинг янада кескинлашуви ва янгиларининг пайдо бўлиши, миллий кадрият ва анъаналарнинг емирилиши, ҳатто маданиятлараро можароларни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, ТМКлар иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш орқали жаҳоннинг яхлитлигини таъминлаб, умумцивилизация ягона глобал маданиятнинг вужудга келиши учун шарт-шароит яратишга хизмат қилади. Табиийки, ТМК

## КИРИШ

ларнинг бу борадаги фаолияти ғоявий-назарий оқимлар томонидан кескин танқид қилинмоқда. Маълум маънода, ана шундай танқидлар туфайли ТМҚларни «хатти-ҳаракат кодекси»га бўйсундириш орқали, жаҳон ҳамжамияти уларнинг фаолиятини бироз бўлсада чеклашга уринмоқда. Афсуски, бу борада БМТ ва ОЭСР доирасида кўрилган чоралар кутилган самара бермаётир. Чунки иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланган энг қудратли давлатларнинг жаҳон бозорида ана шундай “ўйин” қоидаларининг амал қилишидан манфаатдор экани масалага ойдинлик киритади.

Ҳозирги даврда барча минтақалардаги мамлакатларда тахминан 26 минг филиалига эга 7 мингдан зиёд ТМҚлар фаолият юритмоқда. Лекин уларнинг экспорт-импорт ва сармоявий фаолияти асосан учта асосий иқтисодий ҳудуд, яъни АҚШ, ЕИХ (Европа иқтисодий ҳамжамияти), Япония, шунингдек, яна тахминан ўнта ривожланаётган давлатларда амалга оширилади. Бу ҳудудларда юқори маънада ишчи кучининг мавжудлиги, бозорларнинг нисбатан ҳимоя этилгани, инфратузилма, таълим, илм-фан ва ахборот соҳаларида эришилган юксак тараққиёт ҳар уч иқтисодий ҳудуд аҳолисининг муносиб яшаш даражасининг баландлиги ҳамда истеъмолнинг тенглашувига хизмат қилади. ТМҚ фаолияти орқали кечадиган иқтисодий жараёнлар халқаро савдо, молия ва юқори технологиянинг катта қисмини қамраб олади. Айтайлик, АҚШ ва бошқа давлатлар ўртасидаги савдо алоқаларнинг 80 фоизи ТМҚлар томонидан бошқарилади. 1988 йилда Кўшма Штатларда ТМҚларнинг маҳаллий филиаллар экспорт маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми 87 млрд. долларни ёки АҚШ импортининг 19 фоизини ташкил этган.

Юқорида тилга олинган жараёнлар Европа, Америка ва Осиёда иқтисодий интеграциянинг тезлашуви, рақобатнинг ва шу билан бир вақтда, ҳозирги даврнинг асосий иқтисодий минтақалари ўртасидаги боғлиқликнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, бу жараёнлар жиддий сиёсий оқибатларни

келтириб чиқараётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Шундай қилиб, ТМҚлар ўз фаолияти орқали халқаро муносабатларни ўзгартириш борасида муайян автономияга эгадир. Бу ҳол турли давлатлар ташқи сиёсатида эътиборга олинишида, яъни ТМҚлар жиддий таъсир кўрсатуви халқаро актор эканида намоён бўлади.

Ушбу талабларга халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари: миллий-озодлик, айирмачилик ҳаракатлари, маориф гуруҳлари, террористик ташкилотлар, минтақавий ва маҳаллий маъмурият, алоҳида шахслар ҳам қисман жавоб беради. Улардан айримлари, масалан, миллий-озодлик ёки айирмачи ҳаракатлар кўпроқ халқаро субъектларнинг юқорида келтирилган социологик маънода талқин этилган субъекти ҳисобланади. Бинобарин, улар нуфузли ҳукуматлараро ташкилотлар аъзоси ёки кузатувчи мақомига эга бўлишга ҳаракат қилади ва бу ҳаракатларни халқаро актор мақомига эга бўлиш борасидаги асосий масала деб ҳисоблайди. Масалан, Фаластин озодлик ташкилоти, Араб давлатлари лигаси ва Ислон конференцияси ташкилоти Кўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси бўлиш билан бир қаторда, БМТда кузатувчи мақомига ҳам эга. Лекин бу ҳол сўнгги вақтларга қадар айрим давлатлар (Исроил ва маълум даражада Омон ва Йордания каби араб давлатлари) томонидан тўлиқ тан олинishiга имкон бермади. 1988 йил 15 декабрда Фаластин миллий кенгашида ФОТ раиси Я.Арофат томонидан Фаластин давлатининг тузилгани эълон қилингани ва унинг кўпчилиги араб давлатлари томонидан тан олинганига қарамай, амалда бундай давлатнинг ташкил топиши рўёбга чиқмади.

Шундай қилиб, ҳозирги даврда халқаро сиёсий фаннинг барча назарий йўналишлари томонидан тан олинган халқаро муносабатларнинг барқарор тенденцияларидан бири – бу муносабатлар субъектларининг сони ва хилма-хиллигининг ўсиб боришидир.

## Жаҳон мамлакатлари ва уларнинг хусусиятлари

Мамлакатлар турлари — уларни баъзи хусусияти, салоҳияти, имконияти, геосиёсий ва жўғрофий жойлашуви, тараққиёт даражаси, инсон омили ва бошқа жиҳатлари бўйича бир-биридан фарқлаш мезонларидир.

Дунёвий тараққиёт, унинг узлуксиз илдамлаб бориши мамлакатларнинг салоҳияти, имкониятини аниқ далилларга таянган ҳолда баҳолаш заруратини тақозо этади. Бугунги кунда турли мамлакатлар тараққиёт даражасини ўрганиш ва баҳолаш иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маънавий соҳаларини тадқиқ этиш орқали амалга оширилади.

### Мамлакат турлари:

#### 1. Юксак даражада ривожланган мамлакатлар:

##### 1.1. Етакчи мамлакатлар.

Мазкур мамлакатлар сафига бугунги кунда Ер юзида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан юксак даражада ривожланган, жаҳон майдонида ўзининг таъсир доираси ва алоҳида ўрнига эга бўлган давлатлар киради.

1.2. Юқори даражада ривожланган Ғарбий Европанинг кичик давлатлари.

1.3. Ривожланишнинг “капиталистик” йўлидан борган мамлакатлар.

#### 2. Ўрта даражада ривожланган мамлакатлар

2.1. Ғарбий Европанинг ўртача ривожланган мамлакатлари.

2.2. Марказий ва Шарқий Европанинг ўртача ривожланган мамлакатлари.

#### 3. Ривожланаётган мамлакатлар

##### 3.1. Етакчи мамлакатлар.

3.2. Капитализм нисбатан ривожланган давлатлар.

3.3. Янги мустақил давлатлар.

## Европа

Европа минтақаси Ер куррасининг энг ривожланган ва халқаро муносабатларнинг фаол субъекти ҳисобланади. Бугунги кунда Европа умумий тараққиёт, сиёсий таъсир ва бошқа кўплаб хусусиятларга кўра, Ғарбий ва Шарқий Европага бўлинади.

Ғарбий Европа Евроосиё материгининг ғарбий қисми бўлиб, 3,7 млн. км<sup>2</sup>. майдонни эгаллайди. У жўғрофий жиҳатдан уч томондан: шимол, ғарб, жануб томондан денгиз билан ўралган ва фақатгина шарқ томондан Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ва шиоли-шарқда Россия билан чегарадош.

Ушбу ҳудудда нефть, кўмир ва табиий газ, металл конлари, калий тузи, мрамар, минерал хом ашё ва табиий бойликлар мавжуд.

Худудининг 30 фоиздан кўпроғи ўрмонлар билан қопланган. Ғарбий Европада чучук сув муаммоси йўқ. Рейн, Дунай ва бошқа дарёлар ҳудуд учун қулай транспорт йўли сифатида хизмат қилади. Скандинавия, Альп ва бошқа тоғларда дарёлар сероб бўлгани гидрорознергетика ривожига кенг имкон яратади.

**Тараққиёт хусусиятлари.** Ғарбий Европа жаҳон цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ушбу ҳудудда 24 та мустақил давлат (Австрия, Андорра, Бельгия, Ватикан, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Исландия, Испания, Италия, Лихтейнштейн, Люксембург, Мальта, Монако, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Сан-Марино, Финляндия, Франция, Швейцария, Швеция) мавжуд бўлиб, аҳолисининг умумий сони 387 млн. атрофида. Ғарбий Европанинг иқтисодий тараққиётида капиталистик ва бозор иқтисодиёти муносабатлари устун. Аҳолиси ва ҳудуди жиҳатдан Ғарбий Европа сайёрамиз майдонининг 3 фоизини ва аҳолисининг 7 фоизини ташкил қилсада, гоаят юксак ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Чунончи, дунё саноати ва қишлоқ хўжалигининг 1/5 қисмини ташкил этади. Ушбу минтақа юқори даражада ривожланган бўлиб, бутун дунё ташқи савдоси, халқаро муносабатлар, капитал ва инвести-

ция сиёсати, миграция, туризм соҳаларида дунёдаги етакчи минтақа ҳисобланади.

Минтақада «катта саккизлик»ка кирадиган Германия, Франция, Буюк Британия, Италия каби давлатлар энг ривожланган бўлса, микромамлакатлар, жумладан, Ватикан, Андорра, Сан-Марино, Монако, Мальта, Люксембург, Буюк Британиянинг мулки бўлган Гибралтар, Исландия каби кичик мамлакатлар ҳам ушбу минтақада жойлашган.

Минтақа тараққиётида Иккинчи жаҳон урушидан кейин «Маршалл режаси» асосида АҚШнинг жуда катта иқтисодий ёрдами ва Европанинг интеграциялашувини янада мустаҳкамлаб, ривожлантирган Европа иттифоқининг ташкил этилиши муҳим ўрин тутади. ЕИ бутунги кунда 25 та давлатни бирлаштиргача ҳолда, улар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий барқарорлик ва минтақанинг янада тараққий этишида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Ғарбий Европа давлатларининг аксарияти штаб-квартираси Брюссель шаҳрида жойлашган НАТО ҳарбий-сиёсий блокнинг аъзоларидир. Бу блокка бетарафлик мақомига эга бўлган Финляндия, Швеция, Швейцария, Австрия, Ирландия, Мальта каби давлатлар кирмайди. Бу минтақада аҳоли зичлиги ниҳоятда юқори. Аҳолининг кўпайиш сони жиҳатидан эса Ғарбий Европа дунёда охириги ўринда туради. Бу ҳол туғилиш даражасининг пастлиги ва ўлим даражасининг юқорилилиги билан изоҳланади. Минтақа аҳолисининг 3/4 қисми шаҳарларда яшайди. Бу кўрсаткич Буюк Британия, Германия, Бельгия, Швеция ва Исландияда 85 фоизни ташкил этади.

**Иқтисодиётининг умумий характери** каси. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бу минтақада жойлашган кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодиёти издан чиққанлиги сабабли улар жаҳон бозоридаги мавқеини бутунлай йўқотди. Ғарбий Европа АҚШга иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан қарам бўлиб қолди.

Бирок, ўтган асрнинг 50–60–йилларида ма-лакали ишчи кучининг арзонлиги ва бошқа сабабларга кўра минтақага Америка капиталининг кириб келиши оқибатида Ғарбий Европа иқтисодиёти жадал ривожлана бошлади.

70–йилларга келиб, Ғарбий Европа саноат ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан АҚШ билан деярли тенглашди. Унинг ташқи савдо ва иқтисодий мавқеи кучайиб, АҚШдан молиявий қарздорлик даражаси бирмунча камайди. Бутунги кунда ЕИ доирасида ягона пул бирлиги “евро” амал қилмоқда. Ғарбий Европа иқтисодиётининг муҳим хусусияти – миллий даромаднинг кўпроғи давлат секторига тегишли эканидadir. ЕИда ва минтақанинг бошқа давлатларида иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг узок муддатли дастурлари изчил амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор ҳудудий ривожланишга қаратилмоқда. Ҳудудларни ривожлантириш мақсадида юз миллиардлаб маблағ сарфланмоқда. Минтақа иқтисодий ҳаётида трансмиллий саноат компаниялари муҳим ўрин тутади.

Энг машҳур 10 та трансмиллий компания:

1. “Ройял датч-шелл” (Нидерландия).
2. “Новартис” (Швейцария).
3. “Бритиш петролеум” (Буюк Британия).
4. “Рош Холдинг” (Швейцария).
5. “Глэско Веллкам” (Буюк Британия).
6. “Юнилевер” (Нидерландия).
7. “Нестле” (Швейцария).
8. “Энте национале идрокарбури” (Италия).
9. “Даймлер-Бенц” (Германия).
10. “Сименс” (Германия).

Мазкур трансмиллий компаниялар жаҳон бозорида капитали ҳажми жиҳатидан етакчи ўринда туради. Ғарбий Европа енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ҳажми жиҳатидан АҚШдан олдинда туради.

Марказий ва Шарқий Европа ҳудуди 15 собиқ социалистик давлатларни (Эстония, Латвия, Литва, Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Сербия ва Черногория, Словения, Хорватия, Босния ва Герцоговина, Македония, Албания) ўз ичига олади. Европанинг ушбу минтақасида йирик Европа давлатларининг ўз таъсир доираларини кенгайтириш борасида олиб борган кураши жараёнида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида кўплаб фожиали воқеа-ҳодисалар юз берган. Ҳудуд-

нинг Болтик, Қора ва Адриатика денгизларига чиқиш имкониятлари ва бошқа табиий захиралари ҳамisha кучли давлатларни жалб этиб келган. Бугунги кунда бу давлатлар Фарбий Европа мамлакатлари билан интеграциясининг жадаллашуви кўзга ташланмоқда.

### Америка

Америка – икки материк, яъни Шимолий Америка ва Жанубий Америкадан иборат қитъа; улар орасидаги чегара Дарпен бўйини, баъзан эса Панама канали орқали ўтказилади. Дунёдаги энг катта Гренландия ороли ва ён-атрофдаги бир қанча бошқа ороллар ҳам Америка таркибига киради. Фарбий ярим шарда, Атлантика ва Тинч океанлари ораллигида жойлашган. Америка қитъасида Марказий Америка ва Вест-Индия ороллари ҳам жойлашган. Умумий майдони 42,5 млн. км<sup>2</sup>. Аҳолиси 1 млрд га яқин. Гренландия ва Шимолий Американинг шимоли-шарқий соҳили Х-ХІ асрларда норманлар томонидан кашф этилган. Антил ороллари, Жанубий Америка соҳилининг шимолий қисми ҳамда Шимолий Америкадаги Кариб денгизи соҳилининг жанубий қисмини 1492-1503 йилларда Х.Колумб кашф этган. Америка расман кашф этилишидан V аср илгари буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний фарбий ярим шарда ҳам қуруқлик бўлиши мумкинлигини тахмин қилган. Америка уни илк бор кашф этган Америкго Веспуччи номига қўйилган.

**Шимолий Америка.** Шимолий Америка худудида юксак даражада тараққий этган давлатлар – АҚШ ва Канада жойлашган. Шимолий Америка минтақаси жанубда Лотин Америкаси давлатлари, яъни Мексика ва Кариб денгизи давлатлари билан, шарқда Гренландия билан, фарб ва шимолда Россия билан денгиз чегаралари орқали туташади.

АҚШ ва Канада ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бир-бирига жуда ҳам ўхшаш бўлиб, бу уларнинг жўғрофий жойлашувида ҳам намён бўлади. Тарихий тараққиёт борасида ҳам асосий аҳолиси кўчиб келганлардан иборат бўлганлиги билан бир-бирига ўхшашдир. Икки

мустақил давлатга Европа мустамлакалари, асосан, инглиз ва француз кўчманчилар асос солган ва маҳаллий аҳолини резервацияларга сиқиб чиқарган. Канаданинг жанубий қисмида жойлашган АҚШнинг континентал қисмига аҳолининг кўплаб кўчиб келиши натижасида бу худудлар иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланган.

Қулай жўғрофий жойлашув туфайли ҳар икки мамлакат Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушида нафақат ўз иқтисодий салоҳиятини сақлаб қолди, балки уни ривожлантиришга ҳам эришди. Бугунги кунда АҚШ ва Канада НАТОнинг етакчи аъзоларидир.

Бой минерал хом ашё, ўрмон ва энергетика ресурслари Шимолий Америка саноатининг тез суръатларда ривожланишига, унумдор тупроқ ва қулай иқлим шароитлари эса катта миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни жаҳон бозорига олиб чиқиш имконини берди. Саноатга, қишлоқ хўжалигига ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига илмий техникавий ютуқларни жорий қилиш натижасида минтақа улкан тараққиётга эришди. Бугунги кунда дунёдаги ишлаб чиқаришнинг 31 фоизи Шимолий Америка улушига тўғри келади. АҚШ ва Канада дунёнинг ривожланган етакчи мамлакатларидан ташкил топган “катта саккизлик”нинг етакчи аъзолари ҳисобланади. АҚШ, Канада ҳамда Мексика ўртасидаги ўзаро муносабатлар Мексикани ҳам ўз ичига оладиган Шимолий Америка Эркин савдо шартномаси (НАФТА) ва бошқа шартномалар асосида ривожланиб келмоқда.

**Жанубий Америка** ёки Лотин Америка минтақаси баъзан АҚШ ва Антарктида ўртасида жойлашган Фарбий ярим шар ҳам деб аталади. Унинг таркибига Мексика, Марказий Америка давлатлари, Вест Индия ва Жанубий Америка давлатлари киради. Мексика, Марказий Америка ва Вест Индия баъзан Ўрта Америка ҳам дейилади. Жанубий Американи икки худудга ажратиш мумкин: Анд давлатлари (Венесуэла, Колумбия, Эквадор, Перу, Боливия, Чили) ва Лаплат ёки Атлантика давлатлари (Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай).

Минтақанинг Лотин Америкаси деб ата-лишига асосий сабаб - тил, дин ва маданият жиҳатидан Пиреней ярим оролида яшовчи роман (лотин) халқларининг, яъни испан ва португалларнинг XV-XVII асрларда Американинг ушбу қисмини истило этиб, мустамлакага айлангириши оқибатида ўзига хос лотин америка халқларининг вужудга келишидир. Бошқа Европа давлатлари, чунончи Буюк Британия, Франция ва Нидерландия бу ҳудудларни босиб олиши бирмунча кеч бошлангани сабабли бу давлатларнинг маданияти ва тили кам тарқалган. Лотин Америкасида жойлашган 33 та мустақил давлатдан 18 тасининг расмий тили испан тилидир. Бразилия аҳолисининг 34 фоизи португал тилида сўзлашади. 14 кичик давлатларда (3% атрофида) француз тили расмий тил сифатида қабул қилинган. Гайана, Белиз, Тринидад ва Тобаго, Барбадос, Ямайка, Багам ороллари, Гренада, Доминика, Сент-Люсия, Сент-Винсент ва Гренадина, Сент-Кристофер ва Невис, Антигуа ва барбудаликлар инглиз тилида, суринамликлар эса нидерланд тилида сўзлашади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустамлакачилик тизимининг емирилиши оқибатида Лотин Америкаси давлатларида миллий озодлик ҳаракатлари бошланиб кетди. 1959 йилда Кубанинг мустақилликка эришиши, кўплаб Буюк Британия мустамлакачиларининг суверенитетини қўлга киритиши ушбу ҳудудларда демократик ҳаракатларнинг мустақамланишига олиб келди.

Лотин Америкаси давлатлари фойдали қазилмаларга ниҳоятда бой бўлиб, бу минтақада минерал хом ашёнинг барча тури учрайди. Бой нефть ва газ захираларига эга. Масалан, аниқланган нефть захиралари 18 млрд. тонна миқдориди баҳоланмоқда. Энг катта нефть ҳавзалари Жанубий Америкада, асосан, Венесуэла ҳудудида жойлашган.

Шунингдек, Лотин Америкаси юқори сифатли темир рудасига ҳам жуда бой бўлиб, дунё захираларининг 1/4 қисми шу минтақада жойлашган. Бразилия юқори сифатли марганец қазиб олиш бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Анд давлатларида кўплаб вольф-

рам, молибден ва висмут конлари борлиги аниқланган.

**Иқтисодий тараққиёт хусусиятлари.** Мустамлакачилик даврида Лотин Америкаси давлатларида фақатгина икки соҳа - тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожланган эди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот, асосан, Испания ва Португалияга ташиб кетиларди. Биринчи жаҳон уруши Лотин Америкаси давлатларининг Европа билан иқтисодий алоқаларининг бутунлай узилишига олиб келди. Бу, бир томондан, маҳаллий ишлаб чиқариш ва саноатни ривожлангирган бўлса, иккинчи томондан АҚШ инвестициясининг экспанциясига имкон яратди.

Жаҳон иқтисодий инқирози (1929-1933) ва Иккинчи жаҳон уруши даврида минтақада импорт товарларнинг етишмаслиги унинг саноатлашувига олиб келди. Шу билан бирга, Лотин Америкаси давлатлари чет эл корпорацияларидан ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун чет эл инвесторлари ва маҳаллий олигархларнинг қаршилигига қарамасдан, нефть, металлургия, энергетика корхоналарини давлат секторига айлангирди. Ҳозирги вақтда Лотин Америкаси давлатларининг иқтисодий тараққиётидаги энг катта муаммо - ташқи қарзларнинг ўсиб бораётганидир. Бу соҳада, айниқса, уч етакчи давлат - Бразилия, Аргентина ва Мексика етакчилик қилмоқда.

Ҳозирги даврда Лотин Америкаси давлатлари иқтисодий тараққиёт жараёнида минтақадаги барча ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини мустақамламоқда. 1960 йилда Лотин Америкаси Эркин савдо ассоциацияси ташкил этилиб, 1980 йилга келиб Лотин Америка Интеграция ассоциациясига ва Марказий Америка умумий бозори (МССА)га айлангирилди. 1968 йилда Кариб Эркин савдо ассоцияси тузилди ва кейинчалик бу Кариб минтақасида жойлашган 12 давлат ва мустақил ҳудудларни бирлаштирган Кариб умумий бозори (КАРИКОМ) деб аталадиган бўлди. 1969 йилда Лотин Америка эркин савдо ассоциацияси доирасида Анд ва Лаплат гуруҳлари юзага келди. 1978 йилда эса 8 мамлакат иштирокида Амазонка пакти

тузилди. 1986 йилда Лаплат гуруҳи ўрнида Бразилия ва Аргентина ўртасида ўзаро интеграция тўғрисида шартнома тузилди ва унга кейинчалик Уругвай ва Парагвай қўшилиши натижасида ҳозирги кунда минтақадаги энг йирик ва фаол бўлган Жанубий бозор (Меркосур) гуруҳи вужудга келди. 1996 йилда Меркосурга Чили ва Боливиянинг қўшилиши туфайли унинг салоҳияти ва имконияти янада кенгайди. Шунингдек, мазкур гуруҳга аъзо давлатлар Тинч океанга божсиз чиқиш имконига эга бўлди.

1975 йилда Лотин Америка иқтисодий тизимининг (ЛАИТ) ташкил топиши ва унинг таркибига социалистик давлат ҳисобланган Куба билан биргаликда 25 та давлат кириши минтақавий ҳамкорликни янги bosқичга кўтарди. ЛАИТ доирасида бир қанча қўмита ва дастурлар озиқ-овқат, ўғит, хунармандчилик, энергетика, металлургия ва бошқа соҳаларда фаолият олиб бормоқда.

Ўзаро интеграция соҳасида сўнгги йиллардаги муҳим воқеалардан бири сифатида 1995 йил 1 январда Шимолий Америка эркин савдо ассоциациясининг (НАФТА) тузилиши ҳақидаги шартноманинг кучга киришини эътироф этиш мумкин. Ҳозирги вақтда АҚШ, Канада ва Мексика ўртасида тузилган ушбу ташкилотта жанубий давлатлар: Колумбия ва Венесуэладан ташқари КАРИКОМ уюшмасига кирадиган мамлакатларнинг ҳам қўшилиши борасида музокаралар олиб борилмоқда.

Лотин Америкаси давлатларининг бугунги хўжалик тармоқлари ва хусусиятлари қуйидагилардир:

**1. Хўжаликнинг кўп укладлилиги,** яъни кўпчилик давлатларда ҳанузгача капитализмга қадар мавжуд бўлган иқтисодий муносабатларнинг сақланиб қолгани. Ёлланиб ишлаш, йирик корпорациялар иқтисодий ҳукмронлигининг ўрнатилиши.

**2. Хўжаликнинг тор соҳаларга мўлжалланганлиги.** Мустамлакачилик даврларидан буён ер ва бошқа табиий ресурсларнинг муайян синфларнинг қўлида сақланиб қолгани ва саноатнинг етарли даражада ривожланмагани оқибатида чет эл монополиясининг кириб келиши.

**3. Хориж капиталига боғлиқлик.** Лотин Америкаси иқтисодиётида ривожланган давлатларнинг капитали устунлик қилиб келмоқда. Айниқса, АҚШ ва Япония саноатчилари бу минтақада катта мавқега эга.

**4. Иқтисодиётда давлат секторининг ривожланиши.** Давлат секторининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ҳар бир давлатда турлича бўлиб, у кўпинча ички сиёсий кучларга боғлиқ. Аксарият мамлакатларда инфратузилма давлат томонидан назорат қилинса, бошқаларида у нефть, металлургия, кимё соҳаларини назорат этади.

Тоғ-кон саноати Лотин Америкаси давлатлари иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Кўпчилик давлатларда валюта тушумини кенгайтириш мақсадида маҳсулотни экспорт қилишга эътибор қаратилаётган бўлса, айрим йирик давлатлар кўпроқ ички эҳтиёжни қондиришга интиломоқда.

Тоғ-кон саноатининг деярли ярмини нефть ва газ ташкил этмоқда. Лотин Америкаси дунёнинг нефть ва газ захираларига бой ҳудудларидан саналади. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Перуда нефть қазиб олиш ишлари бошлаб юборилган эди. XX асрнинг бошларида Мексика нефть экспорт қилиш бўйича дунёдаги етакчи мамлакат ҳисобланган бўлса, Биринчи жаҳон урушидан кейин Венесуэла ана шундай мавқега эга бўлди. Бироқ ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, янгидан-янги нефть конлари очилиши муносабати билан Мексика яна устунлик қила бошлади. Бугунги кунга келиб Лотин Америкаси давлатларининг 13 тасида нефть билан газ қазиб олинади ва бунда асосан давлат компаниялари етакчилик қилади. Лотин Америкасида Мексика ва Венесуэла нафақат нефть экспорт қилишда, балки унинг аниқланган захиралари бўйича ҳам етакчилик қилади.

Шунингдек, минтақада газ қазиб олиш саноати ҳам юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу соҳада Мексика, Венесуэла, Аргентина етакчи давлатлардан ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилчиларнинг фикрига кўра, яқин орада Боливия ҳам газ экспорт қилувчи энг йирик давлатга айланади.

Минтақа тоғ-кон саноатида темир рудаси қазиб олиш ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳозирги вақтда Бразилия темир рудасини қазиб олиш ва уни экспорт қилиш бўйича нафақат Лотин Америкасида, балки дунё миқёсида биринчи ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги ҳам Лотин Америкаси давлатлари иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан ҳисобланиб, шакарқамиш, кофе, какао, банан, пахта, дон, чорвачилиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал ривожланиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, минтақадаги сиёсий барқарорлик ва иқтисодий интеграция унинг тез суръатлар билан тараққий этишига имкон бермоқда.

## Африка

Африка ҳақида сўз кетганда сиёсатшунос, жамиятшунос ва иқтисодчилар назарида кўпинча, иқтисодий қолоқлик, этник ва уруг-аймоқчиликка асосланган турмуш тарзи, доимий беқарорлик тилга олинади. Бунинг ҳам ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Ер куррасининг энг ривожланмаган ва бугунги кунда кўплаб муаммолар гирдобидида қолган минтақаси – Африкадир.

Аммо, Африканинг дунё сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олмаслик ҳам, албатта, хато бўлади. Чунки бу минтақада ривожланиш ва ишлаб чиқариш даражаси турлича бўлиб, у мамлакатлар иқтисодиётига ва салоҳиятига қараб фарқланади.

Мисол учун Миср, Марокаш, Ливия, Жазоир каби Шимолий Африка давлатлари бирмунча ривожланган бўлса, Марказий Африкада жойлашган айрим давлатларда ҳозиргача ибтидоий яшаш тарзи ҳукмрон.

Африка давлатларининг аксариятида ҳали ҳам шаҳарлар ва замонавий инфратузилмалар шаклланмаган. Мазкур минтақа минерал ва бошқа табиий захираларга ниҳоятда бой бўлса-да, бу ҳол аҳолининг турмуш тарзига деярли таъсир этмайди, у ҳамон пастлигича қолмоқда. Касалхоналар, таълим ва бошқа ижтимоий муассасалар фаолияти ниҳоятда паст. Турли-туман касалликларнинг тарқали-

ши, СПИД, ичимлик сувининг етишмаслиги, таълим даражасининг пастлиги, тўхтовсиз давом этиб келаётган этник, миллатлараро, қабилалар ўртасидаги низо ва қуроли тўқнашувлар, аҳолининг жадал суръатлар билан кўпайиб бораётгани, очлик, табиатта нисбатан аёвсиз муносабат бугунги Африка учун одатий тус олмоқда. Бу жараёнлар Ер куррасидаги глобал муаммоларнинг янада кескинлашувига сабаб бўлмоқда.

Маълумотларга қараганда, Африка қитъасида ҳозирги вақтда 3 минг атрофида турли этник гуруҳ мавжуд бўлиб, улар ранг-баранг дин, маданият, тил, элат ва қабилаларга бўлинган. Бу ҳол ҳамда аҳоли маданий ва сиёсий савиясининг пастлиги туфайли минтақада тўхтовсиз низо ва можаролар келиб чиқмоқда. Масалан, ҳозирги даврда Суданинг Дарфур провинциясида юз бераётган тўқнашув бунга мисол бўла олади.

Африка қитъаси жўғрофий жиҳатдан 5 та: Шимолий, Ғарбий, Шарқий, Марказий ва Жанубий Африка ҳудудларига бўлинади.

Африка азалдан кўплаб сайёҳ олим ва бойлик изловчиларни ўзига жалб этиб келган. Африканинг шимоли-шарқидида кўп минг йиллик тарихга эга Миср, Наната, Мероз, Аксум каби кучли давлатлар, шимол ва ғарбда гармантлар ва Тана каби давлатлар пайдо бўлган.

Европаликларнинг минтақага кириб келиши оқибатида унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жиддий ўзгаришлар юз берди. Дастлаб қитъадан қулларни ташиш ва улар билан савдо қилиш авж олган бўлса, кейинчалик деярли барча Африка мамлакатлари Европа давлатларининг мустамлакасига айлантирилди.

Жумладан, Жазоир, Тунис, Марокашнинг бир қисми, Ғарбий ва Экваториал Африка, Мадагаскарни Франция, Нигерия, Гана (ўша вақтда Олтин Қирғоқ), Сьерра-Леоне, Гамбия, Шимоли-Шарқий, Шарқий ва Жанубий Африканинг асосий қисмини Буюк Британия, Того, Камерун, Жануби-Ғарбий Африка (ҳозирги Намибия), Шарқий Африка (ҳозирги Танзаниянинг бир қисми)ни Германия, Ангола, Мозамбик, Гвинея-Бисауни Португалия, Ливия, Эритрия ва Сомалининг бир қисмини Италия, ҳозирги Конго Демократик

## КИРИШ

Республикасини Бельгия, Фарбий Сахрои Кабир (ҳозирги Экваториал Гвинея)ни Испания ўз мустамлакасига айлангирди. Албатта, бу ҳол табиий равишда Европа маданияти, тили, дини, турмуш тарзининг тарқалишига замин яратган эди.

Бироқ, Африка мамлакатларининг мустақиллик сари интилишлари тобора яққол намён бўла бошлади, қитъада миллий-озодлик ҳаракати авж олди. Дастлаб иқтисодий жиҳатдан бирмунча ривожланган давлатлар мустақилликка эришган бўлса, уларнинг ортидан бошқа мамлакатлар ҳам озодлик учун кураш бошлаб юборди. 1910 йилга келиб ЖАР мустақиллик учун кураши натижаси ўлароқ, ўз ўзини бошқариш ҳуқуқига эга бўлди. 1922 йилда Миср мустақилликни қўлга киритди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса озодлик учун кураш янада кескинлашиб, 1956 йилда шимолий Африка давлатларидан яна учтаси - Марокаш, Тунис ва Судан мустақилликка эришди. Ливия ва яна бошқа бир қатор давлатларнинг мустақилликка эришишида БМТ қарорлари ва қўллаб-қувватлаши алоҳида аҳамият касб этди. Умуман олганда, Африка давлатларининг мустақиллик сари интилиши уларнинг бугунги кунда халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланишига имкон яратди. Африка қитъаси Ер қуррасида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг бойлиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Шу боис бу ҳудудда бир томондан, туризм соҳасини янада ривожлантириш, иккинчи томондан табиатни муҳофаза қилиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Қитъада саноат ишлаб чиқариш, ЯИМ кўрсаткичлари ниҳоятда паст бўлиб, дунё миқёсидаги ишлаб чиқаришнинг атиги 1,4 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич ҳам, асосан, нисбатан ривожланган давлатлар улушига тўғри келади. Айрим мамлакатларда ҳозиргача ибтидоий хўжалик сақланиб қолаётгани, минтақа асосан хом ашё етказиб берувчи ҳудуд экани ривожланган давлатларнинг ҳукмронлик қилишига сабаб бўлмоқда. Масалан, тараққий этган мамлакатларнинг олмосга бўлган эҳтиёжининг қарийб 90 фоизи Африка қитъасида ишлаб чиқариладиган бу

қимматбаҳо маъдан ҳисобига қондирилади. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда АҚШ, Германия, Япония каби ривожланган давлатлар инвестицияси ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Улар стратегик хом ашё, нефть, олмос ва бошқа қазилма бойликларни қазиб олиш, банк соҳаси, энергетика тармоғига инвестиция олиб кирмоқда. Инвестицияларни жалб қилишда ЖАР, КДР, Нигерия, Габон, Кения, Кот-д'Ивуар каби мамлакатлар етакчилик қилмоқда. Бугунги Африка ривожланиш салоҳияти ва иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ЖАР алоҳида ўрин тутади. Умуман, мутахассислар Африка тез суръатлар билан ривожланаётганини, чунончи, ўсиш суръати 7 фоизни ташкил этаётганини таъкидламоқда. Мустақилликка эришган кўплаб Африка мамлакатларида улкан саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилди. Бу соҳада Шимолий Африка давлатлари етакчилик қилмоқда. Шунингдек, Жазоир ва Миср, Нигерия, Гана, Кения, Сенегал, Гвинея, Замбия каби давлатларда ҳам саноатлашувнинг дастлабки босқичи якунланди, дейишга асос бор. Тоғ-кон саноати Африка иқтисодиётининг асосий бўғини ҳисобланади. Олмос, платина, олтин, марганец, ванадий, хром, кобальт каби фойдали қазилмалар қазиб олиш бўйича Африка дунёда етакчи минтақалардан бўлса, фосфорит, уран, мис, асбест, графит қазиб олишда эса мутлақ биринчиликни эгаллаб турибди. Эътиборли жиҳати шундаки, дунё тоғ-кон саноатининг 15 фоизи Африка улушига тўғри келади.

Африка қитъаси тараққиётида, айниқса, нефть, кўмир, олтин, олмос, мис, темир ва бошқалар алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, ўтган асрнинг 60-йилларигача Африка минерал захираларга бой бўлмаган минтақа ҳисобланиб келган. Бугунги кунга келиб бу борада сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда.

Масалан, дунё нефть бозорида Африканин улуши 10 фоизни ташкил этади. 2000 йилларнинг бошида нефть қазиб олиш ҳажми 317 млн. тоннага етди (Нигерия 113 млн. тонна атрофида, Ливия 70 млн., Жазоир 62 млн., Миср 44 млн., Ангола 36 млн., Габон 18 млн.

тонна). Газ қазиб олиш ва уни экспорт қилиш бўйича Жазоир етакчилик қилмоқда. Бу мамлакат газни 1982 йил қурилган трансконтинентал газопровод орқали Европага экспорт қилмоқда.

Қитъа дунё бўйича қазиб олинаётган уранинг 1/4 ни етказиб бермоқда. Иккинчи жаҳон уруши даврида ва ундан сўнг Зоирдан қазиб олинган уран дастлабки ядро қуролини яратиш ва Японияда синаб кўришда фойдаланилган. Ҳозирги вақтда Африкада қазиб олинаётган уранинг 2/3 қисми ЖАР ҳиссасига тўғри келади. Темир рудаларини қазиб олиш ҳам тоғкон саноатининг тез ривожланиб бораётган тармоғи ҳисобланади. Дастлаб бу руда, асосан, Жазоир, Тунис, Марокашда қазиб олинган бўлса, ҳозирги даврда Либерия, Мавритания ва ЖАР сингари давлатларда мазкур соҳа жадал ривожлантирилмоқда.

Қитъада рангли металл қазиб олиш муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиб, бу тармоқ ҳам тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Африка қитъаси иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этиши боис иқтисодий фаол аҳолининг 2/3, баъзи давлатларда 90 фоизи бу соҳада банд. Шунингдек, Африка кўплаб турдаги тропик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам етказиб беради. Жумладан, дунё миқёсида етиштирилаётган какао ва кокос ёнғоғининг 2/3, кофе ва пальма ёғининг 1/3, чойнинг 1/10 қисми бу қитъа улушига тўғри келади.

Африка қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари патриархал – жамоавий, феодал, деҳқон, миллий ва чет эл капитали асосида ташкил этилган, давлат ва кооператив хўжаликлар, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётнинг кўп укладлилиги кўзга ташланиб туради.

Африканинг шарқида Миср, Судан, Уганда, Танзания, Мозамбик каби давлатларда пахта етиштирилади, Мали, Нигерия, Чад, Конгода эса сўнгги йилларда уни етиштириш йўлга қўйилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Миср пахтачилик анъаналари ва пахта толасининг сифати нафақат қитъада, балки дунёда шуҳрат қозонган.

Қитъада чорвачилик муҳим соҳа ҳисобланса-да, унинг маҳсулдорлиги жуда паст. Африкада кўчманчилик ва ярим кўчманчиликка асосланган чорвачилик асосан ЖАР, Зимбабве, Кенияда мавжуд, бу мамлакатларда чорвачилик фермалари анчагина ривож топган. Саванналарда, асосан, қорамолчилик ривожланган бўлса, чўлларда кўпроқ қўй кўпайтиришга эътибор берилади.

Африка давлатларининг халқаро иқтисодий муносабатларида ташқи савдо ҳам муҳим ўрин тутади. Мазкур мамлакатлар бюджетига келиб тушадиган валюта тушумининг 4/5 қисми ташқи савдо улушига тўғри келади. Африка давлатлари экспортининг 90 фоизини ёқилғи, хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этади.

Қитъа савдо айланмасининг 80 фоизи ривожланган капиталистик давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Африка давлатларининг асосий савдо ҳамкори АҚШ, Япония, Германия, Италия, Франция, Испания, ХХР каби давлатлар ҳисобланади.

## Австралия ва Океания

Тинч океанининг марказий ва ғарбий қисмидаги ороллардан иборат ҳудуд. Ғарбий қисми Австралия ва Малай архипелаги билан ёндош. Океания Австралия қитъаси таркибига киради. Оролларнинг умумий майдони 1,26 млн. км<sup>2</sup>. Шунинг 80 фоизи Янги Гвинея ва Янги Зеландия оролларига тўғри келади. Океания одатда 3 қисмга бўлинади: Меланезия, Микронезия ва Полинезия. Австралияга яқин жойлашган Меланезия, Янги Зеландия ороллари материк ороллар ҳисобланади. Вулкан оролларига Гавайи, Самоа, Маркиз, Жамият, Кук, Тубуаи ороллари, Пасха ороли ва бошқалар киради. Океаниянинг энг баланд нуқтаси – Жая тоғи (5029 метр) Янги Гвинеянинг шимоли-ғарбида жойлашган. Ғарбий Микронезия, Меланезия ва Янги Зеландия оролларининг ер юзаси тоғлик. Океания оролларининг аксарият қисми иккала ярим шарнинг тропик иқлим минтақасида жойлашган.

Аҳолиси 31 млн. киши (2001, Австралия

билан бирга). Океаниянинг туб жой аҳолиси 4 гуруҳга бўлинади: папуаслар, меланезлар, полинезлар ва микронезлар. Океанияга европаликлар кела бошлаган вақтда (XVI аср боши) бу ерда тахминан 3.5 млн. аҳоли яшаган. Қирғинлар, кўплаб юқумли касалликларнинг тарқалиши ва бошқа сабаблар оқибатида аҳоли кескин камайган. XIX аср охири XX аср бошига келиб, аҳоли сони яна тез суръатлар билан ўса бошлаган.

Океанияда ирқи, тили, тарихи ва маданияти жиҳатидан кескин фарқ қиладиган халқлар яшайди. Уларни сон жиҳатидан 2 гуруҳга: маҳаллий аҳоли ва кўчманчиларга ажратиш мумкин. Океаниянинг маҳаллий аҳолиси полинезия, меланезия ва микронезия антропологик типларга мансуб. Маҳаллий аҳолининг бир қисми малай-полинез, бошқа қисми папуа тилларида сўзлашади. Папуа тиллари бир неча гуруҳларга бўлинади. Лекин Океания халқларининг тил гуруҳлари уларнинг этник ва маданияти жиҳатидан яқинлигини тўлиқ ифода этмайди. Этнографик адабиётда уларни кўпинча тарихи ва маданияти ўхшашлиги бўйича муайян гуруҳларга ажратишади. Океаниянинг маҳаллий аҳолисига мансуб бўлмаган халқлари инглиз-янги зеландиялик, француз (Янги Каледония), америкалик, япон ва филиппинлик (Гавайи ороллари), хинд (Фижи ороллари) ва бошқа миллат вакиллари билан иборат. Диний эътиқод жиҳатидан Океания аҳолисининг кўпчилиги насронийлардир.

Океаниянинг энг қадимги аҳолиси Океанияга бундан 20—30 минг йиллар аввал Жануби-шарқий Осиёдан бориб ўрнашган. Кейинроқ кўчиб келган қабилаларнинг папуаслар билан қўшилиши натижасида меланезлар пайдо бўлган. Микронезия ва Полинезияга аҳоли милоннинг биринчи минг йиллигида кўчиб борган. XVI аср бошида Океанияда яшовчи халқлар жамият тараққиётининг турли босқичларида бўлган. Европаликлар узок вақт Океанияга қизиқмаганлар. Кўпгина ороллари европаликларга XVIII асрнинг иккинчи ярмида маълум бўлади. Океания ороллари дастлаб Ғарбий Европа давлатлари, кейинроқ АҚШ эгаллай бошлади. Биринчи жаҳон урушидан кейин Океанияда сиёсий ташки-

лотлар вужудга келади. Иккинчи жаҳон уруши даврида Океания уруш ҳаракатлари майдонига айланади. Океания ҳудудида ривожланган давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилади. Урушдан кейин Океания халқларининг миллий озодлик учун кураши кўпгина оролларнинг мустақил давлатларга айланиши билан якун топади.

## Осиё

Осиё — Ер шаридаги энг катта қитъа (сайёрамиз қуруқлик майдонининг 30 фоизини эгаллаган). Евроосиё материгининг бир қисми.

Осиё шимолий ярим шарнинг барча жўғрофий минтақаларини ўз ичига олади. Малай архипелаги қисман жанубий ярим шарга кириб борган. Осиёнинг материкдаги энг чекка нуқталари: шимолда Челюскин (77°43' ш.к.), жанубда Пиай (26°10' ш.к.,у.), шарқда Дежнёв (169°40' ғ.у.), ғарбда Бобо бурлари (26°10' ш.к.,у.); шимолдан Шимолий Муз, шарқдан Тинч, жанубдан Хинд, жануби-ғарбдан Атлантика океани денгизлари (Ўрта, Эгей, Мармар, Қора, Азов) ва Каспий денгизи билан ўралган. Беринг денгизи Осиёни Америкадан ажратиб туради. Сувайш бўйни эса Осиёни Африка билан туташтиради. Европа билан Осиё чегараси шартли равишда Урал ва Муғожар тоғларининг шарқий этагидан, Эмба дарёси, Каспий денгизи, Кума ва Манич дарёлари бўйлаб ўтади.

Майдони 43,4 млн. км<sup>2</sup>. (Кавказ билан); шундан 8 млн. км<sup>2</sup>. ярим ороллари (Ямал, Таймир, Чукотка, Камчатка, Корея, Хиндихитой, Хиндистон, Арабистон), 2 млн. км<sup>2</sup>. дан ортиги ороллари (Северная Земля, Новая Сибирь, Врангель, Курил, Сахалин, Япон, Рюкю, Тайвань, Хайнань, Малай архипелаги, Андаман, Шри Ланка, Кипр). Дунёдаги энг баланд чўққилар ҳам Осиё қитъасида жойлашган (Химолдай тоғларидаги Жамолунгма чўққиси, 8848 м.). Энг чуқур сув ҳавзалари (энг чуқур жойи 1620 метр бўлган Байкал кўли, денгиз сатҳидан 392 метр паст бўлган Ўлик денгизи), очик ботиқлар ҳам (мутлақ белгиси — 154 метр бўлган Турфон сойлиги) Осиёдадир.

Осиё майдонининг 3/4 қисми тоғлар ва ясситоғлардан иборат. Энг баланд тоғлар Марка-

зий ва Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган. Тибет, Тяньшань, Помир, Ҳимолай, Ҳиндукуш, Қора курум ва Ўрта Осиёдаги бир қанча тоғ тизмаларининг баландлиги 7000 метрдан ошади. Кичик Осиёда, Арманистон, Эрон, Ҳиндихитой ярим ороллари, Япон ороллари ва бошқа ороллардаги тоғлар ҳам анча баланд. Ўрта Сибирь ясситоғлиги жанубдан Олтой, Фарбий ва Шарқий Саян тоғлари билан ўралган; ундан шарқда Байкал бўйи ва Забайкалье тоғлари, Становой ва Алдан тоғликлари жойлашган. Россия Федерациясининг шимоли-шарқида Юқори Яна, Черский тизмалари, Колима тоғлиги, Чукотка ва Камчатка тоғлари бор. Камчаткада, Шарқий Осиё ороллари ва Малай архипелагида сўнмаган вулқонлар бор.

Осиё майдонининг 1/4 қисми текисликлардан иборат. Энг катта текисликлари: Фарбий Сибирь, Турон, Буюк Ҳитой, Ҳинд-Ганг, Месопотамия. Тоғлар орасида жойлашган баланд текисликлар — Қашқар, Ҳунғория, Гоби, Цайдам ва Фарғона водийлари.

Осиёда 3720 млн. аҳоли яшайди (2001), бу Ер шари аҳолисининг 60,6 фоизини ташкил этади.

**Антропологик таркиби.** Фарбий Осиё, Жанубий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг асосий қисмларида инсоният тарихининг илк давридаёқ одамлар яшаган, қуйи палеолит даврида Жануби-Фарбий Осиёда, эҳтимол, ҳозирги типдаги одам (*Homo Sapiens*) таркиб топган. Осиёнинг каттагина қисмида одамлар юқори палеолит ва мезолит давридан яшай бошлаган. Осиёдан одамлар Америка, Австралия, Океанияга кўчиб борган. Осиёда европоид, монголоид, австролоид ирқлари шаклланган. Аҳолининг 55,4 фоизи монголоид ирқининг турли гуруҳларига киради. Фарбий Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Ўрта Осиё халқлари (тожиклар) европоид ирқига мансуб. Бир қанча кам сонли халқлар австролоид ирқи вакиллари дир. Фарбий Сибирь пасттекислиги, Жанубий Урал, Олтой, Қозғистон, Ўрта Осиё, Шимолий Ҳиндистондаги бир қанча халқлар (30 млн. га яқин) европоид-монголоид дурагай ирқига мансуб.

Осиё аҳолисининг этник таркиби ниҳоятда хилма-хил. Бу ерда кўплаб тил оилалари ва

гуруҳларига мансуб юзлаб халқлар яшайди.

Осиё ҳудудида аҳоли бир текис жойлашмаган. 1 км<sup>2</sup>. да аҳолининг ўртача зичлиги 87 киши. Япония (1 км<sup>2</sup>. да 336 киши), Ливан (430 киши), Корея Республикаси (493 киши), Шри Ланка (295 киши), Ҳиндистон (314 киши) каби мамлакатларда аҳоли зичлиги нисбатан баланд. Жанубий ва Марказий Ҳитойдаги соҳиллар ва йирик дарёларнинг водийлари, Япониянинг жанубий қисми, Ганг дарёси бўйи ва Брахмапутра этаклари, Ҳиндистон ярим оролининг шарқий соҳили, Меконг дарёси водийси, Ява оролида 1 км<sup>2</sup>. га 1000-1500 киши, баъзи жойларда ундан ҳам кўп киши тўғри келади. Шу билан бир қаторда, Марказий Осиё, Шимолий ва Фарбий Осиёнинг кўпгина ҳудудларида аҳоли жуда сийрак жойлашган. Чўлларда (Руб ул-Холий, Дашти Кабир, Такламакон, Гоби) ва Тибет, Ҳимолай, Ҳиндукуш тоғларининг баланд жойларида аҳоли деярли яшмайди.

2000-2001 йилларда ҳар 1000 киши ҳисобидан туғилиш 22, ўлим 8, табиий ўсиш 14 нафарни ташкил қилган. Шу даврда Европада табиий кўпайиш - 1, Африкада +24, Америкада +13, Океанияда +11, дунё бўйича эса +13 га тенг бўлган. Осиёда ўртача умр узқлиги эркекларда 65, аёлларда 68 ёшни ташкил этади. Лекин болалар ўлими кўрсаткичи анча юқори: ҳар 1000 та болага 55 та тўғри келади (қиёслаш учун: Африкада 88 та, Америкада 25 та, Океанияда 28 та, Европада 9 та). Осиёда 15 ёшгача бўлган болалар бутун аҳолининг 30 фоизини, Европада 18 %ни, Америкада 28%ни, Африкада 43%ни ташкил этади. 64 ёшдан катта кишилар Осиёда 6% бўлгани ҳолда Европада 15, Америкада 8, Африкада 3, Океанияда 10%дир.

Мавжуд илмий маълумотларга кўра, илк цивилизация ўчоқлари Осиёда пайдо бўлган. Бу ерда асрлар давомида Бобил, Шумер, Осурия, Хараппа, Урарту каби буюк давлатлар ҳамда бобурийлар, усмонлилар салтанатлари вужудга келган ва парчаланиб кетган. XIX асрларда Осиё ҳудудидаги бир қанча мамлакатлар Европа давлатларининг мустамлакаси бўлган. Аммо, XX аср Осиё сиёсий харитасида улкан ўзгаришлар рўй беради.

## КИРИШ

Миллий озошлик кураши натижасида Монголия (1921), Вьетнам (1945), Корея (1948), шунигиндек, Британиянинг собиқ мустамлакалари мустақилликка эришти (Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Шри Ланка, Иордания, Мальдив ороллари, Малайзия, Сингапур, Яман, Индонезия, Сурия, Ливан, Лаос, Камбоджа). Фаластиннинг бир қисмида Исроил давлати ва Фаластин мухторияти пайдо булди. 1971 йил Абу-Даби, Дубай, Шаржа, Ал-Фужайра, Умм ал-Кайвайн, Ажман амирликларининг бирла-

шуви негизида Бирлашган Араб амирликлари давлати тузилди. 1991 йилда Россия империясининг парчаланиб кетиши оқибатида Ўрта Осиёда Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари мустақилликка эришти. Осиё худудининг 1/4 қисмидан кўпроғи, асосан, унинг шимолий қисми Россия Федерацияси таркибида. 2000 йилда илгари Индонезия таркибида бўлган Шарқий Тимор мустақил давлат сифатида ташкил топди.

### Аҳолисининг сони жиҳатидан етакчи давлатлар:

№	1950 йдаги аҳоли сони	2003 йдаги аҳоли сони	2050 йилга бориб (тахмин)
1	Хитой - 555 млн	Хитой - 1 304,2 млн	Ҳиндистон - 1 531 млн
2	Ҳиндистон - 358 млн	Ҳиндистон - 1 065,5 млн	Хитой - 1 395 млн
3	АҚШ - 158 млн	АҚШ - 294,0 млн	АҚШ - 409 млн
4	Россия - 103 млн	Индонезия - 219,9 млн	Покистон - 349 млн
5	Япония - 84 млн	Бразилия - 178,5 млн	Индонезия - 294 млн
6	Индонезия - 80 млн	Покистон - 153,6 млн	Нигерия - 258 млн
7	Германия - 68 млн	Бангладеш - 146,7 млн	Бангладеш - 255 млн
8	Бразилия - 54 млн	Россия - 143,2 млн	Бразилия - 233 млн
9	Буюк Британия - 51 млн	Япония - 127,7 млн	Эфиопия - 170 млн

## ҚИРИШ

**Дунёда энг кўп тарқалган тиллар:**

(млн. киши истеъмоли ҳисобида)

77 млн. француз тили	██████████
78 млн. корейс тили	██████████
98 млн. немис тили	██████████
125 млн. япон тили	██████████
170 млн. рус тили	██████████
170 млн. португал тили	██████████
182 млн. ҳинд тили	██████████
189 млн. бенгал тили	██████████
200 млн. араб тили	██████████
322 млн. инглиз тили	██████████
358 млн. испан тили	██████████
885 млн. хитой тили	██████████

**Дунёда энг кўп тарқалган динлар**

№	Дин	Аҳоли сони
1	Христианлик	1,2 млрд.
2	Ислам	1 млрддан ортиқ
3	Ҳиндулик	700 млн. дан ортиқ
4	Буддизм	300 млн.
5	Яҳудийлик	Маълумот йўқ.

## КИРИШ

### Яли ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёдаги етакчи давлатлар: (АҚШ доллари ҳисобида)

№	Давлат номи	1990 йил	2000 йил	2001 йил
1	АҚШ	5 750,8 млрд.	9 837,4 млрд.	10 065,3 млрд.
2	Япония	3 052,1 млрд.	4 841,6 млрд.	4 141,4 млрд.
3	Германия	1 688,6 млрд.	1 873,0 млрд.	1 846,1 млрд.
4	Буюк Британия	987,6 млрд.	1 414,6 млрд.	1 424,1 млрд.
5	Франция	1 215,9 млрд.	1 294,2 млрд.	1 309,8 млрд.
6	Хитой	354,6 млрд.	1 079,9 млрд.	1 159,0 млрд.
7	Италия	1 102,4 млрд.	1 074,0 млрд.	1 088,8 млрд.
8	Канада	574,2 млрд.	687,9 млрд.	694,5 млрд.
9	Мексика	262,7 млрд.	574,5 млрд.	617,8 млрд.
10	Испания	510,0 млрд.	576,0 млрд.	581,8 млрд.

### Дунёдаги энг бой давлатлар ўнлиги: (ЯИМ минг АҚШ доллари ҳисобида)

№	Давлат номи	2000 йил	2001 йил	2000/2001- тафовут
1	Люксембург	42 060	39 840	-5,3%
2	Швейцария	38 140	38 330	+0,5%
3	Норвегия	34 530	35 630	+3,2%
4	Япония	35 620	35 610	0,0%
5	АҚШ	34 100	34 280	-0,5%
6	Дания	32 280	30 600	-5,2%
7	Исландия	30 390	28 910	-6,4%
8	Швеция	27 140	25 400	-3,0%
9	Буюк Британия	24 430	25 120	+2,8%
10	Нидерландия	24 970	24 330	-2,6%

## КИРИШ

### Дунёдаги энг камбағал давлатлар ўнлиги: (ЯИМ минг АҚШ доллари ҳисобида)

№	Давлат номи	2000 йил	2001 йил	2000/2001- тафовут
1	Тожикистон	180	180	0,0%
2	Нигер	180	180	0,0%
3	Малави	170	160	-5,9%
4	Гвинея-Бисау	180	160	-11,1%
5	Эритрея	170	160	-5,9%
6	Сьерра Леоне	130	140	+7,7%
7	Либерия	Маълум эмас	140	-
8	Бурунди	110	100	-9,1%
9	Эфиопия	100	100	0,0%
10	Конго Дем. Респ.	100	80	20,0%

### Дунёдаги энг кўп пахта етиштирадиган мамлакатлар: (млн. тонна ҳисобида)

№	Давлат номи	2000 йил	2001 йил	2002 йил
1	Хитой	4,508	4,417	4,900
2	АҚШ	3,375	3,742	3,745
3	Покистон	1,637	1,829	1,830
4	Хиндистон	1,671	1,596	1,750
5	Ўзбекистон	1,593	1,000	1,200
6	Туркия	0,655	0,791	0,790
7	Австралия	0,289	0,698	0,755
8	Бразилия	0,630	0,663	0,687
9	Греция	0,210	0,443	0,442
10	Сурия	0,159	0,360	0,310
11	Миср	0,290	0,228	0,230

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### Ўзбекистон Республикаси (Republic of Uzbekistan)

**Жўтрофий жойлашуви.** Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг ўрта ва шимолий қисмида жойлашган. Шимоли-шарқда Қирғизистон, шимол ва шимоли-ғарбда Қозоғистон Республикалари, жануби-ғарбда Туркменистон, жануби-шарқда Тожикистон Республикаси билан, жанубда қисман Афғонистон билан чегарадош. Ўзбекистоннинг энг шимолий чекка нуқтаси шимолий-шарқда — Устюрт платосида Орол денгизининг ғарбий соҳилида ( $45^{\circ}36'$  шимолий кенглик), энг жанубий нуқтаси — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ёнида ( $37^{\circ}11'$  шимолий кенглик), ғарбий нуқтаси — Устюрт платосида ( $56^{\circ}$  шарқий узунлик), шарқий нуқтаси — Фарғона водийсининг жанубий-шарқда, Қирғизистон Республикаси билан чегарадош жойда ( $37^{\circ}10'$  шар. уз.). Шимолий ва жанубий чекка нуқталар орасидаги масофа 925 км., ғарбий ва шарқий нуқталар ораси — 1400 км.

Ўзбекистон Республикасининг майдони 447,4 минг км<sup>2</sup>.ни ташкил этади.

Республика ҳудуди жануби-шарқдан шимоли-ғарбга чўзилган ва ер юзаси ҳам шу йўналишда йирик дарёлар оқимида мос пасайиб боради. Мамлакатнинг шимоли-ғарбий чеккасида Устюрт билан Қизилқум оралигида Орол денгизи жойлашган. Республика майдонининг қарийб  $\frac{4}{5}$  қисми текислик, оз қисми тоғ, адир ва тоғ олдидан иборат. Ўзбекистон ҳудудидан Марказий Осиёнинг энг катта дарёлари-Амударё ва Сирдарё оқиб ўтиб, Орол денгизига қуйилади. Бу икки азим дарё орасидаги ҳудуд Турон пасттекислиги деб аталади. Бу текисликнинг кўп қисми қумликдан иборат, баъзи жойларда қирлар учрайди. Республиканинг шарқи ва жануби-шарқий қисмида Тяньшань, Олой, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғлари бор. Бу тоғлар орасида Фарғона, Зарафшон, Китоб-Шахрисабз, Сурхон-Шеробод, Чирчиқ-Оҳангарон каби катта чўкмалар — водийлар жойлашган. Водийлар суғориладиган ерлар бўлиб, аҳолининг асосий қисми шу ерларда яшайди. Тоғ чўққилари музликлар, доимий қор қатламлари билан қопланган. Республиканинг ғарбий ва шимоли-ғарбий

қисмига борган сари улкан тоғлар пасайиб, тоғ ён бағри текисликлари гўзал, хушманзара водийларга туташиб кетади.

**Маъмурий-худудий бўлиниши.** Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди 1917 йил Октябрь тўнтаришига қадар маъмурий жиҳатдан Туркистон генерал-губернаторлиги (Туркистон ўлкаси) ҳамда Россиянинг ярим мустамлакалари бўлмиш Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига бўлинган эди. Асосий маъмурий-худудий birlikлар вилоят (область), уезд, волость ва қишлоқ жамоасидан иборат бўлган. Хусусан, Хива хонлиги 20 беклик, 2 ноиблик ва Хива шаҳрига бўлинган. Беклик ва ноибликлар ўз навбатида аминлик ва масжидларга бўлинган. Бухоро амирлиги ҳудуди 28 бекликдан иборат бўлиб, улар амлок ва аминликларга бўлинган.

1917 йил Октябрь тўнтаришидан кейин подшо Россияси мустамлакачилари ўрнини эгаллаган Шўро ҳокимияти (қизил империя) миллий республикалар тузиш ниқоби остида амирлик ва хонликларни маҳв этиб, яхлит Туркистон ўлкасини парчалаб ташлади.

1918 йил 30 апрелда Шўролар 5-Ўлка съездида тасдиқланган «Россия Федерациясининг Туркистон Советлар Республикаси тўғрисида Низом»да Туркистон Республикасининг давлат тузуми, унинг ҳудудий чегаралари белгиланди. 1924 йилга келиб Туркистон АССР 6 вилоятга: Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Закаспий (Туркменистон), Етгисув, Амударё вилоятлари, 30 уезд ва 473 волостга бўлиб ташланади. 1920 йил апрелда Хоразм Халқ Совет Республикаси эълон қилиниб, унинг конституцияси қабул қилинади.

Республиканинг бутун ҳудуди 28 туманга бўлинди. 1924 йилда республика 3 вилоят (Қозоқ-Қорақалпоқ, Янги Урганч, Тошқовуэ) ва Хива туманига бўлинди. Вилоятлар шўроларга (волость) тақсимланди.

1920 йил 8 октябрда собиқ Бухоро амирлиги Бухоро Халқ Совет Республикаси деб эълон қилинди. Республика ҳудуди 15 вилоят, 58 туман ва 197 кентга бўлинди. Шундай қилиб, Ўрта Осиёда 3 социалистик деб аталган давлат: ТуркАССР, БХСР ва ХХСР тузилди. Аммо янги мустамлакачиларни бу ҳам қаноатлантирмади. Энди улар мустамлакани бошқаришнинг анча қулай шакли — «миллий-худудий чегараланиш» дейилган кейинги босқичга ўтдилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

1924 йили Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш натижасида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР) тузилди. 1924-1929 йилларда Тожикистон АССР ҳам ЎзССР таркибида бўлган.

1925 йил 29 январидан республикада ягона маъмурий бўлиниш жорий қилинди. Маркази Самарқанд шаҳри бўлган ЎзССР 7 вилоят (Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм)га, 22 уезд ва 241 волостга бўлинди. 1926 йилда маъмурий-иқтисодий районлаштириш амалга оширилди. 1927 йил 1 январида ЎзССР худуди 10 округ, 87 туман ва 1746 қишлоқ кенгашидан иборат эди.

1930 йил 17 августда округга бўлиниш бекор қилинди. 1930 йил охирида ЎзССР таркибида 9 шаҳар (республика пойтахти Тошкент шаҳри), 73 туман, 1696 қишлоқ кенгаши бор эди.

1932 йил 27 июнда Хоразм округи, 1935 йил февралда эса Қашқадарё ва Сурхондарё округлари қайта тикланди.

1936 йилда Қорақалпоғистон АССР РСФСР таркибидан чиқарилиб, Ўзбекистон ССР таркибига киритилди. ЎзССРнинг маъмурий-худудий бўлиниши унинг 1937 йилги Конституциясида расмийлаштирилди. Бу вақтга келиб ЎзССР таркибида бир автоном республика, 3 округ, 109 туман, 22 шаҳар, 16 шаҳарча ва 1392 қишлоқ кенгаши бўлган.

1938 йилнинг 14 февралда ЎзССР таркибида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари тузилди. 1941 йилнинг 6 мартда Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари, 1943 йилнинг 20 январида Қашқадарё вилояти ташкил этилди. Барча вилоятларда бир қанча туманлар тузилди.

1954 йилнинг июнида 447 қишлоқ кенгаши тарқатиб юборилди. 1957 йилнинг 1 январида ЎзССР таркибида: бир автоном республика, 9 вилоят, 6 шаҳар тумани, 155 қишлоқ тумани, 29 шаҳар, 57 шаҳарча ва 993 қишлоқ кенгаши бўлган.

1957-1961 йилларда маъмурий-худудий birlikлар бир қадар йириклаштирилди, вилоят, туман, қишлоқ кенгашлари сони камайтирилди. Бу даврда Наманган ва Қашқадарё вилоятлари тугатилди. Натижада ЎзССР таркибида 1 автоном республика, 7 вилоят, 117 қишлоқ тумани, 754 қишлоқ кенгаши қолди.

Мирзачўлни ўзлаштириш муносабати билан 1963 йилнинг 16 февралда Сирдарё вилояти тузилди. 1964 йилнинг 7 февралда Қашқадарё вилояти, 1967 йилнинг 18 декабрида Наманган вилояти, шунингдек, илгари тугатилган туманлар қайта тикланди, янгилари тузилди. 1973 йилнинг 29 декабрида Жиззах вилояти, 1982 йилнинг 20 апрелида Навоий вилояти тузилди. 1988 йилнинг 6 сентябрида вилоятларни йириклаштириш мақсадида Жиззах вилояти Сирдарё вилоятига, 1989 йилнинг май ойида Навоий вилояти Самарқанд ва Бухоро вилоятларига қўшиб юборилди.

1990 йилнинг 16 февралда Жиззах ва Сирдарё вилоятлари аввалги чегарасида, 1992 йилнинг 27 январида Навоий вилояти қайта тикланди. Ўтган даврда кўпгина аҳоли яшайдиган жойлар шаҳар ва шаҳарчаларга (шаҳар типигадаги посёлка) айланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, шўролар даврида оммавий тус олган ва шўролар тузумини мадҳ этувчи жой номлари бекор қилиниб, аҳоли яшайдиган жойларнинг тарихий номлари тикланмоқда ёки янги номлар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги (1992) Конституциясида (68-модда) Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат экани мустаҳкамлаб қўйилган.

**Иқлими.** Ўзбекистонда ёғин кам, иқлими қуруқ, континентал, иссиқлик ва ёруғлик кўп. Республиканинг шимолий қатта қисми мўътадил минтақага, жанубий чекка қисми субтропик минтақага мансуб.

**Қуёш радиацияси.** Ўзбекистонда қуёш июнда Тошкентда 72°, Термизда 76° гача кўтарилади. Ёзда кундуз 15 соат давом этади, қишда эса 9 соатдан кам бўлмайди. Қуёш баланд кўтарилганлиги, булут кам бўлганлигидан қуёш узоқ вақтгача нур сочиб туради. Барча текислик ерларда қуёш ёғдуси давомийлиги йил давомида ўртача 2500—3000 соатга (Фарғона ва Китобда 2600, Тошкентда 2889, Термизда 3050 соатга) боради. Май — октябрь ойлари (қишлоқ хўжалиги экинларининг айни ривожланиш ва ҳосили етилиш даври)да қуёшнинг нур сочиш муддати узунлиги

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

жиҳатидан Ўзбекистон дунёда энг серкуёш жойлардан бири ҳисобланади. Куёшдан келатган иссиқликнинг 70—80 % дан кўпроги тупроқ ва ҳавонинг исишига сарф бўлади. Куёш энергиясидан халқ хўжалигида энергия манбаи сифатида фойдаланишга доир илмий ва амалий изланишлар Ўзбекистон Республикаси ФАнинг «Куёш» ИИЧ бирлашмасида олиб борилмоқда.

Марказий Осиё устидаги атмосфера циркуляциясида арктика, мўътадил ва тропик ҳаво массалари иштирок этади. Йилнинг совуқ ва салқин даврида (ноябрь— апрель) Эрон тоғлиги устида шаклланган жуда илиқ тропик ҳаво билан Марказий Осиё шимолий қисми кенгликларидаги совуқ ҳавонинг ўзаро яқин жойлашганлиги ҳароратнинг кескин ўзгариб туришига сабаб бўлади. Циклонлар шимолий ва шимоли-ғарбдан Арктика совуқ ҳавосининг келиши билан яқунланади. Қишда Ўзбекистоннинг кўпгина жойларида об-ҳаво беқарор бўлиб, совуқ ва илиқ кунлар алмашиб туради.

**Ҳарорат режими.** Ўзбекистонда қиш ҳийла совуқ келади, ёз эса иссиқ ва узоқ давом этади. Энг совуқ ой—январда ўртача ҳарорат текисликларда (Устюрт, Чурук станцияси)— $10^{\circ}$ , жанубий-шарқда— $30^{\circ}$  ва шимолий-ғарбда— $35^{\circ}$ ,— $38^{\circ}$ . Лекин қишда Ўзбекистон текисликларида (Термиз, Шеробод)— $2$ — $3^{\circ}$ . Мутлақ паст ҳарорат жанубда— $25^{\circ}$ ,— $15$ — $20^{\circ}$ , тоғларда  $5$ — $10^{\circ}$  гача илиқ бўлади. Айни вақтда ҳарорат текисликларда— $2^{\circ}$  дан— $6^{\circ}$  гача, тоғ олдиларида— $12^{\circ}$  дан— $18^{\circ}$  гача пасайиб кетиши мумкин.

**Фойдали қазилмалар.** Ўзбекистон ерлари турли фойдали қазилмаларга бой. Юртимиз ҳудудида қарийб 90 турдаги минерал хом ашё борлиги аниқланган. Ўзбекистон олтин, мис, кўрғошин, рух, вольфрам, радиоактив элементлар, табиий газ, нефть ва бошқа фойдали қазилмалар миқдори бўйича кўпгина давлатлар орасида етакчи ўринда туради. Республикада тузлар, алюмин хом ашёси, қоғлама безак ва қимматбаҳо тошлар, баъзи камёб элементларнинг катта захиралари аниқланган. Ўзбекистон қурилиш материаллари ва ёқилғи-энергетика ресурсларига ҳам бой.

Нефть қазиб олиш Ўзбекистонда дастлаб 1904 йилда Фарғона водийсининг Чимён мавзеида бошланган, кейинроқ шу ҳудудда

Хўжаобод, Жанубий Оламушук, Шимолий Оламушук, Полвонтош, Хўжа Усмон, Хартум каби бошқа конлар ҳам очилган. Бу ердан олинган нефтнинг таркибида зарарли арашмалар (олтингурут) кам.

Кўпгина нефть конлари Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва бошқа вилоятларда очилган (Какайди, Лалмикор, Кўкдумалоқ, Муборак ва б.) янги нефть конлари захиралари мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Ёқилғи саноати маҳсулотларининг қиймат ҳажмининг ўсиш индекси 2003 йилда 0,6%ни ташкил этди. Нефть газ тармоғида ташкилий ва геологик-техник тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида нефть қазиб олиш 8,1%, суюқ газ 32,6%, мой 25,7% ошиши таъминланди.

Ўзбекистон газ захираларига ҳам жуда бой. Учқир, Ўртабулоқ, Чақмоқли, Қоровулбозор, Сетялантепа газ конлари кетма-кет очилди. Ҳозирги даврда энг йирик газ кони Қашқадарё вилоятида жойлашган Шўртан кони мамлакатимиздаги энг йирик кон ва газ ишлаб чиқариш бўйича етакчи корхоналардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда кўмирнинг 3 та катта - Ангрен, Шарғун ва Бойсун конлари бор. Учала кўмир кони ҳам юра қатламларида жойлашган. Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган Ангрен қўнғир кўмир кони 1933—34 йилларда топилган ва 40-йиллар бошида ишга туширилган. Кўмир қатлами қалин, кўп қатламли, карьер йўли билан қазиб олинади. Бу ерда кўмирнинг миқдори 2 млрд. тоннага яқин. Шарғун кўмир кони Ҳисор тоғининг жанубий ён бағрида 600—800 м. баландликда жойлашган, бир қатламли, 1943 йилдан ўзлаштирила бошланган, ўртача қалинлиги 4,63 м. Бойсунда ҳам кўмир кони топилган ва ўзлаштирилган.

**Металл қазилма бойликлар.** Республикада турли темир руда конлари ва руда тўпламлари, шунингдек, темир рудаси борлигини билдирувчи магнит аномалиялари бор (Тепабулоқ титан-магнетит кони, Суренота, Шабрез, Минбулоқ ва бошқа конлар). Чўкинди конлари триас, бўр ва учламчи давр қатламлари орасидан топилган (темирнинг миқдори 20—40 %). Марганецнинг эксгалцион чўкинди конлари Ўзбекистоннинг ғарбий қис-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

мида — Зарафшон, Зирабулоқ, Қоратепа, Лолабулоқ ва бошқа конларда, чўкинди конлари — шимол ва шимоли-шарқий қисмида, гидротермал тўпламлари Чотқол тоғларида жойлашган. Марганецнинг рудадаги миқдори 8—28 %. Хромнинг магматик конлари офиолит минтақалари билан боғлиқ. Хром тўпламлари Томдитов ва Султон Увайс тоғларидан топилган. Мис конлари Ўзбекистонда мис-порфир формациясига мансуб бўлиб, Ўрта Тяньшань, айниқса, Қурама тоғлари учун хос. Олмалиқ атрофида Қалмоққир, Саричек ва бошқа конлар бор. Ўзбекистонда бошқа мис рудаси формацияларидан олтин ва платина билан бирга учрайдиган халькопирит-титанмагнетит магматик конлари, постмагматик контактли скарн-халькопирит-магнетит ва скарнли, полиген, гидротермал темирли конлар мавжуд. Бу формациялардан скарнхалькопиритли ва колчедан-мисконлари саноат аҳамиятига эга.

Кўрғошин ва рух конлари жануби-ғарбий Хисор тоғларида жойлашган. Руданинг асосий минераллари — пирит, сфалерит, галенит, халькопирит. Норуда минераллар — кварц, серицит, хлоритлар, карбонатлар. Олтин ва кумуш минераллари ҳам аралашган. Скарн-кўрғошин-рух группаси; асосан, Тяньшанда, Чотқол-Қурама тоғларида кўпроқ учрайди. Қурама тоғидаги Лашкарак полиметалл конидан қадимда кумуш, кўрғошин қазиб олинган. Улар саноат асосида кўрғошин конидан олинади ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатида қайта ишланади. Шимолий Нурота ва Хонбанди тизмаси ёнбағирларида ҳам конлар бор. Томирли конлари Қурама тоғларида учрайди.

Нодир металл рудалари конлари ҳам бор. Жанубий ва Ўрта Тяньшанда вольфрам конлари (Лангар, Қоратепа, Қўйтош, Ингичка, Яхтон, Чочтепа, Саргардон ва б.) топилган. Асосан Ингичка ва Қўйтош конларидан фойдаланилади. Молибден рудалари Хисор, Қурама ва Чотқол тизмаларида учрайди. Олмалиқда мис порфир рудаларидан ажратиб олинади.

Қалайнинг юздан ортиқ руда тўплами ва бир неча кичик кони маълум. Шулардан Қарноб кони ўтган асрнинг 50-йилларида ишга туширилган. Висмут рудалари Чотқол-Қурама тоғларида топилган. Висмут формацияла-

ри ичида мышьяк-висмут ва мис-висмут формациялари катта аҳамиятга эга.

Республикада қимматбаҳо металллардан олтиннинг бир неча эндоген ва экзоген конлари ва руда тўпламлари бор. Энг йирик конлари Марказий Қизилқумда (Мурунтоғ, Қақпатоғ). Генетик жиҳатдан гидротермал (аксари қисми) ва скарнли типда. Мурунтоғ ва Қақпатоғ конлари токембрий ва қуйи палеозой жинсларида, Олмалиқ гуруҳ конлари интрузияларда жойлашган. Таркибида олтин бўлган рудалар ғарбий Ўзбекистон (Рабинжон) ва Чотқол-Қурама тоғларида ҳам мавжуд. Ўзбекистонда кумуш конлари Қурама тизмасида жойлашган.

Алунит рудалари ва конлари Қурама, Чотқол ва Хисор тоғларида учрайди. Ундан алюминий оксиди олиш мумкин. Каолин (оқ гил) ҳам ашёсининг йирик кони Ангренда топилган.

**Кон-кимё хом ашёлари. Минерал тузлар.** Ўзбекистон ош тузи ва калий тузларига жуда бой; магний ва натрийнинг сульфат тузлари эса бир оз камроқ учрайди. Минерал тузлар денгиз ва континентал формация гуруҳларига мансуб бўлиб, юқори юра, пастки бўр, неоген ва антропоген даврларида ҳосил бўлган. Войбичасой, Тўбекатан, Лалмикон ва Хўжаикон, Оқбош конлари катта аҳамиятга эга. Бу қазилма бойликлар анчагина чуқурликда бўлганлигидан уларни ишқорлаш йўли билан олиш мумкин.

Пастки бўр даврига мансуб тузлар (Алмурад свитаси) кўл шароитида вужудга келган, қалинлиги 120—200 м. га боради. Улар Гугурттоғ ва Кўхитангда кенг тарқалган. Неоген ва антропоген континентал галоген формациялари текисликларнинг кўл ва шўрҳок жойларида, тоғ оралиги чўкмаларида жойлашган. Мухимлари: Қўшқанатов, Борса-келмас, Қораумбет ва Қимизбулоқ конлари.

Олтингугурт Фарғона водийсида, Андижон, Қуршоб, Устюртда палеоген, неоген даври ётқизикларида учрайди. Йирик кони Тўбекатанда. Тўбекатан олтингугурти юра даври ётқизикларида учрайди. Фосфорит конлари Овминзатов, Бўкантов, Тошқазған, Қулжуқтов ва Бойсун тоғида топилган ва унинг 95 % минерал ўғит сифатида ишлатилади.

**Гидроминерал ресурслар. Ер ости сувлари.** Ўзбекистондаги барча литологик жинслар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

комплексда муайян миқдорда сув мавжуд Ер ости сувларининг юзга яқин истиқболли конлари ўрганилган. Уларнинг динамик (ўрни қайтадан тикланиб турувчи) захираси 1000 м<sup>3</sup>/с. ташкил этади. Ер ости сувлари жами фойдаланиладиган захирасининг 600 м<sup>3</sup>/с. чучук сув ташкил қилади, қолган қисми 2—3 г/л. дан 15 г/л. гача минераллашган.

Чучук ер ости сувлари кимёвий таркиби жиҳатидан асосан гидро-карбонатли ва гидрoкарбонат-сульфатли, қисман сульфат-хлоридли ва хлоридли.

Ер ости сувларидан хўжалик-ичимлик сув таъминотида, техник мақсадда, суғориш ва мелиорация ҳамда оз миқдорда яйловларга сув чиқаришда фойдаланилади.

**Иқтисодиёти.** Собиқ иттифоқ тарқалиб кетишига сабаб бўлган иқтисодий ва сиёсий инкирозлардан Ўзбекистон Республикаси ҳам четда қолмади. Барча посткоммунистик

давлатларда бўлгани каби эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистонда ҳам иқтисодий қийинчиликлар тобора чуқурлашиб борарди. Мамлакат раҳбариятининг олдида турган энг асосий масалалардан бири – глобаллашув шароитида ўзига хос ривожланиш стратегиясини яратиш, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш, юқори даражада ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан ўрнак олган ҳолда кичик ва ўрта бизнесни шакллантириш ва ривожлантириш, рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган кўпма корхоналар очиш, мамлакатимизнинг асосий қишлоқ хўжалик бойлиги бўлган пахтачиликни ривожлантириш баробарида жаҳон бозорларига фақатгина пахта хом ашёсини етказиб бериш эмас, балки уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар билан нафақат ички бозорни, балки

### МДХ давлатлари бўйича ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатлари

	1999	2000	2001	2002	2003
Ўзбекистон	94,0	98,6	102,7	107,0	111,4
Озарбайжон	53,3	59,3	65,1	72,0	80,1
Арманистон	72,5	76,8	84,2	95,0	108,2
Белоруссия	84,8	89,7	94,0	98,7	105,4
Гуржистон	46,7	47,6	49,8	52,5	57,1
Қозоғистон	71,0	78,0	88,5	97,2	106,1
Қирғизистон	68,5	72,2	76,1	76,1	81,2
Молдова	41,0	42,0	45,0	48,5	51,6
Россия	64,4	70,8	74,3	77,8	83,3
Тожикистон	38,0	41,0	45,0	49,3	54,3
Украина	44,7	47,4	51,7	54,2	58,8

*Манба: жадвал МДХ Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

экспортга йўналтириладиган товарларни яратиш, фойдали қазилма бойликларимиздан самарали фойдаланиш учун бу соҳага ҳам хориж сармоясини кенг жалб қилиш, табиий равишда юзага келадиган ишсизлик масаласига жиддий ёндашиш, аҳоли бандлиги муаммоси билан курашиш ва, энг асосийси, мазкур соҳаларда самарали фаолият кўрсатадиган ва ривожлантира оладиган замонавий билимларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш кабилар турар эди.

Республика ҳукуматининг кенг саъй-ҳаракатлари ва ташаббуси, халқимизнинг меҳнатсеварлик салоҳияти, фойдали қазилмаларга ва унумдор тупроққа бой еримизнинг борлиги мазкур муаммоларни нафақат ечишга, балки мамлакатимизни жаҳон миқёсида ўзига хос ўрин эгаллашига мустаҳкам асос ва кенг имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Мамлакат саноат ва бошқа соҳалар учун хом ашё етиштириш, балки саноат, истеъмол товарлари, аграр соҳа, хизмат кўрсатиш, металлургия, оғир саноат, автомобилсозлик, самолётсозлик, темир йўл ва бошқа соҳаларда ўзига хос ўринга эга бўлиб, кун сайин муҳим позицияга эга бўлиб бормоқда. Яъни ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимиз МДХ давлатлари ўртасида етакчилик қилиб келмоқда. (Жадвалга қarang).

Мамлакатимизда саноат асосини электрэнергетика, ёқилғи, қора ва рангли металлургия, кимё, машинасозлик, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш материаллари саноати, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқлар ташкил этиб, улар мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган асосий омиллар ҳисобланади. Айниқса, енгил ва озиқ-овқат саноати, ёнилғи-энергетика, автомобилсозлик каби тармоқлар борки, булар кун сайин ривожланиб бормоқда ва мамлакатимиз шуҳратини оширмоқда. Ушбу соҳаларнинг муҳим жиҳати шундаки, мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг шаклланган мулкдорлар қатлами бугунги кунда саноатда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, хусусий тармоқ кенг ривожланиб бормоқда. Саноатда ҳам давлат улушини

кескин қисқартиришга қаратилган мулкчилик таркибидаги ўзгаришлар бўйича тадбирлар, хусусий ва корпоратив мулкдорларнинг қонуний мустаҳкамланган ҳуқуқларини амалга ошириш, саноат ўсишини таъмин этишда машинасозлик корхоналарининг етакчилик роли сақланиб қолишининг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 6,2% ошди. Саноат корхоналари томонидан 6062,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу ўзгариш ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркибида саноат улушини 14,5%гача ўсишини таъминлади ва саноат корхоналари молиявий ҳолатини мунтазам мустаҳкамланиб бориш жараёнини акс эттиради. Саноат кўшимча қийматининг таркибида ёқилғи-энергетика, металлургия ва кимё тармоқлари улуши ўтган йилга нисбатан 3,3 фоизга ошди.

**Қишлоқ хўжалиги.** Ўзбекистонда қадимдан бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалик маданияти ҳам кенг ривожланган бўлиб, чорвачилик, паррандачилик, асал етиштириш, деҳқончилик, боғдорчилик тараққий этиб келган. Мустабид даврда мамлакатимиз, асосан, хом ашё базасига айлантирилиши оқибатида ер майдонларининг аксарият қисми пахта етиштиришга мўлжалланди. Ерга нисбатан ғайриинсоний муносабатда бўлиш, унга турли-туман кимёвий аралашмаларнинг ҳаддан ортиқ ишлатилиши туфайли ер ва аҳолининг асосий истеъмол воситаси бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам зарарланди.

Мустақилликдан кейин энг муҳим масалалардан бирига айланган аграр соҳани ва мулкчиликнинг фермерлик шаклини ривожлантириш бўйича давлат миқёсидаги тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида юксак деҳқончилик ва чорвачилик маданиятига асосланган қишлоқ хўжалиги шаклланди.

Аграр соҳада амалга оширилган ислохотлар туфайли қишлоқ хўжалигида жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, мамлакатимиз ғалла мустақиллигига эришди, пахта экспорти бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

тайёрлаш тизимини ташкил этишни яхшилаш бўйича амалга оширилган ташкилий-иқтисодий чоралар 2003 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотини 5,9% ўсишини таъминлади. Бу ўсиш, асосан, чорвачилик маҳсулотларининг кўпайиши ва фермерликни ривожлантириш ҳисобига эришилди.

**Сиёсий тузуми.** XX асрнинг охириги ўн йиллиги Ўзбекистон тарихида туб ўзгаришлар даври бўлди. 70 йилдан ортиқ давом этган мустабид шўролар тузуми емирилди. Истиқлол кўлга киритилди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Чуқур тарихий илдизларга эга миллий давлатчилигимиз яна тиклана бошлади. Давлатимиз мустақиллигини сақлаб қолиш ва истиқлол имкониятларини тезроқ рўёбга чиқариш мақсадида бир қатор муҳим сиёсий ҳужжатлар қабул қилинди. Чунки мустақиллик, биринчи навбатда, сиёсий жиҳатдан англаймоғи ва ҳис қилинмоғи керак эди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ҳақидаги дастлабки ҳуқуқий ҳужжат 1990 йил 20 июндаёқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 2-сессиясида қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжат «Мустақиллик Декларацияси» деб аталиб, унда ўзбек халқининг давлат қурилиши тарихи, тажрибаси, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи эътироф этилиб, давлат суверенитетининг асосий атрибутлари тўла-тўқис баён этилди.

1991 йил 31 августда бўлиб ўтган XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти» қабул қилинди. Баёнотдан келиб чиққан ҳолда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» қарор ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ Ўзбекистон ССР Ўзбекистон Республикаси деб қайта номланди. 1 сентябрь — Мустақиллик куни, умуммиллий байрам ва дам олиш куни этиб белгиланди.

Мазкур сессияда яна бир тарихий ҳужжат — «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Кейинчалик 1991 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республика-

си Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 7-сессиясида мазкур қонунга конституцион қонун мақоми бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унинг биринчи моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир», деб таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асослари XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессиясида қабул қилинган Асосий Қонунда ҳам ўз аксини топди. Конституциямизнинг биринчи боби давлат суверенитетига бағишланди. Чунончи, унинг биринчи моддасида «Ўзбекистон суверен демократик республика» деб таъкидланади. Шунингдек, давлатимиз рамзлари — 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгашнинг 8-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи, 1992 йил 2 июлда Олий Кенгашнинг 10-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат герби ва 1992 йил 10 декабрь куни Олий Кенгашнинг 11-сессиясида давлат мадҳияси қабул қилинди. Маълумки, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида»ги қонуни аввалроқ, 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган эди. Мазкур қонунга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ислоҳотлар руҳига мослаштирилди. Ана шундай ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига яна «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги (1996 йил 26 декабрь), «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги (2000 йил 26 май), «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги (1999 йил 20 август) қонунлари, «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий Доктринаси» (1995 йил 30 август) каби ҳужжатларни киритиш мумкин. Шундай қилиб, мустақилликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Эндиги вазифа халқимизнинг кўп минг йиллик тарихий тажрибаси, анъаналари, урф-одатлари, турмуш ва тафаккур тарзи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда давлатимизнинг сиёсий тузуми ва бошқарув шакллари шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат эди. Асосий Қонун билан давлатимизнинг сиёсий тузуми конституцион тарзда мустаҳкамланди. Демократик республика модели танлаб олинди. Халқ

давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги (7-модда) эътироф этилган ҳолда ҳокимиятнинг уч тармоққа бўлиниши тамойили давлат ҳокимияти тузилиши тизимига асос қилиб олинди (11-модда). Қонун чиқарувчи ҳокимият олий давлат вакиллиги органи бўлган Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига (76-модда), ижро этувчи ҳокимият вазифалари давлат бошлиғи - Президентга топширилди (89-модда). Кўриниб турганидек, ўтиш даври қийинчиликларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқарувининг президентлик шакли танлаб олинди, Президентга кенг конституцион ваколатлар берилди. Парламент, айти пайтда, президентлик давлат бошқарувининг ўзаги ҳисобланган президентлик институти ҳам қатор ислохотлар босқичини бошдан кечирди.

Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар жараёни узлуксиз давом этмоқда ҳамда у демократик ўзгаришларнинг таркибий қисми ва ўзагидир. Бу соҳада изчил ва ҳар томонлама асосланган дастурга эгамиз. Ислоҳ Каримов Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессиясида қилган маърузасида (1995 йил 23 февраль) Ўзбекистонда жамиятни демократлаштиришнинг қуйидаги уч шартини кўрсатиб ўтди:

- 1) ислохотларнинг узлуксизлиги ва босқичма-босқичлиги;
- 2) ислохотларни одамларнинг савияси, тафаккурига мос суръатда амалга оширилиши, демократик ўзгаришлар даражасининг халқ руҳиятига, менталитетига мослиги;
- 3) ислохотлар миллий жиҳатларни ўзида жо этиши кераклиги ва бу йўлда тарихий-миллий тажрибага суяниш.

Ўзбекистонда президентлик институти ислохотлари. Ўзбекистонда президентлик бошқаруви 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг I-сессияси томонидан жорий этилди. «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, республикада иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб, президентлик лавозими таъсис этилди.

Кўп ўтмай, 1990 йилнинг 1 ноябрида «Ўзе-

бекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятнинг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш киритиш тўғрисида» қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинди. Мазкур қонунга биноан, собиқ ҳукумат - Министрлар Совети тугатилиб, Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси вужудга келтирилди. Амалда президентлик ҳокимияти билан Министрлар Кенгашининг ижроия-бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилди. Натижада Президент томонидан бевосита бошқариладиган ижроия ҳокимият қарор топди ҳамда унинг мавқеи ва роли кучайтирилди. Шу тарзда мустақил республикада президентлик бошқаруви узил-кесил шаклланди. Унинг мустаҳкамланишида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Асосий Қонунда Президентнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари тўлалигича ўз аксини топди. Унга асосан Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Айти вақтда у Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, республика Қуроли Кучларининг Олий Бош Қўмондонни ҳисобланади.

Истиқлолнинг биринчи ўн йиллигида президентлик институти ташкилий жиҳатдан такомиллашиб борди, ижроия ҳокимиятнинг барча тармоқларини ўзида мужассам этди. Дарҳақиқат, ўтиш даври учун кучли президентлик ҳокимияти зарур эди ва шундай ҳам бўлди. «Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто, энг демократик йўл билан қабул қилинган қарор ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар турмушга татбиқ этилишини таъминлайдиган президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни талаб этади. Шу мақсадда «Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти лавозимини тугатиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бош вазири лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» (1992 йил 4 ноябрь) ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1993 йил 6 май) қабул қилинди.

Президентлик институтининг ривожланиши билан Президентлик сайлов тизими ҳам такомиллашиб борди. 1991 йил 18 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. У асосида 1991 йил 29 декабрда мамлакатимизда биринчи президентлик сайлови бўлиб ўтди. Муқобиллик асосида ўтган ушбу сайловда И.А.Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти этиб сайланди. 1995 йил мартада бўлиб ўтган умумхалқ референдуми Ислом Каримовнинг президентлик ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш ҳақида қарор қабул қилди. 2000 йил 9 январдаги иккинчи президентлик сайлови ҳам унинг фойдасига ҳал бўлди: Ислом Каримов 5 йил муддатга иккинчи мандатга президент этиб сайланди.

Ўзбекистонда президентлик институтини ислоҳ қилишга қаратилган охириги қадам 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдумида қўйилди. Халқимиз 91,78 фоиз овоз билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституцион ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилди. Шундан сўнг, 2002 йилнинг 4-6 апрелида бўлиб ўтган II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 8-сессияси «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг конституцион қонунини қабул қилди.

Мазкур қонуннинг 8-моддаси «Умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституцион ваколат муддатини етти йил», деб белгилади.

**Президент ваколатлари.** Умумхалқ референдуми орқали халқ муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги масала, айниқса, жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Бу, албатта, биринчи навбатда Президент шахсига нисбатан халқнинг алоҳида эътибори билан изоҳланади. Чунки, республикамиз сиёсий ту-

зумига кўра, президентлик бошқарувидаги демократик республикадир. Давлат ва айни пайтда ҳукумат раҳбари ҳисобланмиш Президент халқ томонидан тенг ва тўғридан-тўғри овоз бериш ҳуқуқи асосида сайланади. Яъни, Президент ўз ваколатларини халқдан олади ва халқ олдида ҳисоб беради. У ижроия ҳокимиятнинг барча ҳалқаларини ўз қўлида мужассам этади. Бевосита ўзи ва вазирлар орқали ижроия ҳокимиятни амалга оширади, мустақил ҳукумат тузади.

Президентнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни беқиёсдир. Буни тўғри англаб етган халқимиз 91,78 фоиз мутлақ кўпчилик овоз билан президентлик ваколатини етти йиллик қилиб ўзгартиришни ёқлаб чиқди. Эндиликда Ўзбекистонда президентлик институти ҳам ислоҳ қилинади, етти йиллик президентлик мандати жорий этилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Президентнинг ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш билан унинг ваколатлари кенгаймайди. Аксинча, унинг масъулияти янада ошгани ҳолда Президент ўзи бошланган ислохотлар ва сайловолди дастурини тўла амалга ошириш учун янада кенг-роқ имкониятга эга бўлади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ваколатлари мамлакатимиз Конституцияси билан қатъий белгилаб қўйилган. Бу ҳолат барча демократик давлатлар конституцияларида ҳам ўз аксини топган. Уларни чуқур таҳлил этгани ҳолда Президент ваколатларини бир неча туркумга ажратиш мумкин.

Президент ҳокимияти ҳокимиятнинг бошқа тармоқ институтларининг таъсири нуқтаи назаридан мутлақ ва номутлақ ваколатларга эга. Унинг мутлақ ваколатлари фақат унинг ўзи томонидан, ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, қабул қилган қарори ҳеч кимнинг тасдиғига киритилмай, амалга оширилган ваколатларида акс этади.

Президентнинг бундай ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида белгилаб берилган: Президент ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ҳамда чақирув ёрлиқларини қабул қилади (93-модда, 5-банд); Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакил-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ларини тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади (6-банд); Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медалъ ва ёрликлари билан мукофотлайди, малакавий ва фахрий унвонлар беради (18-банд); Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал қилади (19-банд); амнистия тўғрисида ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни авф этади (20-банд). Шунингдек, бир қатор мансабдор шахсларни (Миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизмати раҳбарларини, Қуролли Кучларнинг олий кўмондонларини) тайинлайди ва вазифасидан озод қилади.

**Парламент ислохотлари.** Ўзбекистонда қонунчилик ҳокимияти 1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтган биринчи парламент сайловларига қадар Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан амалга оширилган. 1992 йил қабул қилинган янги Конституцияга кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис деб юритила бошланди ва унинг асосий ваколатлари белгиланди. 1993 йил 28 декабрда киритилган ўзгартиришлар Олий Мажлис депутатлари сонини 250 га қилиб ўзгартирди. Айни шу куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи парламент сайловлари 1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтди. Умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан кўппартиявийлик асосида 25 ёшга тўлган фуқаролардан 250 киши депутатликка сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конституцион қонуни (1994 йил 22 сентябрь), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муваққат иш тартиби тўғрисида»ги Олий Мажлис Қарори (1995 йил 23 февраль), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг регламенти» (1995 йил 5 май) каби бир қатор ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда 5 сиёсий партия: «Ўзбекистон Халқ Демократик партияси», «Адолат» Социал-Демократик

партияси, «Фидокорлар» Миллий Демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-Демократик партияси фаолият юритиб, улар Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатида ўз ўрнига эга.

Истиқлолнинг дастлабки ўн йиллиги охирига келиб, Ўзбекистонда жадаллик билан давом этаётган барча жабҳалардаги янгиланишлар Ўзбекистонда қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш ва унинг асосий институти бўлган Олий Мажлисни ҳам ислоҳ қилишни талаб этди. Икки палатали профессионал парламент тизимига ўтиш масаласи кун тартибига қўйилди. II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-сессиясида (2000 йил 25-26 май) Президент Ислам Каримов икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини илгари сурди.

2004 йилнинг декабрида республикаимизда икки палатали парламент, Халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлардан сўнг мамлакатимизда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати расман иш бошлади. Ҳозирги вақтда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида 120 нафар депутат, Сенатда эса 100 нафар сенаторлар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис Сенатини шакллантириш ва унга сайловлар ўтказиш ҳам ўзига хос бўлиб, 100 нафар сенатордан 16 таси Президент томонидан тайинланади ва 84 нафари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар орасидан яширин овоз бериш орқали сайланади.

**Демографик тарихи.** Ўзбекистон мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик таракқиёт йўлини босиб ўтган, турли босқинчиликлар, ҳукмрон давлатларнинг ўзаро урушлари натижасида аҳоли бир неча бор қирғин қилинган. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг демографик ҳолатига ўз таъсирини кўрсатган.

Ўзбекистоннинг туб аҳолиси — ўзбек халқи номи XVI асрда Дашти Қипчовда ташкил топган Шайбон улусининг шу номдаги чорвадор қабилалари билан боғлиқ бўлса-да, ўзбек элатининг алоҳида жамоа бўлиб шаклланиши XI - XII асрларда тугалланган.

Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши XIX аср 2-ярмидан бошлаб ўлкани подшо Россияси босиб олгандан сўнг кескин ўзгарди. Бу ҳолат аҳоли сони, ёши, жинсий таркиби, кўпайиш суръати ва жойлашув хусусиятида ўз аксини топди.

Бунга қадар бу ерда аҳоли жуда секин кўпайган. 1897 йилда Туркистон ўлкасида биринчи бор аҳоли рўйхати ўтказилади, унда Бухоро ва Хива хонликлари аҳолиси ҳисобга олинмаган. Аҳолининг кўчиб келувчилар ҳисобига ўсиши подшо ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг натижаси эди. Шу сиёсат туфайли ўлкага кўплаб ҳарбийларнинг оилалари кўчирилиб, янги-янги қишлоқлар, шаҳарчалар барпо этилади. Хусусан, XIX аср охирида биргина Тошкент атрофида Россиядан кўчириб келтирилган аҳолидан ташкил топган 16 рус қишлоғи бўлган. Лекин шунга қарамай, 1865—1900 йилларда аҳолининг мутлақ сони 3,3 млн.дан 4,0 млн.га етган ёки йилига ўртача 0,6 % га кўпайган, ҳолос. XX асрнинг 1-чорагида ҳам аҳоли ўсишида сезиларли ўзгаришлар бўлмаган. Унинг мутлақ сони атиги 242 минг кишига, ўртача йиллик ўсиш суръати 0,2 % га кўпайган. 1924—1940 йилларда аҳолининг мутлақ сони 2,3 млн. кишидан ошди, аҳоли ўсишининг нисбий кўрсаткичи йилига 3,0 % га тенг бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон аҳолисининг сонига, унинг таркиби ва жойлашуви-га ниҳоятда катта салбий таъсир кўрсатди. Уруш натижасида республика ўзининг 1 млн.дан ортиқ аҳолисини йўқотди. Аҳоли сони, асосан, душман вақтинча босиб олган жойлардан эвакуация қилинганлар ҳисобига ўсди. Аҳолининг умумий сони 1940—45 йилларда 6,6 млн.дан 5,2 млн.гача камайди.

Урушдан кейинги даврда аҳоли ўсиши суръатида ижобий ўзгаришлар бўлди. Аҳолининг сони 1945—1960 йилларда 5,2 млн.дан 8,4 млн.гача кўпайди. Бунда ҳам соф табиий кўпайишдан ташқари, Россиядан кўчириб келтирилган аҳолининг салмоғи катта бўлди. Аҳолининг сони эса йилига ўртача 3,7 % га кўпайди. Умуман, 60-йиллардан кейинги даврда аҳоли тез суръатлар билан ўса бошлади. 1980—1995 йилларда республика аҳолисининг сони 15,8 млн.дан 22,3 млн.га етди, ўртача

йиллик ўсиш миқдори 400—500 минг кишини ташкил қилди.

2003 йил якунлари бўйича Ўзбекистон аҳолисининг сони 25701,4 минг кишини ташкил этди. Туғилиш ва ўлиш унинг динамикаси асосий омил ҳисобланади. Аҳолининг табиий ўсиши 372,8 минг кишини ташкил қилди. Ташқи миграция салбий салдоси 2002 йилга нисбатан 19%га ошди. Санаб ўтилган омилларнинг ўзаро таъсири натижасида республикада истиқомат қилувчилар сони 2002 йилдаги 312,1 минг киши ёки 1,2% нисбатан 2003 йилда мос равишда 273,5 минг кишига ёки 1,1%га кўпайди.

**Аҳолининг жойлашиши ва зичлиги.** XX асргача бўлган даврда аҳолининг асосий қисми водий (Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё) ва воҳаларда (Хоразм, Тошкент) яшаган. Мазкур ҳолат XX асрнинг 30-йилларигача сақланиб келган. Кейинчалик кўплаб маъдан конларининг очилиши ва ўзлаштирилиши туфайли аҳолининг ҳудудий жойлашувида айрим ўзгаришлар рўй берган. Бу жараён урушдан кейинги даврда, айниқса, 60-йилларнинг ўрталарида янги сугориладиган ерларнинг ўзлаштирилиши билан узвий боғлиқдир. Натижада Мирзачўл, Қарши, Қорақалпоқ чўлларида ва Элликқалъа массивида ўнлаб янги шаҳар, шаҳарча ва бошқа аҳоли турар жойлари вужудга келди. Лекин янги аҳоли манзиллари унинг асрлар давомида таркиб топган ҳудудий шаклларига жиддий ўзгаришлар кирита олмади. Аҳолининг асосий қисми туғилиб ўсган жойида истиқомат қилмоқда. Бундан чўл минтақаларида яшовчи аҳоли (1,5 млн.га яқин киши) мустасно. Кейинги йилларда аҳоли динамикаси ва жойлашувида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Жами аҳоли ўсишининг энг юқори суръатлари 1970—1995 йилларда Мирзачўл ва жанубий туманларга тўғри келди. Қуйи Амударё ва Зарафшон ҳамда Фарғона водийси аҳолиси ўртача суръатларда (1,7 — 1,8 марта) кўпайди. Аҳоли ўсишининг энг паст суръати Тошкент воҳасида кузатилди. Натижада Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси аҳолисининг республика миқёсидаги улуши камайди (Тошкент воҳасида 24,2 % дан 19,3 % гача, Фарғона водийсида 27,4 % дан 27,3 % гача). Қуйи Амударё ва Зарафшон водий-

си аҳолиси улуши барқарорлашди ёки паст даражада ўсди. Мирзачўл ва Жиззах чўлининг аҳолиси тез суръатлар билан кўпайса ҳам, унинг улуши (аҳоли мутлақ сонининг камлиги туфайли) 5,8 % дан атиги 6,7 % гача ўсди, холос

Республиканинг шаҳар аҳолиси ниҳоятда нотекис жойлашган бўлиб, асосий қисми (34,8%) Тошкент воҳасига тўғри келади. Тошкент шаҳрини ҳисобламаганда, Тошкент воҳаси шаҳар аҳолисининг миқдори бўйича республикада Фарғона ва Зарафшон водийларидан кейин туради. Тошкент воҳаси шаҳар аҳолисининг ўсиш суръатлари бўйича ҳам республикада охириги ўринда туради. Шаҳар аҳолиси ўсишининг нисбатан паст суръатлари Фарғона ва Зарафшон водийларига ҳам хос. Шаҳар аҳолиси ишлаб чиқарувчи кучлар нисбатан юқори суръатлар билан ривожланаётган минтақаларда тез ўсмоқда, унинг улуши кўпаймоқда. «Эски» хўжалик марказлари — Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида шаҳар аҳолисининг ўсиш суръатлари барқарорлашмоқда.

Аҳолининг ўртача зичлиги Андижон вилоятида 1 км<sup>2</sup>. га 474,5, Фарғона вилоятида 344,2, Тошкент вилоятида (Тошкент шаҳри билан бирга) 278,8, Наманган вилоятида 220,4 кишига тенг. Хоразм (190,2 киши), Самарқанд (145,0 киши), Сирдарё (122,7 киши) вилоятларида ҳам аҳоли нисбатан зич жойлашган. Навоий вилояти ва Қорақалпоғистонда аҳоли зичлиги ниҳоятда паст даражада. Навоий вилоятидаги Қизилқум ва Қорақалпоғистондаги Устюрт платосида аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup>. га 1 кишига ҳам етмайди.

**Меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги.** Фан-техника тараққиётининг йўналишларини аниқлаб берувчи саноат ҳамда қурилишда банд аҳолининг халқ хўжалигида банд бўлган жами аҳоли ўртасидаги улуши 1993 йили 20,9% ни ташкил этди ёки 1980 йилга қиёсланганда 2,2 % га қисқарди. Бундай нохуш ўзгариш транспорт ва алоқада, савдо, моддий-техника таъминотида ва қишлоқ хўжалигидан ташқари бошқа тармоқларда ҳам кузатишган. Соҳаси тор, нисбатан паст малакали кадрларга асосланган ҳолда ривожланувчи қишлоқ хўжалигида зарур эҳтиёждан анча ортиқ ишчи кучининг мавжудлиги қишлоқлар-

даги ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва бозор иқтисодиёти муносабатларига аста-секин ўта бошлаши янги мулкчилик шакллари асосланган ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб берди. 1992 йилда республикада хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишиларнинг сони қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатувчи тармоқларда, айниқса, тез суръатлар билан ўсди.

1992 йили Ўзбекистонда 5,3 минг киши деҳқон хўжаликларида меҳнат қилган, 24,7 минг киши хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланган. Мавжуд 13103 кичик корхонада 321,6 минг киши, 3433 кооператив корхонада 85,8 минг киши ишлади. Бу бозор иқтисодиётига мос бўлган мулкчиликнинг янги шакллари ҳали тўлақонли равишда ривожланмаганлигини кўрсатади.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўзбекларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигида ишлайди. Саноатда банд бўлган ўзбекларнинг аксарияти ишлаб чиқаришнинг ёрдамчи жараёнларида, иккинчи даражали вазифаларда меҳнат қилади. 1989 йилдаги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, халқ хўжалигида банд бўлган жами ўзбекларнинг 75,4%и моддий ишлаб чиқарувчи тармоқларда жамланган (руслар — 64,2 %). Саноат тармоқларида (саноат, транспорт, алоқа, қурилиш) банд бўлган ўзбеклар 25,8 %, руслар 55,4 %ни ташкил қилади. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўзбекларнинг 0,7 %и илм-фан соҳасида (руслар 4,7 %), 2,6 % бошқариш органларида (руслар 7,8 %) меҳнат қилган. Илм-фан соҳасида банд бўлган ўзбекларнинг сони 1989 йилда 34,8 мингга, русларнинг сони эса 39,5 минг кишига тенг бўлди.

Республика меҳнат ресурсларининг 67,7 % ни ташкил қилган ўзбекларнинг аксарияти юқори билим ва малака талаб қилмайдиган жисмоний меҳнат билан шуғулланган. Ўзбеклар орасида машинист, оператор, моторист, токар, силлиқловчи, чилангар, радиооператорлар ва телеграфистлар, сураткашлар, электрон ҳисоблаш машиналарининг операторлари, шунингдек, муҳандис, конструктор, техниклар жуда кам (34— 45 %). Режа, молия,

меҳнат иш ҳақи бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари ўртасида ўзбекларнинг улуши 29,8 % га тенг бўлган. Бундай вазият кадрлар бўлими, умумий бўлимлар, идора раҳбарлари ва ходимлари орасида ҳам кузатилади.

Ўзбекларни замонавий техника ва технологияга мос бўлган ишлаб чиқаришга жалб қилмасдан туриб, республикага хос бандлик муаммосини ҳал этиш ниҳоятда қийин.

1992 ва 1993 йиллар мобайнида баҳолар ва ташқи савдо либерализациялаштирилди, қишлоқ хўжалиги ҳамда маиший хизмат корхоналарининг маълум қисмини хусусийлаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Молия ва бюджет соҳаларида ислоҳотлар ўтказилди. Хусусий мулкчилик ва хорижий инвестициялар бўйича қонунлар қабул қилинди. 1993 йилнинг январиди қабул қилинган "Аҳоли бандлиги ҳақида"ги қонун бандлик хизматини ташкил этишга йўл очди. Аҳолининг тез суръатлар билан кўпайиши ва унинг таркиби бандликни барқарор равишда ўсишини таъминлашни тақозо этади. Қишлоқ жойларда аҳолининг зич жойлашгани, аграр соҳада ортиқча ишчи кучи мавжудлигини ҳисобга олганда Ўзбекистонда яқин 5-10 йилда меҳнат ресурсларига эҳтиёж сезилмайди. Шу ва шунга ўхшаш иқтисодий, демографик ва географик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли бандлигининг тизимини тубдан ўзгартириш лозим.

Ушбу вазифани амалга оширишда самарали фаолият кўрсатувчи меҳнат бозорлари (биржалари) ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки ишчи кучидан самарали фойдаланишга «рақобат» муҳитини шакллантирмасдан туриб эришиш мумкин эмас.

Аҳоли бандлигига хос муаммоларни бозор қонуниятларига мос ҳолда ҳал этиш натижасида унинг таркибида 1994 ва 1995 йилларда сезиларли ўзгаришлар бўлди. Банд аҳолининг мутлақ сони 1995 йил 1991 йилга нисбатан 1,5 млнга кўпайиб 8435,4 минг кишини ташкил этди. Бу жами меҳнат ресурслари сонининг 73,4 % ни ташкил этади (1991 йили 67,7 % эди).

1995 йил жами банд аҳолининг 6319,6 мингги (74,8 %) моддий ишлаб чиқаришда, 2115,8 мингги (25,2 %) ноишлаб чиқариш соҳасига тўғри келди. Кейинги 4-5 йил ичида ноишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилаётган ишчи-

лар сонининг тез суръатлар билан кўпайиши республикада аҳоли бандлиги бўйича амалга оширилаётган сиёсатга тўлиқ мос келади.

Аҳоли бандлиги таркибида мулкчилик шакллари бўйича бўлиб ўтган ўзгаришлар ҳам ижобий ҳисобланади. 1995 йил 1993 йилга нисбатан давлат корхоналарида меҳнат қилаётганларнинг сони салкам 0,6 млн. кишига қисқариб, 3881,0 минг кишини ташкил этди. Нодавлат мулкчилик шаклидаги корхоналардаги ишчиларнинг сони 4554,4 минг кишига етди. Бу эса жами банд аҳолининг 54,2 % га тенг ёки 1993 йилги кўрсаткичдан 7,6 % кўп. Саноатни, айниқса, меҳнатни кўп талаб қилиб, хом ашё, сув ва электроэнергияни кам истеъмол этувчи «экспортбоп» маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларни, маиший хизмат соҳаларини қишлоқ жойларида кенг кўламда ва тез фурсат ичида ривожлантириш ҳамда шунга ўхшаш бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши республикада аҳоли бандлигига хос муаммоларни ижобий ҳал этишга имкон беради.

2003 йил якунлари бўйича республикада аҳоли бандлиги 256 минг кишига ошди (2,7%). Ишловчилар сонининг энг юқори ўсиши (52,4 минг киши ёки 4,3%) ноишлаб чиқариш соҳаларида кузатилган (таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш). Йил давомида бандликнинг умумий ўсиши (20,5%) шу соҳага тўғри келади. Салмоқли ўсиш реал тармоқда, саноат (ишловчи аҳолини йил давомидаги умумий ўсишининг 14,6%), қурилиш (13,4%), савдо, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти ва тайёрлов (13,3%) каби тармоқлар ҳисобига таъминланди.

Иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонининг ўсиши 2003 йилда 2002 йилдаги тегишли кўрсаткич 59 минг киши 29,9% ёки кўпроқни ташкил қили.

**Илм-фан ривож.** Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида фалсафа, астрономия, математика, тиббиёт, меъморлик азалдан ривож топиб келган. Марказий Осиё олимлари, хусусан, Мусо Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний каби алломаларимиз жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшишган.

IX-XI асрларда Ўрта Осиё Шарқнинг илмий ва маданий марказларидан бири бўлган. Шарқ мамлакатларида академия тарзидаги муассаса ва жамиятлар ташкил қилинган

«Байт ул-ҳикма» («Донишмандлар уйи»)га асос солинган, халифа Маъмун даврида (813—833 йил) унинг фаолияти янада ривожланган. Ўрта осийлик буюк олимлар Мусо Хоразмий ва Муҳаммад ал-Фарғоний ўз тадқиқотларини шу академияда олиб борган.

XI асрда Хоразм пойтахти Урганч ҳам обод ва маданий шаҳар эди. Хоразмшоҳ Абулаббос ибн Маъмун анча билимли ҳукмдор бўлиб, олим, шоир, санъаткор, наққош ва мусаввирларга ҳомийлик қилиб келган. Урганчда хоразмшоҳлар саройида буюк мутафаккирлар Ибн Сино ва Берунийдан ташқари, тарихчи Ибн Мискавайх, математик Абу Наср Арроқ, файласуф Абу Саҳл Масиҳий, табиб Ибн Хамморлар тўпланган эди. Урганчда «Маъмун академия»си ташкил этилиб, у ерда фалсафа, риёзиёт ва тиб илмларига оид масалалар муҳокама қилинар эди. Бундай академиялар Марв, Бухоро, Хўжанд ва бошқа шаҳарларда ҳам барпо қилинган. XV асрда Мирзо Улуғбек Самарқандда академия ташкил қилди. Унинг қошида яхши жиҳозланган расадхона, бой кутубхона ва олий ўқув юрти — мадраса бор эди. Мадрасада диний фанлар билан бир қаторда дунёвий фанлар — риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт, сурат ал-ард, яъни география қабилар ўқитилган. Улуғбек академиясида машҳур олимлар — Қозизода Румий, Гиёсиддин Коший ва Али Қушчи хизмат қилган. Бу академияда турли фан соҳалари бўйича илмий ишлар олиб борилган. Улуғбек академиясининг, айниқса, риёзиёт ва илми ҳайъат тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси бутун дунёда эътироф этилган.

IX-XV асрларда аниқ ва табиий фанлар соҳалари (математика, астрономия, геодезия, минералогия, тиббиёт, ботаника ва б.) даги ишлар анча тараққий этди. Платон, Аристотель, Гиппократ, Гален, Архимед, Птолемей, Эвклид асарлари арабчага таржима қилинди. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Абу Али ибн Сино, Насриддин Тусий, Қозизода Румий, Жамшид Коший, Улуғбек, Али Қушчи асарлари анча кейинги даврларда бошқа мамлакатларнинг олимлари амалга оширган илмий ишларнинг натижаларидан ҳам устунлик қилган.

Юқорида номлари тилга олинган мутафаккирларнинг астрономия, математика, фалсафа, тиббиёт, кимё, мусиқа, тилшунослик, геодезия, минералогия, фармакогнозия ва бошқа соҳалардаги кашфиётлари бутун дунёда илм-фаннинг янги тармоқлари пайдо бўлишида, айрим фан соҳаларининг юқори босқичга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистондаги биринчи илмий муассаса — Тошкент астрономия ва физика обсерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон ФА Астрономия институти) 1873 йилда ташкил қилинди. Бу обсерватория ўлкадаги мингга яқин жойнинг координаталарини аниқлаш учун экспедициялар уюштирди. Фақат XX асрнинг 30-йилларига келиб, соф илмий масалалар билан шуғуллана бошлади.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Тошкентда қуйидаги муассаса ва ташкилотлар тузилди: Туркистон ўлкаси ер ишлари ва давлат мулки бошқармаси (1897) ва унинг қошида гидрометрик қисм, Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси (1897, ҳоз. Р. Р. Шредер номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси), Энтомология станцияси, 1895 йилда Россия География жамиятининг Туркистон бўлими ташкил этилди. XX аср бошида Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Қўқонда сейсмик станциялар тузилди.

Ўлкани илмий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганишга киришилди. Бирин-кетин табиат, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими (1870), Ўрта Осий илмий жамияти (1870), Фарғона тиббиёт жамияти (1892-1910), Туркистон врачлар жамияти (1899-1900), Туркистон тиббиёт жамияти (1900-1908), Туркистон ўлкаси табиатшунослар ва врачлар жамияти (1908-1917), Самарқанд врачлар жамияти (1913-1922)лари ташкил қилинди. Ўрта Осий илмий жамиятининг асосий мақсади ўлка тарихи, географияси, этнографияси, статистикаси, иқтисодига доир маълумотларни тўплаш, уларни ўрганиш ва тарқатишдан иборат бўлган. Табиат, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамияти Туркистон бўлими ўз тадқиқотлари натижаларини махсус тўплам тарзида нашр эттирди.

Ўлкада ишлаётган археологлар 1895 йил

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

да Туркистон археология ҳаваскорлари тўғарагига бирлашди. Бу тўғарак шуғулланган археологик ишлар, асосан, ёзма манбалар асосида қадимги ёдгорликларни тавсифлаш ва ўрганишдан, айрим археологик объектларни излаш ва тиклашдан иборат бўлган археологик қазиниш ишлари кам ўтказилган. XIX аср охири — XX аср бошларида География жамиятининг Туркистон бўлими аъзолари томонидан Орол денгизи, музликлар, ўлканинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, сейсмик жараёнлар тадқиқ этилди, фойдали қазилма конлари очилди. Рус олимларининг айрим экспедициялари тупроқшунослик ва гидрологияга оид тадқиқотлар ўтказди.

1918 йил мустамлака Туркистонда хўжаликнинг турли тармоқлари ва маданият ўчоқлари учун кадрлар тайёрлайдиган махсус муассасалар очилди. Шулардан бири 1918 йилнинг 21 апрелида очилган Туркистон Университети эди. Андижон, Қўқон, Самарқанд, Фарғона, Жиззах каби шаҳарларда унинг бўлимлари ҳам ташкил этилган. Туркистон давлат университети (1923 йилдан Ўрта Осиё давлат университети, 1960 йилдан Тошкент давлат университети, 1998 йилдан Ўзбекистон Миллий университети) ташкил қилинди. Кейинчалик университет негизида ўлканинг табиий бойликларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун турли соҳалар бўйича мустақил олий ўқув юртлари ва дастлабки илмий муассасалар ташкил қилинди. Университет қошидаги илмий муассасалардан ташқари бошқа илмий тадқиқот институтлари ҳам ташкил қилинди. 1921 йилда Фарғона ва Тошкентда ипакчилик бўйича станциялар очилди.

Ўтган асрнинг 20-йиллари охири—30-йиллари бошида Тропик тиббиёт (1924); Тиббий паразитология ва гельминтология (1924); Сув хўжалиги тажриба-тадқиқот институтлари (1926); Ўзбекистон ветеринария (1926); Ўзбекистон педиатрия (1927); Бутуниттифоқ пахтачилик (1929); Ўрта Осиё пахтачилик-ирригация политехника (1929); Ўзбекистон педагогика (1929); Ўрта Осиё ипакчилик (1929); Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон пахтачилик (1929); Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги (1930); Ўрта Осиё геология-қидирув; Темир йўл транспорти муҳандислари (1931); Гидрометеорология (1931); Тошкент ва Самарқанд давлат Тиббиёт; Фармацевтика; Ўзбекистон Сил касалликлари (1932); Ўзбекистон Тери ва тана касалликлари (1932); Ўзбекистон Санитария ва гигиена (1934); Қорақўлчилик (1935); Пахта саноати институтлари (1936) ва бошқа илмий муассасалар ташкил қилинди.

Илмий тадқиқот муассасалари тармоғи ва илмий кадрлар сонининг жадал ўсиши, олимлар олдига янги вазифалар қўйилиши илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириб туриш ишларини такомиллаштиришни тақозо қилди. Шунинг учун 1932 йилда Фан қўмитаси таъсис қилинди. 1940 йили Фан қўмитаси негизида Иттифоқ ФА Ўзбекистон филиали (ЎзФА) тузилди. Шу даврдан ЎзФА Ўзбекистоннинг асосий илмий-тадқиқот марказига айланди. Ўша даврда унинг таркибига геология, ботаника, кимё, сув хўжалиги муаммолари (1941 й.дан энергетика), тарих, тил ва адабиёт институтлари; тупроқшунослик, зоология, физика ва математика секторлари; Тошкент астрономия обсерваторияси (Қитоб кенглик станцияси билан бирга); Иқтисодий тадқиқотлар ва картография бюроси киритилди. 1940 йили Ўзбекистондаги илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларида 3 мингдан ортиқ илмий ва илмий-педагогик ходимлар ишлаган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида республикада 40 дан ортиқ илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари ишлаб турди. 1943 йилда Ўзбекистон филиали асосида Ўзбекистон Фанлар академияси (ЎзФА) ташкил қилинди. Ўша пайтда унинг таркибида 10 институт фаолият кўрсатган. Академияда 11 ҳақиқий аъзо, 18 мухбир аъзо, 3 фахрий аъзо бўлган. Унинг муассасаларида 210 илмий ходим, шу жумладан, 28 фан доктори, 80 фан номзоди ишлаган.

Ўтган асрнинг 40-йиллари иккинчи ярмида республика олимларининг фаолияти хўжалик, маданият, тиббиёт ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилди. Шу йилларда Ўзбекистонда Травматология ва ортопедия; Энергетика (ҳозирги Ўзбекистон энергетика ва автоматика институти); Математика; Иншоотлар (ҳозирги М. Т. Ҳрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти); Сув муаммолари; Чорвачилик; Ўрта

Осиё Геология ва минерал хом ашё; Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги; Гематология ва қон қуйиш; Қорақалпоғистон деҳқончилик; Ўзбекистон ФА Нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси (ҳозир Ўзбекистон геология вазирлиги таркибида); Ўлка тиббиёт (ҳозирги Эндокринология институти); Онкология ва радиология; Ўрта Осиё ўсимликларни муҳофаза қилиш; Ўрта Осиё қишлоқ жўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш; Илмий-техника ахбороти; Суд экспертизаси; Ўрта Осиё иқтисод ва қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш институтлари очилди; Фарғона ва Наманганда сейсмик станциялар ташкил қилинди. 1958 йилда Тошкент шаҳри яқинида ядро реактори қурилди.

Шундан сўнг Ўзбекистондаги илмий муассасаларнинг табиий ва ижтимоий фанлар соҳаларидаги бутун фаолияти республика иқтисоди ва маданиятини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал қилишга қаратилди. Пахтачилик, сугориш, энергетика, рангли металлургия билан боғлиқ комплекс тадқиқотларни ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги (1960); Сабзавот-полиз ва картошқа экинлари (1960); Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар (1961); Кибернетика (1966); Акушерлик ва гинекология (1974); Кардиология институтлари (1976) ташкил қилинди.

1987 йили Тошкент вилоятининг Паркент туманида ниҳоятда ноёб илмий-экспериментал мажмуа—бизеркал оптика-энергетика қурилмаси фойдаланишга топширилди. 1991 йили ФА таркибида Сув муаммолари институти ташкил этилди. Фан билан ишлаб чиқаришни яқинлаштириш мақсадида баъзи институтлар қошида илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, марказлар очила бошланди.

Шўролар тузуми даврида институтлар сони қанчалик кўп бўлмасин, тузумнинг марказлаштирилиши, юқоридан режалаштириш тартиби, давлатга молиявий қарамлилик фаннинг эркин ривожланишини муайян даражада чеклаб қўйди. Фаннинг долзарб муаммолари сирасида пахта ва бутун қишлоқ жўжалиги комплексини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, илмий приборсозлик, электроника соҳасини кенгайтириш, минерал хом ашё бойликларидан самарали фойдаланиш, энер-

гияни тежаш, табиат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техника тараққиётини комплекс башорат қилиш вазифалари биринчи ўринда турарди. Жадал, қисқа вақт фаолият юргизадиган инновация цикли (тадқиқ қилиш — ишлаб чиқиш — ишлаб чиқариш) масаласини ҳал қилиш энг долзарб масала бўлиб қолган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда илм-фанга алоҳида эътибор берилди. Халқ хўжалиги ва маданий ҳаётдан орқада қолаётган институтлар тугатилиб, давр талаб этган янги институтлар очилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 апрелдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ФАнинг янги Низоми тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги Фармони ҳамда уни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фаннинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ва инновация фаолияти ҳақида»ги қарори мамлакатда бу соҳани ривожлантиришда тугган аҳамияти беқиёс эканлигини яна бир бор исботлади. Истиқлол йилларида ривожланган давлатлар тажрибасини пухта ўрганиш, олимларни хорижий мамлакатларга тажриба оширишга юборишга алоҳида эътибор қаратилди. Илмий ечимларни ички ва ташқи бозорда тарғиб этиш ва оммалаштириш мақсадида ФА негизида «ЎзФАНТ» Республика илмий ишланмалар инновация тижорат маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониغا биноан республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси (ОАК) ташкил этилиши ҳам фанимизнинг мавқеи ва обрў-эътиборининг ортишига хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда ФА илмий муассасаларининг фаолияти мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида янги ва самарали илмий-техник ечимларни яратиш, республикамиздаги табиий-минерал бойликларни қайта ишлаш асосида жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш замонавий технологияларини, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга изчил татбиқ этиш самарали механизмларини таклиф этишга йўналтирилган.

## АВСТРАЛИЯ ВА ОКЕАНИЯ

### 1. АВСТРАЛИЯ

Австралия Иттифоқи  
(Commonwealth of Australia)

**Майдони**.....7,682 млн. км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....20,1 млн.(2004 йил).  
**Пойтахти**.....Канберра шаҳри.  
**Йирик шаҳарлари**.....Сидней, Мельбурн, Брисбен, Аделаида, Перт.  
**Расмий тили**.....инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** 27145 АҚШ долл. (2004 йил).  
**Экспорт**.....тошкўмир, олтин, гўшт, жун, буғдой, темир рудаси, машина ва транспорт жиҳозлари  
**Импорт**.....машина ва транспорт жиҳозлари, компьютер ва электро-техника, нефть ва нефть маҳсулотлари  
**Миллий валютаси**.....Австралия долл.  
**Дини**.....насронийлик, ислом, буддизм ва яҳудийлик.  
**Мустақиллик куни**.....1. 01. 1901.  
**Миллий байрами**.....26 январь.  
**Чегаралари**.....гарб ва жанубдан Хинд океани ўраб туради, шимолдан Тимор, Арафур, Коралл денгизлари, шарқда Тинч океани ва Тасмания денгизи билан ўралган. Жанубий ярим шардаги давлат, Тасмания ва бошқа оролларда жойлашган.  
**Давлат тузуми**. Давлат тузилиши шакли жиҳатидан – федерация. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи федерал давлат. Мамлакатнинг амалдаги Конституцияси 1901 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – Буюк Британия кироли (кироличаси), генерал-губернатор унинг вакили ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият – икки палатали (вакиллар палатаси ва сенат) федерал парламент. Вакиллар палатаси (куйи палата) 3 йил муддатта, сенат (юқори палата) депутатлари ҳар бир штатдан 6 йил муддатта сайланади. Сенат таркибининг ярми ҳар 3 йилда янгиланади. Генерал-губернатор ва бош вазир бошчилик қиладиган ҳукумат ижроия ҳокимиятини амалга оширади. Австралиянинг ҳар бир штати ўз конституцияси, парламенти ва ҳукуматига эга; штатларнинг ҳуқуқлари чекланган.

**Сиёсий партия ва касаба уюшмалари**. Австралия миллий партияси – 1916 йилда; Австралия либерал партияси – 1944 йилда; Австралия лейбористлар партияси – 1891 йилда; Австралия демократлари партияси – 1977 йилда ташкил этилган. Австралия касаба уюшмалари кенгаши 1927 йилда тузилган бўлиб, Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси таркибига киради.

Мамлакат 1945 йилнинг 1 ноябридан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва шу куни икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси**. Аҳолининг асосий қисми Британия оролларида кўчиб келганлар авлодлари – инглизлар, ирландлар, шотландлар бўлиб, улар австралияликлар миллатини ташкил этади. Маҳаллий аҳоли ва дурагайлар мамлакат аҳолисининг 1,5%ни ташкил этади; украинлар, италянлар, немислар, греклар, голландлар ва бошқалар ҳам яшайди. Бир неча юз ўзбек бор. Аҳолининг ўртача зичлиги – 1 км<sup>2</sup>. га салкам 2 киши. Аҳолининг 80%га яқини китъанинг шарқий ва жануби-шарқий соҳилида истиқомат қилади; аҳолининг 2/3 қисми катта шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти**. Австралия – юксак даражада ривожланган саноатлашган-аграр мамлакат. Иқтисодиётда йирик монополиялар ҳукмрон, хорижий сармоянинг асосий қисми АҚШ ва Буюк Британия хиссасига тўғри келади.

**Валютаси**. 1,4884 Австралия доллари 1 АҚШ долларига тенг. (2004 йил). Ташқи савдода импортнинг улуши 77 млрд. Экспортнинг улуши эса 69,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. (2004 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. АҚШ, Япония, Жанубий Корея, ЕИ, АСЕАН давлатлари, ХХР ва бошқалар.

Мамлакат бир неча халқаро ташкилотларга, жумладан: АСЕАН, БМТ, ВТО, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва бошқаларга аъзо, НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури иштирокчиси.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуроли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 51.800;

захирадагилар – 21.600;

## ВАНУАТУ

шундан, курукликдаги кўшинларда 25.300, ҳарбий денгиз флотидида 12.850, ҳарбий ҳаво кучларида 13.650 киши хизмат қилади. Замо-навий қурол-яроғга эга. 6 та сув ости кемаси ва 10 та қоровул кемаси бор. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 15 та патруль кемаси мавжуд. Австралия Божхона хизмати ходимлари ярим ҳарбийлашган тизимга киради.

### 2. ВАНУАТУ

Вануату Республикаси  
(Republic of Vanuatu)

**Майдони**..... 12190 км<sup>2</sup>  
**Аҳолиси**..... 210 минг (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Порт-Вила шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Порт-Вила, Луган-виль.  
**Расмий тили**..... бислама, англиз ва француз тиллари.  
**ИИМ (аҳоли жон бошига)**...2880 АҚШ дол-лари (2003 йил).  
**Экспорт**..... копра, какао, қаҳва, мол гўшти, ёғоч маҳсулотлари, киви ва бошқалар.  
**Импорт**..... машина ва жиҳоз-лар, озиқ-овқат, ёнилғи маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**..... вату  
**Дини**..... насронийлик.  
**Мустақиллик куни**..... 30. 07. 1980.  
**Миллий байрами**..... 30 июль - Муста-қиллик куни.  
**Чегаралари.** Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Янги Гебрид ороллари-даги (80 оролдан иборат) давлат. Бу ороллар-нинг энг катталари Эспириту-Санто, Амбрим, Малекула, Маэво, Эфате. Маъмурий жиҳат-дан 6 провинцияга бўлинган.  
**Давлат тузуми.** Вануату Республикаси Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстликка кира-ди. Амалдаги конституция 1980 йил 30 июлда қабул қилинган. Давлат бошлиғи президент. У парламент томонидан 5 йил муддатга сайлана-ди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент амалга оширади. Парламент аъзо-лари аҳоли томонидан 4 йил муддатга сайлана-ди. Ижроия ҳокимияти бош вазир бошчилиги-даги ҳукумат томонидан амалга оширилади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Вануату лейбористлар партияси - 1986 йил-да; Вануату партияси - 1971 йилда; Миллий демократик партия - 1986 йилда; Мелане-зия тараққийпарвар партияси - 1988 йилда; Халқ демократик партияси - 1994 йилда; Миллий бирлашган партия - 1991 йилда; Янги халқ партияси - 1986 йилда; Мўътадил партиялар иттифоқи - 1980 йилда ташкил этилган. Вануату касаба уюшмалари кенга-ши 5 та тармоқ касаба уюшмаларини бир-лаштиради.

1981 йил 15 сентябрдан БМТ аъзолигига қабул қилинган.

**Аҳолиси.** Асосан меланезлар (95% га яқини). Мамлакатда англизлар, микронезлар, поли-незлар, французлар ва бошқа миллат вакил-лари ҳам яшайди. Шаҳарларда 18,4% аҳоли истиқомат қилади.

**Иқтисодиётининг асоси** - қишлоқ хўжали-ги. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг 70% шу соҳада банд. Кокос пальмаси, ямс, какао, шакарқамиш, кофе, пахта экилади, қорамол, қўй, эчки, парранда боқилади, балиқ овла-нади. 1995 йили ялпи ички маҳсулотда сано-атнинг улуши 13%ни ташкил этди. Унда меҳ-натга қобилиятли аҳолининг 3,5% банд бўлди. Мамлакатда қимматбаҳо ёғоч тайёрланади, марганец қазиб олинади. Шунингдек, нефть, олтин, мис захиралари бор, қишлоқ хўжали-ги маҳсулотларини қайта ишловчи, тўқима-чилик маҳсулотлари, қурилиш материалла-ри ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд. Сай-ёхлик ривожланган; йилига ўртача 45 мингта яқин сайёҳ келиб-кегади. Вануатуда темир йўл йўқ. Автомобиль йўллари-нинг узунлиги - 1,1 минг км. Асосий денгиз порти ва хал-қаро аэропорт Порт-Вила шаҳрида жойлаш-ган. Шунингдек, Луганвиль, Паликоуло ва Санту денгиз портлари ҳам бор.

**Валютаси.** 115 вату 1 АҚШ долларига тенг. (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 93 млн. (2003 йил), экспортнинг улуши эса 22 млн. АҚШ долларига тенг. (2001 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Япония, Авс-тралия, Янги Зеландия, Франция, Янги Ка-ледония, Фижи, Нидерландия.

**Табиати.** Ороллар ер юзаси вулқон жинсла-

## КИРИБАТИ \* МАРШАЛЛ ОРОЛЛАРИ

ридан ташкил топган тоғлиқлардан иборат. 60 га яқин вулқондан 10 таси ҳаракатда. Ороллардаги тоғлар орасидаги текис ерларда деҳқончилик қилинади. Кўпгина иссиқ булоқлар мавжуд. Олтингугурт, марганец конлари бор. Иқлими — нам, тропик. Ўртача ойлик ҳарорати 20-27°. Йилига 1000 мм. гача ёгин ёғади. Сершамол шарқий қиялиқларда тропик ўрмонлар, ғарбда сийрак ўрмонлар бор. Мамлакат бир неча халқаро ташкилотларга, жумладан, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНКТАД ва бошқаларга аъзо.

### 3. КИРИБАТИ

Кирибати Республикаси.  
(Republic of Kiribati)

**Майдони**.....810,6 км<sup>2</sup>  
**Аҳолиси**.....96 минг (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Баирики шаҳри.  
**Расмий тили**.....инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.... 800 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....копра, кокос ёнғоғи, денгиз маҳсулотлари, балиқ,  
**Импорт**.....озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва жиҳозлар, турли-туман саноат маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**.....Австралия доллари  
**Дини**.....насонийлик ва баҳойлик.  
**Мустақиллик куни**.....12.07.1979.  
**Миллий байрами**.....1979 йил 12 июль - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми** . Республика. Тинч океанининг ғарбий қисмида, Гилберт, Феникс, Лайн ороллари ва Банаба оролида жойлашган давлат. Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 6 округга бўлинган. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстликка киради. Амалдаги конституцияси 1979 йилда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи президент (1994 йил октябрдан Тебураро Тито). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Мажлислар палатаси (парламент) амалга оширади. Парламент депутатлари аҳоли томонидан 4 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятини президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмаси.**

Миллий тараққийпарвар партия фаолият олиб боради. Кирибати касаба уюшмалари конгресси 1982 йили ташкил этилган бўлиб, 12 та тармоқ касаба уюшмаларини бирлаштиради.

Кирибати 1999 йил 14 сентябрдан БМТ аъзоси. **Аҳолиси.** Асосан микронезиялик кирибатилар (96%); тувалуанлар, банабанлар ҳам яшайди. Расмий тили инглиз тили, бироқ барча аҳоли тунгару (кирибати) тилида сўзлашади.

**Иқтисодиёти.** Иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиғи ташкил этади. Балиқчилик ривожланган. Саноати майда хунармандчилик корхоналаридан иборат.

**Савдо соҳасидаги асосий шериклари.** Австралия, Янги Зеландия, Буюк Британия, Япония. Таравада технология институти, Педагогика коллежи ва денгизчилик мактаби бор.

**Валютаси.** 1,7995 Австралия доллари 1 АҚШ доллар.

Ташқи савдода импортнинг улуши 44 млн., экспортнинг улуши 6 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

**Табиати.** Ороллар маржонлардан ҳосил бўлган. Иқлими экваториал, иссиқ ва сернам. Баъзи жанубий оролларда курғоқчилик ҳам бўлиб туради.

### 4. МАРШАЛЛ ОРОЛЛАРИ

Маршалл Ороллари Республикаси  
(Republic of the Marshall Islands)

**Майдони**..... 180 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 53 минг (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Мажуро шаҳри.  
**Расмий тили**.....инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.2 190 АҚШ долл.  
**Экспорт**.....балиқ, кокос ёғи ва бошқалар.  
**Импорт**.....озиқ-овқат, машина ва жиҳозлар, ичимликлар ва тамаки.  
**Миллий валютаси**.....АҚШ доллари.  
**Дини**.....асосан насонийлик  
**Мустақиллик куни**.....21. 10. 1986.  
**Миллий байрами**.....1 май - Конституция куни (1979).  
**Давлат тузуми.** Республика. Тинч океанининг ғарбий қисмидаги Маршалл ороллари

архипелагида жойлашган давлат. Архипелаг бир неча юз оролнинг Радак ва Раликдан иборат икки гуруҳидан ташкил топган. Маъмурий жиҳатдан 25 та туманга (district) бўлинган. Деярли барча аҳолиси микронезлар иркий тоифасига кирувчи маршалликлар; протестантликка эътиқод қилади. АҚШ билан «эркин уюшган» давлат. 1979 йил 1 майда қабул қилинган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи – президент (2000 йилдан Кессаи Ноут), у парламент аъзолари орасидан 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият – парламент, у аҳоли томонидан 4 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятни президент амалга оширади, у парламент аъзолари орасидан танлаб олинган депутатлардан ҳукумат таркибини шакллантиради. Маршалл ороллари ўзини ўзи бошқариш ва ташқи сиёсат соҳасида муайян мустақил мақомга эга бўлса-да, мудофаа, молия ва ташқи ишлар масалалари АҚШ ихтиёрида. Мамлакатда ягона Бирлашган демократик партия фаолият юритади. Маршалл ороллари 1991 йил 17 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Иқтисодиёти.** Аҳолиси, асосан, балиқ овлаш ва деҳқончилик билан шуғулланади, фосфат қазиб чиқаради.

**Савдо-сотиқдаги асосий шериклари.** АҚШ ва Япония. «Маршалл айлендз газетт» («Маршалл ороллари газетаси», 1982 йилдан) ва «Маршалл айлендз джорнэл» («Маршалл ороллари журнали», 1970 йилдан) нашр этилади. Маршалл Ороллари радиоси ҳукуматга қарашли бўлиб, унда инглиз ва маҳаллий тилларда эшиттиришлар бериб борилади. Кважалейн оролидаги АҚШ ҳарбий базасида телемарказ мавжуд.

Ташқи савдода импортнинг улуши 54 млн. АҚШ долларига тенг. (2000 йил).

Экспортнинг улуши 9 млн. АҚШ долларга тенг (2000 йил).

**Табиати.** Ер юзаси пасттекислик, асосан, маржон оҳақтошларидан таркиб топган. Иқлими шимолда тропик, пассатли, жанубда субэкваториал.

## 5. МИКРОНЕЗИЯ

Микронезия Федератив Штатлари  
(Federated States of Micronesia)

**Майдони**..... 702 км<sup>2</sup>

**Аҳолиси**..... 108 минг (2004 йил).

**Пойтахти**..... Палакир шаҳри.

**Расмий тили**.....инглиз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....2000 АҚШ долл (2002 йил).

**Экспорт**..... балиқ, кийим-кечак, банан.

**Импорт**.....озик-овқат, ярим фабрикатлар, кийим-кечак, машина ва жиҳозлар, ичимликлар.

**Миллий валютаси**..... АҚШ доллари.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....3. 11. 1986.

**Миллий байрами**.....3 ноябрь - Мустақиллик куни (1986).

**Давлат тузуми.** МФШ АҚШ билан «эркин уюшган» давлат. Тинч океанининг ғарбий қисмида, Каролина ороллари архипелагида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 4 штатга бўлинади.

Амалдаги конституция 1979 йил 10 майда қабул қилинган, кейинчалик ўзгаришлар киритилган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент (1999 йилдан Лео Фолкам). У вице-президент билан бирга парламент томонидан 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи орган – МФШ Конгресси (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади. 1947 йилдан АҚШ томонидан бошқариладиган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти васийлигидаги ҳудудга айланди. 1978 йилда Каролина ороллари АҚШ билан «эркин уюшган» ҳудуд мақомини олди. Бу ҳақдаги шартнома 1982 йилда имзоланди, 1986 йил 3 ноябрда кучга кирди ва МФШга ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини берди. Аммо мудофаа, молия ва ташқи ишлар масалалари АҚШ ихтиёрида қолди.

Микронезия 1991 йил 17 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Иқтисодиётининг асоси** қишлоқ хўжалиғи бўлиб, унинг маҳсулоти аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондирмайди. Хорижий сайёҳлик ривожланган.

**Савдо-сотиқдаги асосий шериклари.** АҚШ, Япония.

«Нешнл юнион» («Миллий иттифок», 1980 йилдан), «Чуук ньюс кроникл» («Чуук янгиликлари хроникаси», 1983 йилдан) газеталари нашр этилади. МФШ ижтимоий ахборот бошқармаси ҳукумат маҳкамаси бўлиб, у минтақавий радиостанцияга эга. Ҳар бир штатда телевидение хизмати мавжуд.

Ташқи савдода импортнинг улуши 168 млн. АҚШ долларини, экспортнинг улуши 73 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

**Табиати.** Микронезия ороллари келиб чиқishi жиҳатидан маржон ороллари ва вулқон отилишидан пайдо бўлган ороллarga бўлинади. Иқлими экваториал ва субэкваториал. Ёғин йил давомида бир метрда (2000-6000 мм.) ёғади. Каролина ороллари атрофида кучли тропик довуллар бўлиб туради.

## 6. НАУРУ

Науру Республикаси (Nauru)

**Майдони**..... 21 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 13 минг (2004 йил).  
**Пойтахти**.....расмий пойтахти йўқ, ҳукумат Ярен округида жойлашган.  
**Расмий тили**.....науру ва инглиз тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..4700 АҚШ доллари.  
**Экспорт**.....фосфоритлар.  
**Импорт**.....озиқ-овқат, кенг эҳтиёж моллари, машина ва жиҳозлар, ёнилғи.  
**Миллий валютаси**..... Австралия доллари.  
**Дини**.....насонийлик.  
**Мустақиллик куни**.....31. 01. 1968.  
**Миллий байрами**.....31 январь - Мустақиллик куни (1968).  
**Чегаралари.** Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмидаги Науру оролларида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 8 округга бўлинади. Давлат тузуми. Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги республика. 1986 йилги конституция амал қилади. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. У парламент аъзолари орасидан 3 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни аҳоли томонидан 3 йил муддатга сайланадиган ва 18 аъздан иборат

парламент, ижроия ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади; унинг вазирлари парламент аъзолари орасидан тайинланади. Науруда ягона партия — Науру демократик партияси мавжуд, у 1987 йилда тузилган. Мамлакат касаб-ушма бирлашмаси Науру ишчи ташкилоти деб аталади (1974 йилда асос солинган). 1968 йилда Науру мустақил давлат — Науру Республикаси деб эълон қилинди.

1999 йил 14 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг 60%и маҳаллий наурулар** (полинезиялик), қолган қисми Океаниянинг бошқа оролларида келганлар, хитойликлар, филиппинлар ва европаликлар. Диндорларнинг 60%и протестант, қолганлари католик динига мансуб. **Иқтисодиётининг асосини фосфорит қазиб олиш ва экспорт қилиш ташкил этади** (йилига 2 млн. тонна).

Ташқи савдода импортнинг улуши 21,1 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 25,3 млн. АҚШ доллари.

**Ташқи савдодаги шериклари.** Австралия, Япония, Янги Зеландия.

**Табиати.** Науру ороллари тектоник ҳаракат натижасида сув остидан кўтарилган атолл бўлиб, унда ҳалқасимон маржон қоялари баландликлари сақланган. Ер юзаси — плато (энг баланд жойи 65 м.). Платонинг четларидаги камбар (эни 200 м.гача) соҳил — террасасимон. Иқлими иссиқ; ойлик ўртача ҳарорат 28 градус, йиллик ёғин 2500 мм. Доимий оқар сувлари йўқ. Ичимлик суви четдан келтирилади.

## 7. ПАЛАУ

Палау Республикаси  
(Republic of Palau ёки Belau).

**Майдони**..... 508 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 20 минг (2004 йил).  
**Пойтахти**..... Корор шаҳри.  
**Расмий тили**.....билау ва инглиз тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..9000 АҚШ доллари (2001 йил).  
**Экспорт**.....копра, ҳунармандчилик моллари.  
**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, ёнилғи ва озиқ-овқат.

## ПАПУА-ЯНГИ ГВИНЕЯ

**Миллий валютаси**.....АҚШ доллари.  
**Дини**..... насронийлик,  
 қисман ислом ва маҳаллий динлар.

**Мустақиллик куни**.....1. 10. 1994.

**Миллий байрами**.....1 октябрь - Мустақиллик куни (1994).

**Давлат тузуми.** Республика, АҚШ билан «эркин уюшган» давлат. Тинч океанининг ғарбий қисмидаги Каролина ороллари туркумидаги 8 та йирик оролда жойлашган. Баъзан Белау деб талаффуз этилади. Оролларнинг энг каттаси - Бабелтуап. Маъмурий-худудий жиҳатдан 16 штатга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1981 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент (2000 йилдан Томас Ременгесау), аҳоли томонидан тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали (сенат ва делегатлар палатаси) Миллий конгресс (парламент), ижроия ҳокимиятини президент ва ҳукумат амалга оширади. 1947 йилда БМТ қарорига кўра, АҚШ бошқарувига ўтди. 1993 йил ноябрдаги референдум иштирокчилари АҚШга ихтиёрий равишда қўшилиш учун овоз берди. 1994 йил 1 октябрдан Палау Республикаси АҚШ билан «эркин уюшма» доирасида мустақилликка эга бўлди. У ўзини-ўзи идора қилса ҳам, мудофаа, молия, ташқи ишлар масалаларини АҚШ бошқаради.

1994 йил 15 декабрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиси** - микронезлар. Диндорларнинг аксарияти - католиклар.

**Иқтисодиётининг** асосини балиқчилик ва кокос етиштириш ташкил этади.

Ташқи савдода импортнинг улуши 99 млн. долл. (2001 йил).

Экспортнинг улуши 18 млн. АҚШ долл. (2001 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ ва Япония.

**Табиати.** Барча йирик ороллар вулқон ҳаракати натижасида вужудга келган, улар маржон рифлари билан ўралган. Фосфат конлари бор. Иқлими нам, тропик иқлим. Йиллик ёгин 2250 мм. дан 3000-4500 мм. гача, Кусане ороли тоғларида 6000 мм. Вулқон оролларида доим яшил ўрмон ва саванналар; Маржон оролларида, асосан, кокос пальмаси ва панданус дарахти ўсади. Ҳайвонот дунёси шимолий оролларда майда кемирувчилар, калта-

кесак, илонлар ва жанубий оролларда турли қуш ва ҳашаротлардан иборат. Соҳилбўйи сувларида балиқ кўп.

### 8. ПАПУА-ЯНГИ ГВИНЕЯ, Папуа-Янги Гвинея Мустақил давлати (Independent State of Papua New Guinea)

**Майдони**..... 462,8 минг км.

**Аҳолиси**..... 5,4 млн (2004 йил).

**Пойтахти**..... Порт-Морсби шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Лаэ

**Расмий тили**.....инглиз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..2150 АҚШ долл.

**Экспорт**.....олтин, қаҳва, мис, копра, ёғоч ва какао.

**Импорт**.....эхтиёж моллари, ичимликлар, тамаки, машина ва жиҳозлар, саноат товарлари.

**Миллий валютаси**.....кина.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....16. 09. 1975.

**Миллий байрами**.....16 сентябрь - Мустақиллик байрами.

**Чегаралари**..... ғарбда Индонезия билан чегарадош, бошқа томондан денгиз билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Парламентар монархия, Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибига киради. Океания, Тинч океанининг жануби-шарқий қисмида жойлашган давлат. Мазкур давлат таркибига Янги Гвинея ороллари шарқий қисми ва унга ёндош ороллар, Бисмарк архипелаги, Соломон ороллари шимолий қисми, Д'Антркасто ороллари, Луизиада архипелаги, Тробриан ороллари, Муруа ороли ва 200 га яқин бошқа катта-кичик ороллар киради. Маъмурий жиҳатдан 20 вилоятга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1975 йил 16 сентябрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - Буюк Британия қироли (қироличаси); ҳукуматнинг тақдимида биноан ва парламентнинг қарорига мувофиқ тайинландиган генерал-губернатор унинг номидан иш кўради. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали Миллий парламент, ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги Миллий ижроия кенгаши амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.**

## САМОА

Меланез иттифоқи - 1978 йилда асос солинган; Халқ ҳаракати партияси - 1970 йилда; Халқ демократик ҳаракати - 1985 йилда; Миллий партия - 1979 йилда ташкил этилган; Папуа-Янги Гвинея биринчи партияси - 1998 йилда. Папуа-Янги Гвинея қасаба уюшмалари конгресси Халқаро эркин қасаба уюшмалари конфедерациясига қиради.

Мамлакат 1975 йил 10 октябридан БМТ аъзоси. Аҳолисининг аксарияти папуаслар, меланезлар, шуниингдек, европаликлар, асосан, инглиз ва австралияликлардан иборат. Кўпчилик диндорлари - насронийлар, қолганлари маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади, аҳолининг аксарияти папуас тилида, меланезлар малай-полинез тилида сўзлашади, гуруҳлараро муомалада моту тилидан фойдаланилади. Аҳолининг кўп қисми қишлоқ жойларда, бориш қийин бўлган олис қишлоқларда яшайди. Шу сабабли мамлакатда урф-одат ва тиллар жуда кўп (700 дан ортиқ), қишлоқ жойларда анъанавий турмуш тарзи сақланиб қолган.

**Иқтисодиёти.** Қишлоқ хўжалиги ва кончилик саноати иқтисодиётнинг асосини ташкил этади. ЯИМда қишлоқ хўжалиги улуши 26%, саноатнинг улуши 26,6%ни ташкил этади. Асосан, кокос пальмаси, каучук, банан, қахва, какао етиштирилади. Ичкис эҳтиёж учун аҳоли ямс, таро, маниок, маккажўхори, батат, шакарқамиш экади; ёввойи тарзда ўсадиган нон дарахти, сага пальмаси ва бошқа ўсимликлар меваси йиғиштириб олинади. Чорвачилик, балиқ овлаш ривожланган, ёғоч тайёрланади. Озиқ-овқат ва ёғочсозлик саноати маҳаллий хом ашё асосида ишлайди. Мис, олтин, қумуш, рух қазиб олинади. Автомобиль йўллари узунлиги 20 минг км. га яқин.

**Валютаси** 3,23 кина 1 АҚШ долларига тенг. Ташқи савдода импортнинг улуши 1,1 млрд. АҚШ долл. (2002 йил).

Экспортнинг улуши 1,8 млрд. АҚШ долл. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Австралия, Буюк Британия, АҚШ, Япония.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 3.100;

шундан, қуруқликдаги кўшинларида 2.500, денгиздаги ҳарбий бўлинмаларда 400, ҳарбий ҳаво

кучларида 200 киши хизмат қилади, қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 4 патруль кемаси мавжуд.

### 9. САМОА

собиқ Ғарбий Самоа, Самоа мустақил давлати (Independent State of Samoa)

**Майдони**..... 2,8 минг км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 178 минг (2003 йил).

**Пойтахти**..... Апиа шаҳри.

**Расмий тили**.....самоа ва инглиз тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жоп бошига)**..... 5700 АҚШ долл. (2003 йил).

**Экспорт**.....кокос креми ва ёғи, копра, қахва, какао, мевалар, пиво, шербатлар, сигареталар, ёғоч маҳсулотлари.

**Импорт**.....озик-овқат, саноат ва кимё маҳсулотлари, ёнилғи-мойлаш материаллари.

**Миллий валютаси**.....тала.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....1. 06. 1962.

**Миллий байрами**.....1 июнь - Мустақиллик куни (1962).

**Давлат тузуми.** Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмида, Полинезияда жойлашган давлат. Самоа архипелагининг ғарбий қисмидаги Савайи, Уполу, Аполима, Манано, Фануатану, Намуа, Нуутеле, Нуулуа ва Нуусафее оролларида иборат. Маъмурий жиҳатдан 14 округга (district) бўлинади.

Самоа - Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи мустақил давлат. Амалдаги конституцияси 1962 йил 1 январда қабул қилинган, унга 1997 йили тўзатиш киритилган. Давлат бошлиғи 1963 йилдан йўлбошчи Малието Танумафили II, конституцияга биноан қабила бошлиқлари томонидан умрбод сайланган. Унинг вафотидан кейин давлат бошлиғи қонун чиқарувчи ассамблея томонидан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Фоно (Қонун чиқарувчи ассамблея), ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сиёсий партиялари ва қасаба уюшмалари.**

## СОЛОМОН ОРОЛЛАРИ

Самоа либерал партияси - 1994 йилда; Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш партияси - 1979 йили; Самоа миллий тараққиёт (Христиан-демократик партия) партияси - 1985 йилда ташкил этилган. Мамлакатда бир қанча тармоқ касаба уюшмалари фаолият юритади.

Мамлакат 1997 йилгача Ғарбий Самоа деб аталган. Самоа 1976 йил 15 декабрдан БМТ аъзоси. Аҳолисининг 98%и самоалар, қолганлари Океаниянинг бошқа оролларида кўчиб келганлар ва қисман европаликлар авлодлари. Шаҳар аҳолиси 21 %.

**Иқтисодиёти.** Иқтисодиёт асосини қишлоқ хўжалиги (плантация деҳқончилиги) ташкил этади. Мамлакат ҳудудининг 32 %да маҳсулот етиштирилади, 66 %га яқини ўрмонлардан иборат.

Ташқи савдода импортнинг улуши 90 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 17 млн. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Германия, Янги Зеландия, Австралия.

**Табиати.** Ороллар вулқон отилиши натижа-сида вужудга келган тоғ, асосан, базальтдан иборат. Энг баланд жойи 1858 м. (Савайи оролидаги Силисиди тоғи). Қирғоқлари баланд ва қояли. Иқлими субэкваториал ва тропик, пас-сатли, сернам иқлими. Оқар сувлари йўқ.

### 10. СОЛОМОН ОРОЛЛАРИ

(Solomon Islands)

**Майдони**.....28 450 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 524 минг. (2004 йил).

**Пойтахти**.....Хониара шаҳри.

**Расмий тили**.....инглиз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...1680 АҚШ дол-лари (2001 йил).

**Экспорт**.....ўрмончилик маҳсулотлари, балиқ, какао, копра.

**Импорт**.....саноат ускуналари ва товарлари, озиқ-овқат, ёнилғи ва кимёвий маҳсулотлар.

**Миллий валютаси**.....Соломон оролла-ри доллари.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**..... 7. 07. 1978.

**Миллий байрами**.....7 июль - Муста-қиллик куни.

**Чегаралари.** Ғарбда Папуа - Янги Гвинея, бош-қа томонлардан Тинч океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Тинч океанининг жануби-ғар-бий қисмида жойлашган давлат. Соломон орол-ларининг жануби-шарқий қисмини, яқин ат-рофдаги Санта-Крус ва бошқа оролларни ўз ичига олади. Маъмурий жиҳатдан 4 округга бўлинади. Соломон Ороллари - Буюк Брита-ния бошчилигидаги Хамдўстлик таркибига кирувчи мустақил давлат. Амалдаги консти-туцияси 1978 йил 7 июлда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - Буюк Британия қиролича-си бўлиб, унинг номидан генерал-губернатор иш юритади, у мамлакат парламентининг тав-сияси билан 5 йил муддатга Соломон Оролла-ри фуқаролари орасидан тайинланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий парламент, ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилиги-даги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Соломон Ороллари лейбористлар партияси - 1988 йилда, Соломон Ороллари либерал парти-яси - 1976 йилда; Халқ иттифоқчи партияси - 1979 йилда; Соломон Ороллари миллий ҳара-кат партияси - 1993 йилда ташкил этилган. Соломон Ороллари касаба уюшмалари кенга-ши 1986 йилда тузилган.

1976 йили мамлакат ички ўзини-ўзи бошқа-риш ҳуқуқига эга бўлди, 1978 йили ороллар мустақилликка эришди.

1978 йил 19 сентябридан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг кўпчилиги** (93%) меланезия ирқига мансуб бўлган австронез ва папуас тилларида сўзлашувчи халқлардан иборат, қолганлари полинезияликлар. Улар катта ороллар соҳиллари бўйидаги кичик қишлоқ-ларда яшайди. Шаҳар аҳолиси 18% ни таш-кил этади.

**Иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжали-ги ташкил этади, аҳолининг аксарияти шу соҳада банд. Саноати қисман ёғочсозлик, ме-бель, озиқ-овқат (ёғ, консерва, тамаки), жут, кўнчилик корхоналаридан иборат.**

**Валютаси.** 7,46 Соломон Ороллари доллари 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 152 млн. АҚШ доллари, экспортнинг улуши эса 165 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Австралия,

Япония, Сингапур, Янги Зеландия ва бошқа Осиё давлатлари.

**Табиати.** Соломон Ороллариининг аксарият қисми вулқон отилиши натижасида ҳосил бўлган. Энг баланд жойи 2743 м. (Бугенвиль оролида). Иқлими субэкваториал, жуда сернам. Дарёлари кичик ва серсув.

## 11. ТОНГА

Тонга Қироллиги  
(The Kingdom of Tonga)

**Майдони**..... 748 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....110,2 минг  
(2004 йил).

**Пойтахти**..... Нукуалофа шаҳри.  
**Расмий тили**..... тонга ва инглиз тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**. 2200 АҚШ доллари.(2001 йил).

**Экспорт**..... асосан балиқ.

**Импорт**..... озиқ-овқатлар, машина ва транспорт ускуналари, ёнилғи, кимё саноати маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**..... паанга.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....4.06.1970.

**Миллий байрами**.....4 июнь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари.** Тинч океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Тинч океанининг жануби-ғарбий қисми ва Полинезиядаги Тонга архипелагида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 6 округга (district) бўлинади. Тонга – конституцияли монархия. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстликка киради. Амалдаги конституцияси 1875 йилда қабул қилинган, кейинчалик унга қўшимча ва тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи – қирол (1965 йилдан Тауфа’ахау Тупоу IV). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Қонун чиқарувчи ассамблея, ижроия ҳокимиятини қирол ва бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари.** Инсон ҳуқуқлари ва демократия учун ҳаракат; Халқ партияси 1994 йилда тузилган. Тонгада қасаба уюшмалари йўқ. 1999 йил 14 сентябридан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг аксарияти** (98%) тонгалар. Бошқа ороллардан келган полинезлар ва европа-

ликлар ҳам бор. Диндорларнинг кўпчилиги протестант; католиклар ҳам бор. Аҳолининг 43%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Тонга иқтисодий жиҳатдан заиф аграр мамлакат. Иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади (ялли ички маҳсулотнинг 32%). Аҳолининг 90% шу соҳада банд.

**Валютаси.** 1,99 паанга 1 АҚШ долларига тенг. (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 70 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 8,9 млн. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Япония, Янги Зеландия, Австралия ва Буюк Британия.

**Табиати.** Тонга архипелаги (Дўстлик ороллари) Тинч океанининг жануби-ғарби ва Полинезиядаги вулқон ва маржонлардан ҳосил бўлган бир қанча ороллардан иборат. Уларнинг таркибида уч асосий гуруҳ: Тонгатапу, Хаапай, Вавау ороллари ҳамда бир қанча кичик ва одам яшамайдиган ороллар бор. Тонга архипелаги ороллари 2 параллел сув усти тизмасида жойлашган бўлиб, ғарбий тизма (узунлиги 700 км.дан кўпроқ) тоғли вулқон оролларида (энг баланд жойи Као оролида, 1030 м.), шарқий тизма унча баланд бўлмаган маржон ороллардан иборат. Ҳаракатдаги вулқонлар, шу жумладан, сув ости вулқонлари бор. Иқлими тропик, денгиз иқлимли.

## 12. ТУВАЛУ (Tuvalu)

**Майдони**..... 26 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 11,5 минг (2004 йил).

**Пойтахти**..... Фунафути шаҳри.  
**Расмий тили**..... тувалу ва инглиз тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**. 1100 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**..... копра.  
**Импорт**..... озиқ-овқат маҳсулотлари, минерал ёнилғи, машина ва саноат товарлари.

**Миллий валютаси**..... Австралия доллари.

**Дини**..... насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....1. 10. 1978.

## ФИЖИ РЕСПУБЛИКАСИ

**Миллий байрами**.....1 октябрь - Мустақиллик куни (1978).

**Чегаралари.** Тинч океанида жойлашган.

**Давлат тузуми.** Океанияда, Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Тувалу – Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи мустақил давлат. (Ҳамдўстлик мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари анжуманларида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас). Амалдаги конституцияси 1978 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – Буюк Британия қироличаси, унинг номидан генерал-губернатор давлатни бошқаради; у бош вазир тавсиясига биноан Тувалу фуқаролари орасидан тайинланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент, ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Тувалуда сиёсий партия ва қасаба уюшмалари йўқ. 2000 йил 5 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиснинг кўпчилиги** тувалулар.

**Иқтисодиёти.** Тувалу - аграр мамлакат. Иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади.

**Валютаси.** 1,44 Австралия доллари 1 АҚШ долларига тенг. (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 7,2 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 0,28 млн. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Фижи, Австралия ва Янги Зеландия.

**Табиати.** Тувалу маржонлардан ҳосил бўлган 9 та оролда жойлашган. Ер юзаси пасттекислик; фақат бута ва майда дарахтлар ўсади. Иқлими илиқ ва нам, кучли тўфон бўлиб туради.

### 13. ФИЖИ РЕСПУБЛИКАСИ

(Republic of Fiji)

**Майдони**.....18 376 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....881 минг(2004 йил).

**Пойтахти**.....Сува шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Лавтока, Нади, Лабаса.

**Расмий тили**.....фижи ва инглиз тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...5600 АҚШ доллари (2002 йил).

**Экспорт**.....кийим-кечак, шакар ва шакар маҳсулотлари.

**Импорт**.....машина ва транспорт жиҳозлари, тайёр маҳсулотлар, озиқ-овқатлар, ичимлик ва хом ашё.

**Миллий валютаси**.....Фижи доллари.

**Дини**.....насонийлик, ҳиндуизм ва ислом.

**Мустақиллик куни**.....10. 10. 1970.

**Миллий байрами**.....10 октябрь - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Мамлакат республика бошқарувига эга бўлиб, Президент қабиалар бошлиқларининг Катта Кенгаши томонидан 5 йил муддатга сайланади. Мамлакатнинг қонунчилик органи икки палатали парламентдир. У ҳар беш йилда сайланадиган ва 70 аъзодан иборат бўлган вакиллар палатаси ҳамда ҳар беш йилда сайланадиган ва 34 аъзодан иборат бўлган сенатдан ташкил топган.

Фижи 1970 йил 13 октябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиснинг асосини** бу ерларга 3000 йил олдин келган маланезийлар ва полинезийларнинг авлодлари ташкил қилади. Шу билан бирга, плантацияларда ишлаш учун олиб келинган ҳиндлар, хитойлар ва европаликлар ҳам истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Фижининг иқтисодиёти бошқа Океания давлатларига нисбатан бирмунча ривожланган бўлиб, даромаднинг асосий манбаси олтин экспорти ва сайёҳлик ҳисобланади. Тикувчилик, ёғочсозлик саноати ҳам ривожланмоқда. Табиий ресурслардан ёғочнинг тропик нави, балиқ, нефть, мис, олтин, марганец каби фойдали қазилмалар катта даромад келтиради.

Ташқи савдода импортнинг улуши 642 млн. АҚШ доллари, экспортнинг улуши 442 млн. АҚШ долларига тенг.(2001 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Австралия, Япония, Янги Зеландия, Хитой.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 3.500;

захирадагилар – 6.000;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 3.200, ҳарбий денгиз флотига 300 нафар киши хизмат қилади. Замонавий қурол-яроғга эга эмас.

Патруль ва қирғоқ қўшинларида 9 патруль кемаси мавжуд.

#### 14. ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ (New Zealand)

**Майдони**..... 270 534 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....3,9 млн. (2004 йил).  
**Пойтахти**..... Веллингтон шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Аукланд, Манукау.  
**Расмий тили**.....инглиз ва маоре тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..21113 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....балик, металллар, қоғоз, машина, сабзавот ва мевалар, алюминий ва алюминий маҳсулотлари.

**Импорт**..... машина ва жиҳозлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, тиббиёт ва оптика жиҳозлари, қоғоз ва самолётлар.

**Миллий валютаси**.....Янги Зеландия доллари.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....26. 09. 1907.

**Миллий байрами**.....6 февраль (1840) - Вайтанге Шартномаси куни.

**Чегаралари**.....шарқда Тинч океани, ғарбда Тасман денгизи билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Мамлакат конституциявий монархия бўлиб, Буюк Британия қироличаси томонидан ҳар беш йилга тайинланадиган генерал - губернатор томонидан бошқарилади. Қонунчилик органи бир палатали парламент. У ҳар уч йилга сайланадиган 120 депутатдан иборат. Мамлакат 10 та провинцияга бўлинган. Янги Зеландия 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси.

Янги Зеландия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 19 мартда тан олган ва шу кундан эътиборан икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг асосий қисми** инглиз-янги зеландияликлар. Шу билан бирга туб аҳоли бўлган маорилар 10% ташкил этади. Бундан ташқари, инглизлар, шотландлар, голландлар, ирландлар, самоанлар, хитойлар ва хиндлар ҳам истиқомат қиладилар.

**Иқтисодиёти.** Янги Зеландия юқори даражада ривожланган саноатлашган-аграр мамлакат бўлиб, иқтисодиётининг асосий қисмини хизмат кўрсатиш соҳаси ташкил қилади. Мамлакат аҳолисининг ҳар бирига 20 та чорва моли тўғри келади ва жаҳон бозоридаги сут маҳсулотининг 25%ни етказиб беради. Пишлоқлари ҳам жуда машҳур бўлиб, жун етиштириш бўйича дунёда етакчи бўлган Австралиядан кейинги ўринда туради.

Ташқи савдода импортнинг улуши 31,86 млрд, экспортнинг улуши 17,8 млн. АҚШ долларини ташкил этади. (2004 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Австралия, Япония, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Жануби-шарқий Осиё давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 8.610;

захирадагилар - 10.800:

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 4.430, ҳарбий денгиз флотидида 1.980, ҳарбий ҳаво кучларида 2.200 нафар киши хизмат қилади, замонавий қурол-яроғга эга эмас. 3 қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 4 патруль кемаси мавжуд.

#### 15. ЯНГИ КАЛЕДОНИЯ (New Caledonia)

**Майдони**.....19 100 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 214 минг (2004 йил).

**Пойтахти**.....Нумеа шаҳри.

**Расмий тили**.....француз, мала-незия ва полинезия тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 14000 АҚШ долларигача (2002 йил).

**Экспорт**.....никель ва тоғ-кон саноатининг бошқа маҳсулотлари, қаҳва, копра.

**Импорт**.....озиқ-овқат, машина ва жиҳозлар, транспорт воситалари, ёнилғи.

**Миллий валютаси**.....франк.

**Дини**.....насронийлик.

**Давлат тузуми.** Мамлакат Франция тасарруфида бўлиб, ушбу давлат ҳукумати томонидан тайинланадиган Олий комиссар томони-

## АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ

дан бошқарилади. Қонунчилик органи ҳудуднинг Конгрессидир. У уч провинциянинг ассамблеясидан ҳар 6 йилга сайланадиган ва ижро ҳокимиятини амалга оширадиган 54 аъзодан иборат. Франция Миллий йиғинида Янги Каледониянинг 2 та депутати ва 1 та сенатори фаолият кўрсатади. Мамлакат учта провинцияга бўлинади, яъни Шимолий, Жанубий ва Луайота ороли.

**Аҳолиси.** Маланезийлар аҳолининг 50%ни ташкил қилади, бундан ташқари, французлар, яваликлар ва бошқалар бор.

**Иқтисодиёти.** Мамлакат бой табиий ресурсларга эга бўлгани сабабли иқтисодиётнинг асосини тоғ-кон саноати ташкил этади. Никель кони мавжудлиги боис мамлакат бу соҳада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатга валюта тушумининг 75%и никель ва никель рудаси экспортдан келади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ҳам ривожланганки, унда қаҳва, кокос ёғи кабилар етакчи ўрин тутди. Кокос пальмалари, маккажўхори, гуруч ва турли сабзавотлар кўплаб етиштирилади. Балиқчилик ва чорвачилик ҳам кун сайин ривожланиб бормоқда.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Франция, Австралия, Япония ва АҚШ.

### АМЕРИКА ДАВЛАТЛАРИ

#### 16. АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ

(United States of America)

**Майдони**..... 9 364 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 293 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Вашингтон шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Нью-Йорк, Чикаго, Лос-Анжелес, Филадельфия, Хьюстон, Детройт, Сан-Франциско, Вашингтон, Бостон, Даллас, Кливленд, Балтимор.  
**Расмий тили**.....инглиз тили.  
**ЯИМ аҳоли жон бошига**.....37.800 долл (2003)  
**Экспорт**.....самолётлар, автомобиллар, кимё ва машинасозлик жиҳозлари, кўмир, технология ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, капитал.  
**Импорт**.....хом ашё ва ярим-фабрикатлар.

**Миллий валютаси**..... Америка доллари.  
**Дини**.....насронийлик, яҳудийлик, ислом.

**Мустақиллик куни**.....4. 07. 1776.

**Миллий байрами**.....4 июль - Мустақиллик куни (1776).

**Чегаралари**..... шимолда Канада, жанубда Мексика билан, шарқдан Атлантика океани ва ғарбдан Тинч океани билан ўралган

**Давлат тузуми.** АҚШ - федератив республика. Шимолий Америкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 50 штат ва Колумбия федерал округига бўлинади. Аляска ва Гавайи штатлари мамлакат асосий ҳудудидан ташқарида жойлашган. Пуэрто-Рико Ҳамдўстлиги, Шимолий Мариана ороллари Ҳамдўстлиги, Гуам, Виргиния ороллари, Шарқий Самоа ҳам АҚШга қарашли. Амалдаги конституцияси 1787 йилда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи, қуrolли кучлар бош қўмондони - президент, унинг ваколатлари жуда катта. Вице-президент билан бирга бевосита, икки босқичли сайлов йўли билан (сайловчилар ҳайъати орқали) 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни сенат ва вакиллар палатасидан иборат икки палатали конгресс амалга оширади. Сенатда 100 сенатор бор (улар 6 йил муддатга, ҳар штатдан 2 тадан сайланади ва 1/3 қисми ҳар 2 йилда янгиланган турилади). Вакиллар палатасига 435 депутат 2 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимият органи - АҚШ ҳукумати президент томонидан сенатнинг розилиги билан тайинланади; 13 вазирдан иборат бўлади. Ҳукумат конгресс олдида масъул эмас. Ҳар бир штатнинг ўз конституцияси бор. Штатдаги қонун чиқарувчи ҳокимиятни қонун чиқарувчи мажлис, ижроия ҳокимиятини эса губернатор амалга оширади. АҚШ давлатининг конституциявий тизимига уч сиёсий-ҳуқуқий қоида асос қилиб олинган: ҳокимиятнинг бўлиниши, федерализм ва суднинг конституциявий назорати. Ҳокимиятнинг бўлиниши қоидаси давлат ҳокимиятининг уч тармоғи - қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг мустақиллигини ва улар ўртасида вазифаларнинг чегаралаб қўйилишини назарда тутди. Федерал даражадаги уч тармоқ - Конгресс, Президент ва Олий суддир.

## АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Республикачилар партияси - 1854 йилда; Демократик партия - 1828 йилда; Коммунистик партия - 1919 йилда тузилган. Америка Меҳнат Федерацияси - ишлаб чиқарувчилар касаба уюшмаларига 4,5 млн. ишчи ва хизматчи аъзо бўлиб кирган. 1945 йилдан АҚШ БМТ, шунингдек, Америка давлатлари ташкилоти ва НАТО аъзоси.

**Аҳолиси.** АҚШнинг ҳозирги аҳолиси уч асосий этник таркибий қисмдан: АҚШ америкаликлари, муҳожирлар ва туб жой аҳолисидан иборат. АҚШ аҳолисининг 82,8 %ни асли келиб чиқиши жиҳатидан европаликлар, 12,6% африкаликлар, 3,6% осиеликлар, 1% хиндулар, эскимослар, алеутлар ташкил этади. Аҳолининг 80%и шаҳарларда яшайди. АҚШда мексикаликлар, италиянлар, немислар, французлар, шведлар, норвеглар, голландлар, японлар, поляклар, хитойлар ва бошқа халқлар ҳам яшайди. АҚШда 5 мингга яқин ўзбек истиқомат қилади. АҚШ аҳолисининг зичлиги - 1 км. кв. га 27,2 киши.

**Иқтисодиёти.** АҚШ - дунёда иқтисодий жиҳатдан энг юксак даражада ривожланган мамлакат. Ялпи миллий маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажми, товар ва капитал экспорт қилиш, ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ва марказлашуви, илмий тадқиқотларга сарф-харажат каби соҳаларда дунё бўйича етакчи ўрин эгаллаган. Бутун дунёдаги саноат ишлаб чиқаришининг учдан бир қисми АҚШ улушига тўғри келади. **Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ жаҳондаги деярли барча мамлакатлар билан савдо қилади.

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,65 трлн. АҚШ долл. (2003 йил).

Экспортнинг улуши 1,22 млрд. АҚШ долл. (2003 йил).

**Табиати.** Атлантика океанининг АҚШ қирғоғида кўрфаз ва қўлтиқлар жуда кўп, соҳиллари асосан пасттекисликлардан иборат; энг катта ярим орол - Флорида. Ғарбдаги Кордильера тоғ тизмаси АҚШ ҳудудининг учдан бир қисмини эгаллайди. Тинч океани соҳили баланд тоғлик (Аляска тизмасида АҚШ ва бутун Шимолий Америкадаги энг баланд чўққи - 6194 м. баландликдаги Мак-Кинли чўққиси жойлаш-

ган; бундан ташқари, Қирғоқбўйи тизимлари ва Каскадди тоғлар, Сьерра-Невада тоғлари бор). Шарқий минтақани Қояли тоғ тизмалари эгаллаган. АҚШ ҳудудининг деярли ҳаммаси мўътадил ва субтропик минтақаларда, Аляска - субарктика, Флориданинг жанубий қисми тропик минтақаларда жойлашган. АҚШ ички минтақаларининг иқлими - континентал, Кордильера ички ҳудудларида кескин континентал. Тинч океани соҳилининг жанубида Ўрта ер денгизига ўхшаш, Кордильера жанубий қисмининг ички районларида жуда иссиқ ва қуруқ иқлимли. Мамлакат ҳудудидан дунёнинг энг йирик дарё тизимларидан бири - Миссури билан Миссиссиппи дарёлари оқиб ўтади. Мамлакат шимолида, Канада чегарасида Буюк кўллар (Юқори кўл, Гурон, Мичиган, Онтарио) бор. Катта Ҳавза тоғида Катта Шўр кўл, Флоридада кўплаб саёз кўл ва кўлтиқлар, Аляскада музликлардан ҳосил бўлган тектоник кўллар, жумладан, Илиамна кўли бор.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуроли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 1.433.600;

захирадагилар - 1.162.250;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 502.000, ҳарбий денгиз флотидида 376.750, денгиз корпусида 175.350, қирғоқ ҳимоясида 40.360, ҳарбий ҳаво кучларида 379.500 нафар киши хизмат қилади. Шунингдек, АҚШда Махсус операция кучлари ҳам бўлиб, унда 31.496 киши хизмат қилади, захира эса 11.247 кишидан иборат.

Қурол-яроғи ўта замонавий. Ядро қуролига ва сунъий йўлдошларга эга. АҚШнинг 72 та сув ости кемасидан 16 таси стратегик ва 56 таси тактик сув ости кемаларидир. 12 та авианосец, 27 та крейсер, 49 та эскадра мина ташувчи ва 30 та қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 21 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашган бўлимларга 53.000 кишидан иборат фуқаро ҳаво патрули киради.

**Ўзбекистон - АҚШ муносабатлари.** АҚШ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олди ва 1992 йилнинг 19 феврилида икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама

## АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ

сий ва иқтисодий муносабатлар бир қатор ҳукуматлараро шартнома ва битимлар асосида тартибга солиб турилади. Ўзаро Ҳамфикрлик ҳақидаги меморандум, Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро Ҳимоя қилиш ҳақидаги шартнома, Савдо битими, Маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги қўшма баёнот, Консуллик муносабатларига оид қўшма ахборот асосий ҳужжатлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1996 йил июнида АҚШга қилган ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга кўмаклашган муҳим воқеа бўлди. Ташриф чоғида икки томонлама ҳужжатлар мажмуи имзоланди. Бухоро вилоятидаги газ конларини ўзлаштириш лойиҳасини маблағ билан таъминлаш, қўшма корхоналар ташкил қилиш тўғрисидаги баённомалар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) Миллий банки билан АҚШ Савдо ва тараққиёт агентлиги ўртасида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси учун Америка томонидан грант ажратиш тўғрисидаги битим, Ўзбекистон ТИФ Миллий банки билан «Банк оф Америка» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, Ўзбекистон Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан «Ньюмонт-Майнинг» компанияси ўртасида ҳамжиҳатлик тўғрисидаги меморандум, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан «Ньюмонт-Майнинг» ва «Мицуи» корпорациялари ўртасида «Қизилломасой» ва «Кўчбулоқ» руда конларини биргаликда ўзлаштириш тўғрисидаги битим шулар жумласидандир.

2004 йилда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги товар айланмаси 282 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон АҚШдан бугдой, халқ истеъмол моллари, асбоб-ускуналар сотиб олади. Экспорт, асосан, пахта толасидан иборат. АҚШдаги турли фирма ва компанияларнинг Ўзбекистон билан муваффақиятли ҳамкорлиги, делегациялар алмашуви икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга имкон беради.

Американинг фирма ва компанияларидан «Барентс групп» кимё саноати соҳасида, «Келлог» Кўкдумалоқ қони учун компрессор станцияси қуриш, «АИГ», «ЭМСИ-Ай» турли со-

ҳаларда ўзбекистонлик шериклари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Қизилқум чўлида қисқа муддатда замонавий корхона барпо этди.

МДХ мамлакатларидаги катта лойиҳаларни рўёбга чиқарувчи Америка фирмаларининг тадқиқотларини маблағ билан таъминловчи АҚШнинг йирик ноҳукумат ташкилоти – Савдо ва тараққиёт агентлиги олтин қазиб чиқарувчи модулли янги завод лойиҳасининг техник-иқтисодий асосламасини маблағ билан таъминлаш учун Навоий кон-металлургия комбинатига грант ажратишга қарор қилди. Ўзбекистон-Америка ҳамкорлигига хусусий бизнес намояндалари ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Жумладан, 1997 йилда Американинг «Кейс интернейшнл» компанияси ёрдамида Тошкент трактор заводи таъмирланиб, шу фирманинг замонавий тракторларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Боинг» компанияси эса ўзаро манфаатли шартлар (лизинг) асосида йўловчи ташийдиган самолётлар етказиб берди. «Боинг» қулайлиги жиҳатидан ҳам, учиш хавфсизлиги жиҳатидан ҳам Россиянинг шу тоифадаги самолётларидан катта фарқ қилади.

Дунёдаги энг кучли компьютер компанияси IBM эса Ўзбекистон банк тизимини компьютерлаш соҳасида катта амалий ёрдам берди. Американинг IREX, ACCELS каби жамғармалари эса АҚШ ва Европанинг илмий марказларида Ўзбекистон учун мутахассислар тайёрлашга оид дастурларни амалга оширмоқда.

Ўтиш даврининг қийинчиликларини бартараф этишда АҚШ ҳукумати ва хайрия жамғармалари инсонпарварлик ёрдами бериб, Ўзбекистонга болалар ва даволаш муассасалари учун дори-дармон, тиббиёт асбоб-ускуналари, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари юбориб турибди. 1997 йилнинг ноябрида АҚШ Президенти рафиқаси Хиллари Клинтоннинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги самарали алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1997 йил 9-11 июнда Ўзбекистон-Америка қўшма комиссиясининг тузилиши АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланиб ва ривожланиб бора-

## АНТИГУА ВА БАРБУДА \* АРГЕНТИНА

ётганлигини кўрсатди. Қўшма комиссия минтақавий сиёсий муаммоларни ўз ичига олган ўзаро манфаатли масалалар, Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий ислохотлардаги силжиши, ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш ҳамда Ўзбекистонда хорижий инвестициялар учун шароитларни муҳокама этади. 1998 йил 26-27 февралда Вашингтонда қўшма комиссиянинг биринчи, 1999 йил 24-25 майда Тошкентда иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

АҚШ кўплаб халқаро ташкилотларнинг аъзосидир, БМТ, НАТО, «Катта саккизлик», Жаҳон Савдо Ташкилоти, АСЕАН, ICAO, ICC, ICFTU, ICRM, НАФТА шулар жумласидандир.

### 17. АНТИГУА ВА БАРБУДА (Antigua and Barbuda)

**Майдони**..... 442 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 79 минг (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Сент-Жонс шаҳри.  
**Расмий тили**..... инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..9960 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....шакар, пахта, цитрус мевалар, кийим-кечак, саноат товарлари.  
**Импорт**.....озиқ-овқат товарлари, нефть ва нефть маҳсулотлари, енгил саноат маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**.....шарқий Кариб доллари.  
**Дини**.....насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....1. 11. 1981  
**Миллий байрами**.....1 ноябрь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**. Вест Индиядаги давлат. Кичик Антилл ороллари гуруҳига кирувчи Антигуа, Барбуда ва Редонда оролларида жойлашган. Маъмурий-худудий жиҳатдан 7 районга бўлинган.  
**Давлат тизими**. Антигуа ва Барбуда 1981 йилда қабул қилинган конституцияга асосан Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи мустақил давлат. Давлат бошлиги Буюк Британия қироли (қироличаси), генерал-губернатор унинг вакили ҳисобланади. Қонун чиқарувчи органи — вакиллар палатаси ва сенатдан иборат парламент. Ижроия ҳоки-

миятиники генерал-губернатор томонидан тайинланадиган бош вазир бошчилигидаги ҳукумат бошқаради. Антигуа ва Барбудада Антигуа лейбористлар партияси (1968), Бирлашган тараккийшарвар партия (1992), Антигуа ва Барбуда фуқаролик хизмати ассоциацияси (500 аъзо), Антигуа профессионал ва ишчилар иттифоқи (1940 й., 10 минг аъзо), Антигуа ишчилар иттифоқи (1967 й., 10 минг аъзо) мавжуд. Антигуа ва Барбуда 1981 йил 11 ноябрда БМТга аъзо бўлган.

**Аҳолиси**, асосан, негрлар ва мулатлар. Аҳолининг ўртача зичлиги — 1 км<sup>2</sup>га 145 киши. Аҳолининг 32% шаҳарларда яшайди. Диндорларнинг аксарияти насронийликнинг протестантлик оқимига мансубдир.

**Иқтисодиёти**. Мамлакат иқтисодиётининг асосини хорижий сайёҳлик ва қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Саноати қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган.

**Савдо соҳасидаги шериклари**. АҚШ, Буюк Британия, Германия.

Ташқи савдода импортнинг улуши 330 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 38 млн. АҚШ доллари.

**Табиати**. Ороллар, асосан, текисликлардан иборат. Текисликларнинг энг юқори нуқтаси — 402 мга етадиган Богги-Пик баландлигидир. Антигуанинг шимолий ва шарқий қисми оҳаксимон ва йирик донадор қум, марказий қисми гил формациялар билан қопланган. Оролларда иқлим — қуруқ ва серқуёш. Қуруқ мавсум ноябрь охиридан май ойининг бошигача давом этади.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар — 170;

захирадагилар — 75;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 125, ҳарбий денгиз флотига 75 нафар киши хизмат қилади. Замонавий қурол-яроғга эга эмас.

### 18. АРГЕНТИНА

Аргентина Республикаси  
(Argentine Republic)

**Майдони**..... 2780 минг км<sup>2</sup>  
**Аҳолиси**..... 38,7 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Буэнос-Айрес шаҳри.

## АРГЕНТИНА

**Катта шаҳарлари**.....Кордова, Росарио, Ла-Плата.  
**Расмий тили**.....испан тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..11 549 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....буғдой, маккажўхори, гўшт, тери, жун, минераллар, ерэнгоқ ва бошқалар.  
**Импорт**..... машина ва жиҳозлар, ёнилғи, кимёвий товарлар, электростанциялар учун асбоб-ускуна.  
**Миллий валютаси**.....песо.  
**Дини**.....насонийлик.  
**Мустақиллик куни**.....9. 07. 1816.  
**Миллий байрами**.....9 июль - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**..... шимолда Боливия ва Парагвай билан, шарқда Бразилия ва Уругвай билан, жануб ва ғарбда Чили билан чегарадош, шарқ ва жанубда Атлантика океани билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Федератив республика. Жанубий Америкадаги давлат. Қитъанинг жануби-шарқий, Оловли Ер оролининг шарқий қисмини ва бир қанча ороллари эгаллайди. Атлантика океани соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 22 вилоят (провинция), федерал (пойтахт) округи ва Оловли Ер худудига бўлинади. Амалдаги конституцияси 1994 йил 24 августда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент. Президент ва вице-президент 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият – Миллий конгресс (парламент). Конгресс икки палата: сенат ва депутатлар палатасидан иборат. Ижроия ҳокимияти президент ва ҳукумат томонидан амалга оширилади.  
**Сийсий партиялари, қасаба уюшмалари**. Фуқаро радикал иттифоқи – 1889 йилда тараққийпарвар зиёлилар томонидан; Бирлик ва тараққиёт ҳаракати – 1957 йилда Фуқаро радикал иттифоқи партиясидан ажралиб чиққан гуруҳ негизида; Халқ социалистик партияси – 1982 йилда; Мурсасозлик партияси – 1963 йилда Бирлик ва тараққиёт ҳаракати партиясининг бўлиниши натижасида вужудга келган; Хустисиалистик (адолат) партия – 1947 йилда Х.Перон томонидан тузилган; Мамлакатда тараққийпарвар демократик партия, Демократик марказ иттифоқи, Христиан-демократик партия ҳам фаолият юритади. Умум-

меҳнат конференцияси 1930 йилда тузилган. Аргентина 1945 йил 24 октябрдан буён БМТга аъзо.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1993 йил 9 сентябрда мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси**. Аргентинлар (мамлакат аҳолисининг 90%) асосан европалик муҳожирлардан шаклланган. Шунингдек, мамлакатда италянлар, яҳудийлар, украинлар, испанлар, каталонлар, поляклар, немислар, французлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қиладди. Туб жой аҳолиси – ҳиндуларнинг аксарияти европаликларнинг мустамлакачилик ҳаракати жараёнида қирилиб кетган. Уларнинг оз қисми (кечуа, тупи-гуаранлар ва б.) Аргентинанинг шимоли-ғарбида ва Парагвай билан чегара яқинида яшайди. Диндорларнинг аксарияти католиклар. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 9 кишидан кўпроқ. Аҳолининг 86% шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти**. Аргентина – иқтисодий жиҳатдан Лотин Америкасида энг ривожланган мамлакатлардан бири. Фойдали қазилма конлари кўп, малакали ишчи кучига эга. Қишлоқ хўжалиги, саноатнинг турли тармоқлари ривожланган.

**Асосий савдо шериклари**. АҚШ, Бразилия, Италия, Германия ва Япония.

**Валютаси**. 1 Аргентина песоси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 17,3 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 32,7 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Табиати**. Аргентинанинг шарқий худудлари кенг текисликлар, ғарбий худудлари эса тоғлардан иборат. Мамлакатнинг шимоли-шарқини Ла-Плата пасттекислиги (Гран-Чако, Шарқий Пампа текислиги), жануби-шарқини Патагония ясси тоғлиги эгаллайди. Ғарбдаги тоғ ён бағирлари баландлаша бориб, Анд тоғларига уланиб кетади. Жанубий Американинг энг баланд нуқтаси – Аконкагуа (6960 м.) ҳам Аргентина худудида. Аргентинанинг текислик қисмидаги иқлим – тропик ва субтропик, жанубида эса мўътадил. Тоғларда иқлим мўътадил совуқ. Асосий дарёлари: Парана,

## БАГАМА ОРОЛЛАРИ

Парагвай, Уругвай, Рио-Саладо, Рио-Коло-радо, Чубут, Рио-Негро. Аргентина кўллари-нинг аксарияти музликлардан пайдо бўлган. Халқаро ташкилотлардан БМТ, Жаҳон Савдо Ташкилоти, Катта олтилик, Катта ўн бир-лик, Катта 77 лик, ИКАО, Интерпол, Мер-косур ва бошқаларга аъзо.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 71.400;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 41.400, ҳарбий денгиз флотида 17.500, ҳарбий хаво кучларида 12.500 нафар киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 3 та сув ости кемаси, 5 та эскадра мина ташувчи ва 8 та корветга эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 та тор-педа ва 12 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашган бўлинмалар 31.240 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 18 минги жандармерия ва 13.240 таси қирғоқ химоячиларидир.

### 19. БАГАМА ОРОЛЛАРИ

Багама Ҳамдўстлиги  
(Commonwealth of The Bahamas)

**Майдони**..... 13,9 минг км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 317 минг (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Нассау шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Фрипорт.  
**Расмий тили**..... инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...16140 АҚШ дол-лари.  
**Экспорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, кимёвий дорилар, це-мент ва ромлар.  
**Импорт**.....қайта ишлаш ва экспорт қилиш учун нефть, машина ва жи-ҳозлар, транспорт воситалари, озиқ-овқат товарлари.  
**Миллий валютаси**.....Багама доллари.  
**Дини**.....насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....10. 07. 1973.  
**Миллий байрами**.....10 июль - Муста-қиллик куни.  
**Чегаралари.** Марказий Америкадаги давлат. Кариб денгизида, Флорида ярим оролининг жануби-шарқида, Багама архипелагида жой-лашган 700 оролдан иборат.  
**Давлат тузуми.** Багама ороллари - консти-

туциявий монархия. Буюк Британия бошчи-лигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Дав-лат бошлиғи Англия қироли (қироличаси), унинг номидан генерал-губернатор иш юри-тади. Қонун чиқарувчи ҳокимият - икки па-латали (сенат ва мажлислар палатаси) парла-мент. Ижроия ҳокимияти - генерал-губерна-тор томонидан тайинланадиган бош вазир бош-чилигидаги ҳукуматдир.

**Сийёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Ил-гор либерал партия-1953 йилда; Эркин миллий ҳаракат-1972 йилда, Багама ороллари Ҳам-дўстлиги касаба уюшмалари конгресси тузил-ган. Багама ороллари 1973 йил 18 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиси.** Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 16 киши. Уларнинг 80%и қора танлилар ва ду-рагайлар. Аҳолининг 58%и шаҳарларда яшай-ди. Диндорларнинг аксарияти протестантлар.

**Иқтисодиёти.** Багама ороллари - аграр мам-лакат. Иқтисодиётнинг асоси - плантация деҳқончилиги. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат-га бўлган эҳтиёжнинг атиги 25%ни қондиради. Иқтисодий фаол аҳолининг ярмидан кўпроғи сайёҳларга хизмат кўрсатиш билан банд. Асо-сий денгиз порти - Нассау орқали АҚШ, Буюк Британия ва Канада билан ташқи савдо муносабатлари олиб боради.

Валютаси АҚШ долларига тенглаштирилган. Ташқи савдода импортнинг улуши 1,73 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 363 млн. АҚШ доллари. (1998 йил).

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 860;

(улар ҳарбий денгиз флотида хизмат қилади.) Замонавий қурол-яроғга эга эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 7 та патруль кемаси мавжуд.

**Табиати.** Багама архипелаги, асосан, маржон ороллардан иборат. Ер юзаси - текислик, ак-сарияти тоштуз, оҳактош ва гипслардан тар-киб топган. Иқлими - тропик, пассат. Майдан октябргача ёғингарчилик кўп бўлади. Тез-тез довуллар бўлиб туради. Шўр кўллар кўп. БМТ, Интерпол, Юнеско, Катта 77лик, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар аъзоси.

20. БАРБАДОС

(Barbados)

Майдони..... 430 км<sup>2</sup>.  
 Аҳолиси..... 271 минг (2003 йил).  
 Пойтахти..... Брижтаун шаҳри  
 Расмий тили.....инглиз тили.  
 ЯИМ (аҳоли жон бошига).....15 060 АҚШ  
 доллари.  
 Экспорт.....шакар, ромлар,  
 кимёвий дорилар, тикувчилик маҳсулотла-  
 ри, электр жиҳозлари, ўйинчоқлар.  
 Импорт.....саноат ва озиқ-  
 овқат маҳсулотлари, транспорт воситалари  
 ва жиҳозлари.  
 Миллий валютаси.....Барбадос доллари.  
 Дини.....насонийлик.  
 Мустақиллик куни.....30. 11. 1966.  
 Миллий байрами.....30 ноябрь - Мус-  
 тақиллик куни.  
 Чегаралари. Марказий Америкада, Кичик Ан-  
 тил ороллариининг Барбадос оролида жойлашган.  
 Давлат тузуми. Буюк Британия бошчилиги-  
 даги Хамдўстлик таркибига кирувчи муста-  
 қил давлат. Давлат бошлиғи – Буюк Брита-  
 ния қироличаси (қироли), ҳокимиятни гене-  
 рал-губернатор бошқаради. Қонун чиқарувчи  
 ҳокимият икки палатали парламент; у сенат  
 ва мажлис палатасидан иборат. Ижроия ҳоки-  
 миятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат  
 амалга оширади. Бош вазирни генерал-губер-  
 натор тайинлайди, вазирлар бош вазир тав-  
 сиясига биноан тасдиқланади.  
 Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Бар-  
 бадос лейбористлар партияси 1938 йилда ту-  
 зилган; Демократик лейбористлар партияси-  
 га 1955 йилда асос солинган; Миллий-демок-  
 ратик партия, Барбадос ишчилар иттифоқи  
 (1941 йилда асос солинган) Халқаро эркин  
 касаба уюшмалари конференциясига киради.  
 Барбадос 1966 йил 9 декабрдан БМТ аъзоси.  
 Аҳолиси. Асосий аҳолиси барбадосликлар.  
 Ҳозирги этник таркиби: африкаликлар (негр-  
 лар) 80%, дурагайлар 16%, европаликлар 4%.  
 Европаликлар орасида инглиз мустамлакачи-  
 ларининг авлодлари ажралиб туради. Улар  
 сиёсий ҳокимиятни қора танлилардан иборат  
 кўпчилик қўлига топширган бўлсалар ҳам,  
 мамлакат иқтисодий ҳаётида ҳамон етакчи

мавқега эга бўлиб турибди. Диндорлар асосан  
 протестантлар. Барбадос аҳолисининг зичли-  
 ги жиҳатидан Америкада энг юқори ўринда  
 туради (1 км<sup>2</sup> га салкам 600 киши). Яқин вақт-  
 гача аҳолининг табиий кўпайиши 3% эди,  
 ҳукуматнинг туғилишни чеклаш сиёсати на-  
 тижасида бу кўрсаткич 1%га тушди. Аҳоли-  
 нинг ярми – 20 ёшга етмаган йигит-қизлар.  
 Катта ёшдаги аҳолининг саводхонлиги 99%ни  
 ташкил этади. Аҳолининг 38%и шаҳарларда  
 яшайди.

**Иқтисодиёти.** Барбадос – аграр мамлакат.  
 Қанд-шакар ишлаб чиқариш хўжаликнинг  
 асосини ташкил этади, кейинги пайтда сай-  
 ёҳлик ва енгил саноат ривож топди. Асосий  
 денгиз порти ва халқаро аэропорти – Бриж-  
 таун.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Буюк  
 Британия.

**Валютаси.** Барбадос доллари АҚШ долларии-  
 га 2:1 нисбатда амал қилади.

Ташқи савдода импортнинг улуши 800,3 млн.  
 АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 211 млн. АҚШ доллари.  
 (1998 йил).

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг  
 умумий сони:

- фаоллар – 610;
- захирадагилар – 430;

шундан қуруқликдаги қўшинларда 500, ҳар-  
 бий денгиз флотиида 110 нафар киши хизмат  
 қилади. Замонавий қурол-яроғга эга эмас.  
 Патруль ва қирғоқ қўшинларида 5 патруль  
 кемаси мавжуд.

**Табиати.** Барбадос – маржонсимон оҳақтош-  
 лардан таркиб топган тропик орол. Ер юзаси  
 орол маркази томон зина шаклида (340 м. гача)  
 кўтарилиб боради. Шимоли-шарқда орол ден-  
 гиз томон тик кесилиб тушган. Барбадос иқли-  
 ми тропик, пассат.

Барбадос БМТ, ЮНЕСКО, Интерпол,  
 ИКАО, Катта 77 лик ва бошқа халқаро таш-  
 килотларга аъзо.

21. БЕЛИЗ (Belize)

Майдони..... 23 000 км<sup>2</sup>.  
 Аҳолиси..... 259 минг. (2003 йил).  
 Пойтахти.....Белмопан шаҳри

## БОЛИВИЯ

**Расмий тили**.....инглиз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 5840 АҚШ доллари.

**Экспорт**.....шакар, цитрус мевалар, банан, ёғоч, балиқ, кийим-кечак.

**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, санонат товарлари, ёқилғи, дори-дармон.

**Миллий валютаси**..... Белиз доллари.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....21. 09: 1981.

**Миллий байрами**.....21 сентябрь - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Хамдўстлик таркибига кирди. Давлат бошлиғи Буюк Британия қироличаси, генерал-губернатор унинг вакили ҳисобланади. Қонун чиқарувчи органи - икки палатали (сенат ва вакиллар палатаси) Миллий мажлис (парламент). Ижроия ҳокимияти - бош вазир бошчилигидаги ҳукумат. Мамлакатда бирлашган халқ партияси (1950), Белиз ҳуқуқлари учун миллий альянс (1992), Бирлашган демократик партия (1974) каби партиялар, Белиз миллий касаба уюшма конгресси, Меҳнаткашларнинг бирлашган умумий уюшмаси (1979, Халқаро эркин касаба уюшмалари конференциясига кирди) сингари касаба ташкилотлари фаолият юритади.

Белиз 1981 йил 25 сентябрдан БМТга аъзо.

**Иқтисодиёти.** Белиз - аграр мамлакат. Иқтисодиётининг асоси қимматли дарахт турлари - қизил, сандал дарахтларини четга чиқариш учун тайёрлаш ва қайта ишлаш, сақич ишлаб чиқариладиган хом ашё - чикле смоласини (елими) йиғиш. Асосий денгиз порти - Белиз, унинг яқинида - Стенли Филдда аэропорти бор.

**Савдо соҳасидаги асосий шериклари.** АҚШ, Буюк Британия, Канада, Ямайка, Мексика. Хорижий сайёҳлик ривожланган.

**Валютаси.** Белиз доллари АҚШ долларига 2:1 нисбатда амал қилади.

Ташқи савдода импортнинг улуши 413 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 235,7 млн. АҚШ доллари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 1.050;

захирадагилар - 700;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 1.050 киши хизмат қилади. Армиянинг Денгиз ва ҳарбий ҳаво бўлинмалари мавжуд. Замонавий қурол- яроғга эга эмас.

Белиз БМТ, Катта 77лик, Интерпол, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, ЮНИДО ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо.

**Табиати.** Ер юзаси, асосан, текисликлардан иборат, жанубий қисмида 1122 м. гача баландликдаги Майя тоғлари жойлашган. Иқлими - тропик, пассат. Энг катта дарёлари Рио-Ондо ва Белиз, кўллар, соҳил бўйлаб лагуналар (кўлтиқ) кўп.

«Амандала» (1969 йилдан), «Белиз Таймс» («Белиз вақти», 1956 йилдан), «Гавернмент газетт» («Ҳукумат газетаси»), «Пиплз палс» («Халқ нафаси», 1989 йилдан), «Рипортер» («Мухбир», 1968 йилдан) газеталари нашр этилади. 1937 йилдан ярим тижорат радио-эшиттиришлар хизмати мавжуд.

### 22. БОЛИВИЯ

Боливия Республикаси  
(Republic of Bolivia)

**Майдони**..... 1,099 млн км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 8 600 000 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Сукре шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Санта-Крус.

**Расмий тили**.....испан, кечуа ва аймара тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....2376 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....соя, табиий газ, нефть, олтин, кумуш, кофе, шакар, вольфрам, ёғоч.

**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, транспорт ускуналари, ярим фабрикатлар, нефть ва ишлаб чиқариш воситалари.

**Миллий валютаси**.....боливиано.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....6. 08. 1825.

**Миллий байрами**.....6 август - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Боливия - унитар республика. 1967 йил 2 февралда қабул қилинган конституцияга кўра давлат бошлиғи - президент. У 5 йил муддатга сайланади. Қонун чи-

## БРАЗИЛИЯ

қарувчи ҳокимияти – Миллий конгресс бўлиб, у сенат ва депутатлар палатасидан иборат. Депутатлар ва сенаторлар умумий тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятини президент ва ҳукумат амалга оширади. Президент ҳукуматни тайинлайди ва унга бошчилик қилади.

**Сийёсий партиялари ва қасаба уюшмалари.** Фуқаролар «Бирдамлик» иттифоқи партияси - 1989 йилда; Сўл миллатпарвар инқилобий ҳаракати - 1979 йилда; Боливия Коммунистик партияси - 1950 йилда; Сўл инқилобий ҳаракат - 1971 йилда; Миллатпарвар демократик ҳаракат - 1979 йилда; Миллатпарвар инқилобий ҳаракат - 1942 йилда; Социалистик партия - 1971 йилда; Тупак Катари номидаги озодлик учун инқилобий ҳаракат - 1978 йилда; Христиан-демократик партия - 1954 йилда; Боливия ишчилар маркази қасаба уюшмаси - 1952 йилда ташкил этилган.

Боливия 1945 йил 14 ноябрдан БМТга аъзо.

**Аҳолиси.** Боливия аҳолисининг 2/3 қисми кечуа ва аймара номли ҳинду халқлари, қолганлари испан тилида гаплашадиган боливияликлар, аксари дурагайлар, қисман испанлардан тарқалган креоллардир. Боливиянинг шарқидаги тропик ўрмонларда турли қабила-ларга мансуб ҳиндулар яшайди. Аҳолисининг ярмиси кечуа, аймара, гуарани тилларида гаплашади. Шаҳар аҳолиси 58%. Диндорлар, асосан, католиклардир.

**Иқтисодиёти.** Боливия иқтисодиётининг асосини кончилик саноати ташкил этади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги заиф бўлгани сабабли мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлай олмайди. Боливия қалай қазиб олиш ва экспорт қилишда дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Сурма, вольфрам, мис, рух, қўрғошин ва висмут рудалари, олтин, кумуш, олтингугурт ҳам қазиб чиқарилади (асосий кончилик марказлари - Оруро, Потоси, Туписа, Корокоро ва б.). Асосий нефть конлари Чукисока, Тариха департаментларида жойлашган. Электр энергетика, рангли металлургия, нефть кимёси, тўқимачилик (ип ва жун газлама), озиқ-овқат корхоналари бор. Ҳунармандчилик ривожланган. 1,9 млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади (асосан ГЭСларда).

**Валютаси.** 7,9 боливиано 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,94 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

Экспортнинг улуши 1,79 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 31.500;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 25.000, ҳарбий денгиз флотида 3.500, ҳарбий ҳаво кучларида 3.000 нафар киши хизмат қилади. Замонавий қурол-яроғга эга эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 60 та патруль кема-си мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 37.100 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 31 минг 100 таси миллий полиция ва 6 мингтаси наркотик моддаларга қарши курашувчи полиция вакиллари дир.

Боливия халқаро ташкилотлардан БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, ИКАО, Интерпол, Катта 77лик ва бошқаларга аъзо.

### 23. БРАЗИЛИЯ

Бразилия Федератив Республикаси  
(Federative Republic of Brazil)

**Майдони**..... 8547,4 минг км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 182 000 000 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Бразилиа шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Сан-Паулу, Рио-де Жанейро, Белу-Оризонте, Салвадор.

**Расмий тили**..... португал тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...7465 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**..... саноат товарлари, темир рудаси, соя, пойафзал, кофе, мевалар, ёғоч, самолётлар, автомобиллар, гўшт ва гўшт маҳсулотлари.

**Импорт**..... машина ва жиҳозлар, нефть, кимёвий маҳсулотлар, электр энергияси, рангли металллар, дон ва кўмир.

**Миллий валютаси**..... реал.

**Дини**..... насронийлик.

**Мустақиллик куни**..... 7. 09. 1822.

**Миллий байрами**..... 7 сентябрь - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Бразилия – федератив рес-

## БРАЗИЛИЯ

публика. Амалдаги конституция 1988 йил 5 октябрда қабул қилинган, 1994 йил март ва 1997 йил июнда унга тузатиш киритилган. Давлат бошлиғи – президент, у халқ томонидан тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Президент кетма-кет икки муддатга сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият – Миллий конгресс (парламент) бўлиб, депутатлар палатаси ва федерал сенатдан иборат. Ижроия ҳокимиятини президент ва у тузган ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Бразилия тараққайпарвар партияси 1995 йилда бир неча ислохотчи партияларнинг бирлашуви натижасида тузилган; Бразилия трабалист партияси – 1980 йилда; Демократик трабалист партияси – 1979 йили; Бразилия демократик ҳаракат партияси – 1981 йили; Бразилия социал-демократик партияси – 1988 йилда; Либерал фронт партияси – 1984 йили собиқ Социал-демократик партия аъзоларидан тузилган; Миллий қайта қуриш партияси – 1988 йил ташкил этилган; Меҳнаткашлар партияси – 1980 йили тузилган; Меҳнаткашлар умумий конфедерацияси касаба уюшмаси 1986 йилда (1988 йилгача Меҳнаткашлар умумий касаба уюшма маркази деб аталган); Меҳнаткашлар ягона касаба маркази 1981 йилда тузилган. Шунингдек, саноат ишчилари миллий конфедерацияси, кредит муассасалари ходимларининг миллий конфедерацияси ҳам мавжуд.

Бразилия БМТга 1945 йил 24 октябрдан аъзо. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1993 йил 30 апрелда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Аҳолининг асосий қисми (95 % дан кўпроғи) бразиллар. Бразилияда Европа ва Осиё мамлакатларидан келган бир неча миллион киши, жумладан, немислар, италянлар, португаллар, японлар, испанлар, поляклар, литванликлар, сурияликлар ҳам яшайди. Туб жой халқи – хиндулар кўплаб қириб юборилган, бир қисми бошқа халқлар билан қоришиб кетган. Омон қолган хинду қабилалари мамлакат ичкарасидаги хилват жойларда яшайди. Шаҳар аҳолиси 75,5 % ни ташкил қилади.

**Иқтисодиёти.** Мамлакат ер майдонининг 3,5% га яқинида, асосан, Атлантика океани соҳили ва жануби-шарқий штатларда деҳқончилик қилинади. Энг муҳим плантация экинлари – кофе, шакарқамиш, какао, банан, сизаль, ананас. Жанубда тамакичилик ва боғдорчилик яхши йўлга қўйилган. Асосий озиқ-овқат экинлари: маккажўхори, картоли, буғдой, соя, маниок, ловия. Мамлакатда гўштбоп яйлов чорвачилиғи, гўшт ва жун олинадиган қўйчилик ривожланган. Денгиз ва дарёлардан балиқ овланади. Ўрмонларда каучук, ёнғоқ, мум, пальма меваси йиғиштириб олинади, иморатбоп, қимматбаҳо ёғочлар тайёрланади. Бразилия ясси тоғлиғида «парагвай чойи» – йерба-мате етиштирилади.

**Валютаси.** 1,954 Бразилия реали 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуғи 63,9 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуғи 82,6 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Аргентина, Германия, Нидерландия, Япония, Италия, Россия, Хитой, Хиндистон ва бошқалар  
**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 302.909;

захирадагилар – 1.340.000;

шундан, қуруқликдаги кўшинларда 189.000, ҳарбий денгиз флотига 48.600, ҳарбий ҳаво кучларида 65.309 нафар киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 4 та сув ости кемаси, 1 та авиапосец, 15 та қоровул кемаси ва 4 та корветга эга. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 47 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 385.600 кишидан иборат жамоат хавфсизлик кучларидир.

**Халқаро ташкилотлардан** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Интерпол, Меркосур, ИКАО, ФТАА, Катта 77 лик ва ҳоказоларга аъзо.

**Табиати.** Бразилия ҳудудида Атлантика океани соҳили бўйлаб кўпдан-кўп қўлтиқлар ва кўрфазлар учрайди. Мамлакат ҳудудининг ярмидан кўпроғини Бразилия ясси тоғлиғи ишғол этган (энг баланд нуқтаси Бандейра тоғи, 2890м.); ўртача баландлиғи 600-800 м. бўлган бу тоғлик Бразилиянинг жа-

нуби-шарқ ва жануб томонларини эгаллаган. Шимолда Гвиана ясситоглиги жойлашган. Шу ясситогликлар орасида Амазонка пасттекислиги бор. Мамлакатнинг жанубига ва жануби - гарбига Ла-Плата пасттекислигининг бир қисми кириб келиб, океан соҳилида камбар пасттекисликни ҳосил қилган. Бразилияда полиметалл, олтин, темир рудаси, нодир металллар, марганец рудаси, боксит, нефть, тошқўмир, туз конлари ва бошқа конлар бор. Бразилия иқлими экваториал, иссиқ ва нам. Ўртача ойлик ҳарорат 16-29°, Амазонка пасттекислигида йилга 2000-3000 мм., тоғ ён-бағирларида 1500-2000 мм., соҳилда 3000 мм., тоғ тепаларида эса 500 мм. ёгин ёгади. Бразилияда дарё жуда кўп. Энг йирик дарёлари: Амазонка, Парана, Сан-Франсиску, Уругвай. Амазонка ва унинг гарбий ирмоқларида кема қатнайди. Нам тропик ўрмонлар (гилея ёки селваслари), тропик даштларда саванна ўрмонлари (кампос), қизил латерит тупроқларда ўсадиган ўрмонлар кўп тарқалган. Бразилия қаттиқ ёғочли дарахтлар захираси бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Умуман, мамлакат ҳудудининг 38% ўрмонлар билан қопланган. Ботқоқлик кўп. Хайвонлардан чумолихўр, зирхлилар, елдор бўри, нанду туяқуши, ҳар хил кемирувчилар, паррандалар, судралиб юрувчилар ва ҳашоратлар кўп учрайди. Бразилия ҳудудида Игуасу, Итагвая, Паулу-Афонсу, Серра-дус-Органс каби йирик миллий боғлар ва бир неча қўриқхона ташкил этилган.

## 24. ВЕНЕСУЭЛА

### Венесуэла Боливар Республикаси (Republic of Venezuela)

Майдони..... 912 050 км<sup>2</sup>.  
 Аҳолиси..... 24,6 млн. (2003 йил).  
 Пойтахти..... Каракас шаҳри.  
 Катта шаҳарлари..... Маракайбо, Валенсия, Каракас, Бархисмето.  
 Расмий тили.....испан тили.  
 ЯИМ (аҳоли жон бошига) .4939 АҚШ доллари (2003 йил).  
 Экспорт.....нефть, алюминий, пўлат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-

ри, ярим фабрикатлар, кофе, олтин, темир рудаси,енгил ва кимё саноати маҳсулотлари.  
**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, транспорт ускуналари, қурилиш материаллари, хом ашё, буғдой, ёғ, сут ва сут маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....боливар.  
**Дини**.....насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....5. 07. 1811.  
**Миллий байрами**.....5. июль - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Федератив республика. Маъмурий жиҳатдан федерал (пойтахт) округ, 22 штат, 72 федерал ҳудудга бўлинган. Амалдаги конституция 1999 йил 30 декабрдан кучга кирган. Давлат ва ҳукумат бошлиги - президент (1999 йил февралдан Уго Рафаэль Чавес Фриас). У 6 йил муддатга сайланади, кетма-кет икки марта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент - Миллий ассамблея; у аҳоли томонидан умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятини президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Демократик ҳаракат - 1941 йилда; Халқ сайлов ҳаракати - 1967 йилда; Миллий конвергенция - 1993 йилда; Республикачи демократик иттифоқ - 1946 йилда; Социал христиан партия - 1946 йилда; Социализм учун ҳаракат - 1971 йилда; Бешинчи республика ҳаракати - 1997 йилда; Сўл инқилобий ҳаракат - 1960 йилда тузилган. Касаба уюшмалари: Венесуэла меҳнаткашлари ягона маркази - 1963 йилда тузилган; Венесуэла меҳнаткашлари конфедерацияси - 1936 йилда ташкил этилган.

Венесуэла 1945 йил 15 ноябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 21 январда тан олган ва 1996 йил 26 апрелда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси, асосан, венесуэллар (90%).** Венесуэланинг жанубида ярим қўчманчи ҳинду қабилалари, шарқда - Ориноко дельтасида варрау, гарбда - Колумбия чегарасида чибча, кариб ва аравак қабилалари яшайди. Диндорлар асосан католиклар. Шаҳар аҳолиси 84%.

**Иқтисодиёти.** Венесуэла – Лотин Америкасидаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардан бири. Унинг иқтисодиёти, асосан, нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлашга ихтисослашган. Бу соҳада Венесуэла дунёда олдинги ўринлардан бирида туради. Давлат нефть ва газ саноати, электр энергетика, темир рудаси қазиб чиқариш ва нефть кимёси тармоқларини ўз ихтиёрига олган. Мамлакат ялпи маҳсулотида саноат 48%ни, қишлоқ хўжалиги 7%ни ташкил этади.

**Валютаси.** 1918 боливар 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 13,7 млрд. АҚШ доллари (2003 йил). Экспортнинг улуши 26,5 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Япония, Колумбия, Италия, Германия, Франция, Бразилия, Канада, Нидерландия.

**Халқаро ташкилотларга аъзолиги.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ОПЕК, Интерпол, ИКАО ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 82.300;

захирадагилар – 8.000;

шундан, қуруқликдаги кўшинларда 34.000, ҳарбий денгиз флотида 18.300, ҳарбий ҳаво кучларида 7.000, Миллий гвардияда 23.000 нафар киши хизмат қилади.

**Қурол-яроғи замонавий.** Қирғоқ ҳимоячилари 1.000 кишидан иборат. 2 та сув ости кемаси ва 6 та қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 3 та снарядли кема ва 3 та патруль кемаси мавжуд.

**Табиати.** Венесуэла ҳудуди рельефига кўра бир неча қисмдан иборат: шимоли – ғарб ва шимолда Анд тоғларининг бир қисми – Сьерра-де-Периха ва Кордильера-де Мерида тоғлари марказида Ориноко текисликлари – баландлиги 40-150 м. гача бўлган аллювиал пасттекислик ва жануби-шарқда Гвиана яситоғлиги – денудацион текислик (300-400 м) бор. Асосий қазилма бойлиги – нефть ва газ, бундан ташқари, темир ва марганец рудаси, олмос, олтин, никель ва вольфрам конлари ҳам мавжуд.

## 25. ГАИТИ

Гаити Республикаси (Republic of Haiti)

**Майдони**..... 27 800км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 7 500 000 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Порт-о-Пренс шаҳри.

**Йирик шаҳарлари**.....Ле-Ке, Кап-Аитен.

**Расмий тили**.....француз ва креол тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...1630 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....саноат товарлари, кофе, манго, ёғ, шаккар, эҳтиёж моллари, бокситлар.

**Импорт**.....саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, нефть маҳсулотлари, ускуналар, машина ва транспорт жиҳозлари, ёнилғи.

**Миллий валютаси**.....гурд.

**Дини**.....насронийлик, веду.

**Мустақиллик куни**.....1. 01. 1804.

**Миллий байрами**.....1 январь - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Гаити – республика. Маъмурий жиҳатдан 9 департаментга, департаментлар округларга, округлар эса жамоаларга бўлинади. 1987 йил 29 мартдаги референдумда маъқулланган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи – президент. У умумий, тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Янги муддатга такрор сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимият – Миллий ассамблея. Ижроия ҳокимияти президентга ва бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишлидир.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Гаитида демократияни тиклаш ҳаракати - 1986 йилда; Демократия ва ўзгаришлар миллий fronti - 1990 йилда; Гаити коммунистлари бирлашган партияси - 1968 йилда; Инқилобий илғор миллий партия - 1986 йилда; Гаити христиан-демократик партияси - 1978 йили ташкил этилган; Меҳнаткашлар мухтор касаба маркази - 1980 йилда; Ишчилар миллий иттифоқи - 1951 йилдан фаолият кўрсатади. Гаити БМТга 1945 йил 24 октябрдан буён аъзо.

## ГАЙАНА

Аҳолисининг 99% дан кўпроги гаитилар бўлиб, XVI-XVIII асрларда Африкадан келтирилган кулларнинг авлодларидир (90% негрлар, қолгани мулатлар). Аҳолининг 30,3%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Гаити – Лотин Америкасидаги иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ мамлакатлардан бири. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 34%, саноатнинг улуши 13,2% ни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида асосий экин – кофе, агава, шакарқамиш, пахта, цитрус экинлар, банан, маккажўхори, шоли, тамаки ҳам етиштирилади. Тоғларида яйлов чорвачилиги ривожланган: қорамол, эчки, қўй боқилади. Денгиз жониворлари овланади. Тоғларда қимматбаҳо ёғоч тайёрланади.

**Валютаси.** 40,2 гурд 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 379 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 451 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Интерпол, Катта 77 лик, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти ва бошқаларга аъзо.

**Ҳарбий салоҳияти.** Ярим ҳарбийлашганлар тизимига 6.700 ҳарбий, 1.622 фуқаро полицияси ва 2.000 миллий полиция кучлари киради.

**Табиати.** Рельефи тоғли, худуди, асосан, бўр даври ва палеоген-неоген жинслардан таркиб топган. Бу жинслар орасида йирик алюминий рудаси конлари бор. Иқлими – тропик пассат. Ўртача ойлик ҳарорат 22–28°, ёгин шамолга рўпара ён-бағирларда йилига 2000 ммдан кўпроқ, шамолга тескари ён-бағирларда ва ботикларда 500–800 мм. Кема қатнайдиغان йирик дарёси – Артибонит. Гаити жанубида қимматбаҳо дарахтли ўрмонлар кўп. Артибонит дарёси водийсида сертикан бутазор ва кактусзорлар бор.

### 26. ГАЙАНА

Гайана Кооператив Республикаси  
(Cooperative Republic of Guyana)

Майдони..... 214 970 км<sup>2</sup>  
Аҳолиси..... 703 000 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Жоржтаун шаҳри.

**Йирик шаҳарлари**..... Линден, Нью-Амстердам.

**Расмий тили**..... инглиз, хинд, урду тиллари.

**ЛИМ (аҳоли жон бошига)**... 3584 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....шакар, олтин, бокситлар, гуруч, ромлар, ёғоч, алюминий, олмос ва бошқалар.

**Импорт**.....саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, транспорт воситалари ва машиналар, нефть ва нефть маҳсулотлари, қурилиш материаллари.

**Миллий валютаси**.....Гайана доллари  
**Дини**.....насронийлик, ҳиндуизм ва ислом.

**Мустақиллик куни**.....26.05.1966.

**Миллий байрами**.....23 февраль - Республика куни.

**Давлат тузуми.** Ҳамдўстлик таркибидаги республика. Маъмурий жиҳатдан 10 округга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1978 йил июлдаги референдумда қабул қилинган ва 1980 йил 6 октябрдан кучга кирган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент. У умумий, тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимияти бир палатали парламент Миллат мажлиси томонидан амалга оширилади. Ижроия ҳокимияти президент ва бош вазир бошчилигидаги вазирлар маҳкамаси ихтиёрида. Вазирлар маҳкамаси Миллат мажлиси олдида жавобгардир.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмаси.** Халқ тараққийпарвар партияси – ҳукмрон партия 1950 йилда; Халқ миллий конгресси (мухолифатдаги партия) – 1955 йилда; «Бирлашган куч» мухолифатдаги партия – 1960 йилда; Меҳнаткашлар иттифоқи (мухолифатдаги партия), – 1977 йили ташкил этилган. Гайана касаба уюшмалари конгресси 1940 йилда тузилган. Гайана 1966 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 1 августда тан олган.

Аҳолисининг 54% ҳиндистонликлар, 36% африкаликлар. Негрлар, дурагайлар, мулатлар, хитойлар, ҳиндулар ҳам яшайди. Шаҳар

аҳолиси 31% ни ташкил этади.

**Иқтисодийнинг асоси** – қишлоқ хўжалиги ва кончилик саноати. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик 40,1% (шу жумладан, қанд-шакар ишлаб чиқариш 28,4%), саноат 16,1%ни (шу жумладан, кончилик 11,7%) ташкил этади. Океан соҳилида, Демерара ва Бербис дарёлари водийларида деҳқончилик қилинади. Асосий экинлари: шакарқамиш ва шоли. Кокос пальмаси, кофе, какао, цитрус мевалари, ананас, маниок, батат ҳам етиштирилади. Қимматбаҳо ёғоч тайёрланади. Яйловларда кўпроқ қорамол боқилади. Дарё ва денгизларда балиқ овланади.

**Валютаси.** 196,6 Гайана доллари 1 АҚШ долларига тенг (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 585 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 597 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНКТАД, ЮНИДО, Интерпол, ИКАО, Катта 77 лик, Жаҳон Савдо Ташкилоти аъзоси.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 1.600;

захирадагилар – 1.500;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 1.400, ҳарбий денгиз флотида 100, ҳарбий ҳаво кучларида 100 нафар киши хизмат қилади.

Замонавий қурол-яроғга эга эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 1 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 1.500 кишидан иборат Гайана халқ милициясидир.

**Табиати.** Атлантика соҳили пастлик бўлгани учун денгиз тўлқини пайтида қирғоқдаги ерларни сув босади. Шимоли ва шимоли-шарқий ботқоқли пасттекисликлардан, маркази ва жануби Гвиана ясситоглигидан иборат. Гайанада олтин, марганец, олмос, боксит конлари бор. Иқлим субэкваториал, иссиқ ва сернам. Ўртача ойлик ҳарорат Жоржтаунда 26-28°, йиллик ёғин 2230 мм. Дарёлари кўп. Йириклари – Эссекибо ва Корантейн. Худудининг 85% га яқини доим яшил ўрмонлар билан қопланган. Шимоли - ғарби, шимоли ва шимоли-шарқда саванналар бор. Кайтетур миллий боғи ташкил этилган.

## 27. ГВАТЕМАЛА,

Гватемала Республикаси  
(Republic of Guatemala)

**Майдони**.....108 890 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 13 900 000 (2003 йил).

**Пойтахти**.....Гватемала шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Кесалтенанго.

**Расмий тили**.....испан ва ҳинд тиллари.

**ЯИМ аҳоли жон бошига**.....4060 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....кофе, шакар, банан, мева ва сабзавотлар, гўшт, кийим-кечак, нефть, электр энергияси, ёғоч, пахта

**Импорт**.....ёқилғи, машина ва транспорт жиҳозлари, қурилиш материаллари, дон маҳсулотлари, электр энергияси, нефть ва нефть маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....кетсал.

**Дини**.....насонийлик.

**Мустақиллик куни**.....15. 09. 1921.

**Миллий байрами**.....15 сентябрь - Мустақиллик куни.

**Давлат тuzуми.** Гватемала – республика. Маъмурий жиҳатдан 22 департаментга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1986 йил 14 январда кучга кирган, 1994 йилда унга ўзгартишлар киритилган. Давлат бошлиғи – президент, умумий овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи органи – бир палатали Миллий конгресс. Ижроия ҳокимиятини президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Миллий авангард партияси; Институцион-демократик партия - 1965 йили; Гватемала меҳнат партияси - 1949 йили; Гватемала христиан демократик партияси - 1968 йили; Гватемала республикачилар fronti - 1994 йили; Миллий озодлик ҳаракати партияси - 1960 йили тузилган. Гватемала касаба уюшмалари мухтор федерацияси - 1957 йили; Касаба уюшма бирлиги миллий кўмитаси - 1976 йили; Касаба уюшмалари миллий fronti - 1968 йили; Гватемала касаба уюшмалари кенгаши - 1955 йилда ташкил этилган. Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерациясига киради.

Гватемала 1945 йил 21 ноябрдан БМТ аъзоси. **Аҳолиси.** Асосан испан-ҳинду дурагайлари бўлиб, улар гватемаллар миллатининг ўзагини ташкил этади. Қолганлари киче, какчикель, маме, кекчи ва бошқа элатлардан иборат. Шаҳар аҳолиси – 38,4%. Кўпчилик диндорлар – католиклар.

**Иқтисодиёти** Гватемала – қолоқ аграр мамлакат, иқтисодиёти тропик ўсимлик маҳсулотларини экспорт қилишга ихтисослашган. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликнинг улуши 26%, саноатнинг улуши 15%. Мамлакат аҳолисининг 2,5% экинзорларнинг 85% га эгалик қилади. Асосий экини кофе, пахта, шакарқамиш, банан, шунингдек, абаку, эфир мойли экинлар, тамаки ҳам етиштирилади. Асосий озиқ-овқат экинлари: маккажўхори, шולי, картошка, ловия, сабзавот. Чорвачилик иккинчи даражали аҳамиятга эга. Ёғочнинг қимматбаҳо турлари, чикле смоласи тайёрланади. Саноати заиф. Рух, вольфрам, сурма, кўргошин, никель, симоб, кумуш, оз миқдорда нефть (мамлакат эҳтиёжининг 25%) қазиб олинади. Озиқ-овқат, кўнчилик, тўқимачилик, нефть кимёси, бинокорлик материаллари корхоналари бор. 2,3 млрд. кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Эскуинтеле ва Пуэрто-Барриос яқинидаги нефть маҳсулотлари заводлари четдан келтирилган хом ашё асосида ишлайди. Хунармандчилик ривожланган. Темир йўл узунлиги 819 км., автомобиль йўллари узунлиги – 17,3 минг км. Панамерика автойўли Гватемала орқали ўтади. Асосий денгиз портлари: Пуэрто-Барриос, Сан-Хосе, Чамперико. Гватемала шаҳрида халқаро аэропорт бор.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Германия, Марказий Америка мамлакатлари, Япония, Мексика.

**Валютаси.** 8,1 кетсал 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил март).

Ташқи савдода импортнинг улуши 6797 млн. АҚШ доллари (2003 йил). Экспортнинг улуши 3963 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИДО, ЮНКТАД, Интерпол, Жаҳон Савдо Ташкилоти, ИКАО ва бошқаларга аъзо.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 29.200;

захирадагилар – 35.000;

шундан, қуруқликдаги кўшинларда 27.000, ҳарбий денгиз флотида 1.500, ҳарбий ҳаво кучларида 700 нафар киши хизмат қилади.

Замонавий қурол-яроғга эга эмас. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 9 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 19.000 кишидан иборат миллий полициядир. Шунингдек, 2.500 хазина полицияси ҳам мавжуд.

**Табиати.** Гватемала худудининг ярмидан кўп қисми 1000-3000 м. балақдликдаги тоғлик бўлиб, жанубда эни 40-60 км.дан ошмайдиган пасттекисликка туташиб кетади. Тез-тез zil-зила бўлиб туради. Фойдали қазилмалари: полиметаллар, олтин, кумуш, нефть, хромит ва марганец рудалари. Иқлими – субэкваториал, пассат-муссон. Ўртача ҳарорат: пасттекисликларда - 23-27°, тоғлар оралигидаги платоларда 15-20°. Йиллик ёғин: тоғларнинг шимоли-шарқий ён-бағирларида 3500 мм. гача, жануби-ғарбий ён-бағирларида 2000 мм. гача, пасттекисликлар ва ички ботикларда 500-1000 мм. Мотагуа, Полочик дарёларида кема қатнайди. Худудининг 60% яқини доим яшил тропик ўрмонлар билан қопланган, тоғларнинг ички қисмида қарағай-эман ўрмонлари, жанубда саванна ва бугазорлар бор. Ўрмонларда қимматбаҳо ёғоч, каучук берадиган дарахт кўп. Миллий боғлари – Тикаль, Рио-Дульсе, Атитлан ва бошқалар.

## 28. ГВИАНА

Франция Гвианаси

**Майдони**..... 91 000 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 155 300 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Кайенна шаҳри.

**Расмий тили**..... француз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...840 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....креветкалар, гуруч, ёғоч, ромлар, мурч, зираворлар.

**Импорт**.....техник ускуналар, нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....француз франки.

## ГОНДУРАС

**Дини**.....насронийлик  
**Давлат тузуми.** Франция мулки («денгиз ортидаги департаменти»).

**Табиати.** Гвиана Гвиана ясситофлигининг ши-моли-шарқида жойлашган. Ер юзасининг ўртача баландлиги 300-400 м., энг баланд жойи 850 м. Иқлими субэкваториал, иссиқ ва сернам. Ўртача ойлик ҳарорат 26-28°. Йиллик ёғин 3200-3500 мм. Асосий дарёлари: Марони, Ояпоки. Гвиана худудининг 90% қимматбаҳо ёғоч берадиган сернам тропик ўрмонлар билан қопланган.

**Тарихи.** Гвиана худудида қадимдан овчилик, балиқ овлаш, ёввойи ўсимлик меваларини йиғиш билан кун кечирувчи кўчманчи хиндулар яшаган. Гвианани дастлаб 1604 йили французлар босиб олган ва 1684 йили Кайенна шаҳрини барпо этган. Гвиана худуди XVII аср ўрталаридан XIX аср бошигача Франция, Буюк Британия, Португалия, Нидерландия давлатлари ўртасида талаш бўлиб келди. 1817 йилдан французлар Гвианада мустақкам ўрнашиб олади. XVIII аср охиридан XX аср бошигача Гвиана француз сиёсий маҳбуслари сургун қилинадиган жой бўлган. 1946 йил 19 мартда Гвиананинг мустамлака мақоми Франциянинг денгиз ортидаги департаменти қилиб ўзгартирилди.

**Иқтисодиёти.** Аҳолининг асосий машғулоти – деҳқончилик. Экспорт қилинадиган экинлардан шакарқамиш (асосан ром тайёрлаш учун), кофе, какао, банан; ички эҳтиёжлар учун маккажўхори, шоли, цитрус мевалари ва сабзавот етиштирилади, қорамол, чўчқа боқилади. Океандан денгиз ҳайвонлари, балиқ овланади.

### 29. ГОНДУРАС

Гондурас Республикаси  
(Republic of Honduras)

**Майдони**..... 112 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 6 600 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Тегусигалпа шаҳри.  
**Расмий тили**.....испан тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...2580 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....кофе, банан, кре-

веткалар, гўшт, ёғоч, денгиз маҳсулотлари, шакар, кумуш.

**Импорт**.....машина ва транспорт жиҳозлари, саноат хом ашёси, кимёвий маҳсулотлар, ёнилғи, озиқ-овқат.

**Миллий валютаси**.....лемпира.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....15. 09. 1821.

**Миллий байрами**.....15 сентябрь – Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Гондурас – республика. Маъмурий жиҳатдан 8 департаментга, департаментлар округларга, округлар муниципияларга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1965 йил 5 июнда қабул қилинган, унга 1981 ва 1982 йилларда тузатиш киритилган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент. У умумий бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади (иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас). Кунун чиқарувчи ҳокимияти бир палатали парламент – Миллий ассамблея.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Гондурас либерал партияси – 1891 йилда; Гондурас миллий партияси – 1891 йилда; Янгиланиш ва миллий бирлик партияси – 1978 йилда; Христиан-демократик партияси – 1977 йилда; Гондурас коммунистик партияси – 1954 йилда тузилган. Гондурас меҳнаткашлари конференцияси – 1964 йилда; Гондурас деҳқонлар миллий уюшмаси – 1962 йилда; Гондурас меҳнаткашлари бирлашган федерацияси – 1981 йилда; Гондурас эркин касаба уюшмалари марказий федерацияси – 1957 йилда ташкил этилган.

Гондурас 1945 йил 17 декабрдан БМТ аъзоси. **Аҳолисининг 90%и** испан-хинду дурагайлари, **6%и** хиндулар, **2%и** негрлар, **2%и** Европа мамлакатларидан келганлар. Шаҳар аҳолиси – 41,1%.

**Иқтисодиёти** Гондурас – Латин Америкасидаги қолоқ аграр мамлакатлардан бири. Иқтисодиётнинг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Иқтисодий фаол аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ хўжалигида банд. Ялпи ички маҳсулотнинг **23%ини** қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик, **19%ини** саноат беради.

**Валютаси.** 17 лемпира 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

## ГРЕНАДА

Ташқи савдода импортнинг улуши 3,9 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 2,6 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Германия, Япония, Салвадор, Никарагуа, Гватемала ва бошқалар.

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИДО, ЮНКТАД, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, Интерпол ва бошқаларга аъзо.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 12.000;

захирадагилар – 60.000:

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 8.300, ҳарбий денгиз флотида 1.400, ҳарбий ҳаво кучларида 2.300 нафар киши хизмат қилади.

Замонавий курол-яроғга эга эмас. Патруль ва кирғоқ қўшинларида 16 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 8.000 кишидан иборат Жамоат хавфсизлиги кучларидир.

**Табиати.** Гондурас ҳудудининг 2/3 қисми 2865 м. баландликкача бўлган тоғликлардан иборат бўлиб, кўпгина дарёларнинг водийлари алоҳида массивларни ҳосил қилади.

### 30. ГРЕНАДА

(Grenada)

Майдони.....	344 км <sup>2</sup> .
Аҳолиси.....	89 000 (2003 йил).
Пойтахти.....	.Сент-Жоржес шаҳри.
Расмий тили.....	инглиз, француз ва патуа тиллари.
ЯИМ (аҳоли жон бошига).....	5022 АҚШ доллари (2002 йил).
Экспорт.....	банан, какао, ёнғоқ, мева ва сабзавотлар, кийим-кечак.
Импорт.....	саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар, кийим-кечак, ёнилғи.
Миллий валютаси.....	шарқий кариб доллари.
Дини.....	насронийлик.
Мустақиллик куни.....	7. 02. 1947.
Миллий байрами.....	7 февраль - Мустақиллик куни. 13 март - Инқилоб куни (1979).

**Давлат тузуми.** Гренада Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибидаги мустақил давлат. Маъмурий жиҳатдан 7 туманга бўлинган. 1974 йил конституциясига мувофиқ давлат бошлиғи Буюк Британия қироличаси. Қиролича номидан генерал-губернатор фаолият юритади. Қонун чиқарувчи орган икки палатали (сенат ва вакиллар палатаси) парламентдир. Ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Парламент сайловида кўп овоз олган партиянинг раҳбари бош вазир этиб тайинланади.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Миллий партия - 1989 йилда; Миллий демократик конгресс партияси - 1987 йилда; Янги миллий партия - 1984 йилда; Гренада бирлашган лейбористлар партияси - 1950 йилда; Морис Бишоп номидаги ватанпарварлик ҳаракати партияси - 1984 йилда ташкил этилган. Гренада касаба уюшмалари кенгаши 1955 йилда тузилган.

Гренада 1974 йил 17 сентябрдан БМТ аъзоси. **Аҳолисининг** 50% дан кўпроғи негрлар, 40% дурагайлар, мамлакатда ҳиндулар ва европаликлар ҳам яшайди. Диндорлар, асосан, насронийлар. Шаҳар аҳолиси - 32%.

**Иқтисодиётининг** асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 15,5%, саноатнинг улуши - 6%. Асосан банан, какао, кокос ёнғоғи (жаҳонда 2-ўрин), пахта, цитрус мевалар, шакарқамиш етиштирилади.

**Валютаси.** 1976 йилдан 2,7 шарқий кариб доллари 1 АҚШ долларига тенг қилиб белгиланган. Ташқи савдода импортнинг улуши 407 млн. АҚШ доллари (2002 йил).

Экспортнинг улуши 260 млн. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Канада, Буюк Британия.

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНКТАД, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, Интерпол, Катта 77лик ва бошқа ташкилотлар аъзоси.

**Табиати.** Гренада ороллари вулқонлардан ҳосил бўлган. Ҳозир ҳам бу ерда бир неча вулқон чўққилари бор (энг баланд нуқтаси 840 м.). Иқлими - субэкваториал, денгиз иқлими.

## ДОМИНИКА \* ДОМИНИКАН РЕСПУБЛИКАСИ

### 31. ДОМИНИКА

Доминика Хамдўстлиги  
(Commonwealth of Dominica)

**Майдони**..... 750 км<sup>2</sup>  
**Аҳолиси**..... 75 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Розо шаҳри.  
**Расмий тили**.....инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...5400 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....банан, совун, сабзавотлар, грейпфрутлар, копра, эфир ёғи ва бошқалар.  
**Импорт**.....саноат жиҳозлари ва маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, транспорт воситалари.  
**Миллий валютаси**.....шарқий кариб доллари.  
**Дини**.....насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....3. 11. 1978.  
**Миллий байрами**.....3 ноябрь - Мустақиллик куни.  
**Давлат тузуми**. Буюк Британия бошчилигидаги Хамдўстликка кирган республика. Доминика оролидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 10 туманга бўлинган. Амалдаги конституцияси 1978 йил 30 ноябрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент (1998 йилдан В.Шоу). У мажлис палатаси (бир палатали парламент) томонидан 5 йил муддатга сайланади. Конституцияга биноан президент лавозимига фақат бир марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Мажлис палатаси, ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Бош вазирни президент Мажлис палатаси аъзолари орасидан тайинлайди.  
**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Доминика лейбористлар партияси - 1985 йилда; Доминика меҳнаткашлари бирлашган партияси - 70-йилларнинг бошларида; Доминика тараққийпарвар партиясига 1990 йилда асос солинган. Фуқаро хизмати иттифоқи касаба уюшма бирлашмаси - 1940 йилда; Доминика инчилари бирлашган иттифоқи - 1960 йилда; Доминика касаба уюшмаси - 1945 йилда тузилган.  
Доминика 1978 йил 18 декабрдан БМТ аъзоси.  
**Аҳолиси**, асосан, африкалик доминикалик-

лар. Инглиз ва французлар ҳам яшайди. Маҳаллий креол тили кенг ёйилган. Диндорлар орасида католиклар кўпчилиكنи ташкил этади.  
**Иқтисодиётининг асосини** қишлоқ хўжалиғи ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 25%, саноатнинг улуши 7,9%.  
**Валютаси**. 1976 йилдан 2,7 шарқий кариб доллари 1 АҚШ долларига тенг қилиб белгиланган. Ташқи савдода импортнинг улуши 150 млн. АҚШ доллари (2003 йил). Экспортнинг улуши 117 млн. АҚШ доллари (2003 йил).  
**Савдо соҳасидаги шериклари**. АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Канада.  
**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари**. БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИДО, ЮНКТАД, IFAD, Жаҳон Савдо Ташкилоти, Интерпол ва бошқаларга аъзо.  
**Маданияти**. Доминикада катта ёндаги аҳолининг саводхонлик даражаси - 95%. Мамлакатда Педагогика институти фаолият юритади. «Офишл газетт» («Расмий газета», ҳукумат ҳафтаномаси), «Нью-кроникл» («Янги хабарлар» ҳафталик газета 1909 йилдан) газеталари нашр этилади. «Доминика бродкастинг корпорейшн» ҳукумат радиосэиттириш маҳкамаси мавжуд. Кабель телекўрсатуви ишлайди.  
**Табиати**. Ер юзаси тоғлик, энг баланд жойи 1447 м. (Дьяблотен вулқони). Иқлими тропик ва нам, аммо шимоли-шарқдан эсувчи пассат шамоли туфайли иссиқ унчалик сезилмайди.

### 32. ДОМИНИКАН РЕСПУБЛИКАСИ

(Republica Dominica)

**Майдони**..... 48 730 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 8 700 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Санто-Доминго шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Сантяго-де-лос-Кабалерос.  
**Расмий тили**.....испан тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...5700 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....шакар, олтин, кумуш, кофе, какао, тамаки, гўшт.  
**Импорт**.....саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат, нефть, пахта ва газлама, дори-дармон, кимёвий маҳсулотлар.

## КАНАДА

**Миллий валютаси**.....Доминикан песоси.

**Дини**.....насонийлик.

**Мустақиллик куни**.....27. 02. 1844.

**Миллий байрами**.....27 февраль - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Доминикан Республикаси – республика. Маъмурий жиҳатдан 29 вилоят ва 1 миллий округга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1966 йил 28 ноябрда қабул қилинган; 1994 йили унга ўзгартишлар киритилган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент, у умумий овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий конгресс (парламент) амалга оширади. Парламентнинг иккала палатаси – сенат ва депутатлар палатаси умумий овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятни президент томонидан тайинланадиган ҳукумат амалга оширади.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшма бирлашмалари.** Демократик интеграция ҳаракати - 1970 йилда реформистлар партиясидан ажралиб чиққан фракция негизда; Кискейяно (Доминикан) демократик партиясидан - 1968 йилда; Доминикан инқилобий партиясидан - 1939 йилда; Реформист социал-христиан партия - 1986 йилда тузилган. Мухтор касаба уюшмалари конференцияси - 1962 йилда; Меҳнаткашлар умумий касаба маркази - 1972 йилда; Доминикан меҳнаткашлари миллий конференцияси - 1988 йилда ташкил этилган.

Доминикан Республикаси 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиснинг асосий қисми** доминиканлар, уларнинг 73% испан-негр дурагайлари, 11% негрлар, 15% оқ танлилардир. Аҳолиснинг кўпчилиги католиклар. 60%дан ортиқ аҳоли шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Доминикан Республикаси – иқтисодий жиҳатдан заиф мамлакат. Ялли ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиғи, ўрмон хўжалиғи ва балиқчиликнинг улуши 15%, саноатнинг улуши 19,2%.

**Валютаси.** 21,75 Доминикан песоси 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 7,9 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 5,9 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Канада, Россия, Япония.

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИДО, ЮНКТАД, Интерпол, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти ва бошқаларга аъзо.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуроли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 24.500;

шундан, қуруқликдаги кўчинларда 15.000, ҳарбий денгиз флотига 4.000, ҳарбий ҳаво кучларида 5.500 нафар киши хизмат қилади. Замонавий қурол-яроғга эга эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 15 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 15.000 кишидан иборат. Миллий полиция мамлакат ички хавфсизлигини таъминлайди.

**Табиати.** Доминикан Республикасининг соҳилларида кўплаб қўлтиқлар бор. Худудининг ярмидан кўпроғи тоғлар билан қопланган. Марказий қисмида Кордильера-Сентраль - Дуарте тоғи, баландлиги 3175 м. гача), шимолда Кордильера-Септентриональ (баландлиги 1249 м. гача), шарқда Кордильера-Орьенталь (баландлиги 701 м. гача) тизмалари бор. Жанубий соҳилллари яқинидаги Саона, Каталина, Беата ороллари ҳам Доминикан Республикасига қарашли. Вулқонлар сўнган бўлса ҳам, аммо тез-тез зилзила бўлиб туради. Иқлими – тропик, пассат иқлим. Тоғлардан бошланадиган дарёлар мамлакат бутун худудини кесиб ўтади. Йирик дарёларда кема қатнайди.

### 33. КАНАДА

(Canada)

**Майдони**..... 9971 минг км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 31,4 млн (2002 йил).

**Пойтахти**..... Оттава шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Монреаль, Калгари, Торонто, Ванкувер, Виннипег, Гамильтон ва бошқалар.

**Расмий тили**..... инглиз ва француз тиллари.

**ЙИМ (аҳоли жон бошига)**.....30 766 АҚШ доллари (2002 йил).

**Экспорт**.....автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар, нефть, алюминий, буғдой, ёғоч, газ, машиналар, телекоммуникация жиҳозлари, электр энергияси.

**Импорт**..... машина ва жиҳозлар, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар, нефть, эҳтиёж моллари ва озиқ-овқат, электр энергияси.

**Миллий валютаси**.....Канада доллари.

**Дини**.....насронийлик, яхудийлик, ислом.

**Мустақиллик куни**.....1. 07. 1867.

**Миллий байрами**.....1 июль - Канада куни (1867).

**Чегаралари**.....жануб ва шимоли-гарбда АҚШ билан (Аляска штати), гарб, шарқ ва шимолда сув билан ўралган. Шимолий Американинг шимолий қисми ва унга ёндош ороларда жойлашган давлат.

**Давлат тuzуми**. Канада - Буюк Британия бошчилигидаги Хамдўстлик таркибидаги федератив давлат. Маъмурий жиҳатдан 10 вилоят ва 3 худуд (territory)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1982 йил 17 апрелда кучга кирган. Давлат бошлиғи - Буюк Британия қироли (қироличаси), унинг номидан генерал-губернатор давлатни бошқаради. Қиролича генерал-губернаторни Канада бош вазирининг тавсияси билан, одатда, 5 йил муддатга тайинлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қиролича номидан генерал-губернатор ва 2 палатали парламент (сенат ва жамоалар палатаси) амалга оширади. Ижроия ҳокимиятини қиролича номидан генерал-губернатор ҳамда бош вазир ва вазирлардан иборат ҳукумат амалга оширади (1993 йилдан бош вазир Жан Кретъен).

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари**. Либерал партия - 1873 йили; Прогрессив консерватив партия - 1854 йили; Канада Коммунистик партияси - 1921 йили; Квебек партияси - 1968 йили; Янги демократик партия - 1961 йили; Квебек блоки партияси - 1990 йили; Канада ислохот партияси - 1987 йили тузилган. Миллий касаба уюшмалари конфедерацияси 1921 йили вужудга келган.

Канада 1945 йил 9 ноябрдан БМТ аъзоси. 1991 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олди ва 1992 йил 7 апрелда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Аҳолиси**, асосан, инглиз-канадаликлар (44%) ва француз-канадаликлар (28%). Туб аҳолиси - ҳиндулар 533 минг ва эскимослар салкам 33 минг кишини ташкил этади. Канадада немислар, украинлар, италянлар, голландлар, венгерлар, руслар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Француз-канадаликлар католик динида, инглиз-канадаликларнинг асосий қисми протестант. Аҳолининг 78,6% шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти**. Канада юксак тараққий этган сансатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда сансатнинг улуши 22%, қишлоқ хўжалиги улуши 2,2%.

**Савдо соҳасидаги шериклари**. АҚШ, Япония, Буюк Британия, Нидерландия. 1989 йили Канада билан АҚШ ўртасида эркин савдо ҳақидаги битим кучга кириши ва 1992 йили Шимолий Америка эркин савдо минтақаси тўғрисидаги уч томонлама (АҚШ-Канада-Мексика) битим имзоланиши билан Канада иқтисодиётининг Америка иқтисодиёти билан бирлашуви ва унинг Шимолий Америка ягона иқтисодий макони таркибий қисмига айланиши жараёни тезлашди.

**Валютаси**. 1 Канада доллари 0,73 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 260 млрд. АҚШ доллари (2002 йил) Экспортнинг улуши 300 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари**. БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНКТАД, НАФТА, НАТО, Интерпол, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, ЕХХТ, АРЕС, ASEAN ва бошқаларга аъзо.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 52.300;

захирадагилар - 36.900;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 19.300, ҳарбий денгиз флотида 9.000 ва ҳарбий ҳаво кучларида 13.500 нафар киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 2 та сув ости кемаси, 4 та эскадра миноносеци ва 12 та қоровул кемасига эга. Ярим ҳарбийлашганлар 9.300 бўлиб, улардан 4.700 таси Канада қирғоқ ҳимоячилари ва 4.650 таси балиқчилар ва Океанлар департаменти хизматчиларидир.

**Табиати.** Канада худудининг ғарбий қисми тоғлиқ, шарқий қисми текислиқ, шимолий ва қисман шимоли-шарқий соҳиллари паст-текислиқ, шарқий қирроқлари тик, ғарбий соҳили эса жуда баланд. Материкнинг ўрта қисми ва Канада Арктикаси архипелагининг материкка туташган жойи текислиқ ҳамда платодан иборат. Канаданинг кўп қисмида арктика ва субарктика, жанубида мўътадил, асосан, континентал иқлим. Канадада дарё кўп, улар асосан қор-ёмғир сувларидан ҳосил бўлади. Сан-Лаврентий (Буюк кўллари билан), Финли-Ривер-Кўллар-Макензи (Кичик Кўллар, Атабаска, Катта Кўллар ва б. кўллар билан), Боу-Саскачеван-Нельсон (Боу, Сидар, Виннипег ва бошқа кўллар билан) дарё-кўл тизимлари Атлантика ва Шимолий Муз океани ҳавзасига киради. 200 дан ортиқ йирик кўллар бор.

**Ўзбекистон – Канада муносабатлари.** Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар 1996 йилдан кенгай бошлади. 1998 йилда Ўзбекистон Канадага хизматлар, қора металл ва ундан ясалган буюмларни экспорт қилган бўлса, Канададан электр асбоб-ускуналари, пластмасса, ойна, полиграфия саноати маҳсулотлари, сут, гўшт ва балиқ маҳсулотлари сотиб олади. 1999 йил якуни бўйича мамлакатлар ўртасидаги товар айланмаси 15,68 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Канадага экспорт кескин ўсиб, ижобий сальдо 6,77 млн. АҚШ долларига етди. 1999 йил 17 июнда иккала мамлакат ҳукуматлари ўртасида иккиёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва сармоя солиғи тўлашдан бўйин товланишнинг олдини олиш ҳақида конвенция имзоланди. Канаданинг турли компания ва нотижорат ташкилотлари Ўзбекистоннинг минерал хом ашё ва нефть-газ конларини ишга туширишда иштирок этишга ғоят қизиқиб қарайди. Навоий вилоятидаги Тандир майдонини геологик жиҳатдан биргаликда ўрганиш тўғрисида 1998 йил октябрда Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан “Хеброн Фиорд Ресоурсес Инк” компанияси ўртасида тузилган шартномада Канада томони салкам 4,5 млн. АҚШ доллари сарфлаши кўзда тутилган. Компания мутахассислари белгилан-

ган иш дастурини бажаришга киришди. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Канаданинг “Партт энд Уитни” компанияси билан Ил-114 самолётлари учун PW-127 двигателларини етказиб бериш соҳасида бевосита ҳамкорлик қила бошлади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Канаданинг “Нортел Телеком” компанияси билан 1993 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаётир. Кейинги 8 йил мобайнида ушбу компания билан жами 29 млн. АҚШ доллари қийматига эга бўлган 8 та шартнома амалга оширилиб, Ўзбекистон-Америка “Ўздунробита” қўшма корхонаси учун асбоб-ускуналар етказиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Канаданинг бир қанча молия муассасалари билан алоқа ўрнатган. Икки мамлакат ўртасида таълим, фан-техника соҳасида, жумладан, бир-бирларига талабалар, аспирантлар, ўқитувчилар ва мутахассислар юбориш, уларнинг малакасини ошириш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикасида 2000 йил бошида канадалик сармоядорлар иштирокидаги 13 корхона рўйхатга олинган.

### 34. КОЛУМБИЯ

Колумбия Республикаси  
(Republica de Colombia)

<b>Майдони</b> .....	1138,9 минг км <sup>2</sup>
<b>Аҳолиси</b> .....	42 млн. (2003 йил).
<b>Пойтахти</b> .....	Богота (Санта-Фе-де-Богота) шаҳри.
<b>Катта шаҳарлари</b> .....	Медельин, Кали, Картахена.
<b>Расмий тили</b> .....	испан тили.
<b>ЯИМ (аҳоли жон бошига)</b> .....	6450 АҚШ доллари (2003).
<b>Экспорт</b> .....	кофе, нефть-кўмир, олтин, банан, гуллар, кимёвий маҳсулотлар, гўшт ва зумрадлар.
<b>Импорт</b> .....	саноат ускуналари ва транспорт жиҳозлари, эҳтиёж моллари, қоғоз маҳсулотлари, ёнилғи, электр энергияси, қурол-яроғ, ярим фабрикатлар ва хом ашё.
<b>Миллий валютаси</b> .....	Колумбия песоси.

## КОЛУМБИЯ

**Дини**.....насронийлик ва озчиликни ташкил этадиган бошқа динлар.

**Мустақиллик куни**.....20. 07. 1810.

**Миллий байрами**.....20 июль - Мустақиллик куни (1810).

**Чегаралари**.....жанубда Эквадор ва Перу билан, ғарбда Бразилия ва Венесуэла, шимолда Кариб денгизи, ғарбда Тинч океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Колумбия унитар республика. Жанубий Американинг шимоли-ғарбида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 32 департамент ва пойтахт округига бўлинади. Амалдаги конституцияси 1991 йил 4 июлда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи - президент. Умумий ва бевосита овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни конгресс амалга оширади. Конгресс икки палата: сенат ва вакиллар палатасидан иборат. Ижроия ҳокимиятини президент бошчилигидаги ҳукумат бошқаради.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Либерал партия - 1815 йилда; Социал-консерватив партия - 1848 йилда; Колумбия коммунистик партияси - 1930 йилда; Миллий нажот ҳаракати партияси - 1990 йилда Социал консерватив партиядан чиққан сиёсий арбоблар томонидан тузилган; Миллий халқ иттифоқи - 1964 йилда; Демократик альянс партияси - 1990 йилда ташкил этилган. Касаба уюшма бирлашмалари: Демократ меҳнаткашлар умумий конфедерацияси - 1971 йилда; Колумбия демократ меҳнаткашлар конфедерацияси - 1988 йилда; Колумбия меҳнаткашлар конфедерацияси - 1934 йилда; Меҳнаткашлар унитар касаба уюшма маркази - 1986 йилда тузилган.

Колумбия 1945 йил 5 ноябрдан БМТ аъзоси. Аҳолисининг аксарияти колумбияликлар. Улар ҳинду, испан, негрларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган. Кейинроқ Италия, Германия ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларидан келган муҳожирилар қўшилган. Мамлакатда 700 мингга яқин ҳинду бор. Колумбияликлар насронийликнинг католик мазҳабига эътиқод қилади. Аҳолининг 67%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Колумбия аграр-саноатлашган

мамлакат. Жанубий Америкадаги иқтисодий барқарор, узлуксиз ривожланаётган мамлакатлардан бири. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 33%и қишлоқ хўжалигида, 23%и саноатда, 20%и хизмат кўрсатиш соҳасида машғул. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 27%и, қишлоқ хўжалигининг улуши 22%.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Латин Америкаси мамлакатлари.

**Валютаси.** 2678 Колумбия песоси 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 16,4 млрд. АҚШ доллари (2003).

Экспортнинг улуши 15 млрд. АҚШ доллари (2003).

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сон:

фаоллар - 207.000;

захирадагилар - 60.700;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 178.000, ҳарбий денгиз флотидида 22.000, ҳарбий ҳаво кучларида 7.000 нафар киши хизмат қилади. Замонавий қурол-яроғга эга эмас. 4 та сув ости кемаси ва 4 та корветга эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 27 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 129.000 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 121.000 Миллий полиция кучлари ва 8.000 қишлоқ милициясидир.

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари:** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНКТАД, Интерпол, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, FAO, OPANAL, PCA, ССС ва бошқаларга аъзо.

**Табиати.** Колумбиянинг шарқий ва шимолий қисми пасттекислик, ғарбида Анд тоғ тизмалари бор. Анд тоғларининг Колумбиядаги қисми 3 асосий тизмадан (Ғарбий, Марказий ва Шарқий Кордильера) иборат. Уларни Магдалена дарёси (Каука ва Патия ирмоқлари билан) бир-биридан ажратиб туради. Колумбиянинг энг баланд нуқтаси Кристобаль-Колон тоғи (5800 м.). Колумбия экваториал иқлим минтақасида жойлашган. Йирик дарёлари: Магдалена, Какета, Путумайо, Гуавьяре, Мена. Юкларнинг 95% Магдалена дарёси орқали ташилади.

## КОСТА-РИКА \* КУБА

### 35. КОСТА-РИКА

(Costa Rica), Коста-Рика Республикаси  
(Republica de Costa Rica)

**Майдони**..... 51,1 минг км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 3,9 млн. киши (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Сан-Хосе шаҳри  
**Катта шаҳарлари**..... Лимон, Турриальба.  
**Расмий тили**..... испан тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**. 8424 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**..... кофе, банан, шакар, ананас, тўқимачилик, электр ва тиббиёт жиҳозлари, какао.  
**Импорт**..... хом ашё, эҳтиёж моллари, ишлаб чиқариш воситалари, нефть, тайёр маҳсулотлар.  
**Миллий валютаси**..... Коста-Рика колони.  
**Дини**..... насронийлик.  
**Мустақиллик куни**..... 15. 09. 1821.  
**Миллий байрами**..... 15 сентябрь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**..... шимолда Никарагуа, жануби-шарқда Панама, шарқда Кариб денгизи, ғарб ва жануби-ғарбда Тинч океани билан чегарадош.  
**Давлат тuzуми**. Коста-Рика – республика. Амалдаги конституцияси 1949 йил 7 ноябрда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент (2002 йилдан А.Пачеко); у аҳоли томонидан тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Президент иккинчи муддатга қайта сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Қонун чиқарувчи мажлис (бир палатали парламент) амалга оширади; унинг 57 депутати тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан 4 йилга сайланади. Ижроия ҳокимиятини президент ва вазирлар маҳкамаси бошқаради.  
Коста-Рика 1945 йил 2 ноябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олган ва 2001 йил 7 июнда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.  
**Аҳолисининг аксари** костарикаликлар – XVI-XVII асрларда Испаниядан кўчиб бор-

ганларнинг авлодлари (87%); метислар, негр ва мулатлар ҳам яшайди. Туб аҳолиси – ҳиндулар (брибрлар, борука ва хоказо) 1%га ҳам етмайди. Аҳолисининг 44,3%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти**. Коста-Рика иқтисодиётининг асосини сайёҳлик, қишлоқ хўжалиғи, электроника асбоблари экспорти ташкил этади. Охириги 15 йилда камбағаллик камайди ва кучли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди. Сайёҳлик мамлакатга валюта тушуми оқими кучайишининг асосий омилдир. Мамлакат аҳолисининг 20% қишлоқ хўжалиғида, 20% саноатда, 58% хизмат кўрсатиш соҳаларида банд.

**Валютаси**. 425 Коста-Рика колони 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Танқи савдода импортнинг улуши 8,3 млрд. АҚШ доллари (2003 йил). Экспортнинг улуши 8 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Ҳарбий салоҳияти**. Ярим ҳарбийлашганлар 8400 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 4400 таси фуқаро ҳимоячилари, 2000 чегара хавфсизлик полицияси ва 2000 кишлоқ ҳимоячиларидир.

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари**. БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНКТАД, Интерпол, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, FAO, OPANAL, OAS ва бошқаларга аъзо.

**Табиати**. Мамлакат ҳудудининг кўп қисми тоғлиқ. Сўнмаган вулқонлар (Ирасу – 3432 м, Поас – 2704 м.) бор. Энг баланд чўққиси – Кордильера-де-Таламанка тизмасидаги Чиррипо-Гранде тоғи (3820 м.). Кариб денгизи соҳили ботқоқликлардан иборат; Тинч океани соҳилида қўлтиқ ва ярим ороллар кўп. Иқлими – субэкваториал, тропик, пассат иқлим. Дарёлари тез оқар ва серсув. Йирик дарёлари – Сан-Хуан, Рио-Фрис.

### 36. КУБА

(Cuba), Куба Республикаси  
(Republica de Cuba)

**Майдони**..... 110 900 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 11 200 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Гавана шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Сантьяго-де-Куба, Камагуэй.  
**Расмий тили**..... испан тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига).....**1793 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт.....**шакар, никель, тамаки, балиқ, дори-дармонлар, цитрус мевалар, кофе.

**Импорт.....**ёнилги, нефть, озиқ-овқат, машиналар, ярим фабрикатлар, транспорт жиҳозлари, кундалик эҳтиёж моллари.

**Миллий валютаси.....**Куба песоси.

**Дини.....**насронийлик ва атеизм.

**Мустақиллик куни.....**20. 05. 1902.

**Миллий байрами.....** 20 май - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Куба-социалистик давлат. Вест Индиядаги давлат. Куба ороли ва Катта Антил ороллари гуруҳига кирувчи 1600 дан ортиқ майда ородда жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 14 вилоятга (provincia), вилоятлар муниципияларга бўлинган. Амалдаги конституцияси 1976 йили умумхалқ референдумида маъқулланган, унга 1992 йилда тузатишлар киритилган. Давлат ҳокимиятининг олий органи ва қонун чиқарувчи орган - Халқ ҳокимияти миллий ассамблеяси; унинг депутатлари орасидан Давлат кенгаши раиси, унинг биринчи ўринбосари, котиби ва 23 аъзоси сайланади. Давлат кенгашининг раиси (Фидель Кастро Рус) давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади, миллий мудофаа кенгашига бошчилик қилади. Олий ижроия органи - Вазирлар кенгаши (ҳукумат). Унинг аъзолари Халқ ҳокимияти миллий ассамблеяси томонидан тасдиқланади.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Куба коммунистик партияси - 1961 йилда Халқ социалистик партияси, «26 июль ҳаракати» ва «13 март инқилобий директорати»нинг бирлашуви натижасида вужудга келган. Куба меҳнаткашлари касаба уюшмалари маркази 1939 йилда тузилган, 19 та тармоқ касаба уюшмасини бирлаштиради.

Куба 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 20 январда тан олган.

**Аҳолисининг 98%идан кўпроғи кубаликлар; хитой, япон ва гаитиликлар ҳам яшайди. Маҳаллий аҳоли - ҳиндулар авлодлари ҳам учрайди. Диндорлари насроний динининг ка-**

толик ва протестант мазҳабига эътиқод қилади. Аҳолисининг 72%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Куба - аграр-саноатлашган мамлакат. Давлат сектори саноатни 100%, қурилиш, савдо ва транспортнинг 98%ни, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 80%ни ўз ичига олади. Ялпи миллий даромаднинг шаклланишида саноатнинг улуши 46%ни, қишлоқ хўжалиғи, ўрмон хўжалиғи ва балиқ овлаш 15,9%ни ташкил этади.

Ташқи савдода Вьетнам, Лотин Америкаси ва Европадаги баъзи мамлакатлар билан ҳамкорлик қилади.

**Валютаси.** 26 Куба песоси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 4,4 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 4,2 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

    фаоллар - 49.000;

    захирадагилар - 39.000;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 38.000, ҳарбий денгиз флотида 3.000, ҳарбий ҳаво кучларида 8.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 4 та снарядли кема ва 1 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 26.500 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 20.000 таси давлат хавфсизлиги ходимлари ва 6.500 таси чегара ҳимоячиларидир. Шунингдек, 70.000 Ёш ишчилар армияси, 50.000 фуқаро мудофааси кучлари ва 1.000.000 ҳудудий милиция ҳам мавжуд.

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари:** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНКТАД, Интерпол, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, ССС, ОАС, РСА, ЮМ ва бошқаларга аъзо.

**Табиати.** Куба ҳудуди, асосан, текисликлардан иборат. Қир ва тоғлар мамлакат ҳудудининг 1/3 қисмини эгаллаган. Куба оролининг марказий қисмида Гуаммая тоғи бор (баландлиги 1126 м.) Энг баланд тоғлар мамлакатнинг жануби-шарқда. Жанубий соҳил бўйлаб Сьерра-Маэстра тоғлари чўзилган (баландлиги 1974 м. бўлган Туркино чўққиси Кубанинг энг юқори нуқтасидир).

Иқлими - тропик, йил давомида ҳаво ҳарорати ва нисбий намлик юқори даражада бўла-

## МЕКСИКА

ди, ёмғирли мавсум - май-октябрь. Энг катта дарёси - Кауто (узунлиги 370 км.) Сьерра-Маэстра тоғларидан бошланади

### 37. МЕКСИКА

Мексика Қўшма Штатлари,  
(Mexico), (Estados Unidos Mexicanos)

**Майдони**.....1 958 000 км.<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....105 400 000 (2003 йил)  
**Пойтахти**.....Мехико шаҳри  
**Катта шаҳарлари**.....Гвадалахара, Монтеррей, Пуэбла, Леон.  
**Расмий тили**.....испан тили.  
**ИИМ (аҳоли жон бошига)**..8719 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....саноат моллари, нефть ва нефть маҳсулотлари, қумуш, кофе, пахта, рангли металллар, автомобиллар, тайёр маҳсулотлар.  
**Импорт**.....ярим фабрикатлар, машина ва жиҳозлар, эҳтиёж моллари, дастгоҳлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, электр асбоблар.  
**Миллий валютаси**.....Мексика песоси.  
**Дини**.....насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....16. 09. 1810.  
**Миллий байрами**.....16 сентябрь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....шимолда АҚШ, жанубда Гватемала билан чегарадош, шарқда Мексика қўлтиғи, ғарбда Тинч океани билан ўралган.  
**Давлат тузуми.** Мексика – федератив республика. Шимолий Американинг жанубий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 31 штат ва 1 пойтахт федерал округига бўлинади. Мексика Қўшма Штатларининг 1917 йил 5 февралдаги сиёсий конституцияси амал қилади, унга кейинчалик ўзгартишлар киритилган. Давлат бошлиғи – президент (2000 йилдан Висенте Фокс Кесада); у умумий ва бевосита овоз бериш йўли билан 6 йил муддатга сайланади. Конституцияга биноан президент қайта сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий конгресс (2 палатали парламент), ижроия ҳокимиятини президент амалга оширади.  
**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.**

Институцион-инқилобий партия - 1929 йилда (1938 йилгача Миллий-инқилобий партия, 1946 йилгача Мексика инқилобий партияси деб аталган, 1946 йилдан ҳозирги номда); Кардениста миллий янгиланиш fronti партияси - 1972 йилда; Мексика яшиллар экология партияси - 1987 йилда; Демократик инқилоб партияси - 1989 йилда; Миллий ҳаракат партияси - 1939 йилда тузилган. Касаба уюшмалари: Меҳнат конгресси - 1966 йилда; Мексика меҳнаткашлари конфедерацияси - 1918 йилда; Ишчи ва деҳқонларнинг инқилобий конфедерацияси - 1952 йилда; Мексика ишчи ва деҳқонларининг Хасинто Лопес номидаги умумий иттифоқи - 1949 йилда ташкил этилган. Меҳнаткашларнинг инқилобий конфедерацияси - 1954 йилда; Давлат хизматчилари касаба уюшмалари федерацияси 1938 йилда тузилган. Мексика 1945 йил 7 ноябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1992 йил 16 мартда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.  
**Аҳолисининг кўпчилиги** мексикаликлар бўлиб, улар хинду қабила ва элатлари, Европадан (асосан, Испания) кўчиб келганлар ва плантацияларда ишлатиш учун келтирилган африкаликлардан иборат. Аҳолининг ярмидан ортиғи аралаш никоҳдан туғилган метис ва мулатлардир. Туб хинду халқлари ўз тиллари ва маданиятларини қисман сақлаб қолган. Испанлар, басклар, немислар, французлар, италянлар ҳам бор. Диндорларнинг 96%и католиклар. 73% аҳолиси шаҳарларда яшайди.  
**Иқтисодиёти.** Мексика – Лотин Америкасида иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган, саноатлашган-аграр мамлакатлардан бири. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 24,5%, қишлоқ хўжалиғи, ўрмон хўжалиғи ва балиқчиликнинг улуши 9%. Саноатда иқтисодий фаол аҳолининг 15,3%, қишлоқ хўжалиғида эса 27,8%и банд.  
**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Канада, Япония, Лотин Америкаси ва Европа мамлакатлари.  
**Валютаси.** 11,2 Мексика песоси 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).  
 Ташқи савдода импортнинг улуши 187,3 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 177,9 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНКТАД, НАФТА, Интерпол, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, АРЕС, ССС, FAO, ICC, IFAD ва бошқаларга аъзо.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 192 770;

захирадагилар – 300 000:

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 144.000, ҳарбий денгиз флотидида 37.000, ҳарбий ҳаво кучларида 11.770 нафар киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 3 та эскадра миноносечи ва 8 та қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 109 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 11.000 кишидан иборат бўлиб, оғоҳлантирувчи федерал полициядир. Шунингдек, 14.000 кишлоқ мудофаа милицияси ҳам мавжуд.

**Табиати.** Мексика қирғоқларида қўлтиқлар кам, энг катта ярим ороллари – Калифорния ва Юкатан. Тинч океанидаги бир неча орол ҳам унинг таркибига киради. Мамлакат ҳудудининг катта қисмини Мексика тоғлиги (баландлиги 1000-2000 м., энг баланд жойи – ҳаракатдаги Орисаба вулкони – 5700 м.) эгаллайди. Соҳилга яқин жойлари пасттекислик. Иқлими тропик, шимолда субтропик иқлим. Жануби-шарқда дарё-сойлар кўп, шимоли-ғарбда кам (Юкатан ярим оролида умуман оқар сув йўқ). Йирик дарёлари: Рио-Гранде (Рио-Браво-дель-Норте), Лерма (қуйи оқими Рио-Гранде-де Сантьяго деб аталади), Бальсас, Грихаль ва – Усумасинта дарё. Энг катта кўли – Чапала.

**Ўзбекистон – Мексика муносабатлари.** Гарчи Ўзбекистон билан Мексика ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ҳукуматлараро битим тузилмаган бўлса ҳам, ўзаро савдо-сотик алоқалари йўлга қўйилган. Икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 1998 йилда 1855,9 минг АҚШ долларини ташкил этди. «Савдо-иқтисодий ҳамкорлик» ва «Инвестицияларни рағбатлантириш ҳамда ўзаро ҳимоя қилиш» тўғрисида шартномалар тузиш масаласи кўриб чиқиляётир.

## 38. НИКАРАГУА, Никарагуа Республикаси (Republic of Nicaragua)

**Майдони**.....137 800 км.<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....5 200 000 (2003 йил).

**Пойтахти**.....Манагуа шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Леон.

**Расмий тили**.....испан тили

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....2144 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....кофе, пахта, тамаки, мол гўшти, шакар, банан, олтин, кимёвий маҳсулотлар.

**Импорт**.....машина ва жихозлар, хом ашё, нефть маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат.

**Миллий валютаси**.....олтин кордоба.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....15. 09. 1821.

**Миллий байрами**.....15 сентябрь – Мустақиллик куни.

**Чегаралари.** шимол ва шимоли-ғарбда Гондурас, жанубда Коста-Рика билан чегарадош, шарқда Кариб денгизи, ғарбда Тинч океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Никарагуа – республика. Марказий Америкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 15 департамент ва 2 мухтор минтақага бўлинади. Амалдаги конституцияси 1987 йил 9 январда қабул қилинган, унга 1995 ва 2000 йилларда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи – президент (2002 йилдан Энрике Боланьос Гейер). У умумий ва бевосита овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади, кетма-кет иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятини президент амалга оширади. **Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Ниагара социалистик партияси 1939 йили асос солинган, 1944 йил 3 июлда ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган; Мустақил Либерал партия – 1944 йили; Никарагуа социал христиан партияси – 1957 йили; Сандиночилар миллий озодлик fronti партияси – 1961 йили; Либерал конституциячилар партияси – 1967 йили; Миллий бирлик мустақил либерал

партияси - 1988 йили; Никарагуа консерватив партияси - 1922 йили Консерватив демократик партия билан социал-консерватив партиянинг қўшилиши натижасида вужудга келган; Сандиночилар янгиланиш ҳаракати - 1995 йил майда тузилган. Мамлакатда 5 та касаба уюшмаси фаолият юритади, уларнинг йириклари: Меҳнаткашлар миллий fronti 1979 йилда; Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари уюшмаси 1979 йилда; Никарагуа меҳнаткашлар касаба уюшмаси маркази 1962 йилда ташкил этилган. Никарагуа 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Аҳолисининг 87,7% га яқини никарагуаликлар, қолган қисми самбо, мулатлар, тоғли жойларда яшайдиган москитолар (ҳинду) иборат. Кўпчилик аҳоли католик, бир қисми протестант. Шаҳар аҳолиси 61% ни ташкил этади. **Иқтисодиёти.** Никарагуа - аграр мамлакат, саноати сустривожланган. Мамлакатда қимматбаҳо қизил дарахт, кедр, кибрачо, каучукли дарахтлар кўп. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш яқини йўлга қўйилмаган. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги улуши 30,8%, саноат улуши 17,5% га тенг. **Валютаси.** 15,6 олтин кордоба 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил). Ташқи савдода импортнинг улуши 2,0 млрд. АҚШ доллари (2003 йил). Экспортнинг улуши 0,9 млрд. АҚШ доллари (2003 йил). **Халқаро ташкилотлар билан алоқалари.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНКТАД, Интерпол, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, РСА, OPANAL, FAO, OAS, CCC ва бошқаларга аъзо. **Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони: фаоллар - 14.000; шундан, қуруқликдаги қўшинларда 12.000, ҳарбий денгиз флотида 800, ҳарбий ҳаво кучларида 1.200 нафар киши хизмат қилади. **Замонавий қурол-яроғга эга эмас.** Патруль ва қирғоқ қўшинларида 5 та патруль кемаси мавжуд. **Табиати.** Кариб денгизи қирғоғидаги энсиз (130 км.гача) аллювиал пасттекислик Москито соҳили деб аталади. Мамлакат шимоли ва марказидаги ясси тоғликни дарёлар кесиб ўтади, ғарб ва жанубида тектоник ботиқлар, вулконлар, кўллар бор. Йирик кўллари - Ника-

рагуа ва Манагуа. Зилзила бўлиб туради. Олтин, кумуш, никель, симоб, мис, қўрғоқин-рух, кўмир, нефть конлари бор. Иқлим тропик, пассатли, доимий нам. Ойлик ўртача ҳарорат 25°-28°, тоғларда 16-18, йиллик ёғин 2000-4000 мм. дан 6500 мм. гача. Дарёлари шаршарали, серсув, энг катта дарёси - Рио-Гранде. Мамлакат худудининг 50% дан кўпроғи ўрмон, ички худудларида саванна кўп. Никарагуада буғу, маймун, тапир, пекар, чумолихўр, шунингдек, жуда кўп кемирувчилар, кўршапалаклар, қушлар, судралувчилар учрайди. Волькан-Масая, Саслая миллий боғлари бор.

### 39. ПАНАМА

Панама Республикаси  
(Republica de Panama)

**Майдони**.....77 400. км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....3 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Панама шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Колон.  
**Расмий тили**.....испан тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..6310 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....банан, шакар, кофе, кийим-кечак, нефть маҳсулотлари, тўқимачилик буюмлари, денгиз маҳсулотлари.  
**Импорт**.....ишлаб чиқариш воситалари, нефть, озиқ-овқат, хўжалик моллари, ускуналар, эҳтиёж моллари.  
**Миллий валютаси**.....балбоа ва АҚШ доллари.  
**Дини**.....насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....3. 11. 1903.  
**Миллий байрами**.....3 ноябрь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....ғарбда Коста-Рика, шарқда Колумбия, шимолда Кариб денгизи, жанубда Тинч-океани билан ўралган.  
**Давлат тузуми** Панама - республика. Марказий Американинг Панама бўйнида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 9 вилоят ва 5 мухтор ҳинду резервациясига бўлинади. Амалдаги конституцияси 1972 йилда қабул қилинган, унга 1978 ва 1993 йилларда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи - президент; у умумий ва бевосита овоз бе-

## ПАРАГВАЙ

риш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва иккинчи муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни ассамблея (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятини президент ва ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Арнулфиста партияси - 1990 йили; «Папа Эгоро» ҳаракати - 1991 йили; Лейбористлар партияси - 1982 йили; Либерал республикачилар партияси - 1993 йили; Панама Халқ партияси - 1930 йилда; Либерал миллий партия - 1979 йили; Либерал республикачилар миллий ҳаракати - 1981 йили; Инқилобий демократик партия - 1978 йили; Демократик христиан партияси - 1963 йилда ташкил этилган. Панама меҳнаткашлари конфедерацияси - 1956 йили; Меҳнаткашлар миллий кенгаши - 1971 йили; Панама бўйни меҳнаткашлари касаба уюшма маркази - 1971 йили ташкил этилган.

Панама 1945 йил 13 ноябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олган.

**Аҳолиси,** асосан, панамаликлар - метислар (60%), негрлар (15%), хиндулар (7%). Шаҳарларда ямайкаликлар, хитойлар, америкаликлар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 54%. Кўпчилик диндорлар насронийлар.

**Иқтисодиёти.** Панама - аграр мамлакат. XX асрнинг 70-йилларида Панама ҳукумати баъзи ижтимоий-иқтисодий тадбирлар - қишлоқ хўжалиги соҳасида, меҳнат қонунчилиги ва солиқ соҳасида ислохотлар ўтказди, барча фойдали қазилмаларга эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини эълон қилди.

**Валютаси.** Балбоа АҚШ долларига тенглаштирилган, АҚШ доллари Панама ҳудудида эркин муомалага киритилган.

Ташқи савдода импортнинг улуши 6,9 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 0,9 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНКТАД, Интерпол, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, FAO, OPANAL, OAS, PCA, ISO ва бошқаларга аъзо.

**Ҳарбий салоҳияти.** Ярим ҳарбийлашганлар

11.800 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 11 минги миллий полиция кучлари, 400 таси миллий денгиз хизмати (патруль ва қирғоқ қўшинларида 14 та патруль кемаси мавжуд) ва 400 таси миллий ҳаво хизмати ходимларидир.

### 40. ПАРАГВАЙ,

Парагвай Республикаси  
(Republica del Paraguay)

**Майдони**.....406 750. км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....6 000 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Асунсьён шаҳри  
**Катта шаҳарлари**.....Сюдад-дел-Эсте  
**Расмий тили**.....испан ва гуарани тиллари

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** 4376 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....электр энергияси, соя, пахта, гўшт, ёғ, кофе, ёғоч.

**Импорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, машина ва жихозлар, йўл транспорти, эҳтиёж моллари, тамаки ва электр асбоблар.

**Миллий валютаси**.....Гуарани.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....14. 05. 1811.

**Миллий байрами**.....14 май - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Боливия, шарқ ва жанубда Бразилия, ғарбда Аргентина билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Парагвай - республика. Жанубий Американинг марказий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 19 департамент ва пойтахт округига бўлинади. Амалдаги конституцияси 1992 йил 21 июнда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи - президент (1999 йилдан Луис Гонсалес Макки); у умумий ва бевосита овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий конгресс (2 палатали парламент - сенат ва депутатлар палатаси), ижроия ҳокимиятини президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Либерал партия - 1961 йили анъанавий либерал партия асосида; Либерал-радикал партия

- 1961 йили; Миллий республикачилар уюшмаси - «Колорадо» партияси - 1887 йили; Парагвай коммунистик партияси - 1928 йили; Ҳақиқий либерал-радикал партия - 1977 йили; Инқилобий фебреро партияси - 1951 йили Христиан-демократик партия - 1965 йили тузилган. Меҳнаткашлар бирлашган касаба уюшма маркази - 1980 йили; Парагвай меҳнаткашлар конфедерацияси - 1951 йили ташкил этилган. Парагвай 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Аҳолиси, асосан, парагвайлар (испан-хинду метислари). Ҳиндулар, немислар, аргентиналиклар ҳам яшайди. Диндорларнинг аксарияти - католиклар. Аҳолининг 50,5% шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Парагвай - иқтисодий жиҳатдан яхши ривожланмаган аграр мамлакат. Ялли ички маҳсулотда қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 26,6%, саноатнинг улуши 17,4%. Хўжаликнинг асосий тармоқлари чорвачилик ва ўрмончиликдир.

**Валютаси.** 5881 гуарани 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 2,7 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 2,6 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНКТАД, Интерпол, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, Меркосур, OPANAL, OAS, PCA, ССС, FAO ва бошқаларга аъзо.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли Кучларининг умумий сони:

фаоллар - 10.100;  
захирадагилар - 164.500:

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 7.600, ҳарбий денгиз флотидида 1.400, ҳарбий ҳаво кучларида 1.100 нафар киши хизмат қилади. Замонавий қурол-яроғга эга эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 8 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 14.800 кишидан иборат махсус полиция хизматидир.

#### 41. ПЕРУ

Перу Республикаси (Republica del Peru)

Майдони.....1 285 220. кв. км.  
Аҳолиси.....28 400 000 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Лима шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Кальяо, Арекипа.  
**Расмий тили**.....испан ва кечуа тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.4930 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....балиқ ва балиқ маҳсулотлари, мис, олтин, нефть, қўрғошин, кофе, пахта, шакар, темир, жун.  
**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, транспорт ускуналари, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, нефть, темир ва пўлат, дори-дармонлар, хом ашё ва электротехника маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**.....янги сол.  
**Дини**.....насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....28. 07. 1821.  
**Миллий байрами**.....28 июль - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....шимолда Эквадор ва Колумбия, шарқда Бразилия ва Боливия, жанубда Чили, ғарбда Тинч океани билан ўралган. Давлат тузуми. Перу - республика. Жанубий Американинг ғарбий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 25 департаментга (departamento) бўлинади. Амалдаги конституцияси 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган, унга 2000 йилда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи - президент (2001 йилдан Алехандро Толедо Манрике); у бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Президент кетма-кет иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий конгресс (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятини президент ва Вазирлар кенгаши амалга оширади. Президент Вазирлар кенгашининг раисини ва унинг тавсиясига биноан вазирларни тайинлайди.  
**Сийёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** "Перунинг келажаги учун" партияси; Халқ ҳаракати партияси - 1956 йили; Халқ христиан партияси - 1966 йили; Перу Априст партияси - 1924 йили; Перу коммунистик партияси - 1928 йили; Перу учун иттифок партияси - 1994 йили; Христиан демократик партия - 1956 йили ташкил этилган. Перу меҳнаткашлари умумий конфедерацияси - 1929 йили; Перу меҳнаткашлари бирлашган касаба уюшмала-

ри маркази - 1992 йил ташкил этилган. Перу 1945 йил 31 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1999 йил 22 декабрда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг** ярмига яқини кечуа, аймара хиндулари, қолганлари перуликлар (испан-хинду метислари). Диндорларнинг аксарияти католик. Шаҳар аҳолиси 72%.

**Иқтисодиёти.** Перу кончилик ва қайта ишлаш саноати нисбатан ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда кончилик саноатининг улуши 10,7%, қайта ишлаш саноатининг улуши 21,5%, қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 13,2%.

**Валютаси.** 3,46 янги сол 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 10 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

Экспортнинг улуши 10 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги асосий шериклари.** АҚШ, ЕИ, Япония, Меркосур, Анд ҳамжамяти.

**Халқаро ташкилотлар билан алоқалари.** БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНКТАД, НАФТА, НАТО, Интерпол, ИКАО, Жаҳон Савдо Ташкилоти, ЕХХТ, АРЕС, АСЕАН ва бошқаларга аъзо.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 80.000;

захирадагилар - 188.000;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 40.000, ҳарбий денгиз флотида 25.000, ҳарбий ҳаво кучларида 15.000 нафар киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 6 та сув ости кемаси, 1 та крейсер ва 4 та қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 6 та снарядли кема ва 4 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 77.000 кишидан иборат миллий полиция. Шунингдек, 1.000 қирғоқ ҳимоячиси ва 7.000 Rondas Campesinas мавжуд.

**Табиати.** Соҳил қисми эни 80-180 кмлик текислик (Коста), маркази тоғлик (Сьерра) ва шарқи сернам ўрмонли тоғолди (Сельва). Перу майдонининг 1/3 қисмини тоғлар қоплаган. Перу Анд тоғлари Ғарбий, марказий ва шарқий Кордильера тизмаларига бўлинади. Энг баланд жойи

6768 м. (Уаскаран тоғи). Перу ҳудудининг катта қисми иқлимиде экваториал ва тропик. Кўп дарёлари (Мараньон, Укаяли) Амазонка ҳавзасига мансуб. Йирик кўли Титикака.

## 42. ПУЭРТО-РИКО

Пуэрто-Рико Ҳамдўстлиги  
(Puerto Rico, Commonwealth of Puerto Rico)

**Майдони**.....9 104 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....3 930 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Сан-Хуан шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Байамон, Понсе.  
**Расмий тили**.....испан ва инглиз тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..10 минг АҚШ доллари (2002 йил).  
**Экспорт**.....дори-дармонлар, электроника, кийим-кечак, ромлар, тиббиёт ускуналари, шакар, кофе, кимёвий маҳсулотлар.  
**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, кийим-кечак, озиқ-овқат, балиқ, нефть маҳсулотлари, ярим фабрикатлар, саноат ком ашёси.  
**Миллий валютаси**.....АҚШ доллари.  
**Дипи**.....наصريийлик.  
**Миллий байрами**.....4 июль - АҚШ мустақиллиги куни.(1776 йил)  
**Давлат тузуми.** Вест Индияда Катта Антил ороллари архипелагининг шарқий қисмидаги Пуэрто-Рико, Вьекес, Кулебра ва Мона оролларида жойлашган АҚШ мулки. Маъмурий жиҳатдан 78 муниципал округга (district) бўлинади. Пуэрто-Рико АҚШга "эркин қўшилган" давлат мақомига эга. Амалдаги конституцияси 1952 йил 3 июлда қабул қилинган ва ўша йил 25 июлда кучга кирган. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият АҚШ конгрессига тегишли. Пуэрторикаликлар расман АҚШ фуқаролари ҳисобланади, аммо АҚШ президенти сайловида қатнашмайди. Мухторият доирасидаги қонун чиқарувчи ҳокимиятни губернатор амалга оширади.  
**Сiyсий партиялари, касаба уюшмалари.** Халқ демократик партияси - 1938 йилда; Янги тараққийпарвар партия - 1967 йилда; Пуэрто-Рико социалистик партияси - 1971 йилда ташкил этилган. Пуэрто-Рико меҳнаткашлари

## САЛЬВАДОР

умумий конфедерацияси - 1939 йилда; Пуэрто-Рико меҳнатқашлари Федерацияси - 1952 йилда тузилган.

**Аҳолисининг аксарияти пуэрторикаликлар** (асосан, креоллар, мулатлар, негрлар), чет элликлар ҳам яшайди. Диндорлари католиклардир. Шаҳар аҳолиси 71%.

**Иқтисодиёти** кончилик саноатига ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашга асосланган. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 39%, қишлоқ хўжалигининг улуши 1,4 %ни ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 35%и қишлоқ хўжалигида банд.

Ташқи савдода импортнинг улуши 29,1 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 46,9 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ

**Табиати.** Пуэрто-Рико оролининг ер юзаси тоғли. Ғарбдан шарққа Кордильера-Сентраль тизмаси чўзилган (энг баланд жойи 1338 м.). Шимолий ва жанубий қирғоғи пасттекислик. Иқлими тропик, пассатли. Дарёлари кичкина, тезоқар, кема қатнамайди.

### 43. САЛЬВАДОР

Эль-Сальвадор Республикаси  
(Republica do El Salvador)

**Майдони**..... 21,4 минг км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 6,4 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Сан-Сальвадор шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Санта-Ана, Сан-Мигель.  
**Расмий тили**.....испан тили.  
**ИИМ (аҳоли жон бошига)**4890 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....кофе, шакар, креветка, гуллар, тўқимачилик маҳсулотлари, пахта, электр энергияси.  
**Импорт**.....хом ашё, ахтиёж моллари, ишлаб чиқариш воситалари, ёнилғи, озиқ-овқат, нефть ва бошқалар.  
**Миллий валютаси**.....колон.  
**Дини**.....насонийлик.  
**Мустақиллик куни**.....15. 09. 1821.  
**Миллий байрами**.....15 сентябрь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....Ғарбда Гватемала, шимол ва шарқда Гондурас, жанубда Тинч океани билан чегараланган.

**Давлат тузуми.** Сальвадор - республика. Марказий Америкада, Тинч океани соҳилида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 14 департаментга бўлинган. Амалдаги конституцияси 1983 йил декабрда қабул қилинган, унга 1991 йили тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи - президент; у умумий ва бевосита овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва иккинчи муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун чиқарувчи органи Қонун чиқарувчи мажлис (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиятини президент ва у тайинладиган вазирлар амалга оширади.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Миллатчи республикачилар иттифоқи - 1981 йилда; Миллий ярашув партияси - 1961 йили; Сальвадор халқ партияси - 1966 йили; Христиан-демократик партия - 1960 йили тузилган. Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси - 1958 йилда; Умумий меҳнат конфедерацияси - 1983 йилда; Сальвадор унитар касаба уюшма федерацияси - 1965 йилда ташкил этилган.

Сальвадор 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. **Аҳолиси**, асосан, сальвадорликлар; уларнинг кўпчилиги испан-ҳинду метислари. Диндорлари, асосан, католиклар. Аҳолининг 55% шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Сальвадор - аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 15%, саноатнинг улуши 24%, хизмат кўрсатиш соҳаси 61%. Аҳолининг аксарияти қишлоқ хўжалигида банд.

**Валютаси.** 8,755 Сальвадор колони 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 6,4 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 4,0 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Мексика.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 15.500;

захирадагилар - 9.900;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 13.850. За-

## СЕНТ-ВИНСЕНТ ВА ГРЕНАДИНА \* СЕНТ-КИТС ВА НЕВИС

монавий қурол-яроғга эга эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 5 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 12.000 кишидан иборат миллий фуқаро полициясидир.

**Табиати.** Сальвадор тоғли мамлакат, унинг катта қисмини 600-700 м. баландликдаги вулқон тоғлари эгаллайди (энг баланд жойи - Санта-Ана вулқони, 2381 м.). Жанубда Тинч океани соҳили бўйлаб 10-30 км. кенгликдаги пасттекислик чўзилган. Тез-тез zilзила бўлиб туради. Иқлими тропик, пассатли. Кичкина, тезоқар дарёлари, кўллари кўп. Асосий дарёси Лемпа.

### 44. СЕНТ-ВИНСЕНТ ВА ГРЕНАДИНА (Saint Vincent and The Grenadines)

**Майдони**..... 389 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....116 минг (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Кингстаун шаҳри.  
**Расмий тили**.....инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.5260 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....банан ва бошқа мевалар, тамаки, сабзавотлар, теннис ракеткалари ва бошқалар.  
**Импорт**.....озик-овқат, машина ва жиҳозлар, ёнилғи.  
**Миллий валютаси**.....Шарқий Кариб доллари.  
**Дини**.....насонийлик.  
**Мустақиллик куни**.....27. 10. 1979.  
**Миллий байрами**.....27 октябрь - Мустақиллик куни.  
**Давлат тузуми.** Кариб денгизидаги Сент-Винсент ороли ва Гренадина ороллариининг шимолий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 5 туманга бўлинади. Сент-Винсент ва Гренадина Буюк Британия бошчилигидаги Хамдўстлик таркибига кирувчи конституциявий монархия. Амалдаги конституцияси 1979 йили кучга кирган. Давлат бошлиғи Буюк Британия қироличаси бўлиб, унинг номидан генерал-губернатор иш юритади. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи бир палатали парламент (Мажлис палатаси). Ижроия ҳокимиятини генерал-губернатор томонидан тайинланадиган бош вазир амалга оширади.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Халқ тараққиёти ҳаракати партияси - 2000 йили; Янги демократик партия - 1975 йили; Бирлашган лейбористлар партияси - 1994 йили ташкил этилган. Меҳнатқашлар миллий ҳаракати касаба уюшмаси; Ишчилар бирлашган иттифоқи - 1962 йили; Сент-Винсент ва Гренадина меҳнатқашлари иттифоқи - 1943 йили тузилган. Сент-Винсент ва Гренадина 1980 йил 16 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг асосий қисми сентвинсентликлар бўлиб, улар плантацияларда ишлатиш учун мустамлакачилар томонидан келтирилган африкалик ва мулатлардир. Диндорларининг аксарияти насронийлар.**

**Иқтисодиёти.** Қишлоқ хўжалиғи ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш иқтисодиётнинг асосини ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши (шу жумладан, туризм) 71,9%, қишлоқ хўжалигининг улуши 10,6%, саноат улуши 17,5%дан иборат. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60%и қишлоқ хўжалигида банд.

**Валютаси.** 1976 йилдан буён 2,7 Шарқий Кариб доллари 1 АҚШ долларига тенг. Ташқи савдода импортнинг улуши 192 млн. АҚШ доллари (2003 йил). Экспортнинг улуши 53 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Буюк Британия, Барбадос, Тринидад ва Тобаго, КАРИКОМ давлатлари.

**Табиати.** Сент-Винсент ороли вулқон отилишидан ҳосил бўлган. Энг баланд жойи 234 м. Суфриер вулқони ҳозир ҳам ҳаракатда. Эски вулқонлар тизмаси шимолдан жанубга томон пасайиб боради. Гренадина ороллари маржон рифлари билан ўралган. Иқлими тропик, пассатли. Тез-тез тўфон бўлиб туради.

### 45. СЕНТ-КИТС ВА НЕВИС

Сент-Китс ва Невис Федерацияси  
(Federation of Saint Kitts and Nevis)

**Майдони**.....261 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....47 минг (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Бастер шаҳри.  
**Расмий тили**..... инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....11 040 АҚШ доллари (2003 йил).

## СЕНТ-ЛЮСИЯ

**Экспорт**.....шакар, пахта ва кокос ёғи, электрон асбоб-ускуналар, машиналар, озиқ-овқат, тамаки.

**Импорт**.....машиналар, саноат товарлари, ёнилғи, кимёвий маҳсулотлар, нефть.

**Миллий валютаси**.....Шарқий Кариб доллари.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....19. 09. 1983.

**Миллий байрами**.....19 сентябрь - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Сент-Китс ва Невис конституциявий монархия. Сент-Кристофер ва Невис Федерацияси Кариб денгизининг шарқий қисмидаги Кичик Антил ороллари архипелагида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан икки қисмдан иборат. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1983 йил 19 сентябрда кучга кирган. Давлат бошлиғи Буюк Британия қироличаси номидан иш юритувчи генерал-губернатор. Қонун чиқарувчи ҳокимият органи бир палатали парламент (Миллий мажлис). Ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Халқ фаолияти партияси - Сент-Кристофер оролида 1965 йили; Ватанпарвар фуқаролар ҳаракати - Невис оролидаги тўрт партия уюшмаси; Лейбористлар партияси - 1932 йили; Невис ислохотчилар партияси - 1970 йили ташкил этилган. Сент-Китс - Невис касаба ва ишчи иттифоқи - 1940 йили тузилган.

Сент-Китс ва Невис 1983 йил 23 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг** деярли ҳаммаси африкалик кулланинг авлоди бўлган сенткитслардир (негрлар ва мулатлар). Диндорлари насронийлардир.

**Иқтисодиётининг** асоси қишлоқ хўжалиги ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатишдан иборат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 5,5%, саноат улуши 22,5%, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва сайёҳлик улуши 72%ни ташкил этади.

**Валютаси.** Шарқий Кариб доллари АҚШ долларига 2,7:1 нисбатда амал қилади.

Ташқи савдода импортнинг улуши 151,5 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 53,2 млн. АҚШ доллари. **Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Антигуа ва Барбуда, Карибом давлатлари.

**Табиати.** Ороллар вулқон отилишидан ҳосил бўлган. Энг катта орол Сент-Кристофер (кўпинча Сент-Китс деб юритилади). Невис ороли ундан 3 км. жанубда жойлашган. Иккала орол ҳосилдор водийлардан иборат бўлиб, ўртасида тоғ чўққилари бор (энг баланд жойи Мизери, 1156 м.). Иқлими тропик. Иссиқ иқлим.

### 46. СЕНТ-ЛЮСИЯ (Saint Lucia)

**Майдони**..... 616 км<sup>2</sup>

**Аҳолиси**.....161 минг (2003 йил).

**Пойтахти**.....Кастри шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Ве-Фор.

**Расмий тили**.....инглиз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.5220 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....банан, кокос, какао, копра, цитрус мевалар, кийим-кечак, мева ва сабзавотлар, кокос ёғи.

**Импорт**.....саноат товарлари, хом ашё, ёнилғи, машина ва транспорт жиҳозлари, кимёвий маҳсулотлар.

**Миллий валютаси**.....Шарқий Кариб доллари.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....22. 02. 1979.

**Миллий байрами**.....22 февраль - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Сент-Люсия - конституциявий монархия. Кариб денгизидаги Сент-Люсия оролида, Кичик Антил ороллари архипелагининг жануби-шарқий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 11 туманга бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1978 йилда ишлаб чиқилган. Давлат бошлиғи Буюк Британия қироличаси номидан иш юритувчи генерал-губернатор. Қонун чиқарувчи ҳокимият органи 2 палатали (сенат ва мажлис палатаси) парламент. Ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

## СЕНТ-ЛЮСИЯ

**Экспорт**.....шакар, пахта ва кокос ёғи, электрон асбоб-ускуналар, машиналар, озиқ-овқат, тамаки.

**Импорт**.....машиналар, саноат товарлари, ёнилғи, кимёвий маҳсулотлар, нефть.

**Миллий валютаси**.....Шарқий Кариб доллари.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....19. 09. 1983.

**Миллий байрами**.....19 сентябрь - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Сент-Китс ва Невис конституциявий монархия. Сент-Кристофер ва Невис Федерацияси Кариб денгизининг шарқий қисмидаги Кичик Антил ороллари архипелагида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан икки қисмдан иборат. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1983 йил 19 сентябрда кучга кирган. Давлат бошлиғи Буюк Британия қироличаси номидан иш юритувчи генерал-губернатор. Қонун чиқарувчи ҳокимият органи бир палатали парламент (Миллий мажлис). Ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийосий партиялари ва касаба уюшмалари.** Халқ фаолияти партияси - Сент-Кристофер оролида 1965 йили; Ватанпарвар фуқаролар ҳаракати - Невис оролидаги тўрт партия уюшмаси; Лейбористлар партияси - 1932 йили; Невис ислохотчилар партияси - 1970 йили ташкил этилган. Сент-Китс - Невис касаба ва ишчи иттифоқи - 1940 йили тузилган.

Сент-Китс ва Невис 1983 йил 23 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг деярли ҳаммаси африкалик қўлларнинг авлоди бўлган сенткитслардир (негрлар ва мулатлар). Диндорлари насронийлардир.**

**Иқтисодиётининг асоси қишлоқ хўжалиги ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатишдан иборат.** Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 5,5%, саноат улуши 22,5%, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва сайёҳлик улуши 72%ни ташкил этади.

**Валютаси.** Шарқий Кариб доллари АҚШ долларига 2,7:1 нисбатда амал қилади.

Ташқи савдода импортнинг улуши 151,5 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 53,2 млн. АҚШ доллари. **Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Антигуа ва Барбуда, Карибом давлатлари.

**Табиати.** Ороллар вулқон отилишидан ҳосил бўлган. Энг катта орол Сент-Кристофер (кўпинча Сент-Китс деб юритилади). Невис ороли ундан 3 км. жанубда жойлашган. Иккала орол ҳосилдор водийлардан иборат бўлиб, ўртасида тоғ чўққилари бор (энг баланд жойи Мизери, 1156 м.). Иқлими тропик. Иссиқ иқлим.

### 46. СЕНТ-ЛЮСИЯ (Saint Lucia)

**Майдони**..... 616 км<sup>2</sup>

**Аҳолиси**.....161 минг (2003 йил).

**Пойтахти**.....Кастри шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Ве-Фор.

**Расмий тили**.....инглиз тили.

**ЛИМ (аҳоли жон бошига)** 5220 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....банан, кокос, какао, копра, цитрус мевалар, кийим-кечак, мева ва сабзавотлар, кокос ёғи.

**Импорт**.....саноат товарлари, хом ашё, ёнилғи, машина ва транспорт жиҳозлари, кимёвий маҳсулотлар.

**Миллий валютаси**.....Шарқий Кариб доллари.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....22. 02. 1979.

**Миллий байрами**.....22 февраль - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Сент-Люсия - конституциявий монархия. Кариб денгизидagi Сент-Люсия оролида, Кичик Антил ороллари архипелагининг жануби-шарқий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 11 туманга бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1978 йилда ишлаб чиқилган. Давлат бошлиғи Буюк Британия қироличаси номидан иш юритувчи генерал-губернатор. Қонун чиқарувчи ҳокимият органи 2 палатали (сенат ва мажлис палатаси) парламент. Ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

## СУРИНАМ

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Сент-Люсия Лейбористлар партияси - 1946 йили; Бирлашган ишчи партияси - 1964 йили; Тараққийпарвар лейбористлар партияси - 1981 йили тузилган. Меҳнаткашлар миллий иттифоқи касаба уюшмаси Жаҳон касаба уюшмалари федерациясига киради; Сент-Люсия денгизчи ва порт ишчилари касаба уюшмаси - 1945 йили; Сент-Люсия ишчилар уюшмаси - 1939 йили ташкил этилган. Сент-Люсия 1979 йил 18 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиснинг асосий қисми сентлюсияликлар** (негрлар ва мулатлар) бўлиб, улар банан плантацияларида ишлатиш учун мустамлакачилар томонидан келтирилган африкалик кулларнинг авлодларидир. Аҳолининг 2/3 қисми шаҳарларда яшайди. Диндорлари, асосан, насронийлардир.

**Иқтисодиётининг асоси қишлоқ хўжалиги ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатишдан** иборат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 10,7%, саноат улуши 32,3%, хизмат кўрсатиш тармоғи улуши 57%ни ташкил этади.

**Валютаси.** Шарқий Кариб доллари АҚШ долларига 2,7:1 нисбатда амал қилади.

Ташқи савдода импортнинг улуши. 258 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 51 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, КАРИКОМ, Буюк Британия, Япония, Канада.

**Табиати.** Орол ер юзаси тоғ ва водийдан иборат. Марказий қисмида унча баланд бўлмаган тоғлар (энг баланд жойи Жими тоғи 959 м.) бор. Иқлими тропик, пассатли.

### 47. СУРИНАМ

Суринам Республикаси  
(Republic Suriname)

**Майдони**..... 163 300 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 435 000 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Парамарибо шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Ньив-Нижкери, Брокоповдо.

**Расмий тили**.....нидерланд тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**3409 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**..... нефть, ўрмон маҳсулотлари, креветка ва балиқ, гуруч, бананлар.

**Импорт**.....саноат ускуналари, нефть, озиқ-овқат, пахта, эҳтиёж моллари.

**Миллий валютаси**.....суринам гульдени.

**Дини**..... насронийлик, ислом ва ҳиндуизм.

**Мустақиллик куни**.....25. 11. 1975.

**Миллий байрами**.....25 ноябрь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**..... ғарбда Гайана, шарқда Гвиана, жанубда Бразилия, шимолда Атлантика океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Суринам - республика. Жанубий Американинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 9 округ (district)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1987 йил 30 сентябрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент (2000 йилдан Роналд Венетиан); у парламент депутатлари томонидан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятини президент ва у тайинлайдиган вазирлар маҳкамаси (вице-президент - бош вазир ҳисобланади) амалга оширади.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Суринам миллий партияси - 1946 йили; Миллий бирлик ва бирдамлик учун партия - 1947 йили; Илғор ислохотлар партияси - 1949 йили; Миллий демократик партия - 1987 йили ташкил этилган; Янгиланган тараққийпарвар партия, Илғор касаба уюшмалари федерацияси; Илғор ишчилар ташкилоти - 1948 йили; Суринам касаба уюшмалари кенгаши - 1987 йили; Давлат хизматчилари федерацияси; Суринам касаба уюшмалари федерацияси - 1951 йили тузилган.

Суринам 1975 йил 25 ноябрда мустақилликка эришди ва ўша йил 4 декабрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиси.** Суринамликлар - креоллар, ҳинд ва покистонликлар, индонез, негр, ҳинду, хитой, европалик. Шаҳар аҳолиси 51%.

**Иқтисодиётининг асосини кончилик ташкил**

## ТРИНИДАД ВА ТОБАГО

қилади. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 32%, қишлоқ хўжалиги 10%, хизмат кўрсатиш соҳаси 58% ни ташкил этади.

**Валютаси.** 2,69 гульден 1 АҚШ долларига тенг (2003 йил).

**Ташқи савдода импортнинг улуши** 525 млн. АҚШ доллари (2003 йил). **Экспортнинг улуши** 577 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония, Тринидад ва Тобаго, Бразилия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 1.840;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 1.400, ҳарбий денгиз флотиди 240, ҳарбий ҳаво кучларида 200 нафар киши хизмат қилади.

Замонавий қурол-яроғга эга эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 3 та патруль кемаси мавжуд.

**Табиати.** Суринам ҳудудининг кўп қисми Гвиана яситоғлигида (энг баланд жойи 1280м. – Вильгельмина тоғи) жойлашган. Шимоли пасттекислик, қисман ботқоқликдан иборат. Иқлими субэкваториал, иссиқ ва сернам. Корантейн, Марони, Суринам дарёлари серсув, фақат қуйи қисмида кема қатнайди. Мамлакат ҳудудининг 90%и ўрмон билан қопланган.

### 48. ТРИНИДАД ВА ТОБАГО

Тринидад ва Тобаго Республикаси  
(Republic Trinidad and Tobago)

**Майдони**..... 5,1 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 1 104 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Порт-оф-Спейн шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Сан-Фернандо, Арима.  
**Расмий тили**..... инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**. 9752 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**..... нефть ва нефть маҳсулотлари, кимёвий маҳсулотлар, ўғит, шакар, какао, кофе, цитрус мевалари ва гуллар.  
**Импорт**..... машиналар, транспорт ускуналари, саноат товарлари, озиқ-овқатлар, ҳайвонлар  
**Миллий валютаси**..... Тринидад ва Тобаго доллари.  
**Дини**..... насронийлик ва ҳиндуизм.

**Мустақиллик куни**.....31. 08. 1962.

**Миллий байрами**.....31 август – Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....Кариб ҳавзасида жойлашган.

**Давлат тузуми.** Тринидад ва Тобаго – республика. Кариб денгиздаги Тринидад ва Тобаго оролларида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 9 графликка (county) бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1976 йили қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент (2003 йилдан Максвелл Ричардо). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент (сенат ва вакиллар палатаси), ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Халқ миллий ҳаракати – 1956 йили; Қайта қуриш учун миллий иттифоқ – 1986 йили; Бирлашган миллий конгресс – 1989 йили ташкил этилган. Миллий касаба уюшма маркази – 1991 йили тузилган.

Тринидад ва Тобаго 1976 йил 1 августда республика деб эълон қилинди.

1962 йил 18 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг 60%и** негр ва мулатлар, **37%и** ҳиндлар, **1%и** хитойлар, **1%и** европалликлар. Шаҳар аҳолиси 71,8%.

**Иқтисодиёти.** Тринидад ва Тобаго саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 44%, қишлоқ хўжалигининг улуши 2,2%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 53%.

**Валютаси** 6,2688 Тринидад ва Тобаго доллари 1 АҚШ долларига тенг (2003 йил).

**Ташқи савдода импортнинг улуши** 3 млрд. АҚШ доллари (2000 йил).

**Экспортнинг улуши** 4,6 млрд. АҚШ доллари (2000 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Марказий ва Жанубий Америка давлатлари, ЕИ давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 2.700;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 2.000, қирғоқ ҳимоясида 700 киши хизмат қилади.

Замонавий қурол-яроғга эга эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 12 та патруль кемаси мавжуд.

## 49. УРУГВАЙ

(Oriental Republic of Uruguay)

**Майдони**.....177 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....3 400 000 (2003 йил).

**Пойтахти**.....Монтевидео.

**Катта шаҳарлари**.....Сальто.

**Расмий тили**.....испан тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.7744 АҚШ доллар. (2003 йил).

**Экспорт**.....тирик ҳайвонлар, чорвачилик маҳсулотлари (гўшт ва балиқ), деҳқончилик маҳсулотлари, тўқимачилик маҳсулотлари, озиқ-овқат, ичимлик, тамаки, кимё маҳсулотлари.

**Импорт**.....нефть, машина ва транспорт жиҳозлари, кенг эҳтиёж моллари, озиқ-овқат.

**Миллий валютаси**.....Уругвай песоси.

**Дини**..... насронийлик, маҳаллий динлар ва яҳудийлик.

**Мустақиллик куни**.....25.08.1825.

**Миллий байрами**.....25 август - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....ғарб ва шимоли-ғарбда Аргентина, шарқда ва шимоли-шарқда Бразилия, жануби-шарқда Тинч океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Мамлакат 1967 йилдан буён президентлик республикаси ҳисобланади. 1966 йилдан бери фаолият юритиб келаётган парламент (Asamblea General) 1997 йилда ўзгартирилди ва Cámara de Deputados номини олди. У 99 та депутат ва 31 сенат аъзоларидан иборат бўлиб, сайловлар ҳар беш йилда ўтказилади. Давлат бошлиғи лавозимига сайловлар умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан ҳар беш йилда ўтказилади. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлов ҳуқуқига эга. 2000 йил 1 мартдан буён давлат ва ҳукумат раҳбари Йорге Баттле Ибанес бўлиб, Партида Коларадо партияси аъзосидир. Мамлакатда асосан тўртта катта сиёсий партия бор. Улар қуйидагилардир:

1. Encuentro Progresista-Frente Amplio / EP – FA.

2. Partido Colorado / PC.

3. Partido Nacional / PN.

4. Nuevo Espacio / NE.

**Тарихи.** Испанияликлар босиб олгунга қадар мамлакат ҳудудда ҳинду қабилалари яшаган бўлиб, кейинчалик улар бутунлай қириб юборилган. Европаликлар томонидан ҳудуд истилоси 1624 йилда бошланган. Ҳозирги Уругвай ҳудуди Рио-де-ла Плата вице-қироллиги таркибига XVIII асрда кирган. Узоқ вақтлар давомида Уругвай ҳудуди Аргентина ва Бразилия мамлакатлари ўртасида баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келди. 1828 йилда иккала давлат ҳам бу ҳудуддан воз кечиш шартномасини имзолади ва мустақил давлат тузилганлигини эълон қилди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мамлакатга чет эл, асосан, Англия ва Шимолий Америка инвестицияси кириб кела бошлади. XX асрда Уругвай ривожланган мамлакатга айланди. Бироқ ўтган асрнинг 60-йилларида сиёсий беқарорлик ва ҳарбий ҳукуматларнинг алмашинуви туфайли муаммолар юзага келди. 1985 йилда ҳокимиятга демократик ҳукумат келгач, иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун кенг имкониятлар очилди.

Уругвай 1945 йил 18 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1998 йил 25 майда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси,** асосан, қирғоқ бўйларида яшайди. Уругвайликларнинг кўпчилиги креоллар бўлиб, улар мамлакат ҳудудини босиб олган испан ва италянларнинг авлодларидир. XIX асрнинг иккинчи ярмида бу ерга европаликларнинг, яъни испан, италян, француз, немис, славян қабилаларининг иммиграцияси бошланган ва бугунги кунга келиб, Уругвай европалашган мамлакат ҳисобланади.

**Иқтисодиёти** саноатлашган-аграр характерга эга бўлиб, экспортга йўналтирилган чорвачилик унинг асосини ташкил қилади. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари буғдой, гурч, маккажўхори, кунгабоқар, ем-хашак экинлари, цитрус мевалари ва узум етиштирилади. Балиқчилик ҳам ривожланган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мамлакат эҳтиёжларини таъминлабгина қолмай, экспортнинг асосий қисмини ҳам ташкил қилади.

**Валютаси.** 23 Уругвай песоси 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил). Ташқи савдода импортнинг улуши 2,6 млрд. (2003 йил) АҚШ долларини ташкил этади.

**Экспортнинг** улуши 2,9 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 24.000;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 15.200, ҳарбий денгиз флотиди 5.700, ҳарбий ҳаво кучларида 3.100 нафар киши хизмат қилади. Замонавий қурол-яроғга эга эмас. 3 та қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 8 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 920 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 450 таси Гранадерос гвардияси ва 470 таси Корасерос гвардиясидир. Шунингдек, 1.950 нафар қирғоқ химоячилари ҳам мавжуд.

## 50. ЧИЛИ

(Republica de Chile)

<b>Майдони</b> .....	757 000 км <sup>2</sup>
<b>Аҳолиси</b> .....	15 600 000 (2003 йил).
<b>Пойтахти</b> .....	Сантьяго
<b>Катта шаҳарлари</b> .....	Консепсон, Вирьядел Мар, Валпараисо.
<b>Расмий тили</b> .....	испан тили.
<b>ЯИМ (аҳоли жон бошига)</b> .....	9665 АҚШ доллари. (2003 йил).
<b>Экспорт</b> .....	тоғ-кон саноати маҳсулотлари, саноат, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари.
<b>Импорт</b> .....	озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва транспорт воситалари, ёқилғи ва кимёвий маҳсулотлар
<b>Миллий валютаси</b> .....	Чили песоси.
<b>Дини</b> .....	насронийлик, яҳудийлик ва бошқалар.
<b>Мустақиллик куни</b> .....	18. 9. 1810 йил.
<b>Миллий байрами</b> .....	18 сентябрь – Мустақиллик куни.
<b>Чегаралари</b> .....	шимолда Перу, шимоли-шарқда Боливия, шарқда Аргентина, ғарбда Тинч океани билан ўралган.
<b>Давлат тузуми.</b>	1925 йилдан буён президентлик республикаси. Қонунчилик органи бўлган

парламент 1981 йили ташкил топган. Congreso Nacional деб номланувчи парламент депутатлари 120 кишидан иборат ва ҳар тўрт йилда сайланади. Сенат 38 кишидан иборат ва ҳар саккиз йилда сайлов ўтказилади. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлов ҳуқуқига эга. 2000 йил 11 мартдан бери давлат ва ҳукумат раҳбари Рикардо Лагос Эскобар. Мамлакатда бир неча сиёсий партия бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Concertacion de Partidos por la Democracia / CPPD.
2. Partido Democracia Cristiano / PDC.
3. Partido por la Democracia / PPD.
4. Partido Socialista / PS.
5. Partido Radical Socialdemocrata / PRSD.
6. Rechtsbundnis Alianza por Chile insg.
7. Union Democrata Independente / UDI.
8. Renovacion Nacional / RN.
9. Union de Centro-Centro Progrisista / UCCP.
10. Partido Democracia del Sur / PDS.

**Тарихи.** Чили ҳудудига 1520 йилда биринчи бўлиб қадам босган европалик - португалиялик денгизчи Фернан Магелландир. У даврда мамлакат ҳудудида аруаканлар ва шимолда перу инклари яшаган. Кейинчалик мамлакатни испанлар босиб олиши оқибатида Перу вице-қироллик таркибига қўшилган. Мамлакат ҳудудида олтин ва қумушнинг йўқлиги туфайли испанларнинг бу ҳудудга қизиқиши камайиб борган. Гарчи 1810 йилда мустақиллик эълон қилинган бўлса-да, 15 йил давомида чилиликлар ўз ҳуқуқларидан деярли фойдаланишмаган. Испан мустамакчиларига қарши курашга асли ирланд миллатига мансуб бўлган Бернардо О'Хиггинс раҳбарлик қилган. 1818 йили тўла мустақиллик эълон қилинади ва 1823 йили куллик бекор қилинади. 1866 йилда Перу, Эквадор ва Боливия билан бириккан Чили Испанияга қарши уруш олиб боради. 1879-83 йилларда Буюк Британиянинг қўллаб-қувватлаши билан Перу ва Боливияга қарши уруш олиб борди ва кўплаб минерал хом ашёларга бой ҳудудларни босиб олди. Ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган иқтисодий муаммолар мамлакатда ҳарбий тўнтаришга сабаб бўлди ва генерал Пиночет диктатураси ўрнатилди. 15 йил давом этган диктатура даврида омма-

## ЭКВАДОР

вий репрессиялар олиб борилган бўлса-да, мамлакат иқтисодий жиҳатдан Жанубий Америкада биринчи ўринга чиқиб олди. 1990 йилга келиб мамлакатда яна демократик бошқарув ўрнатилди.

Пуэрто-Монт шахрига XIX асрда немис мустамлакачилари томонидан асос солинган.

Чили 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 18 мартда тан олган ва 1994 йил 15 сентябрда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси**, асосан, испан-ҳинду метислари. Чилининг жанубий қисми ва оролларида XIX асрда кўчиб келган немис ва русларнинг авлодларини ҳам учратиш мумкин.

**Иқтисодиёти**. Чили Лотин Америкасида нисбатан ривожланган давлат бўлиб, мис, табиий селитра, йод ва бошқалар қазиб олишда дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, нефть, табиий газ, темир ва марганец рудалари, олтин, кумуш, симоб кабилар ҳам қазиб олинади. Қишлоқ хўжалигида, асосан, буғдой, арпа, маккажўхори, картошка, ловия етиштирилади. Боғдорчилик ва узумчилик ҳам ривожланган. Мамлакат катта балиқчилик флотига эга бўлиб, унинг ёрдамида балиқ овлаш кенг йўлга қўйилган. Чорвачилик ҳам ривожланган.

**Валютаси**. 623 Чили песоси 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 23,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. (2003 йил). Импортнинг 18%и Аргентина, 17%и АҚШ, 9%и Бразилия, 6%и ХХР, 4%и Германия, 3%и Япония, 3%и Франция хиссасига тўғри келади.

Экспорт эса 25,1 млрд. долларни ташкил этади. (2003 йил). Унинг 41%ини тоғ-кон саноати, 48%ини саноат маҳсулотлари, 10%ни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилади. Экспортнинг 19%и АҚШ, 12%и Япония, 7%и Буюк Британия, 6%и ХХР, 5%и Бразилия, 5%и Италия, 5%и Мексика ва бошқа давлатлар хиссасига тўғри келади.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 77.700;

захирадагилар – 50.000;

шундан, курукликдаги кўшинларда 47.700, ҳарбий денгиз флотига 19.000, ҳарбий ҳаво кучларида 11.000 нафар киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 2 та сув ости кемаси, 2 та эскадра миноносеси ва 4 та қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 7 та снарядли кема ва 17 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 38.000 кишидан иборат карабинеролардир.

### 51. ЭКВАДОР

(Republica del Ecuador)

**Майдони**.....283 600 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 13 700 000 (2003 йил).

**Пойтахти**.....Қито.

**Катта шаҳарлари**.....Гуаякил.

**Расмий тили**.....испан тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..3125 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....хўжалик (банан, ўсимлик ёғи кабилар) ва саноат маҳсулотлари, нефть, балиқ, кофе, какао, шакар ва бошқалар.

**Импорт**.....саноат хом ашёси, ярим фабрикатлар, машина ва техника жиҳозлари.

**Миллий валютаси**..... АҚШ доллари.

**Дини**.....насронийлик, маҳаллий эътиқодлар.

**Мустақиллик куни**.....10. 8. 1809 йил.

**Миллий байрами**.....10 август – Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Колумбия билан, шарқ ва жанубда Перу билан, ғарбда Тинч океани билан ўралган.

**Давлат тузуми**. 1978 йилдан буён президентлик республикаси. 1979 йилдан бери парламент мавжуд ва у Camara de Representantes деб аталади. Парламентда 100 нафар депутат фаолият юритади. Давлат бошлиғи лавозими учун ҳар тўрт йилда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайлов ўтказилади. Президент иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлов ҳуқуқига эга. Давлат ва ҳукумат раҳбари 2003 йил 15 январдан бери Луисо Эдвин Гутерес Борбуа. Мамлакатда бир неча сиёсий партиялар бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Partido Social Cristiano / PSC.

2. Izquierda Democratica / ID.
3. Partido Roldasista Ecuatoriano / PRE.
4. Partido Renovador Institucional de Accion Nacional / PRIAN.
5. Movimiento Unidad Plurinacional Pachacutik-Nuevo Pais / MUPP-NP.
6. Partido Sociedad Patriotica 21 de Entro / PSP.
7. Movimiento Popular Democratico / MPD.
8. Democracia Popular / DP.
9. Partido Socialista Ecuatoriano / PS.
10. Frente Radical Alfarista / FRA.

**Тарихи.** Қадимда Эквадор худудида ҳиндулар яшаган. XV асрда у инклар томонидан, XVI асрда эса испанлар томонидан босиб олинган. Мамлакатга кўплаб қуллар келтирилган ва феодал муносабатлар шакллана бошлаган. 1822 йилда Боливар бошчилигидаги Колумбия армияси ёрдамида Эквадор испанлар ҳукмронлигидан озод бўлган. 1830 йилда мамлакат Буёк Колумбия таркибидан чиқиб, алоҳида давлатга айланди. 1852 йилда қуллик бекор қилинди. XIX асрнинг охирларида Англия ва Шимолий Америка капитали кириб кела бошлади. 1979 йилдан бери мамлакатга фуқаролик ҳукумати раҳбарлик қилмоқда.

Эквадор 1945 йил 21 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олган.

**Аҳолиснинг** 80% ҳинду-кечуалар ва метислардир. Шарқий Эквадорда кўплаб ҳинду қабилалари ҳам истиқомат қилади. Қирғоқ бўйларида Колародос ҳинду қабилалари яшайди.

**Иқтисодиёти** аграр-саноат йўналишига эга бўлиб, унда нефть саноати катта ўрин тутди. Дунёдаги энг кўп банан етиштирувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, кофе, какао, пахта, шакарқамиш, буғдой, гуруч, соя кабилар ҳам етиштирилади. Мамлакатда чорвачилик (қорамолчилик ва қўйчилик) ва балиқчилик ҳам ривожланган. Тоғ-кон саноатида нефть, мис, олтин, кумуш каби фойдали қазилмалар қазиб олинади. Нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик саноати яхши ривожланган. Шунингдек, оёқ кийимлари, целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади.

**Валютаси.** 2000 йилгача амал қилган миллий валюта - сукре АҚШ долларига конвертация қилинган пайтда 25 000 сукре 1 АҚШ долларига тенг бўлган. Бироқ 2000 йил декабрдан бошлаб сукре муомаладан тўлиқ чиқарилиб, доллар жорий этилган.

Ташқи савдода импортнинг улуши 7,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. (2003 йил). Шундан 35%и хом ашё, 32%и капитал товарлар (19%и саноат жиҳозлари ва 12%и транспорт воситалари), дори-дармонлар ва бошқа маҳсулотлардир. Импортдаги асосий савдо шериклари: АҚШ 23%, Колумбия 14%, Япония 6%, Бразилия 6%, Венесуэла 5%, Чили 5%, Германия 3%.

Экспортнинг улуши эса 7 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб (2003 йил), 79%и истеъмол моллари, 21%и саноат маҳсулотларидир. Экспортдаги савдо шериклари: АҚШ 40%, Перу ва Боливия 8%, Колумбия 7%, Италия 6%, Корея Республикаси 5%, Япония 2%.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 46.500;

захирадагилар – 118.000;

шундан қуруқликдаги қўшинларда 37.000, ҳарбий денгиз флотидида 5.500, ҳарбий ҳаво кучларида 4.000 киши хизмат қилади.

Замонавий қурол-яроғга эга эмас. 2 та сув ости кемаси ва 2 та қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 6 та корвет ва 5 та снарядли кема мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 270 кишидан иборат қирғоқ ҳимоячиларидир.

## 52. ЯМАЙКА

(Jamaica)

<b>Майдони</b> .....	11,5 минг км <sup>2</sup> .
<b>Аҳолиси</b> .....	2 700 000 (2003 йил).
<b>Пойтахти</b> .....	Кингстон.
<b>Катта шаҳарлари</b> .....	Спаниш-Таун.
<b>Расмий тили</b> .....	инглиз тили.
<b>ЯИМ (аҳоли жон бошига)</b> ..	9450 АҚШ доллари. (2003 йил).
<b>Экспорт</b> .....	рангли металллар (алюминий), боксит, шакар, банан.
<b>Импорт</b> .....	ёқилғи ва хом ашёлар, саноат жиҳозлари, транспорт воситалари, озиқ-овқат ва дори-дармонлар.

**Миллий валютаси**.....Ямайка доллари.  
**Дини**.....насонийлик, ислом, маҳаллий динлар ва яҳудийлик.  
**Мустақиллик куни**.....6. 8. 1962 йил.  
**Миллий байрами**.....6 август – Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Мамлакат Буюк Британия раҳбарлигидаги миллатлар Хамдўстлиги аъзоси. 1962 йилдан буён парламентар монархия. Парламент 1962 йилдан бери мавжуд бўлиб, 60 депутат ва 21 сенатордан иборат. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга. Сайловлар ҳар беш йилда ўтказилади. 1991 йил 1 августдан Давлат раҳбари Қиролича Элизабет II. Ҳукумат раҳбари 1992 йил 30 мартдан Персивал Паттерсон. Мамлакатда асосан иккита катта партия бор:

People's National Party / PNP.

Jamaica Labour Party / JLP.

**Тарихи.** Қадимда оролга ҳиндулар келиб ўрнашган. 1492 йили Колумб уни европаликлар учун кашф этиб, «инсон кўзи кўрган ерларнинг энг гўзал макони» деб атаганди. Орол 1494 йилдан 1670 йилгача Испаниянинг мулкига айланган ва ўша даврда туб аҳоли ҳисобланган араваклар қириб юборилган. 1670 йилда оролни англияликлар босиб олади ва уни катта қул бозорига айлантиради. Гарчи 1838 йилда қуллик бекор қилинган бўлса-да, ер эгалари ва плантацияларда ишлайдиган ишчилар ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб борган. 1865 йилда рўй берган кўзғолонни англияликлар бостирган. XIX асрнинг 70-йилларида АҚШ капитали кириб кела бошлади. 1956 йили мамлакат ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритди. 1962 йилдан буён эса ўз парламентиغا эга мустақил давлат сифатида мавжуд.

Ямайка 1962 йил 18 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 6 январда тан олган ва 1996 йил 8 августда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 75%** ни испанлар ва англияликлар, Африкадан олиб келган қулларнинг авлодлари ва 20%ни мулатлар ташкил этади. Аҳолининг бир қисми Европа ва Осиё савдогарлари авлодларидир.

**Иқтисодиёти.** Ямайка аграр-саноатлашган мамлакат бўлиб, иқтисодиётининг асосини боксит ва алюминий саноати, хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Катта-катта шакарқамиш, банан, кофе плантацияларининг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Шу билан бирга, макка-жўҳори, гуруч каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам етиштирилади.

**Валютаси.** 60,8 ямайка доллари 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

**Ташқи савдода импортнинг улуши** 3,4 млрд. АҚШ долларига тенг. Унинг 54 %ини хомашё, 29% ни истеъмол моллари, 17% ни капитал товарлар ташкил этади. Импортдаги савдо шериклари: АҚШ 44% , Лотин Америкаси 11%, ЕИ 6%, Буюк Британия 3%, Канада 3% ва бошқалар.

**Экспортнинг улуши** эса 1,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, 72% алюминий, 10% боксит, 8% шакар, 2% банан ва бошқалардир. Экспортдаги савдо шериклари: АҚШ 31%, ЕИ 17%, Канада 16%, Буюк Британия 13%, Норвегия 7%, Лотин Америкаси 1% ва ҳоказо.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 2.830;

захирадагилар – 953;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 2.500, қирғоқ ҳимоясида 190, ҳаво кучларида 140 нафар киши хизмат қилади.

Замонавий қурол-яроғга эга эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 5 та патруль кемаси мавжуд.

## АФРИКА ДАВЛАТЛАРИ

### 53. АНГОЛА

Ангола Республикаси  
(Republica de Angola)

**Майдони**.....1246,7 минг км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....13,5 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Луанда шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Лобиту, Хуамбо.  
**Расмий тили**.....португал тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....1890 АҚШ долларлари.

## АНГОЛА \* БЕНИН

**Экспорт**.....нефть, олмос, газ, кофе, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, ёғоч, пахта.

**Импорт**.....ишлаб чиқариш ва электр ускуналари, транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлари, дори-дармонлар, озиқ-овқат, тўқимачилик, қурол-яроғ.

**Миллий валютаси**.....кванза.

**Дини**.....насронийлик, анъанавий динлар.

**Мустақиллик куни**.....11. 11. 1975.

**Миллий байрами**.....11 ноябрь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимол ва шарқда Конго, шарқда Замбия, жанубда Намибия, ғарбда Тинч океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Ангола - республика. Африканинг жануби-ғарбидаги давлат. Атлантика океани соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 18 вилоятга бўлинган. Конституцияси 1975 йилда қабул қилинган ва 1991 йилда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи 5 йил муддатга сайланадиган президент. У яна уч муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Қонун чиқарувчи ҳокимият 220 депутатдан иборат Миллий ассамблея, ижроия ҳокимияти бош вазир бошчилигидаги ҳукуматдир. Унинг таркибини президент тайинлайди ва Миллий ассамблея тасдиқлайди.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Ангола озодлиги халқ ҳаракати (МПЛА) асосий сиёсий куч ҳисобланади. У 1956 йилда тузилган. Анголанинг тўла мустақиллиги учун миллий иттифоқ (УНИТА) сони ва нуфузи жиҳатидан иккинчи сиёсий кучдир. Ўзини тарихий партия деб ҳисобловчи Ангола озодлиги миллий fronti (ФНЛА) сиёсий майдонда алоҳида ўринни даъво қилмоқда.

Ангола 1976 йил 1 декабрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг 96%га яқини банту тил оиласи халқлари:** мбунду, конго, овимбунду, лугази ва бошқаларга мансуб. Португаллар ҳам яшайди. Аҳолининг 90% маҳаллий анъанавий динга эътиқод қилади; қолганлари - католиклар. Аҳолининг ўртача зичлиги - 1 кв. км.га салкам 5 киши. Аҳолининг 28% шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Ангола - иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакат. Аҳолининг

80%га яқини қишлоқ хўжалигида банд. Унинг иқтисодий аҳволига сўнгги 15 йил мобайнидаги ўзаро урушлар етказган бевосита моддий зарар салкам 20 млрд. долларни ташкил қилди. **Валютаси.** 43,53 кванза 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 4,1 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

Экспортнинг улуши 9 млрд. АҚШ доллари. (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Жанубий Корея, Бени Люкс, Тайван, Хитой.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 108.400;

шундан, қуруқликдаги қўшинларда 100.000, ҳарбий денгиз флотида 2.400, ҳарбий ҳаво кучларида 6.000 киши хизмат қилади.

Замонавий қурол-яроғга эга эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 7 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 10.000 кишидан иборат жадал реакцион полициядир.

**Табиати.** Африка худудининг кўп қисми 1000-1500 м. баландликдаги ясси тоғлардан иборат. Ғарбдаги Бие тоғ тизмасининг энг баланд нуқтаси - 2610 м. ли Моко чўққиси. Атлантика океани соҳили бўйлаб торгина денгизбўйи пасттекислиги ястаниб ётади. Иқлими тропик, қишда иссиқ, қуруқ, ёзда нам. Энг катта дарёлари: Кванза, Кунене, Кубанго ва Конгонинг ирмоқлари - Касаи, Кванго. Ангола худудидан Замбези дарёси оқиб ўтади.

### 54. БЕНИН

Бенин Республикаси (Republique du Benin)

**Майдони**.....112,6 минг км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....6,7 млн. (2003 йил).

**Пойтахти**.....Порто-Ново шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Котону, Абомей.

**Расмий тили**.....француз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига).** 1110 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....нефть, пахта, какао, тамаки, шакар, ерёнғоқ, цемент, пальманинг турли маҳсулотлари.

**Импорт**.....озиқ-овқат, тамаки маҳсулотлари, нефть ишлаб чиқариш во-

## БЕНИН \* БОТСВАНА

ситалари, тўқимачилик маҳсулотлари, машина ва жихозлар.

**Миллий валютаси**.....КФА франки.

**Дини**.....насронийлик, анъанавий динлар ва ислом.

**Мустақиллик куни**.....1.08.1960.

**Миллий байрами**.....1 август - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Буркина Фасо ва Нигер, шарқда Нигерия, ғарбда Того билан чегарадош.

**Давлат тuzуми.** Бенин республикаси (1975 йилгача Дагомея) Ғарбий Африкадаги давлат. Атлантика океанининг Гвинея қўлтиғи соҳида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 6 вилоятга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1990 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент, у 5 йил муддатга сайланади, яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият – бир палатали парламент – Миллат мажлиси. Ижроия ҳокимиятини президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** «Бениннинг уйғониши» партияси (1990), Демократия ва тараққиёт учун миллий иттифоқ партияси, «Умумий ишимиз» партияси, Демократик янгиланиш партияси (1990), Социал-демократик партия, Демократия ва миллий бирдамлик учун иттифоқ партияси, Янгиланиш ва ривожланиш учун ҳаракат жабаҳаси партияси (1990) мавжуд. Касаба уюшмалари: Бенин меҳнаткашлари касаба уюшмалари миллий бирлашмаси, Мустақил касаба уюшмалари маркази.

Бенин 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 14 январда тан олган.

**Аҳолиси.** Бенинда, асосан, фон, махе, ажа, иви, аизо, филони, фульбе, сомба, бармба каби этник гуруҳга мансуб халқлар яшайди. Асосий этник гуруҳ фон ёки дайомейанлар бўлиб, улар барча аҳолининг 25%ни ташкил қилади ва мамлакат жанубида яшайди. Шаҳарларда европаликлар (асосан, французлар), сурияликлар, ливанликлар ва бошқалар учрайди. Аҳолининг 70%и маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади; 15%и насронийлар, 13%и мусулмонлар.

**Иқтисодиёти.** Бенин – аграр мамлакат. Қишлоқ хўжалиги пахта етиштиришга ихтисослашган (йилига 70 минг т.). Саноати заиф, унинг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши 9%га ҳам етмайди.

**Валютаси.** 696,99 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 566 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 425 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Франция, ХХР, Буюк Британия, Бразилия, Италия, Ливия, Индонезия, Кот-д'Ивуар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 4.550 киши;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 4300, ҳарбий денгиз флотиди 100, ҳарбий ҳаво кучларида 150 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 1 патруль кемаси мавжуд. 2 500 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган жандармерияси бор.

**Табиати.** Бенин қирғоқларида қўлтиқлар кам. Соҳил бўйида денгиздан ажралиб ҳосил бўлган бир қанча саёз қўллар бор. Бенин майдонининг қўп қисми – 500 м. гача баландликка эга бўлган плато. Энг баланд жойи – 635 м. (шимоли-ғарбдаги Атакора тизмасида). Иқлими – экваториал иқлим. Асосий дарёси – Веме, қуйи оқими кема қатновига яроқли.

### 55. БОТСВАНА

Ботсвана Республикаси  
(Republic of Botswana)

**Майдони**.....600,4 минг км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....1,7 млн. (2003 йил).

**Пойтахти**.....Габороне шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Фрэнсисаун, Лобаци.

**Расмий тили**.....инглиз ва сетсвана тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..7960 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**..... олмос, транспорт воситалари, мис, никель, гўшт маҳсулотлари.

**Импорт**.....Озиқ-овқат, транспорт ва техника жиҳозлари, тўқимачилик ва нефть маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....пула.

**Дини**.....насронийлик ва анъанавий динлар.

**Мустақиллик куни**.....30.09.1966.

**Миллий байрами**.....30 сентябрь - Мустақиллик куни

**Чегаралари**.....шимол ва ғарбда Намибия, шимоли-шарқда Замбия ва Зимбабве, жануб ва жануби-шарқда ЖАР билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Ботсвана республикаси Жанубий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 10 вилоятга бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик аъзоси. 1966 йил 30 сентябрда қабул қилинган ва кейинчалик ўзгартишлар киритилган конституцияга амал қилинади. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи - Миллий ассамблея (парламент). Миллий ассамблея спикер ва 45 депутатдан иборат. 40 депутатни аҳоли умумий сайлов йўли билан сайлайди, 4 депутатни республика президенти тайинлайди, бош прокурор лавозимига кўра парламент аъзоси ҳисобланади. Ижроия ҳокимияти президент, вице-президент ва ҳукумат томонидан амалга оширилади. 15 аъзодан иборат маслаҳат органи – қабила бошлиқлари палатаси ҳам бор.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Ботсвана демократик партияси - ҳукмрон партия, 1962 йилда асос солинган; Либерал партия - 1983 йилда ташкил этилган; Ботсвана халқ партиясига - 1960 йилда асос солинган; Ботсвана мустақиллиги партияси - 1962 йилда асос солинган. Ботсвана конгресси партияси - 1988 йилда тузилган. Ботсвана касаба уюшмалари федерацияси - 1976 йилда ташкил этилган.

Ботсвана 1966 йил 17 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган.

**Аҳолиси,** асосан, банту тиллари гуруҳига кирувчи тсваналардир (жами аҳолининг 75%). Шимоли-шарқ ва чўл ҳудудларда бушменлар яшайди. Бир неча минг европалик-

лар бор. Аҳолининг 62 %и насронийлар; 32 %и анъанавий динларга эътиқод қилади. Аҳолининг 24,1%и шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Ботсвана - кон саноати ривожланаётган аграр мамлакат. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёт негизини ташкил этади. Унда аҳолининг 75 % банд. Чорвачилик - хўжаликнинг энг муҳим тармоғи. Қорамол, эчки, қўй, от, эшак ва хачир боқилади. Жўхори, тарик, маккажўхори, буғдой, дуккакли ўсимликлар экилади. Мамлакатдаги европалик фермер хўжаликларида ерэнгоқ, тамаки, картошка, кунгабоқар, цитрус мевалар, пахта ҳам етиштирилади.

**Валютаси.** 6,33 пула 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 2,2 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 2,5 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Европа Иттифоқи, Жанубий Африка божхона иттифоқи давлатлари, Зимбабве, Жанубий Корея.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 9.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари) да 8.500, ҳаво кучларида 500 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 1.500 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган полиция бўлини маси бор.

**Табиати.** Ботсвана Калахари берк ботиғи ва унинг атрофидаги платоларни эгаллаган. Ер юзи текислик, шарқи бир оз паст-баланд. Ўртача баланд жойи 800-1000 м., ғарбда 1200 м. гача боради. Кембрийгача пайдо бўлган жинслардан таркиб топган замин устида юқори бўр ва кайнозой ётқизиклари мавжуд. Кўмир, асбест, марганец, мис, никель рудалари, олмос, туз каби қазилма бойликлари бор. Иқлими қуруқ субтропик, шимолда тропик иқлим. Ўртача ҳарорат январда 21-27, июлда 16 градус, йилига 250-600 мм. ёгин ёғади. Лимпопо дарёси ирмоқлари ўтадиган қизилқўнғир тупроқли ерларда саванна ўсимликлари ўсади. Арслон, қоплон, чиябўри, сиртлон, зебра, жайрон, калтақесак, илон каби хилма-хил жониворлар бор.

56. БУРКИНА-ФАСО

1984 йил августгача Юқори Вольта Республикаси (Burkina Faso)

**Майдони**.....274,2 минг км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....12 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Уагадугу шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Бобо-Диуласо, Кудугу.  
**Расмий тили**.....француз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....1180 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....пахта, олтин, чорвачилик маҳсулотлари.  
**Импорт**.....техника, озиқ-овқат ва нефть.  
**Миллий валютаси**.....КФА франки.  
**Дини**.....ислом, насронийлик ва анъанавий динлар.  
**Мустақиллик куни**.....5. 08. 1960.  
**Миллий байрами**.....11 декабрь - Республика куни.  
**Чегаралари**.....шимол ва ғарбда Мали, шарқда Нигерия билан, жанубда Того, Бенин, Ганой ва Кот-д'Ивуар билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Ғарбий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 45 вилоятга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1991 йил 2 июндаги референдумда маъқулланган. Ижроия ҳокимияти президент ва у тайинлайдиган бош вазир бошчилигидаги ҳукумат томонидан амалга оширилади.  
**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Демократия ва федерация учун альянс 1990 йилда тузилган; Африка демократик бирлашмаси партияси; Демократия ва тараққиёт конгресси партияси - 1996 йилда тузилган; Илғор ватанпарварлар миллий конвенци - Социал-демократик партия 1991 йилда тузилган; Демократия ва тараққиёт партияси - 1993 йилда тузилган; Халқ fronti - турли сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар уюшмаси - 1987 йилда тузилган. Буркина-Фасо Бош меҳнат конфедерацияси - 1988 йилда тузилган; Буркина-Фасо Меҳнаткашлари касаба бирлашмаси - 1958 йилда ташкил этилган. Буркина-Фасо 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 25 январда тан олган.  
**Аҳолисининг асосий қисми (50%) мосилар**: лоби, фульбе, бобо ва бошқа халқлар ҳам яшайди. Аҳолининг 50% дан кўпроғи маҳаллий анъанавий динларга, 40 % мусулмон динига эътиқод қилади, қолганлари насронийлар. Шаҳар аҳолиси 9 % ни ташкил этади.  
**Иқтисодиёти**. Буркина-Фасо - аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 40%, саноатнинг улуши - 14%. Экин майдонининг 75%га ғалла экилади, қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари: пахта, ерёнгоқ, мойли пальма, шакарқамиш, шоли, батат, ловия. Дарё балиқчилиги билан шуғулланилади. Яйлов чорвачилиги юқори даражада. 4 миллионга яқин қорамол бор. Йилга 68 минг тонна гўшт етиштирилади. 100 га яқин корхона, жумладан, ёғоч тилиш, пахта тозалаш, тўқимачилик, ёғ-совун, чарм-пойабзал, шоли оқлаш корхоналари, кушхоналар бор. Симоб, олтин, марганец, никель, мармар қазиб олинади. Йилга ўртача 157 миллион кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади.  
**Валютаси**. 696,99 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг (2002 йил).  
 Ташқи савдода импортнинг улуши 610 млн. АҚШ доллари.  
 Экспортнинг улуши 340 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Савдо соҳасидаги шериклари**. Франция, Кот-д'Ивуар, Германия, Канада, АҚШ, Нидерландия.  
**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сон:  
 фаоллар - 10.800;  
 шундан, армия (куруқлик қўшинлари)да 6.400, ҳарбий ҳаво кучларида 200 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. 4.200 нафар ярим ҳарбийлашган жандармерияси, 250 нафар хавфсизлик командаси ва 45.000 нафар халқ милицияси ходимлари бор.  
**Табиати**. Ер юзаси қир-адирлардан иборат 200-500 м. гача баландликдаги плато. Жануби-ғарбидаги тоғлар 750 м. гача баланд. Иқлими - субэкваториал-муссон, шимолий ҳудудларида қуруқ мавсум 8-10 ой давом этади. Ўртача ойлик ҳарорат 24-26° дан 30-35° гача. Йилига 500-1000 мм. гача ёғин ёғади.

Асосий дарёлари – Қора ва Оқ Вольта. Тупроғи қизил ва қизил-қўнғир, латерит тупроқдир. Ўсимликлари саваннага хос, айрим жойларида ўрмон ва бутазорлар учрайди. Худудининг 9 % ўрмон. Саванналарда арслон, қоплон, фил, ёввойи хўкиз, кийик каби ҳайвонлар сақланиб қолган. Жанубида цеце пашшаси тарқалган.

### 57. БУРУНДИ

Бурунди Республикаси  
(Republic of Burundi)

**Майдони**.....27,8 минг км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....7,2 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Бужумбура шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Гитега, Мурамья.  
**Расмий тили**.....кирунди ва француз тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.620 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....кофе, чой, шакар, пахта, чарм буюмлар.  
**Импорт**..... ишлаб чиқариш воситалари, нефть маҳсулотлари ва озиқ-овқат.  
**Миллий валютаси**.....Бурунди франки.  
**Дини**.....насронийлик ва анъанавий динлар.  
**Мустақиллик куни**.....1. 07. 1962.  
**Миллий байрами**.....1 июль - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....шимолда Руанда, шарқ ва жанубда Танзания, ғарбда Конго Демократик Республикаси билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Бурунди – республика. Марказий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 15 вилоятга бўлинади. Давлат бошлиғи – президент. 1996 йил 25 июлдаги давлат тўнтарыши натижасида 1992 йилги конституциянинг амал қилиши ва Миллат мажлиси ҳамда партияларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилган эди. Бугунги кунда Миллат мажлиси ва партияларнинг фаолияти қайта тикланган.  
**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Бирлик ва миллий тараққиёт партияси (УП-РОНА) - 1959 йилда асос солинган; Бурундида демократия учун фронт - 1986 йилда асос солинган. Бурунди меҳнаткашлари иттифоқи

касаба уюшмаси - 1967 йилда тузилган.  
 Бурунди 1962 йил 18 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 6 январда тан олган.  
**Аҳолиси**. Асосий аҳолиси хуту, тутси ва тва этногуруҳларига бўлинувчи рунди ва руандалардир; европалик ва осиеликлар ҳам яшайди. Аҳолининг 62%и католиклар, 32%и маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади, 6% мусулмонлар. Аҳолининг 6,3%и шаҳарларда истиқомат қилади.  
**Иқтисодиёти**. Бурунди – иқтисодий жиҳатдан сустрараққий қилган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотнинг 13% ни саноат, 48,5% ни қишлоқ хўжалиғи беради. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 90% деҳқончилик ва чорвачиликда банд. Бугдой, оқ жўхори, макка-жўхори, банан, тарик, маниок, чой экилади. Кофе ва пахта асосий экспорт экинларидир. Қорамол, эчки, қўй боқилади. Танганьика кўлидан балиқ овланади.  
**Валютаси**. 830 Бурунди франки 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).  
 Ташқи савдода импортнинг улуши 110 млн. АҚШ доллари.  
 Экспортнинг улуши 26 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Савдо соҳасидаги шериклари**. АҚШ, Германия, Франция, Бельгия, Швейцария, ЖАР, Кения ва Замбия.  
**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:  
 фаоллар – 50.500 (жандармерия билан); шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 45.000 киши хизмат қилади.  
 Қурол-яроғи замонавий эмас. 5.500 нафар ярим ҳарбийлашган жандармерияси, 1.000 нафар давлат хавфсизлиғи умумий бошқармаси ва 30.000 нафар маҳаллий мудофаа милицияси ходимлари бор.  
**Табиати**. Бурунди Шарқий Африка тоғлигининг шимоли- ғарбида жойлашган. Кембрийгача ҳосил бўлган кристалл ва етаморфик жинслар ер юзасига чиқиб ётади. Рельефи, асосан, ясситоғлик. Шарқда, Нил ва Конго дарёлари ҳавзаси ўртасида баландлиги 2000-2500 м. бўлган сувайирғич тизма бор. Ясситоғлик жануби-шарқда Малагараси дарёси водийсига тик жарликлар ҳосил қилиб тушган.

Мамлакат маркази ва шарқида никель, кобальт, платина, титан, мис, магний, ванадий, қалай конлари мавжуд. Иқлими субэкваториал. Ўртача ойлик ҳарорат дарё водийларида 24°, ясси тоғликларда 18-20°. Йиллик ўртача ёгин миқдори 800-1600 мм. Йил давомида 2 сернам ва 2 қуруқ мавсум бўлади. Дарёлари Нил ва Конго ҳавзаларида бўлиб, гидроэнергияга бой, лекин уларда кема қатнай олмайди. Йирик дарёлари Рувуву, Аканьяру, Малагараси, Рузизи.

**58. ГАБОН**

Габон Республикаси  
(Republique Gabonaise)

**Майдони**.....267,7 минг км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 1,34 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Либревиль шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Порт-Жангил, Ламбарен.  
**Расмий тили**.....француз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....5320 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....нефть, ўрмончилик маҳсулотлари, марганец, уран, кофе, какао.  
**Импорт**.....машинасозлик техникалари ва саноат ускуналари, озиқ-овқат, нефть, қурилиш материаллари.  
**Миллий валютаси**.....КФА франки.  
**Дини**.....насонийлик ва анъанавий динлар.  
**Мустақиллик куни**.....17. 08. 1915.  
**Миллий байрами**.....12 март - Габон демократик партияси ташкил топган кун.  
**Чегаралари**.....шимолда Камерун, шимоли-ғарбда Экваториал Гвинея, шарқ ва жанубда Кения, ғарбда Атлантика океани билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Габон - республика. Марказий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 9 вилоят (провинция)га бўлинади. 1990 йил майда қабул қилинган ва 1997 йил апрелда тузатишлар киритилган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи - президент (1967 йилдан Омар Бонго). У умумий ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида 7 йил муддатга сайланади ва қайта сайланиши мум-

кин. Қонун чиқарувчи ҳокимият - икки палатали парламент (Миллат мажлиси ва Сенат). Ижроия ҳокимиятини президент билан вазирлар кенгаши амалга оширади. Вазирлар кенгашининг аъзолари ва бош вазир президент томонидан тайинланади ва унинг олдида масъулдирлар.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Габон демократик партияси- ҳукмрон партия - 1968 йилда тузилган; Габон тараққиёт партияси - муҳолифатдаги партия; Миллий тикланиш учун ҳаракат - муҳолифатдаги партия, 1981 йилда тузилган. Габон касаба уюшмалари конфедерациясига - 1969 йилда асос солинган.

Габон 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 10 январда тан олган.

**Аҳолиси**, асосан, фанг, мпонгве, мбете, пуну ва бошқалар. Аҳолининг кўпчилиги фанг, баньяби ёки бакота тилларида сўзлашади. Диндорлар - асосан насронийлар (70%). Аҳолининг 20% анъанавий динларга эътиқод қилади, 10% мусулмонлар. Аҳолининг 45,7% шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти**. Габон табиий ресурсларга бой бўлишига қарамай, иқтисодий жиҳатдан орқада қолган. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 52,8%, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги улуши 11,4%. 1950 йил охиридан қишлоқ саноати ривожлана бошлади. Жамоа ва хусусий ер эгаллиги мавжуд. Экспорт қилинадиган асосий экин маҳсулотлари кофе ва какао. Шунингдек, ер-ёнғоқ, қаламбир, маниок, банан, маккажўхори, шоли, ёғли пальма ва бошқалар етиштирилади. Чорвачилик суст ривожланган. Атлантика океанининг Габон соҳилига яқин жойларида балиқ ва кит овланади. Овчилик, ёввойи дарахт меваларини териш аҳолининг кўпимча машғулотиدير.

**Валютаси**. 696,99 КФА франки 1 АҚШ доллари тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,1 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 2,6 млрд. АҚШ доллари. (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. АҚШ, Франция, ХХР, Япония, Германия, Буюк Британия, Нидерландия.

## ГАМБИЯ

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 4.700;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 3.200, ҳарбий денгиз флототида 500, ҳарбий ҳаво кучларида 1.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 патруль кемаси мавжуд, 2.000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган жандармерияси бор.

**Табиати.** Габон экваториал ва субэкваториал ўрмонлар минтақасида жойлашган. Габоннинг ички қисмини Жанубий Гвинея қирлари эгаллаган. Шайю тоғларидаги Ибунжи чўққисининг баландлиги 1580 м. Ундан шимоли-ғарбда Биллур тоғлари бор. Атлантика океани соҳилини эни 200 км. гача бўлган пасттекислик эгаллаган. Фойдали қазилмалардан марганец, уран, темир рудаси бор. Иқлими иссиқ ва сернам, экваториал ва субэкваториал иқлимли. Июлнинг ўртача ҳарорати 22-24°, апрелда 25-27°. Ўртача йиллик ёғин 1500-2000 мм., океан соҳилида эса 2500-3000 мм. Дарёлари кўп ва серсув. Энг катта дарёси Огове. Габон ҳудудининг 80%и доимий яшил ўрмонлар билан қопланган.

### 59. ГАМБИЯ

Гамбия Республикаси  
(Republic of The Gambia)

**Майдони**.....11.3 минг км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....1.42 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Банжул шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Фарафенни.  
**Расмий тили**.....инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...1820 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....ерёнғоқ, балиқ, пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, пальма ёнғоғи.  
**Импорт**.....озик-овқат, саноат моллари, ёнилғи, машина ва транспорт воситалари.  
**Миллий валютаси**.....даласи.  
**Дини**.....ислом, насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....18. 02. 1965.  
**Миллий байрами**.....18 февраль -

Мустақиллик куни

**Чегаралари**.....шимол, шарқ ва жанубда Сенегал, ғарбда Атлантика океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Гамбия - республика. Африка ғарбидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 6 вилоятга бўлинади. Британия Ҳамдўстлиги таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1996 йил 8 августдаги референдумда маъқулланган. Давлат бошлиғи - президент. У ялпи яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Қонун чиқарувчи орган - 49 депутатдан иборат Миллий мажлис (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиятини президент ва ҳукумат амалга оширади.

**Сийёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Ватанпарварлик ва бунёдкорлик йўлидаги иттифоқ партияси - 1996 йилда тузилган; Гамбия халқ партияси - 1986 йилда асос солинган; Халқ тараққийпарвар партияси - 1959 йилда тузилган; Бирлашган демократик партия - 1996 йилда тузилган; Миллий конвент партияси - 1975 йилда асос солинган. Гамбия меҳнат конгресси касаба уюшмаси - 1935 йилда тузилган. Жаҳон касаба уюшмалари федерацияси ва Африка касаба уюшма бирлиги ташкилоти аъзоси.

Гамбия 1965 йил 21 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиси.** Асосан, банту тилларида гаплашадиган фульбе, волоф, диола, манжак; манде тиллари гуруҳига мансуб малинке, солинке ва бошқалар. Аҳолининг 85% мусулмон, қолгани анъанавий маҳаллий динларга эътиқод қилади; насронийлар (4%) ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 21,5%.

**Иқтисодиёти.** Гамбия - аграр мамлакат. Мустамлакачиларнинг узок ҳукмронлиги натижасида ерёнғоқ етиштиришга ихтисослашган хўжалик вужудга келган. Мустақилликка эришилгандан кейин турли кооперативлар тузиш рағбатлантирилди, ерёнғоқ тозалаш заводлари давлат тасарруфига ўтказилди. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 23%, саноатнинг улуши 14%ки ташкил этди.

**Валютаси.** 15.000 Гамбия даласи 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 202,5 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 125,8 млн. АҚШ доллари.  
**Савдо соҳасидаги шериклари.** Бени Люкс, Япония, Испания, Нидерландия, Буюк Британия, ХХР, Бразилия, Сенегал.  
**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 800;

шундан, миллий армияда 800 киши хизмат қилади. Денгиз бўлинмасида тахминан 70 киши бор, 3 патруль кемасига эга. Қурол-яроғи замонавий эмас.

**Табиати.** Гамбия худуди қитъа ичкарасига Гамбия дарёси соҳили бўйлаб 350 км. кириб боради. Ер юзаси, асосан, текислик. Ер ости бойликлари кам, фақат ильменит кони топилган. Иқлими экваториал-муссон иқлим; ёзи (июнь-октябрь) серёгин, қиши (ноябрь - май) куруқ. Июлнинг ўртача ҳарорати 27°, февралда 23°. Мамлакат ичкарасида йиллик ёғин 750-1000 мм., соҳилларда 1300-1500 мм. Ўсимликлари, асосан, акация ва баобаблир ўсадиган типик саванналардан иборат. Гамбия майдонининг 29,2% ўрмон, шундан 34 минг гектари қўриқхоналар билан банд.

## 60. ГАНА

Гана Республикаси (Republic of Ghana)

**Майдони**.....239 минг км.<sup>2</sup>  
**Аҳолиси**.....20,4 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Аккра шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Кумаси, Тема, Такоради, Кейп-Кост.  
**Расмий тили**.....инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....2190 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....олтин, ёғоч, олмос, марганец, алюминий, тунец, боксит, какао.  
**Импорт**.....ишлаб чиқариш воситалари, нефть, озиқ-овқат.  
**Миллий валютаси**.....седи.  
**Дини**.....анъанавий эътиқодлар, ислом, насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....6. 03. 1957 йил.  
**Миллий байрами**.....6 март - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Буркина Фасо, шарқда Того, ғарбда Кот д'Ивуар, жанубда Атлантика океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Гана – республика. Африка ғарбида, Гвинея қўлтиги соҳилидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 10 вилоятга бўлинади. Британия Ҳамдўстлиги таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1992 йил 28 апрелдаги референдумда маъқулланган ва 1993 йил 7 январда кучга кирган. Давлат бошлиғи – президент. У бевосита ва умумий овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади ва яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият 200 депутатдан иборат бир палатали парламент ихтиёрида. Ижроия ҳокимиятини президент ва ҳукумат амалга оширади.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Миллий демократик конгресс партияси - 1992 йили тузилган; Халқ миллий конвент партияси - 1992 йили ташкил этилган; ЭГЛЕ партияси - 1992 йилда тузилган; Янги ватанпарварлик партияси - 1992 йилда ташкил этилган. Гана касаба уюшмалари конгресси - 1957 йилда асос солинган.

Гана 1957 йил 8 мартдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 22 апрелда тан олган ва 1993 йил 28 октябрда дипломатик алоқалар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 73% нигер-конго тиллари гуруҳига мансуб халқлардир; шимолий вилоятларида гур тиллари гуруҳига кирувчи халқлар (моси, гурма, гуси, тем ва бошқалар) яшайди. Аҳолининг аксарияти маҳаллий динларга эътиқод қилади, насронийлар, мусулмонлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 33%.**

**Иқтисодиёти.** Гана – аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 41,4%, саноатнинг улуши 14,2%.

**Валютаси.** 6895,77 Гана седиси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 3 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

Экспортнинг улуши 1.9 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Буюк Британия, Германия, Нигерия, Испания, Италия, Франция, Того.

## ГВИНЕЯ

**Харбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 7.000 киши;

шундан, армия (куруқлик кўшинлари) да 5000, харбий денгиз флотида 1000, харбий ҳаво кучларида 1000 киши хизмат қилади.

Курол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 6 та патруль кемаси бор.

**Табиати.** Гана шимолий ярим шар субэкваториал минтақасининг саванна ва нам тропик ўрмонлари доирасида жойлашган. Соҳил қисми паст, қумли, лагуналар кўп. Худудининг анчагина қисми баландлиги 150-300 м. ли текислик. Марказида Ашанти (300 м.) ва Кваху (Аквава тоғи, 788 м.) платолари, шарқида Того тоғи бор. Иқлими – экваториал-муссон, жануби-гарбида экваториал иқлим. Мартнинг ўртача ҳарорати 27-32°, августники 23-26°. Йиллик ёғин соҳилнинг гарби, шимоли ва марказида 1000-2000 мм., соҳилнинг шарқи ва Аккрада 650-750 мм. Ноябрь-декабрда Сахрой Кабирдан қуруқ ва иссиқ шамол эсиб туради. Дарёлари кўп, остонали, серёмғир мавсумда кемалар қатнайди. Восумтви (узунлиги 34 км., чуқурлиги 71 м.) Ганадаги ягона кўлдир.

### 61. ГВИНЕЯ

Гвинея Республикаси  
(Republique de Guinee)

Майдони.....	246 минг км <sup>2</sup> .
Аҳолиси.....	7,9 млн. (2003 йил).
Пойтахти.....	Конакри шаҳри.
Катта шаҳарлари.....	Канкан, Лабе.
Расмий тили.....	француз тили.
ЯИМ (аҳоли жон бошига).....	2100 АҚШ доллари. (2003 йил).
Экспорт.....	бокситлар, олтин, олмос, кофе, балиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари.
Импорт.....	нефть, металлар, техника, транспорт ускуналари, тўқимачилик буюмлари, дон ва озиқ-овқат.
Миллий валютаси.....	Гвинея франки.
Дини.....	ислом, насронийлик, анъанавий эътиқодлар.
Мустақиллик куни.....	2. 10. 1958.
Миллий байрами.....	2 октябрь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари.....** шимолда Гвинея-Бисау, Сенегал, Мали, шарқда Кот-д'Ивуар, жанубда Либерия ва Сьерра-Леоне, гарбда Атлантика океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Гвинея республикаси Африка гарбидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 8 вилоятга (провинция), вилоятлар 35 префектурага бўлинади. Амалдаги конституцияси 1991 йил 23 декабрда кучга кирган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент (Л.Конте 1998 йили қайта сайланган). У умумий яширин овоз бериш йўли билан сайланади ва яна бир марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни миллат мажлиси (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятини президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмаси.** Гвинея халқи бирлашмаси (1992 йилда тузилган), Бирлик ва тараққиёт партияси (1992 йилда тузилган), Тараққиёт ва янгиланиш учун иттифоқ партияси (1998 йилда тузилган). Гвинея меҳнаткашлари конфедерацияси (1984 йили тузилган) мамлакатнинг ягона касаба уюшмаси марказидир.

Гвинея 1958 йил 12 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 9 январда тан олган ва 1993 йил 24 июнда дипломатик алоқалар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Гвинеяда фульбе, малинке, сусу ва бошқа халқлар яшайди. Аҳолининг 89%и мусулмон, 1,5%и насроний, қолгани маҳаллий динларда. Шаҳар аҳолиси 25,6%.

**Иқтисодиёти.** Гвинея – кон саноати нисбатан ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 28%, саноат улуши 27,5% (жумладан, кон саноати улуши 23,9%)ни ташкил этади. Мустақилликка эришгач, Гвинея миллий иқтисодиёти анча тез ўса бошлади. Ажнабийларга қарашли компаниялар, банклар, электр станциялар, бир қанча корхоналар давлат ихтиёрига олинди.

**Валютаси.** 1855 Гвинея франки 1 АҚШ долларига тенг.

Тапиқи савдода импортнинг улуши 634 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 824 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Бенилюкс, Украина, Франция, Ирландия, Кот-д'Ивуар.

## ГВИНЕЯ-БИСАУ

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий соҳи:

фаоллар – 9.700;

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари) да 8.500, ҳарбий денгиз флотида 400, ҳарбий ҳаво кучларида 800 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 2 та патруль кемаси бор. 2.600 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган бўлиб, 1.000 нафари жандармерия ва 1.600 нафари республика ҳимоячиларидир. Шунингдек, 7.000 халқ милицияси ходимлари мавжуд.

**Табиати.** Гвинея ҳудуди субэкваториал минтақада жойлашган. Қирғоқларида қўлтиқлар кўп. Рельефи, асосан, ўртача баланд (800-1000 м.) ва паст тоғлар, ясси платолардан (300-400 м.) иборат. Энг баланд жойи – Нимба тоғи, 1752 м. Океан соҳили тор пасттекислик. Фойдали қазилмалардан боксит, темир, олмос, олтин ва бошқалар бор. Иқлими экваториал-муссон, иссиқ, ёзи сернам. Энг иссиқ ойнинг ўртача ҳарорати 27-30°, энг салқин ойники (август) 24-26°, баландликларда 18° гача. Ўртача йиллик ёғин 1200-4000 мм. Ёмғирли мавсум мамлакат шимолида 5 ой, жанубида 7-10 ой. Дарёлари кўп ва серсув. Асосий дарёлари: Гамбия, Вафинг, Нигер ва Конкуре. Гвинея ҳудуди қизил, қизил-сарик тупроқли.

### 62. ГВИНЕЯ-БИСАУ

Гвинея-Бисау Республикаси  
(Republic da Guine-Bissau)

Майдони.....	36,1 минг км <sup>2</sup> .
Аҳолиси.....	1.49 млн. (2003 йил).
Пойтахти.....	Бисау шаҳри.
Катта шаҳарлари.....	Болама, Габу, Кашеу.
Расмий тили.....	португал тили.
ЯИМ (аҳоли жон бошига).....	660 АҚШ доллари. (2003 йил).
Экспорт.....	кишу ёнғоқлари, криветкалар, ерэнғоқ, пальмалар.
Импорт.....	озиқ-овқат, машина ва транспорт жиҳозлари, нефть маҳсулотлари.
Миллий валютаси.....	КФА франки.
Дини.....	анъанавий эътиқодлар, ислом, насронийлик.

Мустақиллик куни.....24. 09. 1973.

Миллий байрами.....24 сентябрь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Сенегал, жанубда Гвинея, ғарбда Атлантика океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Атлантика океани соҳилида жойлашган Гвинея-Бисау республикаси Африка ғарбидаги давлат. Гвинея-Бисау таркибига материк қисмидан ташқари Болама ва Бижагош ороллари киради. Маъмурий жиҳатдан Бисау мухтор сектори, 8 округ ва 37 туманга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1991 йил майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент. У умумий яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи органи 102 депутатдан иборат бир палатали парламент – Миллат халқ мажлиси. Ижроия ҳокимиятини президент амалга оширади, у ҳукумат аъзолари ва бош вазирни тайинлайди.

**Сийосий партиялари, касаба уюшмалари.** Гвинея ва Кабо-Верде мустақиллиги африкаликлар партияси - 1956 йилда тузилган; Бирлашган социал-демократик партия - 1991 йилда тузилган; Гвинея-Бисау қаршилик кўрсатиш партияси - Ба-Фата ҳаракати - 1986 йилда тузилган; Ижтимоий янгиланиш партияси - 1992 йилда тузилган; Гвинея-Бисау меҳнаткашлари миллий бирлиги касаба уюшмаси - 1961 йилда асос солинган. Жаҳон касаба уюшмалари федерацияси ва Африка касаба уюшмалари бирлиги ташкилотига киради.

Гвинея-Бисау 1974 йил 17 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиси** баланте, мандьяк, мандинка, фульбе, манжак ва бошқа элатлардан иборат. Шаҳар аҳолиси 19,9%. Аҳолининг ярмидан кўпи маҳаллий, анъанавий динларга, 35% ислом динига эътиқод қилади, бир қисми насронийлар.

**Иқтисодиёти.** Гвинея-Бисау – иқтисодий жиҳатдан заиф ривожланган аграр мамлакат. Мустамаккачиларнинг кўп асрлик ҳукмронлиги натижасида мамлакат иқтисодиёти қолоқ, монокультура йўналишида бўлиб қолган, ярим кустар саноатга эга. Ҳукумат бир ёқлама ривожланишга барҳам бериш чораларини кўрмоқда. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги-

## ЖАЗОИР

нинг улуши 40 %, саноатнинг улуши 10 %. Меҳнатга яроқли аҳолининг 80 %и қишлоқ хўжалигида банд. Пахта, канақунжут, каучукли ўсимликлар, шоли етиштирилади. Чорвачилик, балиқчилик ривожланган.

**Валютаси.** 699,21 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 55,2 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 55 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Ҳиндистон, Италия, Сингапур, Португалия, Франция, Сенегал, Нидерландия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 9.250 (жандармерия билан бирга);

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари)да 6800, ҳарбий денгиз флотида 350, ҳарбий ҳаво кучларида 100 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 3 патруль кемаси бор. 2000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган жандармерияси бор.

**Табиати.** Материкдаги қисми текис, айрим жойлари ботқоқли пасттекислик. Соҳилида қўлтиқлар ва дарё эстуарийлари кўп. Боксит, фосфорит, олтин, темир рудаси, цирконий, нефть конлари бор. Иқлими экваториал муссонли, ёзи серёмғир, киши қуруқ. Январнинг ўртача ҳарорати 24°, июлники 26°. Йиллик ёғин соҳилда 2000 мм.дан ортиқ.

### 63. ЖАЗОИР

Жазоир Демократик Республикаси  
(арабча – Ал Жумҳурия ал-Жазоирия  
Демократия ан-Шаабия)

**Майдони**..... 2381,7 минг км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 31,7 млн.

**Пойтахти**..... Жазоир шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Оран, Константина, Аннаба.

**Расмий тили**..... араб тилининг жазоир лаҳжаси.

**ЯИМ (аҳоли жоп бошига)**..... 1 650 АҚШ доллари.

**Экспорт**..... нефть, нефть маҳсулотлари ва табиий газ.

**Импорт**..... ишлаб чиқариш воситалари, озиқ-овқат ва ичимликлар, эҳтиёж моллари.

**Миллий валютаси**..... динар.

**Дини**..... ислом, насронийлик ва яҳудийлик.

**Мустақиллик куни**..... 5. 07. 1962.

**Миллий байрами**..... 1 ноябрь - Инқилоб куни (1954).

**Чегаралари**..... шарқда Тунис ва Ливия, жанубда Мали ва Нигер, ғарбда Марокко, Ғарбий Саҳрои Кабир, Мавритания, шимолда Ўрта ер денгизи билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Жазоир республикаси Африканинг шимоли-ғарбидаги давлат, Мағриб мамлакатларидан бири. Худуди маъмурий жиҳатдан 47 вилоя (вилоят) ва Катта Жазоир пойтахт округига бўлинади. Амалдаги конституция 1996 йил 28 ноябрдаги референдумда маъқулланган. Давлат бошлиғи – президент. У умумий ва бевосита яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва яна 1 марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият – бир палатали Миллий халқ мажлиси. Ижроия ҳокимияти – президент бошчилигидаги Вазирлар кенгаши.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** 1989 йилгача Миллий озодлик fronti мамлакатдаги бирдан-бир партия эди. Ўша йили бошқа партияларнинг фаолиятига ҳам ижозат берилди. Асосий партиялари: Миллий озодлик fronti – 1954 йилда тузилган; Социалистик кучлар fronti - 1963 йилда тузилган; Маданият ва демократия учун бирлашма - 1989 йилда асос солинган; Миллий демократик бирлашма - 1997 йилда тузилган; «Ан-Наҳда» ҳаракати - 1990 йилда ташкил этилган; Ислоҳ нажот fronti - 1989 йилда асос солинган; Тинчлик учун курашувчи жамият ҳаракати - 1990 йилда тузилган, у 1997 йилгача Ислоҳ жамияти ҳаракати деб аталган; Миллий ислохотлар ҳаракати - 1999 йилда асос солинган. Жазоир меҳнаткашлари умумий иттифоқи касаба уюшмаси - 1956 йилда тузилган, Африка касаба уюшмалари бирлиги ташкилоти ва

Араб касаба уюшмалари халқаро конференцияси аъзоси.

Жазоир 1962 йил 8 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1992 йил 30 июнда дипломатик алоқалар ўрнатилган.

**Аҳолиси**, асосан, жазоир араблари (83%) ва барбарлардан иборат. Европаликлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси – 51,7%. Араб ва барбарлар ислом динининг сунна мазҳабида.

**Иқтисодиёти.** Жазоир – саноати (хусусан, кон саноати) нисбатан ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши – 37,7%, қишлоқ хўжалигининг улуши – 14,9%.

**Валютаси.** 74,813 Жазоир динори 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 9,2 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 19,6 млрд. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Франция, Германия, Италия, Испания, Туркия, Бразилия, Нидерландия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 127.000;

захирадагилар – 150.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 110.000, ҳарбий денгиз флотида 7.500, ҳарбий ҳаво кучларида 10.000 киши хизмат қилади. Курол-яроғи замонавий. 2 сув ости кемаси ва 3 қўриқчи кемага эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 6 корвет, 9 снарядли кема ва 10 патрул кемаси мавжуд. 181.200 кишидан иборат ярим ҳарбий хизматчилари бўлиб, уларнинг 60.000 нафари жандармерия, 20.000 нафари миллий хавфсизлик кучлари, 1.200 нафари республика ҳимоячилари ва 100.000 нафари мудофаа гуруҳлари хизматчиларидир.

**Табиати.** Жазоир Атлас тоғларининг марказий қисмида ва Саҳрои Кабирда жойлашган. Ўрта денгиз соҳили субтропик, қолган қисми тропик минтақада. Тел-Атлас, Саҳрои Кабир Атласи тизмалари, Орес ва Варсенис тоғларини чуқур даралар кесиб ўтган. Жазоирнинг шимолида иқлим субтропик, Ўрта денгиз иқлими, қиши серёмғир, илиқ, ёзи иссиқ,

қуруқ. Энг юқори ҳарорат ҳамма жойда 40<sup>о</sup>дан юқори. Ёзда қуруқ шамол эсиб, қаттиқ қурғоқчилик бўлиб туради.

Қуруқ дарё ўзанлари, водийлар кўп. Энг каттаси – Шалиф (узунлиги 700 км.). Дарёларда тошқинлар бўлиб туради.

**Ўзбекистон – Жазоир муносабатлари.** Жазоир биринчилардан бўлиб Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олган мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчиси 1995 йилдан бери ўриндошлик асосида мамлакатимизнинг Жазоирдаги элчиси вазифасини адо этиб келмоқда. Тошкентда Жазоир элчихонаси ўз фаолиятини 1993 йилнинг декабрида бошлаган. Жазоирнинг мамлакатимиздаги ҳозирги элчиси Ҳасан Лаксрий 2001 йилнинг июнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширган.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ривожига айрим объектив омиллар таъсир этмоқда. 2004 йилда Ўзбекистон ва Жазоир ўртасидаги савдо айирбошлаш ҳажми 18,4 минг АҚШ долларига тенг бўлди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва Жазоир ўртасидаги муносабатларда таълим, илм-фан, маданият соҳаларидаги муносабатлар нисбатан ривожланганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, узоқ йиллар давомида ўнлаб жазоирлик талаба ва аспирантлар Ўзбекистонда таълим олган. Бугунги кунда Ўзбекистон олий ўқув юртларида бир неча жазоирлик талаба ўқимоқда.

Ўзбекистон Республикасида жазоирлик сармоядорлар иштирокидаги 2 корхона ташкил этилган. Икки мамлакат ўртасида имзоланган «Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжат»га қўшимча равишда савдо-иқтисодий ҳамкорлик, инвестицияларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, иккиёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик, божхона иши соҳасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида битимлар тайёрланаётир.

# ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

## 64. ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

(Republic of South Africa)

**Майдони**..... 1221 минг км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....51,9 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Претория шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Йоханнесбург, Кейптаун, Дурбан.  
**Расмий тили**..... африкаанс, инглиз тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**. 10 270 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**..... олтин, олмос, металл ва минерал хом ашёлар, машина ва жиҳозлар.  
**Импорт**..... машиналар, озиқ-овқат ва саноат ускуналари, нефть маҳсулотлари ва юқори технологияли жиҳозлар.  
**Миллий валютаси**.....ранд.  
**Дини**..... насронийлик, ислом, яҳудийлик ва анъанавий динлар.  
**Мустақиллик куни**..... 31. 05. 1910.  
**Миллий байрами**..... 27 апрель - Озодлик куни (1994).  
**Чегаралари**.....шимолда Намибия, Ботсвана, Зимбабве, Мозамбик, Свазиленд, шарқда Лесото қироллиги, жанубда Ҳинд океани, ғарбда Атлантика океани билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. ЖАР - федерализм нишонлари бўлган унитар республика. Африка жанубидаги мамлакат. Маъмурий жиҳатдан 9 вилоят (провинция)га бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. 1997 йил 4 февралдан кучга кирган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи - президент. Миллий ассамблея томонидан унинг аъзолари орасидан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият - 2 палатали парламент. У вилоятларнинг Миллий кенгаши (юқори палата) ва Миллий ассамблея (қуйи палата)дан иборат. Ижроия ҳокимиятини президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.  
**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Жанубий Африка Африкаликлар Миллий Конгресси - ҳукмрон партиясига 1912 йилда асос солинган; Янги миллат партиясига - 1914

йилда ташкил этилган; Демократик партия - 1989 йил ташкил этилган; Жанубий Африка консерватив партиясига - 1982 йилда тузилган; Миллий халқ партиясига; Панафрика конгресси - 1959 йилда тузилган; Жанубий Африка Коммунистик партиясига - 1921 йил тузилган. Жанубий Африка касаба уюшмалари конгресси - 1985 йил ташкил этилган.

ЖАР 1945 йил 7 ноябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 10 январда тан олган ва шу йилнинг 12 августида дипломатик алоқалар ўрнатилган.

**Аҳолисининг асосий қисми африкалик банту халқлари** (шу жумладан, 38,5% зулулар, 27,5% сотолар, 11,6% косалар, 6,6% шанган-тсонга ва тсваналар). Европаликлар 5,1 млн. (шундан голланд, француз, немис кўчманчиларининг авлодлари бўлмиш африканербулар тахминан 57,5%), ҳиндистонликлар 1млн.га яқин, қора танлилар 3,4 млн. Аҳолининг 60%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти**. ЖАР - хўжалиги юксак даражада ривожланган саноатлашган-аграр мамлакат, Африкада иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлат. Унда саноати ривож топган мамлакатларга хос кўрсаткичлар ҳам, учинчи дунё мамлакатлари учун хос бўлган айрим иқтисодий белгилар ҳам учрайди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан ЖАР дунёдаги 20 етакчи мамлакат қаторига киради. Бутун Африка ҳудудининг 5%ни ва аҳолисининг 9%ни ташкил этувчи ЖАР улушига қитъа ялпи ички маҳсулотининг 27%, саноат маҳсулотининг 40%, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 30% тўғри келади. Ташқи савдо айланмаси йилига 40 млрд. АҚШ долларидан ошади. ЖАР жун экспорт қилишда дунёда 4-ўринда туради. Йилига салкам 70 млн. литр вино экспорт қилади.

**Валютаси**. 10,54 ЖАР ранди 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 27,6 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 36,5 млрд АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. Япония, АҚШ, ЕИ.

## ЖИБУТИ

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 55.750;

захирадагилар – 60.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 36.000, ҳарбий денгиз флотида 4.500, ҳарбий ҳаво кучларида 9.250, ҳарбий соғлиқни сақлаш хизматида 6.000 киши хизмат қилади.

Курол-яроғи замонавий. 3 сув ости кемаси ва 4 корветга эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 5 сварядли кема ва 3 патруль кемаси бор.

**Табиати.** ЖАР ҳудудининг ер юзаси, асосан, плато ва ясситоғликлардан иборат. Қирғоқлари деярли текис, соҳил бўйлаб тоғ тизмалари жойлашган. Оранж дарёсидан шимолда Калахари текислиги бор. Аждарҳо деб номланган тоғидаги Табана-Нтленяна чўққиси (3482 м.) Жанубий Африкадаги энг баланд нуқтадир. Иқлими, асосан, тропик, жанубда субтропик, Катта Жарликнинг шарқий ён бағрида денгиз иқлими. Энг катта дарёси – Оранж (Валль ва Каледон ирмоқлари билан). Шимоли-шарқда Лимпопо дарёси бор. Ҳинд океанига қуйилувчи бошқа дарёлари кичик, серсув ва серостона.

### 65. ЖИБУТИ

Жибути Республикаси  
(Republic of Gibuti)

**Майдони**..... 23,4 минг км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 705 000 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Жибути шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Диккиль, Али-Сабие, Тажура, Обок.

**Расмий тили**..... араб ва француз тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**. 2200 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**..... тери, уй ҳайвонлари, кофени олиб-сотиш.

**Импорт**..... озиқ-овқат, ичимликлар, транспорт жиҳозлари ва нефть маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**..... Жибути франки.

**Дини**..... ислом, анъанавий эътиқодлар ва насронийлик.

**Мустақиллик куни**..... 27. 06. 1977.

**Миллий байрами**..... 27 июнь – Мустақиллик куни

**Чегаралари**..... шимолда Эритрея, ғарб ва жанубда Эфиопия ва Сомали, шарқда Аден кўрфази ва Баб-ал-Мандиб бўғози билан чегараланган.

**Давлат тузуми.** Жибути республикаси Африканинг шимоли-шарқидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан Жибути тумани ва 4 округга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1992 йил 15 сентябрда кучга кирган. Давлат бошлиғи – президент. Қонун чиқарувчи ҳокимияти – бир палатали парламент – Миллат мажлиси. Ижроия ҳокимияти – президент ва ҳукумат (Вазирлар кенгаши).

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Тараққиёт учун халқ бирлиги – ҳукмрон партия 1979 йилда тузилган; Демократик янгиланиш партияси – 1992 йилдан ошкора фаолият олиб боради; Бирлик ва демократияни тиклаш фронтига – 1991 йил асос солинган. Касаба уюшмалари маркази – Меҳнат умумий бирлашмаси – 1992 йил Жибути меҳнаткашлари умумий бирлашмаси ўрнида ташкил этилган. Жибути 1977 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 6 январда тан олган.

**Аҳолисининг 90%га** яқини кушит тилларида сўзлашувчи халқлардан: шимол ва шимоли-ғарбда афарлардан, жануб ва жануби-шарқда исса, исхак ва гадабурелардан иборат. Пойтахтда, асосан, иссалар, европалик (француз, итальян, грек)лар ва араблар яшайди. Туб жой аҳолисининг аксарияти исломнинг сунний мазҳабига, европаликлар насроний динига, афарларнинг бир қисми маҳаллий анъанавий динга эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси – 81%.

**Иқтисодиёти.** БМТ таснифига биноан, Жибути – иқтисодий жиҳатдан нисбатан кам ривожланган мамлакатлар қаторига киради. Ялпи миллий маҳсулотда хизмат кўрсатиш тармоғи ўртача 77%, саноат ва қурилиш 17%, қишлоқ хўжалиғи 3%ни ташкил этади.

**Валютаси.** 177,7 Жибути франки 1 АҚШ долларига тенг (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 440 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 70 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Франция,

Италия, Буюк Британия, Испания, Саудия Арабистони, Сомали, Яман, Эфиопия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 9.850 (жандармерия билан бирга);

шундан, армия (куруқлик қўшинлари)да 8000, ҳарбий денгиз флотида 200, ҳарбий ҳаво кучларида 250 киши хизмат қилади.

Курол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 7 патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 2500 кишидан иборат Миллий мудофаа кучларидир. Шунингдек, 1400 нафар жандармерия хизматчилари мавжуд.

**Табиати.** Жибути ҳудуди шимоли-ғарбда Адак қўлтиғига туташ, қирғоқлари нисбатан текис. Бирдан-бир йирик қўлтиғи – Тажура мамлакат ҳудудига 58 км. кириб боради. Ер юзасида кенг тоғли жойлар ва лава излари қолган паст платолар учраб туради, ўчган вулқонларнинг конуслари кўзга ташланади. Шимоли-шарқда Данакил тоғ тизмасининг этаклари (Мусо Али чўққиси, 2022 м. – мамлакатнинг энг баланд нуқтаси) жойлашган. Иқлими тропик, қуруқ иқлим. Ёғин жуда кам ёғади: йилига Ассал кўли соҳилида 45 мм., Жибути шаҳри атрофида 130 мм.гача. Доимий оқадиган дарёлари йўқ.

**Маданияти.** Жибутида ягона пулли маориф тизими жорий этилган. Бу тизим бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактабларни, 3 лицейни ўз ичига олади. Олий ўқув юртлари йўқ. Олий илмий-техника институтида (1979 йилда ташкил этилган) Жибути табиати, табиий захиралари, археологияси ва анъанавий маданиятини ўрганиш ишлари олиб борилади. Ҳафталик ҳукумат газетаси – «Ревей де Жибути» («Жибутининг уйғониши»), «Насьон де Жибути» («Жибути халқи») ҳафтаномаси, «Жибути оғурдуй» («Бугунги Жибути») ойномаси ва «Карфур африкэн» («Африка чорраҳаси») католик журнали нашр этилади. Жибути ахборот агентлиги 1979 йил ташкил этилган. Жибути радиозиттириш ва телевидениеси ҳукумат назоратида, унга 1956 йил асос солинган.

## 66. ЗАМБИЯ

Замбия Республикаси (Republic of Zambia)

**Майдони**..... 752,6 минг км.<sup>2</sup>  
**Аҳолиси**..... 10,4 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Лусака шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Китве-Нкапа, Ндола, Муфулира.  
**Расмий тили**..... инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жов бошига)**. 850 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**..... мис, кобальт, тамаки, электр энергияси.  
**Импорт**..... машина ва жиҳозлар, транспорт ускуналари, ёнилғи, нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат ва кийим-кечак.  
**Миллий валютаси**..... квача.  
**Дини**..... насронийлик, ислом, ҳиндуизм.  
**Мустақиллик куни**..... 24. 10. 1964.  
**Миллий байрами**..... 24 октябрь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**..... шимолда Конго Демократик Республикаси ва Танзания, шарқда Малави, жануби-шарқда Мозамбик, жанубда Зимбабве, ғарбда Ангола билан чегарадош.  
**Давлат тuzуми.** Замбия республикаси Марказий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 9 вилоят (провинция)га бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституция 1996 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент. У умумий ва бевосита овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Президент Вазирлар Маҳкамаси раиси ҳамдир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент ва бир палатали парламент – Миллий ассамблея, ижроия ҳокимиятини президент ва ҳукумат амалга оширади.  
**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Кўп партияли демократия учун ҳаракат - 1990 йилда тузилган; Миллий мустақиллик бирлашган партияси - 1959 йилда тузилган; Замбия Демократик конгресси - 1995 йили тузилган; Миллий партия - 1993 йилда тузилган; Замбия кун тартибига - 1996 йил асос солинган; Демократия ва тараққиёт учун анжуман - 2001 йилда Кўп партияли демократия учун ҳаракат партиясидан ажралиб чиққан. Замбия касаба

## ЗИМБАБВЕ

уюшмалари конгресси - 1965 йилда тузилган, Умуафрика касаба уюшмалари федерацияси аъзоси.

Замбия 1964 йил 1 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 17 февралда тан олган ва 1994 йил 1 февралда дипломатик алоқалар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 99%и банту оиласининг турли гуруҳига мансуб африкаликлар; асосийлари бемба, тонга, лози, дунда, малави ва бошқалар. Европаликларнинг аксарияти инглиз ва африканлар. Осиёликлар ҳам бор. Аҳолисининг 80%и насронийлар бўлиб, бир қисми маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси 42 %.**

**Иқтисодиёти.** Замбия мустамлакага айланган даврдан унинг иқтисодиёти дунё бозорига, асосан, Буюк Британияга фақат мис ва полиметаллар етказиб беришга ихтисослашиб, хўжалигининг бошқа тармоқлари кон саноатига хизмат қилиб келди. Ялпи ички маҳсулотда тоғ-кон саноати 9%, ишлаб чиқариш саноати 31,8%, қишлоқ хўжалиги 18%ни ташкил этади.

**Валютаси.** 3611 Замбия квачаси 1 АҚШ долларига тенг. (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,05 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 940 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЖАР, Саудия Арабистони, Япония, АҚШ, Малайзия, Таиланд ва Хиндистон.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 18.100;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 16.500, ҳарбий ҳаво кучларида 1600 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Ярим ҳарбийлашган хизматчилар 1400 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 700 нафари кўчма полиция бўлинмаси ва 700 нафари ярим ҳарбийлашган полиция бўлинмаси ходимларидир.

**Табиати.** Замбия Шарқий Африка ясситоғлигида, жанубий ярим шарнинг субэкваториал минтақасида жойлашган. Худудида тоғ ва тепаликлар мавжуд, аксар қисмининг баландлиги 1000-1350 м. Энг баланд жойи - Мучинга тоғидаги Мумпу чўққиси (1893 м). Иқлими субэкваториал. Замбияда йил давомида аниқ уч

мавсум кузатилади: иссиқ ва қуруқ (август-октябрь), илиқ ва сернам (ноябрь-апрель), қуруқ ва салқин (май-июль). Йирик дарёлари: Замбези ва унинг ирмоқлари - Кафуэ ва Луангва. Дарёлари серостона бўлганидан кемалар уларнинг баъзи жойларидагина қатнайди. Энг йирик кўли - Бангвеулу; Танганьика кўлининг жанубий, Мверу кўлининг шарқий қисми ҳам Замбия худудида.

### 67. ЗИМБАБВЕ

Зимбабве Республикаси  
(Republic of Zimbabwe)

**Майдони**..... 390,76 минг км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 13,1 млн.

**Пойтахти**..... Хараре шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Булавайо, Читунгвица, Гверу, Мутаре.

**Расмий тили**..... инглиз тили.

**ЯИМ (аҳоли жоп бошига)** 2180 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**..... тамаки маҳсулотлари, олтин ва пахта.

**Импорт**..... транспорт воситалари ва жиҳозлари, ёнилғи, турли саноат товарлари.

**Миллий валютаси**..... Зимбабве доллари.

**Дини**..... насронийлик, маҳаллий эътиқодлар ва ислом.

**Мустақиллик куни**..... 18. 04. 1980.

**Миллий байрами**..... 18 апрель - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**..... шимолда Замбия ва Мозамбик, жануб ва жануби-ғарбда Ботсвана, жанубда ЖАР билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Зимбабве республикаси Африка жанубидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 8 вилоят (province)га бўлинади. Аввалги номи Жанубий Родезия. Британия Ҳамдўстлиги таркибига киради. 1980 йилда мамлакат мустақилликка эришгач, Зимбабве Республикаси деб аталадиган бўлди. Амалдаги конституцияси 1980 йилда қабул қилинган, унга 1987 ва 1989 йиллари тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи президент (1987 йилдан буён Р.Г.Мугабе). У бевосита умумий овоз бериш йўли билан 6 йил муддатга сайланди ва чекланмаган ҳолда қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият - бир палатали парламент. Унинг ваколат муддати 5 йил.

## КАБО-ВЕРДЕ

Ижроия ҳокимиятини президент билан ҳукумат амалга оширади. Президент ҳукуматга бошчилик қилади, вице-президентларни ва вазирларни тайинлайди.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Зимбабве африкаликлар миллий иттифоқи Ватанпарварлик фронтига - 1963 йилда асос солинган; Зимбабве бирлиги ҳаракати - 1989 йили тузилган; Зимбабве африкаликлар иттифоқи - 1977 йили ташкил этилган; Зимбабве консерватив уюшмасига - 1962 йилда асос солинган; 1984 йилгача Родезия фронти, Республика фронти деб аталган Бирлашган партиялар - 1994 йилда тузилган. Зимбабве касаба уюшмалари конгресси Бирлашган касаба уюшма маркази - таъсис қурултойи 1981 йил февраль- мартда бўлиб ўтган.

Зимбабве 1980 йил 25 августдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 27 январда тан олган.

**Аҳолисининг 90%и** машона ва матабеле элатига мансуб африкалик бантулар; европалликлар ва осиеликлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 26,4%. Диндорларнинг аксарияти насронийлар ва маҳаллий анъанавий динларга ибодат қилувчилар.

**Иқтисодийёти.** Зимбабве Африканинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган мамлакатларидан бири. Ялпи ички маҳсулотда саноат 33%, қишлоқ хўжалиги 19,5%ни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш ва қончилик саноати иқтисодийётнинг асосини ташкил этади. Бу тармоқлар маҳсулотининг 90% экспорт қилинади.

**Валютаси.** 55 Зимбабве доллари 1 АҚШ долларига тенг (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 2.838 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 1.225 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЖАР, Буюк Британия, АҚШ, Хитой, Германия, Мали, Ботсвана, Япония ва Африкадаги қўшни мамлакатлар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 29.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да

25.000, ҳарбий ҳаво кучларида 4.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. Ярим ҳарбийлашган хизматчилар 21.800 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 19.500 нафари полиция кучлари ва 2.300 нафари полицияни қўллаб-қувватлаш бўлинмаси ходимларидир. **Табиати.** Зимбабвенинг катта қисмини токембрий кристалл жинсларидан тузилган Матабеле ва Машона платолари эгаллаган (энг баланд жойи Иньянга тоғи, 2596 м.). Худудининг аксар қисми баландлиги 800-1500 м. Платолар шимолда Замбези дарёси водийсига, жанубда эса Лимпопо дарёси водийсига зинапоясимон пасайиб тушади. Иқлими мамлакатнинг шимолий қисмида экваториал муссонли, жанубда тропик пассатли иқлим. Йирик дарёлари: Замбези, Лимпопо ва Саби. Замбези дарёсининг ўрта оқимида катта Кариба сув омбори бор.

### 68. КАБО-ВЕРДЕ

Кабо-Верде Республикаси  
(Republica de Cabo-Verde)

**Майдони**..... 4 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 470 минг. (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Прая шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Минделу.  
**Расмий тили**..... португал тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** 5440 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**..... ёнилғи, оёқ кийимлари, кийим-кечак, балиқ, банан ва чарм.  
**Импорт**..... озиқ-овқат моллари, саноат товарлари, транспорт ускуналари ва ёнилғи.  
**Миллий валютаси**..... Кабо-Верде эсудоси.  
**Дини**..... насронийлик.  
**Мустақиллик куни**..... 5. 07. 1975.  
**Миллий байрами**..... 5 июль - Мустақиллик куни.  
**Давлат тузуми.** Кабо-Верде республикаси Атлантика океанида, Ғарбий Африка соҳили яқинидаги Яшил Бурун оролларида жойлашган давлат. 10 та йирик ва 5 та майда оролни ўз ичига олади. Маъмурий жиҳатдан 14 туман (conselho)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1992 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи президент (2001 йилдан

## КАМЕРУН

П.В.Пиреш). У умумий, бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий органи умумий сайлов йўли билан 5 йил муддатга сайланадиган Миллий ассамблея (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиятини президент ва бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

### Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.

Кабо-Верде мустақиллиги африкаликлар партияси (ПАИКВ) - 1956 йилда тузилган, 1981 йилдан ҳозирги номда; Демократия учун ҳаракатга - 1990 йилда асос солинган. Кабо-Верде меҳнаткашлари миллий бирлашмаси касаба маркази - 1978 йилда ташкил топган. Кабо-Верде 1975 йил июлда Африка Бирлиги Ташкилотига, 16 сентябрда БМТга қабул қилинди. 1975 йил охирига келиб 60 давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 16 январда тан олган.

**Аҳолисининг** 62%и мулатлар, 35%и африкаликлар (фульбе, баланте, манфаклар); шаҳар аҳолиси 30%. Аҳолисининг 98%и насронийлар. **Иқтисодиёти.** Иқтисодий жиҳатдан заиф аграр мамлакат. Хўжалигининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 11%, саноатнинг улуши 10%. Иқтисодий фаол аҳолининг 80% қишлоқ хўжалигида банд. Тез-тез бўлиб турадиган қурғоқчилик қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди.

**Валютаси.** 123,080 Кабо-Верде эскудоси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 250 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 40 млн. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Португалия, Нидерландия, Испания, Франция АҚШ, Буюк Британия, Германия, Малайзия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 1.200;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари) да 1000, қирғоқ ҳимоясида 100, ҳарбий ҳаво кучларида 100 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас.

**Табиати.** Ороллар, асосан, вулқонлардан

ҳосил бўлган, қирғоқлари тик ва қояли; қулай табиий гаванлари кам. Рельефи, асосан, тоғли. Энг баланд чўққиси 2829 м. (Фогу оролида). Иқлими тропик, пассат.

## 69. КАМЕРУН

Камерун Республикаси  
(Republic of Cameroun)

**Майдони**..... 475 440 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 16,1 млн (2003 йил).

**Пойтахти**..... Яунде шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Дуала, Бафусам, Морва, Гарва.

**Расмий тили**..... француз ва инглиз тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 1980 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**..... нефть ва нефть маҳсулотлари, ўрмончилик маҳсулотлари, алюминий, какао, кофе ва пахта.

**Импорт**..... машинасозлик ускуналари ва электр жиҳозлари, транспорт ускуналари, ёнилғи, озиқ-овқат моллари.

**Миллий валютаси**..... КФА франки.

**Дини**..... насронийлик, ислом ва анъанавий эътиқодлар.

**Мустақиллик куни**..... 1. 01. 1960.

**Миллий байрами**..... 20 май - Республика куни.

**Чегаралари**..... шарқда Чад ва МАР, жанубда Конго, Габон, Экваториал Гвинея, ғарб ва шимолда Нигерия билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Камерун республикаси Марказий Африкадаги давлат. Ғарбда Атлантика океанининг Биафра қўлтиғи билан туташ. Маъмурий жиҳатдан 10 вилоят (province)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1972 йил 2 июндан кучга кирган. Давлат бошлиғи президент (1982 йилдан Поль Бийя). У умумий, бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 7 йилга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият - бир палатали парламент (Миллий мажлис). Ижроия ҳокимиятини президент ва ҳукумат амалга оширади.

Камерун 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг кўпчилиги банту** (дуала, балун-

## 70. КЕНИЯ

Кения Республикаси  
(Republic of Kenya)

ду, баса ва бошқалар) ва шарқий бантоид (бамилеке, бамум, тикар ва бошқалар) тил оилаларига мансуб. Аҳолисининг 45%и қадимий диний эътиқодларини сақлаб қолган, 35%дан ортиги насроний (асосан, католик), 20%и сунний мусулмон. Аҳолининг 41%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Камерун – аграр мамлакат. Марказий Африка минтақасида иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан ўртача даромадли мамлакатлар гуруҳига киради. 1980-90 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 7%ни ташкил этди. Саноатнинг жадал ривожланиши туфайли ялпи ички маҳсулот таркиби ўзгарди: саноатнинг солиштирма салмоғи 44%, қишлоқ хўжалик салмоғи 24% бўлди.

**Валютаси.** 696,99 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,97 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 1,89 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Франция, Италия, Нидерландия, Германия, Япония ва АҚШ.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 23.100 (жандармерия билан бирга);

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 12.500, ҳарбий денгиз флотига 1.300, ҳарбий ҳаво кучларида 300 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 11 патруль кемаси мавжуд. 9000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган жандармерияси бор.

**Табиати.** Камерун экваториал ва шимолий субэкваториал минтақаларда жойлашган. Ер юзаси шимолга томон пасайиб борадиган яситоғлик (1500-2000 м). Камерун марказида Адамауа платоси бор (энг баланд жойи 3008 м). Иқлими жанубда экваториал, нам иқлим. Камеруннинг бошқа қисмида иқлим экваториал-муссонли, серёмғир, қиши қуруқ. Дарёлари кўп ва серсув, остонали, гидроэнергияга бой. Кўпларида кема қатнай олмайди.

**Майдони**..... 582 650 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 31,9 млн (2003 йил).

**Пойтахти**..... Найроби шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Момбаса, Накуру, Кисуму.

**Расмий тили**..... суахили ва инглиз тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига).** 1020 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....чай, кофе, нефть маҳсулотлари, балик ва цемент.

**Импорт**.....машина ва транспорт ускуналари, нефть маҳсулотлари, темир ва пўлат.

**Миллий валютаси**..... Кения шиллинги.

**Дини**..... насронийлик, анъанавий эътиқодлар ва ислом.

**Мустақиллик куни**..... 12. 12. 1963.

**Миллий байрами**..... 12 декабрь – Мустақиллик куни.

**Чегаралари**..... шимолда Эфиопия, шимоли-ғарбда Судан, ғарбда Уганда, жанубда Танзания, шарқда Сомали, жануби-шарқда Ҳинд океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Кения республикаси Шарқий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 7 вилоят (province)га ва пойтахт округига бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Хамдўстликка киради. Амалдаги конституцияси 1969 йилда қабул қилинган, кейинчалик тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи президент (1978 йилдан Даниэль Арап Мои). У умумий бевосита овоз бериш йўли билан 5 йилга сайланади ва қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент ва Миллат мажлиси (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятини президент, вице-президент ва ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Демократик партия – 1992 йилда тузилган; Кения африкаликлар миллий иттифоқи (КАНУ)га – 1960 йилда асос олинган; Миллий ривожланиш партияси – 1994 йилда тузилган; Социал-демократик партиясига – 1992 йилда асос солинган; Форд-асили ва Форд-Кения партия-

## КОНГО

лари - 1992 йил октябрда тузилган. Кения касаба уюшмалари марказий ташкилоти - 1965 йилда тузилган.

Кения 1963 йил 16 декабрдан БМТ аъзоси.

Аҳолисининг 66%ни бенуэ-конго тилларида сўзлашувчи халқлар ташкил этади. Уларнинг асосийлари: кикуйю, лухя, камба, кииси, меру ва бошқалар. Кенияда хиндлар, европаликлар, араблар ва бошқа халқлар ҳам яшайди. Аҳолининг катта қисми маҳаллий динларга эътиқод қилади, қолганлари насронийлар, мусулмонлар. Жами аҳолининг 25,3%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Кения - аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликнинг улуши 24%, саноатнинг улуши 10%га яқин. Иқтисодиётнинг асосини ҳам, мамлакат экспортининг катта қисмини ҳам қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Сайёҳлик ривожланган.

**Валютаси.** 78,75 Кения шиллинги 1 АҚШ долларига тенг (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 3,7 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 2,4 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Буюк Британия, БАА, Япония, АҚШ, Уганда, Танзания, Покистон.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 24.120;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 20.000, ҳарбий денгиз флотида 1.620, ҳарбий ҳаво кучларида 2.500 киши хизмат қилади.

Курол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 снарядли кема ва 2 патруль кемаси бор. 5.000 та кишидан иборат ярим ҳарбийлашган умумий полиция хизмати бор.

**Табиати.** Кения Шарқий Африка ясситоглигининг (шарқда баландлиги 500 м. ва ғарбда баландлиги 1500 м.) шимоли-шарқий чеккасида жойлашган. Ҳинд океани соҳили тик ва қўлтиқлари кам. Жанубдан шимолга томон кенгайиб (50-200 км.) борадиган текислик бор. Унга туташ ботикнинг атрофи тоғ тизмалари (шарқда Абердэр, баландлиги 400 м. гача, ғарбда Мау ва Элпейо, баландлиги 3000 м. гача) ва сўнган вулқонлар (Кения тоғи, 5199 м. энг

баланд чўққи), Виктория кўли атрофи камбар текислик билан ўралган. Кения экватор иқлим минтақасида жойлашган. Соҳилда ҳарорат иссиқ, ясситогликда салқинроқ. Дарёлари кичик, кам сувли, айримларидагина кема қатнайди. Катталари: Тана, Галана. Оқмас кўллар кўп (улардан энг каттаси Рудольф кўли).

### 71. КОНГО

Конго Демократик Республикаси  
(Republique Democratique du Congo.  
1971-97 йилларда Зоир Республикаси)

**Майдони**..... 2 345 410 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 53,2 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Киншаса шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Лубумбаши, Мбужи-Майи, Кисангани.  
**Расмий тили**.....француз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** 640 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....олмос, кумуш, кофе, кобальт ва нефть.  
**Импорт**.....озиқ-овқат товарлари, транспорт ускуналари, ёнилғи, кончилик ва бошқа техника воситалари.  
**Миллий валютаси**.....конголез франки.  
**Дини**.....насронийлик, ислом ва анъанавий эътиқодлар.  
**Мустақиллик куни**.....30. 06. 1960.  
**Миллий байрами**.....30 июнь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....шимолда Судан ва МАР, шарқда Уганда, Руанда ва Бурунди, жанубда Замбия, жануби-ғарбда Ангола ва Конго билан чегарадош. Шарқда Танганьика кўли КДРни Танзаниядан ажратиб туради.  
**Давлат тузуми.** Конго республикаси Марказий Африкада жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 11 вилоят (province)га бўлинади. Давлат ва ҳукумат бошлиғи президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни ҳукумат ва Ўтиш парламенти томонидан қабул этиладиган декрет-қонунлар орқали президент амалга оширади. Ижроия ҳокимиятини ҳам президент амалга оширади; у ҳукумат аъзоларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. 1960 йил 30 июнда мустақил Конго миллий ҳаракати партия-

## КОНГО

си раҳбари Патрис Лумумба бош вазир, Ж.Кавубу президент лавозимини эгаллади.

1960 йил 20 сентябрда Конго Демократик Республикаси БМТга қабул қилинди. Республика раҳбарлари ўртасидаги келишмовчиликлар мамлакат мустақиллигига раҳна сола бошлади. 1960 йили Бельгия қўшинлари европаликларни ҳимоя қилиш баҳонаси билан Конгога бостириб кирди. Босқинчиларни даф қилиш учун Лумумба илтимоси билан Конгога БМТ армияси киритилди. Лекин бу армиянинг сустркашлиги натижасида миллий ҳукумат ҳокимиятдан четлатилиб, ватанпарвар раҳбарлар таъқиб қилинди. Лумумба ваҳшиёна ўлдирилди (1961 йил, январь). С.Адула бошлиқ янги ҳукумат тузилди (1961 йил, июль). 1964 йили Конго Демократик Республика деб эълон қилинди. 1965 йил 25 ноябрда ҳукумат армия қўлига ўтди. Унинг бош қўмондони генерал-лейтенант С.С.Мобуту мамлакат президенти деб эълон қилинди. 1997 йили давлат тўнтариши натижасида президент Мобуту лавозимидан четлатилди. Демократ кучлар уюшмасининг раҳбари Лоран-Дезире Кабила ҳокимият тепасига келди. 2001 йилдан мамлакат президенти Жозеф Кабила.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Конго озодлиги ҳаракати - 1998 йили тузилган; Демократия учун конголиклар уюшмаси - 1998 йили ташкил этилган; Инқилобий халқ ҳаракатига - 1967 йилда асос солинган; Демократия ва ижтимоий тараққиёт иттифоқи - 1982 йилда тузилган; Федералчилар ва мустақил республикачилар иттифоқи - 1990 йилда тузилган; Конго меҳнаткашлари миллий бирлашмаси - бирлашган касаба уюшма марказига - 1967 йилда асос солинган.

**Аҳолиси.** Конгода 300 дан ортиқ қабила ва элатлар: луба, конго, руанда, азонда, банги, тва ва бошқалар бор. Аҳолининг 30% га яқини катта шаҳарларда яшайди. Аҳолининг ярмига яқини маҳаллий динларга, қолганлари насроний динига эътиқод қилади.

**Иқтисодиёти.** Конго - кон ва рангли металлургия саноати ривожланган аграр мамлакат. Хўжалиги ташқи бозор учун минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёси ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 31,4%,

кончилик саноати улуши 26,9%, савдо ва хизмат кўрсатиш улуши 33,9%.

**Валютаси.** 50 конголез франки 1 АҚШ доллариغا тенг (2001 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,49 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 1,26 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Бенилюкс, ЖАР, Финляндия, Италия, Нигерия, Кения, Хитой.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 64.800;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 60.000, ҳарбий денгиз флотиди 1.800, ҳарбий ҳаво кучларида 3.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 патруль кемаси бор. Ярим ҳарбийлашган миллий полиция ва халқ мудофааси кучлари мавжуд.

**Табиати.** Конго ҳудуди Шимолий ва Жанубий ярим шарларнинг экваториал ва субэкваториал минтақалари қирлари билан ўралган Конго ботиғида жойлашган. Жанубда баландлиги 700-1000 м. дан 1200-1300 м. гача бўлган супасимон платолар бор. Шаба вилоятидаги Митумба тоғлари (1889 м.), Маника (1679 м.) ва Кунделунгу (1772 м.) платолари кенг тектоник ботиқлар билан ажралган. Шарқий чегараси бўйлаб баландлиги 2000-3000 м. ли тоғлар жойлашган. Энг баланд жойи Конго ва Уганда чегарасидаги Рувензори тоғи (5109 м.). Сўнмаган вулқонлар бор. Кучли zilзилалар бўлиб туради. Иқлими мамлакат шимолида экваториал, ҳаминша серёгин, жанубда ва чекка шимолда субэкваториал. Ёзи серёгин, қиши қуруқ. Шарқи ва жануби-шарқидаги тоғларда иқлим салқинроқ. Дарёлари кўп ва сереув. Энг катта дарёси Конго ва унинг ирмоқлари. Мамлакат ҳудудининг 9/10 қисми Конго дарёси ҳавзасида жойлашган. Конгода Киву, Танганьика, Мверу, Тумба ва бошқа кўллар бор.

### 72. КОНГО

Конго Республикаси (Republique du Congo)

Майдони..... 342 000 км<sup>2</sup>.  
Аҳолиси..... 3,8 млн (2003 йил).

## КОНГО

**Пойтахти**.....Бразавиль шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Пуэнт-Нуар, Лубомо, Мосенжо.  
**Расмий тили**..... француз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**. 640 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....нефть, ёғоч, фанера, шакар, какао, кофе, олма.  
**Импорт**.....нефть маҳсулотлари, қурилиш жиҳозлари ва материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**.....КФА франки.  
**Дини**.....насронийлик, анъанавий эътиқодлар ва ислом.  
**Мустақиллик куни**.....15. 08. 1960.  
**Миллий байрами**.....15 август - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....шимолда Камерун ва МАР, шарқ ва жанубда КДР, жануби-ғарбда Ангола, ғарбда Габон билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Конго республикаси Марказий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 10 вилоят (region)га бўлинади. Давлат бошлиғи президент (1997 йилдан Дени Сассунгессо). Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент (Миллий ўтиш кенгаши). Ижроия ҳокимияти бўлган ҳукуматга президент бошчилик қилади.  
**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари**. Конго меҳнат партияси - 1969 йилда тузилган; Конго демократия ва муштарак ривожланиш ҳаракатига - 1990 йилда асос солинган; Демократия ва ривожланиш учун бирлашма - 1990 йилда ташкил этилган; Демократия ва ижтимоий тараққиёт учун бирлашма - 1990 йилда тузилган; Бирлашган демократик кучларга - 1994 йилда асос солинган; Ижтимоий демократия учун Африкааро иттифоқ партияси, Конго касаба уюшмалари конфедерацияси - 1964 йилда тузилган, Африка касаба уюшмалари бирлиги ташкилотига ва Жаҳон касаба уюшмалари федерациясига киради.  
1960 йилнинг 20 сентябридан БМТ аъзоси. 1969 йил 30 декабрда Халқ республикаси деб эълон қилинди. 1991 йилдан мамлакат Конго Республикаси деб атала бошланди.

**Аҳолиси** банту тили оиласига мансуб халқлар (конго, теке, мбоши, санга, бобангилар) дан иборат. Тропик ўрмонларда пигмей қабилалари яшайди. Аҳолининг 46% шаҳарларда истиқомат қилади. Диндорлар, асосан, насронийлар, протестантлар, бир қисми анъанавий динларга эътиқод қилади, мусулмонлар ҳам бор.

**Иқтисодиёти**. Конго - аграр мамлакат. Иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги, қончилик ва ўрмончилик ташкил этади. Аҳолининг 60% қишлоқ хўжалигида банд. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, баликчиликнинг улуши 14%, саноат ва қурилишнинг улуши 37%.

**Валютаси**. 696,99 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 870 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 2,6 млрд. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари**. АҚШ, Бенилюкс, Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Хитой.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 10.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 8.000, ҳарбий денгиз флотида 800, ҳарбий ҳаво кучларида 1.200 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 3 патруль кемаси бор. Ярим ҳарбийлашган 2.000 кишидан иборат жандармерияси мавжуд.

**Табиати**. Мамлакат ҳудуди, асосан, Конго ботиғида жойлашган. Майомбе тоғлари (Саландлиги 930 м. гача) камбар (эни 40-50 км.) денгиз бўйи пасттекислигига туташиб кетади. Мамлакатнинг шимоли-ғарби текислик бўлиб, унда айрим тоғлар қад кўтарган (Набемба чўққиси 1000 м.). Конгонинг қолган қисми ботқоқлашган аллювиал текисликлардан иборат. Иқлими иссиқ; шимоли сернам экваториал, жануби қуруқ субэкваториал. Дарё кўп, ҳаммаси серсув. Катталари Конго ва унинг ўнг ирмоқлари Убанги, Санга, Ликвала, Алима. Кема қатнайди.

## 73. КОТ-Д'ИВУАР

Кот-д'Ивуар Республикаси  
(Republique de Cote d'Ivoire)  
1986 йилгача Фил Суяги Қирроғи

**Майдони**..... 322 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....16,8 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Ямускро шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Абиджан, Бваке, Далола, Ман, Корхого.  
**Расмий тили**.....француз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**. 1390 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....какао, кофе, нефть, ўрмон маҳсулотлари, пахта, банан, ананас, пальма ёғи ва балиқ.  
**Импорт**.....озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари, ишлаб чиқариш воситалари, ёнилғи ва транспорт ускуналари.  
**Миллий валютаси**.....КФА франки.  
**Дини**.....анъанавий динлар, ислом ва насронийлик.  
**Мустақиллик куни**..... 7. 08. 1960.  
**Миллий байрами**..... 7 август – Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**..... шимолда Мали ва Буркина-Фасо, шарқда Гана, ғарбда Гвинея ва Либерия, жанубда Атлантика океани билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Кот-д'Ивуар республикаси Ғарбий Африкада, Атлантика океани соҳида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 50 департаментга бўлинади. Амалдаги конституцияси 2000 йил 23 июлдаги референдумда маъқулланган. Давлат бошлиғи – президент (2000 йилдан Лоран Гбагбо). У бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва яна бир марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллат мажлиси (бир палатали парламент) амалга оширади. Унинг 225 депутати умумий яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятини президент ва ҳукумат амалга оширади.  
**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари**. Кот-д'Ивуар демократик партияси - 1946 йилда тузилган; Ивуар меҳнаткашлар партияси -

1990 йилдан ошқора ишлай бошлаган; Ивуар халқ жабҳаси - 1982 йилда тузилган, 1990 йилдан ошқора ишлай бошлаган; Республикачилар бирлашмаси - 1994 йил ташкил этилган; Социал-демократлар иттифоқи - 1990 йилдан ошқора ишлай бошлаган; Кот-д'Ивуар меҳнаткашлар умумий иттифоқи касаба уюшмаси - 1962 йилда тузилган, Африка касаба уюшмалари бирлиги ташкилотига ва Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерациясига киради.  
 Кот-д'Ивуар 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси.  
**Аҳолиси, асосан, ква, кру, вольта, манде тил гуруҳига мансуб бате, бауле, анви, синдфо, малинке, дан, лоби ва бошқа элатлардан иборат. 2 миллиондан ортиқ ажнабийлар бор. Мамлакатнинг марказий қисми, Абиджан шаҳри ва унинг атрофида аҳоли зич жойлашган. Аҳолисининг тахминан 41%и шаҳарларда яшайди.**  
**Иқтисодиёти**. Кот-д'Ивуар - аграр мамлакат. Саноати нисбатан дуруст ривожланган. Қишлоқ хўжалиги ялпи миллий маҳсулотнинг 35,7%ни, экспорт тушумларининг 70%дан кўпроғини таъминлайди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 30% қишлоқ хўжалигида банд. Саноати ялпи миллий маҳсулотнинг 26%ни ишлаб чиқаради. Сайёҳлик ривожланмоқда.  
**Валютаси**. 699,21 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг.  
 Ташқи савдода импортнинг улуши 2,5 млрд. АҚШ доллари.  
 Экспортнинг улуши 6,06 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Савдо соҳасидаги шериклари**. Франция, Нидерландия, АҚШ, Германия, Италия, Нигерия ва Хитой.  
**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:  
     фаоллар – 17.050 (Президент ҳимояси ва жандармерия билан);  
     захирадагилар – 10.000;  
 шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 6.500, ҳарбий денгиз флотиди 900, ҳарбий ҳаво кучларида 700 киши хизмат қилади.  
 Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирроқ қўшинларида 2 патруль кемаси бор.

## ЛЕСОТО

Ярим ҳарбийлашган 1.350 нафар Президент ҳимояси, 7.600 нафар жандармерия ва 1.500 нафар милиция ходимлари мавжуд.

**Табиати.** Кот-д'Ивуар экваториал ва субэкваториал минтақаларда жойлашган. Гвинея қўлтигининг соҳили гарбда тик ва қояли, шарқда, асосан, текис, кўрфазларда кема қатнаши мумкин. Иқлими – жанубда экваториал, доим сернам, қолган ҳудудларда субэкваториал иқлим. Асосий дарёлари: Кавалли, Сасандра, Бандама, Комоэдир.

### 74. ЛЕСОТО

Лесото Қироллиги (Kingdom of Lesotho)

**Майдони**..... 30 355 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 1,8 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Масеру шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Лерибе, Мафетент, Теятеяненг.  
**Расмий тили**..... сесуто ва инглиз тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....3120 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....сансат товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, жун ва уй ҳайвонлари.  
**Импорт**.....озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, транспорт воситалари, нефть маҳсулотлари, техника ва дори- дармонлар.  
**Миллий валютаси**..... лоти ва ЖАР ранди.  
**Дини**.....насронийлик ва маҳаллий динлар.  
**Мустақиллик куни**.....4. 10. 1966.  
**Миллий байрами**..... 4 октябрь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**..... ЖАР ҳудуди билан ўралган.  
**Давлат тузуми.** Лесото – конституциявий монархия. Жанубий Африкадаги давлат. ЖАР ҳудуди ичида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 10 округ (district)га бўлинган. Амалдаги конституцияси 1993 йилда қабул қилинган. 2001 йил мартда тузатишлар киритилган. Буюк Британия бошчилигидаги Хамдўстлик таркибига киради. Давлат бошлиғи – қирол (1996 йилдан Летсие III). Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент – Миллат мажлиси ва сенатдан иборат. Ижроия

ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Басуто миллий партиясига - 1959 йилда асос солинган; Марематлу озодлик партияси - 1962 йилда тузилган; Лесото конгресси демократия учун партияси - 1997 йилда асос солинган; Лесото бирлашган демократик партияси - 1969 йилда тузилган. Лесото эркин касаба уюшмалари конгресси фаолият кўрсатади.

Лесото 1966 йил 17 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 29 январда тан олган.

**Аҳолисининг 98%га яқини африкаликлар,** асосан, суро элати, шунингдек, зулулар, инглизлар ва бошқалар яшайди. Шаҳар аҳолиси 19%.

**Иқтисодиёти.** Лесото – Африкада иқтисодий жиҳатдан заиф ривожланган аграр мамлакатлардан бири. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўпгина қисми ЖАРга бориб ишлашга мажбур. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 12%, қишлоқ хўжалигининг улуши 12,3%. Ташқи савдода экспортнинг 85% ва импортнинг 90%и ЖАРга тўғри келади.

**Валютаси.** 10,54 Лесото лоти 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 700 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 427 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Жанубий Африка божхона иттифоқи, Шимолий Америка ва Осиё давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 2.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 2.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас.

**Табиати.** Лесото тоғли мамлакат, Басуто платосида (ўртача баландлиги 2300–3000 м.) жойлашган. Платони шарқ ва жануб томондан Дракон тоғлари ўраб туради. Иқлими тропик, қуруқ континентал. Дарёлари гидроэнергияга бой; энг каттаси Оранж.

**75.ЛИБЕРИЯ**

Либерия Республикаси  
(Republic of Liberia)

**Майдони**..... 111 400 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 3,4 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Монровия шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Ганта, Бьокенен, Харпер, Робертспор.  
**Расмий тили**..... инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 1100 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**..... олмос, темир рудаси, каучук, ўрмончилик маҳсулотлари, кофе ва какао.  
**Импорт**..... турли хилдаги ёнилғи, кимёвий дорилар, техника, транспорт ускуналари, саноат товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**..... Либерия доллари.  
**Дини**..... анъанавий динлар ва ислом  
**Мустақиллик куни**..... 26. 07. 1847.  
**Миллий байрами**..... 26 июль - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**..... шимолда Гвинея, шарқда Кот-д'Ивуар, шимоли-ғарбда Сьерра-Леоне, ғарб ва жанубда Атлантика океани билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Либерия республикаси Ғарбий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 14 графлик (country) ва 4 худуд (territory)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1986 йил қабул қилинган Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент (1997 йил 2 августдан Ч.Тейлор). У умумий бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 6 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият – парламент, у 2 палатадан иборат: вакиллар палатаси ва сенат.  
**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари**. Миллий ватанпарварлар партияси, Либерия миллий-демократик партияси, Умумлиберия коалицияси партияси – учаласи ҳам 1996 йилда тузилган; Бирлик партиясига – 1997 йилда асос солинган. Либерия касаба уюшмалари федерацияси – 1980 йилда тузилган.  
 Либерия 1945 йил 2 ноябрдан БМТ аъзоси.  
**Аҳолисининг кўпчилиги** манде халқлари (кпел-

ле, лома, мано ва бошқалар) тилларида сўзлашувчи ўзаро яқин элатлардан иборат. Либериянинг жанубий қисмида ва соҳилда гвинея гуруҳига мансуб халқлар (кру, гребо, кран, гере ва бошқалар), шимоли-ғарбида атлантика гуруҳи тилига мансуб халқлар (гола, киси ва бошқалар) яшайди. Аҳолининг 2% америкалик негрлар авлодлари. Шаҳар аҳолиси 46%.  
**Иқтисодиёти**. Либерия – аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 17%, шу жумладан, кончилик саноатининг улуши 10%. Хўжаликнинг етакчи тармоғи – табиий каучук ишлаб чиқариш ва темир рудаси қазиб олиш (Африкада 1-ўринда).

**Валютаси**. 0,99 Либерия доллари 1 АҚШ долларига тенг.  
 Ташқи савдода импортнинг улуши 170 млн. АҚШ доллари.  
 Экспортнинг улуши 615 млн. АҚШ доллари (2003 йил).  
**Савдо соҳасидаги шериклари**. Бельгия, Швейцария, Франция, АҚШ, Германия, Италия, Жанубий Корея ва Япония.  
**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 11–15.000;

Уларнинг барчаси ҳукуматнинг милиция кучларидир.

**Табиати**. Соҳили кўрфазларга бой пасттекислик, кўп жойларида токембрий кристали ер юзига чиқиб ётади. Ер сатҳи мамлакат ичкарисига томон баландлашиб, Леон-Либерия қирига уланиб кетади. Энг баланд жой 1381 м. (Колахун тоғи). Иқлими иссиқ ва сернам. Дарё кўп, уларнинг аксари Леон-Либерия қиридан бошланиб, Атлантика океанига қуйилади. Катта дарёлари: Мано, Лоффа, Сент-Пол, Сент-Жол, Сесс ва бошқалар.

**76. ЛИВИЯ**

Ливия Араб Социалистик Халқ  
Жамаҳирияси (al-Jamahariyah al-Arabiya al-Libya al-Shabiya)

**Майдони**..... 1 759 540 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 5 500 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Триполи шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Бинғози ва Мисурата.

## МАВРИКИЙ

- Расмий тили**.....араб тили.
- ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....6200 АҚШ доллари.(2002 йил).
- Экспорт**..... нефть ва нефть маҳсулотлари.
- Импорт**.....техника, транспорт ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарлари.
- Миллий валютаси**..... Ливия динари.
- Дини**.....ислом.
- Мустақиллик куни**.....24. 12. 1951.
- Миллий байрами**.....1 сентябрь - Инқилоб куни (1969).
- Чегаралари**.....шимоли-ғарбда Тунис, ғарбда Жазоир, жанубда Нигерия, Чад ва Судан, шарқда Миср, шимолда Ўрта ер денгизи билан ўралган.
- Давлат тузуми.** Ливия - жамаҳирия (халқ оммаси давлати). Шимолий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 13 вилоят (ба-ладиййа)га бўлинади. Конституцияси йўқ. Раҳбар орган - Инқилобий (Тарихий) раҳбарият. Қонун чиқарувчи орган - умумий халқ конгресси. Ижроия ҳокимияти - ҳуку-мат вазифасини бажарувчи Олий Халқ қўмитаси. Давлат бошлиғи - Ливия инқи-лоби раҳбари, Ливия Араб Социалистик Халқ Жамаҳирияси бошлиғи Муаммар Қаз-зофий (Қаддафий). Ливияда сиёсий партия-лар йўқ. Ливия Жамаҳирияси ишлаб чиқа-рувчилар касаба конгресслари уюшмаси умумий конгресси 1972 йилда тузилган. Ливия 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олган.
- Аҳолисининг 98%и** араблар - барбар, туарег ва тублар, катта шаҳарларида европалик (асо-сан, итальян)лар ҳам яшайди. 90% аҳоли мам-лакатнинг шимолий қисмида, чўлда сийрак яшайди, бир қисми кўчманчи. Аҳолининг 82%и шаҳарларда яшайди (1990).
- Иқтисодиёти.** Ливия ривожланаётган мамла-катлар қаторига киради. Иқтисодиётининг асоси - нефть қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш саноати. Ялпи ички маҳсулотда сано-атнинг улуши 35,6%, қишлоқ хўжалигининг улуши 5,5% (1989).
- Валютаси.** 1,2 Ливия динари 1 АҚШ долла-рига тенг. (2003 йил).
- Ташқи савдода импортнинг улуши 6,3 млрд. АҚШ доллари.
- Экспортнинг улуши 11,8 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).
- Савдо соҳасидаги шериклари.** Италия, Гер-мания, Испания, Франция, Туркия, Тунис, Буюк Британия ва Жанубий Корея.
- Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:
- фаоллар - 76.000,  
захирадагилар - 40.000;
- шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 45.000, ҳарбий денгиз флотида 8.000, ҳарбий ҳаво кучларида 23000 киши хизмат қилади.
- Қурол-яроғи замонавий. 1 сув ости кемаси ва 1 кўриқчи кемага эга. Патруль ва қирғоқ қўшин-ларида 1 корвет (баландлиги 2286 м. гача) бор.
- Табиати.** Мамлакатнинг шарқий қисмини Ли-вий чўли эгаллаган. Иқлими тропик, чўлга хос иқлим. Йссиқ ва қуруқ, «ҳамсин» шамоли эсиб туради. Доимий оқувчи дарёлари йўқ.

## 77. МАВРИКИЙ

Маврикий Республикаси  
(Republic of Mauritius)

- Майдони**.....2 045 км<sup>2</sup>.
- Аҳолиси**.....1,23 млн (2003 йил).
- Пойтахти**.....Порт-Луи шаҳри.
- Катта шаҳарлари**.....Бо-Бассен-Роз-Хилл, Вакоа- Феникс.
- Расмий тили**.....инглиз тили.
- ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....11 260 АҚШ дол-лари. (2003 йил).
- Экспорт**.....кийим-кечак ва тўқи-мачилик маҳсулотлари, шакар ва гуллар.
- Импорт**.....саноат товарла-ри, ишлаб чиқариш ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотлари, нефть маҳсулотлари ва кимё-вий дорилар.
- Миллий валютаси**.....Маврикий рупия-си.
- Дини**.....ҳиндуизм, нас-ронийлик ва ислом.
- Мустақиллик куни**.....12. 03. 1968.
- Миллий байрами**.....12 март - Мус-тақиллик куни.
- Давлат тузуми.** Маврикий республикаси Ҳинд океанининг ғарбий қисмида, Мадагаскар оро-

## МАВРИТАНИЯ

лидан шарқда жойлашган давлат. Маврикий, Родригес, Каргадос-Карахос ва Агалега ороллари, Чагос архипелагини ўз ичига олади (1982 йилда Маврикий парламенти Чагос архипелагини мамлакат ҳудудининг ажралмас қисми деб эълон қилган. Буюк Британия эса бу архипелагни тортиб олиб, унинг таркибидаги Диего-Гарсия оролини АҚШга 50 йилга ижарага топширган). Маъмурий жиҳатдан 5 шаҳар ва 9 округ (district)га бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик аъзоси. Амалдаги конституцияси 1968 йилда қабул қилинган ва кейинчалик қўшимчалар киритилган. Давлат бошлиғи – президент (1992 йилдан Кассем Утим). У парламент депутатларининг оддий кўпчилик овози билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият – Миллий ассамблея (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиятини Вазирлар кенгаши амалга оширади. Бош вазир ва вазирларни президент тайинлайди.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Маврикий лейбористлар партияси – 1936 йилда тузилган; Маврикий социал-демократик партиясига – 1955 йилда асос солинган; Жанговар социалистик ҳаракат – 1983 йилда тузилган; Маврикий жанговар ҳаракати – 1969 йилда тузилган; Родригес халқ ташкилотига – 1982 йилда асос солинган; Ишчилар умумий Федерацияси 53 тармоқ касаба уюшмасини бирлаштиради – 1971 йил ташкил этилган; Маврикий меҳнат конгресси – 1963 йилда тузилган.

Маврикий 1968 йил 24 апрелдан БМТ аъзоси. **Аҳолиси**, асосан, ҳинд-маврикийлар (69%), креоллар (27%). Аҳолининг 50%га яқини ҳинду, 33% насрокий, 16% ислом динига эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси 41%.

**Иқтисодиёти.** Маврикий – саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ ва ўрмон хўжалиғи ҳамда балиқчиликнинг улуши 10,4%, саноат, асосан, қайта ишлаш тармоқларининг улуши 23%. Ҳудудининг 56% экинзор ва боғлардан иборат.

**Валютаси.** 29,96 Маврикий рупияси 1 АҚШ долларига тенг. (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 2,3 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 1,6 млрд. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Буюк Британия, Франция, АҚШ, Германия, Италия, ЖАР ва Ҳиндистон.

**Ҳарбий салоҳияти.** Ярим ҳарбийлашганлар 2.000 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 1.500 нафари махсус кўчма кучлар ва 500 нафари қирғоқ ҳимоячиларидир. Қирғоқ ҳимоячиларида 4 та патруль кемаси бор. Шунингдек, полициянинг авиация отряди ҳам мавжуд.

**Табиати.** Ороллар вулқонлар отилишидан пайдо бўлган, базальт, доломит ва туфлардан тузилган. Оролларнинг ўрта қисми 600 м. гача баландликдаги плато, шимоли ва шарқдаги соҳили камбар текислик. Родригес оролининг баландлиги 396 м. гача. Қирғоқлар оролга ўтишни қийинлаштирувчи маржон рифлари билан ўралган. Тропик денгиз иқлими. Дарёлари камсув, қурғоқчил даврда қурийдди, энг каттаси – Гранд-Ривьер.

### 78. МАВРИТАНИЯ

Мавритания Ислом Республикаси  
(Ал-Жумҳурия ал-Исломия ал-Мавритания,  
Republique Islamique Mauritanie)

**Майдони**.....1 031 минг км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....2 700 000. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Нуакшот шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Нуадибу, Зуэрат, Каэжи.  
**Расмий тили**.....араб ва француз тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...2010 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....балиқ ва балиқ маҳсулотлари, темир рудаси ва олтин, гипс, гуруч.  
**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, нефть маҳсулотлари, ишлаб чиқариш воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва эҳтиёж моллари.  
**Миллий валютаси**.....угия.  
**Дини**.....ислом.  
**Мустақиллик куни**.....28. 11. 1960.  
**Миллий байрами**.....28 ноябрь – Мустақиллик куни  
**Чегаралари**.....шимол ва шимоли-ғарбда Ғарбий Саҳрои Кабир, шимоли-шарқда Жазоир, шарқ ва жанубда Мали, жануби-ғарбда Сенегал, ғарбда Атлантика океани билан ўралган.

## МАДАГАСКАР

**Давлат тузуми.** Мавритания республикаси Африканинг шимоли-ғарбидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 12 вилоят (region)га бўлинади, пойтахти – Нуакшот шаҳри мухтор округ (district) сифатида ажратилган. Амалдаги конституцияси 1991 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент (1992 йилдан полковник Мауйя улд Сиди Аҳмад Тайя). У умумий бево-сита овоз бериш йўли билан 6 йил муддатга сайланади ва бир неча марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият – 2 пала-тали парламент (Миллий ассамблея ва Сенат). Ижроия ҳокимиятини президент бошчилиги-даги ҳукумат амалга оширади, бош вазирни президент тайинлайди.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Рес-публикачилар социал-демократик партияси - 1991 йилда тузилган; Демократия ва бирлик йўлидаги бирлашма - 1991 йилда ташкил топ-ган; Мавритания уйғониш партияси - 1991 йилда асос солинган; Мавритания меҳнатқаш-лар иттифоқи – бирлашган умуммиллий ка-саба маркази - 1961 йилда тузилган, Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерациясига киради.

Мавритания 1961 йил 27 октябрдан БМТ аъзоси. **Аҳолиси.** Мавритания туб аҳолисининг 80%дан кўпроғини маврлар ташкил этади. Улар араб тилининг ҳасанийа шеvasида сўзлашади, шунингдек, барбар-зенагалар, фулюбe, волоф, тукулер, сонинке ва бошқа халқлар яшайди. Аҳолисининг 39% шаҳар-ларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Мавритания – аграр мамла-кат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжали-гининг (балиқчилик билан бирга) улуши 30%, саноат улуши 19,2%. Ишлаб чиқарувчи куч-лар кам ривожланган.

**Валютаси.** 274 Мавритания утиyasi 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 305 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 369 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Япония ва ЕИ. **Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 15.750;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да

15.000, ҳарбий денгиз флотиди 500, ҳарбий ҳаво кучларида 250 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 7 патруль кемаси бор. Ярим ҳарбийлашган хизматчиларнинг 3.000 нафари жандармерия ва 2.000 нафари мил-лий гвардия ходимларидир. Шунингдек, бож-хоначилар ҳам бор.

**Табиати.** Мавританиянинг кўп қисми Ғарбий Саҳрои Кабирнинг қумли ва тошлоқ чўлла-ри, Атлантика океанига туташ соҳили паст-текисликдир. Ер юзасида пасттекисликлар ва унча баланд бўлмаган платолар кўп. Иқлими тропик чўл иқлими. Шарқдан тез-тез иссиқ шамол эсиб туради. Сенегалдан бошқа оқар дарёси йўқ.

## 79. МАДАГАСКАР

(Madagasikar)

**Майдони**..... 587 040 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 16,9 млн (2003 йил).

**Пойтахти**..... Антананариву шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Туамасина, Махад-занга, Анцеранана, Фианаранцуа, Тулиара, Анцирабе.

**Расмий тили**..... француз ва ма-лагаси тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....800 АҚШ долла-ри. (2003 йил).

**Экспорт**.....кофе, моллюска-лар, шакар, нефть маҳсулотлари, хромит, ип газламалар.

**Импорт**.....ярим фабрикатлар, ишлаб чиқариш воситалари, нефть, эҳтиёж моллари ва озиқ-овқат.

**Миллий валютаси**.....малагаси франки.

**Дини**..... маҳаллий анъана-вий динлар, насронийлик, ислом.

**Мустақиллик куни**.....26. 06. 1960.

**Миллий байрами**.....26 июнь - Мус-тақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Мадагаскар республикаси Ҳинд океанининг ғарбида, Африканинг жану-би-шарқий қирғоғидан 400 км. шарқдаги Ма-дагаскар ороли ва унга ёндош майда ороллар-да жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 6 мухтор минтақага бўлинади. Амалдаги консти-туцияси 1992 йил 12 сентябрда қабул қилин-

## МАЛАВИ

ган, 1998 йил 15 мартда унга тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи – президент (2002 йилдан Марк Раваломана). У бевосита умумий овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва бир марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият – 2 палатали парламент (Миллат мажлиси ва Сенат). Ижроия ҳокимиятини президент тайинлайдиган бош вазир ва ҳукумат амалга оширади.

**Сийёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Мадагаскар мустақиллиги конгресси партияси – 1958 йилда тузилган; Мадагаскар мустақиллиги учун миллий ҳаракат партиясига – 1958 йилда асос солинган; Мадагаскар тараққиёт учун ҳаракат партияси – 1972 йил ташкил топган; Вундзи («Миллий бирлик халқ шижоати») партияси – 1973 йилда тузилган; Хаётбахш кучлар қўмитасига – 1991 йил асос солинган; Мадагаскар янгилаш авангарди – 1993 йил тузилган; Фихаонана партияси – 1993 йил ташкил топган. Инқилобий малагаси меҳнаткашлари касаба уюшмалари федерацияси – 1977 йил тузилган; Мадагаскар меҳнаткашлари касаба уюшмалари федерацияси – 1956 йил асос солинган.

Мадагаскар 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 4 апрелда тав олган.

**Аҳолисининг 99%га яқини малагасилар.** Французлар, араблар, ҳиндлар, покистонликлар ҳам бор. Аҳолининг 22%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Мадагаскар – аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги улуши 28,3%, саноатнинг улуши 14,6%.

**Валютаси.** 6831,96 малагаси франки 1 АҚШ долларига тенг. (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 843 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 626 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Япония ва ЕИ мамлакатлари, Хитой, Гонконг, Сингапур.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 13.500;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 12 500, ҳарбий денгиз флотида 500, ҳарбий ҳаво кучларида 500 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 8.100 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган жандармерияси бор. **Табиати.** Қирғоқлари бир оз эгри-бугри. Шарқий соҳилида қумтепалар бор, ғарбий қирғоғини маржон рифлари ўраб олган. Жанубий ва шимолий қирғоқлари баланд ва тик. Оролинг энг баланд қисми унинг шимолидаги Царатанан вулқонли массивида (2876 м). Сўнган вулқонлар кўп. Тез-тез зилзила бўлиб туради, иссиқ булоқлар бор. Иқлими тропик, шимоли-ғарбида экваториал муссонли, шарқий соҳили иссиқ ва сернам. Дарё кўп, ноябрь-апрелда серсув. Дарёларининг қуйи оқимида кема қатнайди. Катта дарёлари: Суфия, Бецибука, Махавави, Мангуки, Унилахи. Энг катта қўли – Алаутра.

### 80. МАЛАВИ

Малави Республикаси (Republic of Malawi)

**Майдони**..... 118 4802 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 11 000 000 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Лилонгве шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Блантайр-Лимбе, Зомба.

**Расмий тили**..... чичева (малави) ва инглиз тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...600 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....тамаки, чой, шакар, пахта, кофе, ерёнғоқ, ўрмончилик маҳсулотлари.

**Импорт**..... озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари, ярим фабрикатлар, эҳтиёж моллари, транспорт ускуналари.

**Миллий валютаси**..... Малави квача.

**Дини**..... насронийлик, ислом ва маҳаллий анъанавий динлар.

**Мустақиллик куни**..... 6. 07. 1964.

**Миллий байрами**..... 6 июль – Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимол ва шимоли-шарқда Танзания, жануб ва жануби-шарқда Мозамбик, ғарбда Замбия билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Малави республикаси Шарқий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 3 вилоят (регион)га бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстликка киради. Амалдаги конституцияси 1995 йил 17 майда

қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент (1994 йилдан Бакили Мулузи), у умумий ва бевосита овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади, фақат бир марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий мажлис, ижроия ҳокимиятини эса президент билан ҳукумат амалга оширади.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Малави конгресси партияси – 1959 йилда тuzилган; Бирлашган демократик фронт партияси – 1993 йилда ташкил этилган; Демократия учун альянс сиёсий уюшмаси – 1992 йилда асос солинган. Малави касаба уюшмалари конгресси – 1964 йил ташкил этилган.

Малави 1964 йил 1 декабрдан БМТ аъзоси. **Аҳолиси**, асосан, банту халқларининг шарқий гуруҳига мансуб. Марказий ҳудудларда малави, жанубда макуа, ломве, ваяо, суахили ва бошқа халқлар яшайди. Аҳолининг 9% шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Малави – иқтисодий жиҳатдан қолоқ аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 28%, саноатнинг улуши 14,5%. Иқтисодиётининг негизи – қишлоқ хўжалиғи. Жами қишлоқ хўжалиғи маҳсулотининг 85%ни кичик деҳқон хўжаликлари етиштиради.

**Валютаси.** 76,69 Малави квачаси 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 435 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 460 млн. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЖАР, АҚШ, Нидерландия, Япония, Зимбабве, Буюк Британия, Германия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 5300;

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари) да 5.300, денгиз флотига 220 киши хизмат қилади. 2 патруль кемасига эга, шунингдек, авиациянинг ҳаво қанотида 200 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. 1500 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган кўчма полиция кучлари бор.

**Табиати.** Малави ҳудудининг кўп қисмини 3 минг м. гача баландликдаги ясситоғлик эгаллайди. Муланже массиви деб аталган ясситоғлик чуқур ботиклик сари тик тушиб

боради, унинг тубида Ньяса кўли жойлашган. Иқлими – экваториал, муссонли; ёзи серёгин (ноябрдан апрелгача), қиши қуруқ. Ньяса кўлидан оқиб чиқадиган Шире (Замбези ирмоғи) дарёси дарё ва кўл тармоқларининг асосини ташкил қилади. Жануби-шарқда каттагина Ширва шўр кўли жойлашган.

## 81. МАЛИ

Мали Республикаси (Republique du Mali)

**Майдони**..... 1,24 млн км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 11 700 000. (2003 йил).

**Пойтахти**..... Бамако шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Мопти, Сегу, Сикасо.

**Расмий тили**..... француз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** ..960 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....пахта, олтив, уй ҳайвонлари, ерёнғоқ, балиқ.

**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, нефть маҳсулотлари, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва тўқимачилик маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....КФА франки.

**Дини**.....ислом, маҳаллий эътиқодлар ва насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....22. 09. 1960.

**Миллий байрами**.....22 сентябрь – Мустақиллик куни.

**Чегаралари**..... шимолда Жазоир, шарқда Нигер, жануби-шарқда Буркина-Фасо, жанубда Кот-д’Ивуар, жануби-ғарбда Сенегал ва Гвинея, ғарбда Мавритания билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Мали республикаси Ғарбий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан Бамако ҳудуди ва 8 вилоят (регион)га бўлинган. Амалдаги конституцияси 1992 йил 12 январдаги референдумда маъқулланган. Давлат бошлиғи – президент (1992 йилдан Альфа Умар Конаре). Умумий ва бевосита овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий мажлис (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятини президент билан ҳукумат амалга оширади.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Малида демократия учун альянс – Панаф-

## МАРКАЗИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

рика озодлик, бирдамлик ва адолат партияси (АДЕМА) - 1990 йилда тузилган; Мали тараққиёт ва тикланиш партияси - 1991 йилда ташкил этилган; Демократия ва ривожланиш партиясига - 1991 йилда асос солинган; Демократик ташаббус миллий конгресси партияси - 1991 йилда тузилган; Демократия ва тараққиёт учун бирлашма партияси - 1991 йилда ташкил этилган; Тараққиёт учун демократик кучлар иттифоқи партиясига - 1991 йилда асос солинган; Судан иттифоқи - Африка демократик бирлашмаси партияси - 1946 йилда тузилган, 1968 йилда тақиқланган, 1992 йилдан яна ошқора ишлаш бошлаган. Мали меҳнаткашлари миллий бирлашмаси касаба уюшмаси - 1963 йилда асос солинган.

Мали 1960 йил 28 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 24 январда тан олган ва 1997 йил 13 февралдан дипломатик алоқалар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Малида бамбара, сонинке, малинке, фульбе, диула, сану, шунингдек, жасонке, качоро, сенуфо, догон, бобо, моси элатлари, Сахрой Кабирда туареглар, араблар яшайди. Аҳолининг қарийб 70%и маҳаллий бамбара тилида сўзлашади. Аҳолининг 25,5% шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Мали - аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши - 55%, саноатнинг улуши 12%. Иқтисодий фаол аҳолининг 75%и қишлоқ хўжалигида банд. Тез-тез бўлиб турадиган қурғоқчилик мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказди.

**Валютаси.** 696,99 КФА франки 1 АҚШ доллари тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 575 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 985 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Италия, Таиланд, Германия, Португалия, Франция, Кот-д'Ивуар, Сенегал, Бенилюкс.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 7.350;

шундан, армия (куруқлик қўшинлари)да 7350 киши, ҳарбий денгиз кучларида 50 киши хизмат қилади, 3 патруль кемасига

эга, ҳаво кучларида эса 400 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. 1800 нафар ярим ҳарбийлашган жандармерия, 2000 нафар республика химоячилари ва 1000 нафар миллий полиция ходимлари бор. Шунингдек, 3000 та милиция хизматчилари ҳам бор.

**Табиати.** Мали ҳудудининг кўп қисми Шимоллий ярим шарнинг тропик минтақасида. Ер юзасининг 90%дан кўпроғи текислик, қолган қисми тоғ ва қоялар орасидаги ўйиқ камарлардан иборат. Иқлими - тропик, иссиқ ва куруқ; жанубий чеккаси - субэкваториал. Дарёлари - Сенегал, Нигер ва уларнинг ирмоқлари.

### 82. МАРКАЗИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

(Republique Centrafricaine)

**Майдони**..... 622 984 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 3 900 000. (2003 йил).

**Пойтахти**..... Банги шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Берберати, Босангоа, Бамбари.

**Расмий тили**..... француз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....1080 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....олмос, ёғоч, пахта, кофе, тамаки.

**Импорт**.....озиқ-овқат, тўқимачилик ва нефть маҳсулотлари, машиналар, электр асбоблари, дори-дармонлар.

**Миллий валютаси**..... КФА франки.

**Дини**..... маҳаллий эътиқодлар, насронийлик ва ислом.

**Мустақиллик куни**.....13. 08. 1960.

**Миллий байрами**..... 1 декабрь - Республика куни (1958).

**Чегаралари**.....шимолда Чад, шарқда Судан, жанубда КДР, ғарбда Камерун билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Марказий Африка республикаси Марказий Африкада жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 16 префектурага бўлинади. Амалдаги конституцияси 1994 йил 28 декабрда умумхалқ референдумида маъқулланган ва 1995 йил 7 январдан кучга кирган. Давлат

бошлиги – президент. У умумий ва бевосита овоз бериш йўли билан 6 йил муддатта сайланиши ва яна бир марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият – Миллий мажлис (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятини президент билан ҳукумат амалга оширади. Вазирлар кенгашини бошқарувчи бош вазирни президент тайинлайди.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Марказий Африка халқи озодлик учун ҳаракат партияси - 1979 йилда тузилган; Марказий Африка демократик уюшмаси партияси - 1987 йилда ташкил этилган; Демократия ва тараққиёт учун иттифоқ партиясига - 1991 йилда асос солинган; Демократия ва ривожланиш учун ҳаракат партияси - 1993 йилда ташкил топган; Марказий Африка меҳнаткашлари касаба уюшмаси - 1981 йилда тузилган.

МАР 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг аксари қисмини санго тили шеваларида сўзлашувчи банда, гбайя, нгбанди, занде элатлари ташкил этади.** Мамлакат жанубида банту тили оиласига мансуб халқлар (азанде, нгири, мака) ва бошқалар яшайди. Пигмей қабилалари, шимолда Судан араблари ҳам бор. Аҳолининг аксарияти маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади, насронийлар, мусулмонлар ҳам бор. Аҳолисининг 47%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** МАР – иқтисодий жиҳатдан заиф аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликнинг улуши 41,6%, ишлаб чиқариш саноати улуши 8,8%, қон саноати улуши 2,9%ни ташкил этади. Иқтисодий фаол аҳолининг 85%и қишлоқ хўжалигида банд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг асосий қисмини майда деҳқон хўжаликлари етиштиради.

**Валютаси.** 696,99 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 154 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 130 млн. АҚШ доллари. (2003 йил.)

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Бенилюкс, Кот-д’Ивуар, Испания, Миср, Франция, Германия, Хитой ва Япония.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 2.550 киши (жандармерия билан бирга);

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 1400, ҳарбий ҳаво кучларида 150 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 1000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган жандармерияси бор.

**Табиати.** Мамлакат ҳудудининг катта қисмини Азанде қири (баландлиги 600-900 м.) эгаллаган. Қирда кенг водийлар ва баландлиги 1300-1400 мли гумбазсимон тоғлар кўп. Иқлими экваториал муссонли иқлим; иссиқ, ёзи серёмғир. Мамлакат жанубий чегаралари бўйлаб МАРнинг асосий дарёси – Убанги (Конго дарёсининг ўнг irmoғи), шимолий қисмидан Чад кўлига қуйилувчи Шари дарёси irmoқлари оқиб ўтади. Дарёлар тўлиб оққан даврда кема қатнайди.

## 83. МАРОКАШ

Ал-Мамлака ал-Мағрибия ёки Ал-Мағриб ал-Акса, (Kingdom of Morocco)

Майдони.....	446 550 км <sup>2</sup>
Аҳолиси.....	31,7 млн. (2003 йил)
Пойтахти.....	Работ шаҳри.
Катта шаҳарлари.....	Касабланка, Марокаш, Фос, Микнас, Танжер.
Расмий тили.....	араб тили.
ЯИМ (аҳоли жон бошига).....	1200 АҚШ доллари. (2003 йил).
Экспорт.....	фосфат ва ўғитлар, озиқ-овқат ва ичимликлар, минерал хом ашёлар.
Импорт.....	ярим фабрикатлар, машина ва жиҳозлар, озиқ-овқат ва ичимликлар, эҳтиёж моллари, ёнилги.
Миллий валютаси.....	Марокаш дирҳами.
Дини.....	ислом.
Мустақиллик куни.....	2. 03. 1956.
Миллий байрами.....	30 июль - Тахт куни (1999).
Чегаралари.....	шарқда Жазоир, жанубда Фарбий Саҳрои Кабир, шимолда Ўрта ер денгизи, ғарбда Атлантика океани билан ўралган.
Давлат тузуми.	Марокаш – конституциявий

монархия. Африканинг шимоли-ғарбидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 18 вилоят (вилая)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1972 йилда, унга 1992 ва 1996 йил референдумларида қабул қилинган ўзгартишлар киритилган. Давлат бошлиғи – подшоҳ (1999 йилдан Муҳаммад VI). У бош вазир ва вазирларни тайинлайди ҳамда лавозимидан бўшатади, Вазирлар Кенгашида раислик қилади, парламентни тарқатиб юбориши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни подшоҳ ва икки палатали парламент (Вакиллар палатаси ва Маслаҳатчилар палатаси), ижроия ҳокимиятини ҳукумат амалга оширади.

**Сийёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Истиқлол партияси - 1943 йилда ташкил этилган; Халқ кучлари миллий иттифоқ партияси - 1959 йилда тузилган; Тараққиёт ва социализм партиясига - 1974 йил асос солинган; Конституциячи иттифоқ - 1983 йилда таъсис этилган; Халқ ҳаракати партияси - 1959 йилда тузилган; Миллий демократик партияга - 1981 йил асос солинган; Халқ миллий ҳаракати партияси - 1991 йил ташкил этилган; Мустақил миллий уюшма - 1978 йил таъсис этилган; Халқ кучлари социалистик иттифоқи - 1974 йилда тузилган; Социал-демократик ҳаракатга - 1996 йил асос солинган; Марокаш меҳнаткашлари умумий иттифоқи - 1960 йили ташкил этилган; Марокаш меҳнат иттифоқи - 1955 йил тузилган; Демократик меҳнат конфедерациясига - 1978 йил асос солинган.

Марокаш 1956 йил 12 ноябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 13 декабрда тан олган ва 1993 йил 11 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиснинг асосий қисми** – марокашлик араблар ва барбарлар. Французлар, испанлар, португаллар ва яҳудийлар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 45,5%.

**Иқтисодиёти.** Марокаш – аграр мамлакат бўлиб, саноати, айниқса, кончилик бирмунча ривожланган. Қишлоқ хўжалиғи – Марокаш иқтисодиётининг негизи. Саноатда иқтисодий фаол аҳолининг 23% банд. Марокашда дунёдаги фосфат хом ашёси захираларининг 70% жойлашган.

**Валютаси.** 11,53 Марокаш дирҳами 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 12,2 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 7,1 млрд. АҚШ доллари. (2001 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Асосан ЕИ давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 196.300;

захирадагилар – 150.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 175.000, ҳарбий денгиз флотидида 7800, ҳарбий ҳаво кучларида 13500 киши хизмат қилади.

Курол-яроғи замонавий. 2 та қўриқчи кемага эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 4 та снарядли кема ва 23 та патруль кемаси бор.

20.000 нафар ярим ҳарбийлашган қирол жан-дармерияси ва 30.000 нафар ёрдамчи қўшинлари бор. Шунингдек, божхоначилар (қирғоқ ҳимоячилари) мавжуд.

**Табиати.** Марокаш ҳудудининг аксар қисмини тоғлар, баланд текисликлар ва плато (месета)лар эгаллайди. Жануби-ғарбдан шимоли-шарқ томон Атлас тоғлари чўзилган, унинг энг баланд нуқтаси – Тубқол тоғи (4165 м.). Атлантика океани соҳили – йирик пасттекисликлар. Марокашнинг иқлими, асосан, субтропик, тоғлардаги иқлим – континентал. Кўп дарёлари ёзда куриб қолади. Асосийлари: Мулуя, Себу, Умм-ур-Робиа.

#### 84. МИСР

Миср Араб Республикаси/Жумҳурия Миср ал-Арабия (Arabic Republic of Egypt)

**Майдони**..... 1 001 450 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....75 млн (2003 йил).

**Пойтахти**..... Қоҳира шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Искандария, Порт-Саид, Исмоилия, Танта, Сувайш, Ал-Мансура, Даманхур, Ал-Махаллат-ул-Кубро.

**Расмий тили**..... араб тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** 3000 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, пахта, тўқимачилик маҳсулотлари, металллар ва кимёвий маҳсулотлар.

**Импорт**..... машинасозлик техникалари ва саноат жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғоч-тахта, турли хилдаги ёнилғилар.

**Миллий валютаси**..... Миср фунти.

**Дини**..... ислом.

**Мустақиллик куни**..... 28. 02. 1922.

**Миллий байрами**..... 23 июль - Инқилоб куни (1952).

**Чегаралари**..... ғарбда Ливия, шимоли-шарқда Исроил, шарқда Йордания, Саудия Арабистони, жанубда Судан, шимолда Ўрта ер денгизи, шарқда Қизил денгиз билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Миср республикаси Африканинг шимоли-шарқи ва қисман Осиё (Синай ярим ороли)да жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 27 муҳофазага бўлинади. Амалдаги конституцияси 1971 йил 11 сентябрдаги референдумда маъқулланган, кейинчалик унга ўзгартиришлар киритилган. Давлат бошлиғи - президент (1981 йилдан Муҳаммад Хусний Муборак). Ваколат муддати - 6 йил. Чекланмаган марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент амалга оширади; у бош вазир ва ҳукумат аъзоларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Миллий демократик партия - 1978 йилда ташкил этилган; Миллий тараққийпарвар (сўл) партия - 1976-77 йилларда тузилган; Меҳнат партиясига - 1978 йилда асос солинган; Либераллар партияси - 1976-77 йилларда ташкил этилган, 1990 йил январгача Либерал-социалистик партия деб аталган; «Ал-Вафд» партияси - 1978 йилда тузилган; «Ал-Умма» («Миллат») партияси - 1983 йилдан ошкора фаолият юрита бошлаган. Миср меҳнат федерацияси касаба уюшмаси - 1957 йилда асос солинган, Африка касаба уюшмалари бирлиги ташкилотига киради.

Миср 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1992 йил 23 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 98%** мисрлик араблар. Нубийлар, барбарлар, копт (қибт)лар (маҳаллий

насронийлар). Мисрнинг туб аҳолиси мамлакатга келган араблар билан аралашиб кетган қадимий мисрликларнинг авлодларидир. Греклар, арманлар, италяянлар, инглизлар, французлар ҳам яшайди. Аҳоли, асосан, ислом динининг сунний мазҳабида. Насронийлар 10%ни ташкил этади. Аҳолининг 43,9%и шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Миср - аграр-саноатлашган мамлакат. Жаҳон бозорига юқори сифатли узун толали пахта ва ундан тўқилган газламаларни кўп миқдорда етказиб беради. XX асрнинг 70-йиллар охири - 80-йиллар бошларида нефть қазиб олиш ва экспорт қилиш кўпая бошлади. Иқтисодий тараққиётга, айниқса, саноат ва унга кўмаклашувчи тармоқларни ривожлантиришга эътибор кучайди. Ўтган асрнинг 90-йиллари ўргаларида ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 28,5%, қишлоқ хўжалигининг улуши 20% га етди.

**Валютаси.** 4,63 Миср фунти 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 14,6 млрд АҚШ долларлари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 6,6 млрд АҚШ долларлари (2003 йил)

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Африка ва Осиё давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 450.000;

захирадагилар - 410.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 320.000, ҳарбий денгиз флотига 20.000, ҳарбий ҳаво кучларида 30.000, ҳаво мудофааси қўмондонлигида 80.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 4 сув ости кемаси, 1 эскадра миноносеси ва 10 кўриқчи кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 25 снарядли кема ва 19 патруль кемаси бор.

250.000 нафар ярим ҳарбийлашганлар м.о.казий хавфсизлик кучлари, 60.000 нафар миллий гвардия, 20.000 нафар чегара химоячилари ва 2.000 нафар қирғоқ химоячилари бор.

**Табиати.** Миср ҳудудининг деярли ҳаммаси чўл зонасида жойлашган. Шундан фақат 3,5%и (35 минг км<sup>2</sup>) Нил дарёси дельтаси ва

водийсига тўғри келади. Рельефи ва геологик тузилиши жиҳатидан Миср ҳудуди шартли равишда тўрт зонага бўлинади: 1) Ливия чўли; 2) Арабистон чўли; 3) Синай ярим ороли; 4) Нил дарёси водийси ва дельтаси. Рельефи, асосан, текислик; Қизил денгизга яқин ерлар тоғликдир.

**Ўзбекистон-Миср муносабатлари.** Мисрнинг халқаро майдонда ва минтақадаги нуфузи, Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилишда тутган ўрни, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда принципал мавқеини ҳисобга олиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни турли соҳаларда ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Миср Ўзбекистон давлат мустақиллигини 1991 йилнинг декабрида тан олган. 1992 йилнинг январида мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1993 йилнинг майида Тошкентда Миср, 1994 йилнинг декабрида Қоҳирада Ўзбекистон элчихоналари ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил декабрида Мисрга амалга оширган ташрифи икки мамлакат муносабатлари ривожига жиддий туртки берган муҳим воқеа бўлди.

1995 йил октябрда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг Мисрга ташрифи давомида Қоҳирада расман Ўзбекистон элчихонаси очилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Миср ўртасида муҳим халқаро ва минтақавий масалалар бўйича сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш, халқаро ташкилотлар доирасида қарашларни мувофиқлаштириш, халқаро терроризм ва диний экстремизм, гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилишга қарши кураш сиёсий соҳада ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликда Ўзбекистон-Миср қўшма комиссиясининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. 2003 йилнинг ноябрида Қоҳирада ўтказилган қўшма

комиссиянинг 4-йиғилишида маданият, соғлиқни сақлаш, пахтачилик ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорликни кўзда тутувчи тўртта ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон ва Миср ўртасида ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш ва кенгайтиришнинг катта имкониятлари мавжуд бўлса ҳам ҳозирча улардан етарли даражада фойдаланилмапти. 2004 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 571,1 минг АҚШ долларига тенг бўлди.

Ўзбекистон ва Миср ўртасида маданият, илм-фан, таълим, санъат ва маънавият соҳаларидаги ҳамкорлик алоқалари нисбатан фаоллиги билан ажралиб туради. Бунда Мисрнинг Тошкентдаги элчихонаси қошида очилган Фан ва маданият маркази иши эътиборга лойиқдир.

1993 йилдан бери Миср Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги МДХ давлатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси томонидан турли соҳалар намоёндалари учун ташкил этилган курсларда 300 дан зиёд ўзбекистонлик мутахассис ўз малакасини оширди.

1997 йилдан “Ўзбекистон – Миср”, 2000 йилнинг майидан “Миср – Ўзбекистон” дўстлик жамиятлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур жамиятлар гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқда.

1997-2004 йиллар давомида Мисрда Ўзбекистоннинг бир неча профессионал ижодий жамоалари меҳмон бўлди. Миср санъаткорлари эса Самарқандда ўтказилган “Шарқ тароналари” мусиқали фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқда.

## 85. МОЗАМБИК

(Republic of Mozambique)

Майдони.....	801 590 км <sup>2</sup> .
Аҳолиси.....	18,8 млн (2003 йил).
Пойтахти.....	Мапуту шаҳри.
Катта шаҳарлари.....	Бейра, Нампула.
Расмий тили.....	португал тили.
ЯИМ (аҳоли жон бошига).....	1070 АҚШ доллари. (2003 йил).
Экспорт.....	креветкалар,

## НАМИБИЯ

ёнгоқ, пахта, шакар, чой, тропик мевалар, гўшт, гуруч ва товуклар.

**Импорт**..... озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, нефть, транспорт ускуналари ва фермалар учун ускуналар.

**Миллий валютаси**..... метикал.

**Дини**..... анъанавий динлар ва насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....25. 06. 1975.

**Миллий байрами**..... 25 июнь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**..... шимолда Танзания, шимоли-шарқда Малави ва Замбия, ғарбда Зимбабве ва МАР, жанубда Свазиленд, шарқ ва жануби-шарқда Ҳинд океанининг Мозамбик бўғози билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Мозамбик республикаси Африканинг жануби-шарқий соҳилидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 11 вилоятга бўлинади. Мапуту шаҳри ҳам вилоят мақомига эга. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик аъзоси. 1990 йил 30 ноябрда қабул қилинган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи - президент (1986 йилдан Жоаким Алберту Чиссано). У умумий яширин ва бевосита овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият - Республика Ассамблеяси (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимияти президент зиммасига юклатилган. У Вазирлар Кенгашига раҳбарлик қилади, вазирларни, шу жумладан, бош вазирни тайинлайди.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Мозамбикни озод қилиш фронти (ФРЕЛИМО) партияси - 1962 йил 25 июнда тузилган; Мозамбик миллий қаршилиги партиясига - 1976 йилда асос солинган. Мозамбик меҳнаткашлари ташкилоти касаба уюшмаси - 1983 йилда ташкил этилган.

Мозамбик 1975 йил 16 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олган.

**Аҳолиси,** асосан, (99,66%) маҳаллий қабила гуруҳлари (шангаан, чоқве, маника, сена, макуа ва бошқалар) дан иборат. Бундан ташқари, европаликлар (0,06%), европалик ва африкаликларнинг авлодлари (0,2%) ҳиндулар (0,08%) яшайди.

**Иқтисодиёти.** Мозамбик - аграр мамлакат.

Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 46%, саноатнинг улуши 27%.

**Валютаси.** 23 678 Мозамбик метикали 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,4 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 730 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, ЖАР, Зимбабве, Ҳиндистон, Покистон, АҚШ ва Япония.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 10.200-11.200;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари) да 9-10.000, ҳарбий денгиз флотида 200, ҳарбий ҳаво кучларида 1000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас.

**Табиати.** Қирғоқлари қояли, тик, ўртача баландликда, жануби паст, ясси, айрим жойларда ботқоқликлар бор. Мамлакатнинг шимолий қисмида Шарқий Африка ясситоғлиги жойлашган, у ғарбдан шарққа зинапоясимон пасайиб боради. Худуднинг каттагина қисмини Мозамбик пасттекислиги эгаллайди. Мозамбикнинг шимолий қисмида иқлим субэкваториал муссонли, жанубида тропик, пассатли. Мозамбик пасттекислигида январнинг ўртача ҳарорати 26<sup>0</sup>-30<sup>0</sup>, июлники 15<sup>0</sup>-20<sup>0</sup>, ясситоғликда (қиш ва ёзда) 3<sup>0</sup>-5<sup>0</sup> дан паст. Катта дарёлари - Замбези, Лимпопо, Сави, Рувума.

## 86. НАМИБИЯ

(Namibia)

**Майдони**..... 825 418 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 2 млн. (2003 йил).

**Пойтахти**..... Виндхук шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Уолфиш-Бей, Цу-меб, Китмансхуп.

**Расмий тили**..... инглиз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...6620 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**..... олмос, мис, олтин, қўрғошин, уран, қорамоллар, балиқ маҳсулотлари, қоракўл терилари.

**Импорт**..... озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари, машина ва жиҳозлар, кимёвий дорилар.

## НАМИБИЯ

**Миллий валютаси**.....Намибия доллари.  
**Дини**.....насронийлик, маҳаллий анъанавий динлар.  
**Мустақиллик куни**..... 21.03.1990.  
**Миллий байрами**..... 21 март - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**..... шимолда Ангола, шимоли-шарқда Замбия, шарқда Ботсвана, жануб ва жануби-шарқда ЖАР, ғарбда Атлантика океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Намибия республикаси Африканинг жануби-ғарбида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 13 туманга бўлинади. Амалдаги конституция 1990 йил 9 февралда қабул қилинган, унга кейинчалик тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи - президент (1990 йилдан Сэм Нуйома). Конституцияга биноан, у умумий ва бевосита овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади, яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин. Аммо конституцияга 1998 йилда киритилган тузатишга мувофиқ, Сэм Нуйома учун президент лавозимида бўлиш муддатини чеклаш бекор қилинди. Қонун чиқарувчи ҳокимият - икки палатали парламент (Миллий ассамблея ва Миллий кенгаш). Ижроия ҳокимиятини президент ва ҳукумат амалга оширади. Президент бош вазир ва ҳукумат аъзоларини таъинлайди.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Жануби-ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО) партиясига - 1960 йилда асос солинган; Турихалле демократик альянси партияси - 1977 йилда тузилган; Демократлар конгресси партияси - 1999 йилда ташкил этилган; Бирлашган демократик фронт - 1989 йилда тузилиб, 1993 йилда партиёга айлантирилган. Намибия ишчилари миллий иттифоқи касаба уюшма бирлашмаси - 1971 йилда тузилган.

Намибия 1990 йил 23 апрелдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 25 декабрда тан олган ва 1999 йил 17 августда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Намибия туб жой аҳолисининг аксари қисми банту тиллари оиласига мансуб элатлардан иборат. Готтентот, тоғлик дама-

ра ва бушменлар ҳам яшайди. Европаликлар аҳолининг 7%ни ташкил этади. Шаҳар аҳолиси 25%.

**Иқтисодиёти.** Намибия қончилик саноати ривожланган аграр мамлакат. Қончилик саноати иқтисодиётнинг негизидир. Ялпи ички маҳсулотда қончилик саноати 21,6%, қишлоқ хўжалиғи ва балиқчилик 15,4%, қайта ишлаш саноати 6,2%ни ташкил этади. XX асрнинг 90-йилларида ҳар йили салкам 800 минг карат олмос, 1600 кг. олтин, 90 т. дан зиёд кумуш, 72 минг т. рух, 33 минг т. мис, 35 минг т. кўрғошин, шунингдек, кўп миқдорда уран рудаси, қалай, марганец, вольфрам, ванадий, олтингургурт қазиб олинган. Рангли металлургия корхоналари қурилган. Йилига ўртача 1 млрд кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Кунене дарёсида 320 мВт қувватга эга бўлган ГЭС қурилган. Қончиликка боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш саноати унчалик яхши ривожланмаган. Четдан келтирилган қисмлардан машина ва ускуналар йиғадиган заводлар, ёғочсозлик корхоналари, балиқ уни ва консервалари ишлаб чиқариладиган заводлар, тюлень ёғини қайта ишлайдиган фабрика, озиқ-овқат, енгил саноат корхоналари мавжуд.

**Валютаси.** 10,54 Намибия доллари 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,6 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 1,2 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Буюк Британия, ЖАР, АҚШ, Германия, Франция, Испания, Япония.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 9000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 9000, қирғоқ ҳимоясида 200 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. Армияда авиация қисми мавжуд, қирғоқ ҳимоячиларида 2 патруль кемаси ва 1 самолёт бор. 6 000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган маҳсус ер (майдон) кучлари бор.

## 87. НИГЕР

Нигер Республикаси (Republique du Niger)

**Майдони**..... 1 267 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 11,8 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Ниамей шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Агадес, Зиндер, Маради, Тахва.  
**Расмий тили**..... француз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 820 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**..... уран рудаси, гўшт маҳсулотлари, сабзавот, дуккакли экинлар.  
**Импорт**..... кундалик эҳтиёж моллари, техника, транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлари, нефть, қишлоқ хўжалик экинлари.  
**Миллий валютаси**..... КФА франки.  
**Дини**..... ислом.  
**Мустақиллик куни**..... 3. 08. 1960.  
**Миллий байрами**..... 18 декабрь - Республика куни (1958).  
**Чегаралари**..... шимолда Ливия, шимоли-ғарбда Жазоир, ғарбда Мали, жануби-ғарбда Буркина-Фасо, жанубда Бенин ва Нигерия, шарқда Чад билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Нигер республикаси Африка ғарбидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 7 департаментга, улар округларга, округлар коммуналарга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1999 йил 18 июлдаги референдумда маъқулланган. Конституцияга биноан, давлат бошлиғи президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий мажлис, ижроия ҳокимиятини президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.  
**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Тараққиёт жамияти миллий ҳаракати - Нассара - 1988 йил 2 августда ташкил этилган; Демократик ва социал конвент - 1991 йилда тузилган; Демократик тикланиш учун мустақил миллий иттифоқ - 1996 йилда ташкил этилган; Миллий иттифоқ ва тараққиёт партияси - Салама; Демократик ва тараққийпарвар ватанпарварлар иттифоқи партияси, Нигер меҳнатқашлари касаба уюшмалари бирлашмаси - 1960 йилда асос солинган.

Нигер 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси. **Аҳолиси**. Нигерда аҳолининг 50% га яқинини хауса элати ташкил этади. Сонгай ва жерма, кануру ва тубу, туарег, фульба ва бошқа элатлар ҳам яшайди. Аҳолининг тахминан 90% ислом динига, бир қисми насроний динига, қолганлари эса маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади.

**Иқтисодиёти**. Нигер - аграр мамлакат. Мустамлакачилар ҳукмронлиги даврида иқтисодиёт, асосан, ерэнфоқ етиштиришга ихтисослашган эди. 1960 йиллардан хўжаликни давлат томонидан бошқариш ва аралаш корхоналар мавқеи мустақкамланди. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 12%, қишлоқ хўжалиги улуши 37,5%ни ташкил этади.

**Валютаси**. 696,99 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг. (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 317 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 350 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. Франция, Нигерия, Буюк Британия, АҚШ, Кот-д'Ивуар.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 5300;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 5 200, ҳарбий ҳаво кучларида 100 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 1400 нафар ярим ҳарбийлашган жандармерияси, 2500 нафар республика ҳимоячилари ва 1500 нафар миллий полиция ходимлари бор.

**Табиати**. Нигер худудининг кўп қисми Саҳрои Кабирда, баландлиги 200-500 м. гача бўлган плато. Энг баланд жойи 2022 м., жануби-ғарби Нигер дарёсининг ўрта оқимидаги водий. Нигерда олтин, уран, қалай рудалари, вольфрам, ниобий, темир, кўмир, фосфорит, платина конлари бор. Нигернинг шимоли ва шимоли-шарқида иқлим чўл тропик, жануби ва жануби-ғарбида субэкваториалдир. Энг салқин ойлари - декабрь, январда ўртача ҳарорат 20-24°, энг иссиқ ойи - майда 32-34°. Ўртача ёғин шимол ва шимоли-шарқда 100мм. дан кам, жануби ва

## НИГЕРИЯ

жануби-ғарбда 600-800 мм. Жануби-ғарбидан мамлакатдаги йирик дарё – Нигер оқиб ўтади.

### 88. НИГЕРИЯ

Нигерия Федератив Республикаси  
(Federal Republic of Nigeria)

**Майдони**..... 923 768 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 135,6 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Абужа шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Лагос, Ибадан, Огбомошо, Кано, Иво, Кадуна, Порт-Харкорт, Илорин, Зария, Оничача.  
**Расмий тили**..... инглиз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 900 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**..... нефть ва нефть маҳсулотлари, каучук, какао.  
**Импорт**..... техника, кимёвий дорилар, транспорт жиҳозлари, саноат товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уй ҳайвонлари.  
**Миллий валютаси**..... наира.  
**Дини**..... ислом, насронийлик ва маҳаллий эътиқодлар.  
**Мустақиллик куни**..... 1. 10. 1960.  
**Миллий байрами**..... 1 октябрь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**..... шимолда Нигер, ғарбда Бенин, шарқда Камерун, шимолишарқда Чад кўли, жанубда Атлантика океанининг Гвинея ва Биафра кўрфазлари билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Нигерия федератив республикаси Африка ғарбида, Гвинея қўлига соҳилида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 36 штат ва пойтахт округига бўлинади. Амалдаги конституцияси 1999 йил 29 майда қабул қилинган. Буюк Британия бошчилигидаги Хамдўстликка аъзо. Давлат бошлиғи - президент (1999 йилдан Олусегун Обасанжо). У умумий бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади ва яна бир марта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея, ижроия ҳокимиятини президент ва ҳукумат амалга оширади.  
**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Демократия учун иттифоқ партияси - 1998

йилда ташкил этилган; Умумхалқ партияси - 1998 йилда тузилган; Халқ демократик партиясига - 1998 йилда асос солинган. Нигерия меҳнат конгресси, мамлакатнинг ягона марказий касаба уюшма ташкилоти, 42 тармоқ уюшмасини бирлаштирган - 1978 йилда тузилган.

Нигерия 1960 йил 7 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 11 мартда тан олган ва шу йилнинг 28 августиди дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси**. Нигерияда турли тилларда сўзлашувчи 200 га яқин элат бор. Гвинея тилларида сўзлашувчи элатлар - йоруба, игбо, ижо ва нупелар кўпчиликти ташкил этади. Нигерияда хауса тилида сўзлашувчи элатлар анчагина. Канури, фульбе элатлари ҳам яшайди. Шарқий бантоид тилларида сўзлашувчи элатлардан ибибио ва тивлар бор. Шаҳар аҳолиси - 35,2%. Аҳолисининг ярмига яқини ислом динига, қолган қисми насроний ва маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади.

**Иқтисодиёти**. Нигерия - йирик саноат салоҳиятига эга бўлган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулот ва ташқи савдо ҳажми жиҳатидан Африкада 2-ўринда туради. Ялпи ички маҳсулотнинг ярми саноатда, тахминан 30% қишлоқ хўжалиғи ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқарилади. Нигерия дунёда нефть экспорт қилувчи 10 та йирик мамлакат жумласига киради. Нефть қазиб олиш соҳасида Африкада биринчи ўринда туради.

**Валютаси**. 116,4 нигерия наираси 1 АҚШ долларига тенг. (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 10,2 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 20,3 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. АҚШ, Хиндистон, Бразилия, Хитой ва ЕИ давлатлари.  
**Ҳарбий салоҳияти**. Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 78500;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 62.000, ҳарбий денгиз флотиди 7000, ҳарбий ҳаво кучларида 9.500 киши хизмат қилади.

## РУАНДА

Қурол-яроғи замонавий эмас. 1 қўриқчи кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 корвет, 3 снарядли кема ва 3 патруль кемаси бор. 2000 нафар ярим ҳарбийлашган порт хавфсизлиги полицияси ва 30.000 нафар (полициячи) хавфсизлик ва фуқаро мудофааси корпуси хизматчилари бор.

**Табиати.** Соҳилида қўлтиқлар кам, асосан, камбар пасттекисликдан иборат. Ер юзаси шимолга томон баландлашиб боради. Йоруба, Уди, Жос платолари (энг баланд жойи 1735 м.) бор. Платолардан жанубда Нигер ва Бенуэ дарё водийлари жойлашган. Шарқий қисмининг рельефи тоғлик, айрим чўққиларининг баландлиги 2000 м. дан ортиқ. Нигерия худуди тектоник жиҳатдан Африка платформаси таркибига киради. Нигериянинг Атлантика океани соҳилида нефть ва газ конлари бор. Тошқўмир, лигнит ва қўнғир кўмир, ниобий, қалай, вольфрам, молибден, темир, боксит, марганец, асбест, қўрғошин, руҳ ва уран рудаси конлари топилган. Мамлакатнинг шимоли-ғарбида олтин конлари ҳам бор.

### 89. РУАНДА

Руанда Республикаси  
(Republic of Rwanda)

**Майдони**..... 26 338 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 8,3 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Кигали шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Бутаре, Ньянза, Гисеньи.  
**Расмий тили**..... киньяруанда, француз ва инглиз тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 1290 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**..... кофе, чой, тери, металллар.  
**Импорт**..... озиқ-овқат маҳсулотлари, техника ва жиҳозлар, пўлат, нефть маҳсулотлари, цемент ва бошқа қурилиш материаллари.  
**Миллий валютаси**..... Руанда франки.  
**Дини**..... насронийлик, ислом ва маҳаллий анъанавий эътиқодлар.  
**Мустақиллик куни**..... 1. 07. 1962.

**Миллий байрами**..... 1 июль - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**..... шимолда Уганда, шарқда Танзания, жанубда Бурунди, ғарбда КДР билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Руанда республикаси Шарқий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 12 префектура (prefecture)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1995 йил 5 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент (2000 йилдан Поль Кагаме). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Ўтиш даври миллий мажлиси, ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Демократия ва тараққиёт учун республикачилар миллий ҳаракати - 1975 йили ташкил этилган; Республикачилар демократик ҳаракати - 1957 йили тузилган; Руанда ватанпарварлик ҳаракатига - 1987 йилда асос солинган; Христиан-демократик партия - 1990 йили ташкил топган. Руанда меҳнаткашлари миллий касаба уюшма бирлашмасига - 1985 йилда асос солинган.

Руанда 1962 йил 18 сентябрдан БМТ аъзоси. Аҳолисининг аксариятини банту тилида сўзлашувчи руанда, рунди элатлари ва тва пигмейлари ташкил этади. Бундан ташқари, шаҳарларда суахили, луба ва судан араблари, валлонлар ва бошқалар яшайди. Аҳолининг 3/5 қисми маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. 2/5 қисми насроний (асосан, католиклар), озроқ сунний мусулмонлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 5,8%. **Иқтисодиёти.** Руанда - аграр мамлакат. Иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади, бу тармоқ экспорт қилинадиган экинлар етиштиришга ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган. Саноатнинг қончилиқ, қайта ишлаш ва гидроэнергетика тармоқлари вужудга кела бошлади. 1997 йили ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги улуши 36%, саноатнинг улуши 24%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 40%ни ташкил қилди.

**Валютаси.** 475,37 Руанда франки 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил)

Ташқи савдода импортнинг улуши 245,9 млн. АҚШ доллари.

## САН-ТОМЕ ВА ПРИНСИПИ

Экспортнинг улуши 60 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Кения, Танзания, АҚШ, Бенилюкс, Франция, Ҳиндистон, Германия, Бельгия, Италия ва Покистон.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар ~ 51.000 (Миллий полиция билан бирга);

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 40.000, ҳарбий ҳаво кучларида 1000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 10.000 нафарли ярим ҳарбийлашган миллий полицияси ва 2000 нафарли маҳаллий мудофаа кучлари бор.

**Табиати.** Руанда ер юзаси водийлар билан бўлинган ясситоғлик (1500-2000 м.), асосан, токембрий кристалли ва метаморфик жинслардан иборат. Ясситоғликнинг 2500-3000 м. гача кўтарилган ғарбий чеккаси Киву кўлига тик тушган. Шимоли-ғарбда Вирунга вулқонли тоғи (энг баланд нуқтаси Карисимби тоғи, 4507 м.) жойлашган. Иқлими субэкваториал, мавсумий нам иқлим. Дарё тармоғи зич, катта дарёси Кагера Нил ҳавзасига мансуб.

### 90. САО-ТОМЕ ВА ПРИНСИПИ

Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикаси (Democratic Republic of Sao Tome and Principe)

**Майдони**..... 1 001 кв км.  
**Аҳолиси**..... 157 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Сан-Томе шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Санту-Антонью, Порту-Алегри, Рибейра-Афонсу.  
**Расмий тили**..... португал тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**... 1200 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**..... какао, копра, кофе, пальма ёғи.  
**Импорт**..... техника ва электр жиҳозлари, озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**..... добра.  
**Дини**..... насронийлик.  
**Мустақиллик куни**..... 12. 08. 1975.  
**Миллий байрами**..... 12 август - Мустақиллик куни.

**Давлат тузуми.** Сан-Томе ва Принсипи республикаси Гвинея қўлтиғидаги Сан-Томе ва Принсипи ороллари ва уларга ёндош майда оролларда жойлашган давлат. Африка ғарбий соҳили яқинида. Маъмурий жиҳатдан 7 округга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1990 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент (2001 йилдан Ф.Б. Мелу де Менезеш), у умумий бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва яна бир марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент (Миллий мажлис) ва ижроия ҳокимиятини президент тайинлайдиган бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Сан-Томе ва Принсипини озод қилиш ҳаракати - Социал-демократик партиясига - 1960 йили асос солинган; Мустақил демократик ҳаракат партияси - 1992 йилда тузилган; Демократик конвергенция партияси "Мушоҳада" гуруҳи - 1990 йили ташкил этилган. Сан-Томе ва Принсипи меҳнаткашлар миллий ташкилоти касаба уюшмаси - 1989 йилда тузилган.

Сан-Томе ва Принсипи 1975 йил 12 июлдан мустақил республика, 1975 йил 16 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиси,** асосан, сантомеликлар бўлиб, улар Африкадаги банту тилида сўзлашувчи турли элатлар (овим-бунду, амбунду ва бошқалар)нинг ўзаро ва қисман португаллар билан қўшилиб кетиши натижасида ҳосил бўлган. Португаллар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 44,1 %.

**Иқтисодиёти.** Сан-Томе ва Принсипи иқтисодий жиҳатдан заиф, аграр мамлакат. Иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади.

**Валютаси.** 9019,7 добра 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 40 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 5,5 млн. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Нидерландия, Германия, Португалия, АҚШ, ЖАР.

**Табиати.** Ороллар вулқон фаолияти натижасида ҳосил бўлган. Энг баланд жойи Пико-де-

## СВАЗИЛЕНД \* СЕЙШЕЛЬ ОРОЛЛАРИ

томе 2024 м. (Сан-Томе оролида). Иқлими Сан-Томе оролида тропик (қуруқ ва ёмғир мавсумлари билан).

### 91. СВАЗИЛЕНД

Свазиленд Қироллиги  
(Kingdom of Swaziland)

**Майдони**..... 17 365 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 1,1 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Мбабане шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Манзини.  
**Расмий тили**..... инглиз ва свази тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....4530 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**..... ичимликлар, шакар, целлюлоза, пахта калаваси, музлатгичлар, цитрус ва консерваланган мевалар.  
**Импорт**..... автомобиллар, техника, транспорт жиҳозлари, озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**..... лилангени.  
**Дини**..... насронийлик, ислом ва маҳаллий анъанавий эътиқодлар.  
**Мустақиллик куни**.....6. 09. 1968.  
**Миллий байрами**..... 6 сентябрь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**..... шарқда Мозамбик, шимол, жануб ва ғарбда ЖАР билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Свазиленд конституциявий монархия. Жанубий Африкада жойлашган давлат. Хукумати Мбабане шаҳрида, Қирол қароргоҳи ва қонун чиқарувчи органлар Лобамба шаҳрида жойлашган. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирди. Мамлакатда қирол томонидан чиқарилган ва давлат тузуми асосларини мустаҳкамлайдиган бир қанча конституциявий ҳужжатлар амал қилади. Давлат бошлиғи - қирол (1986 йилдан Мсвати III). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент (Мажлис палатаси ва Сенат), ижроия ҳокимиятини қирол томонидан тайинланадиган бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.  
**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари**. Нгване миллий озодлик конгресси - 1962 йили тузилган; Имбокодво миллий ҳаракатига - 1964

йили асос солинган; Свазиленд бирлашган fronti - 1962 йили ташкил этилган; Свазиленд тараққийпарвар партияси - 1960 йили тузилган. Свазиленд касаба уюшмалари федерацияси - 1980 йили тузилган.

Свазиленд 1968 йил 24 сентябрдан БМТ аъзоси. Аҳолисининг асосий қисмини банту тилида сўзлашувчи элатлар - свази ва зулулар, шунингдек, тсонгалар ташкил этади. Қолганлари европалик ва африканер (бур)лар. Шаҳар аҳолиси 34%.

**Иқтисодиёти**. Свазиленд иқтисодий жиҳатдан заиф ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиғи улуши 10%, саноат улуши 42%, хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 48%. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик устун.

**Валютаси**. 10,54 лилангели 1 АҚШ долларига тенг. (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 928 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 820 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. ЖАР, ЕИ давлатлари, Мозамбик, АҚШ, Япония, Сингапур.  
**Табиати**. Ер юзаси ғарбдан шарққа томон пасайиб борувчи Велд платосидан (баландлиги 1445 м. гача) иборат. Иқлими қурғоқчил. Субтропикдан тропикка ўтиб турувчи иқлим ҳукмрон.

### 92. СЕЙШЕЛЬ ОРОЛЛАРИ

Сейшель Ороллари Республикаси  
(Republic of Seychelles)

**Майдони**..... 455 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 84 000. (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Виктория шаҳри.  
**Расмий тили**.....инглиз, француз ва креол тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....15 960 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**..... балиқ, кора дарахти, копра, нефть маҳсулотларини қайта экспорт қилиш.  
**Импорт**..... техника ва жиҳозлар, озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари, кимёвий дорилар.  
**Миллий валютаси**..... Сейшель рупияси.  
**Дини**..... насронийлик.

## СЕНЕГАЛ

**Мустақиллик куни**.....29. 06. 1976.

**Миллий байрами**..... 18 июнь - Конституция куни (1993).

**Давлат тузуми.** Сейшель Ороллари республикаси Ҳинд океанида, Африканинг шарқий соҳили яқинидаги Сейшель ва Амирант ороллари, Альдабра, Фаркуар ва бошқа оролларида жойлашган давлат. Амалдаги конституцияси 1993 йил 18 июнда маъқулланган ва кейинчалик тузатишлар киритилган. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирилади. Давлат бошлиғи - президент (1977 йилдан Франс Альбер Рене), у бевосита умумий сайлов йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий мажлис, ижроия ҳокимиятини президент билан ҳукумат амалга оширади.

**Сийёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Демократик партия - 1992 йили тузилган; Сейшель халқи тараққиёт fronti - 1978 йили ташкил этилган; Сейшель миллий партиясига - 1993 йили асос солинган. Сейшель ишчилари иттифоқи федерацияси касаба уюшма бирлашмаси - 1978 йили тузилган.

Сейшель Ороллари 1976 йил 21 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг аксарияти** сейшелликлар ёки креоллар (асосан, кўчиб келган французлар ва африкалик қулларнинг авлодлари, умумий сони 65 минг киши); ҳиндлар, малагасилар, хитойлар, инглизлар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 55,3%.

**Иқтисодиёти.** Сейшель Ороллари - аграр мамлакат. Балиқ овлаш ва хорижий сайёҳлик муҳим аҳамиятга эга. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқ овлаш улуши 4,1%, сайёҳлик улуши 12,3%, саноат ва қурилишнинг улуши 20,5%. Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этади.

**Валютаси** 5,8 Сейшель рупияси 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 440 млн АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 235 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Хитой, ЖАР, Япония, Сингапур.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 450;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 200 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 250 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган Миллий гвардияси бор. Қирғоқ ҳимоясида 200 ва авиация қисмида 20 киши хизмат қилади. Қирғоқ ҳимоячиларида 5 патруль кемаси бор.

**Табиати.** Сейшель Ороллари қитъадан ажралган, айримлари маржонлардан ҳосил бўлган. Энг баланд жойи 905 м. (Маэ оролида). Йирик ороллари - Маэ, Силуэт, Парслен, Ладиг. Иқлими субэкваториал, денгиз иқлими.

### 93. СЕНЕГАЛ

Сенегал Республикаси  
(Republic of Senegal)

**Майдони**..... 196 190 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 10 000 000. (2003 йил).

**Пойтахти**..... Дакар шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Каолак, Тиес.

**Расмий тили**..... француз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....1660 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**..... балиқ, ерэнгоқ, нефть маҳсулотлари, фосфатлар, пахта.

**Импорт**..... озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, кундалик эҳтиёж моллари, хом ашё, нефть маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**..... КФА франки.

**Дини**..... ислом ва насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....4. 04. 1960.

**Миллий байрами**.....4 апрель - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Мавритания, шарқда Мали, жанубда Гвинея ва Гвинея-Бисау, ғарбда Атлантика океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Сенегал республикаси Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 10 вилоят (region)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 2001 йил 7 январда маъқулланган. Давлат бошлиғи - президент (2000 йилдан Абдулай Вад), у умумий яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга

## СОМАЛИ

сайланади ва яна бир марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллат мажлиси (парламент) ва ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Социализм ва бирлик ҳаракати партиясига - 1981 йили асос солинган; Демократик иттифоқ меҳнат партиясини тузиш ҳаракати - 1974 йили тузилган; Миллий демократик бирлашма партияси - 1976 йили ташкил этилган; Мустақиллик ва меҳнат партияси, 1957 йили асос солинган собиқ Сенегал мустақиллиги африкаликлар партияси йўлининг давомчиси - таъсис қурултойи 1981 йили ўтказилган; Сенегал демократик партияси - 1974 йили тузилган; Сенегал социалистик партиясига - 1948 йили асос солинган; Демократик янгиланиш партияси - 1997 йили ташкил этилган. Сенегал меҳнаткашлари миллий конфедерацияси - 1996 йили тузилган.

Сенегал 1960 йил 28 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1995 йил 6 октябрда тан олган ва шу кунди дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг кўпчилик қисмини (87%)** ғарбий атлантика тиллари оиласига кирувчи волоф, фульбе, серер, диола ва бошқа элатлар ташкил этади; араблар, европаликлар (асосан, французлар) ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 42,3%.

**Иқтисодиёти.** Сенегал иқтисодий жиҳатдан заиф аграр мамлакат. Ялпи маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 19%, саноатнинг улуши 17%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 64%. Сенегал экспорти ҳажмининг ярмига яқини қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади, меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми шу соҳада банд.

**Валютаси.** 696,99 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,51 млрд. АҚШ долларлари.

Экспортнинг улуши 1,33 млрд. АҚШ долларлари. (2003 йил)

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Франция, Ҳиндистон, Италия, Испания, Мали, Кот-

д'Ивуар, Германия, АҚШ, Таиланд, Нигерия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 13620;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 11900, ҳарбий денгиз флотига 950, ҳарбий ҳаво кучларида 770 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 10 патруль кемаси мавжуд. 5000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган жандармерияси бор.

**Табиати.** Сенегал ҳудудининг аксарият қисми Атлантика океани соҳилига қараб пасайиб борадиган паст-баланд текисликдан иборат. Шимолдаги соҳил чизиги текис, жанубда дарёларнинг эстуарийлари билан бироз бўлинган. Иқлими субэкваториал, шимолда қуруқ ва жанубда нам иқлим. Катта дарёлари - Сенегал, Гамбия ва Казаманс.

### 94. СОМАЛИ

Сомали Демократик Республикаси (Jamhuuriyadda Dimoqraadiga ee Soomaaliya)

<b>Майдони</b> .....	637 657 км <sup>2</sup> .
<b>Аҳолиси</b> .....	9,6 млн. (2003 йил).
<b>Пойтахти</b> .....	Могадишо шаҳри.
<b>Катта шаҳарлари</b> .....	Харгейса, Берберра, Кисимайо.
<b>Расмий тили</b> .....	Сомали тили.
<b>ЯИМ (аҳоли жон бошига)</b> .....	600 АҚШ доллари. (2003 йил).
<b>Экспорт</b> .....	тирик ҳайвонлар, банан, чарм ва балиқ.
<b>Импорт</b> .....	саноат товарлари, нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат, қурилиш материаллари.
<b>Миллий валютаси</b> .....	Сомали шиллинги.
<b>Дини</b> .....	ислом.
<b>Мустақиллик куни</b> .....	1. 07. 1960.
<b>Миллий байрами</b> .....	1 июль - Мустақиллик куни.
<b>Чегаралари</b> .....	шимоли-шарқда Жибути, жануби-ғарбда Кения, ғарбда Эфиопия, шимолда Аден кўрфази, шарқ ва жанубда Ҳинд океани билан ўралган.

## СУДАН

**Давлат тузуми.** Сомали республикаси Шимоли-шарқий Африкада, Сомали ярим оролида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 18 вилоят (region)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1990 йил қабул қилинган. Давлат бошлиги – президент (2000 йилдан муваққат президент Абдулқоссим Салад Хасан). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент (Ўтиш даври миллий мажлиси), ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Бирлашган Сомали конгресси, ҳарбий-сиёсий гуруҳ - 1989 йил тузилган; Сомали инқилобий социалистик партияси - 1976 йил таъсис этилган; Сомали миллий альянси, ҳарбий-сиёсий гуруҳ - 1992 йил ташкил қилинган. Сомали касаба уюшмалари умумий федерацияси - 1977 йил тузилган.

Сомали 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси. **Аҳолисининг кўпчилиги** сомалилар (95%); араблар, африкалик бантулардан иборат. Шаҳар аҳолиси 37,2%.

**Иқтисодиёти.** Сомали – аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 59%, саноат улуши 10%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 30%дан зиёд.

**Валютаси.** 2606,9 Сомали шиллинги 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 314 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 126 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Араб давлатлари, Италия, Покистон, Жибути, Бразилия ва Хиндистон.

**Ҳарбий салоҳияти.** 1991 йилдан буён давом этиб келаётган инқилоб натижасида ҳукумат ўзининг анчагина қўшинларидан айрилган ва ҳозирда уларни қайта тўпламоқда. Сомали Ўтиш Даври ҳукумати ҳозирда тахминан 5.000 киши тўплаган. Сомали Миллий ҳаракати эса шимолий Сомалини мустақил “Сомали ери Республикаси” деб эълон қилди, шунингдек, шимоли-шарқий минтақа мухториятини сақлаб келмоқда.

**Табиати.** Қиргоғида қўлтиқлар кам, соҳилнинг аксари пасттекислик. Сомали ҳудудининг марказий қисмини 500-1500 м. баланд-

ликдаги плато эгаллаган. Энг баланд жойи – Шимбирис тоғи (2406 м.). Асосий дарёлари – Жуба ва Ваби-Шабалининг қуйи оқимида кема қатнайди. Худудининг катта қисми чўл.

### 95. СУДАН

Судан Республикаси  
(Jumhuriyat as-Sudan)

**Майдони**.....2 505 810 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....38 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Хартум шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Омдурман, Шим. Хартум, Порт-Судан, Жуба, Ал-Убайд.  
**Расмий тили**.....араб тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....500 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, пахта, кунжут, уй ҳайвонлари, ерёнғоқ, шакар.  
**Импорт**.....озиқ-овқат, саноат товарлари, техника ва транспорт жиҳозлари, дори-дармонлар ва кимёвий воситалар, тўқимачилик буюмлари.  
**Миллий валютаси**.....Судан динори.  
**Дини**.....ислом  
**Мустақиллик куни**.....1. 01. 1956.  
**Миллий байрами**.....1 январь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....шимолда Миср, шарқда Эритрея ва Эфиопия, жанубда Кения, Уганда, КДР, ғарбда МАР, Чад ва Ливия, шимоли-шарқда Қизил денгиз билан ўралган.  
**Давлат тузуми.** Судан республикаси Африканинг шимолий-шарқда жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 26 штатга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1998 йил 30 июнда қабул қилинган. Давлат бошлиги – президент (1993 йилдан Умар Хасан Аҳмад ал-Башир), у бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (парламент), ижроия ҳокимиятини президент тайинлайдиган ҳукумат амалга оширади.  
**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Ал-Умма («Миллат») партиясига - 1945 йили

## СЬЕРРА-ЛЕОНЕ

асос солинган; Бирлашган демократик партия - 1967 йил тузилган; Миллий конгресс партиясини - 1999 йил ташкил этилган. Судан ишчи касабаси уюшмалари федерациясига - 1950 йил асос солинган, Халқаро араб касабаси уюшмалари конфедерацияси ва Африка касабаси уюшма бирлиги ташкилотига киради.

Судан 1956 йил 12 ноябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган.

**Аҳолисининг аксарияти араблар.** Нил водийсида нубийлар, шимоли-шарқда бежалар, шунингдек, динка, азанде, нуэр, шилак элатлари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 35%. **Иқтисодиёти.** Судан - қолоқ аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 46,3%, саноатнинг улуши 22,8%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 30,8%. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 80% банд бўлиб, экспорт тушумининг 95%ни таъминлайди. Саноатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 5% банд. Саноат, асосан, маҳаллий қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш ва ёғочсозлик корхоналаридан иборат.

**Валютаси.** 230,2 Судан динори 1 АҚШ долларига тенг. (1999 йил).

**Ташқи савдода импортнинг улуши** 2,9 млрд. АҚШ долларлари.

**Экспортнинг улуши** 2,5 млрд. АҚШ долларлари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Араб давлатлари, ЕИ давлатлари, Таиланд, ХХР ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сонини:

фаоллар - 104.800;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 100.000, ҳарбий денгиз флотиди 1.800, ҳарбий ҳаво кучларида 3.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 6 та патруль кемаси бор. 17500 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган халқ мудофааси кучлари бор.

**Табиати.** Судан ҳудудининг катта қисми баландлиги 300-1000 м. бўлган плато; шимолда унинг анчагина қисмида Ливия ва Нубия чўллари, жанубда Марказий Африка тоғи (энг баланд жойи - Киньети тоғи 3187 м.),

ғарбда Дарфур ва Кордофан платолари, шарқда Эфиопия тоғлигининг этаклари жойлашган. Қизил денгиз соҳили - энсиз пасттекислик. Иқлими - шимолда тропик чўл иқлими, иссиқ ва қурғоқчил, жанубда экваториал, муссонли. Асосий дарёси - Нил ва унинг ирмоқлари - Оқ Нил ва Кўк Нил.

### 96. СЬЕРРА-ЛЕОНЕ

Сьерра-Леоне Республикаси  
(Republic of Sierra Leone)

**Майдони**..... 71 740 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 5 300 000. (2003 йил).

**Пойтахти**..... Фритаун шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Кенема, Макени, Конду, Бо.

**Расмий тили**..... инглиз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бонига)**.....490 АҚШ долларини. (2003 йил).

**Экспорт**..... олмос, какао, кофе, балиқ.

**Импорт**.....озик-овқат, техника ва жиҳозлар, ёнилғи ва мойлаш материаллари, кимёвий воситалар.

**Миллий валютаси**..... леон.

**Дини**..... ислом, маҳаллий эътиқодлар ва насронийлик.

**Мустақиллик куни**..... 27. 04. 1961.

**Миллий байрами**..... 27 апрель - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Гвинея, шарқда Либерия, жануб ва ғарбда Атлантика океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Сьерра-Леоне республикаси Африканинг ғарбида, Атлантика океани соҳилида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 3 вилоят (province)га ва Ғарбий вилоятта бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Хамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1991 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент (1996 йилдан Аҳмад Тежан Кабба). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий мажлис (парламент), ижроия ҳокимиятини президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари ва касабаси уюшмалари.** Умумхалқ конгресси - 1960 йили тузилган; Халқ-демократик партиясини - 1991 йили ташкил этилган; Бирлашган инқилобий

## ТАНЗАНИЯ

фронт - 1991 йили қўзғолончи гуруҳ сифатида тузилган, 1999 йил партиясига айланган; Миллий бирлик партиясига - 1995 йили асос солинган; Тинчлик ва бирлик партиясига - 2002 йили ташкил этилган. Сьерра-Леоне Меҳнат конгрессига - 1966 йили асос солинган.

Сьерра-Леоне 1961 йил 27 сентябрдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 21 декабрда тан олган.

**Аҳолиси** 2 асосий этник гуруҳ: ғарбий атлантика ва манде тил оилаларига мансуб элатлардан иборат. Расмий тил - инглиз тили бўлиб, крио, манде ва темне тиллари ҳам амал қилади. Аҳолисининг аксарияти маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади, бир қисми насроний ва мусулмон. Шаҳар аҳолиси 37%.

**Иқтисодиёти.** Сьерра-Леоне - кончилик саноати бирмунча ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 52%, саноатнинг улуши 16%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 32%. Қишлоқ хўжалиги мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўла қондирмайди.

**Валютаси.** 2053 леон 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 145 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 91 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Нигерия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 12-13.000.

2002 йил январда Сьерра-Леонеда 45.000 жангари қуролсизлантирилди ва Буюк Британия ҳарбийлари кўмагида 13-14.000 кишидан иборат Миллий армия тузилди. 10 йилдан сўнг 10.000 кишидан иборат армияни сақлаб қолиш режалаштирилган. Ҳарбий денгиз флотиди 200 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 5 патруль кемаси бор.

**Табиати.** Океан соҳилларининг аксари қисми паст, ясси қумлик. Ҳудуднинг кўп қисмини Леон-Либерия қирлари (энт баланд жойи - 1948 м.) эгаллайди. Иқлими экваториал мус-

сонли. Май ойидан сентябргача ёгингарчилик, октябрдан майгача қуруқ мавсум. Дарёлари серсув, серостона. Асосий дарёлари: Каба, Рокел, Жонг, Сева, Моа.

### 97. ТАНЗАНИЯ

Танзания Бирлашган Республикаси  
(United Republic of Tanzania)

**Майдони**..... 945 087 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 35,9 млн (2003 йил).

**Пойтахти**..... Доруссалом шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Занжибар, Танга, Мванза.

**Расмий тили**..... суахили ва инглиз тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.. 610 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**..... кофе, саноат моллари, пахта, ёнғоқ, тамаки, минерал хом ашё.

**Импорт**..... кундалик эҳтиёж моллари, техника ва транспорт жиҳозлари, саноат хом ашёси, нефть.

**Миллий валютаси**.....Танзания шиллинги.

**Дипи**..... насронийлик, ислом ва маҳаллий анъанавий динлар.

**Мустақиллик куни**.....26. 04. 1964.

**Миллий байрами**.....26 апрель - Иттифоқ куни (1964).

**Чегаралари**.....шимолда Кения ва Уганда, жанубда Мозамбик, ғарбда КДР, Бурунди, Руанда, шарқда Хинд океани билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Танзания республикаси Шарқий Африкадаги давлат. Қитъанинг Танганьика қисмини ҳамда Занжибар ва Пемба ороллари ни ўз ичига олади. Маъмурий жиҳатдан 25 вилоят (region) (қитъада 20, Занжибар оролида 3, Пемба оролида 2) га бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1977 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент (2000 йилдан Бенжамин Уильям Мкапа), у умумий бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент - Миллий мажлис, ижроия ҳокимиятини президент ва бош вазир бошчилигидаги

ҳукумат амалга оширади. Мамлакат орол қисмининг 1979 йил тасдиқланган ва 1985 йил кучга кирган конституциясига биноан, Занжибар ва Пемба ороллари Танзания таркибидаги мухторият ҳуқуқидан фойдаланади.

**Сиёсий партиялари ва қасаба уюшмалари.** Қайта қуриш ва тараққиёт учун миллий конвенция партияси - 1992 йили тузилган; Бирлашган фуқаролар fronti партиясига - 1992 йили асос солинган; Инқилобий партия (Чама Ча Мипиндузи ЧЧМ), ҳукмрон партия - 1977 йили ташкил этилган. Танзания ишчилари иттифоқи (Жувата) қасаба уюшмаси - 1978 йили тузилган.

1964 йил 26 апрелда Танганька билан Занжибар Танзания Бирлашган Республикасини туздилар. Танзания 1961 йилдан БМТ аъзоси. **Аҳолиси.** Танзанияда 120 дан ортиқ элат яшайди. Аҳолининг кўпчилиги бенуэконго тилларида сўзлашувчи шарқий банту халқларига мансуб. Уларнинг аксариятини ньямвези, суахили, хехе, бена, погоро, маконда ва бошқа элатлар ташкил қилади. Шаҳар аҳолиси 24,4%.

**Иқтисодиёти.** Танзания - аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 56%, саноатники 15%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 29%.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатта лаёқатли аҳолининг 80%дан кўпроғи шугулланади ва у экспорт тушумининг 85% таъминлайди. Хорижий сайёҳлик ривожланган.

**Валютаси.** 983 Танзания шиллинги 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,57 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 990 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Ҳиндистон, Япония, ЕИ давлатлари, ЖАР, АҚШ, Кения.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 27.000;

заҳирадагилар - 80.000;

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари)да 23.000, ҳарбий денгиз флотига 1000, ҳаво муҳофаази бўлинмасида 3000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 2 торпедоли ва 4 патруль кемаси бор. 1400 кишидан иборат ярим

ҳарбийлашган полиция кучлари бор. Шунингдек, денгиз бўлинмаси (100 киши) ва авиация бўлинмаси ҳам бор.

**Табиати.** Танзаниянинг шарқида, 900 кмга чўзилган Ҳинд океани қирғоғида майда қўлтиқлар бор. Ҳудуднинг катта қисми Шарқий Африка ясситоғлигида жойлашган. Ясситоғликнинг шарқий чеккасида Паре (энг баланд жойи - 2464 м.), Усамбара (2570 м.), Улугуру (2653 м.) ва бошқа тоғлар бор. Шарқий Африка узилмасида (баландлиги 1000 м.) кучли zilзилалар бўлиб туради. Иқлими экваториал муссонли, иссиқ. Бошқа давлатлар билан бўлган чегараларда Виктория, Танганька, Ньяса кўллари бор. Асосий дарёлари - Пангани, Руфижи, Рувума. Қурғоқчил мавсум 5-7 ой.

## 98. ТОГО

Того Республикаси (Repudlique Togolaise)

**Майдони**..... 56 785 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 4,9 млн (2003 йил).

**Пойтахти**..... Ломе шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Сокоде, Воган, Кпалиме, Атакпаме.

**Расмий тили**.....француз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..1500 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**..... пахта, фосфат, кофе, какао.

**Импорт**.....техника ва ускуналар, нефть ва озиқ-овқат маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**..... КФА франки.

**Дини**.....маҳаллий анъанавий динлар, насронийлик ва ислом.

**Мустақиллик куни**.....27. 04. 1960.

**Миллий байрами**.....27 апрель - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**..... шимолда Буркина-Фасо, шарқда Бенин, ғарбда Гана, жанубда Гвинея кўрфази билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Того республикаси Ғарбий Африкадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 5 вилоят (region)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1992 йил 27 сентябрдаги референдумда маъқулланган. Давлат бошлиғи - президент (1967 йилдан Гнасингбе Эядема). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий мажлис (пар-

ламент), ижроия ҳокимиятини президент билан ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Того халқи бирлашмаси партияси - 1969 йили тузилган; Янгиланиш учун ҳаракат қўмитаси партияси - 1991 йили ташкил этилган; Адолат ва демократия йўлидаги иттифоқ партиясига - 1991 йили асос солинган; Демократия ва тараққиётни қўллаб-қувватлаш бирлашмаси партияси; Янги кучларни мувофиқлаштириш партияси - 1993 йили тузилган. Того меҳнаткашлари миллий конфедерациясига - 1973 йил асос солинган.

Того 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1993 йил 10 ноябрда тан олган.

**Аҳолиси.** Тогода 45 га яқин халқ ва этник гуруҳ бор; мамлакат жануби ва марказий қисмида ква тилларида сўзлашувчи элатлар (эве, йоруба, мина ва бошқалар), қирларда ва Гана билан чегарага яқин жойларда того, шимолда чокосси элатлари, Того шимоли ва марказий қисмида гур тилларида сўзлашувчи элатлар (кабре, гурма, тем, сомба, котоколи, басари ва бошқалар), шунингдек, француз ва ливанликлар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 30,8%.

**Иқтисодиёти.** Того - аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 32%, саноатники 23%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 45%.

Қишлоқ хўжалигида аҳолининг катта қисми банд. Хорижий сайёҳлик ривожланган.

**Валютаси.** 696,99 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 452 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 425 млн. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Нигерия, Бразилия, Канада, Филиппин, Гана, Хитой ва Франция.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 8550;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 8.100, ҳарбий денгиз флотига 200, ҳарбий ҳаво кучларида 250 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва киргоқ қўшинларида 2 патруль кемаси бор.

750 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган жан-дармерияси бор.

**Табиати.** Того Гвинея қўлтигининг шимолий соҳилида жойлашган бўлиб, денгиз бўйи аккумулятив пасттекислигидан, марказий қисми текислик ва 200-400 м. баландликдаги платодан иборат. Энг баланд жойи Того тоғидаги Бауман чўққиси (986 м.). Шимоли-шарқда Атакор тизмаси бор. Шимоли-ғарбий чеккасида Оти дарёси водийси жойлашган. Иқлими субэкваториал. Катта дарёлари: Моно ва Оти ёғингарчилик мавсумида серсув. Того кўли роятда хушманзара.

## 99. ТУНИС

Тунис Республикаси  
(Ал-Жумҳурия ат-Тунисия)

**Майдони**..... 163 610 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 9,9 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Тунис шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Сус, Бизерта, Қайрувон.  
**Расмий тили**..... араб тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.. 6450 АҚШ доллари.  
**Экспорт**..... тўқимачилик буюмлари, техника, фосфат ва кимёвий воситалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, углеводородлар.  
**Импорт**.....техника ва ускуналар, углеводородлар, кимёвий воситалар, озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**..... Тунис динори.  
**Дини**.....ислом.  
**Мустақиллик куни**.....20. 03. 1956.  
**Миллий байрами**.....20 март - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....ғарб ва жанубда Жазоир, жануби-шарқда Ливия, шимол ва шарқда Ўрта ер денгизи билан ўралган.  
**Давлат тузуми.** Тунис республикаси Шимолий Африкада жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 25 вилоятга бўлинади. Амалдаги Конституцияси 1959 йил 1 июнда қабул қилинган, унга кейинчалик тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи - президент (1987 йилдан Зайн ал-Обидин бин Али), у умумий бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 5

## УГАНДА РЕСПУБЛИКАСИ

йил муддатга сайланади ва яна 2 муддатга қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Депутатлар палатаси (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятини президент билан ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Янгиланиш ҳаракати партияси - 1939 йили тузилган, 1993 йилгача Тунис коммунистик партияси деб аталган; Демократик конституциявий бирлашма партияси - 1934 йил Дастур партиясининг парчаланиши натижасида тузилган, 1964 йилгача Янги дастур, 1988 йилгача Социалистик дастур партияси деб аталган; Халқ бирлиги партияси - 1973 йили ташкил этилган; Демократ социалистлар партиясига - 1977-78 йилларда асос солинган; Демократик бирлашув иттифоқи - 1988 йили тузилган; Социал-либерал партия - 1988 йил ташкил этилган. Тунис умумий меҳнат бирлашмаси касаба уюшма марказига - 1946 йил асос солинган.

Тунис - 1956 йил 12 ноябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1992 йил 26 ноябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 97%дан кўпроғи тунислик араблар, 1%дан ортиғи барбарлар, озроқ европаликлар (француз, италиян ва б.). Француз тили кенг тарқалган. Шаҳар аҳолиси 61,%.**

**Иқтисодиёти.** Тунис кончилик ва қайта ишлаш саноати ривожланган аграр мамлакат. Табиий ресурс захиралари оз бўлишига қарамай, Африкадаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига киради. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги ва балиқ овлашнинг улуши 11,7%, кон саноатининг улуши 4%, ишлаб чиқариш саноатининг улуши 18,5%. Қишлоқ хўжалигида аҳолининг 60% банд.

**Валютаси.** 1,28 Тунис динори 1 АҚШ долларига тенг. (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 14,4 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 14,3 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Ливия, Жазоир ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 35.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 27.000, ҳарбий денгиз флотига 4.500, ҳарбий

ҳаво кучларида 3 500 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. Патруль ва қиргоқ қўшинларида 6 снарядли кема ва 13 патруль кемаси бор. 12.000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган миллий гвардияси бор.

**Табиати.** Ер юзасининг аксари қисми текислик, айрим жойларда қирлар учрайди. Шимолӣ ва шимоли-ғарбий қисмини Атлас тоғларининг шарқий тармоқлари (Тел-Атлас, Тунис тизмалари ва бошқалар) эгаллайди. Тунис тизмасининг ғарбий қисмида мамлакатдаги энг баланд нуқта - Шамби чўққиси (1544 м.) бор. Иқлими Ўрта ер денгизи региони учун хос субтропик иқлим, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши нисбатан салқин, нам; чекка жанубда тропик чўл иқлими, Сахрои Кабирдан гармсел (сирокко шамоли) эсиб туради. Дарё кам, катта дарёси - Мажарда (узунлиги 460 км.).

### 100. УГАНДА РЕСПУБЛИКАСИ

Жумҳурия Уганда (Republic of Uganda)

**Майдони**.....241 548 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....25,3 млн (2003 йил).

**Пойтахти**.....Кампала шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Гулу, Лира, Жунжа, Мбале, Мбарара, Масака.

**Расмий тили**.....кисуаҳели, инглиз.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....1440 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....чай, кофе, пахта, тамаки.

**Импорт**.....машина ва транспорт жиҳозлари, кенг эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, энергия.

**Миллий валютаси**..... Уганда шиллинги.

**Дини**.....насронийлик, ислом.

**Мустақиллик куни** .....9. 10. 1962.

**Миллий байрами**.....9 октябрь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Судан, шарқда Кения, жанубда Танзания ва Руанда, ғарбда эса Конго демократик республикаси билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Уганда - экваториал Шарқий Африкада жойлашган мамлакат. Буюқ

Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик аъзоси.

1967 йилдан президентлик республикаси. 1995 йилдан бошлаб қонун чиқарувчи парламент фаолият юритади, унинг 276 депутати (улардан 214 таси сайланади, 62 таси президент томонидан тайинланади) бор. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро давлат раҳбарини умумий ва бевосита сайловда сайлаш ҳуқуқига эга. Сайлов ҳар беш йилда бир марта ўтказилади. Генерал-лейтенант Йовери Кагута Мусевени 1986 йилдан буён давлат ва ҳукумат раҳбари. Мамлакатда партиялар йўқ.

**Тарихи.** XIV асрдан бошлаб Уганда ясситоғлигида турли қиролликлар, жумладан, Буноро (XIV) ва Буганда (XV) давлатлари пайдо бўлган. Улар ичида Буганда энг бой ва қудратли давлат бўлиб, ганда халқи ҳозир ҳам Угандадаги энг катта этник гуруҳ ҳисобланади. XIX асрнинг охирида мамлакат Британиянинг протекторати деб эълон қилинди. 1962 йили мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг мамлакатда ҳукуматлар алмашинуви билан боғлиқ бўлган беқарор вазият вужудга келди. 1967 йили монархия бекор қилиниб, республика эълон қилинди. 1970 йилдан бошлаб Иди Амин бошчилигида ҳарбий диктатура ўрнатилди. Деярли 10 йил давом этган Иди Амин диктатураси давомида 400 мингга яқин одам ҳалок бўлди. 1979 йили Танзания армияси ва Уганда эмигрантларининг бирлашган кучлари томонидан диктатура ағдарилди. Шу пайтдан бошлаб, бир неча бор алмашган фуқаровий ва ҳарбий ҳукуматлар мамлакатни бирлаштириш ва иқтисодиётни тиклаш учун ҳаракат қилмоқда. Уганда 1962 йил 25 октябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиси.** Мамлакатнинг 70% аҳолисини, асосан, ганда, сога, норо, нклое, торо этник гуруҳларини ўз ичига оладиган ва деҳқончилик билан шуғулланадиган банта халқлари ташкил этади.

**Иқтисодиёти.** Уганда бирмунча қолоқ ривожланган аграр мамлакат бўлиб, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кофе, чой, тамаки, пахта, шакарқамиш, маккажўхори ва бошқалардир. Бугунги кунда ҳукумат чорвачиликни ривожлантириш учун фаол ҳаракат олиб бормоқда. Шу билан бирга, пахтачилик ва тўқимачилик саноати ҳам ривожланмоқда.

Мамлакат табиатининг ниҳоятда гўзаллиги туризмни ривожлантириш имконини беради. Кўплаб фойдали қазилмалар мавжуд бўлиб, мамлакат темир, мис, вольфрам, олтин, қалай, кобальт, фосфат ва бошқа конларга эга. Мамлакат иқтисодиёти хорижий инвестицияларга (ХВФ, Скандинавия давлатлари, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Италия, Япония ва Хиндистон) кўп жиҳатдан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг 36%ини, саноат 21%ини, хизмат кўрсатиш 43%ини ташкил қилади.

**Валютаси.** 1797,55 Уганда шиллинги 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

**Танқи савдода импорт** 1362,9 млн. доллар. Унинг 34% машина ва транспорт воситалари, 22% хом ашё ва истеъмол моллари, 16% кимёвий маҳсулотлар, 7% озиқ-овқат, кийим-кечак ва тирик ҳайвонлар. Улардан 22% Кенияга, 14% Буюк Британияга, 9% Японияга, 6% Хиндистонга, 6% БААга тўғри келади.

**Экспорт.** 525 млн. доллар бўлиб, 63% кофе, 7% олтин. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Буюк Британия, Бельгия, Люксембург, Испания.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 40–50000.

Уганда Халқ мудофаа кучларида 40–50000 киши хизмат қилади. Унинг авиация бўлими ҳам мавжуд. Қурол-яроғи замонавий эмас. 600 нафар ярим ҳарбийлашган чегара мудофааси бўлиниши, 800 нафар полициянинг ҳарбий қаноти ва 400 нафар денгиз пийода аскарлари бор.

## 101. ЧАД

(Republique du Tchad)

**Майдони**.....1 284 000 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....8,6 млн (2003 йил).

**Пойтахти**.....Н'Джамена шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Сарх, Мунду.

**Расмий тили**.....француз ва араб тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига).** 1100 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....пахта хом ашёси, чорвачилик маҳсулотлари, балиқ ва тўқимачилик маҳсулотлари.

**Импорт**.....машина ва ускуналар, кенг эҳтиёж моллари, ярим фабрикалар, озиқ-овқат маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....КФА франки.

**Дини**.....ислом, насронийлик ва маҳаллий динлар.

**Мустақиллик куни**.....11.08.1960.

**Миллий байрами**.....11 август - Мустақиллик байрами.

**Чегаралари**.....шимолда Ливия, шарқда Судан, жанубда Марказий Африка Республикаси, ғарбда Камерун, Нигерия ва Нигер билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Мамлакат 1960 йилдан буён президентлик республикаси ҳисобланади. 1996 йилдан бери қонунчилик органи бўлган парламентга эга. Парламент Миллий йиғин деб аталади ва 155 аъзога эга. Унга сайловлар ҳар 4 йилда ўтказилади. Сенатга эса ҳар олти йилда сайлов бўлади. Давлат бошлиги сайлови тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан ҳар беш йилда ўтказилади. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлов ҳуқуқига эга. 1990 йилдан буён мамлакат раҳбари Mouvement Partique pour le salut \ MPS партияси етакчиси Идрис Дебидир. Ҳукумат раҳбари эса 1990 йилдан бери Мусо Факи. Мамлакатда бешта асосий партия бўлиб, улар қуйидагилардир:

Mouvement Partique pour le salut \ MPS.

Rassemblement pour la Demokratie et le Progres \ RDP.

Federation Action pour la Republique \ FAR  
Union pour le Renouveau et la Demokratie \ URD.

Union Nationale pour le Developpement et la Renouveau \ UNDR.

**Тарихи.** XIX асрда мамлакатнинг ҳозирги худудида Канем қироллиги ташкил топди ва унинг ҳукмдорлари ислом динини қабул қилишди. XVI асрда Канем қироллигини қўшни Борну қироллиги босиб олди ва Канем – Борну империяси ташкил топди. Бу империя аҳолисининг давомчилари ҳозирги Чаднинг шимолида яшовчи мусулмонлардир. XX аср бошларидан бошлаб Чад Франциянинг мустамлакаси бўлди. 1960 йилда мустақилликка эришди.

Мустақилликка эришгандан кейин шимолда яшовчи мусулмонлар билан жанубда яшайдиган насронийлар ва анъанавий динлар вакиллари ўртасида тўқнашувлар бошланган.

Чад 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1993 йил 12 январда тан олган ва 1994 йил 16 сентябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Мамлакат аҳолиси шимоллик кўчманчилар бўлган араблар, туареглар, тубулардан ҳамда жанублик ҳалигача ўз анъанавий маданиятларини сақлаб қолган, деҳқончилик билан шуғулланувчи кўп сонли сара, хуаса, маса каби элатлардан ташкил топган.

**Иқтисодиёти** фуқаролар уруши туфайли бутунлай вайрон бўлган. Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг улуши 39% ни, саноат 14%ни, хизмат кўрсатиш 48%ни ташкил этади. Иқтисодиётининг асоси бўлган чорвачилик ва пахтачилик қишлоқ хўжалигининг асосий соҳалари бўлиб, 300 мингга яқин деҳқон хўжаликлари мавжуд. Шу билан бирга, маккажўхори, гуруч, бугдой, шакарқамиш, ерёнғоқ ҳам етиштирилади. Чад қорамоллар сони жихатидан Африка қитъасида Мали давлатидан кейин 2-ўринда туради. Саноати жуда суст ривожланган, пахтани қайта ишлаш корхоналари, шакар ҳамда тамаки ишлаб чиқарувчи фабрикалари мавжуд. Фойдали қазилмалари ичида камёб бўлган уран, берилл, волфрам, жанубда эса нефть конлари бор. Хориж инвестицияси жалб қилинмоқда. Франциянинг тўқимачилик компаниялари ва нефть қазиб олувчи консорциуми фаолият олиб бормоқда.

**Валютаси.** 696,99 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг. (2003 йил).

Ташқи савдода импорт 194.523 млн. КФА франкини ташкил этади.

Экспорт 230 млн. КФА франки миқдорига бўлиб, унинг 39%и пахтанинг улушига тўғри келади.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Франция ва ЕИ давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 30350 (республика ҳимоячилари билан);

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да

## ЭКВАТОРИАЛ ГВИНЕЯ

25.000, ҳарбий ҳаво кучларида 350 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 4.500 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган жандармерияси бор. Шунингдек, 5.000 нафар республика ҳимоячилари бор.

### 102. ЭКВАТОРИАЛ ГВИНЕЯ (Republica de Guinea Ecuatorial)

Майдони.....28 051 км<sup>2</sup>.

Аҳолиси.....469 000.

Пойтахти.....Малабо шаҳри.

Катта шаҳарлари.....Бата.

Расмий тили.....испан, фанг ва бубу тиллари.

ЯИМ (аҳоли жон бошига).....700 АҚШ доллари.

Экспорт.....кофе, какао (40%), ёғоч маҳсулотлари.

Импорт.....машина ва ускуналар, кенг эҳтиёж моллари.

Миллий валютаси.....КФА франки.

Дини.....насронийлик ва маҳаллий динлар.

Мустақиллик куни.....12. 10. 1968.

Миллий байрами.....12 октябрь - Мустақиллик байрами.

Чегаралари.....шимолдан Камерун билан, шарқ ва жанубдан Габон билан, ғарбий қирғоқлари Атлантика океани билан ўралган.

Давлат тузуми. 1982 йилдан бери президентлик республикаси. 1991 йилда таъсис этилган Қонунчилик органи - Миллий йиғинда 80 та депутат фаолият юритади. Парламент сайловлари ҳар беш йилда, давлат раҳбарлиги учун тўғридан-тўғри сайловлар эса ҳар 7 йилда ўтказилади. 21 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлов ҳуқуқига эга. Давлат раҳбари 1979 йилдан буён Теодоро Обианг Нгуема Мвасого, ҳукумат раҳбари эса 2001 йилдан бери Кандидо Муатетема Ривас.

Мамлакатда асосий учта партия мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1) Partido Democratico \ PDGE.

2) Union Popular \ UP.

3) Convergencia para la democracia Social \ CPDS.

Тарихи. Мамлакат ҳудудида дастлаб пигмей-

лар яшаган. 1472 йилда Португалия экспедицияси мамлакатнинг орол қисмига келиб тушади ва уни ўз мулки деб эълон қилади. 1777-78 йилларда орол Испания тасарруфига ўтади. 1900 йилда Испания мамлакатнинг катта қисмини ўзига бўйсундириб, Испания Гвинеяси деб атай бошлади. 1959 йилда мамлакат денгиз орти вилояти мақомини олди. 1964 йилдан бошлаб мамлакат ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритди ва 1968 йилда мустақилликка эришди. 1979 йили ҳарбий тўнтариш натижасида парламент тарқатиб юборилди ва 1982 йилгача амал қилган Олий Ҳарбий Кенгаш таъсис этилди. 1991 йилда бошқарувнинг демократик шаклига босқичма-босқич ўтиш бошланди. Янги конституция қабул қилинганидан сўнг ҳукумат ва парламент шакллантирилди.

Экваториал Гвинея 1968 йил 12 ноябрдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 17 январда тан олган.

Аҳолиси, асосан, банту тил оиласига мансуб бўлиб, деҳқончилик билан кун кўриб келган, бой фольклор анъаналарини, маросим байрамларини, ҳайкалтарошлик санъатини сақлаб қолган фанг ва буви элатларидан ташкил топган.

Иқтисодиёти аграр хом ашё характерига эга. Асосий экспортини ёғоч, кофе, какао каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этади. Вундан ташқари, маниок, банан, ерёнғоқ, ананас, ширин картошка, маккажўхори, ёғли пальма кабилар ҳам етиштирилади. Мамлакат аҳолисининг 80%и қишлоқ хўжалигида банд. Испанлар мамлакатни ташлаб чиққанидан сўнг плантациялар ташлаб қўйилди ва 1994 йилга келиб ишлаб чиқариш юз баравар пасайиб кетди. Бугунги кунда мамлакатда очиқ эшиклар сиёсати олиб борилмоқда ва инвесторлар жалб қилиниб, хусусий мулкчилик мустаҳкамланмоқда. Чорвачилик унчалик ривожланмаган. Балиқчилик иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ҳисобланса-да, мустақил флотнинг йўқлиги унинг ривожланишига имкон бермаяпти.

Валютаси. 574,041 КФА франки 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импорт 353 млн. АҚШ доллари ташкил этади.

Экспорт 498 млн. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ ва Испания бўлиб, импортда уларнинг улуши 35%ни, экспортда эса 62%ни ташкил этади.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 1.320;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 1100, ҳарбий денгиз флотида 120, ҳарбий ҳаво кучларида 100 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 патруль кемаси бор. Ярим ҳарбийлашган фуқаро гвардияси ва қирғоқ ҳимоячилари бор.

### 103. ЭРИТРЕЯ

(State of Eritrea)

**Майдони**.....121 144 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....4,4 млн (2003 йил).

**Пойтахти**.....Асмера шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Массауа.

**Расмий тили**..... тигриня ва араб тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....1110 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**..... хом ашё, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар.

**Импорт**.....машина ва ускуналар, озиқ-овқат ҳамда тирик ҳайвонлар.

**Миллий валютаси**.....накфа.

**Дини**.....насронийлик, ислом.

**Мустақиллик куни**.....24. 5. 1993.

**Миллий байрами**.....24 май - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимол ва шимоли-ғарбда Судан, ғарбда Эфиопия, жанубда Жибути, шарқда Қизил денгиз билан ўралган.

**Давлат тузуми.** 1993 йилдан буён республика. Қонунчилик органи - Миллий йигин 150 депутатдан иборат. Улардан 75 таси тўғридан-тўғри сайловларда ва 75 таси энг катта партия бўлган PFDJ нинг аъзоларидан сайланади. Давлат ва ҳукумат раҳбари 1993 йилдан бери Исаяс Афеверки. Ташқи ишлар вазири Али Сайид Абдуллоҳ. Мамлакатда партиялар ҳам секин-аста шаклланимоқда. Улар ичида энг таъсирлиси ва қудратлиси

«People's Front for Democracy and Justice (PFDJ)» партиясидир.

**Тарихи.** Мамлакат тарихи Эфиопия тарихи билан бевосита боғлиқ бўлиб, у 1993 йилда Эфиопия таркибидан ажралиб, мустақилликка эришган.

Эритрея 1993 йил 28 майдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиси,** асосан, тигре, тиграи, беджа, сахо, афар, хедараб, бария, кунама ва бошқа элатлардан ташкил топган. Эритреяликларнинг катта қисми кўчманчи бўлиб, қўй, қорамол ва эчки боқиб билан шуғулланади.

**Иқтисодиёти.** Мамлакат анча сустривожланган давлатлардан бири бўлиб, иқтисодиётининг асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этади. Бу соҳада меҳнатга лаёқатли аҳолининг 80% банд. Бор-йўғи 5% ердан деҳқончилик мақсадида фойдаланиш мумкин. Бунинг асосий сабаби мамлакатдаги сув танқислигидир. Лекин ҳозирги вақтда ирригация лойиҳалари амалга оширилмоқда. 1200 дан ортиқ саноат корхона ва устахоналари мавжуд. Улар орасида нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, тери-пойафзал, тикувчилик, озиқ-овқат, ёғочсозлик ва кимё саноати корхоналари бор. Олтин, мис, темир, никель, хром, титан ва бошқа конлар очилган. Сохиллар яқинида балиқ овланади. Иқтисодиётининг 19% ни қишлоқ хўжалиги, 22% ни саноат, 59% хизмат кўрсатиш соҳаси ташкил этади.

**Валютаси.** 9,5 накфа 1 АҚШ долларига тенг. (2000 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 2.702 млн. накфа бўлиб, асосан нефть, машина ва транспорт, озиқ-овқат ва тирик моллар импорт қилинади. Экспорт 56 млн. накфа бўлиб (2003 йил), асосан, хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Италия, БАА, Саудия Арабистони, Эфиопия, Судан.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 201.750;

захирадагилар – 120.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 200.000, ҳарбий денгиз флотида 1.400, ҳарбий ҳаво кучларида 350 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва

# ЭФИОПИЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

киргоқ кўшинларида 1 та снарядли кема ва 7 та патруль кемаси бор.

## 104. ЭФИОПИЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

(People's Democratic Republic of Ethiopia)

**Майдони**.....1 133 380 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....68,6 млн (2003 йил).

**Пойтахти**.....Аддис-Абеба (2,2 млн. киши) шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Диредиуа, Гондэр, Назрет.

**Расмий тили**.....амҳар тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.710 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....кофе, тери маҳсулотлари, мой олинадиган мағизлар.

**Импорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, машина ва транспорт жихозлари, кенг эҳтиёж моллари.

**Миллий валютаси**.....бирр.

**Дини**.....ислом, насронийлик, маҳаллий динлар.

**Миллий байрами**.....28 май - Тинчлик ва демократия ўрнатилган кун.

**Чегаралари**.....шимоли-шарқда Эритрея ва Жибути, шарқ ва жануби-шарқда Сомали, жануби-ғарбда Кения. ғарбда Судан ва шимоли-шарқда Қизил денгиз билан ўралган.

**Давлат тузуми**. 1994 йилдан буён Федерал республика. 1995 йилда таъсис этилган парламент Халқ депутатлари Кенгаши деб номланади, 548 та аъзоси бор. Сайлов ҳар беш йилда ўтказилади. Давлат раҳбарлиги учун сайлов парламент томонидан беш йилда ўтказилади. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга. 2001 йил 8 октябрдан бери давлат раҳбари Гирма Волде Гиоргис, 1995 йилдан бери ҳукумат раҳбари Мелес Ценави. Мамлакатдаги асосий кучли партия битта бўлиб, у Эфиопия халқи инқилобий демократик fronti (Ethiopian People's Revolutionary Democratic Front (EPRDF) .

**Тарихи**. Эфиопия жуда қадим тарихга эга. Унинг ҳудудидан топилган тош қурооллар 3 млн. йиллик тарихдан дарак беради. Эр. ав. I минг йилликда Эфиопия империясини Савс

подшолиги ўзига бўйсундиради. Эр. ав. II асрда ўзларини шоҳ Сулаймоннинг авлодлари сифатида эътироф этувчи сулаймонийлар ҳукмронлиги остидаги Аксум қиролиги юзага келади. Бироқ эрамизнинг VII асрларига келиб, қиролик заифлаша бошлайди ва X асрда Загве мусулмон сулоалари томонидан босиб олинади. XIII асрда насронийлар ҳукмронлиги яна тикланади. XVI – XVII асрларда Эфиопия императори мусулмон истилочиларига қарши курашда ёрдам беришларини сўраб, Европа давлатларига мурожаат қилади. 1869 йилда Сувайш каналининг очилиши Қизил денгиз қирғоқларига яна европаликлар диққатини жалб қилади ва мамлакатни Италия босиб олади. 1889 йилги шартномага биноан мамлакат Италия протекторатига айлантирилди. 1895 йилги урушда Италия мағлубиятга учраб, Эфиопия мустақиллигини тан олди. 40 йилдан сўнг Италия яна бир бор Эфиопияни босиб олди. Лекин 1941 йили Британия армияси ёрдамида мамлакат яна озод қилинди. 1975 йилнинг мартида мамлакат Социалистик Эфиопия номини олди. Кейинроқ у Эфиопия Халқ Демократик Республикаси деб атала бошланади. 1993 йили 30 йилдан ортиқ мустақиллик учун кураш олиб борган Эритрея Эфиопиядан ажралиб чиқди.

Эфиопия 1945 йил 13 ноябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олган ва 1996 йил 15 июлда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. **Аҳолисининг** кўп қисми европоид ва негроид irqлари ўртасида турган эфиопия irqига мансуб. Баланд бўйи ва терисининг қаҳва ранги эфиопияликларга ўзгача чирой бағишлаб туради.

**Иқтисодий** жиҳатдан аграр мамлакат бўлиб, нисбатан суст ривожланган. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 85% банд. Қурғоқчилик вақти-вақти билан очлик муаммосини келтириб чиқаради. 1992 йили Халқаро Валюта Фонди тавсиялари асосида иқтисодиётни тиклашнинг фавқулодда дастури қабул қилинди. Асосий қишлоқ хўжалик экинлари – донли экинлар, кофе, мойли ўсимликлар. Қорамолларни кўпайтириш бўйича Эфиопия Африкада биринчи ўринда туради. Саноат соҳасида озиқ-овқат, тўқимачилик, тери маҳсулотларини ишлаб чиқаради ва у давлат

## ҒАРБИЙ САҲРОИ КАБИР \* РЕЮНЬОН

секторининг 85%ини ташкил қилади. Минерал ресурслар кам ўрғанилган. Тантал, табиий газ, олтин конлари мавжуд. Олтин, платина, калий тузи, марганец рудаси қазиб олинади. Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодининг 52%ини, хизмат кўрсатиш 37%ини ташкил этади.

Валютаси. 8, 41 бирр 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импорт 1, 64 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Экспорт жуда кам бўлиб, 535 млн. АҚШ долларига тенгдир. (2003 йил).

Ҳарбий салоҳияти. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 182.500;

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари)да 180.000, ҳарбий ҳаво кучларида 2.500 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас.

### 105. ҒАРБИЙ САҲРОИ КАБИР (Sahrawi Arab Democratic Republic)

Майдони.....252 120 км<sup>2</sup>.

Аҳолиси.....252 146 киши.

Пойтахти.....Ал-Аюн шаҳри.

Катта шаҳарлари.....Смара, Буждур.

Расмий тили.....араб ва испан тиллари.

ЯИМ (аҳоли жон бошига)...маълумот йўқ.

Экспорт.....фосфоритлар, хайвонлар, тери ва туз.

Импорт.....озик-овқат, нефть маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари.

Миллий валютаси.....Сахро песети.

Дини.....ислом.

Мустақиллик куни.....27. 02. 1976.

Миллий байрами.....27 февраль – Мустақиллик куни.

Чегаралари.....шимолда Марокаш, шимоли-шарқда Жазоир, жануб ва шарқда Мавритания, ғарбда Атлантика океани билан.

Давлат тузуми. Мамлакатни Инқилобий Кўмондонлик Кенгаши бошқариб келмоқда. Президент бошқаруви жорий қилинган бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ИҚКнинг раиси ҳисобланади. Мамлакатнинг қонунчилик органи Сахро Миллий Кенгашидир.

Аҳолисининг асосини араб ва бербер қабилалари ташкил этади.

Иқтисодиёти. Мамлакат табиий ресурсларга бой бўлиб, фосфат қазиб олиш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу билан бирга, уран, темир, мис, симоб, калий тузи, марганец, нефть қабиларнинг истиқболли захиралари аниқланган. Балиқчилик, чорвачилик қабилар ҳам ривожланиб бормоқда. Деҳқончиликда, асосан, буғдой етиштирилади.

### 106. РЕЮНЬОН (Le Saint Alexis)

Майдони.....2,5 000 км<sup>2</sup>.

Аҳолиси.....755 000 (2001 йил).

Пойтахти.....Сен-Дени шаҳри.

Катта шаҳарлари.....Ле Пор.

Расмий тили.....француз тили.

ЯИМ (аҳоли жон бошига)...5600 АҚШ доллари. (2003 йил).

Экспорт.....шакар, меласса, хинд тамакиси ва бошқа маҳсулотлар.

Импорт.....кундалик эҳтиёж ва саноат товарлари, ёнилғи.

Миллий валютаси.....франк.

Дини.....ислом, насронийлик, ҳиндуизм, буддизм.

Давлат тузуми. Франциянинг денгизорти департаменти бўлиб, Франция парламентида 3 депутати ва 2 та сенатори фаолият кўрсатади. Мамлакатни Франция ҳукуматининг комиссари бошқаради. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳар олти йилда сайланадиган Бош ва ҳудудий кенгашлардир.

Аҳолисининг асосий қисми Франциядан келиб қолганларнинг авлодлари бўлган креоллар, Африка ва Мадагаскардан келтирилган кулларнинг авлодлари ва Ҳиндистондан келган ёлланма ишчилардир.

Иқтисодиёти. Мамлакат иқтисодиётининг асосини шакарқамиш, ваниль ва бошқалар етиштириш ташкил этади. Балиқчилик ва чорвачилик ҳам ривожланган. Саноатида шакар, озиқ-овқат консервалари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш асосий ўрин тутаети. Мамлакатда сайёҳлик ҳам ривожланган бўлиб, йилга 200000 сайёҳ келиб-кетаети.

Савдо соҳасидаги шериклари. Франция ва ЕИ давлатлари.

ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ

107. АВСТРИЯ

Австрия Республикаси  
(Osterreichische Republik)

**Майдони**.....84 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....8 000 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Вена шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Грац, Зальцбург, Линц.  
**Расмий тили**.....немис тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....27 390 АҚШ доллари (2002 йил).  
**Экспорт**.....механизм ва ускуналар, қоғоз ва қурилиш картонлари, металл маҳсулотлари, кимёвий воситалар, темир ва пўлат, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Импорт**.....механизмлар ва ускуналар, кимёвий воситалар, металл жиҳозлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, озиқ-овқатлар.  
**Миллий валютаси**..... евро  
**Дини**.....насеронийлик ва ислом.  
**Мустақиллик куни**.....1156 йилдан бери мустақил давлат.  
**Миллий байрами**.....26 октябрь – Бетарафлик куни (1955).  
**Чегаралари**.....шимолда Чехия, шимоли-шарқда Словакия, шарқда Венгрия, жанубда Словения, Италия ва Швейцария, ғарбда Лихтенштейн, Швейцария ва Германия билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Австрия федератив республикаси Марказий Европадаги давлат, Дунайнинг ўрта оқими ҳавзасида жойлашган. Амалдаги конституция 1920 йилда қабул қилинган (1929 йилда ўзгаришлар киритилган). Давлат бошлиғи – федерал президент, уни аҳоли 6 йил муддатга сайлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент: миллий кенгаш (куйи палата) ва федерал кенгаш (юқори палата) амалга оширади. Миллий кенгашни аҳоли 4 йил муддатга сайлайди. Федерал кенгаш аъзоларини ўлкалар парламентлари (ландтаглар) ўз ваколатларига тенг муддатга (4-6 йилга) сайлайдилар. Ижроия ҳоки-

миятини федерал президент ва у тайинлайдиган федерал канцлер бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Ҳар бир ўлканинг ўз конституцияси ва қонун чиқарувчи органи бор. Ўлкаларнинг ҳуқуқлари чекланган.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари**. Австрия социал-демократик партияси - 1889 йилда тузилган; Австрия халқ партияси - 1945 йилда тузилган; Австрия озодлик партияси - 1955 йилда тузилган; «Яшил муқобил» партияси - 1987 йилда тузилган; «Либерал форум» партияси - 1993 йилда тузилган. Австрия касаба уюшмалари бирлашмаси - 1945 йилда тузилган, Халқаро эркин касаба уюшмалари конференциясига киради.

Австрия 1995 йилдан БМТ аъзоси.  
**Аҳолиси**. Австрия аҳолисининг 99% австрияликлар. Словенлар, хорватлар, венгерлар, чехлар, немислар, итальянлар ҳам яшайди. Аҳолисининг ўртача зичлиги – 1 кв. км. га 90 киши. Аҳолининг 52% шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти**. Австрия – юксак даражада ривожланган саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотнинг 36,3% саноатда, 2,8% қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида ҳосил қилинади. Австрия иқтисодиётида йирик чет эл корпорациялари муҳим роль ўйнайди. Ғарбий Европа мамлакатлари орасида ташқи савдо муомаласининг кўп қисми Германияга тўғри келади. Хорижий сайёҳлик каттагина даромад келтиради.

Ташқи савдода импортнинг улуши 69 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 65 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. ЕИ давлатлари, Швейцария, АҚШ, Япония, ХХР.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

- фаоллар – 35.000;
- заҳирадагилар – 75.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 34600, ҳарбий ҳаво кучларида 6000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий.

**Табиати**. Австрия – тоғли мамлакат. Унинг жанубий қисми Шарқий Альп тоғлари – Юқори Тауэрн (баландлиги 3797 м., Гросглокнер чўққиси) ва Куйи Тауэрн; шимолий қисми – паст-баланд текисликлардан иборат

бўлиб, чекка шимоли-шарқда Ўрта Дунай пасттектислигига туташиб кетади. Иқлими – мўътадил. Асосий дарёси – Дунай ва унинг ирмоқлари (Инн, Траун, Энс, Драва ва бошқалар). Кўллар кўп, уларнинг аксарияти музликлардан пайдо бўлган.

**Ўзбекистон – Австрия муносабатлари.** Австрия республикаси Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 15 январда тан олди, 1992 йил 25 мартдан бошлаб дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1998 йил май ойида Австрия республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Ўзбекистонда аккредитация қилинди. Ўзбекистон – Австрия муносабатларининг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил 18-20 сентябрда Австрияга расмий ташрифи муҳим босқич бўлди. И.А.Каримовнинг иккинчи расмий ташрифи 2001 йилнинг 10-12 декабрида бўлиб ўтди ва унда Австрия федерал президенти Т.Клестил, Миллий кенгаш раиси Х. Фишер, Федерал канцлер В. Шюссел, Ташқи ишлар вазири Б. Ферреро-Валднер ва молия вазири К.-Х. Грассер билан, шунингдек, ишбилармонлар ҳамда ижтимоий-сиёсий доира вакиллари билан учрашувлар ва музокаралар ўтказилди.

Бутунги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари кун сайин ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда савдо, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маркетинг хизматлари ва бошқа соҳалар бўйича Австриянинг 11 фирмаси ваколатхоналари мавжуд.

Маданий-ижтимоий соҳада ҳам икки томонлама ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. 1997 ва 2003 йилларда Тошкентда Австрия расомларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Австрия томони Ўзбекистон олий ўқув юртларига фаол ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жумладан, 1997 йил Жаҳон тиллари университетига немис тилини ўрганиш учун 9000 АҚШ доллари миқдоридан бегараз ёрдам кўрсатди.

2000 йил январда Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитаси Австрия халқаро технологик ҳамкорлик миллий бюроси ва ижтимоий янгиликлар маркази билан ҳамкорликда “Ўзбекистон ва Австрия инновацион тизимлари: ўзаро кўмак имкониятлари” мавзусида

семинар ўтказди. Бир неча йиллардан бери Ўзбекистон Фанлар Академияси билан Вена техника университети ўртасида ҳамкорлик давом этиб келмоқда. 2001 йил июлда Австрия Фанлар академияси раҳбарияти ташрифи давомида икки мамлакат Фанлар академиялари ўртасида кўшма меморандум имзоланди. Икки томонлама ҳамкорликнинг барча соҳаларини тартибга солувчи 12 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар ҳозирги кунда Ўзбекистон – Австрия муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этади.

## 108. АЛБАНИЯ

Албания Республикаси  
(Republic of Albania)

<b>Майдони</b> .....	28 748 км <sup>2</sup> .
<b>Аҳолиси</b> .....	3 510 000 (2003 йил).
<b>Пойтахти</b> .....	Тирана шаҳри.
<b>Катта шаҳарлари</b> .....	Дуррес, Шкодер, Влёра, Эльбасан.
<b>Расмий тили</b> .....	албан тили.
<b>ЯИМ (аҳоли жон бошига)</b> ...4 400 АҚШ доллари (2002 йил).	
<b>Экспорт</b> .....	тўқимачилик ва пойафзал, битум, металл ва металл рудалари, нефть, сабзавотлар, мевалар, тамаки.
<b>Импорт</b> .....	механизм ва жиҳозлар, озиқ-овқат, тўқимачилик маҳсулотлари, кимёвий воситалар.
<b>Миллий валютаси</b> .....	лек.
<b>Дини</b> .....	ислом ва насронийлик.
<b>Мустақиллик куни</b> .....	28. 11. 1912.
<b>Миллий байрами</b> .....	28 ноябрь - Мустақиллик куни.
<b>Чегаралари</b> .....	шимолда Сербия ва Черногория, шарқда Македония, жанубда Греция, ғарбда Адриатика денгизи билан ўралган.
<b>Давлат тузуми.</b>	Албания парламентар республикаси Болқон ярим оролининг жануби-ғарбидаги давлат. Адриатика ва Иони денгизлари соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 36 ретага бўлинган. Пойтахти алоҳида маъмурий бирлик қилиб ажратилган. Амалдаги конституцияси 1998 йил қабул қилинган.

## АНДОРРА

Давлат ҳокимиятининг олий органи – бир палатали Халқ мажлиси (155 депутат), уни фуқаролар 4 йил муддатга сайлайди. Давлат бошлиғи – президент. Албания Олий ижроия органи – ҳукумат бошлиғи бошчилигидаги Вазирлар Кенгаши (ҳукумат). Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари – тегишли халқ кенгашлари.

**Сиёсий партия ва бирлашмалари, касаба уюшмалари.** Албания социалистик партияси - 1941 йилда тузилган, 1948 йилгача Албания Компартияси, 1991 йилгача Албания меҳнат партияси деб аталган. Ҳозирги номи 1991 йил 12 июнда қабул қилинган; Албания демократик партияси - 1990 йил тузилган; Албания аграр партияси - 1991 йилда тузилган; Албания республикачилар партияси - 1991 йилда тузилган; Албания социал-демократик партияси - 1991 йилда тузилган; Инсон ҳуқуқлари учун иттифоқ - 1992 йил тузилган; Албания касаба уюшмалари конференцияси - 1990 йилда тузилган; Албания мустақил касаба уюшмалари бирлашмаси - 1991 йилда тузилган.

Албания 1995 йилдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 4 январда тан олган ва 1993 йил 23 ноябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Асосий аҳоли – албанлар (салкам 98%). Греklar, валахлар ва бошқалар ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup>. га 87 киши. Аҳолининг 35%и шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Албания мустақил бўлгач, хўжалик соҳасида муайян муваффақиятларга эришди. У аграр-саноатлашган мамлакатга айланди. Албания миллий даромадининг 46% саноатда, 33% қишлоқ хўжалигида ҳосил қилинади.

**Валютаси.** 146,08 албан леки 1 АҚШ доллари тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,5 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

Экспортнинг улуши 340 млн. АҚШ доллари. (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Туркия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 21.500;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 16.000, ҳарбий денгиз флотида 2000, ҳарбий ҳаво кучларида 3500 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 11 та торпедоли ва 9 та патруль кемаси бор. Ярим ҳарбийлашган ички хавфсизлик кучлари - “Махсус полиция” ва 500 кишидан иборат чегара полициячилари бор. **Табиати.** Адриатика денгизининг соҳили асосан пасттекислик, жануби тоғлардан иборат. Албания худудининг салкам 70%ни баландлиги 2692 м. гача бўлган шимолий албан Альплари (Проклетие) ва Жанубий Альплар эгаллайди. Иқлими – Ўрта денгизга хос субтропик. Сой ва дарёлари тезоқар, уларда кема қатнамайди. Энг катта дарёлари – Дрин, Семани, Шкумбини, Скадар, Охрид.

### 109.АНДОРРА

Андорра князлиги  
(Principality of Andorra)

**Майдони**..... 468 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 70 000 (2002 йил).

**Пойтахти**..... Андорра-ла-Велья шаҳри.

**Расмий тили**..... каталон, француз ва испан тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....9.260 АҚШ доллари.

**Экспорт**.....тамаки маҳсулотлари ва мебель.

**Импорт**.....кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат, электр энергияси.

**Миллий валютаси**.....евро.

**Дини**.....насонийлик.

**Мустақиллик куни**.....1278 йилдан бери мустақил давлат.

**Миллий байрами**.....8 сентябрь – Рождество байрами.

**Чегаралари**.....шимол ва шарқда Франция, жануб ва ғарбда Испания билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Андорра Европанинг жануби-ғарбидаги мустақил суверен давлат. Пиреней ярим оролида, Франция билан Испания оралигида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 7 жамоага бўлинган. Қонун чиқарувчи олий орган – Бош кенгаш – 28 депутат-

дан иборат бир палатали парламент. Ижроия ҳокимиятининг олий органи – Ижроия кенгаши (ҳукумат).

Андорра 1993 йил 28 июлдан БМТ аъзоси.

**Иқтисодиётининг асосий тармоқлари** – қўйчилик ва дехқончилик. Чет эл туризми катта даромад келтиради. Ҳар йили мамлакатга 13 млн.га яқин сайёҳ келиб-кетилади.

Ташқи савдода импортнинг улуши 1, 077 млрд АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 58 млн. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ.

**Табиати.** Андорра Пиренейнинг жанубий ён бағрида, Валира дарёси (Эбро ҳавзаси) ва унинг irmoқлари водийсида жойлашган. Музликлардан ҳосил бўлган кўллар бор.

## 110. БЕЛОРУССИЯ

Белоруссия Республикаси  
(Беларусь), (Belorussia)

**Майдони**..... 208 000 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 9 800 000 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Минск шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Гомель, Витебск, Могилёв, Гродно.

**Расмий тили**..... белорус ва рус тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 5 330 АҚШ доллари (2002 йил).

**Экспорт**..... машина ва жиҳозлар, кимёвий воситалар, металллар, газлама-лар, озиқ-овқат.

**Импорт**..... фойдали қазилма-лар, механизм ва жиҳозлар, металллар, кимёвий воситалар, озиқ- овқатлар.

**Миллий валютаси**..... белорус рубли.

**Дини**..... насронийлик, оз миқдорда ислом.

**Мустақиллик куни**..... 25. 08. 1991.

**Миллий байрами**..... 3 июль – Озодлик куни (1944).

**Чегаралари**..... шимолда Латвия ва Россия, шарқда Россия, жанубда Украина, ғарбда Литва ва Польша билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Европа марказидаги давлат. Шарқий Европа текислигининг ғарбида жойлашган. 6 вилоят, 118 туман, 102 шаҳар, 109 шаҳарча бор (1996). Беларуссия Республика-

си – унитар демократик, ижтимоий-ҳуқуқий давлат. 1996 йилги референдумда қабул қилинган Конституция амал қилади. Давлат бошлиғи – аҳоли томонидан 5 йил муддатга сайланадиган президент. Қонун чиқарувчи ваколатли органи – Миллат мажлиси бўлиб, у Вакиллар Палатаси ва Республика Кенгашидан иборат. Вакиллар Палатасининг 110 депутатини аҳоли сайлайди, Республика Кенгашининг 64 депутатидан 56 нафари маҳаллий кенгашлар томонидан сайланади, 8 нафари президент томонидан тайинланади. Миллат мажлисининг ваколат муддати 4 йил. Ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат – Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Бош вазирни Вакиллар палатасининг розилиги билан президент тайинлайди.

Белоруссия 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. **Аҳолиси.** Асосан, белоруслар. Руслар, поляклар, украинлар, татарлар, яҳудийлар ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги – 1 км<sup>2</sup>. га 49,4 киши тўғри келади. 68,9% аҳоли шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** 1995 йилдан бери мамлакат “бозор социализми” қурилиши йўлидан бормоқда. Мамлакат иқтисодиётида саноатнинг улуши 46%, хизмат кўрсатиш соҳаси 41%, қишлоқ хўжалиги 13% ни ташкил этади. Мамлакат Россия билан яқинлашув ва ғарбнинг иқтисодий эркин бозоридан чекланиш йўлидан бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. **Экспорт ва импортдаги асосий ҳамкори** Россия Федерацияси ҳисобланади.

**Валютаси.** 1180 белорус рубли 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 11 млрд АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 10 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Россия, Украина, Польша, Германия, Литва, Латвия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 72.940;

захирадагилар – 289.500;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 29.600, ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳаво мудофаа-си кучларида 18.170 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. Ядро қуролига эга. Ярим ҳарбийлашганлар 110.000 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 12.000 нафари чегара қўшинлари, 11.000 нафари ички ишлар вазирлиги ва 87.000 нафари милиция ходимларидир. **Табиати.** Белоруссиянинг ер юзаси текислик бўлиб, шимоли-ғарбида ботқоқли паст-текисликлар ва кўллар жуда кўп. Жануби-ғарбдан шимоли-шарқ томон Белоруссия қирлари чўзилган, энг баланд қисми (Минск қирлари) денгиз сатҳидан 345 м. баланд. Иқлими континентал иқлим билан денгиз иқлими ўртасида, Атлантика ҳаво оқими уни анча юмшатиб туради. Ботқоқликлар, дарё ва кўллар кўплигидан ерлари зах. Энг катта дарёлари - Днепр, Ғарбий Двина, Неман, Буг. Белоруссия кўлларининг энг катгалари: Нарочь, Освей, Дрисвяти, Червоное, Вигоновское.

**Ўзбекистон – Белоруссия муносабатлари.**

**1. Сиёсий муносабатлар.** Белоруссия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олди. Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1993 йил 21 январда ўрнатилди. Белоруссиянинг Тошкентдаги элчихонаси 1994 йилнинг февраль ойидан бошлаб фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Белоруссияда ҳам ўриндош сифатида рўйхатдан ўтказилган. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1991 йил 6 ноябрда Тошкент шаҳрида имзоланган давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги Шартномага биноан олиб борилмоқда. Бугунги кунгача икки давлат ўртасида олий даражада 2 расмий ташриф ва Бош вазир ўринбосарлари даражасида ташрифлар бўлган. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий ҳуқуқий асосини 37 халқаро икки томонлама ҳужжат ташкил этади. Улардан 19 тасини давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар, 9 тасини икки томонлама идоралараро ҳужжатлар: 9 тасини эса ҳукуматлараро комиссия мажлисининг протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади.

**2. Савдо-иқтисодий муносабатлар.** Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар

ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида имзоланган 7 та халқаро ҳужжат асосида олиб борилмоқда. Хозирги пайтда икки давлат ўртасида 20 дан ортиқ ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёни бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси берган маълумотларга кўра, 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси билан Белоруссия Республикаси ўртасидаги товар айирбошлаш 55,5 млн. АҚШ долларини, экспорт 5,7 млн. АҚШ долларини, импорт эса 49,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистоннинг экспорт структурасини: озиқ-овқат моллари (20,9%), хизматлар (7,7%), кимёвий воситалар ва пластмасса (1,3%) ва бошқа маҳсулотлар (6,8%) ташкил қилади. Ўзбекистоннинг импорт структураси машина ва технологиялар (49,3%), кимёвий маҳсулотлар ва пластмасса (29,2%), қора металл (8,4%), хизматлар (1,2%), озиқ-овқатлар (0,5%) ва бошқа маҳсулотлардан иборат.

**3. Маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорлик.** Бугунги кунда бу соҳадаги ўзбек-белорус ҳамкорлиги 1994 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси ва Белоруссия Республикаси ўртасидаги маданият ва санъат соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида имзоланган давлатлараро Шартномага ва 1995 йил 21 февралда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ва Белоруссия Республикасининг “Белинтурист” Акционерлик жамияти ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида имзоланган идоралараро Битимга асосан олиб борилмоқда.

## 111. БЕЛЬГИЯ

Бельгия Қироллиги (Kingdom of Belgium)

**Майдони**.....30 500 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 10 300 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Брюссель шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Антверпен, Льеж, Гент, Шарлеруа.  
**Расмий тили**.....француз, нидерланд ва немис тили.  
**ЯИМ (аҳоли жоп бошига)**...28 830 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....машина ва жиҳозлар, кимёвий воситалар, олмос, металл ва металл маҳсулотлари.

**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, кимёвий воситалар, металл ва металл маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....евро.

**Дини**.....насронийлик, ислом, яҳудийлик ва бошқалар.

**Мустақиллик куни**.....4. 10. 1830.

**Миллий байрами**.....21. 07. 1831 - Қирол Леопольднинг тахтга ўтирган куни.

**Чегаралари**.....шимолда Нидерландия, шарқда Германия ва Люксембург, жануб ва ғарбда Франция, шимоли-ғарбда Шимолий денгиз билан ўралган.

**Давлат тузуми**. Ғарбий Европадаги давлат. Шимолий денгиз соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 3 минтақага, минтақалар вилоят (провинция)ларга, вилоятлар коммуналарга бўлинган. Бельгия – конституциявий монархия. Амалдаги конституция 1831 йилда қабул қилинган ва ўша пайтдан бери бир неча бор (охирги март 1993 й.) тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи – қирол, унинг ҳокимияти чекланган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қирол ва парламент амалга оширади. Икки палатали парламент 4 йил муддатга сайланади. Вакиллар палатаси 150 депутатдан, сенат 72 аъзодан иборат. Ижроия ҳокимиятини қирол ва у томонидан тайинланган ҳамда парламентга ҳисоб берадиган ҳукумат (вазирлар кенгаши) амалга оширади, унга бош вазир бошчилик қилади.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Христиан халқ партияси - 1969 йилда тузилган; Социалистик партия - 1978 йилда ташкил этилган; «Агалев» - фламанд экологлари партияси - 1982 йилда тузилган; Франкофонлар демократик партияси - 1964 йилда ташкил этилган. Христиан касаба уюшмалар конференцияси - 1912 йилда тузилган; Бельгия умуммеҳнат федерацияси - 1945 йилда тузилган.

Бельгия 1945 йил 27 декабрдан БМТ, 1949 йилдан НАТО аъзоси (1967 йилдан Бельгияда НАТО қароргоҳи жойлашган).

**Аҳолиси** миллий таркиби жиҳатидан 2 асосий гуруҳга: фламандлар (58%) ва валлонлар

(32,5%)га бўлинади. Бельгияда 1 млн. га яқин ажнабийлар – италянлар, испанлар, французлар, греклар, голландлар, марокашликлар, турклар бор. Аҳолининг 96,5% шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти**. Бельгия дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар гуруҳига киради. Саноатда янги технологияларни жорий этишга, экспортни рағбатлантиришга, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашга, хорижий сармояни жалб этишга алоҳида эътибор берилади. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг атиги 3% шуғулланади (ҳар бир деҳқон 80 кишини боқади). Ўрта ва майда фермер хўжаликлари (90 мингга) қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этади.

Ташқи савдода импортнинг улуши 250.4 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 267,1 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония, ХХР.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 40.800;

захирадагилар – 13.750;

шундан, армияда (қуруқлик қўшинлари) 24800, ҳарбий денгиз флотиди 2450 ва ҳарбий ҳаво кучларида 10250 киши хизмат қиладди.

Қурол-яроғи замонавий. 3 қўриқчи кемага эга.

**Табиати**. Бельгия ҳудудининг кўпчилиги қисми пасттекисликдан иборат бўлиб, шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон кўтарила боради. Энг баланд нуқтаси – Ботранж чўққиси (694 м.). Иқлими – мўътадил, денгиз иқлими. Катта дарёлари: Маас, Шельда, Изер, улар бири бири билан каналлар орқали туташтирилган.

**Ўзбекистон – Бельгия муносабатлари**. Бельгия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1992 йил 10 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1993 йил Бельгия пойтахти Брюсселда Ўзбекистон элчихонаси очилгач, иккала мамлакат ўртасидаги расмий муносабатлар амалий йўналиш касб этди. 1996 йил июнда Бельгия делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Делегация аъзоларининг Ўзбекистон раҳбарлари билан учрашувлари вақтида савдо-иқтисодий

## БОЛГАРИЯ

алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Бельгия ишбилармонлари вакилларининг бизнес семинари ҳам бўлиб ўтди. Президент И.А.Каримовнинг 1996 йил 12-14 ноябрда Бельгия қироллигига қилган расмий ташрифидан сўнг иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар янги поғонага кўтарилди. Ташриф давомида Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Бельгиянинг «Женерал» банки ўртасида кредит битими имзоланди. Ўзбекистон Президенти билан Бельгия бош вазири ўртасида имзоланган қўшма сиёсий Декларацияда иккала давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун ҳуқуқий негиз яратилди. Ўзбекистон билан Бельгия қироллиги ўртасида музокаралар якунида иккиёқлама солиқ тўламаслик ва даромад ҳамда сармояларга солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида конвенция, шунингдек, ҳаво йўли тўғрисида битим имзоланди. 1998 йил 17-18 апрель кунлари Бельгия бош вазири Ж.-Л. Дехане Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. Мана шулар натижасида икки мамлакат ўртасида иқтисодий муносабатлар ривожлана бошлади. Тошкентда Бельгиянинг учта фирмаси ваколатхоналари очилди. Бельгиялик тадбиркорлар билан биргаликда тузилган «Вита», «Ассекан ЛТД», «Целлюлоза интерпрайз» қўшма корхоналари бинокорлик материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. 1996 йилдан икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси кўпая бошлади. Ўзбекистон билан Бельгия ўртасида тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, сайёҳлик, банк тармоғи, юқори маалакали мутахассислар тайёрлаш каби соҳаларда ҳамкорлик истиқболлари очилмоқда.

1994 йилда Ўзбекистон делегацияси (унинг таркибида вилоятлар ва туманларнинг ҳокимлари бор эди) Бельгияда бўлди. Ташриф чоғида энгил саноат соҳасида Бельгиянинг юксак техника ва технологияга эга бўлган йирик фирмалари билан ҳамкорлик ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди ва аниқ тадбирлар келишиб олинди. 1997 йил май ойида Бельгия университети ҳузуридаги Европа сиёсати инс-

титутининг директори Лювѐн Кетлин Мелфлит Тошкентга келганида Ўзбекистон Адлия вазирлигида мамлакатимиз ҳуқуқий таълим муассасаларининг фаолиятини яхшилаш мақсадида Европадаги бир қанча мамлакатлар ҳуқуқшунос олимлари билан ҳамкорлик ҳақида келишиб олинди.

### 112. БОЛГАРИЯ

Болгария Республикаси  
(Republic of Bulgaria)

**Майдони**..... 110 910 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 7 707 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... София шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Пловдив, Варна, Русе, Бургас, Стара-Загора.  
**Расмий тили**..... болгар тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...6 500 АҚШ доллари (2002 йил).  
**Экспорт**.....кийим-кечак ва пойафзал, темир ва пўлат, машина ва жиҳозлар, ёнилғи.  
**Импорт**.....минерал хом ашё ва ёнилғи, машина ва жиҳозлар, кимёвий воситалар, озиқ-овқат, газламалар.  
**Миллий валютаси**.....лев.  
**Дини**.....насонийлик ва ислом.  
**Мустақиллик куни**.....3. 03. 1878.  
**Миллий байрами**.....3 март - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....шимолда Руминия, ғарбда Сербия ва Македония, жанубда Греция ва Туркия билан чегарадош, шарқда Қора денгиз билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Болгария парламентар республикаси Европанинг жанубида, Болқон ярим оролининг шарқий қисмидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 9 вилоятга, улар жамоаларга бўлинади. София шаҳри вилоятга тенглаштирилган. 1946 йилдан 1990 йил 15 ноябргача Болгария Халқ Республикаси деб аталган. Амалдаги конституцияси 1991 йил 12 июлда кучга кирган. Давлат бошлиғи — президент (1997 йилдан Петр Стоянов). Уни мамлакат аҳолиси бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият — 240 депутатдан иборат

Халқ мажлиси (доимий ишлайдиган орган). Янги конституцияни қабул қилиш, Болгария худудини ўзгартириш масаласи ёки давлат тузилиши ва мамлакат бошқаруви шаклига ўзгартириш киритиш масалаларини ҳал этиш учун 400 вакилдан иборат Буюк халқ мажлиси сайланади. У ўзига ҳавола қилинган масалалар юзасидан узил-кесил қарор қабул қилганидан сўнг ваколати тўхтатилади. Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) ижроия ҳокимияти органи ҳисобланади.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари ва жамоат ташкилотлари.** Болгарияда 80 га яқин партия ва сиёсий ҳаракат иш олиб боради. Асосийлари: Болгария социал-демократик партияси - 1891 йилда асос солинган, 1948 йилда фаолиятини тўхтатган, 1989 йилдан қайта фаолият кўрсата бошлади; Болгария социалистик партияси - 1990 йил апрелда ташкил этилган; Болгария бизнес-блоки - 1991 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилган; Болгария деҳқонлар халқ иттифоқига - 1899 йилда асос солинган; Ҳуқуқлар ва озодлик учун ҳаракат - Болгария мусулмон аҳолисини бирлаштирувчи ижтимоий-сиёсий ташкилотга 1990 йил январда асос солинган; Халқ иттифоқи сиёсий бирлашмасига - 1994 йилда асос солинган, Болгария деҳқонлар халқ иттифоқи билан Демократик партияни ўз ичига олади; Демократик кучлар иттифоқи - 1989 йил декабрда ташкил этилган. Болгария мустақил синдикатлари конфедерацияси - 1990 йилда тузилган; «Подкрепа» меҳнат конфедерацияси - 1990 йил ташкил этилган; «Бирлик» мустақил касаба уюшмасига - 1990 йилда асос солинган.

Болгария 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. **Аҳолиси.** Асосий аҳолиси болгарлар, шунингдек, турклар, лўлилар, арманлар, руслар, македонлар ҳам бор. Аҳолининг 67,93% шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Болгария — саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи маҳсулотда саноатнинг улуши 36%, қишлоқ хўжалигининг улуши 12%, хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 52% ни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида мамлакатдаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг 18%, саноатда 41% банд. Плевен ва Шабла атрофларида озроқ нефть, Враца яқинида газ кон-

лари бор. Электр энергиянинг аксариятини иссиқлик электр станциялари беради. Козлодуй шаҳри яқинида атом электр станцияси қурилган. Болгария худудидан Ғарбий Европани Яқин Шарқ мамлакатлари билан боғловчи халқаро темир йўл ва автомобиль магистраллари ўтган. Денгиз транспорти, асосан, ташқи савдога хизмат қилади. Асосий денгиз портлари: Варна ва Бургас. Дунайда кемалар қатнайти (портлар — Русе, Свиштов, Лом). Мамлакатга чет эл сайёҳлиги анчагина фойда келтиради (1 йилда 1 млн. дан ортиқ киши келиб-кетади).

**Валютаси.** 1999 - 2002 йилларда лев 1 АҚШ долларига нисбатан 1,8 - 2 нисбатда бўлган бўлса, ундан кейин ушбу валюта еврога боғланди.

Ташқи савдода импортнинг улуши 6,9 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

Экспортнинг улуши 5,3 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Россия, АҚШ, Туркия, Япония, ХХР. **Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 51.000;

заҳирадагилар - 303.000:

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари)да 25.000, ҳарбий денгиз флотида 4.370 ва ҳарбий ҳаво кучларида 13.100 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 1 сувости кемаси ва 1 қўриқчи кемасига эга. Шунингдек, патруль ва қирғоқ кўшинларида 7 та корвет, 6 та снарядли кема ва 10 та патруль кемаси мавжуд. 12.000 нафар ярим ҳарбийлашган чегара кўшинлари, 4000 нафар милиция хавфсизлик хизматчилари ва 18.000 нафар темир йўл ва қўриқлаш кўшини бор.

**Табиати.** Болгария рельефида тоғ ва қирлар устунлик қилади. Мамлакат ўртасидан (ғарбдан шарққа) Болқон тоғлари (маҳаллий номи Стара-Планина) кесиб ўтган. Болгария шимолида Дунай сертепа текислиги бор; шарқда бу текислик Добружа платосига туташган. Средна-Гора ва Родоп тоғлари оралигида Марица дарёси бўйлаб мамлакатдаги энг унумдор Юқори Фракия (ёки Марица) пасттекислиги жойлашган. Қора денгиз соҳили аксари пасттекислик. Жануби ва жануби-ғарбида Рила-

Родоп тоғлари бор. Рила тоғларида Мусала чўққиси (2925 м.) Болқон ярим оролидаги энг баланд чўққидир. Энг муҳим қазилма бойликлари: кўмир (Шарқий Марица, Перник, Бобов-Дол ҳавзалари), темир (Кремиковци кони), кўрғошин-руҳ (Родоп), мис (Медет) руда конлари, тош туз (Мирово), нефть, маъданли сувлар ва қурилиш материаллари. Болгариянинг кўп қисмида иқлим мўътадил континентал. Жанубида Ўрта денгиз иқлимининг таъсири бор. Тоғларда ўзига хос иқлим минтақалари мавжуд. Ёгиннинг кўп қисми ёзнинг биринчи ярмида ёғади. Қурғоқчилик бўлиб туради. Энг катта дарёлари: Дунай (кема қатнайди), Искир, Марица, Места ва Струма. Дарёлардан сугориш ва электр ҳосил қилишда фойдаланилади. Болгарияда кўллар кам, борлари ҳам кичик кўллар, асосан, Рила ва Пирин тоғларида. Болгария ҳудудининг 1/3 қисми ўрмон.

**Ўзбекистон- Болгария муносабатлари.** Болгария Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 6 январда тан олди ва шу йилнинг сентябрида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар учун ҳуқуқий асос яратиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма корхоналар барпо этиш соҳасида бирмунча ишлар қилинмоқда. Болгария савдо-иқтисодий делегациясининг 1994 йил июнида Ўзбекистонга ташрифи натижасида иқтисодиёт ва савдо-сотиқнинг бир қанча соҳаларида ҳамкорлик ҳақидаги баённомалар имзоланди. 1997 йил ноябрда Болгария ташқи ишлар вазири бошчилигидаги ишбилармонлар делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Шу йил 12 ноябрда Тошкентда Болгария тадбиркорлари вакиллари иштирокида Ўзбекистон ишбилармонлари учун бизнес-семинар ўтказилди. Унда икки мамлакат ўртасидаги анъанавий алоқаларни янги мазмун билан бойитиш ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги барча имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳақида келишиб олинди. Болгариялик меҳмонларнинг «Ўзбексавдо», «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаларида, «Ўзбекнефтьгаз» корпорацияси (1998 йил декабрдан холдинг компания), Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзфармсаноат» концернида ўтказган музокаралари самарали яқунланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Болгария ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 1995 йилда 19,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва 1994 йил кўрсаткичидан деярли 2 барабар ошди. Болгария Ўзбекистондан пахта толаси, калава ип, рангли металллар, ноорганик кимё маҳсулотлари, механика асбоб-ускуналари сотиб олмоқда ва транспорт хизматидан фойдаланмоқда. Ўзбекистон эса Болгариядан дори-дармон, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, қанд-шакар, эфир мойлари, қандолат маҳсулотлари, пардоз-андоз буюмлари, алкогольли ва алкогольсиз ичимликлар, тамаки ва ҳ. к. келтиради.

1997 йил январь-сентябрь ойларида ўзаро товар айланмаси 8089,6 минг АҚШ долларини ташкил этди ва Ўзбекистоннинг экспорти импортидан 825,2 минг доллар ортиқ бўлди.

Алоҳида ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик қуйидагича: «Ўзфармсаноат» концерни Болгариянинг фармацевтика маҳсулоти ишлаб чиқарувчи катта бирлашмаси «Фармахим» билан қўшма корхона барпо этишга киришди. Жумладан, бронхолитин препарати ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш шартномасига биноан Болгария томони 200 минг АҚШ доллари қийматига эга бўлган асбоб-ускуна ва материаллар етказиб беради. Бу корхона йилига 1 млн. флакон препарат ишлаб чиқарадиган бўлади. «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг «Фотон» акциядорлик жамияти «Карат» назорат-касса аппаратлари учун бугловчи қисмлар етказиб бериш ҳақида «София» фирмаси билан шартнома тузди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Болгариянинг «Булбанк», «Ферст инвестмент Банк ЛТД» банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатди. «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамияти 1990—91 йилларда Болгарияга 3 та Ил-76 ТД самолётини юборди. 1997 йил декабрда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги рўйхатидан ўтган Болгария сармояси иштирокидаги 15 та қўшма корхона мавжуд бўлган. Улар орасида телефон аппаратлари ишлаб чиқарувчи «Ситора», электр-кардиографлар йиғувчи ва уларнинг эҳтиёт қисмларини алмаштирувчи

## БОСНИЯ ВА ГЕРЦЕГОВИНА

«Контакт», тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Сикандер», тиш пастаси ва бошқа рўзгор кимёси маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Албо», ҳисоблаш техникасини таъмирловчи ва уларга хизмат кўрсатувчи «Бултеко», болалар таоми ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Росси С. А.» корхоналари бор. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги юз фоиз Болгария сармоёсидаги «Bulgar Tradiud Со» ташқи савдо корхонасини рўйхатдан ўтказган. Бундан ташқари, мазкур вазирлик ҳузурида Болгариянинг 2 та фирмаси: «Веко Лимитед» (аккумулятор ишлаб чиқариш, юк ташиш ва сайёҳлик фаолияти), «У.Б.Т.Ко.» (темир йўл транспорти учун асбоб-ускуна ва материаллар етказиб бериш, юк ташиш ва экспедиторлик фаолияти) ваколатхоналари расмийлаштирилган.

### 113. БОСНИЯ ВА ГЕРЦЕГОВИНА

Босния ва Герцеговина Республикаси  
(Bosnia and Herzegovina)

**Майдони**..... 51 129 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 4 100 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Сараево шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Баня-Лука, Зеница, Тузла.  
**Расмий тили**.....босния, серб ва хорват тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...6 320 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....кийим-кечак, кимё маҳсулотлари, мебель.  
**Импорт**.....машина ва ускуналар, кундалик эҳтиёж моллари.  
**Миллий валютаси**.....марка.  
**Дини**.....насонийлик ва ислом.  
**Мустақиллик куни**.....1.03.1992.  
**Миллий байрами**.....25 ноябрь - Миллат куни.  
**Чегаралари**.....шимол, жануб ва ғарбда Хорватия, шарқда Сербия ва Черногория билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Болқон ярим оролининг марказий қисмида жойлашган давлат. Босния ва Герцеговина республикаси қонун устуворлиги ва эркин сайловлар асосида фаолият кўрса-

тувчи демократик давлат. 1995 йил 14-декабрда кучга кирган конституцияга амал қилинади. Давлат бошлиғи — Босния ва Герцеговина Президиуми раиси. Қонун чиқарувчи олий органи — икки палатали парламент ассамблеяси. Ижроия ҳокимияти - Вазирлар Кенгаши. Конституция бўйича Босния ва Герцеговина икки тузилма: Босния ва Герцеговина Федерацияси ва Серб Республикасидан иборат.  
**Асосий сиёсий партиялари**. Демократик ҳаракат партияси, Мусулмонлар партияси, (1990 йил); Босния ва Герцеговина Серб демократик партияси (1990 йил); Босния ва Герцеговина Хорват демократик ҳамдўстлиги; «Босния ва Герцеговина учун» партияси (1996 йил); Серб халқ иттифоқи партияси (1997 йил).  
 Босния ва Герцеговина республикаси 1992 йил 22 майдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 13 апрелда тан олди ва 1996 йил 14 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.  
**Аҳолиси**. Босния ва Герцеговина республикаси аҳолисини боснияликлар (43,6%), серблар (31,4%), хорватлар (17,3 %) ташкил этади.  
**Иқтисодиёти**. 1992-95 йиллардаги уруш ҳаракатлари бошлангунга қадар Босния ва Герцеговина миллий даромадида қишлоқ хўжалиги улуши 10,9%ни, саноат улуши 57,6%ни ташкил қилган (1989 йил). Урушгача саноатда кўнғир кўмир, темир ва марганец рудалари, боксит қазиб чиқариш, гидроэнергия ҳосил қилиш, шунингдек, металлургия, кимё саноати, ёғочсозлик, машинасозлик, озиқ-овқат ва енгил саноат ривожланган. 1990 йил 14,6 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган.  
**Миллий валютаси**. 2,086 марка 1 АҚШ долларига тенг (2003 йил).  
 Ташқи савдода импортнинг улуши 2,45 млрд. АҚШ доллари.  
 Экспортнинг улуши 950 млн. АҚШ доллари.  
**Савдо соҳасидаги шериклари**. Хорватия, Швейцария, Италия, Германия, Словения. Босния ва Герцеговина Федерациясининг армияси (қуруқлик қўшинлари)да 16.400 киши хизмат қилади ва захирада 40.000 киши мавжуд. Замонавий қурол-яроғга эга эмас.  
 Серб республикаси Армияси (қуруқлик қўшинлари)да 8200 киши хизмат қилади ва

## БУЮК БРИТАНИЯ

захирада 20.000 киши мавжуд. Замонавий курол-яроғга эга эмас.

**Табиати.** Босния ва Герцеговина худудининг 90%и тоғлардан иборат. Пасттекисликлари Сава дарёси бўйлаб шимолга чўзилади ва Ўрта Дунай текислигининг жанубий қисмини ташкил этади. Жанубдаги пастқам тоғлар ва серхосил тоғлараро ҳавзалар минтақаси 2000—2400 м. гача баландликдаги Динара тоғликларида туташиб кетади. Сава дарёси водийсидаги иқлим мўътадил, континентал, тоғларда нам ва совуқ. Босния ва Герцеговина майдонининг 40% ўрмон. Асосий дарёлари — Дрина, Босна, Врбас, Неретва.

### 114. БУЮК БРИТАНИЯ

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия  
Кўшма Қироллиги (United Kingdom of  
Great Britain and Northern Ireland)

**Майдони**.....244 700 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....59 400 000 (2004 йил).

**Пойтахти**.....Лондон шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Бирмингем, Глазго, Ливерпул, Манчестер, Шеффилд, Лидс.

**Расмий тили**.....инглиз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошита)**...26 783 АҚШ доллари (2004 йил).

**Экспорт**.....саноат маҳсулотлари, ёнилғи, кимё ва озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, тамаки, автомобиллар ва техника.

**Импорт**.....саноат маҳсулотлари, машиналар, ёнилғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....фунт стерлинг.

**Дини**.....насонийлик, ислом, ҳиндуизм ва яҳудийлик.

**Миллий байрамлари**.....июнь ойининг иккинчи шанбаси Қироличанинг туғилган куни.

**Чегаралари**.....ғарбда Ирландия денгизи, шарқда Шимолий денгиз, жануб ва жануби-ғарбда Атлантика океани билан ўралган. Давлат тузуми. Шимоли-ғарбий Европадаги давлат. Буюк Британия ороли (мамлакат худудининг 90 фоизи) ва Ирландия оролининг шимоли-шарқий қисмида ҳамда уларга ёндош майда оролларда (Англси, Уайт, Норманд,

Оркней, Гебрид, Шетленд ва бошқа) жойлашган. Буюк Британия кўп ҳолларда мамлакат асосий қисмининг номи билан, яъни Англия деб аталади. Тарихан таркиб топган ва миллий жиҳатдан ҳар хил бўлган 4 маъмурий-сиёсий қисм (Англия, Уэльс, Шотландия ва унга ёндош ороллар, Шимолий Ирландия) дан иборат. Мэн ва Норманд ороллари мустақил маъмурий худуд ҳисобланади. Буюк Британия конституцион монархия. Давлат бошлиғи қирол (қиролича). Мамлакатнинг конституцияси йўқ. 1215 йилги Буюк Эркинликлар хартияси, 1679 йилги Хабеас корпус акти, 1931 йилги Вестминстер статуту, 1969 йилги Халқ вакиллиги тўғрисидаги кабилар энг муҳим парламент ҳужжатлари ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қирол (қиролича) ва парламент (у икки палатадан иборат: Лордлар палатаси ва Жамоалар палатаси), ижроия ҳокимиятини Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат (вазирлар маҳкамаси) амалга оширади. Бош вазирни қирол (қиролича) тайинлайди. Ҳукумат аъзолари парламент аъзоларидан бўлиши керак. Буюк Британия таркибидаги Англия, Уэльс ва Шотландия ўзининг суд тизимига, маҳаллий бошқарув органларига эга. Шимолий Ирландия маъмурий мухторият ҳуқуқига эга бўлиб, уни қирол (қиролича) тайинлаган губернатор бошқаради. Буюк Британия ўтмишда Британия империяси таркибида бўлган мамлакат ва худудларни бирлаштирувчи Ҳамдўстликка бошчилик қилади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Лейбористлар партияси (1900 йил); Консерваторлар партияси (1897 йил); Либерал демократлар партияси (1988 йил); Уэльс миллатчи партияси (1925 йил); Шотландия миллий партияси (1928 йил); Британия Коммунистик партияси (1988 йил) – Буюк Британия Коммунистик партиясининг собиқ аъзолари томонидан тузилган; Сўл демократлар партияси (1920 йил). Энг катта касаба уюшма бирлашмаси — Британия тред-юнионлар конгресси (1868 йил); Шотландия тред-юнионлар конгресси (1897 йил); Тред-юнионлар умумий федерацияси (1899 йил); Уэльс тред-юнионлар конгресси (1973 йил).

Буюк Британия 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолиси** англизлар (81,5%), уэльслар ёки валлийлар (1,9%), шотландлар (9,6%), ирландлар (2,4%) ва бошқа халқлардан иборат. Ирландлар, уэльслар ва гэлларнинг бир қисми кельт тилларига кирадиган маҳаллий тилларда сўзлашади. Диндорларнинг аксарияти протестантлар, бир қисми (шу жумладан, ирландлар) насронийлардир. Аҳолининг 90%и шаҳарларда яшайди (1996 йил).

**Иқтисодиёти.** Буюк Британия — иқтисодий жиҳатдан ривожланган, йирик саноатлашган мамлакат. Ялпи ички маҳсулотнинг 21%ни саноат, 1,8%ни қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 70,2%ни хизмат кўрсатиш тармоғи беради. 1- ва 2-жаҳон урушлари орасида бир қанча саноат тармоқлари, хусусан, ҳарбий саноат билан боғлиқ кимё, электротехника ва автомобиль саноати бир қадар тараққий этди. Буюк Британия экспортнинг 90% ни саноат таъминлайди. 2-жаҳон урушидан кейин саноат тuzилмасида катта ўзгаришлар содир бўлди: кончилик, қора металлургия, енгил ва озиқ-овқат саноати, шунингдек, кemasозлик ва автомобилсозлик каби тармоқлар улуши камайди; энергетика, электр машинасозлиги ва кимё саноатининг улуши ошди. Атом, электрон, аэрокосмик, нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси тармоқлари катта аҳамият касб этди. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 2% банд. Буюк Британия қишлоқ хўжалиги интенсивлик, маҳсулдорлик ва механизациялашувнинг юксак даражаси билан ажралиб туради. У озиқ-овқатга бўлган мамлакат эҳтиёжининг 75%ини таъминлайди. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — чорвачилик. Дехқончиликда асосий экин — галла. Энг йирик денгиз портлари: Лондон, Саутгемптон, Милфорд-Хейвен, Халл, Имменгем, Ливерпуль, Манчестер ва бошқалар.

**Валютаси.** 0,6764 фунт-стерлинг 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 324 млрд. АҚШ долларлари.

Экспортнинг улуши 288.6 млрд. АҚШ долларлари (2004 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония, Швейцария, ХХР, Жанубий Корея, Сингапур, Лотин Америкаси ва араб давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар — 207.630;

захирадагилар — 272.550;

шундан, стратегик кучларда 1000, армия (қуруқлик қўшинлари)да 116.760, ҳарбий денгиз флотида 40.630, ҳарбий ҳаво кучларида 48.500 киши хизмат қилади. Ядро қуролита ҳамда энг замонавий қурол-яроғга эга. 15 та сув ости кемаси мавжуд бўлиб, улардан 4 таси стратегик, 11 таси тактик сув ости кемаларидир. Шунингдек, 3 та авианосец, 11 та эскадра (миноносец) ва 20 та қўриқчи кемасига ҳам эга. Патруль ва қиргоқ қўшинларида 23 та патруль кемаси бор.

**Табиати.** Буюк Британиянинг ер юзаси, асосан, пасттекисликлардан, Шимолий Шотландия тоғлиқдан иборат. Грампиан тоғларида мамлакатнинг энг баланд чўққиси — Бен-Невис (1343 м.) кўтарилиб туради. Грампиан тоғларидан жанубда Шотландия пасттекислиги, ундан жануброқда Жанубий Шотландия қири (баландлиги 842 м. гача) жойлашган. Улардан ғарбда Камберленд тоғлари (Скофелл тоғи, 978 м.) қад кўтарган. Жанубга томон орол кенгая боради; бу ерда — Уэльс ярим оролининг ғарбида Кембрий тоғлари (Сноудон тоғи, 1085 м.) бор. Буюк Британияда фойдали қазилмалар кам. Асосан темир рудаси ва юқори сифатли тошкўмир, тош туз, каолин, озроқ миқдорда ёнувчи сланец қазиб олинади. Нефть ва рангли металл конлари мавжуд. Шимолий денгизнинг Буюк Британия қиргоғи яқинида табиий газ конлари бор.

Буюк Британияда мўътадил денгиз иқлими хукмрон; у серёгин, ўзгарувчан, тез-тез шамол бўлиб туради. Жануби-ғарбида январнинг ўртача ҳарорати 7°, шарқда 3,5° гача. Шимоли-ғарбида ёз салқин, сернам, жануби-шарқда анча илиқ ва қуруқ. Шимолда июлнинг ўртача ҳарорати 13°, жануби-шарқда 16,5°. Лондон ва унинг атрофида ҳарорат юз кун давомида 0° дан паст, мамлакат шарқида баъзан — 18° гача тушади. Ёгин йил давомида деярли бир меъёрда (куз ва қишда бир оз кўпроқ) тушади, жануби-шарқида ёз ва кузда кўпроқ ёғади. Шотландия, Шимолий Ирландия, Англия билан Уэльснинг тоғли жойларида ёгин энг кўп (1000—1500 мм., айрим

жойларда 3000 мм. гача) ёғади. Жануби-шарқда 600—750 мм. дан ошмайди. Булутли кунлар кўп, қишда тез-тез туман (Лондонда қишда 1 ойда 7—10 кун) тушади. Дарёлари кўп, серсув, лекин кичкина. Асосий дарёлари — Северн, Темза, Трент, Мерси, Клайд. Дарёлар, асосан, ёмғир сувларидан тўйинади; куз ва қишда тўлиб оқади, яхламайди, кўпчилиги кема қатнайдиган каналлар билан бирлаштирилган. Тоғларида кўллар кўп. Уларнинг аксарияти музлик ва тектоник ҳаракат натижасида пайдо бўлган. Энг йирик кўллари: Лох-Ней, Лох-Ломонд, Лох-Несс. Ҳромонлар Буюк Британия майдонининг 9% ида қолган. Ҳтлоқлар ҳамма жойда учрайди.

**Ўзбекистон - Буюк Британия муносабатлари.** Буюк Британия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 31 декабрдан олди ва 1992 йил 18 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик 1993 йил ноябрда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Буюк Британияга қилган ташрифи чоғида имзоланган «Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида», «Капитал қўйилмалар сарфланишини рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳақида» ҳамда «Икки ёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик тўғрисида»ги шартномаларга асосланади.

1996 йил якунларига кўра, Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айланмаси ҳажми бўйича 2-ўринда туради (Германиядан кейин). Ўзбекистондан Буюк Британияга пахта толаси, кимматбаҳо тошлар, қора металллар, вольфрам ва улардан ясалган буюмлар юборилса, Буюк Британиядан механик ва электр асбоб-ускуналар, қанд-шакар ва қандолат маҳсулотлари, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, минерал ёқилғи, фармацевтика маҳсулотлари, шу жумладан, дори-дармон, қоғоз ва картон, мебель, оптик приборлар ва аппаратлар, тамаки, сут маҳсулотлари, кимёвий бирикмалар, ноорганик кимё маҳсулотлари келтирилади.

Ўзбекистон 1992 йилда жаҳон пахта савдоси меъёрлари ва қоидаларини мувофиқлаштириб турадиган муҳим ноҳукумат ташкилоти

— Ливерпуль пахта уюшмасига аъзо бўлди. Ўзбекистон шу уюшма билан биргаликда мамлакатимизда пахтани сертификациялашнинг халқаро тизимини жорий этиш бўйича иш олиб борди.

Кейинги йилларда иккала мамлакатнинг турли даражадаги делегациялари ўзаро ташрифлари натижасида ҳамкорлик тобора яхшилана борди. 1994 йил 14 октябрда Лондондаги асл металллар бозори уюшмаси Зарафшон аффинаж (олтин тозалаш) заводига энг мақбул олтин қуймалар мақомини тасдиқловчи сертификат берди, бу эса Ўзбекистоннинг тамғаси бутун дунёда энг юқори сифат белгиси эканини билдиради. 1996 йил октябрда мазкур уюшма ҳузурда юқори сифатли кумуш қуймалар ишлаб чиқарувчи Олмалик кон-металлургия комбинати ваколатхонаси расмийлаштирилди.

1997 йил 2-4 октябрь кунлари Тошкентда «Британия фестивали» ўтказилди. Фестиваль дастури доирасида Буюк Британиянинг 30 га яқин компанияси маҳсулотлари, «Британия қироллари хонадони мероси» кўرғазмаси, тўқимачилик, машина ускуналари ва меъморчиликка бағишланган семинарлар ўтказилди, бадиий фильмлар намойиш қилинди ва ҳоказо.

Ўзбекистон—Британия савдо ва саноат кенгашининг мажлислари мунтазам равишда ўтказилиб турибди. Бу мажлисларда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари, савдо-сотик, иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни кучайтириш истиқболлари муҳокама қилинади.

Айрим йирик фирма, компания ва банклар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ривожланган. «Бритиш Эйрвейз» компанияси билан тузилган шартномага биноан 1992 йил 31 декабрдан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари ҳафтасига 4 марта Лондонга қатнаб турибди. 1994 йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Буюк Британия транспорт департаменти билан келишиб, Тошкент—Манчестер—Тошкент ўртасида мунтазам рейслар бажариш ҳуқуқини олди.

«Ўзғамойтамакисаноат» уюшмаси хорижий сармоя ёрдамида ўз корхоналарини янгилаб

## ВАТИКАН

ва таъмирлаб, жаҳон андозалари даражасига етказиш мақсадида «Краун» компанияси билан шартнома тузди. Шартномага биноан, Кўқон ёғ-мой комбинатини инглиз сармойаси ҳисобига қайта қуриб, асбоб-ускуналарини замонавийлаштиришга киришилди.

Ўзбекистонда тамаки саноатини ривожлантириш учун тамаки барги етиштириш, уни қайта ишлаш ва сигарета ишлаб чиқариш бўйича «Бритиш Америкэн Тобакко» компанияси билан қўшма корхона барпо этиш тўғрисидаги битимга мувофиқ, 232 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланди. Бу маблағ, асосан, Тошкент тамаки фабрикасини, Ургут тамаки ферментацияси фабрикасини реконструкциялаш ва модернизациялашга, Самарқанд тамаки фабрикаси қуришга, ижтимоий тадбирларга ва мутахассислар тайёрлашга ишлатилди. Тошкент тамаки фабрикасида «Саратон» ва «Хон» сигареталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

1996 йил охирида Сурхондарё вилоятининг Хандиз конида рангли металлларни қидириш ҳақида «Oxus Resonress Corporation» корпорацияси билан дастлабки битим имзоланди. Битимга кўра, Буюк Британия фирмаси йил давомида ўз маблағи ҳисобидан конни узилкесил ўрганиши, рангли металлларни комплекс қазиб олишни ташкил этишга оид техникавий-иқтисодий асосламаларни тайёрлаши, сўнгра тахминан 100-150 млн. АҚШ доллари қийматига эга бўлган лойиҳа асосида қўрғошин, рух, мис, кумуш қазиб чиқарадиган қўшма корхона барпо этиши лозим. 1997 йилнинг 10 июлида Буюк Британиянинг мазкур корпорацияси билан Навоий вилоятидаги Аристантов ва Балпантов конларини ўрганиш тўғрисида ҳам дастлабки битим имзоланди. Ўзбекистоннинг гарбий қисмида геологик маълумотларни биргаликда ўрганиш борасида ҳам ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «Мередит Жонс» компанияси билан пахта селекцияси, уни етиштириш ва қайта ишлашнинг илғор усуллари асосида ишлайдиган агрофирма барпо этиш режаси мавжуд. Фарғона вилояти Ёзёвон туманининг 11 хўжалигини ўз ичига оладиган бу фирма пахта

ҳосилдорлигини кўпайтиришга, тола сифатини оширишга ва тупроқ унумдорлигини яхшилашга қаратилади.

«Ўзбектелеком» концерни «Женерал Пласси Телекоммуникейшнз» («Жи-Пи-Ти») компанияси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри учун замонавий рақамли алоқа воситаси «Бузтон» қўшма корхонасини барпо қилди. Бу лойиҳа муассислар маблағи, шунингдек, экспорт кредитларни кафолатлаш департаменти суғуртаси асосида олинган кредит ҳисобидан таъминланди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Буюк Британиянинг 5 та банки ва хорижий банкларнинг Лондондаги 11 та бўлими билан вакиллик муносабатларини ўрнатди. «Барклайз Банк» тижорат тўловлари бўйича асосий вакил ҳисобланади. Навоий вилоятидаги олтин конини ўзлаштириш бўйича «Ньюмонт-Зарафшон» лойиҳаси амалга оширилиши Миллий банк билан «Барклайз Банк» қўшма фаолиятининг йўналишларидан бири бўлди. «Барклайз Банк» 161 млн. француз франки (салкам 32 млн. АҚШ доллари миқдоридаги) кредитни «Сосьете Женераль» банки билан биргаликда янги «Метрополь» мехмонхонаси қурилиши учун 10 йил муддатга, иккинчи кредитни 1,7 млн. АҚШ доллари миқдорида Тошкент тўқимачилик комбинатига Буюк Британиянинг «Кросрол» фирмаси юборадиган асбоб-ускуналар ҳақини тўлаш учун берди.

Ўзбекистонда Буюк Британия сармойаси иштирокидаги 115 та корхона мавжуд, шундан 34 тасида инглиз капитали 100% ни ташкил этади. Буюк Британиянинг 36 та фирмаси ваколатхонаси расмийлаштирилган.

### 115. ВАТИКАН

(Vaticano, Stato della Citta del Vaticano)

Майдони.....	0,44 км <sup>2</sup> .
Аҳолиси.....	1 000 кишига яқин.
Пойтахти.....	Ватикан.
Расмий тили.....	лотин, итальян ва француз тиллари.
Миллий валютаси.....	евро.
Дини.....	насроийлик.

**Мустақиллик куни**.....11.02.1929.

**Миллий байрами**.....16 октябрь - Папа Иоанн-Павел II тахтга ўтирган кун (1978 йил).

**Давлат тузуми.** Римнинг ғарбий қисмидаги Монте-Ватикан тепалигида жойлашган мустақил шаҳар-давлат. Католик черковининг сиёсий, маъмурий ва мафкуравий маркази. Қарийб ҳамма томони тош девор билан ўралган. Ватикан— чекланмаган теократик монархия. Конституцион ҳужжатлари 1929 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — Рим папаси. 1996 йил февралда папа Иоанн-Павел II томонидан чиқарилган янги Конституцияга мувофиқ, у, одатда, кардиналлар орасидан яширин овоз бериш орқали овозларнинг учдан икки қисмига эга бўлган тақдирда кардиналлар ҳайъати томонидан умрбод сайланади. Олий қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимияти Папа қўлида. Айни вақтда у Рим католик черковининг ҳам бошлиғи ҳисобланади. Папа ҳузуридаги маслаҳат органи — кардиналлар ҳайъати черковнинг энг муҳим ишларини муҳокама қилиш ва Папани сайлаш учун йигилиб туради. Рим Папаси Иоанн-Павел II (264-папа) 1978 йил 16 октябрда сайланган. Бу кун Ватиканда миллий байрам сифатида нишонланади. Иоанн-Павел II 2005 йил 2 апрелда оламдан ўтди. 78 ёшли немис кардинали Йозеф Ратценгер янги Рим Папаси этиб сайланди ва у 2005 йилнинг 22 апрелидан ўз вазифасини бажаришга киришди. Янги Папа Йозеф Ратценгер 2005 йилнинг 24 апрелида Авлиё Пётр майдонида қасамёд қабул қилди. Ватикан Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 1 февралда тан олди ва шу йилнинг 17 октябрида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Иқтисодиёти.** Давлат иқтисодий негизини капитал маблағлардан тушадиган даромадлар, миллий католик черковларининг бадаллари, диндорларнинг эҳсонлари ташкил қилади. Ватикан дунёнинг йирик саноат-молия монополияларидан бири (унинг олтин ва валюта захираси 12 млрд. АҚШ долларидан ортиқ деб тахмин қилинади). Ўзининг молиявий, иқтисодий операциялари ва ишончли вакиллари орқали қудратли халқаро корпорациялар, банклар билан узвий боғланган. Ватикан бир қанча компания ва банклар акциясига эга. Италия, Буюк Британия, Швейцария, Франция, Испания,

шунингдек, АҚШ ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги саноат тармоқлари корхоналарига қўйилган сармоядан катта фойда олиб туради. Италия, Германия, Испания ва бошқа мамлакатларда катта ер майдонларига эга. Хорижий сайёҳлик ва почта маркалари чиқариш, сувенирлар сотиш ҳам кўп даромад келтиради.

## 116. ВЕНГРИЯ

Венгрия Республикаси

(Magyarország), (Magyar Köztársaság)

**Майдони**..... 93 030 км².

**Аҳолиси**..... 10 000 000 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Будапешт шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Мишкольц, Дебрецен, Сегед, Печ.

**Расмий тили**.....венгер тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...13 300 АҚШ доллари (2002 йил).

**Экспорт**.....машина ва жиҳозлар, саноат, қишлоқ хўжалиғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари, хом ашё, ёнилғи ва электр энергияси.

**Импорт**..... машина ва жиҳозлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хом ашё, юқори технологиялар.

**Миллий валютаси**..... форинт.

**Дини**..... насронийлик ва бошқа динлар.

**Миллий байрами**..... 20 август - Авлиё Стефан куни.

**Чегаралари**..... шимолда Словакия ва Украина, шарқда Руминия, жанубда Хорватия ва Сербия, ғарбда Словения ва Австрия билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Европанинг марказий қисмида, Дунай дарёсининг ўрта оқимида жойлашган демократик давлат. Маъмурий жиҳатдан 19 вилоят (медье)га бўлинади. Будапешт алоҳида маъмурий бирлик қилиб ажратилган. Амалдаги конституцияси 1949 йил 20 августда қабул қилинган (кейинчалик ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган). Давлат бошлиғи — Президент (2000 йилдан Ф. Мадл). Президент мамлакат қуролли кучларининг бош қўмондони ҳисобланади, ҳуку-

## ВЕНГРИЯ

мат бошлигини тайинлайди, қамал ёки фавкуллодда ҳолат эълон қилиш ҳуқуқига эга. Унинг ваколат муддати — 5 йил. Қонун чиқарувчи органи — Парламент — Давлат мажлиси. Уни аҳоли умумий, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайлайди. Ижроия ҳокимият органи Вазирлар Кенгаши бўлиб, унга Бош вазир раҳбарлик қилади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Венгрия ишчи партияси (1918 йилда асос солинган Венгрия Коммунистик партиясининг вориси, 1948 йилдан Венгрия меҳнаткашлар партияси деб аталган. 1989 йил 7 октябрдаги 14-съездда партия фаолиятини тўхтатиш ва унинг негизда социалистик ишчи партиясини тузишга қарор қилинди. Бу партия 1993 йил март ойидан Венгрия ишчи партияси деб аталади); Венгрия социалистик партияси (1989 йил ташкил топган); Венгрия демократик форуми (сиёсий ташкилот сифатида 1987 йилда ташкил топган); Эркин демократлар иттифоқи (1988 йилда асос солинган ва сиёсий партия тариқасида 1989 йилда шакллланган).

Мустақил касаба уюшмалари демократик литаси (1988 йилда мустақил касаба уюшмасини тузиш мақсади кўзланган), Венгрия касаба уюшмалари федерацияси (Умумвенгрия касаба уюшмаси негизда 1990 йил ташкил топган).

Венгрия 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. Аҳолисининг 97%ни венгерлар, шунингдек, олмонлар, словаклар, хорватлар, руминлар, яҳудийлар, серблар, словенлар, поляклар ва бошқа элатлар ташкил этади. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup>.га 115 киши тўғри келади, 62% аҳоли шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодийёти.** Венгрия — саноатлашган-аграр мамлакат. Саноати илғор техника билан қуролланган, қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланган. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 35,5%ни, қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 12%ни ташкил этади. Саноатининг етакчи тармоқлари: машинасозлик, қора ва рангли металлургия, электроника, озиқ-овқат, уй жиҳозлари ва енгил саноат. Нефть ва табиий газ қазиб олиш ривожланган. Қишлоқ хўжалигида асосий ўринни деҳқончилик эгаллайди. Экин ерларининг 2/3

қисмига ғалла экилади. Чорвачиликнинг асосий тармоқлари — чўчкачилик ва паррандачилик. Дунай дарёсида кемалар қатнови мавжуд ва дарё йўли канал орқали Балатон кўли билан туташтирилган. Асосий порти — Будапешт шаҳри.

Ташқи савдода импортнинг улуши 33.9 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

Экспортнинг улуши 31.4 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Россия, АҚШ, Япония, Швейцария, ХХР.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар — 32.3000;

захирадагилар — 44.000;

шундан, қуруқлик кўшинларида 23.950, армиянинг денгиз қанотида 60, ҳаво кучлари қўмондонлигида 7500 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 9 та дарё кемасига эга. Чегара ҳимоячилари (ярим ҳарбийлашган) 14000 кишидан иборат.

**Табиати.** Мамлакат худуди, асосан, текисликдан иборат. Дунай дарёсининг сўл соҳили — катта Ўрта Дунайнинг бир қисмида 100-200 м. баландликдаги тепаликлар учрайди. Дунайнинг ўнг соҳили 150-200 м. баландликдаги Дувантуль ўнқир текислиги ва Ўрта Венгер тоғларининг массивларидан иборат. Мамлакатнинг шимоли-ғарбида Кичик Ўрта Дунай пасттекислигининг жанубий қисми (Киспальфёльд), шимоли-шарқда Карпат тоғларининг этаклари (мамлакатнинг энг баланд нуқтаси — Матра массивидаги Кекеш тоғи, 1015 м.), ғарбда Альп тоғларининг ён бағри (баландлиги 500-800 м.) жойлашган. Иқлими мўътадил, континентал. Шарқда қурғоқчилик бўлиб туради. Ёрнинг кўпи ёз бошида ва кузда ёғади. Дунай дарёси Венгрияни ва унинг пойтахти — Будапешт-ни кесиб ўтади. Унинг ирмоқлари — Тиса, Раба. Венгрияда кўллар кам, энг каттаси Балатон кўли. Венгрия худудининг 17,6 % ўрмон билан қопланган.

**Ўзбекистон - Венгрия муносабатлари.** Венгрия Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олди ва 1992 йил 3 март-

## ГЕРМАНИЯ

да дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Венгер ва ўзбек халқлари ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга эга. XIX асрда Туркистонга венгер сайёҳлари Г.Вамбери, Енё Зичи, XX аср бошида Дёрдь Алмаши келиб, ўз саёҳатлари тўғрисида хотиралар ёзиб қолдиришган.

1992 йилда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгач, шу йилнинг март ойида Ўзбекистон Бош вазири раҳбарлигидаги делегация Венгрия Республикасига ташриф буюрди, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди. Мазкур ҳужжат икки давлатнинг тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун асос бўлиб хизмат қила бошлади.

1993 йилнинг апрелида Ўзбекистонга Венгрия Ташқи ишлар вазирлигининг давлат котиби раҳбарлигидаги делегация ташрифидан сўнг икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар йўлга қўйилди. Тез орада «Могюрт», «Боглина» каби венгер фирмалари Ўзбекистонга кириб келди. «Могюрт» фирмаси орқали юртимизга машҳур «Икарус» автобуслари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари келтирилган бўлса, яна бошқа фирма ва компаниялар дори-дармон, енгил саноат маҳсулотларини олиб келиш билан шуғулланди. Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида венгриялик шериклар билан паррандачилик соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

1995 йил Тошкентда Венгрия савдо ва маданият маркази ишга тушди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқнинг салмоқли қисмини Ўзбекистон пахтаси ва Венгрия бугдойи эгаллайди. Жумладан, 1996 йилда Венгрияга 25 млн. АҚШ доллари ҳажмида пахта ва пахта маҳсулотлари жўнатилди. Венгриядан эса жами 20 млн. АҚШ доллари ҳажмида турли товарлар келтирилди. 1997 йилнинг дастлабки саккиз ойида товар айирбошлаш қарийб 30 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Венгриянинг «Банк Будапешт», «Марказий Европа халқаро бан-

ки», «Венгрия ташқи савдо банки», «Банк Мажяр Хителъ», «Банк Мажяр Куль-керескедельми», «Банк Интер-Европа» банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатган. Венгрия Эксимбанки эса Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг асосий ҳамкоридир.

Ўзбекистонда Венгриянинг «Нови Трейд КФТ» фирмаси (ҳар қандай турдаги «Икарус» автобусларини етказиб бериш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш) ва «Гедеон Рихтер» акциядорлик жамияти, венгер сармоясини иштирокидаги «Файз Лтв. Текстиль» (ип-газлама саноати), «Ревина» (озуқа моддалар ишлаб чиқариш), «Shark caola» (упа-элик ва пардоз-андоз буюмлари ишлаб чиқариш), «Нови Трейд-Р» (воситачилик хизматлари) қўшма корхоналари ва 100% венгер сармоясини қўйилган «Нордакс» (ташқи савдо фаолияти), «Трабикум» (улгуржи савдо), «Viklar Revmip» (кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш) корхоналари фаолият олиб боради.

Венгрия президентининг 1997 йил октябрдаги Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларда бурилиш ясаш учун шароит яратди, жумладан, ҳар томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, дипломатик паспортга эга бўлган фуқароларнинг ўзаро визасиз сафари тартиби ҳақидаги битим, сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

### 117. ГЕРМАНИЯ

Германия Федератив Республикаси  
(Deutschland), (Bundesrepublik Deutschland)

Майдони.....	357 000 км <sup>2</sup> .
Аҳолиси.....	82 400 000 (2003 йил).
Пойтахти.....	Берлин шаҳри.
Катта шаҳарлари.....	Гамбург, Мюнхен, Кёльн, Франкфурт-Майн, Дортмунд, Штутгарт, Дюссельдорф, Ганновер, Нюрнберг, Лейпциг, Дрезден.
Расмий тили.....	немис тили.
НИМ (аҳоли жон бошига).....	25 810 АҚШ доллари (2002 йил).

**Экспорт**.....машиналар, транспорт воситалари, кимё маҳсулотлари, металл ва саноат буюмлари, озиқ-овқат, тўқимачилик маҳсулотлари

**Импорт**.....машиналар, кимё маҳсулотлари, транспорт воситалари, озиқ-овқат, тўқимачилик маҳсулотлари, металл ва саноат буюмлари.

**Миллий валютаси**.....евро.

**Дини**.....насонийлик, ислом ва бошқа динлар.

**Мустақиллик куни**.....18.01.1871.

**Миллий байрами**.....3 октябрь - Бирлашув куни (1990).

**Чегаралари**.....шимолда Дания, Болтиқ ва Шимолий денгизлар, шарқда Польша ва Чехия, жануби-шарқ ва жанубда Австрия, Швейцария, гарбда Нидерландия, Бельгия, Люксембург ва Франция билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Германия федератив республикаси Марказий Европадаги давлат. Шимолий ва Болтиқ денгизлари соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 16 ер (вилоят)га, ерлар округларга, округлар туманларга, туманлар жамоаларга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1949 йил 23 майда қабул қилинган, унга 1954, 1956, 1990, 1993 ва 1994 йилларда ўзгартириш, қўшимчалар киритилган. Давлат бошлиғи — Федерал Президент. У махсус чақириладиган федерал мажлис томонидан 5 йил муддатга сайланади (фақат 2 марта сайланиши мумкин). Федерал мажлис Бундестаг раиси томонидан чақирилади ва у Бундестаг депутатлари ҳамда Ландтаглар (ер парламентлари) томонидан сайланган аъзолардан иборат. Президент иш қобилиятини йўқотса ёки вафот этса, Бундесрат раиси президент вазифаларини бажаради. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент амалга оширади. У икки палата: Бундестаг ва Бундесратдан иборат. Бундестаг аҳоли томонидан 4 йил муддатга сайланади. Бундесрат эса ер ҳукуматлари ўз орасидан 4 йил муддатга тайинлайдиган вакиллардан иборат. Ижроия ҳокимият Федерал Канцлер бошчилигидаги федерал ҳукумат қўлида. Федерал Канцлер Бундестагда Президент таклифига биноан кўпчилик овоз билан сайланади. Вазирлар федерал канцлернинг таклифи билан президент томонидан тайинла-

нади. Ҳар бир ернинг ўз конституцияси, парламенти ва ҳукумати бор.

**Сийосий партиялари ва касаба уюшмалари.** Германия коммунистик партияси, (1968 йил ташкил топган); Демократик социализм партияси (собиқ ГДРда 1946 йил ташкил топган) Германия бирлашган социалистик партияси (ГБСП) негизда 1989 йил ташкил топган; Германия социал-демократик партияси (1946 йил ташкил топган); Христиан-демократик иттифоқи (1945 йилдан фаолият кўрсатади, 1950 йилда ташкилий жиҳатдан ягона партия сифатида расмийлашган); Христиан-социал иттифоқи (1945 йилда Баварияда асос солинган.); Эркин демократик партия (1990 йил ташкил топган); «Иттифоқ-90» ва «Яшиллар» партияси (1993 йилда «Яшиллар» билан «Иттифоқ-90» партияси бирлашган); Германия миллий-демократик партияси (1964 йилда янги нацистлар томонидан ташкил этилган); Республикачилар партияси 1983 йил ташкил топган).

Немис касаба уюшмалари иттифоқи 1949 йил ташкил топган. Германия бирлашганидан сўнгра собиқ ГДРдаги касаба уюшмалари унга қўшилди. Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси ва Европа касаба уюшмалари конфедерациясига кирди.

ГФР 1973 йил 18 декабрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолининг 90%дан ортиғини немислар, қисман дан(даниялик)лар ва голландлар ташкил этади. Аҳолисининг 85% дан ортиғи шаҳарларда яшайди. Аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup>.га 229 киши тўғри келади. Мамлакатда 7,2 млн. чет элликлар ҳам яшайди. Улар умумий аҳолининг 8,9 %ини ташкил қилади.**

**Иқтисодиёти.** ГФР — юксак даражада ривожланган саноатлашган мамлакат. Умумий иқтисодий қудратига кўра дунёда учинчи ўринда, жаҳон савдосида иккинчи ўринда туради. Ялпи ички маҳсулот таркибида саноат ва қурилишнинг улуши 33,6%ни, кишлок хўжалигининг улуши 1,2% ни ташкил этади. Ташқи савдода импортнинг улуши 668 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 763 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Қарийб барча давлатлар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 284.500;

захирадагилар – 358.650:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 191.350, ҳарбий денгиз флотида 25.650, ҳарбий ҳаво кучларида 67.500 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи ўта замонавий. 12 та сув ости кемаси, 1 та эскадра миноносеси ва 12 та кўриқчи кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 20 та снарядли кема мавжуд.

**Табиати.** Шимолдан жанубга томон Германия 5 та ландшафт зонага бўлинади: Шимоллий Германия пасттекислиги, ўртача баландликдаги тоғ остонаси, жануби-ғарбий Германия бурма пойдеворли ўрта тоғлиги, Жанубий Германия Альполди ясситоғлиги ва Бавария Альп тоғлари. Шимолдаги пасттекисликларда қўллар, қирли, қум ва тупроқли платолар, яйдоқ ерлар ва торфли ботқоқлар кўп. Ер остида тошқўмир, қўнғир қўмир, тузлар жуда кўп. Оз миқдорда темир рудаси, нефть, табиий газ бор. Иқлими мўътадил, денгиз иқлими, ғарб ва шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон мўътадил-континентал иқлим бошланади. Дарёлари: Эльба, Рейн, Дунай, Майн, Везер, Шире, Мозель. Йирик кўллари: Боден, Мюриц.

**Ўзбекистон — Германия муносабатлари.**

ГФР Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1992 йил 6 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Берлин ва Тошкентда икки давлатнинг фавқулодда ва мухтор элчилари бошчилигидаги элчихоналар фаолият кўрсатмоқда. Икки давлат ўртасида 5 мартда олий даражадаги ташрифлар бўлиб ўтди. И.А.Каримов ГФРга 3 март – 1993, 1995 ва 2001 йилларда расмий ташриф буюрди. ГФР томонидан 1995 йил Федерал Президент Р.Герцог ва 2002 йил Федерал Канцлер Г.Шрёдер ташриф буюришди.

Германия билан Ўзбекистон ўртасида расмий муносабатлар 1992 йилдан бошланган бўлсада, икки давлат ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга эга. XX аср бошларида ўзбек чеварлари орасида немисларнинг «Зингер» тикув машинаси ниҳоятда машҳур бўлган. Ўзбекис-

тон мустақилликка эришгач, икки мамлакат ўртасида тенг ҳуқуқли муносабат ўрнатилди. Ўзбекистоннинг Ғарбий Европадаги биринчи элчихонаси 1993 йил Бонн шаҳрида очилди. Ўша пайтда ноқ ўзаро алоқалар, делегацияларнинг ташрифлари йўлга қўйилди. Германия Федерал иқтисодий ҳамкорлик вазирининг 1992 йил августдаги расмий ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун асос яратди. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1993 йил апрелда Германияга қилган ташрифи ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларда муҳим бурилиш ясади. Ушбу ташриф якунида имзоланган «Капитал қўйилмаларни амалга оширишга кўмаклашиш ва уларни ўзаро ҳимоялаш тўғрисида» шартнома, «Илмий тадқиқот ва мутахассислар жамғармасини вужудга келтириш» ҳамда «Маданий ҳамкорлик» тўғрисида битимлар икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди. Ҳамкорлик дастурларини мувофиқлаштириш ва тезроқ амалга ошириш мақсадида 1993 йил августда идоралараро комиссия ҳамда 1995 йил май ойида Ўзбекистон — Германия доимий ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур комиссия ва гуруҳ мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб, инвестицияларни кафолатлаш ва суғурталаш, лойиҳаларни молиялаш, хусусийлаштиришга кўмаклашиш, қимматли қоғозлар бозорини вужудга келтириш каби муҳим масалаларни ҳал қилиб келаётир. 1993 йил Тошкентда Германия техникавий ҳамкорлик жамиятининг ваколатхонаси очилди. Жамият фаолияти туфайли бозор иқтисодиётига оид семинар ва ўқув курслари уюштириш асосида мутахассислар тайёрлаш, иқтисодий қонунчилик, хусусийлаштириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар йўловчи транспортга доир қонун ва низомлар ишлаб чиқиш, «Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш» тадбирлари бўйича маслаҳатлар бериш дастури амалга оширила бошланди.

1994 йилда Германия савдо-саноат палаталари бирлашмаси Тошкентда Германия иқтисодиёти вакили бюросини очди. Унинг асо-

## ГЕРМАНИЯ

сий вазифаси ўзбек ва немис ишбилармонларини ахборот билан таъминлашдан иборат. Шу йили Тошкентда К.Аденауэр жамғармасининг ваколатхонаси очилди. Ганновер халқаро ярмаркасида (1994 йил) ўтказилган «Ўзбекистон иқтисодий кунлари» ГФР жамоатчилиги ва ишбилармонларида катта қизиқиш уйғотди.

ГФР президентининг 1995 йил 11-13 апрелда Тошкентта қилган ташрифи давомида иккала мамлакатнинг ишбилармонлари иштирокида қўшма бизнес-семинар ўтказилди. Кейинги йилларда Ўзбекистон банклари, Фанлар академияси ва турли вазирликлари ҳамда муассасалари ходимлари учун амалий машғулотлар, конференциялар ва фойдали учрашувлар бўлиб ўтди. 1995 йилда Штутгартдаги Линден музейида «Ўзбекистон: Буюк Ипак йўли мероси» мавзусида очилган кўргазма Ўзбекистон - Германия ҳамкорлигини ривожлантиришда сезиларли воқеа бўлди. 1996 йил 18-19 июнда «Германия - Марказий Осиё» жамияти, «Дойче Банк», Франкфурт-Майн шаҳри магистрати ва Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонаси ташаббуси билан Франкфурт шаҳрида «Германияда Ўзбекистон иқтисодий кунлари» халқаро анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Германиянинг «АКА», «КфВ», «Берлинер Банк» ва «Дойче Банк» каби банклари билан битимлар тузилди ва 778,7 млн. немис маркаси миқдорида турли лойиҳалар маблағ билан таъминланди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Германияга 2001 йил 2—5 апрель кунлари қилган ташрифи икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларида сифат жиҳатдан янги давр бошланганини билдирди. Ташриф давомида молия, сайёҳлик, фан-техника, наркотиклар контрабандасига қарши кураш каби соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутувчи ўн тўртта ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Макроиқтисодий вазирлигининг маълумотларига кўра, 1997 йилда мамлакатимизнинг дунё мамлакатлари билан ташқи савдо ҳажмлари бўйича Германия 4-ўринни (Россия, Корея Республикаси, Швейцариядан кейин), Европа мамлакатлари орасида эса

2-ўринни (Швейцариядан кейин) эгаллади. 2000 йилда ўзаро савдо ҳажми 291,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистондан Германияга пахта толаси, мис ва ундан ясалган буюмлар, рангли металллар етказиб берилади ва турли хизматлар кўрсатилади. Германиядан Ўзбекистонга асбоб-ускуна, балиқ маҳсулотлари, қанд-шакар ва қандолат маҳсулотлари, бугдой уни, кимёвий маҳсулотлар, қора металл ва ундан тайёрланган буюмлар, транспорт воситалари, сарёғ ва ўсимлик ёғи, оптик асбоб ва аппаратлар, сут маҳсулотлари, қоғоз ва картон, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, учиш аппаратлари ва бошқалар етказиб берилади ҳамда турли хизматлар кўрсатилади. Енгил саноат, пахта ва унинг чиқитларини қайта ишлаш, тиббиёт ва фармацевтика препаратлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юк ва йўловчи ташиш, автосервис, илмий ишланмалар, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда бир нечта қўшма корхона фаолият юритмоқда. Республика Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳузурида Германиянинг 40 та фирма ва компанияси ваколатхоналари расмийлаштирилган. Улар қаторида «Даймлер Бенц», «Сименс», «Алкатель», «Тиссен», «Люфтганза», «ВАСФ», «Саламандер» каби жаҳонга машҳур фирмалар бор. «Ландтехник-Ташкент», «Чирком», «Уз-Винклер», «Грассо», «Таш-Вирт», «Интермед Экосан», «Намбум» ва бошқа қўшма корхоналар қишлоқ хўжалиги ускуналари тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги машиналари ва йўл техникалари, телефон тармоқларига хизмат кўрсатиш, новвойчилик ускуналарини олиб келиш ва уларни монтаж қилиш, тиббий дориларни етказиб бериш, гўшт-ёғ маҳсулотлари ва қоғоз ишлаб чиқариш билан машғул.

Ўзбекистон — Германия муносабатларида Тошкент ва Берлин ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Икки давлат пойтахтларининг ҳамкорлиги фақат иқтисодий соҳани эмас, ижтимоий-маданий соҳаларни ҳам қамраб олган. Германия пойтахти Бонндан Берлинга кўчирилгач, 2001 йилда Берлинда Ўзбекистон элчихонасининг янги биноси очил-

## ГРЕЦИЯ

ди. Унда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов қатнашди.

Икки томонлама муносабатларда маданият, санъат, фан, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам катта аҳамиятга эга. Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида Берлин, Потсдам, Дортмунд, Бонн, Штутгарт, Гамбург, Мюнхен, Ганновер, Висбаден шаҳарларида Ўзбекистоннинг мусиқа, тасвирий ва театр санъати кенг намоиш этилганлиги бунинг ёрқин ми-солидир. Мамлакатимиз театр ва кино уста-лари Тюбинг, Берлин, Котбус, Манхайм, Мюльхаймда ўтказилган фестивалларда ҳам фаол иштирок этишди. Ўз навбатида, рес-публикамизда ҳам Германия маданияти кун-лари муваффақиятли ўтди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг ривожига К.Аденауэр, Ф.Эберт жамғармалари, Гёте номидаги институт, Германия олий ўқув юрт-лари, университетлари ректорлари конферен-цияси, «Дойче Велле» телекомпанияси, «Гер-мания-Ўзбекистон» дўстлик жамияти, «ЭПОГ» Берлин жамоат-маданий бирлашмаси катта хисса қўшмоқда.

Аденауэр жамғармаси кўмагида Санкт-Аугус-тин шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуида илмий кон-ференция, «Орол экологик фожиасининг мил-лий ва халқаро аспектлари» симпозиумлари ўтказилди. Журналистлар гуруҳи ва немис ижодий зиёлилари вакиллари ташаббуси би-лан Орол ҳақида ҳужжатли фильм олинди. Қорақалпоғистондаги болалар касалхоналари-га дори-дармонлар ва тиббиёт ускуналари учун маблағ йиғиш ташкил қилинди, шунингдек, бу ҳудудда сув тозалаш иншоотларини яра-тиш учун маблағ тўпланди.

Ўзбекистон Миллий университети ва Самар-қанд университетининг Германиядаги Гум-больдт номидаги ҳамда Бамберг ва Гёттинген шаҳарларидаги университетлар билан ҳамкор-лиги самарали ривожланаётир. Бугунги кунда Ўзбекистонда немис миллатига мансуб 25 мингга яқин киши яшайди.

### 118. ГРЕЦИЯ

Греция Республикаси  
(Helliniki Dimokratia)

Майдони.....132 000 км<sup>2</sup>.  
Аҳолиси.....10 700 000 (2003  
йил).

Пойтахти.....Афина шаҳри.  
Катта шаҳарлари.....Солоники, Патри.

Расмий тили.....грек тили.

ЯИМ (аҳоли жон бошига).....19 920 АҚШ дол-  
лари (2003 йил).

Экспорт.....саноат товарлари,  
озиқ-овқат, ичимликлар ва ёнилғи.

Импорт.....саноат товарлари,  
озиқ-овқат, ёнилғи ва кимёвий воситалар.

Миллий валютаси.....евро.

Дини.....насронийлик, ис-  
лом ва бошқалар.

Мустақиллик куни.....25. 03. 1821.

Миллий байрами.....25 март - Муста-  
қиллик куни (1821).

Чегаралари..... шимолда Македо-  
ния ва Болгария, шимоли-шарқда Эгей денги-  
зи бўйлаб Туркия, шимоли-ғарбда Албания,  
жанубда Ўрта ер денгизи билан ўралган.

Давлат тузуми. Греция парламентар респуб-  
ликаси жануби-шарқий Европада, Болқон  
ярим оролининг жанубида ва унинг атрофи-  
даги оролларда (йириклари - Крит, Эвбея,  
Родос, Лесбос) жойлашган давлат. Маъму-  
рий жиҳатдан 52 номга (вилоятга), номлар  
епархияларга бўлинади. 10 тарихий-географик  
вилоятга бўлиш тамойили ҳам мавжуд. Дав-  
лат бошлиғи - президент. Амалдаги консти-  
туцияси 1975 йилда қабул қилинган. Унга 1986  
йилда 7 мартда киритилган тузатишларга  
биноан, президент парламентда очиқ овоз бе-  
риш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. У  
яна бир марта шу лавозимга қайта сайлани-  
ши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Де-  
путатлар палатаси (бир палатали парламент)  
ва республика президенти амалга оширади.  
Парламент умумий бевосита ва яширин овоз  
бериш асосида 4 йил муддатга сайланади. Иж-  
роия ҳокимиятини президент ва бош вазир  
бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.  
Умумгреция социалистик ҳаракати (ПАСОК)

ди. Унда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов қатнашди.

Икки томонлама муносабатларда маданият, санъат, фан, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам катта аҳамиятга эга. Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида Берлин, Потсдам, Дортмунд, Бонн, Штутгарт, Гамбург, Мюнхен, Ганновер, Висбаден шаҳарларида Ўзбекистоннинг мусиқа, тасвирий ва театр санъати кенг намойиш этилганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Мамлакатимиз театр ва кино усталари Тюбинг, Берлин, Котбус, Манхайм, Мюльхаймда ўтказилган фестивалларда ҳам фаол иштирок этишди. Ўз навбатида, республикамызда ҳам Германия маданияти кунлари муваффақиятли ўтди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг ривожига К.Аденауэр, Ф.Эберт жамғармалари, Гёте номидаги институт, Германия олий ўқув юрталари, университетлари ректорлари конференцияси, «Дойче Велле» телекомпанияси, «Германия-Ўзбекистон» дўстлик жамияти, «ЭПОГ» Берлин жамоат-маданий бирлашмаси катта хисса қўшмоқда.

Аденауэр жамғармаси кўмагида Санкт-Аугустин шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуида илмий конференция, «Орол экологик фожиасининг миллий ва халқаро аспекти» симпозиумлари ўтказилди. Журналистлар гуруҳи ва немис ижодий зиёлилари вакиллари ташаббуси билан Орол ҳақида ҳужжатли фильм олинди. Қорақалпоғистондаги болалар касалхоналарига дори-дармонлар ва тиббиёт ускуналари учун маблағ йиғиш ташкил қилинди, шунингдек, бу ҳудудда сув тозалаш иншоотларини яратиш учун маблағ тўпланди.

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд университетининг Германиядаги Гумбольдт номидаги ҳамда Бамберг ва Гёттинген шаҳарларидаги университетлар билан ҳамкорлиги самарали ривожланаётир. Бугунги кунда Ўзбекистонда немис миллатига мансуб 25 мингга яқин киши яшайди.

### 118. ГРЕЦИЯ

Греция Республикаси  
(Helliniki Dimokratia)

- Майдони**.....132 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....10 700 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Афина шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Солоники, Патри.  
**Расмий тили**.....грек тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бонига)**..19 920 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....саноат товарлари, озиқ-овқат, ичимликлар ва ёнилғи.  
**Импорт**.....саноат товарлари, озиқ-овқат, ёнилғи ва кимёвий воситалар.  
**Миллий валютаси**.....евро.  
**Дини**.....нарсонийлик, ислом ва бошқалар.  
**Мустақиллик куни**.....25. 03. 1821.  
**Миллий байрами**.....25 март - Мустақиллик куни (1821).  
**Чегаралари**..... шимолда Македония ва Болгария, шимоли-шарқда Эгей денгизи бўйлаб Туркия, шимоли-ғарбда Албания, жанубда Ўрта ер денгизи билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Греция парламентар республикаси жануби-шарқий Европада, Болқон ярим оролининг жанубида ва унинг атрофидаги оролларда (йириклари - Крит, Эвбея, Родос, Лесбос) жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 52 номга (вилоятга), номлар епархияларга бўлинади. 10 тарихий-географик вилоятга бўлиш тамойили ҳам мавжуд. Давлат бошлиғи - президент. Амалдаги конституцияси 1975 йилда қабул қилинган. Унга 1986 йилда 7 мартда киритилган тузатишларга биноан, президент парламентда очиқ овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. У яна бир марта шу лавозимга қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Депутатлар палатаси (бир палатали парламент) ва республика президенти амалга оширади. Парламент умумий бевосита ва яширин овоз бериш асосида 4 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятини президент ва бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.  
**Сийосий партиялари ва касаба уюшмалари**. Умумгреция социалистик ҳаракати (ПАСОК)

- 1974 йилда тузилган; Греция сўл партияси - 1987 йилда тузилган; Сўл ва тараққийшарвар кучлар уюшмаси - 1989 йилда тузилган; Греция коммунистик партиясига - 1918 йилда асос солинган; Янги демократия партияси - 1974 йилда тузилган; «Сиёсий баҳор» партияси - 1993 йилда ташкил этилган. Греция умуммеҳнат конференциясига - 1918 йилда асос солинган, Халқаро эркин касаба уюшмалари конференциясига киради.

Греция 1945 йил 25 октябрдан БМТ аъзоси. **Аҳолисининг 95%и греклар.** Мамлакатнинг марказий вилоятларида албанлар ва аромунлар, шарқда турклар яшайди. Яхудий, лўли ва болгарлар Грециянинг ҳамма ҳудуди бор. Аҳолининг аксарияти православлар, 5% бошқа динларда. Аҳолининг 59%и шаҳарларда, 11%и шаҳарчаларда, 30%и қишлоқ жойларда яшайди. Унинг ўртача зичлиги - 1 км<sup>2</sup> га 75 киши тўғри келади. 5 млн.га яқин грек мамлакат ташқарисида, асосан АҚШда (2 млн. киши), Канада, Австралия, ГФРда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Греция - саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 18%, қишлоқ хўжалигининг улуши 16%. Ташқи савдода импортнинг улуши 45.3 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 13 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 170.000;

захирадагилар - 291.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 110.000, ҳарбий денгиз флотида 19.000, ҳарбий ҳаво кучларида 30.200 киши хизмат қилади. Курол-яроғи замонавий. 8 сув ости кемаси, 2 эскадра мина ташувчи ва 12 қўриқчи кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 5 корвет, 17 снарядли кема, 8 торпедоли ва 10 патруль кемаси бор.

4.000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган қирғоқ химоячилари ва божхоначилар бор.

**Табиати.** Греция қуруқ субтропик минтақада жойлашган. Мамлакат ҳудудининг 80% тоғлиқ. Ўртача баландлиги 1000-1800 м.ли тоғлар кўп, энг баланд чўққиси - Олимп тоғи (2911

м.). Тоғлар эрозия таъсирида парчаланиб кетган ва карст авж олган. Иқлими Ўрта денгизга хос субтропик, киши сернам ва юмшоқ; ёзи иссиқ ва қуруқ. Дарёлари - Вардар, Марица, Стримон, Нестос (Места). 44% майдони ўрмон ва бугазорлардан иборат.

**Ўзбекистон - Греция муносабатлари.** Греция Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олди. 1992 йил 16 мартда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлари ўрнатилиб, ўзаро иқтисодий, маданий алоқалар ва савдо-сотиқ ривожлана бошлади. 1994 йил 29 сентябрь - 3 октябрда Греция делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва икки томонлама муносабатларнинг юридик асосларини яратиш масалалари келишиб олинди.

Греция ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида 1994 йил 6-8 октябрда «Русвар Холдингс Б.В.» компаниясининг ҳамраиси Я.Вардинояннис бошчилигида олий менежерлар гуруҳи республикамизга келди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида, «Ўзбекнефтегаз» корпорациясида, «Ўзэлтехсаноат» уюшмасида, Тошкент авиация заводида ўтказилган музокараларда қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда грек компаниясининг иштироки масалалари муҳокама қилинди.

1996 йил 27-29 ноябрда Греция ташқи ишлар вазири бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи вақтида ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди ва консуллик муассасаларини очиш ҳамда ҳаво қатновини йўлга қўйиш ҳақида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 31 март-2 апрелда Грецияга қилган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга янги ҳисса қўшди. Ташриф натижасида «Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома», «Икки ёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳақида конвенция», «Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоялаш», «Иқтисодий ва технологик ҳамкорлик», «Маориф, фан ва маданият соҳаларида ҳамкорлик

қилиш», «Туризм соҳасидаги ҳамкорлик» тўғрисида битимлар, «Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Греция экспортга қўмақлашиш ташкилоти ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум» имзоланди.

2000 йилда Ўзбекистоннинг Греция билан товар айланмаси: экспорт 13,7 млн., импорт 3,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Грецияга рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар, табиий ва сунъий мўйна ҳамда ундан тайёрланган маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса, импортнинг асосий турлари ўсимлик ёғи, сарийёғ, совун, ювиш воситалари ва сурков мойлари, тамаки, асбобускуна, эфир ёғи ва пардоз воситалари, қайта ишланган мева, сабзавот, ёнғоқ, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, пластмасса, алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар ва бошқалардан иборат бўлди.

1995 йил январдан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари ойига 2 марта Афинага бориб келмоқда. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан грек компанияси ўртасидаги битимга биноан «Фотон» акциядорлик жамиятида «Силекс» назорат-касса аппаратларини биргаликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистоннинг Жанубий Европа ва Яқин Шарққа борадиган транспорт йўлагини кенгайтириш мақсадида Греция имкониятлари ўрганилаётир.

Маида ва ўрта бизнес соҳасида икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантириш имконияти бор. Ўзбекистонда грек сармойаси иштирокидаги 33 қўшма корхона мавжуд. Улар орасида «Омега-Ситора», «Олимпик-Тошкент-Фурс», «Агрофур», «Ўз-Элтас», «Буюк Турон Инк», «Турон-Траст» кабилар бор. Грек сармойаси юз фоиз бўлган 6 корхона фаолият кўрсатаётир.

Грек сармойаси иштирокидаги корхоналар фаолиятининг асосий соҳалари кийим-кечак, чарм ва мўйнадан тайёрланган маҳсулотлар, бинокорлик материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, савдосотиқ, лотерея ўйинларини ташкил этиш ва шу кабилардан иборат.

**Майдони**..... 43 100 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 5 400 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Копенгаген шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Орхус, Оденсе, Ольборг.  
**Расмий тили**..... дания тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..31 213 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**..... машина ва асбобускуналар, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, ёнилғи, сут маҳсулотлари, балиқ, кемалар ва шамол двигателлари.  
**Импорт**..... машина ва ускуналар, саноат учун хом ашё ва ярим фабрикатлар, дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари.  
**Миллий валютаси**..... Дания кронаси.  
**Дини**..... насронийлик ва ислом.  
**Миллий байрами**..... 16 апрель - Қиролчи туғилган кун (1940) ва 5 июнь - Конституция куни (1849).  
**Чегаралари**..... жанубда Германия, Шимолий ва Болтиқ денгизлари, Скагеррак қўлтиғи Данияни Норвегиядан ажратиб туради, Каттегат ва Ирисунн қўлтиқлари Швециядан ажратиб туради.  
**Давлат тузуми**. Данияда конституциявий монархия тузуми қарор топган. Европанинг шимоли-ғарбидаги давлат, Ютландия ярим оролининг катта қисмини ва унга яқин ороллар гуруҳи (Зеландия, Фюн, Лолланн, Фальстер ва бошқалар)ни ўз ичига олади. Маъмурий жиҳатдан 14 амт (вилоят)га, амтлар эса коммуналарга бўлинади. Копенгаген ва Фредериксберг шаҳарлари мустақил маъмурий бирликка ажратилган бўлса ҳам, амтларга тенглаштирилмаган. Ички мухториятдан фойдаланувчи Фарер ороллари ва Гренландия ороли Дания қироллиги таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1953 йил 5 июнда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – қирол (қиролича, 1972 йилдан қиролича Маргрете II). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қиролича билан фолькетинг (бир палатали парламент) амалга

оширади. Фолькетинг 179 депутатдан иборат. Улар умумий, бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятини қирол (қиролича) амалга оширади. У бош вазир ва ҳукумат аъзоларини тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Венстре сўл либерал партия - 1870 йилда тузилган; Консерватив халқ партияси - 1916 йилда тузилган; Тараққиёт партиясига - 1972 йилда асос солинган; Социалистик халқ партияси - 1959 йилда тузилган; Христиан халқ партиясига - 1970 йилда асос солинган; Радикал сўл партияси - 1905 йилда тузилган; Дания Социал-демократик партиясига - 1871 йилда асос солинган; Марказ демократлари партияси - 1973 йил тузилган; Дания Халқ партияси - 1995 йилда ташкил этилган. Дания Касаба уюшмалари марказий бирлашмаси - 1898 йилда тузилган бўлиб, Халқаро эркин касаба уюшмалари конференцияси, Европа касаба уюшмалари конференцияси ва Шимолий Европа касаба уюшмалари кенгашига киради.

Дания 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. 1949 йил 4 апрелдан Шимолий Атлантика пакти (НАТО) аъзосидир.

**Аҳолисининг 98%и данияликлар.** Немис ва фризлар ҳам бор. Аҳолининг ўртача зичлиги бир км<sup>2</sup> га 114 киши. Аҳолининг 84,9%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Дания юксак даражада ривожланган саноатлашган-аграр мамлакат бўлиб, бошқа давлатлар билан кенг иқтисодий алоқа ўрнатган. Хусусий сармоя устунлик қилади. Ялпи миллий маҳсулотнинг 30% давлат секторига тўғри келади. Ялпи ички маҳсулотда саноат ва қурилишнинг улуши 26,4%, қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликнинг улуши 3,5%. Ялпи маҳсулотнинг 40%дан кўпроғи четга сотилади.

**Валютаси.** 7,951 Дания кронаси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 81,2 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 93,2 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Норвегия ва АҚШ.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 21.180;

захирадагилар - 64.900:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 12.500, ҳарбий денгиз флотида 3.800, ҳарбий ҳаво кучларида 4.200 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 4 сув ости кемаси ва 3 корветга эга. Шувингдек, патруль ва қирғоқ қўшинларида 4 снарядли, 3 торпедоли ва 20 патруль кемаси бор.

**Табиати.** Дания худуди кенг баргли ўрмонлар зонасида жойлашган, ер юзаси текислик. Энг баланд жойи Ютландия ярим оролидаги Айёр-Бавнехой тепалиги (172 м.). Иқлими мўътадил денгиз иқлими, ёзи салқин, баҳор ва куз фасллари узоқ давом этади. Қиши юмшоқ. Февралда ўртача ҳарорат 0°, июлда 15-16°. Дарёлари жуда кичик (энг каттаси Гудено, 138 км.). Кичик оқар кўллар кўп.

**Ўзбекистон- Дания муносабатлари.** Дания Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1992 йил 25 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Икки мамлакат ўртасидаги «Инвестицияларни ўзаро химоялаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида «Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги битимлар асосида ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар йўлга қўйилган. 2000 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 7,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Даниядан ёғоч буюмлар, дори-дармон, қанд- шакар, қандолат маҳсулотлари, какао, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, галла ва ёрма, механик асбоб-ускуна, кимёвий маҳсулотлар, пойабзал, ўйинчоқлар сотиб олади. Бунинг эвазига Ўзбекистон сайёҳлик ва юк ташиш соҳасида хизмат кўрсатади. Ўзбекистон Данияга қайта ишланган сабзавот ва мевалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хўл мева ва ёнғоқ юборади, турли хизматлар кўрсатади. Ўзбекистон худудида Дания сармоядорлари иштирокидаги 6 корхона, шу жумладан, Дания сармояси 100% бўлган 2 корхона ишлаб турибди. Ўзбекистонда Даниянинг «Наво Нордиск» ва «Йорк рефрижерейшн» компанияларининг ваколатхоналари очилган.

## 120. ИРЛАНДИЯ

ирландча Eire (инглизча Irelang).

**Майдони**..... 70 300 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 3 950 000 (2004 йил).  
**Пойтахти**..... Дублин шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Корк, Лимерик.  
**Расмий тили**..... ирланд ва инглиз тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...30 095 АҚШ доллари.  
**Экспорт**..... машина ва ускуналар, компьютерлар, кимёвий воситалар, дори-дармон, ҳайвонлар, чорвачилик маҳсулотлари.  
**Импорт**..... ахборотни қайта ишлаш ускуналари, машина ва жиҳозлар, кимёвий воситалар, нефть ва нефть маҳсулотлари, газлама ва кийим-кечаклар.  
**Миллий валютаси**..... евро.  
**Дини**..... насронийлик.  
**Мустақиллик куни**..... 6. 12. 1921.  
**Миллий байрами**..... 17 март - Авлие Патрик куни.  
**Чегаралари**..... жануб, ғарб ва шимолда Атлантика океани, шарқда Ирландия денгизи, шимоли-шарқда Шимолий Ирландия билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Ирландия республикаси Ғарбий Европада, Ирландия оролида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 26 графликка бўлинади, улар 4 тарихий вилоятга бирлашади.  
 1937 йил 29 декабрда қабул қилинган ҳамда 1972 ва 1999 йилларда тузатишлар киритилган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи президент (1997 йилдан Мэри Макалис хоним). У аҳоли томонидан бевосита умумий ва яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади, иккинчи муддатга яна бир марта сайланиши мумкин. Миллий парламент қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади, унинг таркибига президент ва икки палата: вакиллар палатаси билан сенат киради. Ижроия ҳокимиятини вакиллар палатасининг таклифига биноан президент тайинлайдиган ҳукумат амалга оширади.  
**Сiyсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Фианна Файл («Тақдир аскарлари») - 1926 йили ташкил этилган; Фине гал («Бирлашган

Ирландия») - 1933 йили асос солинган; Ирландия лейбористлар партияси - 1912 йили тузилган; Ирландия коммунистик партиясига - 1921 йили асос солинган; Демократик сўл партия - 1992 йил ташкил этилган; Тараққий-парвар демократик партия - 1985 йил тузилган; Ирландия ишчилар партиясига - 1970 йил асос солинган. Ирландия тред-юнионлар конгресси (1894) Ирландия ва Шимолий Ирландиянинг 66 касаба уюшмаларини бирлаштиради.

Ирландия 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. Аҳолисининг 98% ирландлар, қолганлари инглизлар ва шотландлар.

**Иқтисодиёти**. Ирландия саноатлашган мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 37%, қишлоқ хўжалиғи улуши 10,1%, хизмат соҳаси улуши 50%дан кўпроқни ташкил этади. Сайёҳлик ҳам катта даромад келтиради. Ташқи савдода импортнинг улуши 45,7 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 83.2 млрд. АҚШ доллари (2004 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония, Сингапур.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 10.460;

захирадагилар - 14.800;

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари)да 8.500, ҳарбий денгиз флотиди 1.100, ҳаво корпусида 860 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 8 патруль кемаси бор.

**Табиати**. Шарқий қирғоқлари анча текис, жанубий қирғоқларида бухта ва қояли бурунлар, ғарбий қирғоқларида ичкарига чуқур қирган қўлтиқлар кўп. Ер юзасининг ярмидан кўпини Марказий текислик (баландлиғи 40-100 м.) эгаллаган. Иқлими мўътадил океан иқлими, об-ҳавоси беқарор, серёмғир, туман кўп тушади, тез-тез шамол эсади. Ирландияда дарё, кўл ва ботқоқликлар кўп. Дарёлари серсув, музламайди, кемачиликда ва электр энергияси олишда фойдаланилади. Катта дарёси Шаннондир.

**Ўзбекистон-Ирландия муносабатлари**. Ирландия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1997

## ИСЛАНДИЯ

йил 7 ноябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Шундан сўнг икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар ривожлана бошлади. Ўзбекистон Ирландияга, асосан, пахта толаси ва бир оз миқдорда маъданли ўғит экспорт қилади. Ирландиядан дон, мол ёғи, ўсимлик ёғи ва сариёғ, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, дори-дармон, кийим-кечак, органик кимёвий бирикмалар, электр жиҳозлари ва шу кабиларни сотиб олади. Шу тариқа 2000 йилда ўзаро товар айланмаси 14,3 млн. АҚШ долларига етди. “Ўзбексавдо” уюшмасининг “Тижорат” фирмаси “Ўзбек-энерго” давлат акциядорлик компанияси 1995 йилдан Ирландиянинг “Esb International” фирмаси билан ҳамкорлик қилмоқда. Шу йили бу фирма халқаро ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган техникавий кўмак дастури доирасида Европа Ҳамжамияти Комиссияси (ЕҲК)нинг “Ўзбекистон Республикасида электрлаштириш тармоғини бошқариш тизимини тақомиллаштиришга техникавий ёрдам” деб аталган “EUZ 92/020” лойиҳасини бажаришга киришди. Ирландиянинг “Челдон -Лтд” фирмаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган турли смолалар, юқори ва паст босимли полиэтиленни “Қурилишпластмасса” акциядорлик жамиятига, коксни “Сантехлит” акциядорлик жамиятига, КС -11 смоласини “Оҳангароншифер” акциядорлик жамиятига етказиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида ирландиялик сармоядорлар иштирокидаги 9 корхона фаолият кўрсатади. Шундан 7 таси қўшма корхона ва 2 таси ирланд сармойаси 100% бўлган корхонадир. Ирландиянинг 2 фирмаси: “Херкос Лимитед” (рангли металлургия корхоналари учун хом ашё савдоси, юксак технологияли товарлар ишлаб чиқариш), “Ай-Си-Ти Интернейшнл Коттон энд Текстайл Трейдинг К. Лтд” (пахта савдоси) ваколатхоналари мавжуд.

### 121. ИСЛАНДИЯ

Исландия Республикаси  
(Island, Lydveldid Island)

Майдони..... 103 000 км<sup>2</sup>.  
Аҳолиси..... 294 600 (2004 йил).

Пойтахти..... Рейкьявик шаҳри.  
Катта шаҳарлари..... Коупавогур, Акурейри.

Расмий тили.....исланд тили.  
ЯИМ (аҳоли жон бошига)...30 670 АҚШ доллари (2004 йил).

Экспорт..... балиқ ва балиқ маҳсулотлари, чорвачилик маҳсулотлари, алюминий, диатамит ва ферросилиций.

Импорт..... машина ва жиҳозлар, нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат ва тўқимачилик буюмлари.

Миллий валютаси.....исланд кронаси.  
Дини.....насронийлик.

Мустақиллик куни.....17. 06. 1944.

Миллий байрами.....17 июнь - Мустақиллик куни.

Чегаралари.....шимолда Гренландия денгизи, шарқда Норвегия денгизи, шимоли-шарқда Гренландиядан ажратиб турадиган Дания қўлтиғи, гарб ва жанубда Атлантика океани билан ўралган.

Давлат тузуми. Исландия республикаси Атлантика океанининг шимолий қисмидаги Исландия оролида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 23 округ (сисла)га, улар эса жамоаларга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1944 йил 17 июнда қабул қилинган. Давлат бошлиғи президент (1996 йилдан Олавур Рагнар Гримссон), у аҳоли томонидан бевоқиф сайлов йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент билан альтинг (бир палатали парламент) биргаликда амалга оширади. Ижроия ҳокимиятини президент амалга оширади ва ҳукуматни тайинлайди.

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Халқ иттифоқи партияси - 1968 йили тузилган; Мустақиллик партияси - 1929 йили ташкил этилган; Тараққиёт партияси - 1916 йили тузилган; “Халқ уйғониши” сиёсий бирлашмасига - 1944 йилда асос солинган; Исландия социал-демократик партияси - 1916 йил ташкил топган; Бирлашган сўллар блоки - 1999 йилда тузилган. Исландия касаба уюшмалари бирлашмаси - 1916 йили тузилган, Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси аъзоси.

Исландия 1946 йил 19 ноябрдан БМТ аъзоси.

## ИСПАНИЯ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 19 январда тан олди ва 1997 йил 25 сентябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Аҳолисининг 99% исландлар.** Қолган қисми немис, норвег ва данияликлар. Диндор аҳолининг 93% протестант (лютеран). Аҳолининг 91%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Исландия саноатлашган — аграр мамлакат. Саноатида балиқ овлаш ва уни қайта ишлаш етакчи ўринда туради. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 12% шу тармоқда банд бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг 20% ва хорижий валюта тушумининг салкам 80% ни таъминлайди. Кишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар бутун мамлакат ҳудудининг 14% ни ташкил этади. Иқтисодий фаол аҳолининг 9,5% агросаноат мажмуида банд. Кичик фермерлар кўп.

**Валютаси.** 84,810 Исландия кронаси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 2,2 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 2 млрд. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония.

**Ҳарбий салоҳияти.** 130 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган қиргоқ ҳимоячилари бор. Уларда 3 патруль кемаси ва 1 қидирув кемаси мавжуд.

**Табиати.** Исландия қирғоғи жанубда текис, қолган қирғоқларида йирик қўлтиқ ва фиордлар кўп. Иқлими субарктика, денгиз иқлими. Гольфстримнинг таъсири кучли. Исландия майдонининг 11,8 минг км<sup>2</sup>. музлик. Каттаси Ватнайёкудль (8400 км<sup>2</sup>.) ва бошқалар. Дарёлари кичик, серостона, қор ва музликлардан тўйинади, гидроэнергия ресурсларига бой. Кўл кўп.

### 122. ИСПАНИЯ

Испания Кириллиги  
(Espana, Reino de Espana)

**Майдони**..... 506 000 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 41 000 000 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Мадрид шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Барселона, Валенсия, Севилья, Сарагоса, Бильбао, Малага.

**Расмий тили**.....испан тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** 21 200 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....машиналар, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари.

**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, ёнилғи, кимёвий воситалар, ярим фабрикатлар, озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари.

**Миллий валютаси**.....евро.

**Дини**.....насронийлик ва ислом.

**Мустақиллик куни**.....1492 йилдан мустақил.

**Миллий байрами**.....12 октябрь - Испан миллати куни (1492).

**Чегаралари**.....ғарбда Португалия ва Атлантика океани, шимолда Франция, Андорра ва Бискай кўрфази, жанубда Гибралтар, жануб ва шарқда Ўрта ер денгизи билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Испания Европанинг жануби-ғарбида, Пиреней ярим оролида жойлашган. Ўрта ер денгизидаги Балеар (шу жумладан, Питиус), Атлантика океанидаги Канар ороллари, Африканинг шимолий қирғоғидаги Сеута ва Мелилья шаҳарлари ва унга ёндош Велесде-ла-Гомера, Алусемас, Чафаринас ороллари ҳам Испанияга қарайди. Маъмурий жиҳатдан ўз ҳукумати ва парламентига эга бўлган 17 мухтор регионга, улар, ўз навбатида, 50 вилоятга бўлинади. Парламентар монархия тузуми қарор топган. Амалдаги конституцияси 1978 йил 6 декабрдаги миллий референдумда маъқулланган, ўша йили 29 декабрдан кучга кирган; 1992 йилда унга тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи қирол (1975 йил 22 ноябрдан Хуан Карлос I), унинг ҳуқуқи конституция бўйича чекланган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Бош кортеслар (парламент) амалга оширади. Кортеслар икки палата - депутатлар конгресси ва сенатдан иборат. Ижроия ҳокимиятини ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат раисини қирол сиёсий партиялар ва парламентнинг иккала палатаси раислари билан маслаҳатлашиб тайинлайди.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Испанияда 500 дан кўпроқ сиёсий партия ва

жамоат ташкилоти рўйхатга олинган. Асосий партиялари: Халқ партияси (1989 йил январгача Халқ уюшмаси) - 1976 йилда тузилган; Испания социалистик ишчи партияси - 1979 йилда тузилган; Каталония демократик конвергенциясига - 1974 йилда асос солинган; Валенсия иттифоқи, Ишчилар касаба уюшма бирлашмасига - 1960 йилда асос солинган; Ишчи комиссиялари - 1956 йилда тузилган.

Испания 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. Аҳолисининг катта қисми испанлар, қолганлари каталонлар, галисийлар, басклар ва бошқалар. Кўпчилик диндорлар католиклар. Аҳолининг 78,4%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Испания саноатлашган-аграр мамлакат. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан Ғарбий Европада 5-ўринда, ривожланган мамлакатлар ўртасида 8-ўринда туради. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 23%, қишлоқ хўжалиги улуши эса 60% дан ортади. Чет эл сайёҳлиги муҳим даромад манбаи. Ҳар йили Испанияга 52 млн. сайёҳ келиб-кетеди, бу соҳа 20 млрд. долларгача даромад беради (АҚШдан кейин 2-ўрин). Сайёҳларга 6 млн. киши хизмат қилади.

Ташқи савдода импортнинг улуши 157 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

Экспортнинг улуши 123 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония, ОПЕКка аъзо бўлган давлатлар ва Лотин Америкаси давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 150.700;

захирадагилар - 328.500;

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари)да 95.600, ҳарбий денгиз флотиди 22.900, ҳарбий ҳаво кучларида 22.750 киши хизмат қилади.

Курол-яроғи ўта замонавий. 6 сув ости кемаси, 1 авианосеци ва 16 қўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 37 патруль кемаси бор. 72.600 нафар ярим ҳарбийлашган фуқаро гвардияси ва 760 нафар DEL MAR фуқаро гвардияси бор.

**Табиати.** Испания субтропик минтақада. Қирғоқ чизигининг узунлиги ороллар билан

бирга 5 минг км. дан кўпроқ. Испания ҳудудининг аксар қисми плато, ўртача баландликдаги тизмалар, ясситоғликлар ва пасттекисликлардан иборат. Платоларда шимоли-ғарбдан шимоли-шарққа баландлашиб борувчи Марказий Кордильера тоғ тизмалари бор. Иқлими шимоли ва шимоли-ғарбида мўътадил океан иқлими, киши юмшоқ, ёзи илиқ. Дарёлари, асосан, ёмғирдан тўйинади, ёзда жуда саёзлашиб қолади. Фақат шимоли ва шимоли-ғарбидаги дарёлар йил бўйи серсув. Катта дарёлари: Тахо, Эбро.

**Ўзбекистон - Испания муносабатлари.** Испания Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1992 йил 17 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги алоқалар тарихи анча бой. 1404 йилда Кастилия киролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандга келгани ва Амир Темур салтанати ҳақида эсдаликлар ёзгани тарихдан маълум. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Испания билан савдо-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйила бошланди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг ўзаро ташрифлари чоғида ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий негизини яратувчи бир қанча ҳужжатлар имзоланган. Иккала мамлакатнинг савдо-иқтисодий алоқалари Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан муносабатлари доирасида ривожланаётир. Ўзаро товар айланмаси 2000 йилда 1999 йилга нисбатан 1,9 баравар ошди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Испанияга пахта толаси, газлама, калава ип экспорт қилса, ундан электротехника ва механика асбоб-ускуналари, дори-дармон, қора металллар, пластмасса, керамика маҳсулотлари сотиб олади.

Испания компания ва фирмалари билан ҳамкорликда Бухоро вилояти сув таъминоти тизимини такомиллаштиришга киришилди. 15 млн. евро қийматига эга бўлган бу лойиҳа Испания ҳукуматининг имтиёзли ва тижорат кредити ҳисобидан амалга оширилади. “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” компанияси, “Ўзфармсаноат” концерни Испаниянинг “Крупак” компа-

нияси бинт ва жарроҳлик докиси ишлаб чиқарадиган корхона барпо этиш учун 7,9 млн. евро миқдориди пул сарфлади. Ўзбекистон Республикасида Испания сармояси иштирокидаги 11 корхона ташкил этилган. Ўзбекистон ФА институтлари билан Испания Миллий тадқиқот кенгаши ўртасида қуёш энергиясини фотоэлектр усулида ўзгартириш, ярим ўтказгичли материалшунослик соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон Жаҳон тиллари Университети Испаниянинг Гранада, Мадрид, Алкала де Энарес ва Малага Университетлари билан ҳамкорлик ўрнатган. Тошкентдаги шу университетда испан тили ва маданияти маркази очилган. Гранада ва Бухоро Университетларининг ҳамкорлик қилиши ҳақида келишиб олинган.

## 123. ИТАЛИЯ

Италия Республикаси (Italia)

**Майдони**..... 301 230 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 58 000 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Рим шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Милан, Неаполь, Турин, Генуя, Палермо.  
**Расмий тили**.....итальян тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..25 421 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....машинасозлик техникаси, тўқимачилик ва кийим-кечак, саноат ва транспорт жиҳозлари, кимёвий воситалар, озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки, минерал хом ашё ва рангли металллар.  
**Импорт**.....машинасозлик техникаси, транспорт жиҳозлари, ёнилғи ва энергия манбалари.  
**Миллий валютаси**.....евро.  
**Дини**.....насронийлик, яхудийлик ва ислом.  
**Мустақиллик куни**.....17. 03. 1861.  
**Миллий байрами**..... 2 июнь - Республика эълон қилинган кун (1946).  
**Чегаралари**..... шимолда Швейцария ва Австрия, шимоли-шарқда Словения, шимоли-ғарбда Франция, шарқда Адриатика денгизи, ғарбда Лигури ва Террен денгизлари, жанубда Ўрта ер денгизи.

Давлат тузуми. Италия Республикаси Европа жанубида, Ўрта ер денгизи ҳавзасида жойлашган давлат. Апеннин ярим ороли, Сицилия, Сардиния ва бошқа кичик ороллари ўз ичига олган. Маъмурий жиҳатдан 20 вилоят (regione)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1947 йил 22 декабрда қабул қилинган ва 1948 йил 1 январдан кучга кирган. Давлат бошлиғи президент (1999 йил майдан К.А.-Чампи). У парламент иккала палатасининг қўшма мажлисида вилоятлар вакиллари иштирокида 7 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи орган - депутатлар палатаси ва сенатдан иборат парламент. Ижроия ҳокимиятини Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Президент Вазирлар Кенгаши раисини ва унинг таклифига биноан вазирларни тайинлайди.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** "Олға, Италия" партияси - 1993 йил сиёсий уюшма сифатида тузилган, 1996 йил партиёга айлантирилган; Италия либерал партиясига - 1848 йилда асос солинган, 1944 йилда қайта тикланган, 1994 йил мартада ўзини-ўзи тугатган ва ўша йил июлда қайта ташкил этилган; Италия Халқ партияси - тугатилган Христиан-демократик партия негизида 1994 йил 18 январда расмий равишда тузилган; Коммунистик қайта қуриш партияси - 1991 йили ташкил этилган; Италия республикачилар партияси - 1832 йилдан фаолият кўрсатади; Италия социал-демократик партияси - Социалистик партия парчаланиши натижасида 1947 йилда тузилган, 1966 йилда Социалистик партия билан қўшилган, 1969 йилдан яна мустақил партия; Италия социалистлари - Италия социалистик партиясининг бўлиниши натижасида 1994 йили тузилган. Италия умумий меҳнат конфедерацияси - 1906 йилда тузилган; Италия меҳнаткашлари касаба уюшмалари конфедерацияси - 1948 йилда ташкил этилган, Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси аъзоси. Италия меҳнат иттифоқи - 1950 йилда тузилган.  
 Италия 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 10 январда тан олди ва ўша йил 24 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Аҳолисининг 98% дан кўпроги италянлар,** қолган қисми ретороманлар, тироллар, французлар. Словен ва хорватлар, шунингдек, албанлар, католичлар ва бошқалар ҳам бор. Аҳолининг 67%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Италия юксак ривожланган саноатлашган-аграр мамлакат. Дунёда энг ривожланган 10 давлатнинг бири. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 31,6%, қишлоқ хўжалиги улуши 2,9%, хизмат кўрсатиш соҳаси 65,5% (1997). Италияда 12 млн.дан зиёд аҳоли хизмат кўрсатиш соҳасида, 6,5 млн. киши саноатда, 1,5 млн. киши қишлоқ хўжалигида банд.

Ташқи савдода импортнинг улуши 258.5 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

Экспортнинг улуши 267.8 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 194.000;

захирадагилар – 63.200;

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари)да 116.000, ҳарбий денгиз флотидида 34.000, ҳарбий ҳаво кучларида 48.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи ўта замонавий. Ядро қуролига ва сунъий йўлдошга эга. 6 сув ости кемаси, 1 авианосец, 4 эскадра минаносечи ва 12 кўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 8 корвет, 10 чегара патруль ва 3 қирғоқ патруль кемаси мавжуд. 111.800 нафар ярим ҳарбийлашган карабиниерлар, 79.000 нафар жамоат хавфсизлиги ходимлари, 63.500 нафар молия хизматчилари ва 8.700 нафар порт назоратчилари бор.

**Табиати.** Мамлакатнинг қирғоқ чизиги (7,5 минг км.) Апеннин ярим оролининг жанубида паст-баланд бўлса, бошқа қисмида деярли текис. Худудининг 4/5 қисми тоғ ва қирлардан иборат. Италиянинг шимолида Альп тоғлари жойлашган: Ғарбий Альп тоғлари (Монблан чўққиси (4807 м.) – Италиянинг энг баланд нуқтаси)нинг ён бағирлари тик. Шарқий Альп тоғлари (энг баланд нуқтаси Ортлес тоғи, 3899 м.) аста-секин пасая бориб, шарқда Карст платосига туташиб кетган. Италиянинг ўрта

ва жанубий қисмларида тез-тез кучли зилзила бўлиб туради.

Иқлими Ўрта ер денгизига хос субтропик, Падан текислигида мўътадилроқ. Альп тоғлари шимолдан келадиган совуқ шамолни тўсиб туради. Ёзи иссиқ ва қуруқ. Энг катта дарёси По, унинг ирмоқларида кема қатнайди. Дарёлар Италиянинг шимол қисмида кўпроқ. Катта кўллари Гарда, Комо, Лаго-Мажоре, Больсенада кема қатнайди, соҳилида курортлар кўп.

**Ўзбекистон –Италия муносабатлари.** Италия Ўзбекистон мустақиллигини тан олганидан сўнг иккала мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. “Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида” 1996 йили Флоренцияда имзоланган битим ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини яратди. 1996 йил июни ва 2000 йил ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Италияга, 1997 йил майда Италия Бош вазирининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари якунида иқтисодий, маданий ва илмий соҳалардаги ҳамкорлик, иккиёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик, транспорт соҳасидаги ҳамкорлик, сайёҳликни ривожлантириш, инвестицияларни рағбатлантириш ҳамда ўзаро ҳимоялаш тўғрисида муҳим битим ва шартномалар имзоланди. Италия раҳбарларига ҳамроҳ бўлиб келган савдо-саноат доираларининг намояндалари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти билан танишдилар ва ўзбек тадбиркорлари учун бизнес –семинар ўтказдилар. Мазкур тадбирларнинг самараси ўлароқ, икки мамлакат ўртасида ўзаро мол етказиб бериш 1992 йилги 19 млн. 461 минг 800 доллардан 2000 йилда 112,8 млн. долларга етди. Ўзбекистон билан товар айланмаси ҳажми жихатидан Италия 10-ўринда, Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Германия ва Буюк Британиядан сўнг 3-ўринда. Энг муҳими, аксарият йилларда Ўзбекистон Италия билан савдода ижобий сальдога эга бўлиб келди, яъни харид қилганидан кўра кўпроқ маҳсулот сотди. Ўзбекистон Италияга пахта толаси, рангли металллар ва улардан ясалган буюмлар, ипак, ип газлама, калава ип ва бош-

қа маҳсулотлар сотса, Италиядан асбоб-ускуна, мебель, пластмасса, гўшт ва балиқ маҳсулотлари, сариёғ ва ўсимлик ёғи, кийим-кечак ва бошқаларни сотиб олади. Савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасида бир қанча кўшма тadbирлар амалга оширилди. 1994 йилда Италия Ташқи савдо институти ва Ташқи савдо уюшмаси раҳбар ва мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Наманган вилоятлари раҳбарлари билан амалий учрашувлар ўтказди. 1994 йил июнда Ўзбекистон вилоятлари, шаҳар ва туманлари ҳокимларининг Италияга ташрифи чоғида улар Италия савдо палаталари ва уюшмалари, саноат корхоналари раҳбарлари билан учрашдилар. Учрашувларда мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлаш, табиий тош қазиб олиш ва қайта ишлаш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ўзаро ҳамкорликка Италия фирма ва компаниялари гоёт қизиқишади. Чунончи, Ўзбекистон ва Италия саёҳатчиларини ўзаро кутиб олиш, жўнатиш, уларга хизмат кўрсатиш соҳасида шартнома тузилган. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ўзаро қатновни йўлга қўйган. “Қорақалпоқ қурилиш материаллари” акциядорлик бирлашмаси “Педрини” фирмасидан мрамар тахтачалар ишлаб чиқарадиган линиялар ва “Равелли” фирмасидан табиий тошдан буюмлар ишлаб чиқарадиган технология линиялари сотиб олди. “Текинт” компанияси билан “ЎзДЭУАвто” ўртасида енгил автомобиллар учун ясси ойна ишлаб чиқариш заводини қайта қуриш ҳақида битим тузилди. “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси нефть конларини қидириб топиш ва ишлатиш, турли технология асбоб-ускуналарини нефть ва газ корхоналарига келтириб ўрнатиш борасида итальян фирмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, Шўртан, Кўкдумалоқ корхоналарида ноёб итальян асбоб-ускуналари ўрнатилди. Шаҳрисабз, Ғазалкент консерва заводларида “Сасиб Фуд” фирмасининг томат пастасини янгича қадоқлайдиган линиялари ишга

туширилди. “Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг” компанияси, “Ўзбекмебель” давлат акциядорлик бирлашмаси янги технология ва асбоб-ускуналар харид қилиш юзасидан Италия фирмалари билан яқин алоқа ўрнатган. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Ўзозиковқатсаноат”, “Ўзэлтехсаноат” уюшмалари, “Ўзфармсаноат” концерни, “Ўзбексавдо” компанияси, “Ёғмойтамакисаноат” уюшмаси ҳам итальян фирмалари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Италиянинг 14 банки билан вакиллик муносабати ўрнатган. Мазкур банклар Ўзбекистондаги қўпгина қурилишларга молиявий маблағ ажратган. Ўзбекистон Республикасида итальян сармояси иштирокидаги 49 та корхона ва Италия капитали 100% бўлган 5 та корхона рўйхатга олинган. Бу корхоналар алкоғолсиз ичимликлар, вино, упа-элик, трикотаж маҳсулотлари, халқ истеъмолчи моллари, музқаймоқ ишлаб чиқариш, пахта чиқитларини қайта ишлаш, савдо-сотик ва воситачилик ишлари билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳузурида 4 та итальян фирмасининг ваколатхонаси ҳам расмийлаштирилган. Ўзбекистон билан Италия ўртасида маданий ва маърифий соҳаларда ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. 1997 йил майда Италия президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи вақтида маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақида имзоланган битим иккала мамлакат халқларининг тили ва адабиётини ўрганишга, институтлар, олимлар ва тadbирчиликлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, санъат, мусиқа, рақс, театр ва кино усталарининг ўзаро мулоқотларига, археология ҳамда бадиий меросни ўрганиш ва сақлаш соҳасидаги кўмаклашувга ёрдам беради. 1998 йил апрелда Тошкентда бўлиб ўтган 3- замонавий мусиқа фестивалида қатнашган итальян артистлари “Илҳом” театрида концертлар беришди ва консерваторияда намунали дарс ўтказишди. Шу йили июнда Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида Ж.Вердининг “Риголетто”

операси Себастьяно Мария Сальвато томонидан сахналаштирилди, ноябрда мазкур театрда ўтказилган Верди фестивалида қатнашиш учун келган италян хонандаси Нунцио Сантодирокко "Риголетто" операсида Жилда роллини ижро этди. Италия Ташқи ишлар вазирлиги италян тили ва адабиётини ўрганувчи ўзбек талабаларига стипендиялар ажратган. Ўзбекистонлик 7 та талаба Италия академия ва консерваторияларида таълим олди. Самарқанд чет тиллар институти ва Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетиде италян тилидан дарс бериш учун Италиядан малакали муаллимлар келишди. 1998 йил 13-27 майда Тошкентдаги Санъат музейида, 2-12 июнда Самарқанддаги чет тиллар институтида расом Карло Карр асарлари кўргазмаси, шу йили 25-26 октябрда Бухорода, 31 октябрда Тошкентда италян пианиночиси Померанцнинг концертлари бўлиб ўтди. 21-30 октябрда Миландаги католик университети олимларидан иборат делегация Ўзбекистонда бўлди

## 124. ЛАТВИЯ

(Latvija), Латвия Республикаси  
(Latvijas Republika)

**Майдони**..... 65 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 2 300 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Рига шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Даугавпилс, Лиепая, Елгава, Юрмала.  
**Расмий тили**..... латиш тили.  
**ЯИМ (аҳоли жоп бошига)**..8 300 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**..... ўрмон ва ўрмон материаллари, машина ва жиҳозлар, металллар, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Импорт**..... машина ва жиҳозлар, кимёвий воситалар, ёнилғи.  
**Миллий валютаси**..... евро.  
**Дини**..... насронийлик.  
**Мустақиллик куни**..... 18. 11. 1991.  
**Миллий байрами**..... 18 ноябрь - Латвия Республикаси эълон қилинган кун (1918).  
**Чегаралари**..... шимолда Эстония, шарқда Россия, жанубда Белоруссия ва Литва, ғарбда Болтиқ денгизи билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Европанинг шимоли-ғарбида,

Болтиқ денгизи бўйида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 26 туман (rajons)га бўлинади, 7 шаҳари бор. Латвия - мустақил демократик республика. 1993 йил 6 июлдан 1922 йилда қабул қилинган «Сатверсме» конституциясининг амал қилиши тўла ҳажмда тикланди ва унга 1996, 1997, 1998 йилларда тузатишлар киритилди. Давлат бошлиғи - президент (1999 йилдан Вайра Вике-Фрейберга), у яширин овоз бериш йўли билан сейм томонидан 4 йил муддатга сайланади. Бир шахс кетма-кет икки муддатдан ортиқ президент лавозимига сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи органи - сейм (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиятини Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари**. Латвия деҳқонлар иттифоқи партиясига - 1917 йилда асос солинган ва 1990 йилда қайта тикланган; Латвия демократик партияси - 1995 йил «Саймниекс» демократик партияси сифатида тузилган; «Латвияс цельш» («Латвия йўли») партияси - 1993 йил тузилган; Латвия социал-демократлар бирлашмаси - 1998 йилда ташкил этилган; Халқ партияси - 1998 йилда тузилган; Янги христиан партияси - 1998 йил Янги партия номи билан ташкил этилган, 2001 йилдан буён ушбу номда; Халқ ҳамжиҳатлиги партияси - 1993 йилда ташкил этилган; «Ватан ва озодлик» бирлашмаси (Латвия миллий мустақиллиги йўлидаги ҳаракат) - 1997 йилда ташкил этилган. Латвия эркин касаба уюшмалари иттифоқи - 1990 йилда тузилган. Латвия 1991 йил 17 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 22 октябрда тан олди ва ўша йили 3 ноябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Аҳолисининг кўпчилиги латишлар (55,1%); руслар, белоруслар, поляклар, украинлар, литвалар ва бошқалар яшайди. Шаҳар аҳолиси 69,5%. **Иқтисодиёти**. Латвия - саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 38,5%, қишлоқ хўжалигининг улуши 24,8%. Ташқи савдода импортнинг улуши 5,3 млрд. АҚШ доллари (2003 йил). Экспортнинг улуши 2,9 млрд. АҚШ доллари (2003 йил). **Савдо соҳасидаги шериклари**. ЕИ давлатлари ва МДХ давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 4.880;

захирадагилар – 13.050;

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари)да 4000, ҳарбий денгиз флотида 620, ҳарбий ҳаво кучларида 250 киши хизмат қилади.

Курол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 8 патруль кемаси бор. 3.200 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган чегара ҳимоячилари бор.

**Табиати.** Латвия ҳудудининг Болтиқ денгизи қирғоқларида қўлтиқлар кам. Денгиз соҳили бўйлаб эни 2-3 км., айрим жойларда 50 км. гача бўлган пасттекислик ва қум тепалар чўзилган. Латвиянинг ғарбий қисмида Курземе қирлари (баландлиги 184 м. гача), ўрта қисмида Видземе қирлари (баландлиги 311 м. гача), шарқида Латгаль қирлари (баландлиги 289 м. гача) жойлашган. Иқлими денгиз иқлими билан континентал иқлим ўртасида. Латвияда 777 дарё бўлиб, умумий узунлиги 38 минг км. Катталари: Даугава (Ғарбий Двина), Лиелупе, Вента, Гауя. Латвияда 3 мингдан кўпроқ қўл бор. Катталари: Лубанс, Резнас ва бошқалар. Энг чуқур қўли – Дридза (65,1 м.).

**Ўзбекистон – Латвия муносабатлари.** Икки мамлакатнинг янги шароитдаги ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш учун, аввало, ҳуқуқий негиз яратиш лозим эди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 1995 йил Латвия Республикасига ташрифи ва Латвия Президентининг 1996 йил Ўзбекистон Республикасига ташрифи чоғида, иккала мамлакат вазирларининг ўзаро сафарлари вақтида турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш ҳақида битимлар имзоланди. Ўзбекистон – Латвия ҳукуматлараро савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик комиссиясининг мажлисларида муҳим масалалар ҳал этилди. Бу ишлар натижасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида товар айланмаси саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида муттасил ортиб борди. Чунончи, 1994 йилда товар айланмаси 13 млн. 165 минг, 1995 йилда 18 млн. 790,5 минг, 1996 йилда 26 млн. 123,4 минг, 1997 йилда 54 млн. 183,6 минг, 2000 йилда 133,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Латвияга пахта толаси, органик кимёвий бирик-

малар, шойи, мева ва сабзавотни қайта ишлаш маҳсулотлари, газлама ва калава ип юборилса, у ердан қанд-шакар ва қандолат, қора металлдан ясалган буюмлар, транспорт воситалари, буг қозонлари, механик ускуналар, қоғоз ва картон, трикотаж кийимлар, электр асбоб-ускуналари, ноорганик кимё маҳсулотлари, каучук ва резина буюмлар, кофе, чой, ун, мебель ва бошқа моллар олинади. Бундан ташқари, Ўзбекистон товарларини Ғарбий Европа мамлакатларига юбориш учун Латвия портларидан фойдаланилади.

Мамлакатларнинг айрим ташкилотлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилган. Жумладан, дори-дармон етказиб бериш, сайёҳларни кутиб олиш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳақида келишувга эришилган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Балтик Эйрлайнз» компаниялари ҳамкорлик ҳақида битим имзоландилар. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Латвиянинг «Капитал банк», «Парекс банк», «Риетуми банк», «Латэко банк», «Банк Лэнд», «Саулес банк», Рига тижорат банки билан вакиллик муносабатлари ўрнатган. «Ўзбекмебель» акциядорлик жамияти, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг ташқи савдо бирлашмалари, «Ўзмарказимпекс» бирлашмаси Латвиядаги турдош ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик ва савдо-сотик қилиш ҳақида келишиб олган. «Ўзташқитранс» бирлашмаси 1992 йилдан бошлаб Рига, Венспилс, Лиепая портлари ва темир йўл орқали 800 минг тоннадан кўпроқ турли юклар: пахта толаси, бугдой, қанд-шакар, картошка, ёғ, мис, руҳ кабиларни ташиди.

Ўзбекистонда латвиялик инвесторлар иштирокидаги 10 та ва Латвия капитали 100% бўлган 1 та корхона рўйхатга олинган. Уларнинг асосий фаолият соҳаси электрон, радио алоқа воситалари, умумий машинасозлик буюмлари, кийим-кечак, мебель, шойи ишлаб чиқариш, дорихоналар хизмати, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, ўзаро сармоя сарфланишини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишдан иборат. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Латвиянинг 3 фирмаси ваколатхонаси расмийлаштирилган.

125. ЛИТВА

Литва Республикаси  
(Lietuva, Lietuvos Republika).

**Майдони**..... 65 200 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 3 610 000 (2000 йил).  
**Пойтахти**..... Вильнюс шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Каунас, Клайпеда, Шауляй.  
**Расмий тили**..... литва тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 8 400 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**..... машина ва жиҳозлар, минерал хом ашё, кимёвий воситалар, тўқимачилик ва кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Импорт**..... машина ва жиҳозлар, минерал хом ашёлар, тўқимачилик ва кийим-кечак, транспорт ускуналари.  
**Миллий валютаси**..... евро.  
**Дини**..... насронийлик, ислом ва яҳудийлик.  
**Мустақиллик куни**..... 11. 03. 1990.  
**Миллий байрами**..... 16 февраль - Литва давлати қайта тикланган кун (1918).  
**Чегаралари**..... шимолда Латвия, жануб ва шарқда Белоруссия, жануби-ғарбда Польша ва Калининград, ғарбда Болтиқ денгизи.  
**Давлат тузуми**. Литва - мустақил демократик республика. Шарқий Европада, Болтиқ денгизи бўйида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 44 туман (rajons)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1992 йилда қабул қилинган (1996 йилда ўзгартишлар киритилган). Давлат бошлиғи - президент (2003 йилдан Роландас Паскас). У умумий, тенг ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий органи - сейм (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиятини ҳукумат амалга оширади.  
**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари**. Литва демократик партияси - 1989 йилда тузилган, 1902-20 йилларда шу номда фаолият кўрсатган партиянинг вориси; Литва социал-демократик партиясига - 2001 йилда асос солинган; Ватан иттифоқи - 1993 йилда тузилган; Марказ иттифоқи - 1992 йилда тузилган; Литва христиан демократик партиясига - 1990 йилда

асос солинган, Литва эркин касаба уюшмалари конфедерацияси - 1990 йилда тузилган.  
 Литва 1991 йил 17 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 20 декабрда тан олди ва 1992 йил 5 августда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.  
**Аҳолиси**. 81% литовлар, шунингдек, руслар, поляклар, белоруслар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 68,5%.  
**Иқтисодиёти**. Литва - саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи миллий маҳсулотда саноатнинг улуши 51,2%, қишлоқ хўжалигининг улуши 9,8%, транспортнинг улуши 3,6%, бошқа тармоқларнинг улуши 10,1%.  
 Ташқи савдода импортнинг улуши 6,8 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).  
 Экспортнинг улуши 5,4 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).  
**Савдо соҳасидаги шериклари**. ЕИ давлатлари, Россия, Белоруссия.  
**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:  
     фаоллар - 13.510;  
     захирадагилар - 246.200;  
 шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 11.600, ҳарбий денгиз флотида 710, ҳарбий ҳаво кучларида 1.200 киши хизмат қилади.  
 Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 қўриқчи кемаси ва 3 патруль кемаси бор. 5.000 нафар ярим ҳарбийлашган давлат чегара ҳимояси хизмати, 540 нафар қирғоқ ҳимояси ва 9.600 нафар ўқчилар иттифоқи хизматчилари бор.  
**Табиати**. Литва ҳудуди Шарқий Европа текислигида, Болтиқ денгизининг жануби-шарқий соҳилларида, Нямунас (Неман) дарёсининг ўрта ва қуйи оқими ҳавзаларида жойлашган. Литвада денгиз иқлими континентал иқлим билан алмашиб туради. Континенталлик ғарбдан шарққа томон орта боради. Энг йирик дарёси - Нямунас. Каунас шаҳридан қуйилиш жойигача кема қатнайди. 300 га яқин кўл бор, энг каттаси - Дрисвяти.  
**Ўзбекистон - Литва муносабатлари**. Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасидаги иқтисодий муносабатларга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1995 йил июнда Литвага қилган сафари вақтида имзоланган савдо-иқтисодий

ҳамкорлик ҳақидаги битим асос қилиб олинган. Шу битимга биноан, иккала мамлакат савдо-сотиқда бир-бирига энг кўп қулайлик яратиб бериши ва бевосита хўжалик алоқалари ўрнатиши кўзда тутилган. Натижада мамлакатлар ўртасидаги товар айланмаси 1994 йилдаги 23,692 млн. АҚШ долларидан 2001 йилдан 29,9 млн. долларга етди. Литва президентининг 1997 йил февралдаги Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни янада чуқурлаштириш ҳақида келишиб олинди. Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил сентябрда Литвага ташрифи икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди, бир қанча муҳим шартномалар имзоланди. Жумладан, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ёқилги саноати, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларида ҳамкорлик қилинадиган бўлди. Ўзбекистон-Литва савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳукуматлараро комиссияси иш бошлади. Ўзбекистондан Литвага пахта толаси, нефть ва нефть маҳсулотлари, рангли металл, томат маҳсулотлари, мева ва сабзавот консерваси, ўғит, ип газлама, қимматбаҳо тошдан ясалган маҳсулотлар юборилади. Литвадан Ўзбекистонга эса машина, асбоб-ускуна, сут, гўшт ва балиқ маҳсулотлари, қанд-шакар ва қандолат, ёғоч, мебель, трикотаж, пойабзал ва бош кийимлар, сариёғ ва ўсимлик ёғи кабилар юборилади.

«Ўзбексавдо» ташкилотлари Литвадаги «Авокадо», «Векта», «Клайпедос Балдай прекиба», «Лиора», «Инкарас» сингари акциядорлик жамиятларидан совутгичлар, мебель, рўзғор асбоблари, кийим-кечак, пойабзал, атторлик буюмлари, зиғир толасидан тўқилган газлама, дераза парда, мўйнали бош кийимлар олади.

Юк ташиш соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон учун, айниқса, аҳамиятлидир. Клайпеда портидан ўзбек товарлари Германия, Польша, Нидерландия, Бельгия, Швеция, Финляндия, Дания ва Францияга юборилади. «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик жамияти Литванинг «Аудеяс», «Авокадо» корхоналари билан тузган шартномаларга биноан, юқори

сифатли мебелбоп газлама, ёғоч толали плиталар ва елим олади. Ўзбекистонда литвалик сармоюдорлар иштирокида ташкил этилган 22 кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Маданий ҳамкорлик соҳасида ҳам дастлабки қадамлар қўйилди. Жумладан, 1992 йил Тошкентда тузилган Литва маданияти жамияти, 1994 йил Вильнюсда тузилган ўзбек миллий жамияти самарали иш олиб бораётир, икки халқнинг маданий меросини асраш ва тарғиб қилишга, тилини ўрганиш ва адабий асарларни таржима қилиб нашр этишга ҳисса қўшаётир.

## 126. ЛИХТЕНШТЕЙН

Лихтенштейн Князлиги (Liechtenstein,  
Fürstentum Liechtenstein)

**Майдони**..... 160 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 33 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Вадуц шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**... Шан, Бальцерс, Тризен.  
**Расмий тили**..... немис тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 9 206 АҚШ доллари.  
**Экспорт**..... ихтисослаштирилган машиналар, стоматология маҳсулотлари, маркалар, электрон аппаратуралар, керамика буюмлари.  
**Импорт**..... машиналар, металл жиҳозлар, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари, транспорт воситалари.  
**Миллий валютаси**..... Швейцария франки.  
**Дини**..... насронийлик.  
**Мустақиллик куни**..... 23.01.1719, 12. 07. 1806.  
**Миллий байрами**..... 15 август  
**Чегаралари**..... шарқда Австрия, шимол, ғарб ва жанубда Швейцария билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Марказий Европадаги давлат (князлик). Рейн дарёсининг ўнг соҳилида, Австрия билан Швейцария орасида жойлашган. Лихтенштейн худуди маъмурий жиҳатдан 11 жамоага бўлинади. Лихтенштейнда конституциявий монархия тузуми қарор топган. Амалдаги конституцияси 1921 йил 5 октябрда кучга кирган (1938, 1939, 1965 ва 1990 йилларда ўзгартиришлар киритилган). Давлат бошлиғи – князь (1990 йилдан князь Ханс Адам II

## ЛЮКСЕМБУРГ

фон Лихтенштейн). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни князь ва бир палатали парламент (ландтаг), ижроия ҳокимиятини ҳукумат – бош вазир, унинг ўринбосари ва 3 аъзо амалга оширади.

**Сийосий партиялари ва касаба уюшмалари.** Тараққийпарвар бюргерлар партияси - 1918 йилда ташкил топган; Ватан иттифоқи - 1936 йилда тузилган; Эркин рўйхат, экология партияси - 1985 йилда асос солинган; Меҳнатқашлар иттифоқи касаба уюшмаси - 1936 йилда тузилган.

Лихтенштейн 1921 йилдан расмий жиҳатдан мустақил давлат, амалда эса 1923 йилда тузилган божхона иттифоқи шартларига кўра, Швейцариянинг ички иқтисодий минтақаси ҳисобланади. Лихтенштейннинг чет эллардаги дипломатик ва консуллик манфаатларини Швейцария ҳимоя қилади.

Лихтенштейн 1990 йил 18 сентябрдан БМТ аъзоси.

**Аҳолисининг кўпчилиги** лихтенштейнликлар (асли австриялик ва швейцариялик немислар).

**Иқтисодиёти.** Лихтенштейн – саноатлашган-аграр мамлакат. Меҳнатга яроқли аҳолининг 45,2% саноатда, 45% хизмат кўрсатиш тармоғида банд. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг атиги 2% банд. Лихтенштейн – халқаро молия марказларидан бири. Хорижий сайёҳлик ривожланган.

**Валютаси.** 1,6303 Швейцария франки 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 917,3 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 2,47 млрд. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари ва Швейцария.

**Табиати.** Лихтенштейн ҳудудининг кўп қисмини Альп тоғларининг тармоқлари эгаллаган. Ғарбида Рейн водийси жойлашган. Иқлими мўътадил.

### 127. ЛЮКСЕМБУРГ

Люксембург Буюк Герцоглиги  
(Luxembourg, Luxemburg), (Grand-Duche de Luxembourg, Grossherzogtum Luxemburg)

**Майдони**..... 2 586 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 452 800 (2003 йил).

**Пойтахти**..... Люксембург шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Эш-сюр-Алзет, Дифферданж, Дюделанж.

**Расмий тили**..... немис, француз ва люксембург тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.. 50 200 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**..... машина ва жиҳозлар, кимёвий воситалар, резина маҳсулотлари, шиша ва ойналар.

**Импорт**..... минерал хом ашё, металллар, озиқ-овқат маҳсулотлари, сифатли эҳтиёж моллари.

**Миллий валютаси**..... евро.

**Дини**..... насронийлик, яҳудийлик ва ислом.

**Мустақиллик куни**..... 1839 йилдан буён мустақил.

**Миллий байрами**..... 23 июнь – Буюк Герцог туғилган кун (1921).

**Чегаралари**..... шимол ва ғарбда Бельгия, шарқда Германия, жанубда Франция билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Люксембург – конституциявий монархия тузуми қарор топган Ғарбий Европадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 3 округга, округлар кантонларга, кантонлар комуналарга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1868 йил 17 октябрда кучга кирган, унга 1919, 1948 ва 1956 йилларда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи – Буюк Герцог (2000 йилдан Анри). Қонун чиқарувчи ҳокимият – Депутатлар палатаси (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиятини Буюк Герцог тайинлайдиган ҳукумат амалга оширади. Люксембургда Давлат кенгаши бор, унинг 21 аъзоси Буюк Герцог томонидан умрбод тайинланади.

**Сийосий партиялари, касаба уюшмалари.** Кўкатпарварлар альтернатив партияси - 1983 йил тузилган; Христиан-социал партия - XIX асрнинг 70-йилларида ташкил топган; Люксембург социалистик ишчи партиясига - 1902 йилда асос солинган; Люксембург демократик партияси - 1946-47 йилларда вужудга келган; Кўкатпарварларнинг экологик ташаббус рўйхати партияси - 1989 йилда тузилган; Люксембург Коммунистик партиясига -

## МАКЕДОНИЯ

1921 йилда асос солинган; Демократия ва пенсия тенглиги учун ҳаракат кўмитаси - 1989 йилда тузилган; Люксембург умуммеҳнат конфедерацияси - 1919 йилда ташкил топган; Люксембург христиан касаба уюшмалари конфедерацияси - 1921 йилда тузилган; Люксембург касаба уюшмалари мустақил бирлашмаси - 1978 йилда ташкил этилган.

Люксембург 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1992 йил 10 июнда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Аҳолисининг** 71% люксембурглар, 29% чет элликлар (итальянлар, немислар, французлар ва бошқалар). Люксембург шеvasи (франсик мозелан) 1982 йил августдаги қонунга биноан миллий тил мақомини олган. Аҳолисининг 86% шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Люксембург - юксак даражада ривожланган саноатлашган мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 24,6%, қишлоқ хўжалиги улуши 1,4%. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари: қора металлургия, кимё, кончилик, цемент, фаянс, ёғочсозлик, тикувчилик, озиқ-овқат саноати. Люксембург - Ғарбий Европанинг молиявий марказларидан бири. Бу ерда кўпгина банк ва компанияларнинг идоралари жойлашган.

Ташқи савдода импортнинг улуши 10 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 8,5 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 900;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 900 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 612 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган жандармерияси бор.

**Табиати.** Мамлакат ҳудудининг кўп қисми тепаликлар учраб турадиган 300-400 м. баландликдаги текисликлардан иборат. Шимолда Арденна ва Рейн сланецли тоғларининг тармоқлари (баландлиги 400-500 м.) жойлашган. Иқлими мўътадил, юмшоқ. Дарёлари, сертармоқ. Асосий дарёси - Мозель.

**Ўзбекистон - Люксембург муносабатлари.**

1996 йил Италиянинг Флоренция шаҳрида тузилган «Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битим» Ўзбекистон билан Люксембургнинг савдо-иқтисодий муносабатлари учун ҳам ҳуқуқий негиз яратди. 1997 йилда Люксембургда иккала давлат ўртасида иккиёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва сармоядан солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳақидаги конвенция имзоланди. 1998 йилда Ўзбекистон билан Бельгия - Люксембург Иқтисодий Иттифоқи ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимга имзо қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Люксембург ўртасидаги товар айланмаси 2000 йилда 0,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Люксембургнинг транспорт хизмати кўрсатувчи «Астрос С.А.» фирмасининг ваколатхонаси мавжуд.

### 128. МАКЕДОНИЯ

Македония Республикаси  
(Makedonija, Republika Makedonija)

**Майдони**..... 25 700 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 2 046 000 киши.  
**Пойтахти**..... Скопье шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Битола, Прилеп, Куманово, Охрид.  
**Расмий тили**.....македон тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**5 100 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....озиқ-овқат, ичимликлар, тамаки, турли хил саноат товарлари, темир ва пўлат.  
**Импорт**..... машина ва жиҳозлар, кимёвий воситалар, ёнилги, озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**..... Македония динари.  
**Дини**..... насронийлик ва ислом.  
**Мустақиллик куни**.....17.09.1991.  
**Миллий байрами**..... 2 август - Республика куни.  
**Чегаралари**..... шимолда Сербия, шарқда Болгария, жанубда Греция, ғарбда Албания билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Македония республикаси Жанубий Европада, Болқон ярим оролининг марказий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 30 туман (район)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1991 йил 17 ноябрда қабул қилинган, 1992 йил 6 январда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи – президент бўлиб, у умумий ва бевосита яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий органи – Мажлис (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимияти – раис ва вазирлардан иборат ҳукумат.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Умуммакедония инқилобий ташкилоти – Македония миллий бирлиги демократик партияси – 1990 йилда тузилган; Демократик альтернатива партияси – 1998 йилда ташкил этилган; Либерал-демократик партия – 1997 йил тузилган; Македония демократик партияси; Албанлар демократик партияси; Македония социал-демократик иттифоқи – 1943 йилда Македония коммунистлар иттифоқи номи билан тузилган ва 1991 йил 20 апрелдан ҳозирги номи билан юритилади; Македония социалистик партиясига – 1990 йил асос солинган.

Македония 1993 йилдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатларни 1994 йил 31 декабрда ўрнатди.

**Аҳолисининг** 66,5%и македонлар, албанлар (22,9%), турклар (4%), лўлилар (2,3%), серблар (2%), мусулмон-славянлар (2,1%) ҳам яшайди. Аҳолининг 54%и шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Македония – саноатлашган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 55,6%, қишлоқ хўжалигининг улуши 16,8%. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, кимё-фармацевтика саноати, кончилик ривожланган.

**Валютаси.** 64,757 Македония динори 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 2 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 1,1 млрд. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Россия, Украина, Сербия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 10.890;

захирадагилар – 21.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 9.760, ҳарбий ҳаво кучларида 1.130 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. 7.600 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган милицияси бор.

**Табиати.** Македония ҳудудининг кўп қисмини ўртача баландликдаги (2764 м. гача) тоғлар эгаллайди. Улар оралиғида даралар ва дарё водийлари бор. Тез-тез zilзила бўлиб туради. Иқлими – мўътадил-континентал. Жанубида Ўрта ер денгизига хос иқлим. Асосий дарёлари – Вардар ва Струмица, катта кўллари – Охрид, Преспа.

## 129. МАЛЬТА

Мальта Республикаси  
(Malta), (Republika ta'Malta)

<b>Майдони</b> .....	316 км <sup>2</sup> .
<b>Аҳолиси</b> .....	392 000 (2002 йил).
<b>Пойтахти</b> .....	Валлетта шаҳри.
<b>Катта шаҳарлари</b> .....	Биркиркара, Хамрун, Работ, Виктория.
<b>Расмий тили</b> .....	мальта ва инглиз тиллари.
<b>ЯИМ (аҳоли жон бошига)</b>	16 530 АҚШ доллари (2001 йил).
<b>Экспорт</b> .....	машина ва транспорт ускуналари, саноат маҳсулотлари.
<b>Импорт</b> .....	машина ва транспорт ускуналари, саноат товарлари, озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки.
<b>Миллий валютаси</b> .....	Мальта лираси.
<b>Дини</b> .....	насронийлик.
<b>Мустақиллик куни</b> .....	21.09.1964.
<b>Миллий байрами</b> .....	21 сентябрь - Мустақиллик куни.
<b>Чегаралари</b> .....	Ўрта ер денгизида жойлашган.
<b>Давлат тузуми.</b>	Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи республика Ўрта ер денгизи марказий қисмидаги Мальта архипелаги ороллар гуруҳида жойлашган давлат. Катта ороллар: Мальта, Гоцо ва Комино. Амалдаги конституцияси 1964 йилда қабул қилинган, унга 1974 ва 1987 йилларда тузатиш ва ўзгартишлар киритилган. Давлат бошлиғи – президент, (1999 йил 4 апрелдан Гвидо де Марко), у парламент томонидан

5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Вакиллар палатаси (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятини ҳукумат амалга оширади. Бош вазирни президент таъинлайди.

**Сийосий партиялари, касаба уюшмалари.** Миллатчи партия - 1980 йилда ташкил этилган; Мальта лейбористлар партияси - 1920 йилда тузилган; Мальта коммунистик партиясига - 1969 йилда асос солинган; Мальта демократик партияси - 1985 йилда ташкил этилган; Демократик альтернатива партияси - 1989 йилда тузилган. Умумий ишчилар иттифоқи касаба уюшмаси - 1943 йилда ташкил этилган. Мальта касаба уюшмалари конфедерацияси - 1958 йилда тузилган.

Мальта 1964 йил 1 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1993 йил 25 февралда тан олди ва шу куни дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Аҳолисининг 98%га яқини мальталиклар,** инглиз ва италянлар ҳам яшайди. Аҳолисининг 85% шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиётининг асосий тармоқлари** – транзит юк ташиш операциялари ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш (йилга 1 млн. дан ортиқ хорижий сайёҳ келиб-кетиши). Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши – 26,5%, қишлоқ хўжалиги улуши – 3,3%.

**Валютаси.** 0, 4370 Мальта лираси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 2,6 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 2 млрд. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 2.140;

шундан, қуролли кучларида 2.140 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас.

**Табиати.** Мальта оролининг жануби ва жануби-ғарбий қирғоқлари тик, горлар кўп, шимоли ва шимоли-шарқий қирғоқлари паст ва қулай гаванлардир. Иқлими – Ўрта ер денгизи иқлими. Ёзи иссиқ, қуруқ; қиши илик, ёмғирли. Оқар сувлари кам.

## 130. МОЛДАВИЯ

Молдова Республикаси  
(Republic of Moldavia)

**Майдони**.....34 000 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....4 400 000 (2003 йил).

**Пойтахти**.....Кишинёв шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Тирасполь, Бэлць, Тигиня.

**Расмий тили**.....молдован тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..1 560 АҚШ доллари (2002).

**Экспорт**.....озик-овқат маҳсулотлари, вино, тамаки, газлама ва оёқ кийимлари, машиналар.

**Импорт**.....минерал хом ашё ва ёнилғи, машина ва ускуналар, кимёвий восита ва газламалар.

**Миллий валютаси**.....Молдова лейи.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....27.08.1991.

**Миллий байрами**.....27 август - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимол, шарқ ва жанубда Украина, ғарбда Руминия билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Молдавия республикаси Европанинг жануби-шарқий қисмидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 40 туман, 21 шаҳар ва 48 шаҳарчага бўлинади. 1994 йил 29 июлда қабул этилган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи – парламент томонидан сайланган президент (2000 йилдан В.Воронин). Қонун чиқарувчи олий органи – бир палатали парламент (Мажлис), ижроия ҳокимияти – ҳукумат (Вазирлар кенгаши).

**Сийосий партиялари.** Аграр-демократик партия, Коммунистлар партияси, Социалистик партия, Христиан-демократик халқ партияси, Тикланиш ва иноқлик партиялари фаолият кўрсатади.

Молдавия 1992 йилдан БМТ аъзоси, шунингдек, МДХ таркибига киради.

**Аҳолисининг 65% молдованлар;** украинлар, руслар, руминлар, гагауз ва болгарлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 47%.

**Иқтисодиёти.** Молдавия – саноатлашган-аграр мамлакат. Миллий даромад таркибида саноатнинг улуши 38%, қишлоқ хўжалигининг улуши 42%, қурилиш, транспорт ва алоқанинг улуши 11%.

**Валютаси.** 12,3728 Молдова лейи 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 1.3 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 0.8 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Россия, Руминия, Украина, Белоруссия, Германия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 6.809;

захирадагилар – 66.000:

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари)да 5.512, ҳарбий ҳаво кучларида 1.050 киши хизмат қилади. Курол-яроғи замонавий эмас. 2.379 нафар ярим ҳарбийлашган ички кўшинлари ва 900 нафар милицияси бор.

**Табиати.** Молдавия Шарқий Европа текислигининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Ер юзаси қирли текислик, дарё водийлари ва жарликлар бор. Марказий қисмида Кодру қирлари жойлашган. Энг баланд жойи 429,5 м. Иқлими – мўътадил континентал. Қиши қисқа, илиқ, қор кам ёғади, ёзи узоқ ва илиқ. Дарёлари Қора денгизга қуйилади. Энг катта дарёлари – Днестр (ирмоқлари – Реут, Бик, Ботна), Прут (ирмоқлари – Чугур, Каменка, Ларга, Лапушна, Сарата). Мамлакат майдонининг 9% ни ўрмонлар эгаллаган.

**Ўзбекистон – Молдавия муносабатлари.**

**1. Сиёсий соҳадаги муносабатлар.** Молдавия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 15 октябрда тан олган ва 1994 йил 23 августда дипломатик муносабатлар ўрнатган. 1994 йилнинг ноябрь ойида эса Молдова Республикаси Ўзбекистонда ўз элчихонасини очди. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1995 йил 30 мартда Кишинэу шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Молдавия Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик Шартномаси асосида олиб борилмоқда. Бугунги кунгача бу икки давлат ўртасида олий даражада 3 та расмий ташриф, 2 та Бош вазирлар даражасида ва 3 та Бош вазир ўринбосарлари даражасидаги ташрифлар бўлиб ўтган. Улардан: Ўзбекистон раҳбарининг 1995 йили Молдовага, 2002 йили МДХ саммити иштирокчиларининг учрашуви доирасида Киши-

нев шаҳрига қилган ташрифлари ҳамда 1998 йили Молдова давлат раҳбарининг Ўзбекистонга қилган ташрифларидир. Бугунги кунда муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 37 та халқаро икки томонлама ҳужжатлар ташкил этади. Улардан 30 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар, 11 таси идоралараро халқаро ҳужжатлар, 10 таси Президентларнинг Қўшма Баёнотлари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлардир. Улар орасида Ўзбекистон билан Молдавия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги, Эркин савдо, Икки ёқлама солиқ солишга йўл қўймаслик, Халқаро автомобиль қатнови, Молия-саноат гуруҳлари тузиш қоидалари, Ишлаб чиқариш кооперацияси, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари тўғрисидаги шартномалар бор.

**2. Савдо-иқтисодий муносабатлар.** Бу соҳадаги муносабатлар ҳамкорликни ривожлантириш борасида имзоланган 5 та асосий халқаро ҳужжат асосида олиб борилмоқда. Илмий-техникавий ва гуманитар соҳалар бўйича 8 та ҳужжат, транспорт ва алоқа соҳалари бўйича 4 та ҳужжат, солиқ ва ҳуқуқ соҳалари бўйича 4 та халқаро ҳужжат имзоланган. Қўп томонлама ҳамкорлик масалалари бўйича 1997 йили ташкил этилган Ўзбекистон – Молдавия ҳукуматлараро қўшма комиссияси ишлаб турибди. Бу комиссиянинг бугунги кунгача 5 та мажлиси бўлиб ўтди. Икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 2000 йилда 4,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2004 йили эса бу кўрсаткич 6,5 млн. АҚШ долларига етди. Шундан 1,3 млн. АҚШ доллари экспортга, 5,2 млн. АҚШ доллари импорт хиссасига тўғри келди. Ўзбекистонда Молдавия сармоysi ишгирокидаги 1 корхона рўйхатга олинган. Ўзбекистоннинг экспорт структурасини: озиқ-овқат моллари, автомобиль ва тракторлар ташкил қилади. Ўзбекистоннинг импорт структураси мой-ёғ маҳсулотлари, насослар, керамик плиткалар ва бошқа маиший хизмат молларидан иборат.

**3. Маданий-маърифий ҳамкорлик.** Бу соҳадаги ўзбек-молдова ҳамкорлиги 1995 йил 30 мартда икки давлат ўртасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Молдова Респуб-

ликаси ўртасидаги абадий дўстлик давлатлар-  
аро Шартномаси, 1995 йил 30 мартда имзо-  
ланган илмий-техникавий ҳамкорлик тўғриси-  
даги Битим, 1995 йил 30 мартда имзоланган  
маданият ва санъат соҳаларидаги ҳамкорлик  
тўғрисидаги давлатлараро Шартнома ва 1995  
йил 21 ноябрда имзоланган сайёҳлик соҳаси-  
даги ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро Би-  
тимга асосан олиб борилмоқда.

### 131. МОНАКО

Монако князлиги (Monaco)

**Майдони**.....2 кв.<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....32 000.  
**Пойтахти**.....Монако шаҳри.  
**Расмий тили**.....француз тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..27 000 АҚШ дол-  
лари.  
**Миллий валютаси**.....евро.  
**Дини**.....насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....1419 йилдан буён  
мустақил.  
**Миллий байрами**.....19 ноябрь - Мил-  
лат куни.  
**Чегаралари**.....шимол, шарқ ва  
ғарбда Франция, жанубда Ўрта ер денгизи  
билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Конституциявий монархия  
тузуми қарор топган Монако Жанубий Евро-  
пада, Ўрта ер денгизи соҳилидаги давлат.  
Монакода монегасклар, французлар, италь-  
янлар яшайди. Маъмурий жиҳатдан 3 округ-  
га бўлинади. Бу округлар бир-бири билан қўши-  
либ кетган Монако, Кондамин ва Монте-Кар-  
ло шаҳарларидан иборат. Амалдаги консти-  
туцияси 1962 йил 17 декабрда қабул қилинган.  
Давлат бошлиғи - Князь (1949 йил 9 майдан  
Ренье III). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Князь  
билан Миллий кенгаш амалга оширади. Иж-  
роия ҳокимиятини Князь номидан Давлат ва-  
зири бошчилигидаги Ҳукумат кенгаши бош-  
қаради. Монакода расмий сиёсий партиялар  
йўқ; турли сиёсий ташкилотлар парламент  
сайлови вақтида фаолият юритади. Монако  
касаба уюшмалари бирлашмасига 1944 йилда  
асос солинган.  
Монако 1993 йил 28 майдан БМТ аъзоси.  
**Иқтисодиёти**. Монакода озиқ-овқат, элект-

ротехника ва радиоэлектроника, кимё, фар-  
мацевтика, полиграфия, кема таъмирлаш  
корхоналари бор. 800 га яқин халқаро компа-  
ния ва 50 банк бошқаруви ишлайди. Монако  
- сайёҳлик марказларидан бири. Бу ерда  
дунёга машҳур курортлар мавжуд. Хорижий  
сайёҳларга хизмат кўрсатиш, курортлар ва  
қиморхоналар асосий даромад манбаидир.

### 132. НИДЕРЛАНДИЯ

Нидерландия Қироллиги  
норасмий номи Голландия,  
(Holland, Netherlands).

**Майдони**.....40 800 км.<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....16 200 000 (2003  
йил).  
**Пойтахти**.....Амстердам шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Роттердам, Гаага,  
Утрехт.  
**Расмий тили**.....нидерланд (гол-  
ланд) тили.  
**ЯИМ(аҳоли жон бошига)** ..28 600 АҚШ дол-  
лари (2003 йил).  
**Экспорт**.....машина ва жиҳоз-  
лар, кимёвий воситалар, озиқ- овқат маҳсу-  
лотлари.  
**Импорт**.....машина ва транспорт  
ускуналари, кимёвий воситалар, ёнилғи, озиқ-  
овқат ва кийим-кечак маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**.....евро.  
**Дини**.....насронийлик ва  
ислом.  
**Мустақиллик куни**.....1579 йилдан бери  
мустақил.  
**Миллий байрами**.....30 апрель - Қиро-  
лича куни.  
**Чегаралари**.....шимол ва ғарбда  
Шимолий денгиз, жанубда Бельгия, шарқда  
Германия билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Конституциявий монархия  
тузуми қарор топган Нидерландия Европа  
ғарбида, Шимолий денгиз соҳилида жойлаш-  
ган давлат. Ҳукумат қароргоҳи Гаага шаҳри-  
да. Маъмурий жиҳатдан 12 провинцияга бўли-  
нади. Антиль ороллари ва Аруба ороли Ни-  
дерландия мулки ҳисобланади. Амалдаги кон-  
ституцияси 1883 йилда қабул қилинган. Давлат  
бошлиғи қирол (қиролича) (1980 йилдан В.А.-

## НОРВЕГИЯ

Беатрикс хоним). Унинг ҳузуридаги давлат кенгаши аъзолари қирол томонидан тайинланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қирол ва икки палатали Бош штатлар (парламент), ижроия ҳокимиятини қирол билан ҳукумат амалга оширади.

**Сийёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Давлат ислохот партияси - 1918 йилда тузилган; Марказ демократлари - 1993 йилда ташкил этилган; «Демократлар-66» - 1966 йилда асос солинган; «Сўл кўкатпарварлар» - 1991 йилда тузилган; Озодлик ва демократия учун халқ партияси - 1948 йилда ташкил этилган; Меҳнат партияси - 1946 йилда тузилган; Ислохотчи сийёсий федерацияга - 1975 йилда асос солинган; Ислохот сийёсий иттифоқи - 1948 йилда тузилган; Социалистик партия - 1972 йилда ташкил этилган; «Иттифоқ 55+» - 1994 йилда ташкил этилган; Христиан-демократик даъват - 1976 йилда асос солинган; Кексалар умумий уюшмаси - 1994 йилда тузилган. Нидерландия касаба уюшмалари федерацияси - 1976 йилда ташкил этилган; Касаба уюшмалари христиан миллий уюшмаси - 1909 йилда тузилган.

Нидерландия 1945 йил 10 декабрдан БМТ аъзоси. **Аҳолиснинг аксарияти голландлар.** Йирик этник гуруҳлардан фламандлар, фризлар бор. Немислар, яҳудийлар, индонезлар ва бошқалар ҳам яшайди. Нидерландия дунёда аҳолиси энг зич жойлашган мамлакатлардан бири. Аҳолиснинг 89%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Нидерландия - юқори даражада ривожланган sanoатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда sanoат улуши 24,4%, қишлоқ хўжалиги улуши 4,3%. Нидерландия денгиз ва қуруқликдаги муҳим транспорт йўллари кесишган ерда жойлашган.

Ташқи савдода импортнинг улуши 281 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 283,4 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония, Россия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сон:

фаоллар - 53.130;

захирадагилар - 32.200;

шундан, армияда (қуруқлик қўшинлари) 23.150, ҳарбий денгиз флотиди 12.130, ҳарбий

ҳаво кучларида 11.050 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 4 сув ости кемаси, 6 эскадра минаносечи ва 9 қўриқчи кемаси бор. 6.800 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган қирол ҳарбий милицияси ҳам бор.

**Табиати.** Нидерландия Ўрта Европа текислигининг ғарбий қисмида жойлашган. Шимолда саёз қўлтиқ ва бухталар ўраб туради. Соҳили 56 м. гача баландликдаги дўнгликлардан иборат, тошқиндан сақланиш учун тўғон ва дамбалар қурилган. Ер юзаси, асосан, пасттекислик. Нидерландия ҳудудининг 40%и денгиз сатҳидан пастда, фақат 2%и 50 м. дан юқори. Энг баланд жойи 321 м. Нидерландиянинг пасттекислик қисмлари доим денгиз суви босиш хавфи остида.

**Ўзбекистон - Нидерландия муносабатлари.** Нидерландия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1992 йил 24 ноябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 1993 йил Нидерландияга қилган ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга негиз яратди. Ташриф чоғида «Ўзбекистон Республикаси билан Нидерландия Қироллиги ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида қўшма баённома» имзоланди. 1996 йил Тошкентда «Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳақида» битим тузилди.

Ўзбекистон билан Нидерландия ўртасидаги товар айланмаси 1999 йилда 139,6 млн. АҚШ долларини, шу жумладан, экспорт 98,1 млн. долларни, импорт эса 41,5 млн. долларни ташкил қилди. Ўзбекистонда голланд сармояси иштирокидаги 10 корхона рўйхатга олинган, шундан 7 тасида голланд сармояси 100%ни ташкил этади. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳузурида Нидерландиянинг 7 фирмаси ўз ваколатхонасини очган.

### 133. НОРВЕГИЯ

Норвегия Қироллиги  
(Norway)

**Майдони**.....387 000 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....4 500 000 (2003 йил).

**Пойтахти**.....Осло шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Берген, Тронхем ва бошқалар.

## ПОЛЬША

**Расмий тили**.....норвег тили.  
**ЯИМ аҳоли жон бошига**.....3730 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, техника ва жиҳозлар, металллар, кимёвий воситалар, балиқ, кемалар.

**Импорт**.....техника ва жиҳозлар, кимёвий воситалар, металллар, озиқ-овқат маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....Норвегия кронаси.

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....7. 06. 1905.

**Миллий байрами**.....17 май - Конституция куни (1814).

**Чегаралари**.....шимоли-шарқда Финляндия ва Россия, шарқда Швеция, шимолда Баренц денгизи, жанубда Скаррак қўлтиғи ва Шимолий денгиз, ғарбда Атлантика океани билан ўралган.

**Давлат тузуми**. Шимолий Европадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 19 фюльке (вилоят)га, шу жумладан, фюлькега тенглаштирилган Осло шаҳрига бўлинади. Шпицберген архипелаги, Медвежий, Ян Мейин ва Буве ороллари ҳам Норвегияга қарайди. Норвегия - конституциявий монархия. 1814 йил 17 майда қабул қилинган Норвегия Қироллиги конституцияси амал қилади, унга кейинчалик тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи - қирол (1991 йил 21 январдан Харльд V). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент - стортинг (юқори палатаси Лагтингъ, қуйи палатаси Одельстинг) амалга оширади. Ижроия ҳокимияти қирол қўлида бўлиб, у Давлат кенгаши (ҳукумат)ни тайинлайди.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Норвегия ишчи партияси - 1987 йили асос солинган; Марказ партияси - 1920 йили ташкил этилган; Тараққиёт партияси - 1973 йили тузилган; Венстре либерал партия - 1984 йили асос солинган; Социалистик сўл партия - 1975 йили ташкил этилган; Христиан халқ Партияси - 1933 йили тузилган; Хаеёри консерватив партияси - 1884 йили асос солинган. Норвегия касаба уюшмалари марказий бирлашмаси - 1899 йили ташкил этилган, Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси ва Европа касаба уюшмалари конфедерациясига киради.

Норвегия 1945 йил 27 ноябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олди ва шу йилнинг 10 июнида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Аҳолисининг 97%и** норвеглар. Саамлар, квенлар, шведлар, данияликлар, немислар ва бошқалар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 50%.

**Иқтисодиёти**. Норвегия. - ривожланган саноатлашган - аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 28,6%, қишлоқ хўжалиги улуши 2,9%. Денгиз кема қатнови, балиқ овлаш, ташқи савдонинг роли катта.

**Валютаси**. 8,7784 Норвегия кронаси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 37,3 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 68,2 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония, Россия.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 26.600;

захирадагилар - 219.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 14.700, ҳарбий денгиз флотида 6.100, ҳарбий ҳаво кучларида 5.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 6 сув ости кемаси ва 3 қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 15 снарядли кема мавжуд.

### 134. ПОЛЬША

Польша Республикаси  
(Polska, Rzeczpospolita Polska)

**Майдони**..... 323 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....38 200 000 (2003 йил).

**Пойтахти**.....Варшава шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Лодзь, Краков, Вроцлав, Познань, Гданьск.

**Расмий тили**.....поляк тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..11 450 АҚШ доллари (2002 йил).

**Экспорт**.....машина ва транспорт ускуналари, саноат ярим фабрикатлари ва бошқа саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат, ҳайвонлар.

**Импорт**.....машина ва транспорт ускуналари, саноат ярим фабрикатлари, кимёвий воситалар, турли саноат товарлари.

**Миллий валютаси**.....евро

**Дини**.....насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....11. 11. 1918

**Миллий байрами**.....3 май - Конституция куни (1791) ва 11 ноябрь - Мустақиллик куни (1918).

**Чегаралари**.....шимолда Россия, шарқда Литва, Белоруссия, Украина, жанубда Чехия ва Словакия, ғарбда Германия, Болтиқ денгизи билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Марказий Европадаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 16 воевода (województwo)га бўлинади. Польша - республика. Амалдаги конституцияси 1997 йил 25 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент (1995 йилдан Александер Квасьневский). У Польша фуқаролари томонидан умумий тенг ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент (қуйи палата - сейм ва юқори палата - сенат), ижроия ҳокимиятини президент ва Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

**Сиёсий партиялари, бирлашмалари ва касаба уюшмалари.** Демократик партия - 1939 йили асос солинган; Консерватив халқ партияси - 1997 йилда тузилган; Мустақил Польша конфедерацияси партияси - 1979 йилда ташкил этилган; Поляк деҳқонлари партияси - 1990 йилда асос солинган; Поляк христиан демократлари келишувчи партияси - 1999 йилда тузилган; Оралиқ кучлари битишувчи партияси - 1990 йилда қайта ташкил этилган; Меҳнат иттифоқи партияси - 1992 йилда асос солинган; Польшани тиклаш ҳаракати - 1995 йилда тузилган; Демократик сўл кучлар иттифоқи - 1991 йил сайловолди бирлашмаси сифатида ташкил этилган; Озодлик иттифоқи ташкилоти - 1994 йилда тузилган. Умумпольша касаба уюшмалари бирлашувчи - 1984 йил асос солинган; "Бирдамлик" касаба уюшмаси - 1980 йили ташкил этилган; "Бирдамлик" касаба уюшмаси - 1990 йилда қайта тузилган, у ўзини 1980-81 йиллардаги касаба уюшма ҳаракатининг бирдан-бир давомчиси деб ҳисоблайди.

Польша 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олган ва 1992 йил 19 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. **Аҳолиси.** 98,5% поляклар; украинлар, белоруслар, словаклар ҳам яшайди. Диндорларнинг кўпчилиги насронийлар. Шаҳар аҳолиси 62,1 %.

**Иқтисодиёти.** Польша саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 5,1%, қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 26,6%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 68, 3%.

Ташқи савдода импортнинг улуши 66,8 млрд АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 52,3 млн. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Россия ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 141.500;

захирадагилар - 234.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 89.000, ҳарбий денгиз флотидида 14.300, ҳарбий ҳаво кучларида 30.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 4 сув ости кемаси, 1 эскадра минаносец ва 3 қоровул кемасига эгадир. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 4 корвет, 5 снарядли кема ва 14 патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 21.400 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 14.100 нафари чегара ҳимоячилари (унинг денгиз чегараси ҳимоячиларида 12 патруль кемаси мавжуд) ва 7.300 нафари милиция хизматчиларидир.

**Табиати.** Польша Висла ва Одер дарёлари ҳавзасида, шимолда Болтиқ денгизи ва жанубда Карпат ва Судет тоғлари ораллигида жойлашган. Ҳудудининг 90% дан кўпроғи текислик ва пасттекистик, жанубда тоғликлар бор. Денгиз бўйлари паст, қумлоқ. Иқлими мўътадил, океан иқлими билан континентал иқлим ўртасида. Ёмғир ва қордан тўйинадиган Одер, Висла, Буг, Нотец ва Варта дарёларида кема қатнайди. Польшада 9000 дан ортиқ кўл бор. Энг катталари: Снярдви (113,8 кв. км.), Мамри (104 кв. км.) .

**Ўзбекистон - Польша муносабатлари.** Икки халқ ўртасидаги алоқалар кўп йиллик тарихга эга. Хусусан, 1863-64 йилларда чор Росси-

ясига қарши қўзғолон қўтарган поляклар Ўрта Осиёга сургун қилинган эди. Улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қўқон ва бошқа шаҳарларда яшаб, меҳнат қилдилар. 1895 йил Тошкентда поляк болалари учун мактаб ва кутубхона очилди, яна 2 йилдан кейин поляклар жамоатчилик маданият маркази ташкил топди, поляклар костёли фаолият бошлади. Иккинчи жаҳон уруши даврида Польшани немис-фашист қўшинларидан озод қилиш учун бўлган жангларда ўзбек генерали С.Раҳимов Данциг (Гданьск) яқинида ҳалок бўлди. Шу уруш оқибатида ва оммавий қатгоянлар сабабли полякларнинг минтақамизга иккинчи кўчиши содир бўлди. Ўтган йилларда поляк ва ўзбек халқлари вакиллари иноқ яшаб келди. Қувончли ва қайғули кунларда елкадош бўлдилар. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, полякларнинг “Светлица Польска” маданият маркази жамоатчилик уюшмаси мақомини олди, Ўзбекистондаги 3 мингга яқин полякларга ўз миллий анъана ва маданиятини ривожлантириш, икки мамлакатнинг миллий ва давлат байрамларини нишонлаш имкони яратилди. Ўзбекистондаги поляклар диаспораси, “Ўзбекистон – Польша” ассоциацияси ҳузурдаги “Полония” секцияси, “Светлица Польска”нинг Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Тошкент шўъбалари фаолият юритаётир. Турли тарихий саналар, польшалик машҳур маданият ва санъат арбобларига бағишланган учрашув, кечалар, концертлар уюштирилаётир. Буюк композитор Фредерик Шопенга бағишлаб Тошкентда ўтказилган фортепиано мусиқа фестивали, А.Мицкевич ва В. Реймонт каби машҳур ёзувчи ва шоирларнинг хотира кечалари ўтказилди.

1996 йили Тошкентда Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Республикаси билан Польша ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар Ўзбекистон мустақилликка эришиши биланоқ йўлга қўйилган эди. 1992 йили Варшавада икки мамлакат ўртасида “Иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотик тўғрисида” шартнома тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1995 ва 2003 йилларда Польшага ва Польша президенти

А.Квасьневскининг 2002 йили Ўзбекистонга ташрифлари ўзаро муносабатларни янги поғонага қўтарди, турли соҳаларда янги шартномалар имзоланди, ўзбек-поляк ҳукуматлараро комиссия ишлай бошлади. 2001 йил июнь ойида Познань савдо ярмаркасида Ўзбекистондан нуфузли делегация иштирок этиши ва унда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тақдироти ўтказилиши ўзаро муносабатлар ривожига муҳим босқич бўлди. Икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 2003 йилда 41,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2003 йил 10-12 июль кунлари Польшага қилган расмий ташрифи, айниқса, самарали бўлди. Ташриф якунида иккита кредит битими, божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, халқаро автомобиль қатнови тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистон мудофаа вазирлиги билан Польша миллий мудофаа вазирлиги ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида декларация, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Польша халқаро муносабатлар институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми, “Ўзбектуризм” миллий компанияси билан Польша сайёҳлик компанияси ўртасида ҳамкорлик ҳақида битим, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Польшанинг “Банк государства краевого” ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Ташриф давомида ўзаро товар айланмасини янада ошириш кераклиги таъкидланди. Жумладан, 2001 йил бу кўрсаткич 31,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Польшага ип газлама, калава ип, пахта толаси, рўзгор пахтаси, ноорганик кимё маҳсулотлари, қайта ишланган сабзавот, мева маҳсулотлари, мойли уруғлар юборади, турли хизматлар кўрсатади. Польша томони эса қанд-шакар, механика асбоб-ускуналари, электр анжомлари, пластмасса буюмлар, сариёғ ва ўсимлик ёғи, қора металллар, полиграфия маҳсулотлари, мебель, дори-дармон жўнатади. “Ўзолмосолтин” уюшмаси билан Польшанинг “Бумар” ташқи савдо компанияси ўртасида ҳамкорлик ривожланиб бораётир. Ўзбекистон Республикасида Польша 2 фирмасининг ваколат-

# ПОРТУГАЛИЯ

хонаси, Польша сармоеси иштирокидаги 16 корхона фаолият юритмоқда.

Икки мамлакат ўртасида таълим ва маданият соҳасидаги алоқалар ҳам кун сайин ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб 2001 йилда Варшаванинг "Элипс" нашриёт уйи Варшава Университети сиёсий фанлар профессори Т.Бодио муҳаррирлиги остида "Ўзбекистон: тарих - жамият - сиёсат" китобини чоп этди. Тошкентда поляк тилини ўрганишга ихтисослашган мактаб ва Жаҳон тиллари университети рус филологияси кафедрасида гуруҳ фаолият юритмоқда.

## 135. ПОРТУГАЛИЯ

Португалия Республикаси  
(Portugal, Republica Portuguesa)

**Майдони**.....92 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....10 200 000.  
**Пойтахти**.....Лиссабон шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Порту, Амадора.  
**Расмий тили**.....португал ва мيرانдес тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....19 400 АҚШ доллари  
**Экспорт**.....кийим-кечак ва оёқ кийимлар, механизмлар, кимёвий воситалар, қоғоз маҳсулотлари, чарм.  
**Импорт**.....механизмлар ва транспорт ускуналари, кимёвий воситалар, нефть, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари  
**Миллий валютаси**.....евро  
**Дини**.....насронийлик  
**Мустақиллик куни**.....1140 йилдан бери мустақил  
**Миллий байрами**.....10 июнь - Португалия куни (1580).  
**Чегаралари**.....шимол ва шарқда Испания, ғарб ва жанубда Атлантика океани билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Европанинг жануби-ғарбида, Пиреней ярим оролида жойлашган давлат. Атлантика океанидаги Азор ороллари ва Мадейра архипелагини ўз ичига олади. Маъмурий жиҳатдан 2 мухтор вилоят, 22 округ (distrito)га бўлинган, шундан 18 таси қитъада

жойлашган бўлиб, 11 тарихий вилоятга бирлашган. Португалия - республика. Амалдаги конституцияси 1976 йил 25 апрелда кучга кирган, унга 1982 ва 1989 йилларда ўзгартиришлар киритилган. Давлат бошлиғи президент (1996 йилдан Жорже Сампайо), у умумий бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йилга ва кўпи билан икки муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Республика мажлиси (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятини Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Халқ монархиячи партияси - 1974 йилда тузилган; Халқ партияси - 1995 йилда ташкил этилган; Португалия коммунистик партияси - 1921 йилда асос солинган; Социалистик партия - 1973 йилда тузилган. Португал меҳнаткашлари умумий конфедерацияси - Миллий интерсиндикал - 1970 йилда ташкил этилган; Португалия меҳнаткашлари умумий иттифоқи - 1979 йилда тузилган, Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси таркибига киради.

Португалия 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 16 январда тан олган ва шу йилнинг 12 августда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 99 %и** португаллар; испанлар ва бошқалар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 35 %га яқин. Диндорлари католиклардир.

**Иқтисодиёти**. Португалия саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 30%, қишлоқ хўжалиги улуши 6% атрофида.

Ташқи савдода импортнинг улуши 39 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 25,9 млрд. АҚШ доллари. **Савдо соҳасида шериклари**. ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 44.900;

захирадагилар - 210.930;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари) да 26.700, ҳарбий денгиз флотида 10.950, ҳарбий ҳаво кучларида 7.250 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 2 сув ости кемаси ва 6 қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ

қўшинларида 28 патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 47.700 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 26.100 нафари республика миллий ҳимоясида ва қолган 21.600 нафари полиция хизматидадир.

**Табиати.** Атлантика океани соҳиллари пасттекислик, қумли, қўлтиқлари кам. Шимолда Месета ясси тоғлигининг чекка қисмлари жойлашган. Эштрела тоғи мамлакатнинг энг баланд нуқтаси (1991 м.). Ғарбида тоғлар денгиз бўйи пасттекислигига тик тушади. Тежу дарёси жанубида Португалия пасттекислиги бор. Иқлими – субтропик. Дору (Дуэро), Тежу ва Гвадиана дарёларида кема қатнайди.

**Ўзбекистон-Португалия муносабатлари.** Ўзбекистон Республикаси билан Португалия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари шаклланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1996 йил 2-3 декабрда Португалияга расмий ташрифи чоғида ҳаво транспорт қатнови ва сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқда энг кўп қулайлик яратиб бериш ҳақида келишиб олинди. 2002 йили Ўзбекистон Республикаси билан Португалия ўртасидаги товар айланмаси 9,53 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси билан Португалия сармоясини иштиракидаги “Осиё тўқимачилик ассоциацияси” корхонаси пахта толасини қайта ишлаш ва калава ипдан маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

### 136. РОССИЯ

Россия Федерацияси  
(Russian Federation) (РФ)

Майдони.....17 075 400 км<sup>2</sup>.  
Аҳоли..... 144 200 000 (2004 йил бошида).  
Пойтахти.....Москва шаҳри.  
Катта шаҳарлари.....Санкт-Петербург, Нижний Новгород, Новосибирск, Самара, Екатеринбург.  
Расмий тили.....рус тили.  
ЯИМ (аҳоли жон бошига).....1 750 АҚШ доллари.  
Экспорт.....нефть ва нефть

маҳсулотлари, газ, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, металллар, кимёвий воситалар, фуқаролик ва ҳарбий кенг истеъмол товарлари, қуроллар, машина ва жиҳозлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари.

**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, кундалик эҳтиёж маҳсулотлари, доридармонлар, гўшт, дон ва шакар, металл.

**Миллий валютаси**.....рубль.

**Дини**.....насронийлик, ислом, яҳудийлик, буддавийлик ва бошқалар.

**Мустақиллик куни**.....24. 08. 1991.

**Миллий байрами**.....12 июнь - Суверенитет ҳақида декларация қабул қилинган кун (1990), 7 ноябрь - Келишув ва иноқлик куни (1996), 12 декабрь - Конституция куни (1993).

**Чегаралари**.....ғарбда Норвегия, Финляндия, Эстония, Латвия, Литва, Белоруссия, Польша, Украина, жанубда Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон, Хитой, Монголия, КХДР, шимолда Шимолий муз океани, жанубда Қора, Азов ва Каспий денгизлари, шарқда Тинч океани ва денгизлар билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Европанинг шарқида, Осиёнинг шимолида жойлашган давлат. Майдони жиҳатидан дунёда энг катта мамлакат. Қуруқликдаги чегараси 22125,3 км., денгиз чегараси 38807,5 км. Россия худуди 3 океан ҳавзасига қарашли 12 денгиз, жумладан, Болтиқ, Қора ва Азов (Атлантика океани), Баренц, Оқ, Кара, Лаптёвлар, Шарқий Сибирь ва Чукотка (Шимолий муз океани), Беринг, Охота, Япон денгизлари (Тинч океани), шунингдек, ҳеч бир океанга туташмаган Каспий денгизи билан ўралган. Маъмурий жиҳатдан 89 субъект: 21 республика (Адыгея, Бошқирдистон, Бурятия, Дағистон, Ингушия, Кабарда-Балқария, Карелия, Коми, Марий Эл, Мордовия, Олтой, Саха (Якутия), Татаристон, Тува, Удмуртия, Хакасия, Чеченистон, Чувашия, Шимолий Осетия, Қалмоқ, Қорачой-Черкасия), 6 ўлка (Краснодар, Красноярск, Олтой, Приморье, Ставрополь, Хабаровск), 49 вилоят (Амур, Архангельск, Астрахан, Белгород, Брянск, Владимир, Волгаград, Вологда, Воронеж, Иваново, Иркутск, Калининград, Калуга, Камчатка, Кемерово, Киров, Кострома, Курган, Курск, Ленинград, Липецк, Магадан, Москва, Мурманск,

Нижний Новгород, Новгород, Новосибирск, Омск, Оренбург, Орёл, Пенза, Пермь, Псков, Ростов, Рязань, Самара, Саратов, Сахалин, Свердловск, Смоленск, Тамбов, Тверь, Томск, Тула, Тюмень, Ульяновск, Челябинск, Чита, Ярославль), 2 федерал шаҳар (Москва, Санкт-Петербург), 1 мухтор вилоят (Яхудийлар), 10 мухтор округ (Ага Бурятлари, Коми-Пермяклар, Коряклар, Ненецлар, Таймир (Долган-Ненец), Усть-Ординский Бурятлари, Ханги-Манси, Чукотка, Эвенклар, Ямал-Ненец)га бўлинади. Россияда 1091 шаҳар, 1922 шаҳарча бор. 2000 йили Марказий, Шимоли-ғарбий, Жанубий, Волга бўйи, Урал, Сибирь, Узоқ Шарқ федерал округлари ташкил этилди.

Россия бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган демократик федератив республика. Амалдаги конституцияси 1993 йил 12 декабрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент (2000 йилдан В.В.Путин), у умумий, тенг ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан Россия фуқаролари томонидан 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи органи 2 палатадан иборат (Федерация Кенгаши ва Давлат думаси) Федерал мажлис (парламент). Ижроия ҳокимиятини раис бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат раисини президент Давлат думаси билан келишган ҳолда тайинлайди.

**Сийёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** “Ягона Россия” партияси – 2003 йили асос солинган; Либерал – демократик партия – 1992 йили рўйхатга олинган; «Яблоко» демократик партияси – 2001 йили тузилган; Россия Федерацияси Коммунистик партияси – 1993 йили рўйхатга олинган; шунингдек, Россия демократик партияси, “Евразия”, “Интернационал Россия”, Консерватив партия, Россия Федерацияси Халқ партияси, Россия халқ ватанпарварлик партияси, Россия халқ республикачилар партияси, “Либерал Россия” партияси, “Тадбиркорликни ривожлантириш партияси”, Россия Меҳнат партияси, Пенсиякерлар партияси, Россия социал-демократик партия ва бошқа партиялар бор; “Уруш фахрийлари – тинчлик учун”, “Аскар оналари”, “Кадр-қиймат ва меҳр-мурувват” ва бошқа ҳаракатлар фаолият

кўрсатади. Россия мустақил касаба уюшмалари федерацияси кўпгина тармоқ касаба уюшмаларини бирлаштиради.

Россия – собиқ СССРнинг ҳуқуқий вориси сифатида 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. **Аҳолиси.** Россияда 100 дан ортиқ миллат ва элат яшайди. Россиянинг асосий аҳолиси бўлган руслар жами аҳолининг 81,5 %ни ташкил этади. Шунингдек, украинлар, белоруслар, литвалар ва латишлар, немислар, яхудийлар, молдованлар, греклар, арманлар, озарбайжонлар, ўзбеклар, грузинлар, қozoқлар ва бошқалар яшайди. Россиянинг Европа қисми шимолида кареллар, вепслар, ижоралар, саамлар (лопарлар), коми ва коми-пермяклар, Ўрта Волга бўйида мари, удмурт ва мордвалар, Волга бўйининг бошқа жойлари ҳамда Жанубий Уралда туркий тилларда сўзлашувчи чувашлар, бошқирлар, татарлар, шунингдек, қалмоқлар яшайди. Осетин, қорачой, болқор, қўмиқ, нўғайлар Шимолий Кавказнинг туб жой аҳолисидир. Сибирь ва Узоқ Шарқда туркий тилларга мансуб сахалар, олтой, шор, хакас ва тувалар, монгол тилида сўзлашувчи бурятлар, шунингдек, ханги ва мансилар, ненец, чукча ва эскимослар истиқомат қилади. Россия таркибидаги миллий республикаларда туб жой аҳолисининг тили ҳам шу республиканинг давлат тили ҳисобланади. Россия аҳолисининг 73%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Россия саноатлашган-аграр мамлакат. Унинг ҳудуди 12 йирик иқтисодий район (Шимолий, Шимоли-ғарбий, Марказий, Волга-Вятка, Марказий қоратупроқ, Волга-бўйи, Шимолий Кавказ, Урал, Ғарбий Сибирь, Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқ ва Калининград вилояти)га бўлинган. Миллий даромадда саноатнинг улуши 44,5%, қишлоқ хўжалиги улуши 34%. Иқтисодиётда давлатга қарашли корхоналар билан бир қаторда хусусий, аралаш корхоналар ҳам бор. 2004 йилда чет эл инвестицияларини Россияга кириб келиши, Россия банки маълумотида асосан, 200 млрд. долларни ташкил қилган. Россия Федерациясида ҳозирда 21 та эркин иқтисодий ҳудуд мавжуд бўлиб, улардан фақат учтаси (Калининград, Магадан, Приморск ўлкаси) амалда фаолият олиб бормоқда.

**Валютаси.** 28,3 Россия рубли 1 АҚШ доллари га тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 75 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 136 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, МДХ давлатлари, Осиё давлатлари ва АҚШ.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 1.212.700;

захирадагилар – 20.000.000:

шундан. Стратегик тўхтатиш кучларида 149.000, Стратегик снаряд кучлари қўшинларида 100.000, армия (қуруқлик қўшинлари)да 360.000, ҳарбий денгиз флотидида 155.000, ҳарбий ҳаво кучларида 184.600 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи ўта замонавий. Ядро қуроли ва сунъий йўлдошга эга. 51 сув ости кемаси мавжуд бўлиб, улардан 14 таси стратегик ва 37 таси тактик сув ости кемаларидир. 1 авианосец, 6 крейсер, 14 эскадра миносец ва 6 қоровул кемасига ҳам эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 22 корвет, 10 қоровул кемаси, 43 снарядли кема, 8 торпедо ва 3 патруль кемаси мавжуд.

Ярим ҳарбийлашганлар 359.100 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 140.000 нафари Федерал чегара ҳимояси хизмати, 151.100 нафари ички қўшинлар, 4000 нафари Федерал хавфсизлик хизмати, тахминан 10.000 дан 30.000 нафаргача Федерал мудрофаа хизмати ва 54.000 нафари Федерал алоқа ва ахборот агентлиги хизматчиларидир.

**Табиати.** Россия ҳудуди меридиан бўйлаб 2,5-4 минг км. га, ғарбдан шарққа 9 минг км. га чўзилган. Мамлакатнинг энг ғарбий нуқтаси Польша билан бўлган чегарада (Калининград вилояти), шарқий нуқтаси Беринг бўғозидаги Ратманов оролида бўлган чегарада, чекка шимолий нуқтаси Франц-Иосиф Ери архипелагидаги Рудольф оролида. Россия ҳудудининг 45%и ўрмон, 4%и сув, 13%и қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар, 19%и буғу яйловлари, 19% бошқа ерлардир.

Иқлими деярли ҳамма жойда континентал (чекка шимоли-ғарбда денгиз иқлими), Сибирь ва Узоқ Шарқ шимолида юқори атмос-

фера босими (шарқда Осиё антициклони) ҳукмрон.

**Ўзбекистон – Россия муносабатлари.**

**1. Тарихи.** Ўзбекистон – Россия алоқалари узоқ тарихга эга. Олгин Ўрда давлати соҳибқирон Амир Темур зарбалари остида барҳам топганидан кейин Рус давлати билан Ўрта Осиё ўртасида элчилик муносабатлари ўрнатилган ҳаракат бошланди. XVI асрнинг 2-ярмидан бошлаб то XVII-XVIII асрларгача икки томонлама дипломатик ва савдо-сотик алоқалари фаоллашиб борди. Россия йилномаларида кўрсатилишича, Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонликларида элчилар савдо-сотикни кўпайтириш таклифи билан Петербургга борган. XIX асрнинг 60-йиллари Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинган, бу ерларнинг хом ашё манбаи бўлиб қолди. Ўрта Осиёдан пахта, ипак ва бошқа молларни юбориш ва бу ерга саноат моллари келтириш йўлга қўйилди. 1917 йилги октябрь тўнтаришидан кейин Ўзбекистон–Россия алоқалари Совет ҳукумати сиёсати доирасида ягона иқтисодий режасига биноан, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш йўлида амалга оширилди. XX асрнинг 90 йилларидан икки мамлакат ўртасида тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатилди бошлади.

**2. Сиёсий соҳада.** Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва мустақиллигини 1992 йил 20 мартда тан олган ва шу кундан бошлаб дипломатик муносабатлар ўрнатган. Бугунги кунда мазкур икки давлат муносабатлари узоқ муддатли стратегик характерга эга. Икки давлат ўртасидаги алоқалар 2004 йил 16 июнда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шериклик Шартномаси» ва «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998-2007 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартнома» асосида олиб борилмоқда. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 1998, 2001, 2004 ва 2005 йилларда Россияга қилган ташрифлари, Россия Президенти В.Путиннинг 2000 ва 2004 йилларда Ўзбекистонда бўлган вақтида эришилган битимлар ва имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, илмий ва маданий ҳам-

корликка ҳуқуқий асос яратди. 1998–2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳақидаги Шартнома бу асосни янада кенгайтди. 2004 йил 15-16 июнь кунлари ШХТнинг Тошкент саммити йиғилишида икки давлат раҳбарлари И.Каримов ва В.Путин юқорида айтиб ўтилган Стратегик шериклик Шартномасига имзо чекдилар. Юқори даражадаги ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 2-3 июль ва 2005 йил 28-29 июнь кунлари Москвага қилган амалий ташрифи чоғида янада мустаҳкамланди. Ташрифлар чоғида бир қанча муҳим икки томонлама давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро халқаро ҳужжатлар имзоланди.

2005 йилнинг 7-8 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган тадбирда ҳамда МДХ мамлакатлари раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этиш учун Россия Федерациясида бўлди.

2005 йилнинг 28-29 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Россия Федерациясида бўлди. Ташриф давомида И.А.Каримов Россия Федерацияси Президенти В.Путин билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон – Россия муносабатлари стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганлиги, мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда ҳамкорлик кенг қўламда тараққий этиб бораётганлиги таъкидланди. Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

**3. Шартномавий-ҳуқуқий асос.** Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 163 та халқаро икки томонлама шартномалар ва 40 дан ортиқ бошқа ҳужжатлар (шу жумладан, минтақавий ҳамкорлик борасидаги ҳужжатлар) ташкил этади. Улардан 115 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар, 48 таси идоралараро халқаро ҳужжатлар, 40 таси Президентларнинг Қўшма Баёнотлари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколлари

ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлардир.

**4. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик.** Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998–2007 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартнома асосида олиб борилади. Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия асосий мувофиқлаштирувчи орган вазифасини бажаради. У икки томонлама иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишларини белгилаш, қулай ҳамкорлик шарт-шароитларини вужудга келтириш, хўжалик юритувчи субъектларни хусусийлаштириш жараёнларида иштирок этиш, Ўзбекистон ва Россия минтақаларининг ҳамкорлигига кўмаклашиш билан шуғулланади. 2003 йили Ўзбекистон билан Россия ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 149,1 млн. АҚШ доллари миқдорида эди. 2004 йили эса бу кўрсаткич 1 млрд. 641,9 млн. АҚШ долларига етди. Ўзбекистондан Россияга пахта толаси, енгил автомобиль, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа товарлар юборилади. Россиядан механик ва электр машина-ускуна, транспорт воситалари, қора металл, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, дори-дармон, ёғоч, кимё саноати маҳсулотлари ва бошқалар келтирилади. Икки мамлакат ишбилармонларининг ҳамкорлиги туфайли Ўзбекистон Республикасида 520 та қўшма корхона барпо этилган. Улар орасида Россия сармояси 100 % бўлган ўнлаб корхоналар бор. Улар озиқ-овқат, тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш, дори-дармон ишлаб чиқариш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида фаолият юритади. Россиянинг салкам 40 та компанияси, жумладан, “Аэрофлот”, “Автоваз”, “Зарубежнефтьгаз”, “ЛУКОЙЛ”, “Техмашимпекс” ва бошқалар ўз ваколатхоналарига эга. Россияда ўзбек резидентлари иштирокида ташкил этилган 167 корхона, шу жумладан, 72 қўшма корхона бор. Ишлаб чиқариш соҳасида, аynиқса, авиасозликда аввалги кооперация алоқалари сақланиб қолган. Ўзбек газини

Россия орқали ўзга давлатларга ўтказиш, шунингдек, янги нефть ва газ манбаларини қидириб топиш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Россиянинг “Газпром” акциядорлик жамиятлари бирлашмаси билан “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ўртасида стратегик ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳамда “Ўзбекнефтгаз” билан “ЛУКойл” ўртасида маҳсулотни тақсимлашга оид баённома тайёрлаш ҳақида имзоланган ҳужжатлар бу борада муҳим воқеа бўлди. Икки мамлакат минтақаларининг иқтисодий ҳамкорлиги узлуксиз ривожланмоқда. Москва шаҳри ва вилояти, Санкт-Петербург, Ярославль вилояти, Бошқирдистон, Молдовия, Татаристон республикалари, Сибирь ва Урал регионларининг ишбилармон доираларидан Ўзбекистон Республикасига делегациялар келиб туради.

**5. Илмий ва мадапий-маърифий ҳамкорлик.** Жиззах вилояти Зомин туманидаги Супа платосида Халқаро радиоастрономия расадхонасини барпо этиш тўғрисидаги ҳаракатлар бунга мисол бўла олади. Икки мамлакат Фанлар Академиялари ва институтлари ўртасида илмий алоқалар йўлга қўйилган. 2001 йил февралда Тошкентда очилган Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик маркази (“Росзарубежцентр”)нинг ваколатхонаси зиммасига аниқ гуманитар масалаларни ҳал қилиш вазифаси юклатилган. “Росзарубежцентр” билан Ўзбекистон Бадиий Академияси ўртасида тузилган шартномага биноан турли тадбир, кеча ва кўрғазмалар ўтказиш одат тусига кирган. Маданият ва санъат, хусусан, тасвирий ва амалий санъат вакиллари ўзаро ижодий алоқа қилиб турадилар, жумладан, 2003 йили Москвада Ж. Умарбеков ва бошқа ўзбек рассомларининг кўрғазмалари уюштирилди. 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон БА Москвадаги Рассомлар марказий уйида ҳар йили ўтказиладиган нуфузли халқаро кўрғазманинг доимий иштирокчисидир. Ўзбекистон Республикасидаги Рус маданияти маркази ва “Ўзбекистон-Россия” дўстлик жамиятининг фаолияти маданий алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришга катта ҳисса қўшмоқда.

**137. РУМИНИЯ**  
(Romania)

**Майдони**..... 237.500 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 22 300 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Бухарест шаҳри  
**Катта шаҳарлари**.....Клуж-Напока, Тимишоара, Ясси. Брашов, Галац, Крайова, Констанца, Плоешти.  
**Расмий тили**.....румун тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....7600 АҚШ доллари (2002 йил).  
**Экспорт**.....оёқ кийимлари ва тўқимачилик маҳсулотлари, металл ва металл маҳсулотлари, машина ва жиҳозлар, минерал хом ашё, ёнилғи.  
**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, ёнилғи ва минерал хом ашё, кимёвий воситалар, тўқимачилик ва эҳтиёж моллари.  
**Миллий валютаси**.....Руминия лейи  
**Дипи**.....насронийлик  
**Мустақиллик куни**.....1881 йилдан бери мустақил  
**Миллий байрами**.....1 декабрь - Бирлашув куни (1918)  
**Чегаралари**.....шимолда Украина, шарқда Молдова, жануби-ғарбда Сербия ва Черногория, ғарбда Венгрия, жануби-шарқда Қора денгиз, жанубда Болгария билан чегарadosh.  
**Давлат тузуми.** Европанинг жануби-шарқида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 40 уезд ва уездга тенглаштирилган Бухарест муниципиясига бўлинади. Руминия - республика. Амалдаги конституцияси 1991 йил 8 декабрдаги умумхалқ референдумида маъқулланган. Давлат бошлиғи - президент (2000 йил 20 декабрдан Ион Илиеску). У аҳоли томонидан умумий бевосита, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади ва 2 муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент, ижроия ҳокимиятини ҳукумат амалга оширади.  
**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Демократик партия - 1993 йили асос солинган; Миллий либерал партия - 1990 йили рўйхатта олинган; Руминлар миллий бирлиги партияси - 1990 йилда тузилган; Руминия

социал-демократик партияси - 2001 йили ташкил топган; Руминия венгерлари демократик иттифоқи - 1989 йилда тузилган; "Буюк Руминия" партияси - миллатчи партия. Руминия эркин касаба уюшмалари миллий конфедерацияси - 1993 йилда тузилган; Миллий касаба уюшма блоки; "Альфа" миллий касаба уюшма картели.

Руминия 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 20 декабрда тан олган ва 1995 йил 6 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 90%га яқин руминлар.** Венгер, немис, лўли, украин, серб ва руслар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 55,4%.

**Иқтисодиёти.** Руминия саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 41%, қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 19%, хизмат кўрсатиш тармоғи улуши 40 %.

**Валютаси.** 26.243,0 Руминия лейи 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 16,7 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

Экспортнинг улуши 13,7 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо шериклари.** ЕИ давлатлари, Туркия, Россия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сови:

фаоллар - 97.200;

захирадагилар - 104.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 66.000, ҳарбий денгиз флотига 7.200, ҳарбий ҳаво кучларида 14.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 1 қоровул кемаси ва 6 корветга эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 6 снарядли кема, 12 торпедо ва 20 патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 79900 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 22900 нафари чегара ҳимоячилари ва қолган 57000 нафари жандармерия хизматчиларидир.

**Табиати.** Руминия ҳудудининг аксари қисмини тоғлар ва тепаликлар (ўртача баландлиги 800 м.) эгаллайди. Асосий тоғ тизмаси - Карпат мамлакат ҳудудида катта ёй шаклини ҳосил қилади (энг баланд нуқтаси - Молдавяну тоғи 2544м.). Карпат тоғида кучли зилзилалар бўлиб туради. Иқлими мўътадил континентал иқлим.

Энг катта дарёси Дунай. Унинг асосий ирмоқлари: Прут, Сирет, Олт, Яломица.

**Ўзбекистон - Руминия муносабатлари.** 1994 йили Ўзбекистон Республикаси билан Руминия ўртасида "Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида" имзоланган битим ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1996 йил Руминияга қилган расмий ташрифи вақтида имзоланган ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос яратди. Ўзбекистон Республикаси Руминияга пахта толаси, газлама, калава ип ва турли хизматлар экспорт қилади. Руминия эса пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, мой ва ўсимлик ёғи, дори-дармонлар юборади. Эндиликда мамлакатларимиз ўртасида пахта ни қайта ишлаш, тўқимачилик, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш, нефть ва газ саноати соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Руминиянинг бир қанча етакчи банклари билан шериклик муносабатлари ўрнатган. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ускуналар етказиб бериш ҳақида Руминия компаниялари билан битим тузган. Руминия сармоясини иштирокидаги спиртли ичимликлар ишлаб чиқарадиган "Афсар Компани" қўшма корхонаси барпо этилган. Ўзбекистон - Руминия ҳукуматлараро иқтисодий кенгаши самарали фаолият кўрсатмоқда. 2002 йил якунига кўра, икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 5,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳар икки давлатнинг ТРАСЕКА транспорт йўлагини барпо этиш дастури доирасидаги ҳамкорлиги муҳимдир. Руминия президенти Ион Илиескунинг 2003 йил апрелда Ўзбекистонга ташрифи чоғида туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида ҳамда иккала мамлакатнинг дипломатик ва хизмат паспортилари бўлган фуқароларига визаларни бекор қилиш тўғрисида Консуллик конвенцияси каби янги ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси билан Руминия БМТ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, НАТО каби ташкилотлар доирасида халқаро терроризм, диний экстремизм,

## САН-МАРИНО \* СЕРБИЯ ВА ЧЕРНОГОРИЯ

уюшган жиноятчилик, курол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, миллий, минтақавий хавфсизликка таҳлика соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш ҳақида келишиб олишган.

### 138. САН-МАРИНО

Сан-Марино Республикаси (San- Marino)

**Майдони**.....60,5 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....30 000 (2002 йил).  
**Пойтахти**.....Сан-Марино шаҳри  
**Катта шаҳарлари**.....Серравалле, Борго-Мажоре.  
**Расмий тили**.....итальян тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..20 000 АҚШ доллари  
**Экспорт**.....қурилиш тошлари, ёғоч, каштанлар, буғдой, вино, чарм, керамика маҳсулотлари.  
**Импорт**.....турли хилдаги эхтиёж моллари ва озиқ-овқатлар.  
**Миллий валютаси**.....евро.  
**Дини**.....насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....301 йилдан буён мустақил.  
**Миллий байрами**.....3 сентябрь - Республика куни.  
**Чегаралари**.....Италия ҳудуди билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Жанубий Европада, Апеннин ярим оролида, Адриатика денгизи соҳилидан 13 км. узоқликда жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 9 округ- кўрғонга бўлинган. Сан-Марино Республикаси давлат тузилиши тизими тўғрисидаги қонунлар мажмуаси 1600 йил 8 октябрда маъқулланган. Кейинчалик унга тузатишлар киритилган. Катта Бош Кенгаш томонидан 6 ой муддатга сайланадиган икки капитанрегент давлат бошлиғи вазифасини бажаради. Қонун чиқарувчи олий орган - Катта Бош Кенгаш (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиятини капитанрегентлар Давлат конгресси (ҳукумат) билан биргаликда амалга оширади.  
Сан-Марино 1992 йил 2 мартдан БМТ аъзоси.  
**Аҳолиси**, асосан, санмариноликлар. Аҳолисининг 15 %га яқини чет элларда, асосан, Италияда, шунингдек, Франция ва АҚШда

яшайди. Шаҳар аҳолиси 89, 3%.

**Иқтисодиёти**. Ялпи ички даромаднинг 50 % дан кўпроғини туризм таъминлайди, шунингдек, банк иши, кийим-кечак, электроника ва керамика ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари, вино ва пишлоқлар ишлаб чиқариш муҳим соҳалардан ҳисобланади.  
**Табиати**. Сан-Марино тоғли мамлакат, Апеннин тоғлари этагидаги Титано тоғи (баландлиги 738 м.) ён бағрида жойлашган. Иқлими Ўрта денгизга хос, субтропик.

### 139. СЕРБИЯ ВА ЧЕРНОГОРИЯ (Serbia and Montenegro)

**Майдони**.....102 173 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....10 700 000 (2003 йил)  
**Пойтахти**.....Белград шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Подгорица, Нови Сад, Приштина, Ниш.  
**Расмий тили**.....серб тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** 2 800 АҚШ доллари (2003 йил)  
**Экспорт**.....ярим фабрикатлар, озиқ-овқат ва тирик ҳайвонлар, кийим-кечак, машина ва транспорт жиҳозлари, кимёвий маҳсулотлар.  
**Импорт**.....транспорт ва техника жиҳозлари, информацион технологиялар, озиқ-овқат ва бошқалар.  
**Миллий валютаси**.....янги динар.  
**Дини**..... насронийлик, ислом.  
**Мустақиллик куни**.....4.02. 2003.  
**Миллий байрами**.....маълумот йўқ.  
**Давлат тузуми**. Болқон ярим оролининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 2 республика: Сербия ва Черногорияга бўлинади. Сербия ва Черногория парламентар республика. Амалдаги конституцияси 2003 йил 4 февралда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент (2003 йил 7 мартдан Светозар Марович). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент (скупшчина), ижроия ҳокимиятини ҳукумат амалга оширади.  
**Сийёсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Сербия социалистик партияси - 1990 йили тузилган; Серб янгиланиш ҳаракати - 1990 йили ташкил этилган; Серблар бирлиги парти-

яси; Сербия демократик муҳолифати - 2003 йили тузилган; Серб радикал партияси - 1991 йили ташкил этилган; Черногория социалистлари демократик партияси - 1991 йили асос солинган; Черногория демократик партияси; Черногория халқ партияси - 1990 йили тузилган; Косово демократик партияси - 2000 йили ташкил этилган.

Сербия ва Черногория Югославия Иттифоқ Республикасининг ҳуқуқий вориси сифатида 2000 йил 1 ноябрдан БМТ аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олган ва 1995 йил 18 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Серблар (62,6%), албанлар (16,5%), черногорлар (5%), венгерлар (3,3%) яшайди. Аҳолининг 95%и серб тилида, 5%и албан тилида сўзлашади.

**Иқтисодиёти.** Сербия ва Черногория саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 41,3%, қишлоқ хўжалигининг улуши 22,9%.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 65.300;

захирадагилар - 280.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 55.000, ҳарбий денгиз флотиди 3.800, ҳарбий ҳаво кучларида 6.500 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 4 сув ости кемаси ва 3 қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 9 снарядли кема ва 22 патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 45.100 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 35.000 нафари ички ишлар вазирлиги, 4.100 нафари махсус милиция бўлинмалари ва 6.000 нафари Черногориянинг ички ишлар вазирлиги хизматчиларидир.

**Ўзбекистон билан Сербия ва Черногория муносабатлари.** 1999-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси билан Сербия ва Черногория ўртасида фаол иқтисодий ҳамкорлик амалга оширилди. 2002 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 1,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Республикасидан рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар, механика асбоб-ускуналари, ип газлама ва калава ип, хизматлар экспорт қилин-

ди. Сербия ва Черногориядан тош ва гипс, доридармон, мебель, керамика маҳсулотлари, транспорт воситалари ва бошқалар келтирилди. Ўзбекистон Республикасида Сербия ва Черногория инвесторлари иштирокидаги 14 қўшма корхона ва серб сармойеси 100% бўлган 4 та корхона рўйхатга олинган. Жумладан, Сербия ва Черногориянинг ташқи савдо фаолияти билан шуғулланувчи "Прогресс", қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган "Компания БК", саноат ва фуқаро объектлари меъморчилиги, дизайни, лойиҳалаш ва қуриш ишлари комплексини амалга оширувчи "Энергопроект холдинг" фирмаларининг ваколатхоналари фаолият юритади. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан Сербия ва Черногориянинг авиация компанияси ўртасида тузилган битимга мувофиқ, 2003 йил сентябрдан "Тошкент-Белград-Нью-Йорк" йўналиши бўйлаб ҳафтасига 2 марта бориб келадиган тижорат рейслари амалга оширилмоқда.

## 140. СЛОВАКИЯ, СЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ (Slovensko), (Slovenska Republika)

Майдони.....	48 845 км <sup>2</sup> .
Аҳолиси.....	5 415 000.
Пойтахти.....	Братислава шаҳри
Катта шаҳарлари.....	Кошице, Прешов.
Расмий тили.....	словак тили.
ЯИМ (аҳоли жон бошига).....	13 420 АҚШ доллари.
Экспорт.....	машина ва транспорт ускуналари, саноат ярим фабрикатлари, саноат товарлари, кимёвий воситалар.
Импорт.....	машина ва транспорт ускуналари, саноат ярим фабрикатлари, ёнилғи, кимёвий воситалар ва саноат товарлари
Миллий валютаси.....	Словакия кронаси.
Дини.....	насронийлик.
Мустақиллик куни.....	1. 01. 1993.
Миллий байрами.....	29 август - Словакия миллий кўзғолони куни (1944), 1 сентябр - Конституция куни (1992).
Чегаралари.....	шимоли-ғарбда

## СЛОВАКИЯ

Чехия, шимолда Польша, шарқда Украина, жанубда Венгрия, ғарбда Австрия билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Марказий Европада жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 8 ўлкага бўлинади. Словакия - республика. Амалдаги конституцияси 1992 йил 1 сентябрда қабул қилинган (1999 йил тузатишлар киритилган). Давлат бошлиғи - президент (2004 йилдан Иван Гашпарович), у умумий тенг ва бевосита сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент - Миллий кенгаш, ижроия ҳокимиятини ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Демократик Словакия учун ҳаракат халқ партияси - 1991 йилда асос солинган; Словакия деҳқонлар партияси - 1990 йили ташкил этилган; Словакия ишчилари бирлашмаси - сийсий партия сифатида 1994 йили рўйхатга олинган; Сўл демократлар партияси - 1991 йили тузилган; Словакия миллий партияси - 1989 йили асос солинган; Венгер христиан-демократик ҳаракати - 1990 йили ташкил этилган; Словакия христиан-демократик иттифоқи партияси - 2000 йили рўйхатга олинган. Словакия Республикаси касаба уюшмалари конфедерацияси - 1990 йили асос солинган.

Словакия 1993 йил 19 январдан БМТ аъзоси. 1992 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олган ва 1993 йил 1 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиснинг кўпчилиги** словаклар (87%), шунингдек, венгер, чех, украин ва бошқалар ҳам яшайди.

**Иқтисодиёти.** Словакия саноатлашган-аграр мамлакат. Ялли ички маҳсулотда саноатнинг улуши 3,4%, қишлоқ хўжалигининг улуши 4,8%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 61,8%.

**Валютаси.** 48,09 Словакия кронаси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 15,4 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 13 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Россия, Япония, Хитой ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 20.195;

захирадагилар - 20.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 12.860, ҳарбий ҳаво кучларида 5.160 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий.

**Табиати.** Словакия тоғли мамлакат. Худудининг аксарият қисми Ғарбий Карпат тоғлари доирасида (Словакия Рудали тоғлари ва б) жойлашган. Герлаховски-Штит тоғи (2655 м.) Ғарбий Карпат тоғларининг энг баланд нуқтаси. Жанубини Ўрта Дунай текислигининг бир қисми эгаллаган. Иқлими мўътадил, континентал. Словакия дарёлари (Дунай ва унинг ирмоқлари, Морава, Ваг, Грон ва б.) гидроэнергиянинг муҳим манбаларидир.

**Ўзбекистон - Словакия муносабатлари.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил январда Словакияга қилган ташрифи чоғида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Словакиянинг ўзаро ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос яратди. Бу ҳужжатлар орасида ўзаро муносабат ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш ҳамда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақидаги битим алоҳида ўрин тутди. Кейинги йилларда Ўзбекистон - Словакия муносабатлари ҳукуматлар, парламентлар, экспертлар, тадбиркорлар даражасида ривожланиб келди. Ўзбекистон - Словакия ҳукуматлараро қўшма комиссияси ишлай бошлади. Ана шуларнинг натижаси ўлароқ, икки томонлама товар айланмаси 2002 йилда 8,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2003 йил мартда Словакия Президенти Р.Шустернинг Ўзбекистонга ташрифи натижасида имзоланган икки томонлама солиқ солиш ва мулкдан келадиган даромаддан солиқ тўлашдан бош тортишининг олдини олиш тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Словакия "Эксимбанк"и ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

141. СЛОВЕНИЯ

(Slovenija) Словения Республикаси  
(Republika Slovenija)

**Майдони**..... 20 253 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....1 930 000.  
**Пойтахти**..... Любляна шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Марибор.  
**Расмий тили**..... словен тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** .....9 760 АҚШ доллари.  
**Экспорт**..... саноат товарлари, машина ва транспорт ускуналари, кимёвий воситалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Импорт**.....машина ва транспорт ускуналари, саноат товарлари, кимёвий воситалар, ёнилги ва мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**..... толар.  
**Дини**..... насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....25. 06. 1991.  
**Миллий байрами**.....25 июнь - Давлат Мустақиллиги куни.  
**Чегаралари**.....шимолда Австрия, шимоли-шарқда Венгрия, шарқ ва жанубда Хорватия, ғарбда Италия, жануби-ғарбда Венеция кўрфази билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Болқон ярим оролининг шимоли-ғарбида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 62 туманга бўлинган. Словения - республика. Амалдаги конституцияси 1991 йил 23 декабрда қабул қилинган; унга 1997 ва 2000 йилларда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиги - президент (2002 йилдан Янез Дрновшек). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент - Давлат мажлиси ва Давлат Кенгаши, ижроия ҳокимиятини раис бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.  
**Сийёсий партиялари ва касаба уюшмалари**. Либерал демократик партия - 1913 йили асос солинган, Словения либерал партиясининг давомчиси сифатида 1989 йили қайта тикланган; Словения демократик партияси - 1992 йили тузилган; Социал-демократлар Ягона рўйхати партияси - 1992 йили асос солинган; Кўкатпарварлар партияси - 1992 йили ташкил этилган; Словения миллий партияси - 1989 йили асос солинган; Словения пенсионерлар демократик партияси. Словения мустақил

касаба уюшмалари бирлашмаси; Словения мустақиллиги янги касаба уюшмалари конфедерацияси.

Словения 1992 йил 22 майдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олган ва 1995 йил 16 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.  
**Аҳолиси**. Асосий аҳоли словенлар (90%); хорват, серблар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 51,5%

**Иқтисодиёти**. Словения саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 35%, қишлоқ хўжалигининг улуши 5%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 60%.

**Валютаси**. 225, 93 словения толари 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 9,9 млрд АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 8,9 млрд АҚШ доллари

**Савдо соҳасидаги шериклари**. ЕИ давлатлари, Россия, Япония, Хитой ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 6.550;

захирадагилар - 20.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари) да 6.550 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. Ярим ҳарбийлашганлар 4.500 кишидан иборат полициядир.

**Табиати**. Словения, асосан, тоғли мамлакат. Шимоли-ғарб ва шимолда Шарқий Альп тизмаси, жанубда Динара ясситоғлигининг шимолий чеккаси, жануби-ғарбда ғаройиб ғорлари билан машҳур бўлган Карст платоси бор. Шарқда ва Адриатика денгизининг Триест қўлтиғи соҳилида чоғроқ пасттекисликлар жойлашган. Иқлими мўътадил, континентал. Асосий дарёлари Сава, Драва (Дунай ирмоқлари).

2005 йил 15 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Словения Республикаси президентининг таклифига биноан икки кунлик расмий ташриф билан Словенияда бўлди. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов Словения Республикаси Президенти Янез Дрновшек билан яккама-якка суҳбатда ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро му-

аммоларга оид масалалар муҳокама қилинди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари, хусусан, савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, сайёҳлик, бизнес вакилларининг мулоқотини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар ўзаро савдо ҳажмини ошириш, сармоя соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш борасида фикр алмашиб, мавжуд имкониятларни таҳлил этдилар.

Ўзбекистон ва Словения ҳукуматлари ўрта-сида автомобилда йўловчи ва юкларни ташин тўғрисида, икки мамлакат савдо-саноат палаталарининг ҳамкорлиги тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий миллий банки билан Словениянинг Новолубяна банки ўрта-сида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

## 142. ТУРКИЯ

Туркия Республикаси  
(Turkiye Cumhuriyeti)

**Майдони**..... 780 580 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 68,1 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Анқара шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Истанбул, Измир, Кўния, Бурса, Ҳозиантеп, Адана, Диёрбакир, Анталия, Эдирна.  
**Расмий тили**.....турк тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..6690 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**..... кийим-кечаклар, озиқ-овқат товарлари, тўқимачилик буюмлари, металл маҳсулотлари, транспорт ускуналари  
**Импорт**.....машиналар, кимёвий воситалар, ярим фабрикатлар, ёнилғи ва транспорт ускуналари.  
**Миллий валютаси**..... турк лираси.  
**Дини**.....ислом  
**Мустақиллик куни**.....29. 10. 1923.  
**Миллий байрами**..... 29 октябрь - Мустақиллик куни  
**Чегаралари**..... ғарб ва шимоли-ғарбда Греция ва Болгария, шимоли-шарқда Грузия, Арманистон, Озарбайжон, шарқда Эрон, жанубда Ироқ, Сурия ва Ўрта ер ден-

гизи, шимолда Қора денгиз билан ўралган.  
**Давлат тузуми.** Осиёнинг ғарбий қисми ва Европанинг жануби-шарқида жойлашган давлат. Худудининг 97%и Кичик Осиё ярим ороли (Анадолу)да, 3%и Европа (Шарқий Фракия)да. Шимолдан Қора денгиз, ғарбдан Эгей денгизи, жанубдан Ўрта ер денгизи билан ўралган. Эгей денгизидаги бир қанча орол ҳам Туркияга қарашли. Маъмурий жиҳатдан 81 эл (вилоят)га, эллар элчаларга бўлинади. Туркия – республика. Амалдаги Конституцияси 1982 йилда қабул қилинган (бир неча марта тузатиш ва қўшимчалар киритилган). Давлат бошлиғи – президент (2000 йилдан Аҳмет Неждет Сезер), у Буюк Миллат Мажлиси томонидан яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади ва яна 1 марта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият – парламент – Туркия Буюк Миллат Мажлиси. Ижроия ҳокимияти ҳукумат қўлида бўлиб, уни Бош вазир (Бош боқон) бошқаради. Бош вазирни президент депутатлар орасидан тайинлайди.

**Сийёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Адолат ва ривожланиш партияси – 2001 йил тузилган; Она ватан партияси – 1983 йил ташкил этилган; Жумҳурият халқ партияси – 1923 йил асос солинган; Тўғри йўл партияси – 1983 йил тузилган; Миллатчи ҳаракат партияси – 1983 йил қайта ташкил этилган; Демократик сўл партияси – 1985 йил асос солинган; Демократик Туркия партияси – 1997 йил ташкил этилган. Туркия Ишчи касаба уюшмалари конфедерацияси («Турк-Иш») – 1952 йил ташкил этилган; Туркия Инқилобий ишчилар касаба уюшмалари конфедерацияси – 1967 йил «Турк-Иш»дан баъзи уюшмаларнинг ажралиши натижасида тузилган; Ҳақ ишчи касаба уюшмалари конфедерацияси («Ҳақ-Иш») – 1976 йил барпо этилган.

Туркия II жаҳон уруши (1939–45) даврида Франция ва Англия билан шартнома тузиб, иқтисодий ёрдам олишга муваффақ бўлди. У Совет Иттифоқи ҳужум қилиши хавфининг олдини олиб, 1941 йил 25 мартда собиқ СССР билан шартнома имзолади. Германия Совет Иттифоқига ҳужум қилишидан бир неча кун олдин у билан ҳам худди шундай шартнома тузилди. 1945 йил февралда Туркия АҚШ,

Англия ва СССРга қўшилиб, Германия ва Японияга қарши уруш эълон қилди. 1945 йил 5 мартда Туркия Сан-Франциско конференциясига таклиф этилди ва БМТни барпо этган аъзолар қаторидан жой олди.

Туркия 1952 йил НАТОга аъзо бўлди. Бу даврда у Корея урушида иштирок этди.

1991 йил Туркия Кавказ ва Ўрта Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар билан яқин дўстона муносабатлар ўрнатди.

Туркия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 16 декабрда тан олган ва 1992 йил 4 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 90%и** – турклар. Курд, араб, ўзбек, адигей, убиҳ, чечен, осетин, лезгин, грек, арман, лаз, грузин, озарбайжон, туркман, болгар, албанлар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 69%.

**Иқтисодиёти.** Туркия – саноатлашган-аграр мамлакат. Чег эл сармояси ва технологиясини жалб этишни тезлаштириш учун 1985 йилда «Эркин минтақалар қонуни» кучга кирди. Бундай минтақалар 1987 йилда атиги 2 та (Мерсин ва Анталия) бўлган бўлса, 2002 йилга келиб уларнинг сони 21га етди. Ана шулар натижасида ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 28,7%, қишлоқ хўжалигиники 14,4%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 56,9% бўлди. Туркияда туризм ривожланган. 2002 йил Туркияга 13 млн. хорижий сайёҳ келди, сайёҳликдан тушган даромад 10 млрд. АҚШ долларига етди.

**Валютаси.** 1,5 турк лираси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 50,8 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 35,1 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Россия, Япония, Хитой ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 514.850;

захирадагилар – 378.700;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 402.000, ҳарбий денгиз флотига 52.750, ҳарбий ҳаво кучларида 60.100 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 13 та сув ости кемаси ва 19 та қорувул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ

қўшинларида 21 та снарядли кема ва 28 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 152.200 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 150.000 нафари жандармерияда, 2.200 нафари қирғоқ ҳимоясида хизмат қилади.

**Табиати.** Туркия табиати ниҳоятда ранг-баранг ва жозибадор. Рельефининг аксари тоғ ва ясси тоғлик; шимолий ва жанубий соҳилларга параллел равишда ястанган тоғ тизмалари орасида кенг ва очиқ текислик, қир, кўл, плато ва дарёлар мавжуд. Шимолда Қора денгиз соҳилига ёндош равишда Шимолий Анadolу ясси тоғлари, жанубда Торос тоғлари, Мармар денгизи томонда Сомонли, Улутоғ, Истранжа ва Текиртоғлар, Эгей денгизи томонда Қозак, Юнт ва Ойдин тоғлари, Ўрта Анadolуда Қизилтоғ, Раман ва Сўф тоғлари, Шарқий Анadolуда Ағри тоғлари (бу тоғда Туркиянинг энг баланд нуқтаси бўлган Буюк Ағри чўққиси – 5137 м.) қад кўтарган. Иқлими субтропик, ғарбий ва жанубий соҳиллари илиқ, ёғин кўп, ички минтақада ёз иссиқ ва қуруқ, киши совуқ, қор кўп ёғади. Йирик кўллари: Ван, Туз, Бейшеҳир, Эйирдир. Дарёлари: Қизил Ирмоқ, Фурот, Сақаря, Аракс, Дажла, Яшил Ирмоқ, Жейхан.

**Ўзбекистон – Туркия муносабатлари.** Туркия Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олиб, икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгач, 1992 йил апрелда Туркиянинг Тошкентдаги элчихонаси, 1993 йил январда эса Ўзбекистоннинг Анкарадаги элчихонаси ўз фаолиятини бошлади. Истанбулда Ўзбекистоннинг Бош консулхонаси очилди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бир неча бор расмий ташриф билан Туркияда бўлди. 1998 йил октябрда Туркия Республикасининг 75 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди. Ўз навбатида, Туркия Президентлари Тургут Ўзал, С. Демирел ва бошқа давлат арбоблари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлдилар. Ана шу ташриф ва мулоқотлар натижасида икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Ўзбекистон билан Туркия ўртасида «Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартнома ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ҳарбий

ва ҳарбий-техникавий алоқалар, терроризм ва наркотик моддалар савдосига қарши кураш, ҳуқуқий ёрдам, соғлиқни сақлаш, транспорт, сайёҳлик, маданият ва бошқа соҳаларда 78 та ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 2000 йил сентябрда Туркия Президенти А. Сезер билан БМТнинг «Минг йиллик» саммити доирасидаги учрашуви икки томонлама алоқаларда муҳим аҳамият касб этди. 2003 йилда Бош вазир Ражаб Таййип Эрдоғон Ўзбекистонга келди. Ташриф давомида яна бир қанча ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва дипломатик паспорт эгалари учун визаларни бекор қилиш ҳақида ҳукуматлараро битим тузилди. Ўзаро алоқалар халқаро ташкилотлар доирасида икки давлатнинг парламентлари ва вазирликлари ўртасида ҳам давом этди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва қимоялаш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлар билан мувофиқлаштирилди. Икки томон ўртасида божхона тўловларида энг кўп қулайлик бериш тартиби кучга кириши туфайли 2002 йил Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги товар айланмаси 1,7% ўсиб, 190,48 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 41,3% ошди. Ўзбекистоннинг ташқи савдо товар айланмасида Туркиянинг улуши 4%ни ташкил этади. Туркия Ўзбекистондан рангли металл ва ундан тайёрланган буюмлар, ип газлама, трикотаж мато, пахта толаси, озиқ-овқат (мева ва ёнғоқ) олади ва Ўзбекистонга механик ускуналар, ер ости транспорт воситалари, оптик жиҳоз ва ускуналар, мебель, электр асбоблар, пластмасса буюмлари, кимёвий маҳсулотлар, гилам ва бошқалар юборади. Айни пайтда, умумий қиймати салкам 1 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган (бу маблағнинг ярмини Туркия Эксимбанки берган) 16 лойиҳани биргаликда амалга оширишга киришилди. Чунончи, жун йиғириш, майин жун матолар ва шу кабиларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Косонсой-Текмен» қўшма корхонасини барпо этиш (лойиҳа қиймати 76 млн. АҚШ дол-

лари), Хоразм вилоятида троллейбус линиясини қуриш (лойиҳа қиймати 82,2 млн. АҚШ доллари) каби лойиҳалар шулар жумласига киради. Ўзбекистондаги бир қанча меҳмонхоналарни қайта қуриш ва таъмирлашда Туркиянинг «Ай-Сел», «Улус иншаат», «Ўқан холдинг», «Эмесам» фирмалари иштирок этди. Ўзбекистон Республикасида Туркия сармояси иштирокидаги 351 қўшма корхона бор, улардан 71 таси 100% турк сармояси билан ташкил этилган корхонадир. Қўшма корхоналар орасида «СамКочавто» (автобус ва ўрта ҳажмдаги юк машиналари ишлаб чиқаради), «Папфен» (пахта толасидан ип йиғириш), «Кохис» (савдо-воситачилик), «Шарқ-Мир ЛТД» (чакана савдо), «Межик Пласт» (пластик ойна ромлари ишлаб чиқаради), яқка тартибдаги корхоналар орасида эса «Бета Алгоритм» (чай қадоқлаш), «Дилек Интерпрайзис», «Айлин гида санаи ва аноним ширкати» (иккови қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаради) энг йириклари ҳисобланади. Ҳамкорликда ташкил этилган корхоналарнинг 70%га яқини республика ички бозорида савдо-воситачилик фаолиятини олиб боради, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда техник мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни Ўзбекистонга киритиш ва сотиш билан шуғулланади. 25%дан зиёд корхоналар эса тўқимачилик ва кўнчилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш моллари ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширади. Корхоналарнинг қолган қисми хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Туркияда ўзбек сармояси иштирокида 2 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик ҳам самаралидир. Чунончи, хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда Орол денгизининг қуриган қисмида ўрмончиликни ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳада турк томони ҳам ўзининг иштирок этишини билдирди. Мазкур лойиҳани амалга оширишга ҳисса қўшиш учун Туркия 2 дона МВ Трас 1100 Mercedes трактори ва бошқа техник жиҳозлар ажратди. Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик Ўзбекистон ва Туркия ўртасида маданият,

## УКРАИНА

таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1991 йил 19 декабрь), маданий алоқалар тўғрисида ҳамкорлик битим (1993 йил 22 июль), илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим (1995 йил 9 июль) асосида ривожланиб бормоқда.

1993 йил Туркияда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди ва унда республикамизнинг 60 нафар маданият ва санъат вакиллари иштирок этди. 1994 йил октябрда 48 кишидан иборат туркиялик санъаткорлар гуруҳи «Турк дунёси маданияти ва шодлиги кунлари» доирасида Ўзбекистонга ташриф буюриб, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида концертлар берди. Ўзбекистон давлат консерваторияси билан Анқарадаги Билкент университети ўртасида малака ошириш, тажриба ва мутахассислар алмашиш, қўшма концертлар ташкил этиш борасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган. Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида туркиялик санъат усталари ҳам мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Ўзбекистонда «Ўзбекистон – Туркия» дўстлик жамияти бу соҳадаги ишларга самарали ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Фан ва технологиялар маркази билан Туркиянинг фан ва техник тадқиқотлар кенгаши ўртасидаги икки томонлама алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда. Кейинги йилларда ўзбекистонлик олимлар ядро физикаси, биология, экология, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда Туркия илмий марказлари томонидан ўтказиладиган конференция ва симпозиумларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

### 143. УКРАИНА

(The Ukraine, Ukraina)

**Майдони**.....604 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....47 600 000.  
**Пойтахти**.....Киев шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Харьков, Днепрпетровск, Донецк.  
**Расмий тили**.....украин тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....4 650 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....кора ва қимматбаҳо металллар, минерал ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, машина ва техникалар, кимё маҳсулотлари, тўқимачилик маҳсулотлари, целлюлоза ва қоғоз маҳсулотлари, озиқ-овқатлар.

**Импорт**.....металл маҳсулотлари, механик машина ва жиҳозлар, кимёвий маҳсулотлар, транспорт воситалари, тўқимачилик ва озиқ-овқат, қоғоз ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....гривня.

**Дини**.....насонийлик, яхудийлик, ислом.

**Миллий байрами**.....24 август – Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Белоруссия, шимоли-шарқ ва шарқда Россия, гарбда Польша, Словакия, Венгрия, Руминия, Молдавия, жанубда Қора денгиз билан ўралган.

**Давлат тузуми.** 1991 йилдан буён республика бўлиб, 1996 йилдан парламенти «Верховна Рада» деб юритилади ҳамда 450 та аъзодан иборат. Парламент учун сайлов ҳар тўрт йилда, мамлакат президентлиги учун сайловлар эса ҳар беш йилда ўтказилади. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлов ҳуқуқига эга. 2004 йилнинг охирида бўлиб ўтган сайловлар анча баҳс ва мунозаралар юзага келишига сабаб бўлди. Унда кураш олиб борган икки номзод – Виктор Юшенко ва мамлакатнинг собиқ ҳукумат раҳбари Виктор Януковичлар ўртасида бўлиб ўтган сайловнинг иккинчи турида Виктор Юшенко голиб чиқди ва мамлакат президенти этиб сайланди. Украинада бир қанча сиёсий партиялар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардир:

“Бизнинг Украина” партияси, “Украина бирлиги учун” партия, Украина Социалистик партияси, Коммунистик партия, Социал демократик партия, Юлия Тимошенко блоки, Демократик Халқ партияси, Бирлик (Хромада), Яшиллар партияси, Социалистик тараққиёт партияси.

**Тарихи.** Уч ярим минг йиллар олдин бу ҳудудга кўчманчи чорвадор қабилалар келиб ўрнаша бошлаган. Эрамизнинг IX асрларида Киев атрофида Киев Руси дея номланган славян давлати ташкил топа бошлаган. XIV асрда Укра-

ина ўз мустақиллигини қўлдан бой берган ва дастлаб Польшага, кейин эса Литвага қўшилган. 1648-1654 йилларда украиналиклар Польша ва Литва зодагонларига қарши уруш олиб борганларидан сўнг Россия билан бирлашганлар. 1917 йилнинг охири - 1918 йилнинг бошларида Украинада Совет ҳокимияти ўрнатилди. 1920 йилдаги совет-польша урушидан кейин Ғарбий Украина 1939 йилгача Польша ихтиёрига ўтди. 1941-45 йилларда мамлакат Германия оккупациясига учради ва 1945 йил бошида собиқ Совет Армияси томонидан озод қилинди. 1954 йилда мамлакат таркибига Қрим вилояти ҳам қўшилди.

1991 йили мамлакат мустақил бўлди. Украина 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 24 январда тан олган ва шу йилнинг 25 августида дипломатик муносабатлар ўрнатган. **Аҳолиси**, асосан, украинлар бўлиб, мамлакатда уларнинг сони 73%ни ташкил этади. Бундан ташқари, мамлакатда руслар, белоруслар, татарлар, яҳудийлар ва арманлар ҳам истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Украина ривожланиш босқичида турибди. Ер ости бойликлари кўп бўлиб, тошқўмир, темир ва марганец конлари, уран, графит, қурилиш хом ашёлари ва бошқалар бор. Бироқ мамлакат иқтисодиётига нефть, газ ва ёғочнинг етишмаслиги ўз таъсирини кўрсатмоқда. Асосий соҳа ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, оғир саноат ривожланмоқда. Машина ва жиҳозлар, энергетик машинасозлик, электротехника саноати, транспорт, авиасозлик, кемасозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тракторсозлик кабилар мамлакат иқтисодиётида етакчи ўрин эгаллайди. Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам ривожланган. Иқтисодиётнинг 17%ни қишлоқ хўжалиги, 39%ни саноат, 44%ни эса хизмат кўрсатиш ташкил этади.

**Валютаси.** 5,3328 гривня 1 АҚШ долларига тенг. **Ташқи савдода импортнинг улуши** 22 млрд. АҚШ доллари бўлиб (2003 йил), шундан 42,6%и минерал маҳсулотлар, 15,1%и механик машиналар ва жиҳозлар, 7,1%и кимё маҳсулотлари, 4,7%и транспорт воситалари, 4,1%и тўқимачилик, 3,7%и озиқ-овқат, 3,4%и целлюлоза ва қоғоз, 3,4%и аграр маҳсулотлардир.

Импортдаги савдо шериклари Россия, Туркманистон, Германия, Польша, АҚШ, Италия, Қозоғистон, Франция.

**Экспорт** 22 млрд. АҚШ долларини ташкил этади (2003 йил). Шундан 33%и қора металл, 12,5%и минерал маҳсулотлар, 10,3%и қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 9,8%и машина ва жиҳозлар, 7,8% кимё маҳсулотлари, 6,7%и қимматбаҳо металллар, 3,7%и тўқимачилик ва бошқалардир.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Россия, Туркия, Италия, Германия, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Венгрия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 272.500;

захирадагилар - 1.000.000:

шундан, қуруқлик қўшинларида 125.000, ҳарбий денгиз флотида 13.500, ҳарбий ҳаво ва ҳаво мудофааси кучларида 379.500 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 1 сув ости кемаси, 1 крейсер ва 2 қоровул кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 3 корвет, 2 торпедо, 2 снарядли кема ва 1 патруль кемаси мавжуд.

Ярим ҳарбийлашганлар 39.900 нафар ИИБ, 14.000 нафар қирғоқ химоячилари, 9.500 нафар фуқаро мудофааси қўшинлари, 45.000 нафар чегара химоячилари ва денгиз чегараси химоячиларидан иборат.

**Ўзбекистон - Украина муносабатлари.**

**1. Сийёсий муносабатлар.** Украина Ўзбекистон суверенитетини биринчилардан бўлиб тан олган давлат ҳисобланади. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 25 августида ўрнатилган. Украина давлатининг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонаси 1993 йили Тошкентда ўз фаолиятини бошлади. 1995 йили эса Киевда Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилди. Бутунги кунда мазкур икки давлат муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Олий даражада олиб борилган расмий ташрифларнинг қуйидаги рўйхати эса икки давлатнинг ўзаро алоқалари даражасини яққол намоён этади:

1. 1991 йил октябрь ойида Украина Олий Кенгаши Раиси Л.Кравчук бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи;
2. 1992 йил август ойида Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти И.А.Каримовнинг Украинага давлат ташрифи;

3. 1994 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Украинага расмий ташрифи;

4. 1995 йил июнда Украина Президенти Л.Кучманинг Ўзбекистонга расмий ташрифи;

5. 1998 йил февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Украинага расмий ташрифи;

6. 1999 йил октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Украинага расмий ташрифи;

7. 2000 йил октябрда Украина Президенти Л.Кучманинг Ўзбекистонга ташрифи;

8. 2002 йил декабрда Украина Президенти Л.Кучманинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи;

9. 2003 йил апрель ойида Украина Президенти Л.Кучманинг Ўзбекистон Республикасига амалий ташрифи.

**2. Шартномавий-ҳуқуқий асос.** Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 134 та халқаро икки томонлама ҳужжатлар ташкил этади. Улардан 84 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар, 25 таси идоралараро халқаро ҳужжатлар, 25 таси Президентларнинг Қўшма Баёнотлари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлардир. 1998 йил 19 февралда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси билан Украина Республикаси ўртасида дўстлик ва келажакда ҳар томонлама алоқаларни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартнома» ва 1999 йил 7 октябрда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси билан Украина Республикаси ўртасида 1999-2008 йилларда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги Шартнома» икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида имзоланган 60 та халқаро ҳужжатлар асосида олиб борилмоқда. Илмий-техникавий ва гуманитар соҳалар бўйича 8 та ҳужжат, транспорт ва алоқа соҳалари бўйича 10 та

ҳужжат, солиқ ва ҳуқуқ соҳалари бўйича 6 та халқаро ҳужжат имзоланган.

**3. Савдо-иқтисодий муносабатлар.** 1997 йил мартда Москва шаҳрида Ўзбекистон ва Украина Республикалари ўртасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида ҳукуматлараро қўшма комиссия ташкил этиш юзасидан Протокол имзоланди. Унга кўра, бу комиссияни бошқариш икки томон Бош вазирлари зиммасига топширилди. 1997 йилдан бошлаб мазкур комиссия доимий равишда иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитасининг берган маълумотларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 2004 йили 280,4 млн. АҚШ долларига етди. Шундан 109,3 млн. АҚШ доллари экспортга, 171,0 млн. АҚШ доллари импорт ҳиссасига тўғри келди. Ўзбекистоннинг экспорт структурасини ёнилғи – нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металллар, пахта ва пахта толаси, пластмасса, автомобиллар ташкил қилади. Ўзбекистоннинг импорт структурасини каучук ва резина, фармацевтика маҳсулотлари, транспорт воситалари, электр ва машинасозлик маҳсулотлари, қора металллар ва бошқа эҳтиёж моллари ташкил қилади. Ўзбекистонда 40 га яқин ўзбек-украин қўшма корхонаси ва 100% украин сармоясига билан фаолият олиб бораётган 6 та корхона рўйхатга олинган. Украинада эса 15 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган.

**4. Маданий-маърифий ҳамкорлик.** Бу соҳадаги ўзбек-украин ҳамкорлиги жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, икки томон ҳам ўзаро ҳамкорликка катта аҳамият бериб келмоқдалар. Ўзбекистон ва Украина консерваториялари, кутубхоналари, босмахоналари, олий ва ўрта таълим муассасалари ўртасида доимий ҳамкорлик ўрнатилган. 2002 йил декабрь ойида Украина Президенти Л.Кучманинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида Тошкент шаҳрида буюк украин шоири Т. Шевченко ёдгорлигининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Украина олий таълим муассасалари ўртасида яқиндан ҳамкорлик олиб борилмоқда. Соғлиқни сақлаш йўналиши бўйича ҳам алоқалар мавжуд бўлиб, сўнгги йилларда ҳар йилига юзлаб врачлар Киев, Запо-

## ФИНЛЯНДИЯ

рожье, Харьков тиббиёт муассасаларида бир ойлик амалиёт курсини ўтаб келмоқда. Маданият ва санъат соҳалари мутахассислари билан ҳам яхши алоқалар ўрнатилган. Улар ўртасида доимий равишда кўргазмалар, фестиваллар ўтказиб турилади. Ҳозирда Украинада «Дўстлик» украин-ўзбек маданий-иқтисодий жамияти ва «Ўзбекистон» ўзбек маданияти жамияти фаолият кўрсатмоқда. Келажакда Днепропетровск ва Харьковда ўзбек маданияти марказларини очиш режалаштирилган. Ўзбекистонда 100 мингга яқин украин истиқомат қилади (улардан 40 мингга Тошкент шаҳрида). Тошкент шаҳрида «Славутич» республика украин маданият маркази, «Батькивщина» шаҳар украин маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. 2003 йил Киев Миллий Университети Илмий кенгашининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга Киев Миллий Университетининг фахрий Фан доктори унвони берилди. 2004 йили эса Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Илмий кенгашининг қарорига биноан Украина Президенти Л.Кучмага Ўзбекистон Миллий Университетининг фахрий Фан доктори унвони берилди.

### 144. ФИНЛЯНДИЯ

(Republic of Finland, Suomen Tasavalta)

Майдони.....	338 144 км <sup>2</sup>
Аҳолиси.....	5 300 000 (2003 йил).
Пойтахти.....	Хельсинки.
Катта шаҳарлари.....	Тампере, Эспоо, Турку.
Расмий тили.....	фин ва швед тиллари.
ЯИМ (аҳоли жон бошига).....	27.100 АҚШ доллари (2003 йил).
Экспорт.....	электроника ва оптик асбоблар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, машиналар, металл ва металл маҳсулотлари, транспорт ва кимё маҳсулотлари.
Импорт.....	электроника ва оптик жиҳозлар, кимё ва тоғ-кон саноати маҳсулотлари, машина ва транспорт воситалари, металл ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари.
Миллий валютаси.....	евро.
Дини.....	насронийлик, ислом ва яхудийлик.
Мустақиллик куни.....	6. 12. 1917.

Миллий байрами.....6 декабрь – Мустақиллик куни.

Чегаралари.....шимолда Норвегия, шимоли-шарқ ва шарқда Россия, шимоли-ғарбда Швеция, ғарб ва жанубда Ботник ва Фин кўрфази сувлари ҳамда Болтик денгизи билан ўралган.

Давлат тузуми. 1919 йилдан бери республика бўлиб, 2000 йилдан буён парламенти Эдискунта ва Риксдаг деб номланади. Парламент 200 аъзодан иборат, унга сайловлар ҳар тўрт йилда бўлиб ўтади. Давлат бошлиғи лавозими учун сайловлар эса ҳар олти йилда ўтказилади. Давлат бошлиғи 2000 йил 1 мартдан Тарйа Налонен. Ҳукумат бошлиғи эса 2003 йил 24 июндан бери Матти Ванханен. Мамлакатда сиёсий партиялар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Suomen Rtkreenf (Zentrum) / KESK.
2. Suomen Sosialidemokraattinen Puolue / SDP.
3. Kansallinen Kokoomus (Миллий Йиғин партияси) / KOK.
4. Vasemmistoliitto (Сўл иттифоқ) / VAS.
5. Vihrea Liitto (Яшиллар) / VIHRE.
6. Svenska Folkpartiet / SFP.
7. Parussuomalaiset / PerUS ва бошқалар.

Тарихи. Ҳозирги Финляндия ҳудудлари эра-миздан олдинги биринчи минг йилликларда фин қабилалари томонидан ишғол қилинган эди. Улар ушбу ҳудудларни ўзаро тақсимлаб олган эдилар, яъни финлар жанубий қирғоқ бўйларида, емлар кўл бўйлари ва текисликларда, кареллар эса шарқдаги ўрмонларда яшар эдилар. 1115–1300 йилларда мамлакат ҳудуди аста-секин шведлар томонидан истило қилинди. 1809 йилдан бошлаб Россия таркибида мухторият ҳуқуқи билан Финляндия Буюк Князлиги тузилди. 1917 йилда мамлакат мустақилликни кўлга киритиб, 1919 йилда республика деб эълон қилинди. 1939–40 йилларда Совет-Фин уруши бўлиб ўтди. 1941–44 йилларда мамлакат Германия томонидан босиб олинди. Урушдан кейин мамлакат бетарафлик сиёсати асосида фаолият юритмоқда.

Финляндия 1955 йил 14 декабрдан буён БМТ аъзоси.

1991 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олган ва 1992 йил 26 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

# ФРАНЦИЯ

**Аҳолиси.** Бугунги кунда мамлакатнинг асосий аҳолиси финлар бўлиб, улар жами аҳолининг 94%ни ташкил қилади. Шу билан бирга, мамлакатда 300.000 га яқин шведлар ҳам истиқомат қилади. Қолганлари эса швед ва финларнинг аралаш оиласидан туғилганлар ҳамда бошқалар.

**Иқтисодиёти.** Финляндия юқори даражада ривожланган саноатлашган мамлакат ҳисобланади. Иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳаси устун бўлиб, унда меҳнатга яроқли аҳолининг деярли 60 %и банд. Мамлакат фойдали қазилмаларга унчалик бой эмас. Титан-магнитит, мис, рух, темир конлари, никел, гранит, мрамор қазиб олинadиган кичик-кичик конлар мавжуд. Лекия хром қазиб олинadиган дунёдаги энг катта конлардан бири Финляндияда. Асосий бойлик мамлакатнинг 65%ини эгаллайдиган ўрмон ва сув ресурслари. Финляндия учун маҳсулотнинг юқори сифатлилиги катта аҳамиятга эга. Балиқ овлаш ҳам ниҳоятда ривожланган. Мамлакатдаги энг катта муаммо ишсизлик бўлиб, 15%ни ташкил этади.

**Валютаси.** 0,895 евро 1 АҚШ долларига тенг. **Ташқи савдода импортнинг** улуши 41,3 млрд. (2003 йил) евро бўлиб, унинг 22,6%ини электротехника ва оптик асбоблар, 11,3%ини кимё маҳсулотлари, 11,1%ини тоғ-кон маҳсулотлари, 10,0%ини машиналар, 9,8%ини транспорт жиҳозлари, 7,7%ини металл маҳсулотлари, 3,4%ини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этади.

**Экспортнинг** улуши эса 52,8 млрд. (2003 йил) евро бўлиб, шундан 27,5%и электроника ва оптик асбоблар, 20,9%и қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, 11,1%и машиналар, 8,9%и металл ва металл маҳсулотлари, 7,1% транспорт маҳсулотлари, 6,3%и кимё маҳсулотларидир.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ мамлакатлари, АҚШ ва Россия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 27.000;

захирадагилар – 435.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 19.200, ҳарбий денгиз флотидида 5.000, ҳарбий ҳаво кучларида 2.800 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. Патруль ва қирғоқ

қўшинларида 9 снарядли кема мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 3.100 кишидан иборат чегара ҳимоячиларидир.

## 145. ФРАНЦИЯ

(Republique Francaise)

**Майдони**.....543 965 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....60 600 000 (2003 йил).

**Пойтахти**.....Париж.

**Катта шаҳарлари**..... Лион, Лилл, Марсел.

**Расмий тили**.....француз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига).** 27480 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....ярим тайёр товарлар, инвестиция, эҳтиёж моллари, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, машинасозлик ва кимё ҳамда авиакосмик маҳсулотлар, автомобиль ва бошқалар.

**Импорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, саноат хом ашёлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқалар.

**Миллий валютаси**.....евро.

**Дини**.....насонийлик, ислом ва яҳудийлик.

**Миллий байрами**..... 14 июль - Бастилиянинг ишғол қилиниши (1789).

**Чегаралари**.....шимоли-шарқда Бельгия ва Люксембург, шарқда Германия, Швейцария, Италия ва Монако, жанубда Испания ва Андорра, ғарбда Атлантика океани ва жануби-шарқда Ўрта ер денгизи билан ўралган.

**Давлат тузуми.** 1875 йилдан бери республика. Бешинчи республиканинг Конституцияси 1958 йилда қабул қилинган ва охириги марта 2000 йилда ўзгартирилган. Парламентининг номи Миллий Йигин дея номланади ва у 577 аъзодан иборат. Улар ҳар беш йилда сайланади. Шу билан бирга, Сенат аъзолари 320 та бўлиб, улар ҳар 9 йилда сайланади. Давлат бошлиғи умумий ва бевосита овоз бериш йўли билан ҳар беш йилда сайланади. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлов ҳуқуқига эга. Давлат бошлиғи 1995 йилдан бери Жак Ширак, ҳукумат бошлиғи эса 2002 йил 6 майдан буён Жан Пьер Раффариндир. Мамлакатда кўплаб сиёсий партиялар бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардир:

Union pour la Majority Presidentielle / UMP.

Parti Socialiste / PS.

Union Pour la Democratie Francaise / UDF.

Parti Communiste Francais / PC.

Parti Radical de Gauche / PRG.

Democratie Liberale / DI ва бошқалар.

**Тарихи.** Франция ҳудудига аҳоли тахминан бир миллион йил олдин келиб ўрнаша бошлаган. 843 йилда франклар империясининг таъназулга юз тутиши ғарбий провинцияларда яшовчи аҳолига мустақил Франция давлати тузиш имконини берди. Тез суръатлар билан ривожланган мамлакат ҳудудида кучли давлат пайдо бўлди ва юз йиллик урушда (1337-1453) Англия устидан узил-кесил галаба қозонди. Кучли мустамлакачи империяга айланган Франция етти йиллик урушда, яъни 1756-63 йиллардаги жангларда ҳолдан тойди ва барча мустамлакаларидан жудо бўлди. 1789 йилда Буюк француз революцияси амалга ошди ва мамлакатда буржуа тизими амал қила бошлади. 1812 йили Наполеон империясининг таъназули мамлакатни дунё сиёсатида яна иккинчи даражага тушириб юборди. 1830-48 йиллардаги буржуа революцияси 1852 йилда империянинг тикланишига ва Франциянинг дунёдаги етакчи мамлакатга айланишига сабаб бўлди. Биринчи жаҳон урушида Германия устидан ва Иккинчи жаҳон урушида гитлерчилар устидан қозонилган галаба бугунги кунда Францияни етакчи мамлакатлардан бирига айлантирди. Мамлакат ЕИ нинг ва Катта саккизликнинг аъзоси.

Франция 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 3 январда тан олган ва шу йилнинг 21 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси,** асосан, французлардан иборат бўлиб, жазоирликлар, португаллар, итальянлар, испанлар ва арманлар ҳам яшайди.

**Иқтисодиёти.** Франция - юқори даражада ривожланган саноатлашган-аграр мамлакат. Иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири давлат монополистик капитализмининг юксак даражасидир. Саноатнинг асосий тармоқларидан бўлган машинасозлик ва авиакосмик жиҳозлар экспорти бўйича мамлакат ғарб давлатлари ичида иккинчи ўринни, кимё саноати маҳсулотлари экспорти бўйича тўртин-

чи ўринни, автомобилсозлик бўйича дунёда учинчи ўринни, озиқ-овқат бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллайди. Умуман олганда, мамлакатда барча соҳа юқори даражада ривожланган.

**Валютаси.** 0,895 евро 1 АҚШ долларига тенг. **Ташқи савдода импортнинг** улуши 388,3 млрд. доллар бўлиб, унинг 31,3%ини ярим тайёр товарлар, 22,0%ини инвестиция, 17,2%ини истеъмол товарлари, 9,7%ни озиқ-овқат ва аграр маҳсулотлар ташкил этади.

**Экспортнинг** улуши эса 384,8 млрд. доллар бўлиб, унинг 30,0%ини ярим тайёр маҳсулотлар, 24%ини инвестициялар, 15,2%ини истеъмол товарлари, 11,9%ини озиқ-овқат ва аграр маҳсулотлар ташкил этади.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ ва АҚШ. Бундан ташқари, мамлакат сайёҳлик ва чет эллик меҳмонлар ташрифидан ҳам каттагина даромад олади.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 259.050;

захирадагилар - 100.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 137.000, ҳарбий денгиз флотида 44.250, ҳарбий ҳаво кучларида 64.000 ва стратегик ядровий кучларда 4.800 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи ўта замонавий. Ядро қуролига ва сунъий йўлдошга эга. 10 та сув ости кемаси мавжуд бўлиб, улардан 4 таси стратегик ва қолган 6 таси тактик сув ости кемаларидир. Шунингдек, 1 та авианосец, 1 та вертолёт ташувчи, 12 та эскадра мина ташувчи ва 20 та қоровул кемасига ҳам эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 35 та патруль кемаси мавжуд.

Ярим ҳарбийлашганлар 101.399 кишидан иборат жандармериядир.

**Ўзбекистон - Франция муносабатлари.** 1992 йил июндан Тошкентда Франциянинг элчихонаси фаолият кўрсатмоқда. 1995 йил мартдан бошлаб эса Парижда Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси ишлаб турибди.

Олий даражадаги ташрифлар:

1. 1993 йил октябрь - Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Францияга давлат ташрифи.

## ХОРВАТИЯ

2. 1994 йил апрель – Франция Президенти Ф.Миттераннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи.  
3. 1996 йил апрель – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Францияга расмий ташрифи.

4. 1996 йил июнь – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва Франция Президенти Ж. Ширакнинг Флоренцияда ЕИ давлатлари раҳбарлари саммитидаги учрашуви.

5. 2002 йил ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва Франция Президенти Ж. Ширакнинг НАТО – СЕАП аъзо давлатларининг Прага саммитидаги учрашуви.

**Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик.** Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. 2004 йилда икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 76,3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 32,5 млн. долларини экспорт ва 43,8 млн. долларини импорт ташкил этади. Ўзбекистонда Франция сармояси иштирокидаги 15 та қўшма корхона ва 100% француз сармояси асосидаги 2 та корхона мавжуд.

**Мадааний-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик.** Икки давлат ўртасида таълим, фан ва маданият соҳасидаги алоқалар йил сайин ривожланиб бормоқда. Икки давлатнинг олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқалар ҳам кенг йўлга қўйилган. Тошкент Иқтисодиёт университети, Бухоро Давлат университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Франциянинг “Париж-Сюд” ва “Париж IV”, “Париж I Пантеон-Сорбонна” каби олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқалар бунга мисол бўла олади. Францияда 1994 йил Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди ва унда икки давлат Президентлари И.А.Каримов ва Жак Ширак иштирок этишди.

### 146. ХОРВАТИЯ

(Croatia, Republic Hrvatska)

Майдони.....56 542 км<sup>2</sup>.  
Аҳолиси.....4 400 000 (2003 йил).

Пойтахти:.....Загреб.  
Катта шаҳарлари.....Сплит, Риека.  
Расмий тили.....хорват тили.  
ЯИМ (аҳоли жон бошига).....9.800 АҚШ доллари (2003 йил).

Экспорт.....кимё маҳсулотлари, кийим-кечак, озиқ-овқат, машина ва транспорт воситалари, электр машиналар ва асбоб-ускуналар, телекоммуникация воситалари, истеъмол товарлари ва тирик ҳайвонлар.

Импорт.....хом ашё, машина ва транспорт жиҳозлари, минерал хом ашёлар, тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари, кимёвий воситалар ва тирик ҳайвонлар.

Миллий валютаси.....куна.

Дини.....насронийлик, ислом.

Мустақиллик куни.....30. 05. 1991.

Миллий байрами.....30 май – Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимоли-ғарбда Словения, шимолда Венгрия, жануби-шарқда Босния ва Герцеговина, шарқда Югославия, ғарб ва жанубда Адриатика денгизи ва Италия билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** 1991 йилдан республика. 1990 йилдан қонунчилик органига эга. Парламентининг номи охириги марта – 2000 йилда Сабор деб ўзгартирилган. У икки палатадан иборат бўлиб, биринчи палатада 151 аъзо, иккинчи палатада эса 63 аъзо фаолият юритади. Сайлов ҳар 5 йилда ўтказилади. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга. Давлат бошлиғи лавозими учун ҳар беш йилда бевосита овоз бериш йўли билан сайлов бўлиб ўтади. Давлат бошлиғи 2000 йил 18 февралдан – Степан Месич. Ҳукумат раҳбари эса 2000 йил 28 январдан – Ивиса Рачан. Мамлакатда сиёсий партиялар кўп бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

Социал-Либераллар партияси, Социал-Демократик партия, Хорватия Демократик Иттифоқи, Ўрта коалиция (Дехқонлар партияси, Халқ партияси, Истрия Демократик Йигини, Либерал партия, Ҳуқуқ партияси, Христиан-Демократик Иттифоқ ва бошқалар.

**Тарихи.** Эраמידан олдинги учинчи асрларда мамлакатнинг ҳозирги ҳудуди Рим империя-

## ХОРВАТИЯ \* ЧЕХИЯ

си таркибига кирган ва кейинчалик бу ерларда славянлар ўтгроқлашиб қолган. Милодий тўққизинчи асрларда илк феодал давлатлар ташкил топа бошлаган. 1102 йилдан бошлаб Хорватия ички ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини сақлаган ҳолда Венгер Қироллигига бўйсунган. XVI-XVIII асрларда Хорватиянинг катта қисми Усманийлар империяси таркибига кирган. Биринчи жаҳон уруши ва Австро-Венгриянинг таназзулга юз тутиши оқибатида Хорватия Серб Қироллиги таркибида бўлган. Фашистлар Германиясининг бу ҳудудларни босиб олиши натижасида Хорватия мустақил давлат сифатида Германия қўл остида бўлган. 1945-91 йилларда Хорватия Югославиянинг олти республикасида бири сифатида унинг таркибида бўлди. 1991 йили мамлакат мустақилликка эришди.

Хорватия 1992 йил 22 майда БМТга аъзо бўлган.

1991 йилнинг 28 декабрида Ўзбекистон мустақиллигини тан олган ва 1995 йил 6 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг** деярли 78 % хорватлар бўлиб, серблар, югославлар, словенияликлар ва венгерларнинг гуруҳлари ҳам мавжуд.

**Иқтисодиёти.** Собиқ Югославия таркибидаги республикалар ичида энг ривожлангани Хорватия ҳисобланар эди. Бироқ низолар келтирган зарар 20 млрд. долларни ташкил этди ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси пасайиб кетди. Саноатнинг етакчи соҳалари - кemasозлик, машинасозлик, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик, ёғочсозлик, электротехника ва бошқалардир. Инкироз давригача сайёҳлик ривожланган соҳа эди. Қишлоқ хўжалигида буғдой, маккажўхори, қанд лавлаги, кунгабоқар ва бошқалар етиштирилади. **Валютаси.** 6,672807 куна 1 АҚШ долларини ташкил этади.

**Ташқи савдода импортнинг** улуши 10.713,5 млн. АҚШ доллари бўлиб, (2003 йил), унинг 34,3% машина ва транспорт жиҳозлари, 9% нефть, 1,7% газ, 11,6% ҳар хил тайёр маҳсулотлар, 7,4% озиқ-овқат, тирик ҳайвонлар ва бошқалардир.

**Экспортнинг улуши** 4898,7 млн. АҚШ доллари бўлиб (2003 йил), унинг 28,5%ни машина ва транспорт жиҳозлари, 20,6%ни ҳар хил тайёр

маҳсулотлар, 10,3%ни кимёвий калий, 9,3%ни минераллар ва бошқалар ташкил қилади.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Италия, Босния - Герцеговина, Германия, Словения, Австрия, Либерия ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 20.800;

захирадагилар - 108.200;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 14.050, ҳарбий денгиз флотидида 2.500, ҳарбий ҳаво ва ҳаво мудофааси кучларида 2.300 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 1 та сув ости кемаси мавжуд, шунингдек, патруль ва қирғоқ қўшинларида 3 та снарядли кема ва 4 та патруль кемаси бор. Ярим ҳарбийлашганлар 10.000 кишидан иборат полициячилардир.

### 147. ЧЕХИЯ

(Czech Republic, Ceska Republika)

**Майдони**.....78 866 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....10 224 000.  
**Пойтахти**.....Прага.  
**Катта шаҳарлари**.....Брно, Острава.  
**Расмий тили**.....чех тили.  
**ЯИМ (аҳоли жоп бошига)**..... 15650 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....энергетика жиҳозлари, дастгоҳлар, электротехника буюмлари, кўмир, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кимёвий маҳсулотлар, ярим фабрикатлар ва хом ашёлар.  
**Импорт**.....нефть, газ, қора металллар, истеъмол товарлари, кимёвий маҳсулотлар ва тирик ҳайвонлар.  
**Миллий валютаси**.....чех кронаси.  
**Дини**.....насронийлик, ислом ва бошқалар.  
**Мустақиллик куни**.....28. 10. 1918; 1. 1. 1993  
**Миллий байрами**.....28 октябрь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....Ғарб ва шимоли-ғарбдан Германия, шимоли-шарқ ва шимолдан Польша, жануби-шарқдан Словения, жанубдан Австрия билан чегарадош.  
**Давлат тузуми.** 1993 йилдан - республика. 1993 йилги Қонунчилик органи охириги марта

2000 йили ўзгартирилди. У икки палатадан иборат бўлиб, биринчи палатаси тўрт йилга сайланадиган 200 депутат ва Сенати олти йилга сайланадиган 81 аъзодан иборат. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга. Давлат бошлиғи лавозими учун ҳар беш йилда сайлов ўтказилади. Давлат бошлиғи 2003 йил 7 мартдан буён Вацлав Клаус, Ҳукумат раҳбари эса 2002 йил 15 июлдан бери Владимир Спидла. Мамлакатда кўппартиявийлик тизими амал қилиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- Социал-демократик партия,
- Демократик фуқаро партияси,
- Коммунистик партия,
- Христиан-демократик Иттифоқ,
- Чехия халқ партияси,
- Озодлик иттифоқи ва бошқалар.

**Тарихи.** Ушбу ҳудудда эрамиздан олдинги IX асрларда чех қабилалари қудратли Богемия Қироллигига асос солишган. Унинг пойтахти бўлган Прага санъат ва фан маркази ҳисобланган. Эрамизнинг 1526 йилига келиб, Австрия Қироллигининг Габсбурглар сулоласи Богемия тахтини эгаллаб олган. Габсбургларга қарши қўзғолоннинг 1620 йилда Оқ тоғлардаги мағлубияти чех ерларининг мустақилликка эришувини яна бир неча асрга суриб юборди. 1918 йилда Австро-Венгриянинг таназзули туфайли Богемия қўшни Словакия билан бирлашди ва мустақил давлат бўлган Чехословакия юзага келди. 1938-39 йилларда у Германия томонидан босиб олинган, «Богемия ва Моравия Протекторати» деб эълон қилинди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакат собиқ Совет қўшинлари томонидан озод қилинди ва ЧССР номини олиб, социалистик қурилиш йўлини танлади. 1960 йилларда мамлакатда демократлашув жараёнлари бошланди ва 1968 йил августда бунга қарши Варшава Шартномаси давлатларининг қўшинлари киритилди ва демократлашув жараёнлари тўхтатиб қўйилди. 1989 йили собиқ Совет ҳукумати бу аралашув асосланмаган ва сиёсий жихатдан хато эканлигини тан олди. 1990 йилларда ҳокимиятга янги сиёсий кучлар келди ва ўзгаришлар бошланди. 1992 йил декабрда ЧСФР федерал йиғилишида федерациянинг ажралиши тўғрисидаги қонун қабул

қилинди ва 1993 йил 1 январда мустақил Чех Республикаси эълон қилинди. Бугунги кунда мамлакат демократик ва бозор иқтисоди йўлидан ривожланиб бормоқда. 2004 йилдан ЕИнинг аъзоси ҳисобланади.

Мамлакат 1993 йил 19 январидан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 24 январда тан олган ва 1993 йилнинг 1 январиди дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Чехия ҳам Японияга ўхшаб бир миллатли мамлакат ҳисобланади. 94% аҳоли чехлардир. Шу билан бирга, словаклар, поляклар ва бошқалар ҳам яшайди.

**Иқтисодиёти.** Чехия саноатлашган мамлакат ҳисобланиб, 1990 йилдан бошлаб бозор иқтисодига ўтиш жараёнлари рўй бермоқда. 1995 йилдан бошлаб иқтисодий ривожланиш жадаллашди. Саноат ҳам ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида, асосан, буғдой, картошка, арпа, қанд лавлаги ва бошқалар етиштирилади. Бундан ташқари, боғдорчилик ва сабзавотчилик ҳам ривожланган. Мамлакат ривожланган транспорт, энергетик ва туристик инфраструктурага эга.

**Валютаси.** 27,631 чех кронаси 1 АҚШ долларига тенг.

**Ташқи савдода импортнинг** улуши 51,3 млрд. АҚШ доллари (2003 йил) бўлиб, унинг 42,4%ини машина ва транспорт ускуналари, 20,6%ини ярим фабрикатлар, 11,1%ини кимё маҳсулотлари, 10,6%ини ҳар хил тайёр маҳсулотлар ва ҳоказолар ташкил этади.

**Савдо шериклари** Германия, Италия, Франция, Словакия, ХХР, Россия.

**Экспортнинг улуши** эса 48,7 млрд. АҚШ доллари (2003 йил) бўлиб, унинг 49,6%ини машина ва транспорт жиҳозлари, 23,3%ини ярим фабрикатлар, 12,1%ини ҳар хил тайёр маҳсулотлар, 3,2%ини озиқ-овқат ва бошқалар ташкил қилади.

**Савдо шериклари** Германия, Словакия, Буюк Британия, Австрия, Польша, Франция ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуроли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 45.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да

36.600 ва ҳарбий ҳаво кучларида 6.700 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. Ярим ҳарбийлашганлар сони 5.600 нафар бўлиб, улардан 4.000 нафари чегара қўшинлари, 1.600 нафари ички хавфсизлик кучлари хизматчиларидир.

## Ўзбекистон - Чехия муносабатлари.

1992 йил Тошкентда Чехия республикаси савдо ваколатхонасини очди ва у 1994 йилнинг 1 ноябрида Чехиянинг Ўзбекистондаги элчихонасига айлантирилди. 2004 йилнинг апрель ойидан бошлаб Чехиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Аleshа Фойтик. Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий муносабатларга 1997 йил 14-16 январда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Чехия Республикасига қилган расмий ташрифи чоғида асос солинди. 1997 йил 27-29 октябрида Чехия Республикаси Бош вазири В. Клаус Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. 2004 йилнинг 8-10 сентябрь кунлари Чехия Президенти Вацлав Клаус яна бир бор Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик икки давлат ўртасидаги "Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида"ги Витимга асосан ривожланмоқда. 2003 йили икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 39,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Унинг 19,8 млн. доллари экспорт ва 19,7 млн. доллари импортдир. Бугунги кунда республикамизда Чехия инвестицияси асосида ташкил этилган 28 та қўшма корхона мавжуд.

Бундан ташқари, маданий ва таълим соҳасида ҳам алоқалар ривожланиб бормоқда. 1994 йили Лидице шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон болалар ижодиёти кўرғазмасида Ўзбекистондан ҳам болалар иштирок этиб, мукофотга сазовор бўлишди. Таълим соҳасида ҳар йили Чехия ҳукумати Ўзбекистон талабаларига Чехия олий таълим муассасаларида ўқиш учун бешта стипендия ажратиб келмоқда.

2003 йилдан бошлаб Ўзбекистон ФА Археология институтини Прага Университетининг Карлова номидаги классик археология институтини билан Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари антик маданиятини ўрганиш йўлида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

## 148. ШВЕЙЦАРИЯ

(Switzerland, Swiss Confederation)

**Майдони**.....41 300 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....7 300 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Берн.  
**Катта шаҳарлари**.....Цюрих, Женева, Базел, Лозанна.  
**Расмий тили**.....немис, француз ва италия тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...32 030 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....машинасозлик маҳсулотлари, соат, аниқ асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, кимёвий воситалар, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Импорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, хом ашё, озиқ-овқат ва жиҳозлар, тўқимачилик, оёқ кийимлар.  
**Миллий валютаси**.....Швейцария франки.  
**Дини**.....насронийлик, ислом, яҳудийлик.  
**Мустақиллик куни**.....22. 9. 1499, 24. 10. 1649.  
**Миллий байрами**.....1 август (1291).  
**Чегаралари**.....ғарб ва шимоли-ғарбда Франция, шимолда Германия, шарқда Австрия ва Лихтенштейн, жануб ва жануби-шарқда Италия билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. 1848 йилдан парламентар Федерал республика, яъни Конфедерация. 2000 йил 1 январдан парламент Федерал Йиғин деб юритила бошлаган. У икки палатадан иборат бўлиб, 200 аъзодан иборат Миллий Кенгаш ва 46 аъзодан иборат Юқори Кенгашдан ташкил топган. Сайловлар ҳар тўрт йилда ўтказилади. Мамлакатни Парламент ва ҳукумат раиси (Паскал Коухепин) бошқаради. Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат маъмурий бошқарилишига кўра Кантонларга (Федерал ҳудудларга) бўлинади (бунда тўлиқ Кантонлар ёки ярим Кантонлар бор). Кантонлардан сайланган вакиллар Парламентда алоҳида мақомга эга ва бевоқиф давлат бошқарувида иштирок этади.  
**Мамлакатда кўплаб сиёсий партиялар бўлиб**, уларнинг асосийлари қуйидагилар: Социал-демократик партия, Швейцария Халқ партияси, Либерал-Демократик партия,

Христиан-демократик Халқ партияси, Яшиллар партияси, Либерал партия, Ишчилар партияси, Эвангелий Халқ партияси, Швейцария демократлари, Озодлик партияси ва бошқалар.

**Тарихи.** Икки минг йиллар олдин римликлар гелветлар яшайдиган бу ҳудудни босиб олган ва уни Гелвеция провинцияси дея атаган. Ушбу ном ҳозиргача Швейцария танга ва почта конвертларида босилади. 1291 йилда Ури, Унтервалден ва Швиц кантонлари Габсбургларга қарши курашиш учун “Доимий иттифоқ” ҳақидаги шартномани имзоладилар. Швиц Кантони номи мамлакатнинг тарихий номи бўлиб қолди. Кейинчалик иттифоқ сафига немис, француз ва италян тилларида гапирадиган кўшнилари қўшиб олинди. Бир неча урушлардан кейин 1648 йили Рим империяси ушбу мамлакатнинг мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди. 1815 йилдан бошлаб мамлакат ўзининг доимий нейтралитетини эълон қилди ва биронта ҳам урушда қатнашмади. Тинчлик ва барқарорлик йиллари мамлакатнинг гуллаб-яшнашига ва дунёнинг банк марказига айланишига сабаб бўлди. Кейинги вақтларда мамлакат Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун ҳаракат қилмоқда.

Мамлакат 2002 йил 10 сентябрида ВМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 23 декабрда тан олган ва 1992 йил 7 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Мамлакатнинг туб аҳолиси тўрт этник гуруҳдан ташкил топган. Немис-швейцарлар, француз-швейцарлар, италян-швейцарлар ва ретороманлар. Шу билан бирга, мамлакатда 1,3 млн. ажнабийлар ҳам истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Швейцария Европанинг энг ривожланган ва бой мамлакатларидан бири ҳисобланади. У дунёдаги энг катта ва ривожланган банк тизимига эга бўлиб, бу мамлакатнинг барқарор ва жадал суръатлар билан ривожланишига имкон яратмоқда. Мамлакатда энг сифатли ва қимматбаҳо маҳсулотлар - соатлар, асбоб-ускуналар ва бошқалар ишлаб чиқарилади ҳамда экспорт қилинади. Мамлакат аҳолисининг 60,5%и хизмат кўрсатиш, савдо, таълим ва бошқарувда банд. Ишлаб чиқаришдаги асосий соҳа металлларга

ишлов бериш, машинасозлик, дастгоҳ ва ускуналар ишлаб чиқариш, кимё, электроника, озиқ-овқат, транспорт воситалари, биокимёвий тармоқ ва бошқалар. Чет эл сайёҳларига хизмат кўрсатувчи замонавий мажмуалар мавжуд.

**Валютаси.** 1,3705 Швейцария франки 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 86,3 млрд. АҚШ доллари бўлиб, унинг 22,1%и кимёвий маҳсулотлар, 21,1%и машина, аппаратлар ва электроника, 10,4%и транспорт, 7,0%и тўқимачилик, кийим-кечак, оёқ кийимлар, 6,6%и соатлар ва бошқалардир.

Экспорт эса 100,5 млрд. АҚШ доллари бўлиб, унинг 34,4%ини кимёвий маҳсулотлар, 24,3%ини машина, апаратуралар ва электроника, 8,2%ини соатлар, 2,9%ини кийим-кечак ва бошқалар ташкил этади.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония, ХХР.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 4.400;

захирадагилар – 170.600;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 115.000 (ҳарбий хавфсизлик кучларидан бошқа барча кучлари фаол эмас), ҳарбий ҳаво кучларида 26.000 киши мавжуд.

Қурол-яроғи замонавий эмас.

Ярим ҳарбийлашганлар 120.000 кишидан иборат фуқаро мудофаасидир (қуролли кучлар бўлинмаси эмас).

## 149. ШВЕЦИЯ

(Kingdom of Sweden  
/Konungariket Sverige)

**Майдони**.....449 964 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....9 000000 (2003 йил).

**Пойтахти**.....Стокгольм

**Катта шаҳарлари**.....Гётеборг, Малмё.

**Расмий тили**.....швед тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..26 620 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....ёғочсозлик саноати маҳсулотлари (қоғоз, картон, целлюлоза ва бошқалар), машина ва жиҳозлар, темир рудаси ва пўлат.

## ШВЕЦИЯ

**Импорт**.....саноат маҳсулотлари, нефть ва нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат ва бошқалар.

**Миллий валютаси**.....швед кронаси.

**Дини**.....насеронийлик, ислом ва яҳудийлик

**Миллий байрами**.....6 июнь - Байроқ қабул қилинган кун.

**Чегаралари**.....гарбда Норвегия, шимоли-шарқда Финляндия, шарқ ва жанубда Болтиқ денгизи билан ўралган, жанубда Эресунн, Каттегат ва Скагеррак бўғозлари уни Даниядан ажратиб туради.

**Давлат тузуми.** 1809 йилдан бери парламентар монархия. 1975 йилдан буён парламенти Риксдаг деб номланади ва 349 депутатдан иборат. Сайлов ҳар тўрт йилда ўтказилади, 18 ёшга кирган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга. 1973 йилдан буён давлат бошлиғи - Қирол Густав Карл XV. Ҳукумат раҳбари - Гуран Перссон. Мамлакат сиёсий партиялари қуйидагилардир:

Sveriges Socialdemokratiska Arbetarepartiet.

Moderata Samlingspartiet.

Folkpartiet Liberalirna.

Kristdemokratiska Samhallspartiet.

Vansterpartiet ва бошқалар.

**Тарихи.** Қутбда яшайдиган саамлар Швециянинг қадимги халқлари авлодларидир. 2 минг йиллар олдин бу ерларга немис қабилалари келиб ўрнашган ва улардан шведлар тарқалган. Тўққизинчи асрлардан бошлаб бу ерларга, яъни Европа ҳудудларидан Россияга қадар швед-викинглари келиб ўрнаша бошлаб ўз шаҳар-қишлоқларига асос солганлар. X асрларда Швеция давлати юзага келган ва урушлардан заифлашиб қолганидан сўнг Дания таркибига кирган (Дания Норвегия ва Швецияни ўз таркибига қўшиб олган). 1523 йилга келиб Қирол Густав Ваза мамлакат мустақиллигини таъминлаган. XVII асрда Густав Адолф, Қирол Карллар даврида Швеция Шимолий Европанинг энг қудратли мамлакатларидан бирига айланган. 1818 йилга келиб Парламентнинг қисқагина бошқарувидан сўнг швед тахти Жан Батист Бернадотга ўтди ва у бирмунча чекланган ҳокимиятга эга бўлди. Бугунги кунда мамлакат демократик сайланган Парламент томонидан бошқарилади. XX аср

бошларида Швеция ўзининг нейтраллигини эълон қилди, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларида қатнашмади. Швециянинг дунё ҳамжамияти олдидаги обрўи ошишига сабаблардан яна бири унинг инсон ҳуқуқлари, қуролсизланиш ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирларда фаол иштирокидир. 1995 йилдан бери Швеция ЕИнинг аъзосидир.

Швеция 1946 йил 19 ноябридан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 16 январда тан олган ва шу йилнинг 8 апрелида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Аҳоли миллий таркибининг 93% шведлардир. Мамлакатда кўплаб чет элликлар ҳам истиқомат қилади. Улар ичида собиқ Югославия фуқаролари, шведлар, норвеглар, данияликлар, турклар ва бошқалар бор.

**Иқтисодиёти.** Швеция дунёнинг энг ривожланган 20 мамлакати сафига киради. Мамлакатда саноат ва ишлаб чиқариш юқори даражада ривожланган. Иқтисодиётда хусусий капитал етакчилик қилади. Мамлакат ўрмон ва гидроресурсларга, темир, уран, мис, рух каби конларга жуда бой. Бунинг натижасида машинасозлик, қоғоз ишлаб чиқариш, кимё ва озиқ-овқат саноати ривожланган. Саноат маҳсулотларининг 45%и экспорт қилинади.

**Валютаси.** 8,0375 швед кронаси 1 АҚШ доллариغا тенг.

**Танқи савдода импортнинг** улуши 82,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади (2003 йил). Унинг 46,1%и машиналар, 11,9%и кимёвий маҳсулотлар, 8,2%и нефть ва нефть маҳсулотларидир. Импортдаги савдо шериклари: Германия, Буюк Британия, Норвегия, Дания, Финляндия, Нидерландия, Франция ва бошқалар.

**Экспортнинг улуши** эса 101 млрд. АҚШ доллари бўлиб (2003 йил), унинг 50,8%и машиналар, 12,0%и кимё маҳсулотлари, 10,2%и қоғоз ва қоғоз буюмлари, 5,0%и темир ва пўлат. Экспортдаги савдо шериклари эса АҚШ ва ЕИ давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 27.600;

захирадагилар - 262.000;

шундан, армия (куруқлик қўшинлари)да 13.800, ҳарбий денгиз флотига 7.900, ҳарбий ҳаво кучларида 5.900 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 7 та сув ости кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 18 снарядли кема ва 18 та патруль кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 600 кишидан иборат қирғоқ ҳимоячиларидир.

## 150. ЭСТОНИЯ (Republic of Estonia)

**Майдони**.....45 227 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....1 364 000 киши.  
**Пойтахти**.....Таллинн.  
**Катта шаҳарлари**.....Тарту, Нарва.  
**Расмий тили**.....эстон тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....10 900 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва маиший буюмлар, ёғочсозлик маҳсулотлари.  
**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат, металл ва тўқимачилик маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**.....Эстония кронаси.  
**Дини**.....насронийлик, ислом ва яҳудийлик.  
**Мустақиллик куни**.....30.3.1990.  
**Миллий байрами**.....24 февраль - Эстония Республикаси ташкил топган кун (1918).  
**Чегаралари**.....шарқда Россия, жанубда Латвия билан чегарадош, шимол ва ғарбда Балтиқ денгизи билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. 1991 йилдан республика. 1992 йилдан қонунчилик органига эга. Парламенти 101 аъзодан иборат ва унга сайловлар ҳар тўрт йилда ўтказилади. Давлат бошлиғи лавозими учун сайлов ҳар беш йилда ўтказилади. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга. 2001 йил 8 октябрдан давлат бошлиғи Арнолд Руутел, ҳукумат бошлиғи 2003 йил 4 апрелдан Юван Партс. Мамлакатда, асосан, олтита сиёсий партия бўлиб, улар қуйидагилардир:  
 Keskerakond (Zentrum).  
 Res Publika.  
 Reformierakond.

Eastimaa rahvaliit.

Isamaaliit.

Rahvaerakond Moodukad ва бошқалар.

**Тарихи**. Ҳозирги эстонларнинг аجدодлари бу ерларда минг йиллар олдин ўрнашганлар (фин-угорлар ва эстолар). XVII асрда тевтон рицарлари ва салб юриши иштирокчилари маҳаллий аҳолини насронийликка жалб қилганлар. IX асрда бу қабилалар Қадим рус давлати билан алоқа ўрнатганлар ва Киев Руси таркибига кирганлар. XVI асргача бу ҳудудлар Германияга тегишли бўлган ва кейинги 200 йилда Швеция ҳукмронлиги остида бўлган. 1721 йилдан бошлаб Россия таркибига қўшиб олинган. Кейинги асрларда бир неча марта мустақил ёки автоном ҳудуд бўлиши билан бирга 1940 йилда собиқ СССР таркибига қайта қўшилган ва 1990 йил 8 майда мустақил Эстония Республикаси деб эълон қилинган. Бугунги кунда мамлакат ЕИга аъзо бўлди.

Мамлакат 1991 йил 17 сентябридан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 20 февралда тан олган ва 1994 йилнинг 25 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 64,2%и эстонлар**, бундан ташқари, руслар, украинлар, белоруслар ва бошқалар бор.

**Иқтисодиёти**. Эстония саноатлашган-аграр давлат бўлиб, саноатининг асосий тармогини енгил ҳамда озиқ-овқат саноати, ёғочсозлик, кема таъмирлаш, машинасозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигида, асосан, гўшт ва сут, буғдой етиштирилади.

**Валютаси**. 13,68611 эстония кронаси 1 АҚШ долларини ташкил этади.

**Ташқи савдода импортнинг улуши 8 млрд. АҚШ доллари (2003 йил)**. Унинг 29,7%ини машина ва жиҳозлар, 10,8%ини транспорт воситалари, 9,7%ини аграр маҳсулотлар ва озиқ-овқатлар, 9,0%ини металл ва металл маҳсулотлари, 8,2%ини тўқимачилик, 7,3%ини кимё маҳсулотлари ташкил қилади. Импортдаги савдо шериклари ЕИ давлатлари ва Россия. **Экспортнинг улуши эса 5,6 млрд. АҚШ доллари (2003 йил) бўлиб**, унинг 24,8%ини машина ва жиҳозлар, 12%ини тўқимачилик ва

# АРМАНИСТОН

кийим-кечак, 8,8%ини мебеллар, 8,3%ини аграр маҳсулотлар ва ҳоказолар ташкил қилади. Экспортдаги савдо шериклари ЕИ давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 4.980;

захирадагилар – 24.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 4450, ҳарбий денгиз флотиди 335, ҳарбий ҳаво кучларида 195 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 1 корвет ва 2 патрул кемаси мавжуд. Ярим ҳарбийлашганлар 2.600 киши бўлиб, уларнинг барчаси чегара қўшинларида хизмат қилади. Уларда қирғоқ қўшинлари вазифасини ҳам бажариш учун 20 патруль кемаси мавжуд.

## ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ

### 151. АРМАНИСТОН

(Republic of Armenia,  
Haikakan Hanrapetoutioun)

Майдони.....29 800 км<sup>2</sup>.

Аҳолиси.....3 336 000 киши.

Пойтахти.....Ереван шаҳри.

Катта шаҳарлари.....Гюмри, Ванадзор.

Расмий тили.....арман тили.

ЯИМ (аҳоли жон бошига)..... .570 АҚШ доллари.

Экспорт.....техник олмослар, металллар, механизм ва ускуналар, бренди коньяклари ва мис рудалари.

Импорт.....табiiй газ, нефть, тамаки маҳсулотлари, озиқ-овқат ва олмослар.

Миллий валютаси.....Арманистон драми.

Дини.....насронийлик (монофисийлик).

Мустақиллик куни.....23.09.1991.

Миллий байрами.....23 сентябрь - Мустақиллик куни.

Чегаралари.....шимолда Грузия, шимоли-шарқ ва шарқда Озарбайжон, жанубда Эрон, гарбда Туркия билан чегарадош. Давлат тузуми. Арманистон демократик республикаси Кавказортининг жанубий қисми-

да жойлашган давлат. Унда 37 та туман, 27 та шаҳар, 31 та шаҳарча бор. Давлат бошлиғи – президент. Қонун чиқарувчи олий органи – Миллат мажлиси (1995 йилдан). Олий ижроия ва фармойиш берувчи органи – Вазирлар Кенгаши.

**Сиёсий партиялари ва жамоат ташкилотлари.** Арманистонда 20 дан ортиқ сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Булар: Арманистон умуммиллий ҳаракати, Либерал-демократик партия, Республика партияси, Христиан-демократик партия, Миллий-консерватив партия, Миллий уйғониш партияси, Миллий ўзликни англаш бирлашмаси, Конституцион ҳуқуқ иттифоқи, Миллий-демократик иттифок, Арманистон миллатпарвар партияси ва бошқалар. Жамоат ташкилотлари: Касаба уюшмалари конференцияси, Умумарман «Айастан» жамғармаси, Республика хотин-қизлар кенгаши ва бошқалар.

Мамлакат 1992 йилнинг 2 мартидан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 6 февралда тан олган ва дипломатик муносабатлар 1995 йил 27 октябрда ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Арманистоннинг асосий аҳолиси – арманлар (3 млн.дан ортиқ). Руслар, курдлар, грузинлар, украинлар ҳам яшайди. Аҳолининг 69,5% шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Арманистон саноатлашган ва кўп тармоқли қишлоқ хўжалиғи ривожланган мамлакат. Ялпи ички маҳсулот тизимида саноатнинг улуши 48,3%, қишлоқ хўжалиғининг улуши 25,7%ни ташкил этади.

**Валютаси.** 554,29 арман драми 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 913 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 284 млн. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Туркия, Россия, АҚШ, Эрон, Туркменистон, Грузия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 44.874;

захирадагилар – 210.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 41.714, ҳарбий ҳаво ва авиация мудофааси кучларида 3.160 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 1000 кишидан

# АФҒОНИСТОН

иборат ярим ҳарбийлашган ички ишлар вазирлиги ва чегара кўшинлари хизматчилари бор. **Табиати.** Арманистон – тоғли мамлакат, рельефи мураккаб, паст-баланд. Худудининг 90%га яқини денгиз сатҳидан 1000 м. дан баланд. Ер юзасининг денгиз сатҳидан энг юқори нуқтаси 4090 м. (Арагац тоғи), энг паст нуқтаси 350 м. Республиканинг шимоли ва шимоли-шарқда Кичик Кавказ тизмаси, жанубида Арманистон ясситоғлиги бор. Республика субтропик минтақада жойлашган. Жануби-шарқ ва шимоли-шарқда иқлими қуруқ субтропик. Дарёларининг кўпи Аракс дарёси ирмоқларидир, фақат Арманистон шимолидаги дарёлар Кура дарё тизимига киради, дарёларида кема қатнай олмайди. Юздан ортиқ майда кўл бор. Энг каттаси – Севан.

## 152. АФҒОНИСТОН

Афғонистон Ислом Республикаси  
(Islamic Republic of Afghanistan)

**Майдони**.....652 225 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....28 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Қобул шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Мозори Шариф, Қандаҳор, Хирот, Жалолобод, Қундуз, Бағлон.  
**Расмий тили**.....пушту ва дарий.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 800 АҚШ доллари.  
**Экспорт**.....афюн, мевалар, ёнғоқ, гиламлар, жун, пахта, чарм ва тери, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар.  
**Импорт**.....ишлаб чиқариш воситалари, озиқ-овқатлар ва нефть маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари.  
**Миллий валютаси**.....афғоний.  
**Дини**.....ислом.  
**Мустақиллик куни**.....19. 08. 1919.  
**Миллий байрами**.....19 август – Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....шимолда Туркманистон, Ўзбекистон ва Тожикистон, шарқ ва жанубда Хитой ва Покистон, ғарбда Эрон билан чегарадош.  
**Давлат тузуми.** Жануби-ғарбий Осиёнинг энг чекка шарқий қисмида жойлашган мамлакат. Географик ўрнига кўра, Ўрта Шарқ мамлакатлари қаторига ҳам киритилади. Афғонис-

тон маъмурий-худудий тузилиши жиҳатидан 31 вилоятга бўлинади.

Афғонистон 1946 йил 19 ноябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 22 декабрда тан олган ва 1992 йил 13 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. **Аҳолиси.** Афғонистон – кўп миллатли мамлакат. Унда турли тил гуруҳига кирадиган 30 дан ортиқ халқ яшайди. Аҳолининг деярли ярми афғон (пуштун)лар (8 млн. дан ортиқ киши), тожиклар (4,5 млн.), ўзбеклар (3 млн. га яқин), ҳазоралар (1,5 млн. дан ортиқ), туркманлар, қирғизлар, чораймоқлар, белужлар ҳам бор. Аҳолининг ўртача зичлиги – 1 км<sup>2</sup>га салкам 30 киши. Аҳолининг 85% ислом динининг суннийлик ва 15% шиалик йўналишларига мансуб. Аҳолининг 18% шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Афғонистон – аграр мамлакат. Унинг хўжалиги кўп укладли. Мамлакатнинг шимолий вилоятларида, Қобул атрофларида ҳамда Қандаҳор ва Хирот вилоятларида капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари бир оз ривожланган. Афғонистон иқтисодий жиҳатдан дунёда энг қолоқ ва камбағал мамлакатларнинг биридир. Ялпи миллий маҳсулотнинг 4/5 қисми қишлоқ хўжалигидан олинади.

**Валютаси.** 4.700 афғоний 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 150 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 80 млн. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Россия, Покистон, Эрон, Япония, Сингапур, Хиндистон, Жанубий Корея.

**Ҳарбий салоҳияти.** Армия (қуруқлик кўшинлари)да тахминан 60 – 70.000, ҳарбий ҳаво кучларида тахминан 8.000, чегара кўшинларида тахминан 12.000, полицияда тахминан 50.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас.

**Табиати.** Афғонистон худудининг 4/5 қисмини тоғлар ва ясситоғлиқлар эгаллаган. Шимоли-ғарбида Паропамиз, Сафедкўҳ, Банди Туркистон, шимоли-шарқда Хиндикуш тоғи тизмалари бор. Афғонистон худудининг катта қисми қуруқ субтропик иқлим минтақасида жойлашган бўлиб, иқлими континентал. Ёзи

иссиқ ва қуруқ, қиши илиқ, тоғларда совуқ. Катта дарёлари – Амударё ва унинг ирмоғи – Панж ҳамда Хилманд, Фаррохруд, Ҳерируд, Мурғоб ва бошқалар. Қобул дарёси Ҳинд океани ҳавзасига қуйилади.

**Ўзбекистон – Афғонистон муносабатлари.**

**1. Сиёсий соҳада.** Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йилнинг октябрь ойида ўрнатилган. 1982 йилдан буён Тошкентда фаолият кўрсатиб келган Афғонистон бош консуллиги 1992 йилнинг октябрида мазкур давлатнинг элчихонасига айлантирилди. Ўзбекистон Республикасининг консуллик ваколатхонаси эса 1992 йилда Афғонистоннинг Мозори-Шариф шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган эди. Афғонистонда жанговар ҳаракатлар бошланиши ҳамда Толибон гуруҳининг ҳукумат тепасига келиши (1996 йил) натижасида фаолияти тўхтатилган мазкур консуллик ваколатхонаси 2002 йилнинг 15 январь куни қайтадан очилди. 2002 йилнинг август ойида Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги алоқалар ҳамisha ўзаро ҳурмат ва ишонч, дўстлик, яхши қўшничилик, тенг манфаатли ҳамкорлик ҳамда ички ишларга аралашмаслик тамойилларига асосланган ҳолда ривожланиб келган. 2002 йилнинг 4-5 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таклифига биноан Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳ.Карзай Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Ташриф якуналари юзасидан Қўшма баёнот қабул қилинди. Мазкур баёнотга мувофиқ, томонлар Афғонистон иқтисодини тиклаш ва ободончилиги йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлган сув, электр энергияси, газ, нефть, қишлоқ хўжалиги, йўл қурилиши, транспорт, соғлиқни сақлаш, шифо масканларини барпо этиш, мутахассислар тайёрлаш ва маориф соҳаларида ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. 2002 йилнинг ноябрь ойида Афғонистон Ташқи ишлар вазири доктор А.Абдуллонинг Ўзбекистонга ташрифи бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, геология, қурилиш каби соҳаларда икки томонлама ҳамкор-

ликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Ўзбекистон 2002 йилнинг 22 декабрь куни «Яхши қўшничилик тўғрисида»ги Қобул Декларациясини имзолади ва жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистонни қайта тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини изҳор этди. 2003 йилнинг 23 сентябрида Дубай шаҳрида Қобул декларацияси имзочилари иштирокида минтақада транзит ва ўзаро савдо-сотиқни ривожлантириш борасидаги ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши Ўзбекистон икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга жиддий аҳамият бераётганини кўрсатади. 2003 йил 8-9 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С.Сафоевнинг Қобулга расмий ташрифи бўлди. Ташриф давомида ҳайъат раҳбари Афғонистон Ислом Давлати Президенти Ҳ.Карзай ва бир қатор афғон расмий доиралари вакиллари билан музокаралар олиб борди. Музокараларда Ўзбекистоннинг афғон иқтисодини тиклаш жараёнидаги иштирокини фаоллаштириш, икки давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ташриф мобайнида икки давлат ўртасида «Темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик» ва «Савдо-иқтисодий ҳамкорлик» тўғрисидаги битимлар имзоланди. 2004 йилнинг 28-31 август кунлари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати Ташқи ишлар вазири Абдулло Абдуллонинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида ўзбек-афғон муносабатларининг бугунги аҳволи, уларни ривожлантириш истиқболлари, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, минтақа хавфсизлигини таъминлаш, терроризм ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши биргаликда курашиш, афғон иқтисодини тиклаш жараёнида Ўзбекистон иштирокини янада кенгайтириш ҳамда бошқа долзарб халқаро ва минтақавий масалалар муҳокама этилди. 2004 йил 7 декабрь куни Ҳ.Карзайнинг инаугурация маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С.Сафоев иштирок этди.

**2. Иқтисодий соҳада.** Ҳ.Карзай бошчилигидаги Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати ҳуку-

мати ҳокимиятга келганидан сўнг Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Афғонистонга кўрсатилаётган ёрдам самарадорлигини таъминлаш мақсадида 2001 йилнинг 16 декабрь кунини «Хайратон» кўпригини очиш тўғрисида қарор қабул қилди. 2002 йилнинг 27-30 январь кунлари Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси ўринбосари Х.М.Муҳаққеқ бошчилигидаги делегациянинг Тошкентга ташрифи чоғида нефть, электр энергияси, ирригация, транспорт ва йўл қурилиши соҳаларида ҳамкорлик қилишга оид вазирликлараро дастлабки келишув ҳужжатлари имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига мувофиқ, 2002 йилнинг бошидан Афғонистоннинг шимолий ҳудудларига электр қуввати узатиш тикланди. 2002 йилнинг 26 декабрида Афғонистон транспорт инфратузилмасини тиклаш мақсадида Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон мутахассислари иштирокида Духорун - Хирот - Термиз йўлини қуриш бўйича Тошкент шаҳрида уч томонлама музокаралар ўтказилди. Мозори-Шариф - Қобул йўлини тиклаш бўйича лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон фаол иштирок этмоқда. Жумладан, мазкур йўналишда уруш вақтида вайрон бўлган 10 та кўприкни қайта тиклаш ишлари Ўзбекистон мутахассислари томонидан амалга оширилди ва фойдаланишга топширилди. 2003 йилнинг 21-23 январь кунлари Афғонистон савдо вазири С.М.Козимий бошчилигидаги Афғонистон хайъатининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Афғонистон Ўтиш Ислон Давлати ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо-сотик тўғрисидаги келишувлар ҳақида англашув меморандуми имзоланди. Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ўтиш Ислон Давлати ўртасида Транзит юк ташиш ҳамда Савдо битими матилари ўша йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида мувофиқлаштирилди. 2003 йилнинг 17-18 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Эронга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон, Афғонистон ва Эрон ўртасида халқаро трансфғон йўлагини барпо этиш бўйича уч томонлама битим имзоланди. Бугунги кунда томонлар

мазкур битимни амалга ошириш мақсадида уч томонлама Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш масаласини кўриб чиқмоқдалар. 2003 йилнинг сентябрь ойида Афғонистон халқ манфаатлари вазири Абдулла Али Ўзбекистонга ташриф буюрди ва Ўзбекистоннинг мутасадди вазирликлари ва идоралари раҳбарлари билан Афғонистонда транспорт инфратузилмаларини қайта тиклаш, кўприклар қуриш ҳамда Термиз - Мозори-Шариф - Маймана - Хирот автомобиль йўли қурилишига ўзбек мутахассисларини жалб қилиш масалаларини муҳокама этди. 2003 йилнинг октябрь ойида Афғонистон Сув ва энергетика вазирлиги мутахассисларидан иборат хайъат ва Афғонистон транспорт вазири Саид Муҳаммад Али Жовид бошчилигидаги расмий делегация Ўзбекистон вазирликлари ва идоралари томонидан қабул қилинди. Музокаралар давомида Афғонистонга электр энергиясини узатишни давом эттириш, ушбу мамлакатдаги электр тармоқлари иншоотларини қайта тиклаш, Афғонистон транспорт вазирлигининг Термиз шаҳрида ваколатхонасини очиш ҳамда Термиз - Хайратон - Мозори-Шариф йўналишида темир йўл шохобчасини қуриш масалаларини муҳокама этди. 2003 йилнинг 9 ноябрь кунини Термиз чегара ҳудудида жойлашган Айритом божхона мажмуаси расмий равишда ишга туширилди. Ушбу мажмуанинг ишга туширилиши Афғонистонга мўлжалланган юкларни қисқа вақт ичида расмийлаштириш ва белгиланган манзилга етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади. 2004 йил 6-7 июль кунлари Афғонистонга Ўзбекистон ҳукумат хайъати ташриф буюрди. Бўлиб ўтган музокаралар натижасига кўра, Андхой-Хирот автомобиль йўлини қайта қуриш ва таъмирлаш бўйича ҳамкорлик ҳусусида ҳукуматлараро Битим имзоланди. 2005 йилнинг 2-6 январь кунлари Афғонистон Ислон Республикаси халқ манфаатлари вазири С.А.Сафарий Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф чоғида трансфғон транспорт йўлагини барпо этиш бўйича Давлатлараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди (Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон) ва ушбу транспорт тизимини шакллантириш бўйича Давлатлараро Мувофиқлаштириш Кенгашининг Низомини қабул

қилинди. 2002 йили Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 61,69 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 61,5 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон экспортига ва 0,19 млн. АҚШ доллари импортга тўғри келди. 2003 йилнинг январь-март ойларида икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 16,46 млн. АҚШ доллари миқдорида бўлиб, Ўзбекистоннинг Афғонистонга экспорти 16,43 млн. АҚШ доллари ва импорти 0,03 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Ижобий сальдо 16,4 млн. АҚШ доллари ҳажмида қайд қилинди. Экспортда электр энергияси, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, қора металл ва ундан ишланган маҳсулотлар, йўл-транспорт воситалари, мебель, хизматлар, сабзавот, туз, олтингугурт, алкогольсиз ичимликлар, гўшт, турли озиқ-овқат маҳсулотлари, ўғитлар ва бошқалар асосий ўрин эгаллади. Импортнинг асосий қисмини мевалар, ёнғоқ, зайтун уруғи ва меваси ташкил этди. Ўзбекистонда Афғонистон ишбилармон доиралари иштирокида ташкил этилган 122 та корхона рўйхатдан ўтказилган бўлиб, улардан 39 таси 100% афғон сармоysi ҳисобига фаолият кўрсатади.

**3. Маданий ва гуманитар соҳада.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 28 август куни Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида Алишер Навоий мақбарасини қуриш ва унга ёндош худудни обод этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Афғонистон ҳукумати мақбарани тиклаш бўйича Ўзбекистон томонидан тайёрланган лойиҳага жузъий ўзгартиришлар киритишни ва уни «Мусалло» мажмуасида жойлашган бошқа тарихий обидаларга уйғун равишда амалга оширишни илтимос қилди. Афғонистоннинг ғарбий вилоятларидаги вазиятнинг кескинлашуви муносабати билан қурилиш ишлари вақтинча тўхтатилган эди. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг мазкур минтақасида вазият барқарорлашганлиги сабабли Алишер Навоий мақбарасини ободонлаштириш ишларини бошлаш режалаштирилган. Ўтган давр давомида Ўзбекистон худуди орқали Афғонистонга 2,5 млн. тоннадан зиёд инсонпарварлик юклари етказиб берилди.

## 153. БАНГЛАДЕШ

(People's Republic of Bangladesh, Gana Prajatani Bangladesh)

**Майдони**.....144 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....136 млн. (2002 йил).  
**Пойтахти**.....Дакка шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Читтагонг, Кхулна.  
**Расмий тили**.....бенгал ва инглиз тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...1720 АҚШ доллари. (2002 йил).  
**Экспорт**.....кийим-кечаклар, жун буюмлари, чарм, музлатилган балиқ ва денгиз маҳсулотлари.  
**Импорт**.....механизм ва жиҳозлар, кимёвий воситалар, темир ва пўлат, газламалар, пахта хом ашёси, озиқ-овқат, нефть ва нефть маҳсулотлари, цемент.  
**Миллий валютаси**.....така.  
**Дини**.....ислом, ҳиндуизм ва бошқалар.  
**Мустақиллик куни**.....16. 12. 1971.  
**Миллий байрами**.....26 март - Мустақиллик куни  
**Чегаралари**.....ғарб, шимол ва шарқда ва Мьянма, жанубда Бенгал денгизи ва Ҳинд океани билан ўралган.  
**Давлат тузуми.** Бангладеш унитар республикаси Жанубий Осиёдаги давлат. Ҳинд океанининг Бенгалия қўлтиғи бўйида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 4 вилоятга бўлинади, улар 19 округ (дистрикт)ни ўз ичига олади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. 1972 йилги конституцияга биноан давлат бошлиғи – президент. Бангладешда бир палатали парламент – Миллий мажлис иш олиб боради. Унинг 330 депутати мамлакат президенти каби 5 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятини президент ҳукумат билан биргаликда бошқаради.  
**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Бангладеш Ишчи-деҳқон халқ лигаси; Халқ лигаси; Бангладеш миллий партияси; Миллий халқ партияси; Миллий партия. Миллий ишчи лигаси касаба уюшмаси бирлашмаси; Ишчи ва хизматчиларнинг бирлашган кенгаши; Банг-

ладеш касаба уюшмалари маркази. Бангладеш 1974 йил 17 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган ва 1992 йил 15 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 98%и** бенгаллар. Бихарлар, санталлар, мунда, ораон, сакма, марма, кхас каби элатлар ҳам яшайди. Аҳолининг 85%и мусулмон. Бангладеш туғилиш ва аҳолининг зичлиги жиҳатидан дунёда энг юқори ўринлардан бирида туради. Шаҳар аҳолиси 24%ни ташкил этади.

**Иқтисодиёти.** Бангладеш – аграр мамлакат. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 80%и қишлоқ хўжалиги билан машғул. Саноат мамлакат эҳтиёжининг жуда оз қисмини қондиради. Асосан қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган.

**Валютаси.** 54,000 Бангладеш такаси 1 АҚШ долларига тенг.

**Ташқи савдода импортнинг улуши** 8,2 млрд. АҚШ доллари.

**Экспортнинг улуши** 6,3 млрд. АҚШ доллари. (2001 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, ЕИ давлатлари, Хиндистон, Сингапур, Япония, ХХР.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 125.500;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари) да 110.000, ҳарбий денгиз флотига 9.000, ҳарбий ҳаво кучларида 6.500 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас, 5 та кўриқчи кемага эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 10 та снарядли кема, 4 та торпедоли, 14 та денгиз патруль кемаси ва 5 та дарё патруль кемаси мавжуд. 38.000 нафар ярим ҳарбийлашган Бангладеш ўқчилари, 5.000 нафар қуролли полициячи, 20.000 нафар хавфсизлик гвардиячилари ва 200 нафар қирғоқ химоячилари бор.

**Табиати.** Мамлакат Генг, Браҳмапутра ва Мегхна дарёлари этагидаги текисликда жойлашган. Шарқий ва жануби-шарқий қисмидаги Читтагонг тепалигининг баландлиги денгиз сатҳидан 1200 м.гача. Бангладеш бутун худудининг 6%га яқини доимо сув остида, учдан икки қисмини қисқа муддат сув боса-

ди. Мамлакат иқлими тропик, муссонли, ёзи иссиқ ва серёмғир, совуқ ойларда об-ҳаво қуруқ келади. Дунёдаги энг нам иқлимлардан бири. Муссон даври (июнь-сентябрь) энг серёғин пайтдир.

## 154. БАҲРАЙН

Баҳрайн Давлати (Dawlat al-Bahrayn)

**Майдони**.....695,2 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....645 000 киши.  
**Пойтахти**.....Манама шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Ал-Муҳаррак.  
**Расмий тили**.....араб тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.11 130 АҚШ доллари.  
**Экспорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, алюминий.  
**Импорт**.....нефть хом ашёси ва бошқалар.  
**Миллий валютаси**.....Баҳрайн динори.  
**Дини**.....ислом.  
**Мустақиллик куни**.....15. 08. 1971.  
**Миллий байрами**.....16 декабрь – Миллий кун (1971 йил).  
**Чегаралари**.....Форс кўрфазида жойлашган давлат.  
**Давлат тузуми.** Конституциявий монархия тузуми қарор топган Баҳрайн жануби-ғарбий Осиё, Форс кўрфазининг Баҳрайн оролларидаги давлат (амирлик). Баҳрайн таркибига 33 та орол киради, уларнинг энг катталари: Баҳрайн, Муҳаррак, Умм-Наасан, Ҳавар. Давлат бошлиғи – амир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни амир ва бир палатали Миллий Кенгаш (парламент), ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. 1973 йил мамлакат конституцияси қабул қилинган. 1973–75 йилларда конституцияга мувофиқ Миллий Ассамблея (парламент) чақирилди, бироқ у 1975 йилда амирнинг фармони билан тарқатиб юборилди. 1992 йилда 40 кишидан иборат Маслаҳат Кенгаши тузилганлиги эълон қилинди. Унинг вазифаси – қонун лойиҳалари ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг турли соҳалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Кенгаш таркибини амир белгилайди. Сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларнинг фаолияти та-

## БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ

қиқланган. Баҳрайн миллий озодлик fronti (1959 йилда тузилган) ва Баҳрайн халқ fronti (1975) яширин фаолият олиб боради.

Баҳрайн 1971 йил 21 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган ва 1992 йил 29 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. **Аҳолиси**, асосан, араблар, шунингдек, эронийлар, покистонликлар, ҳиндлар ҳам яшайди. Аҳолининг 83%и шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиётининг** асосини нефть ва газ захиралари ташкил қилади. Мамлакатда ҳар йили 2-2,5 млн. тонна нефть ва 6 млрд. м<sup>3</sup> га табиий газ казиб олинади. Давлат бюджети даромадининг 70%га яқини нефть туфайли таъминланади. Қишлоқ хўжалиги сустривожланган. Ялпи миллий маҳсулотнинг 1%и унинг ҳиссасига тўғри келади. Асосий денгиз портлари – Манама, Ситра.

**Валютаси.** 0,3760 Баҳрайн динори 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 4,2 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 5,8 млрд. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Саудия Арабистони.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сон:

фаоллар – 11.200;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари) да 8.500, ҳарбий денгиз флотида 1.200, ҳарбий ҳаво кучларида 1.500 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 1 қўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 корвет, 4 та снарядли кема ва 4 та патруль кемаси бор. 9000 нафар ярим ҳарбийлашган милиция, тахминан 2000 нафар миллий гвардия ва 260 нафар қирғоқ ҳимоячилари бор.

**Табиати.** Ороллар ҳудуди пасттекисликдан иборат, унинг баландлиги 135 м.га етади. Иқлим тропик иқлимга яқин. Тропик саҳролар кўп жойни эгаллаган.

**Баҳрайн - Ўзбекистон муносабатлари.**

Баҳрайнда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ваколатхонаси мавжуд. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан тадбиркор хотин-қизлар уюшмасининг

делегацияси 1992 йил май ойида Манамадаги ҳар йилги хайрия ярмаркасида қатнашди. У ерда ўзбек усталарининг санъат ва рангтавир асарлари намойиш қилинди. Ташриф чоғида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси билан Баҳрайн Она ва бола уюшмаси ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш ҳақида қўшма баённома имзоланди. 1997 йил 17-22 февраль кунлари Баҳрайн Нефть ва саноат вазирлиги делегацияси Тошкентда меҳмон бўлиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва экспорт-импорт имкониятлари билан танишди.

### 155. БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ

(Ittihad al-Imarat al-Arabiya)

**Майдони**.....82 880 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....3,8 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Абу Даби шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Дубай, Ал-Бурайми.  
**Расмий тили**.....араб тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....21 100 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....нефть ва нефть хом ашёси, табиий газ, балиқ, хурмо.  
**Импорт**.....ишлаб чиқариш ва транспорт ускуналари, кимёвий воситалар, озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**.....дирҳам.  
**Дини**.....ислом.  
**Мустақиллик куни**.....2. 12. 1971.  
**Миллий байрами**.....2 декабрь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....жанубда Саудия Арабистони, шарқда Уммон, шимолда Форс кўрфази билан ўралган.  
**Давлат тузуми.** Арабистон ярим оролининг шарқидаги давлат, 7 амирлик- Абу Даби, Дубай, Шаржа, Ажман, Умм ул-Қайвайн, Ал- Фужайра ва Раъс ул-Хаймадан иборат федерация. Форс ва Уммон қўлтиқлари соҳида жойлашган. Туб жой аҳолиси – араблар; аҳолининг 70-75%и бошқа араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Бангладеш, Шри Ланка кабилардан келганлар. Аҳолининг 77,8%и шаҳарларда яшайди. Амалдаги конституция 1996 йилда қабул қилинган. Ҳокимиятнинг олий органи – амирликларнинг

## 156. БРУНЕЙ

Бруней-Доруссалом (Brunei Darussalam)

шайхларидан иборат Олий кенгаш. У ўз ичидан 5 йил муддатга давлат бошлиғи – президентни сайлайди. Ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Мамлакатда парламентга ўхшаш маслаҳат органи – Федерал миллат кенгаши мавжуд, у мамлакат қабилалари ва уруғлари, савдо-саноат доиралари ва зиёлиларнинг нуфузли вакилларидан иборат. Унинг барча қарорлари Олий кенгаш ва президент учун тавсия тусида бўлади.

БАА 1971 йил 9 декабрдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1992 йил 25 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси**, асосан, араблар ва ишлаш учун чет элдан келган осийликлар.

**Иқтисодиётининг асоси** – нефть қазиб чиқариш. Аниқланган нефть захиралари 7 млрд тоннадан ортиқ, бу бутун дунёдаги нефть захираларининг 10%ини ташкил қилади. Нефть конларининг аксарияти Абу Дабида жойлашган. Дубайда ҳам нефть қазиб олинади. БААда табиий газ конлари ҳам бор. Аниқланган захиралари 5,7 триллион куб метр. Асосий газ конлари Шаржа амирлигида.

**Валютаси**. 3,6725 дирхам 1 АҚШ долларига тенг (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 37,3 млрд АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 48,4 млрд АҚШ доллари. (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. ЕИ давлатлари, Япония, Сингапур, Хиндистон, Корея Республикаси, Уммон, Эрон, АҚШ.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 50.500;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари) да 44.000, ҳарбий денгиз флотиди 2.500, ҳарбий ҳаво кучларида 4000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 2 қўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 корвет, 8 та снарядли кема ва 6 патруль кема-си бор.

Ярим ҳарбийлашган қирғоқ ҳимоячилари бор.

**Майдони**.....5 770 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....364 000 (2003 йил).

**Пойтахти**.....Бандар-Сери-Бегаван шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Сериа.

**Расмий тили**.....малайя ва инглиз тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...13 000 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, каучук, суюлтирилган табиий газ, ёғоч

**Импорт**.....саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, машиналар, асбоб-у-қуналар.

**Миллий валютаси**.....Бруней доллари.

**Дини**.....ислом, буддизм ва насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....1. 01. 1984.

**Миллий байрами**.....23 февраль – Миллат куни (1984).

**Чегаралари**.....шимолда Жанубий Хитой денгизи, бошқа томонлардан Малайзия билан чегарадош.

**Давлат тузуми**. Конституциявий монархия (султонлик) тузуми қарор топган Бруней жануби-шарқий Осиёдаги давлат, Калимантан оролининг шимолида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 4 округга бўлинади. Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1959 йил 29 сентябрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – султон. Мамлакатдаги қонун чиқарувчи ҳокимият тўла-тўқис унинг қўлида. Бруней султони мусулмонларнинг диний бошлиғи ҳам ҳисобланади. Бруней султони ҳузурида бир неча маслаҳат органлари бор. 1962 йилдан буён амал қилаётган фавқулодда ҳолат сабабли мамлакатни бошқариш фақат султон декретларига мувофиқ амалга оширилади. Ижроия ҳокимияти ҳам султон ва ҳукумат тасарруфида. Султон, айти вақтда, бош вазир ҳамдир.

Бруней 1984 йил 21 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1996 йил 20 июнда тан олган ва шу куни дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси**, асосан, малайялар (66,5%), шунинг-

дек, индонез тилларида сўзлашувчи кедаян, дусун, меланов, ибан каби маҳаллий гуруҳлардан, хитойлар, ҳиндлардан иборат. Бир неча минг инглиз ҳам яшайди. Аҳолининг ярмидан кўпроғи – мусулмонлар. Шаҳарларда аҳолисининг 90%и яшайди.

**Иқтисодиёти.** Асосий тармоқлари - нефть қазиб олиш (йилига 10 млн. тоннадан ортиқ) ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш (йилига 12 млрд. м<sup>3</sup>), каучук етиштириш ва ўрмончилик. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 41,6%, қишлоқ хўжалиги улуши 2,1 %. Транспортнинг асосий тури – кема қатнови. Асосий денгиз порти – Бандар-Сери-Бегаван ва Муара.

**Валютаси.** 1,73 Бруней доллари 1 АҚШ долларига тенг. (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,3 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 4,4 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Туркия, Россия, Буюк Британия, Япония, АҚШ, Сингапур, Таиланд, Корея Республикаси, Малайзия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 7.000;

захирадагилар – 700;

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари) да 4.900, ҳарбий денгиз флотида 1.000, ҳарбий ҳаво кучларида 1.100 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 3 та снарядли кема ва 3 та патруль кемаси бор. 2000 нафар ярим ҳарбийлашган захира бўлинмаси ва 1.750 нафар Бруней қироллиги полицияси бор.

**Табиати.** Бруней ҳудудининг кўп қисми текисликдан иборат бўлиб, жанубда унинг баландлиги 300 м.гача боради. Брунейнинг энг баланд нуқтаси 1841 м. бўлиб, у мамлакат шарқидаги Букит пагон тоғидир. Иқлими – экваториал. Бутун йил давомида ҳаво ҳарорати 26° атрофида. Ҳудудининг 75 % дан кўпроғи доимий яшил тропик ўрмонлар билан қопланган, хилма-хил дарахтлар ўсади. Ҳудудининг 20%и ботқоқлик ва бутазорлардан иборат. Дарёлари: Тембурон, Белайт, Тутонг ва Бруней.

## 157. БУТАН

Бутан подшолиги (Kingdom of Bhutan)

**Майдони**.....47 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....0,8 млн. (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Тхимпху шаҳри  
**Расмий тили**.....бхотия.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 640 АҚШ доллари.  
**Экспорт**..... кардамон, гипс, ёғоч, ҳунармандчилик маҳсулотлари, цемент, мевалар, электр энергияси, қимматбаҳо тошлар.  
**Импорт**.....ёнилги ва мойлаш материаллари, дон маҳсулотлари, машина ва эҳтиёт қисмлари, транспорт воситалари, газ-лама ва гуруч.  
**Миллий валютаси**.....нгултрум.  
**Дини**.....лама мазҳабидаги буддавийлик, ҳиндуизм.  
**Мустақиллик куни**.....8. 08. 1949.  
**Миллий байрами**.....17 декабрь - Миллат куни (1907).  
**Чегаралари**.....шимоли-ғарб ва шимолда ХХР, шарқ, жануб ва жануби-ғарбда Хиндистон билан чегарадош.  
**Давлат тузуми.** Конституциявий монархия тузуми қарор топган Бутан Жанубий Осиёдаги, Ҳимолай тоғларининг шарқий қисмидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 8 дзонг (вилоят)га бўлинган. Давлат бошлиғи – подшо. Подшо ҳузурида 9 маслаҳатчидан иборат кенгаш бор. Қонун чиқарувчи орган – бир палатали Миллий ассамблея (150 аъзодан иборат). Ижроия ҳокимияти подшо томонидан Вазирлар Кенгаши орқали амалга оширилади. Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалар тақиқланган. 1990 йилда асос солинган Бутан конгресси партияси, Бутан халқ партияси ва 1992 йилда ташкил бўлган Бутан миллий демократик партияси Непалда иш юритади. Мамлакатда чиқадиган ҳафталик ҳукумат газетаси – «Kuensel» инглиз, дзонг-кэ ва непал тилларида нашр этилади. «Бутан бродкастинг сервис» радиозиниттириши ва телекўрсатуви 1973 йилда Бутан ёшлар уюшмасининг миллий радиоси сифатида ташкил этилган. 1992 йилдан мустақил.  
 Бутан 1971 йил 21 сентябрдан БМТ аъзоси.  
**Аҳолиси**, асосан, бхотиялар; гуркхлар, не-

варлар ҳам яшайди. Аҳолининг 13% шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Бутан – аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги улуши 42,7%, саноат улуши 9,6%. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик етакчи ўринда. Асосий транспорт воситаси от-улов. Чет эл сайёҳлиги ривожланган.

**Валютаси.** 46, 540 нгултрум 1 АҚШ долларига тенг. (2001 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 269 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 154 млн. АҚШ доллари. (2000 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Хиндистон, Бангладеш, Япония, Буюк Британия, Германия, АҚШ.

**Табиати.** Бутан ҳудуди тоғликдан иборат. Энг баланд чўққиси – Жомолхари (7314 м.). Иқлими тоғ-тропик, муссон, сернам, тоғларнинг юқори қисми совуқ. Водийларда ўртача ҳарорат январда  $-4,5^{\circ}$ , июлда  $17^{\circ}$ . Йилига 1000-5000 мм. ёгин ёғади. 3500 м. баландликкача ўрмон, ундан баландда субальп ва альп ўтлоқлари. Дарёлари – Санкош, Амо, Куру. Жигми Доржи, Газа, Маназ қўриқхоналари бор.

## 158. ВЬЕТНАМ

Вьетнам Социалистик Республикаси  
(*Cong Hoa Ha Noi Chu Nghia Viet Nam*)

**Майдони**.....329 560 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....83 млн. (2004 йил)

**Пойтахти**.....Ханой шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Хошимин, Дананг, Хайфон, Намдинь.

**Расмий тили**.....вьетнам тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** ..2240 АҚШ доллари. (2001 йил).

**Экспорт**.....нефть, денгиз маҳсулотлари, гуруч, кофе, каучук, чой, кийим-кечак ва пойафзал.

**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, нефть маҳсулотлари, ўғитлар, пўлат, пахта, дон, цемент, мотоцикллар.

**Миллий валютаси**.....донг.

**Дини**.....буддавийлик, насронийлик ва ислом.

**Мустақиллик куни**.....2. 09. 1945.

**Миллий байрами**.....2 сентябрь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда ХХР, ғарбда Лаос ва Камбоджа, жануби-ғарб ва шарқда Жанубий Хитой денгизи ва Сиам кўрфази.

**Давлат тузуми.** Вьетнам социалистик республикаси жануби-шарқий Осиё, Хиндихитой ярим оролидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 63 вилоят (тинь) ва марказга бўйсунувчи 4 шаҳар – Ханой, Хошимин, Хайфон ва Хюэга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1980 йил 19 декабрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи миллат мажлиси томонидан 5 йил муддатга сайланадиган президент (1997 йилдан Чан Дик Лионг). Давлат ҳокимиятининг олий органи ва қонун чиқарувчи ҳокимият – Миллат мажлиси. Ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Вьетнам Коммунистик партияси - 1930 йилда тузилган; Вьетнам Ватан fronti, ВСП сиёсий партия ва жамоат ташкилотларини бирлаштирувчи ягона фронт - 1977 йилда тузилган; Вьетнам меҳнат умумий конфедерацияси - 1929 йилда тузилган, Жаҳон касаба уюшмалари федерациясига киради.

Вьетнам 1977 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олган ва 1992 йил 17 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 80%и** вьетнамлар. Таилар, кхмерлар, мео ёки мяолар, ман ёки яолар, хмонглар, хитойлар ҳам яшайди. Аҳолининг 20,1%и шаҳарларда истиқомат қилади. Диндорларнинг - 55%и буддавийлар, 7%и католиклар. Ислом динига эътиқод қилувчилар ҳам бор.

**Иқтисодиёти.** Вьетнам саноати ривожланган аграр мамлакат ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигининг улуши 36,6%, саноатнинг улуши 20,9%ини ташкил этади.

**Валютаси.** 15688 Вьетнам донги 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 24 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 19,7 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ХХР, Япония,

## ГРУЗИЯ

Сингапур, Корея Республикаси, Тайван, Таиланд, Гонконг, Малайзия, Индонезия, ЕИ давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 484.000;

захирадагилар – 3–4.000.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 412.000, ҳарбий денгиз флотиди 42.000, халқ ҳаво кучларида 30.000 киши хизмат қилади. Курол-яроғи замонавий. 2 сув ости кемаси ва 6 қўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 1 корвет, 12 та снарядли кема, 10 та торпедоли ва 19 патруль кемаси бор. 40.000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган чегара мудофаа корпуси бор. Шунингдек, 4 – 5.000.000 маҳаллий кучлар ҳам мавжуд бўлиб, улар халқни мудофаа этиш кучлари ва халқ милициясини ўз ичига олади.

### 159. ГРУЗИЯ

Грузия Республикаси  
(Sacaratvelos Respublica)

**Майдони**.....69 700 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....4.300.000 (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Тбилиси шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Кутаиси, Рустави, Сухуми, Батуми.  
**Расмий тили**.....грузин тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....2 210 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....цитрус мевалар, чой, вино, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, машина ва металллар, кимёвий воситалар, тўқимачилик, ёнилғи.  
**Импорт**.....ёнилғи, дон ва озиқ-овқатлар, машина ва эҳтиёт қисмлар, транспорт ускуналари.  
**Миллий валютаси**.....лари.  
**Дини**.....насонийлик ва ислом.  
**Мустақиллик куни**.....9. 04. 1991.  
**Миллий байрами**..... 26 май - Давлат мустақиллиги қайта тикланган кун.  
**Чегаралари**.....шимолда Россия, шарқда Озарбайжон, жанубда Арманистон ва Туркия, гарбда Қора денгиз билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Грузия демократик республикаси Кавказортининг марказий ва гарбий қисмида жойлашган давлат. 1995 йилда қабул қилинган конституцияга биноан давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи – президент. У аҳоли томонидан умумий бевосита овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият – парламент.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Грузия фуқаролари парламент иттифоқи, Демократик тикланиш иттифоқи, Миллий-демократик партия, Социалистик партия, Халқ партияси, Лейбористлар партияси ва парламентдан ташқари иш юритувчи яна бир неча партия бор. Эркин касаба уюшма бирлашмалари ишлаб турибди.

Грузия 1992 йил 31 июлдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 10 октябрда тан олган.

**Аҳолисининг кўпчилиги** грузинлар (70%дан ортиқ). Шунингдек, арман, рус, озарбайжон, осетин, грек, абхаз, украинлар яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги – 1 км<sup>2</sup> га 77,5 киши. Аҳолининг 56%и шаҳарларда истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Грузия саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакат. Миллий даромадда саноатнинг улуши ўртача 34%, қишлоқ хўжалиги улуши 29%. Марганец рудалар, ферроқотишма, пўлат қувур, электровоз, юк автомобиллари, металл қирқиш дастгоҳлари ишлаб чиқариш етакчи тармоқлардир.

**Валютаси.** 1,9798 лари 1 АҚШ долларига тенг. Ташқи савдода импортнинг улуши 1 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

Экспортнинг улуши 0,5 млн. АҚШ доллари (2003).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Туркия, Россия, АҚШ ва МДХ давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 17.770;

захирадагилар – 250.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 8.620, ҳарбий денгиз флотиди 2.000, ҳарбий ҳаво кучларида 1.350 киши хизмат қилади. Курол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 11 патруль кемаси бор.

6.300 нафар ярим ҳарбийлашган ички кучлар вазирлиги хизматчилари ва 5.400 нафар чегра химоячилари бор.

**Табиати.** Грузия табиати хилма-хил. Худуди баланд ва ўртача баландликдаги тоғлар, тепалик, пасттекислик, ясситоғлик ва платолардан иборат. Грузиянинг энг баланд нуқтаси – Шхара тоғи (5068 м.). Катта Кавказнинг Грузиядаги ғарбий қисмида карст рельеф шакллари учрайди. Иқлими субтропик иқлим билан мўътадил иқлим орасида. Колхида пасттекислигида денгиз сатҳидан 500-600 м. баландликкача нам субтропик иқлим (январь ҳарорати 5-7°) бўлиб, ёгин кўп ёғади (1200-2600 мм.). Грузия дарёлари Қора ва Каспий денгизлари ҳавзасига мансуб. Кура Каспийга, Риони, Ингури, Кодори ва бошқалари Қора денгизга қуйилади.

**Ўзбекистон – Грузия муносабатлари.**

**1. Сиёсий соҳада.** Грузия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 10 октябрда тан олган ва 1992 йил 16 мартда икки томонлама дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Грузия элчихонаси ўз фаолиятини бошлаган, 1999 йилда эса Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Грузияда ўриндош элчи сифатида аккредитациядан ўтган. Ўзаро муносабатлар 1995 йил 4 сентябрда Тошкентда икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик Шартномасига асосан олиб борилмоқда. Бугунгача икки давлат ўртасида олий даражада расмий ташрифлар бўлиб ўтди. Грузия Республикасининг собиқ президенти Э.А.Шеварднадзенинг 1995 йил 4 сентябрда Ўзбекистонга қилган ташрифи икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашди. Ташриф чоғида бир қанча битимлар имзоланди. Ўзбекистон билан Грузия ўртасида эркин савдо-сотик тўғрисидаги, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва химоялаш ҳақидаги, Халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар шулар жумласидандир. 1996 йил 27-28 майда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Грузияга ташрифи доирасида имзоланган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар мажмуи бу негизни янада мустаҳкамлади.

Уларнинг энг муҳимлари: Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳақидаги Декларация, Молия-саноат гуруҳлари тузишнинг асосий қоидалари тўғрисидаги битимдир. Икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари билан шуғулланувчи Ўзбекистон-Грузия қўшма комиссияси тузилди.

2003 йил 9-10 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Грузияга давлат ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф чоғида бир қанча муҳим давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро халқаро ҳужжатлар имзоланди. Икки давлат муносабатлари нафақат икки томонлама алоқаларда, балки халқаро ташкилотлар доирасида ҳам амалга оширилмоқда. БМТ, ЕХХТ, МДХ сингари ташкилотлардаги ҳамкорлик бунга мисол бўла олади.

2005 йил 18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Оқсаройда Грузия Бош вазири Зураб Ногоиделини қабул қилди. Ушбу учрашувда Ўзбекистон ва Грузия давлатлари ўртасидаги илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда кенг ҳамкорлик қилиш зарурати ҳақида фикр алмашилди.

**2. Шартномавий-ҳуқуқий асос.** Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 80 та халқаро ҳужжат ташкил этади. Улардан 43 тасини давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар; 24 тасини идоралараро халқаро ҳужжатлар; 13 тасини Президентларнинг Қўшма Баёнотлари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади. 1995 йил 4 сентябрда Тошкентда икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Грузия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик Шартномаси икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги имзоланган 16 та асосий халқаро ҳужжатлар асосида олиб борилмоқда. Илмий-техникавий ва гуманитар соҳалар бўйича 13 та ҳужжат, транспорт ва алоқа соҳалари бўйича 6 та ҳужжат, солиқ ва

# ИНДОНЕЗИЯ

хуқуқ соҳалари бўйича 18 та халқаро ҳужжатлар имзоланган.

**3. Савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалари.** Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги товар айланмаси 1999 йилга нисбатан 2000 йилда салкам 3 баравар ортди, 2004 йили эса бу кўрсаткич 22,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан 17,7 млн. АҚШ доллари экспорт ва 4,7 млн. АҚШ доллари импорт салохиятига тўғри келди. Ўзбекистоннинг экспортида пахта толаси, энергия манбалари (нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари), озиқ-овқат, темир йўл транспорти хизмати, кимёвий маҳсулотлар, пластмассалар асосий ўрин олади. Ўзбекистонга Грузиядан импорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхатини: мева ва ёнғоқ, кофе, чой ва ширинликлар, кимёвий ва штапель тола, қора металллар ва улардан ясалган буюмлар, машина ва асбоб-ускуналар (учиш аппаратлари қисмлари), темир йўл транспорти хизмати, дори-дармонлар ташкил этади. Ўзбекистонда грузин сармоёси иштирокидаги 7 корхона ўз фаолиятини олиб бормоқда. «Реал-КЛ» қўшма корхонаси четдан мол келтириш, савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланади. Ўзбекистонда Грузиянинг «Аирзена» компанияси (Грузия ҳаво йўллари), «Транс-Жоржия энд Компани Лимитед», «Ўзбек-Жоржиан Транс К» фирмаларининг ваколатхоналари мавжуд. Бу компания ва фирмалар йўловчи ҳамда турли юклар ташиш билан шуғулланади. Грузия портлари орқали Ўзбекистон юklarини корижга ташиш ривожланмоқда. 1996 йилда шу йўл орқали 100 минг тонна, 1997 йилда 285 минг тонна юк ташилди. Грузия орқали ўтадиган Европа-Осиё транспорт йўлаги – ТРАСЕКА лойиҳасида Ўзбекистон ҳам иштирок этаётир.

**4. Маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорлик.** Бугунги кунда Ўзбекистонда 4 мингга яқин грузинлар истиқомат қилади. 1994 йилдан бошлаб мамлакатда «Мегаброба» грузин маданият маркази иш олиб бормоқда. Мазкур маданият маркази қошида грузин тилига ихтисослашган мактаб очилган. Ўз навбатида Тбилисида грузин-ўзбек дўстлик жамаиати фаолият олиб бормоқда. 1998 йили Грузияда Ўзбекистон маданияти кунлари ва Ўзбекис-

тонда Грузия маданият кунлари ўтказилди. Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» ва бошқа халқаро фестивалларда, кўрғазмаларда Грузия вакиллари фаол қатнашиб келмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон – Грузия ҳукуматлараро қўшма комиссияси томонидан туризмни ривожлантириш ва маданий ҳамкорлик юзасидан бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

## 160. ИНДОНЕЗИЯ

Индонезия Республикаси (Indonesia)

**Майдони**.....1 919 440 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....222 млн.(2004 йил).  
**Пойтахти**.....Жакарта шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Сурабайя, Бандунг, Серманг, Медан.  
**Расмий тили**.....индонез тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**....3210 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....нефть ва газ, тўқимачилик маҳсулотлари, каучук, фанера.  
**Импорт**.....машина ва ускуналар, кимёвий воситалар, ёнилғи, озиқ-овқат.  
**Миллий валютаси**..... индонезия рупияси.  
**Дини**.....ислом, маҳаллий эътиқодлар ва насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....17. 08. 1945.  
**Миллий байрами**..... 17 август - Мустақиллик куни (1945).  
**Чегаралари**.....шимолда Малайзия, шарқда Папуа-Янги Гвинея, шимолда Сулавеси денгизи ва Тинч океани, жанубда Арафур денгизи, ғарбда Ҳинд океани.  
**Давлат тузуми.** Индонезия унитар республикаси жануби-шарқий Осиёдаги давлат. Дунёдаги энг катта Малай архипелагининг 17,5 минг ороли ва Янги Гвинея (Ғарбий Ириан) оролининг ғарбий қисмида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 26 вилоят (province)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1945 йил 18 августда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи 5 йил муддатга сайланадиган президент (2001 йил июлдан Мегавати Сукарнопутри хоним). Давлат ҳокимиятининг олий органи Халқ маслаҳат конгресси. У конституцияни тасдиқлайди, унга

# ИНДОНЕЗИЯ

Ўзгаришлар киритади, президент ва вице-президентни сайлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент - Халқ вакиллари кенгашидан иборат. У жорий қонун чиқарувчилик фаолияти билан шуғулланади. Унинг 500 депутатидан 462 нафари умумий овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва қолган 38 нафари (ҳарбийлар фракцияси) президент томонидан тайинланади. **Ижроия ҳокимиятни** президент ўзи тайинлайдиган ҳукумат билан бирга амалга оширади.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари.** Бирлик ва тараққиёт партияси - 1973 йилда мусулмонларнинг 4 партияси бирлашиши натижасида тузилган; Индонезия демократик партияси - 1973 йилда 5 партиянинг қўшилиши натижасида тузилган; Голкар (функционал гуруҳлар) - 1964 йили сиёсий партияларга кирмайдиган давлат хизматчилари, касаба уюшма, ёшлар, хотин-қизлар, диний ташкилотлар вакиллари иттифоқи сифатида тузилган, 1998 йилда партияга айлантирилган; Индонезия демократик партияси (курашчи) - 1998 йилда тузилган; Миллий мандат партияси - 1998 йилда ташкил этилган; Миллий уйғониш партияси - 1998 йилда тузилган. Умуминдонезия меҳнаткашлар иттифоқи касаба бирлашмасига 1973 йилда асос солинган; Умуминдонезия ишчилар иттифоқи ("Равнақ") касаба бирлашмаси 1992 йилда тузилган.

Индонезия 1950 йил 28 сентябрдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган ва 1992 йил 23 июнда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Индонезияда 150 га яқин элат ва этник гуруҳ яшайди. Мамлакат аҳолисининг 96%и тили, маданияти ва урф-одатига кўра малайя-полинезия тил оиласининг индонез гуруҳига мансуб. Булардан энг йириклари: яваликлар, сундлар, мадуралар, малайялар, жакарталиклар, ачелар, батаклар, даяклар ва бошқалар. Булардан ташқари, Индонезияда меланезлар, папуаслар, хитойлар, араблар, голландлар, ҳиндлар ва бошқалар яшайди. Аҳолининг 80%и мусулмонлар, 10%и насронийлар, қолган қисми ҳиндулик, буддавийлик, конфуцийлик ва маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. Индонезия аҳолисининг 2/3 қисми мамлакат худудининг 7%ини

ташқил этувчи Ява оролида. Аҳолининг 70%и қишлоқларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Индонезия саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши ўртача 17%ни ташқил этади, бу улуш тобора камайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги Индонезия иқтисодиётининг етакчи тармоғи. Меҳнатга яроқли аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ хўжалигида машғул. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши ўртача 20%ни ташқил этади. Қончилик саноати бюджет тушумларининг анчагина қисмини таъминлайди.

**Валютаси.** 8985 Индонезия рупияси 1 АҚШ долларига тенг. (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 32,4 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 60,7 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Япония, АҚШ, Сингапур, Корея Республикаси, Гонгконг, ХХР, Тайван, ЕИ давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 302.000;

захирадагилар - 400.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 233.000, ҳарбий денгиз флотидида 45.000, ҳарбий ҳаво кучларида 24.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 2 сув ости кемаси ва 16 кўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 16 корвет, 4 та снарядли кема, 4 та торпедоли ва 15 та патруль кемаси бор. 280.000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган полицияси бор. Шунингдек, денгиз полицияси, Камра (Халқ Мудофааси), божхона ҳамда денгиз алоқалари агентлиги ҳам мавжуд.

**Табиати.** Индонезия экваториал кенгликларда жойлашган. Қирғоқларида қўлтиқлар кам, ботқоқликлар, мангра чакалакзорлари бор. Индонезия ер юзасининг ярмидан кўпроғи ўртача баланд ва пастқам тоғлардан, Янги Гвинеяда қисман баланд тоғлардан (энг баланд жойи 5029 м.), қолган қисми аллювиал текисликлардан иборат. Оролларнинг 400 тасида ҳаракатдаги вулқонлар бор. Тектоник ҳаракатлар тинмаган. Тез-тез кучли zilзилалар бўлиб туради. Иқлими Индонезиянинг катта қисмида экваториал, Ява оролининг

## ИОРДАНИЯ

шарқи ва Кичик Зонд оролларида субэкваториал иқлим. Дарёлари, жануби-ғарбидан бошқа қисмида, йил давомида серсув. Энг катталари: Капуас, Барито, Хари, Кампар, Муси, Мамберма, Дигуль.

**Ўзбекистон – Индонезия муносабатлари.**

Индонезия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олиб, дипломатик муносабатлари ўрнатилганидан кейин икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик, савдо-сотиқ ривожлана бошлади. Индонезия 1994 йилнинг май ойида Тошкентда ўз элчихонасини очган бўлса, 1996 йил Жакартада Ўзбекистон элчихонаси очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил июнида Индонезияга ташрифи давомида икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларига мустақкам асос яратилди. Ташриф чоғида “Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим”, “Ўзаро муносабатлар ҳақида қўшма ахборот”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан “ПТ Пирма Комексиндо” компанияси ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳужжат имзоланди. 1995 йилда Индонезия президенти Сухартонинг Ўзбекистонга қилган ташрифи давомида икки томонлама ҳамкорлик, ҳаво транспорти ва туризм соҳасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Умуман, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қоидалари ва йўналишларини белгиловчи 10 та ҳужжат қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия ўртасидаги товар айланмаси 2000 йилда 361,8 минг АҚШ долларини ташкил этди. Индонезия Ўзбекистонга электр асбоб-ускуналари, қора металлдан ясалган буюмлар ва балиқ маҳсулотлари сотмоқда. Индонезиянинг “ПТ Бақри Коммуникейшн Корпорейшн” компанияси билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги барпо этган “Ўзтелекоминтернейшнл” қўшма корхонаси Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ўз филиалларини очган. Бундан ташқари, индонез инвесторларининг сармояси 100% бўлган 2 та корхона ташкил этилган. “Бузтел” ва “Бақри Инвестидо” корхоналари уяли телефон станциялари қуриш ва уларни ишлатиш ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатиш, меҳмонхона хўжалигини йўлга қўйиш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикасида “ПТ Тиртамас Комексиндо” ва “ПТ Бақри Коммуникейшн Корпорейшн” компанияларининг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Икки давлат ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш мақсадида 2002 йил сентябрда Ўзбекистон-Индонезия дўстлик жамияти тузилди.

Бугунги кунда Самарқанд Давлат жаҳон тиллари институтида Индонезия тили ва маданияти кафедраси очилиб, индонез тили ўқитилмоқда.

### 161. ИОРДАНИЯ

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги  
(Al-Mamlaka al-Urduniyah al-Hashimiyah)

**Майдони**..... 92 300 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 5,3 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Аммон шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Аз-Зарқа, Ирбид, Ал-Халил.  
**Расмий тили**..... араб тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...4300 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....фосфатлар, ўғитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат товарлари.  
**Импорт**.....нефть, машиналар, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, чорвачилик моллари, саноат товарлари.  
**Миллий валютаси**.....иордан динари.  
**Дини**..... ислом ва насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....25. 05. 1946.  
**Миллий байрами**..... 25 май - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....шимолда Сурия, шарқда Ироқ, шарқ ва жанубда Саудия Арабистони, ғарбда Исроил билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Конституциявий монархия тузуми қарор топган Иордания Яқин Шарқда, Осиёнинг ғарбий қисмида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 12 муҳофаза (вилоят)га, муҳофазалар туманларга бўлинади. 1952 йил 8 январда қабул қилинган конституция амал қилади (ўзгаришлар киритилган). Давлат бошлиғи – малик (подшоҳ) (1999 йилдан Абдуллоҳ II бин Талол). У қонун чиқариш ва

ижроия ҳокимияти соҳасида катта ҳуқуққа эга. Қонун чиқарувчи ҳокимият подшоҳ ва Миллат мажлиси (парламент) қўлида. Парламент сенат ва депутатлар палатасидан иборат. Сенатни подшоҳ 4 йил муддатга тайинлайди (сенат таркибининг ярмиси ҳар 2 йилда янгиланиб туради). Депутатлар палатаси бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 4 йилга сайланади. Ижроия ҳокимиятини подшоҳ ўзи тайинлайдиган ҳукумат - Вазирлар Кенгаши орқали амалга оширади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Иордания Халқ бирлиги демократик партияси - 1991 йилдан ошқора фаолият юрита бошлаган; Иордания Коммунистик партияси - 1943 йилда тузилган, 1951 йилгача Миллий озодлик лигаси деб номланган; Халқ демократик партияси - 1989 йилда тузилган; Араб социалистик уйғониш партияси (Баас) - 1947 йилда ташкил топган, Умумараб Баас партиясининг минтақа бўлими; Ислом ҳаракати фронтига - 1991 йилда асос солинган. Иордания касаба уюшмалари умумий федерацияси - 1954 йилда ташкил топган.

Иордания 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган ва 1993 йил 15 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси.** Мамлакат умумий аҳолисининг 98%и араблар; яҳудийлар, арманлар, греклар, курдлар, черкеслар, чеченлар, доғистонликлар, ўзбеклар, туркманлар ҳам яшайди. Аҳолининг 71%и шаҳарларда истиқомат қилади. Мамлакатда 5% га яқин бадавийлар бўлиб, улар кўчманчи ҳаёт кечиришади. Аҳолининг 70% га яқини хизмат кўрсатиш соҳасида, 12%и ишлаб чиқариш ва тоғ-кон саноатида, қолганлари бошқарув тизими, таълим, савдо, транспорт ҳамда ҳарбий соҳаларда хизмат қилади.

**Иқтисодиёти.** Иордания дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари қаторига кириб, иқтисодиёти аста барқарорлашиб бораётган давлатдир. Иордания иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири саноатдир. Мазкур тармоқ ялпи ички маҳсулотнинг 27%ини беради. Қишлоқ хўжалиги Иордания иқтисодиётида унчалик юқори мавқега эга эмас. Мамлакат худудининг атиги 5-6%и ҳайдалади-ган ерлардир.

**Валютаси.** 0,7090 Иордания динари 1 АҚШ долларига тенг. (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 5,6 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 3 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Ироқ, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Индонезия, Араб давлатлари, АҚШ, Япония, Туркия, ХХР, Малайзия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 100.500;

захирадагилар - 35.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 85.000, ҳарбий денгиз флотиди 500, ҳарбий ҳаво кучларида 15.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 3 патруль кемаси бор. 10.000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган жамоат хавфсизлиги бошқармаси бор. Шунингдек, 35.000 кишидан иборат милиция ҳам мавжуд.

**Табиати.** Иорданиянинг аксар қисми шарқдан (500 м.) ғарбга томон (1000-1500 м.гача) баландлашиб борадиган ясси тоғликдан иборат. Жанубдаги Рам тоғи Иорданиянинг энг баланд нуқтасидир (1764 м.). Иқлими субтропик, қуруқ иқлим. Доим оқиб турувчи дарёлари кам бўлиб, қуруқ ўзанлар ва мавсумий сойлар кўп учрайди.

**Ўзбекистон - Иордания муносабатлари.** Ўзбекистон Республикаси билан Иордания ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгач, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик ривожлана бошлади. 1994 йилнинг июль ойидан Тошкентда Иордания элчихонаси фаолият кўрсатмоқда. 1996 йил 24 сентябрда Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчиси Иордания подшоҳига ўзининг ишонч ёрлиғини топширди. 1993 йил февралда Иордания шаҳзодасининг Ўзбекистонга ташрифи ва 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари делегацияларининг Иорданияга расмий ташрифи чоғида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик, самолётлар қатнови тўғрисидаги битимлар имзоланди. 1994 йилдан икки мамлакат ўртасида савдо-сотиқ алоқалари бошланди. 2000 йилда Ўзбекистон

Республикаси билан Иордания ўртасидаги товар айланмаси 13,7 минг АҚШ долларини ташкил қилди. Иорданиядан Ўзбекистонга ёғ ва мой, қанд-шакар, какао, қандолат ва сабзавот маҳсулотлари, қора ва рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар, оптика асбоблари, мебель ва шу кабилар келтирилади. Ўзбекистон томони турли хизматлар кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида Иордания сармоядорлари иштирокидаги 14 корхона фаолият кўрсатаётир, шундан 6 таси қўшма корхона, 8 таси 100% Иордания инвестициясида ишлаётган корхонадир. Иорданиянинг "Глобал Бизнес" компанияси Ўзбекистон Республикасида ўз ваколатхонасини очган ва илғор технологиялар маркетинги, савдо-сотик ҳамда маслаҳат хизмати кўрсатиш билан шуғулланади. 1996 йилда Тошкентда Иордания маҳсулотлари кўرғазмаси ўтказилди. Унда Иорданиянинг кўпгина ширкатлари ва ишбилармонлари қатнашди. Тошкент олий мактабларида ўнлаб иорданиялик талабалар ўқимокда. Подшоҳликнинг кўпгина фуқаролари Ўзбекистон Республикасида фан номзодлиги диссертациясини ёқлаган.

## 162. ИРОҚ

Ироқ Республикаси  
(Al - Jumhoriyah al-Iraqia)

Майдони.....	438 072 км <sup>2</sup> .
Аҳолиси.....	23,75 млн. (2003 йил).
Пойтахти.....	Бағдод шаҳри.
Катта шаҳарлари.....	Басра, Мосул, Керкук, Нажаф.
Расмий тили.....	араб ва курд тиллари.
ЯИМ (аҳоли жон бошига).....	3 000 АҚШ доллари.
Экспорт.....	нефть хом ашёси.
Импорт.....	озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва саноат товарлари.
Миллий валютаси.....	Ироқ динори.
Дини.....	ислом.
Мустақиллик куни.....	3. 10. 1932.
Чегаралари.....	шимолда Туркия, шарқда Эрон, жанубда Қувайт ва Саудия Арабистони, ғарбда Иордания, Сурия,

жануби-ғарбда Саудия Арабистони билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Ироқ республикаси жанубий-ғарбий Осиёда, Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 18 муҳофаза (вилоят)га бўлинади. 1970 йил 16 июлда кучга кирган Муваққат конституция амал қилади. Давлат бошлиғи - президент. Президентнинг ваколат муддати 7 йил. Қонун чиқарувчи ҳокимият Миллий кенгаш (парламент); у 4 йил муддатга сайланади. Икроия ҳокимиятини президент ва ҳукумат амалга оширади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Араб социалистик уйғониш партияси Баас - 1947 йилда тузилган Умумараб Баас партияси таркибига киради. Ироқда 1954 йили шаклланган; Курдистон демократик партияси - 1946 йилда тузилган; Курдистон инқилобий партияси - 1974 йили ташкил топган; Ироқ коммунистик партиясига - 1934 йилда асос солинган; Демократик миллий ватанпарварлик fronti - 1980 йили тузилган; Илғор миллий ватанпарварлик fronti - 1973 йили ташкил этилган. Ироқ ишчи касаба уюшмалари умумий федерацияси 1959 йилда ташкил этилган бўлиб, Жаҳон касаба уюшмалари федерацияси аъзоси.

1979 йил С.Хусайн мамлакат президенти бўлгач, 1980 йил сентябрда Ироқ билан Эрон ўртасида Шатт-ул Араб дарёси бўйлаб ўтган чегара хусусидаги жанжал қуролли тўқнашувга айланиб кетди. 8 йил давом этган бу можаро Яқин Шарқ ва Форс кўрфази атрофидаги вазиятни кескинлаштириб юборди. 1990 йил 1 августдан 2 августга ўтар кечаси Ироқ кўшинлари Қувайт ҳудудига бостириб кирди ва бир неча кун давомида уни қамал қилиб турди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Қувайтнинг Ироқ томонидан босиб олинишини қоралади ва Ироқ кўшинлари Қувайтдан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилди, Ироққа қарши қаттиқ иқтисодий жазо чоралари жорий этди. Аммо Ироқ раҳбарияти бу талабни бажармади. Натижада, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг "мазкур регионда тинчлик ва хавфсизликни тиклаш учун барча зарур воситалардан фойдаланиш" тўғрисидаги қарорига биноан АҚШ, Буюк Британия, Франция, бир

қатор араб давлатлари ҳарбий қисмларидан иборат кўп миллатли кучларнинг қўшинлари 1991 йил 16 январдан 17 январга ўтар кечаси Ироққа қарши уруш ҳаракатлари бошлади. “Чўлдаги бўрон” деб аталган бу жангда Ироқ қўшинлари мағлубиятга учради. 1994 йил 10 ноябрда Ироқ Кувайтнинг суверенитети, ҳудудий бутунлиги ва халқаро чегараларини тўлатўкис ва узил-кесил тан олишини билдирди. Бироқ хунрезликларни давом эттирган Ироқ ҳукуматининг сиёсатидан норози бўлган дунё ҳамжамяти унга нисбатан ҳаракатни давом эттирди. 2003 йилда АҚШ бошчилигидаги Буюк Британия, Испания, Италия, Австралия ва бошқа бир қатор давлатларнинг ҳарбий кучлари Ироқ ҳукуматини ағдариб ташлади ва мамлакатда демократик бошқарувни жорий қилишга киришди. 2005 йилнинг январидан илк демократик сайловлар бўлиб ўтди. Ироқ 1945 йил 21 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 1 январда тан олган ва 1993 йил 19 июнда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. **Аҳолиси**, асосан, араблар (75%) ва курдлар (20%); шунингдек, туркманлар, осурий (айсор)лар, эронийлар, арманлар ва бошқалар ҳам яшайди. Аҳолисининг 96%и мусулмонлар (62%и шиалар ва 34%и суннийлар). Насронийлар ҳам бор. Аҳолининг 70,4%и шаҳарларда яшайди. **Иқтисодиёти**. Ироқ саноатлашган-аграр мамлакат. У улкан иқтисодий салоҳиятга эга. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 22%, қишлоқ хўжалигининг улуши 20,3% ни ташкил этади. **Валютаси**. 3,22 Ироқ динари 1 АҚШ долларига тенг (2001 йил). Ташқи савдода импортнинг улуши 13,8 млрд. АҚШ доллари. Экспортнинг улуши 15,8 млрд. АҚШ доллари.(2001 йил). **Савдо соҳасидаги шериклари**. ЕИ давлатлари, Туркия, Россия, Араб давлатлари, Миср, Вьетнам, Хитой. **Ҳарбий салоҳияти**. Ироқ ҳарбий кучлари 2003 йил 23 майдан эътиборан коалиция кучлари томонидан расмий равишда тарқатиб юборилган бўлиб, ҳозирда фақатгина 89.369 полициячи фаолият юритмоқда.

**Табиати**. Ироқ ҳудудининг кўп қисми Юқори ва Қуйи Месопотамия текисликларидан иборат. Шимоли ва шимоли-шарқда Арманистон ва Эрон тоғликлари (баландлиги 3000 м. дан юқори), жануби ва жануби-ғарбида Сурия-Арабистон ясситоғлигининг чекка қисми (баландлиги 9000 м. гача) жойлашган. Ироқнинг шимолий қисмида континентал Ўрта денгиз иқлими ҳукмрон бўлиб, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши илиқ ва серёмғир, жанубда тропик иқлим. Ироқ ҳудудидан ўтган Дажла ва Фрот дарёларидан суғоришда кенг фойдаланилади. Ал-Қурн шаҳри ёнида бу дарёлар қўшилиб, ягона Шатт ул-Араб дарёсини ҳосил қилади ва Форс қўлтиғига қуйилади. Қуйи Месопотамияда кичик қўллар кўп. Чўлларидан вақтинча сув оқадиган сойликлар бор.

163. ИСРОИЛ

Исроил Давлати (Medinat Israel)

**Майдони**..... 20 770 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 6,8 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Қуддус шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Тель-Авив, Хайфа.  
**Расмий тили**..... иврит ва араб тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....19 320 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....машина ва жиҳозлар, ишлов берилган олмослар, кимёвий воситалар, газламалар, кийим-кечак, қурол-яроғ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари.  
**Импорт**.....хом ашё, ҳарбий аслаҳалар, ишлаб чиқариш воситалари, ишланмаган олмослар, ёнилғи, кундалик эҳтиёж товарлари.  
**Миллий валютаси**..... шекел.  
**Дини**.....яхудийлик, ислом ва насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....14. 05. 1948.  
**Миллий байрами**..... Мустақиллик куни – яхудийлар таквимига кўра, бу байрам ҳар йили ҳар хил кунда келиши мумкин.  
**Чегаралари**.....шимолда Ливан, шарқда Сурия ва Иордания, жануб ва жануби-ғарбда Миср, ғарбда Ўрта ер денгизи билан ўралган.

## ИСРОИЛ

**Давлат тузуми.** Исроил республикаси Яқин Шарқда, Осиёнинг ғарбий қисмида, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган давлат. Асосий иқтисодий ва маданий маркази - Тель-Авив шаҳри. БМТнинг 1947 йилдаги қарорига зид равишда Исроил ҳукумати 1950 йилда Қуддус шаҳрининг ғарбий қисмини давлат пойтахти деб эълон қилди. 1980 йил 30 июлда Қуддус Исроилнинг "абадий ва бўлинмас" пойтахти деб эълон қилинди. Исроил маъмурий жиҳатдан 6 округга бўлинади. Мамлакатда ягона конституция йўқ. Унинг ўрнини босадиган бир қанча қонунлар бор. Энг муҳимлари: Қонун чиқарувчи ва ижроия идораларини ташкил этиш тўғрисида 1948 йилги Қонун ва Маъмурий фармон, 1949 йилги Муваққат қонун, Қайтиб келиш тўғрисида 1950 йилги Қонун, Кнессет тўғрисида 1958 йилги Асосий қонун ва бошқалар. Давлат бошлиғи - президент (2000 йилдан Моше Кацав), у кнессет (бир палатали парламент) томонидан 7 йил муддатга сайланади, 2-муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимият - кнессет, унинг 120 депутати умумий бевосита яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятини ҳукумат амалга оширади, ҳукумат кнессет томонидан тасдиқланади.

**Сийёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** "Авода" (Меҳнат) социалистик партияси - 1968 йилда тузилган; "Ликуд" (Иттифок) партияси - 1973 йилда ташкил этилган; ШАС диний партияси - 1984 йилда тузилган; "Мафдал" миллий-диний партияси - 1956 йилда ташкил этилган; Араб демократик партияси - 1988 йилда тузилган; "Израэль ба-Алия" («Исроил юксалишда») партиясига - 1996 йилда асос солинган. Исроил умумий меҳнат федерацияси касаба уюшмаси - 1920 йилда ташкил этилган.

Исроил давлати БМТ Бош ассамблеясининг 1947 йил 29 ноябрдаги қарори асосида ташкил топган (1948 йил 14 май). Қарорга кўра, Буюк Британия мандатидаги Фаластин мустақил деб эълон қилинди; унинг ҳудуди араб ва яҳудий мустақил давлатларига бўлинди. Қуддус БМТ бошқарувидаги мустақил маъмурий бирлик деб ажратилди. Араб-Исроил уруши (1948-49) даврида Исроил Фаластин

араб давлати учун ажратилган ҳудуднинг 4/5 қисмини, Қуддуснинг ғарбий қисмини босиб олди ва Қуддусни Исроил пойтахти деб эълон қилди. Исроил босиб олган ҳудуддан тахминан 1 млн. араб қувғин қилинди. 1956 йили Исроил Буюк Британия ва Франциянинг Мисрга, 1958 йили АҚШ билан Буюк Британиянинг Ливан ва Иорданияга қарши агрессияларида қатнашди. 1967 йил 5 июнда Исроил араб давлатларига қарши яна агрессия бошлади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг 1967 йил 5-9 июндаги мажлисида Исроилдан ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни талаб қилди, аммо Исроил агрессияни давом эттираверди. 1973 йил кузидаги араб-исроил урушида Исроил армияси ва техникаси катта талафот кўриши эвазига кўпгина ерларни босиб олди. 1974-1975 йилларда Исроил Миср билан, 1974 йилда Сурия билан тузган битимларига биноан қўшинлар бир-биридан йироқлаштирилди. 1979 йилги Исроил - Миср сулҳ шартномасига мувофиқ, Исроил ўз қўшинларини Синай ярим оролидан олиб кетди ва 1982 йилда ярим оролни Мисрга қайтариб берди. 1993 йилда Исроил билан Фаластин мухторияти тўғрисида битим тузилди. 1998 йил октябридаги Исроил-Фаластин шартномасида Исроил араблардан босиб олган ерларининг бир қисмини қайтариб бериши кўзда тутилган. Аммо Исроил-Фаластин можаросини бартараф этиш мушкул масалалигича қолаётир.

Исроил 1949 йил 11 майдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 25 декабрда тан олди ва 1992 йил 2 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Аҳолисининг 82%и яҳудийлар, 16%и араблар, қолган қисми арманлар, друзлар. Исроил яҳудийларининг ярмидан кўпроғи бошқа мамлакатлардан келган мухожирлардир. Аҳолининг 90%и шаҳар ва шаҳарчаларда яшайди.**

**Иқтисодиёти.** Исроил ривожланган саноатланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 21%, қишлоқ хўжалиги улуши 3%ни ташкил этади. Исроил иқтисодиётида ҳарбий саноат асосий ўринни эгаллайди, у ташқи молиявий манбаларга, айниқса, АҚШ ва Европа Иттифоқи ёрдамига жуда қарам.

**Валютаси.** 1 Исроил шекели 1 АҚШ долларига тенг (2003 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 36 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 32 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония, Гонконг, Россия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 168.000;

захирадагилар – 408.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 125.000, ҳарбий денгиз флотига 8000, ҳарбий ҳаво кучларида 35000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. Ядро қуроли ва 3 сув ости кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 3 корвет, 12 та снарядли кема ва 39 та патруль кемаси бор. 8000 нафар ярим ҳарбийлашган чегара полицияси ва 50 нафар қирғоқ ҳимоячилари бор.

**Табиати.** Исроилнинг денгиз бўйи қисми пасттекислик, шарқий қисми баландлиги 500-1000 мли плато бўлиб, унинг шарқий чеккаси тор, чуқур Ҳор ботиғига тик тушган. Хула ва Тивериад қўллари, Ўлик денгиз, жанубда Негев чўли бор. Иқлими субтропик, жанубда ва сойликларда чала чўл ва чўл иқлими. Ёзи иссиқ (24-36°), қиши илиқ (6-18°). Шимолишарқидан Иордан дарёсининг юқори қисми ўтади.

**Ўзбекистон – Исроил муносабатлари.** Исроил давлати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олганидан кейин иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар учун ҳуқуқий негиз яратишга киришилди. 1992 йилнинг май ойида Тошкентда Исроилнинг элчихонаси очилди ва 1992 йилнинг ноябрида очилган Ўзбекистон Республикасининг Тель-Авивдаги консуллиги 1997 йил март ойида Ўзбекистон Республикасининг Исроилдаги элчихонасига айлантирилди. 1994 йилдан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш, ҳаво қатнови, автотранспорт ва сайёҳликни ривожлантириш хусусида битимлар имзоланди. 1997 йил апрелида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг Исроилга расмий ташрифи чоғида маданият, фан ва маориф соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида битим тузилди.

1998 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Исроилга ташрифи давомида ҳамкорликнинг турли жиҳатларига оид 8 та шартнома имзоланди. Ҳукуматлараро ўзбек-исроил савдо-иқтисодий комиссияси иш бошлади. Икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 2000 йилда 27,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Исроил дастлабки йилларда Ўзбекистондан, асосан, қимматбаҳо тошлар, рўзғор пахтаси, кигиз харид қилган бўлса, кейинчалик уларнинг ёнига пахта толаси ва газлама, кимёвий маҳсулотлар ҳам қўшилди. Ўзбекистон эса ундан механик ва электр асбоб-ускуналар, қора металл, пластмасса ва улардан ясалган буюмлар, оптика аппаратлари, қандолат маҳсулотлари, кофе, чой, гўшт ва балиқ маҳсулотлари, спорт анжомлари, дори-дармон, ўйинчоқлар харид қилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида Исроил фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, 1994 йилдан буён Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманининг Аҳмад Яссавий номидаги хўжалигида 46 гектар ерда томчилатиб суғориш усулининг илғор технологияси жорий этилиши сабзавот ва картошка ҳосилдорлигини 3 баравар оширди. Оққўрғон туманидаги “Оққўрғон” хўжалигида қурилган кичик сут заводи 9 хил маҳсулот беради. Ем-хашак цехи ва 2 та хусусий чорвачилик фермаси қуриб ишга туширилди, улар учун зарур асбоб-ускуналар келтирилди. 1998 йил июнида Тошкент вилояти Қибрай туманида сутни қайта ишлаб, турли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган Ўзбек-Исроил-Америка “Турон-97” қўшма корхонаси ишга туширилди. Исроилнинг пахта навларини етиштиришга киришилди. Ўзбекистоннинг бир қанча туманларида Исроилнинг “Марав” фирмаси асбоб-ускуналари асосида 15 та кичик сут заводи қуриш ишлари бошлаб юборилди. Уларнинг ҳар бири сменада 1, 1.5, 2 минг литр сутни қайта ишлайди; қурилиш маблағини Исроил банклари беради. “Нетафирм” компаниясининг “Қорақалпоқиссиқхона” бирлашмаси билан 120 гектар ерда томчилатиб суғориш усулида помидор етиштириш ва томат пастаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Исроилнинг “Пластро Техно-

ложки” фирмаси томонидан тузилган “Санипласт” Ўзбекистон – Исроил қўшма корхонаси турли экинларни, жумладан, гўзани суғоришда тежамли технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш билан шуғулланади. 1996 йилдан Исроилнинг “М.А.Д.” фирмаси билан паррандачилик соҳасида курка гўшти етиштиришнинг интенсив технологиясини амалга оширишга киришилди. 8 млн. АҚШ доллари турадиган лойиҳани бажариш учун Исроилнинг “Дисконт” банки 6,8 млн. доллар берадиган бўлди. Бу пулга технология ускуналари, ветеринария препаратлари, озуқа қўшимчаси ва зотдор куркалар келтирилади. 6 та бройлер паррандачилик фабрикасини куркачилик фабрикасига айлантириш, курка гўшти етиштиришни йилига 12 минг донага етказиш кўзда тутилган. Келгусида 15 та паррандачилик фабрикасини қайта жиҳозлаш ва намунали сутчилик мажмуини барпо этиш режалари бор. Олмалиқ кон-металлургия комбинати Исроилнинг “Метек” компанияси билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйган. Мис саралаш фабрикаси чиқитларини қайта ишлайдиган қўшма корхона барпо этиш, рений ва осмий каби нодир металлларни ажратиб оладиган саноат қурилмалари ўрнатиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Почта ва телекоммуникация тармоғида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. 1997 йил мартда “И Си Ай Телеком” компанияси билан сунъий йўлдошлар орқали ишлайдиган телефон студияси ва Тошкент телефон-телеграф студияси учун асбобускуналар келтириб ўрнатилди. Ўзбекистонда Исроил сармояси иштирокидаги 45 корхона рўйхатга олинган. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ билан шуғулланади. 2004 йил икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 18,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг 9,92 миллиони Исроилга экспорт ва 8,4 миллиони Исроилдан импортни ташкил этди. Исроил “Шарқ тароналари” фестивалида мунтазам қатнашиб келаётир. Маданий ҳамкорликни фаллаштириш учун 1998 йилда “Ўзбекистон – Исроил” дўстлик жамияти ташкил этилди. Маориф ва фан арбоблари делегацияларининг ўзаро тажриба алмашишлари йўлга қўйилган.

164. КАМБОДЖА

Камбоджа Қироллиги  
(Kingdom of Cambodia)

Майдони..... 181 040 км<sup>2</sup>.  
 Аҳолиси..... 13,8 млн (2004 йил).  
 Пойтахти..... Пномпень шаҳри.  
 Катта шаҳарлари..... Баттамбанг, Сиануквиль (Кампонгсаом).  
 Расмий тили..... кхмер тили.  
 ЯИМ (аҳоли жон бошига)..... 2060 АҚШ доллари (2003 йил).  
 Экспорт..... ёғоч маҳсулотлари, кийим-кечаклар, каучук, гуруч, балиқ.  
 Импорт..... сигаретлар, олтин, қурилиш материаллари, нефть маҳсулотлари, машиналар, автомобиллар.  
 Миллий валютаси..... риел.  
 Дини..... буддизм.  
 Мустақиллик куни..... 9. 11. 1953.  
 Миллий байрами..... 9 ноябрь – Мустақиллик куни.  
 Чегаралари..... шимоли-ғарбда Таиланд, шимолда Лаос, шарқда Вьетнам, жануби-ғарбда Сиам кўрфази.  
 Давлат тузуми. Жануби-шарқий Осиёда, Хиндихитой ярим оролининг жанубий қисмида жойлашган Камбоджада конституциявий монархия тузуми қарор топган. Маъмурий жиҳатдан 20 вилоят (кхет)га ва марказ қарамоғидаги 2 шаҳарга бўлинади. Амалдаги конституцияси – 1993 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи қирол. Қонун чиқарувчи ҳокимият 2 палатали парламент (Миллий ассамблея ва Сенат)дан иборат. Ижроия ҳокимиятини ҳукумат амалга оширади.  
 Сийосий партиялари, касаба уюшмалари. Мустақил, бетараф, тинчлик йўлида ҳамкорлик қилувчи Камбоджа учун миллий фронт – 1992 йилда тузилган; Камбоджа халқ партиясига – 1951 йилда асос солинган; Буддавийлар либерал-демократик партияси – 1992 йилда тузилган; Либерал демократик партия – 1992 йили тузилган; Камбоджа миллий қурилиш ва мудосфаа бирлашган fronti – 1978 йили тузилган. Камбоджа касаба уюшмалари федерацияси – 1979 йили тузилган.  
 Камбоджа 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини

1991 йил 29 январда тан олди ва 1995 йил 7 сентябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Аҳолисининг 80%и** кхмерлар, асосан, Камбоджанинг марказий пасттекислик қисмида яшайди. Шаҳарларда, Меконг дарёси водийси ва Тонлесап атрофида вьетнамлар, хитойлар, шунингдек, чамлар, малайялар, тоғлик кхмерлар, французлар (шаҳарларда) истиқомат қилади. Француз тилида ҳам сўзлашишади. Кхмерларнинг кўпчилиги буддавийликка, хитойлар конфуцийликка эътиқод қилади, французлар билан вьетнамларнинг бир қисми католик мазҳабида. Аҳолининг 12% дан кўпроғи шаҳарларда.

**Иқтисодиёти.** Камбоджа иқтисодий жиҳатдан заиф аграр мамлакат. Иқтисодиётининг асоси қишлоқ хўжалиги. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 85%и банд бўлган бу соҳа ялпи ички маҳсулотнинг 46,6%ини беради. Қишлоқ хўжалигида етакчи тармоқ - деҳқончилик.

**Валютаси.** 4053 камбоджа риели 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 1724 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 1623 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Вьетнам, Таиланд, АҚШ, Хитой, Япония, Сингапур.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 124300;

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари)да 75.000, ҳарбий денгиз флотидида 2.800, ҳарбий ҳаво кучларида 1.500, провинция кучларида 45.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 2 денгиз патруль кемаси ва 2 дарё кемаси бор. 67.000 нафар ярим ҳарбийлашган полиция хизматчилари бор.

**Табиати.** Камбоджа ҳудудининг кўп қисмини аллювиал ва кўл ётқизикларидан иборат Камбоджа текислиги эгаллаган. Мамлакат ғарбида Кравань тоғлари (Ороль тоғи, энг баланд нуқтаси 1813 м.), шимолда Дангрэк қумлоғи ва шарқда Аннам тоғларининг тармоғи бор. Иқлими субэкваториал, муссонли, ёзи нам, қиши нисбатан қуруқ. Камбоджада дарё кўп. Меконг дарёсининг қуйи қисми

Камбоджа ҳудудидан ўтади. Тонлесап кўлининг суви кам.

## 165. КИПР

Кипр Республикаси, (грекча Кyрrоs, туркча Kibris, грекча Kypriaki Dimokratia, туркча Kibris Gumhuriyeti)

**Майдони**.....9 250 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....765 000 (2002 йил).  
**Пойтахти**.....Никосия шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Лимасол.  
**Расмий тили**.....грек ва турк тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..18.040 АҚШ доллари (2002 йил).  
**Экспорт**..... грек зонаси: цитрус мевалари, картошка, узум, вино, цемент, кийим-кечак ва оёқ кийимлари; турк зонаси: цитрус мевалари, картошка ва тўқимачилик маҳсулотлари.  
**Импорт**..... грек зонаси: кундалик эҳтиёж моллари, ёнилғи ва мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар; турк зонаси: озиқ-овқат маҳсулотлари, минерал хом ашёлар, кимёвий воситалар, машиналар.  
**Миллий валютаси**.....грек зонасида Кипр фунти, турк зонасида Туркия лираси.  
**Дини**..... насронийлик ва ислом.  
**Мустақиллик куни**.....16. 08. 1960.  
**Миллий байрами**..... 1 октябрь - Мустақиллик куни (турклар Мустақиллик куни 15 ноябрда (1983) нишонлайдилар).  
**Чегаралари**..... Ўрта ер денгизидида жойлашган.  
**Давлат тузуми.** Кипр республикаси Ғарбий Осиёда, Ўрта ер денгизининг шарқий қисмидаги Кипр оролида жойлашган давлат. Мамурий жиҳатдан 6 округ (district)га бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстликка киради. Амалдаги конституцияси 1960 йилда қабул қилинган ва кейинчалик тузатиш ҳамда қўшимчалар киритилган. Давлат бошлиғи - президент (1993 йилдан Глафкос Клиридис). Президент кипрлик грек жамоаси, вице-президент кипрлик турк жамоаси томонидан бевосита сайлов йўли билан 5 йил-

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ

га сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият - Вакиллар палатаси (грек ва турк жамоалари вакилларидан иборат бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиятини президент ва вице-президент бошқаради ҳамда ҳукумат (Вазирлар Кенгаши)ни тайинлайди. Президент ҳукуматга бошчилик қилади.

**Сийсий партиялари, касаба уюшмалари.** Демократик партия (шу номдаги греклар партияси 1976 йилда, турклар партияси 1992 йилда тузилган); Демократик йиғинга - 1976 йилда асос солинган; Социал-демократлар ҳаракати - 2000 йилда ягона марказ демократик иттифоқи асосида тузилган; Либерал партия - 1986 йилда барпо этилган; Бирлашган демократлар - 1996 йилда тузилган; Миллий бирлик партиясига - 1975 йилда турк жамоаси асос солган; Ижтимоий озодлик партиясини - 1976 йилда турк жамоаси тузган; Кипр меҳнаткаш халқ илғор партияси (АКЕЛ) - 1923 йилдан 1941 йилгача фаолият кўрсатган Кипр коммунистик партиясининг вориси сифатида 1941 йилда тузилган; Республикачи турк партиясига - 1970 йилда асос солинган. Касаба уюшма бирлашмалари: Умумкипр меҳнат федерацияси - 1946 йилда тузилган; Кипр меҳнаткашлар конфедерацияси - 1944 йилда тузилган; Кипр турк касаба уюшма федерациясига (Турк-сен) - 1954 йилда асос солинган; Кипр инқилобий касаба уюшмалари федерацияси (Девинш) - 1976 йилда тузилган. Кипр 1960 йил 20 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 27 декабрда тан олди ва 1997 йил 30 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Аҳолисининг 78%и кипрлик греклар, 18% кипрлик турклар.** Инглизлар, араблар, арманлар, италянлар ҳам яшайди. Греклар православ, турклар ислом динига эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси 68%.

**Иқтисодиёти.** Кипр саноатлашган-аграр мамлакат. Иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи катта. Ялпи ички маҳсулотда бу соҳанинг улуши 47%, қишлоқ хўжалиги улуши 8%, саноатнинг улуши 20%.

**Валютаси.** 0,6146 кипр фунти 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши грек зонасида 3,6 млрд., турк зонасида 402 млн. АҚШ

доллари. Экспортнинг улуши грек зонасида 1 млрд., турк зонасида 51,1 млн. АҚШ доллари. **Савдо соҳасидаги шериклари.** Грек зонаси: ЕИ давлатлари, Россия, АҚШ, Ливан; турк зонаси: Туркия, ЕИ давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 10.000;

захирадагилар - 60.000:

шундан, Миллий гвардияда 10.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. 500 нафар ярим ҳарбийлашган қуролланган полициячилар ва 250 нафар денгиз полициячилари бор.

“Шимолий Кипр Турк Республикаси” қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 5.000;

захирадагилар - 26.000:

шундан, армияда 5.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. 150 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган қуролланган полициячилар ва қирғоқ ҳимоячилари бор.

**Табиати.** Қир ва тоғлари кўп, шарқи пасттекислик. Шимолий қирғоқлари тик ва серқоя. Шимолий соҳили бўйлаб Қирения (1023 м.гача) ва Карпас тизмалари (364 м.гача) жойлашган. Кипр ҳудудининг марказий ва жанубий қисмида Троодос тоғ массиви бор (энг баланд жойи 1951 м.). Иқлими - субтропик, ўрта ер денгизи иқлими. Ёзи иссиқ (25-35°), киши юмшоқ (10-15°), серёғин.

## 166. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ

(Taehan Minguk)

**Майдони**.....98 480 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....48,5 млн. (2003 йил).

**Пойтахти**.....Сеул шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Пусан, Кванжу, Инчхон, Тэчжон, Улсан.

**Расмий тили**.....корейс тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....19,4 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....электроника маҳсулотлари, машина ва ускуналар, автомобиллар, кемалар, пўлат, газламалар, кийим-кечак ва оёқ кийимлари, балиқ

**Импорт**..... машиналар, электроника ва электр жиҳозлари, нефть, пўлат,

транспорт жихозлари, газламалар, органик кимёвий воситалар, дон.

**Миллий валютаси**..... вона.

**Дини**..... насронийлик, буддизм ва маҳаллий анъанавий динлар.

**Мустақиллик куни**..... 15. 08. 1945.

**Миллий байрами**..... 15 август - Озодлик куни.

**Чегаралари**..... шимолда КХДР, ғарбда Сарик денгиз, шарқда Япон денгизи, жанубда Корея қўлтиги.

**Давлат тузуми.** Корея Республикаси – парламентар республика. Узоқ Шарқда, Корея ярим оролида, 38-параллелдан жанубда жойлашган давлат. Маъмурий жихатдан 9 вилоят (province) ва вилоят мақомидаги 2 шаҳар (Сеул ва Пусан)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1988 йил 25 февралдан кучга кирган. Давлат бошлиғи – президент. У аҳоли томонидан умумий бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Конституцияга биноан президент ҳокимияти бирмунча чекланган. Қонун чиқарувчи ҳокимият – Миллат мажлиси. Ижроия ҳокимиятини президент ва бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Янги минг йиллик демократик партияси - 2000 йилда тузилган; Демократик партия - 1991 йилда ташкил этилган; Янги Корея демократик партиясига - 1985 йилда асос солинган; Бирлашган халқ партияси - 1992 йилда тузилган; Бирлашган либерал демократлар партиясига - 1995 йилда асос солинган; Демократик халқ партияси - 2000 йилда тузилган; Буюк мамлакат партиясига - 1997 йилда асос солинган. Корея касаба уюшмалари федерацияси - 1946 йилда тузилган, Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерациясига киради.

Корея Республикаси 1991 йил 17 сентябрдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган ва 1992 йил 29 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси,** асосан, корейс миллатига мансуб бўлиб, қисман хитойликлар ҳам истиқомат қилишади.

**Иқтисодиёти.** Корея Республикаси – жадал

ривожланаётган саноатлашган-аграр мамлакат. Кейинги 30 йил мобайнида иқтисодий ўсиш суръати жихатидан дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келди. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 34%.

**Валютаси.** 1 271, 89 Корея вонаси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 146,6 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 159,2 млрд. АҚШ доллари. (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, ЕИ давлатлари, Россия, Хитой, Япония, Гонгконг, Тайвань, Саудия Арабистони ва МДХ давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 687.700;

захирадагилар – 4.500 000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 560.000, ҳарбий денгиз флотига 63.000, ҳарбий ҳаво кучларида 64.700 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 20 сув ости кемаси, 6 эскадра мина ташувчи кемаси, 9 қўриқчи кемаси ва 24 корвети бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 5 та снарядли кема, 4 корвет ва 75 патруль кемаси бор. 4.500 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган денгиз полицияси бор.

**Ўзбекистон – Корея Республикаси муносабатлари.** Корея Республикаси 1991 йил 30 декабрда Осиё – Тинч океани минтақаси давлатлари орасида биринчи бўлиб, Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда кенг ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси 1994 йилда Тошкентда очилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси 1996 йилда Сеулда очилди. Мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг 1992, 1995, 1999 йилларда Корея Республикасига ва Корея президентининг 1994 йилда Ўзбекистонга расмий ташрифлари чоғида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди. 1999 йилда ўзаро товар ай-

ланмаси ҳажми салкам 526,8 млн. АҚШ долларига етди. Корея Республикаси Ўзбекистондан пахта толаси, ил газлама, калава ип, электр асбоб-ускуна, хом тери, ипак, кимёвий ўғит олиб, Ўзбекистонга транспорт воситалари, электр ва механик жиҳозлар, қора металл, каучук ва резина маҳсулотлари, бўёқлар, турли хил асбоб-ускуналар, тўқимачилик маҳсулотлари юборади.

Ўзбекистонда корейс сармойаси иштирокидаги 80 га яқин корхона бўлиб, улар транспорт, электроника, телекоммуникация, алоқа, тўқимачилик каби соҳаларга мансуб. «ЎзДЭУ авто», «ЎзДЭУэлектроникс», «Қабул-Ўзбек компани ЛТД», «ЎзСамсунгэлектроникс» каби қўшма корхоналар, шулар жумласидан. Улар автомобиль, халқ истеъмоли моллари, радиоэлектрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Тўйтепа ва Тошкентнинг «Кўкча» даҳасида қурилган тўқимачилик корхоналари маҳсулотлари четга экспорт қилинаётир. Фарғона ва Наманган шаҳарларида ҳам шундай корхоналар барпо этилади. Шунингдек, Корея Республикасининг 19 та компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган. 1994 йилдан буён иқтисодий ҳамкорлик ва савдосотиқ масалалари бўйича Ўзбекистон-Корея ва Корея-Ўзбекистон қўшма қўмитаси ишлаб келаётир. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Корея Республикасининг 10 та банки билан вакиллик муносабатлари ўрнатган. Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) бир неча йиллар давомида республика вазирликлари ва идоралари билан яқиндан иш олиб бормоқда. Шу ташкилот орқали ўзбек йигит-қизлари мунтазам равишда Корея Республикасида малака ошираётир. Тошкент Иқтисодиёт университетида ва Молия институти ҳузуридаги лицейда компьютер синфлари ташкил этилган. Ўзбекистондаги бошқа лицей ва коллежларни ўқув асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш лойиҳаси амалга оширилаётир. Корея Республикаси Маориф вазирлигининг 1992 йил майдан бери ишлаётган Тошкентдаги корейс таълим марказида олий ўқув юртлари муаллимлари ва талабалари учун танлов асосида малака ошириш йўлга қўйилган. 1993 йил мартда Тошкент Шарқшунослик институтида корейшу-

нослик факультети очилган. Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетида «Корейс тили маркази», Самарқанд Давлат чет тиллари институтида «Корейс тили ва маданияти маркази» ишлайди. Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси бу марказларни энг янги адабиёт, видео ҳамда аудио кассеталар билан жиҳозлади.

Икки мамлакат ўртасида маданий алоқалар тобора кенгайиб бораётир. Ўзбек маданият ва санъат арбобларининг Корея Республикасида ўз маҳоратларини намойиш этиши, Ўзбекистонда корейс маданияти ҳафталикларини ўтказиш одат тусига киб қолди. 1998 ва 1999 йиллардаги ана шундай ҳафталик доирасида Тошкентда корейс китоблари ва фотосуратлари кўргазмаси уюштирилди. Спорт турлари ва корейс анъанавий ўйинлари намойиш этилди. Кинофильмлар кўрсатилди, ниҳоят Алишер Навоий номидаги театрда машҳур корейс ашула ва рақс ансамбллари катта концерт беришди.

2005 йил 10 май куни икки кунлик расмий тапширф билан Корея Республикаси Президенти Но Му Хён Ўзбекистон Республикасига келди. Юксак мартабали меҳмон Но Му Хён ва мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов икки мамлакат ўртасидаги барча соҳаларда амалга оширилаётган дўстона алоқаларни мустаҳкам ривожлантириш, икки мамлакат ишбилармонлари ва тадбиркорлари учун янада кенг имкониятлар яратиш, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш каби ижтимоий масалаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан суҳбатлашди.

Меҳмон мамлакатимизнинг осори-атиқалари билан танишар экан, дунёга машҳур Самарқанд шаҳри ва унинг тарихий обидаларини кўриб, ҳайратини яшира олмади ҳамда мамлакатимизнинг юксак маънавият, маданият, тарихга эга эканига яна бир бор амин бўлганини, бундай халқнинг келажаги ҳам буюк бўлишига ишончи комил эканини қайта-қайта таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Оқсарой қароргоҳида Корея Республикаси ишбилармон доираларининг вакилларини қабул қилди. Эришилган ютуқларда

# КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

тўхтаб қолмасдан, ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш ҳар икки давлат учун ҳам фойдали эканлигини таъкидлади ва Корея ишбилармонларини ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга чақирди.

## 167. КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

КХДР (Choson Minjujuui Inmin Konghwaguk)

**Майдони**..... 120 540 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 22,5 млн (2002 йил).  
**Пойтахти**..... Пхеньян шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Хамжин, Вонсон, Хиннам.  
**Расмий тили**..... корейс тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** 1000 АҚШ доллари (2002 йил).  
**Экспорт**..... минерал хом ашё, металлургия, маҳсулотлари, саноат товарлари (курол-яроғ билан қўшиб ҳисоблаганда), қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик маҳсулотлари.  
**Импорт**..... нефть, тошқўмир, машина ва жиҳозлар, кундалик эҳтиёж моллари, дон.  
**Миллий валютаси**..... КХДР вонаси.  
**Дини**..... буддизм, конфуцийлик ва атеизм.  
**Мустақиллик куни**..... 15. 08. 1945.  
**Миллий байрами**..... 9 сентябрь - КХДР ташкил топган кун (1948).  
**Чегаралари**..... шимолда Хитой ва Россия, жанубда Корея Республикаси, ғарбда Сарик денгиз, шарқда Япон денгизи билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. КХДР социалистик давлати Узоқ Шарқда, Корея ярим оролининг шимол ва қисман қитъада, 38-параллелдан шимолда жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 9 вилоят (province)га ва вилоят мақомига эга бўлган 2 шаҳар (Пхеньян ва Кэсон)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1972 йил 27 декабрда қабул қилинган. Унга кейинчалик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Қуйидаги ҳокимият органлари амал қилади: Олий халқ мажлиси (ОХМ) ва унинг Доимий кенгаши, Мудофаа қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси

(собиқ Маъмурий кенгаш), жойлардаги халқ мажлислари ва халқ қўмиталари. Президент лавозими ва Марказий халқ қўмитаси бекор қилинган. Унинг ваколатлари ОХМ ва унинг Доимий кенгашига тақсимланди, қисман Вазирлар Маҳкамасига топширилди. Мудофаа қўмитасининг раиси (1993 йил 9 апрелдан Ким Чен Ир) олий давлат лавозими бўлиб, КХДРнинг сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий кучларига раҳбарлик қилади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари**. КХДР Меҳнат партиясига - 1945 йилда асос солинган, 1946 йилгача КХДР Коммунистик партияси: 1946 йилда Шимолдаги Янги халқ партияси ҳамда Жанубдаги Халқ ва Янги халқ партиялари бирлашиб, Шимолий Корея Меҳнат партияси ва Жанубий Корея Меҳнат партияси вужудга келди. 1949 йилда улар ягона Корея Меҳнат партияси бўлиб бирлашди; КХДР Социал-демократик партияси - 1945 йилда тузилган, КХДР Бирлашган демократик ватан фондига киради; Чхондогё-Чхонудан партияси (Самовий йўл дини ёш дўстлари партияси)га - 1946 йилда асос солинган. КХДР Бирлашган демократик ватан фондига киради; КХДР Бирлашган демократик ватан фонди - КХДР ватанпарвар партиялари ва ташкилотларининг умуммиллий fronti, мамлакат бирлиги ва демократик ривожланиши учун кураш шиори остида 1949 йилда тузилган. КХДР бирлашган касаба уюшмалари - 1945 йилда тузилган. Жаҳон касаба уюшмалари федерациясига киради.

Ўзбекистон Республикаси билан дипломатия муносабатларини 1992 йил 7 февралда ўрнатган.

**Аҳолиси**. Мамлакат аҳолисининг асосини корейслар ташкил этади, шунингдек, кам миқдорда хитойлар ва японлар ҳам яшашади.

**Иқтисодиёти**. КХДР - саноатлашган-аграр мамлакат. Иқтисодиётининг асоси - оғир саноат. Ташқи савдоси унчалик ривожланмаган. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 42%ни, қишлоқ хўжалигиники 30%ни ва хизмат кўрсатиш соҳаси 28%ни ташкил этади.

**Валютаси**. 150 КХДР вонаси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 960 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 520 млн. АҚШ доллари. Савдо соҳасидаги шериклари. Корея Республикаси, Россия, ХХР, Япония, Германия. Ҳарбий салоҳияти. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 1.106.000;  
захирадагилар – 4.700.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари) да 950.000, ҳарбий денгиз флотида 46.000, ҳарбий ҳаво кучларида 110.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. 26 сув ости кемаси ва 3 қўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 43 та снарядли кема, 6 та корвет, 103 та торпедоли ва 158 та патруль кемаси бор. 189.000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган хавфсизлик кучлари бор.

**Ўзбекистон – КХДР алоқалари.** 1994 йилдан буён Ўзбекистон билан КХДР ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликка оид ҳуқуқий негизни яратиш соҳасидаги иш давом этаётир. 1995 йилда ўзбек ва корейс томонлари «Ҳаво қатнови соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим» ва «Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим» деб аталган ҳужжатларни имзоладилар.

Икки мамлакат ўртасида савдо-сотиқ йўлга қўйила бошлади. Товар айланмаси 1998 йилда 2,3 млн. долларга етди. Ўзбекистон Республикасида КХДР сармояси иштирокида 2 та шўъба корхона ва 2 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Чунончи, «Ринрадо», «К.У.Ринрадо», «Чосон-Сикрексул» ва «Сафар» корхоналари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, харид қилиш ва сотиш билан шуғулланади.

## 168. ҚУВАЙТ

Кувайт Давлати (Dowlat al-Kuwait)

Майдони.....17 820 км<sup>2</sup>.  
Аҳолиси.....2 042 000.  
Пойтахти..... Кувайт шаҳри.  
Катта шаҳарлари.....Ал-Аҳмади.  
Расмий тили.....араб тили.  
ЯИМ (аҳоли жон бошига)....18.270 АҚШ доллари.  
Экспорт.....нефть ва нефть маҳсулотлари, ўғитлар.  
Импорт.....озиқ-овқат,

қурилиш материаллари, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар, кийим-кечаклар.

Миллий валютаси.....Кувайт динари.

Дини.....ислом дини.

Мустақиллик куни.....19.06.1961.

Миллий байрами.....25 февраль – Миллий кун (1950).

**Чегаралари**.....ғарбда Ироқ, жанубда Саудия Арабистони, шарқда Форс кўрфази.

**Давлат тузуми.** Конституциявий монархия тузуми қарор топган Кувайт Арабистон ярим ороли, Форс кўрфазининг шимоли-ғарбий соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 3 вилоятга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1962 йил 16 ноябрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – амир (1977 йилдан шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни амир ва парламент – Миллий мажлис, ижроия ҳокимиятини амир ва Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

**Сийосий партиялари, касаба уюшмалари.** Кувайтда сийосий партиялар фаолияти тақиқланган. Кувайт демократик форуми, муҳолифатдаги партия – 1991 йил 7 муҳолифат гуруҳининг бирлашуви натижасида тузилган. Кувайт ишчилари умумий федерацияси касаба уюшмаси 1967 йил декабрда тузилган. Араб касаба уюшмалари халқаро конфедерацияси ва Жаҳон касаба уюшмалари федерацияси аъзоси.

Кувайт 1963 йилдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган ва 1994 йил 8 июлда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Аҳолисининг 90%га яқини араблар, уларнинг ярмидан кўпи муҳожирлар. Кўчманчи бадавийлар, ҳиндистонлик, покистонлик ва эронликлар ҳам яшайди. Аҳолисининг 92%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Иккинчи жаҳон урушигача Кувайт иқтисодиётининг асосий тармоғи кўчманчи чорвачилик, соҳилда эса денгиз жониворларини овлаш бўлган, аҳолининг бир қисми савдо-сотиқ, хусусан, марварид савдоси билан шуғулланган. Урушдан кейин бой нефть конлари негизда нефть қазини саноати ривожланди. Қишлоқ хўжалигида ҳамон

кўчманчи чорвадорлик устун.

**Валютаси.** 0, 3057 Қувайт динори 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 7,6 млрд. АҚШ доллари. Экспортнинг улуши 23,2 млрд. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Сингапур.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 15.500;

захирадагилар – 23.700:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 11.000, ҳарбий денгиз флотида 2.000, ҳарбий ҳаво кучларида 2.500 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 10 та снарядли кемаси бор. 6.600 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган миллий гвардияси бор. Шунингдек, 500 нафар қирғоқ химоячилари ҳам мавжуд.

**Табиати.** Ер юзасининг кўп қисми ғарбдан шарққа пасайиб борувчи плато. Форс кўрфазининг соҳили ботқоқли пасттекислик. Иқлими – қуруқ, тропик иқлим.

**Ўзбекистон – Қувайт муносабатлари.** 1994 йил июлда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгач, турли соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйила бошланди. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси билан Қувайт ўртасида «Ҳаво қатнови тўғрисидаги битим» имзоланди. 1997 йилда Қувайт иқтисодий ривожланиш жамғармаси Нукус ва Урганч шаҳарларини сув билан таъминлаш лойиҳаси учун 18 млн. АҚШ доллари миқдоридан пул ажратди. Айни вақтда, Ўзбекистонга 6 млн. Қувайт динори миқдоридан кредит бериш ҳақидаги шартнома имзоланди; 20 йил муддатга берилган бу кредитда 5 йиллик имтиёзли давр кўзда тутилган. 1998 йил 250 минг Қувайт динори миқдоридан кредит маблағи ўзлаштирилди. Икки давлат ўртасида сиёсий, ижтимоий, маданий соҳаларда ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунга Қувайт парламентида Қувайт-Ўзбекистон дўстлик кўмитаси ташкил этилгани яққол мисол бўла олади. 2001 йилда Қувайт Тошкентда ўз элчихонасини очди ва шу йилнинг ноябрида Қувайт давлатининг фавқулодда ва мухтор элчиси В. Ал-Кандарий Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов-

га ўз ишонч ёрлигини топширди. 2004 йилнинг декабрида Қувайтда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси фаолият кўрсата бошлади. Ўзбекистон ва Қувайт ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми икки мамлакат имкониятларидан анча паст кўрсаткичларга эга. 2003 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 17,2 минг АҚШ долларини ташкил этди. Савдо, асосан, мамлакатимиз экспортдан иборат бўлиб, у қуруқ мевалар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини қамраб олади.

Республикаимизда қувайтлик инвесторлар иштирокида битта қўшма корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. “Anwarul Houda” қўшма корхонасининг асосий фаолияти мебель ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришдан иборат бўлмоқда.

Ўзбекистон ҳайъатининг 2004 йил мартида Қувайтга ташрифи давомида Қувайт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

1998 йилнинг октябрида Қувайт Адлия ва ислом ишлари вазири Аҳмад ал-Кулайб раҳбарлигидаги ҳайъат Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда ўтказилган тантаналарда иштирок этиб, Қувайт Амири кўрсатмасига биноан Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуасини жиҳозлаш ишларига 500 минг АҚШ доллари ҳажмида молиявий ёрдам тақдим этди.

2004 йилнинг 25-28 июлида Қувайт Вақф ва Ислом ишлари вазири Абдулла ал-Маътуқнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Мусулмонлар диний идораси ва Тошкент Ислом университетида Қувайт ҳайъати билан учрашувлар ўтказилди. Ташриф давомида Қувайт Вақф ва Ислом ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

169. ЛАОС

Лаос Халқ Демократик Республикаси  
(Sathalanalat Pasathi patai Pasacon Lao)

**Майдони**.....236 800 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....5,7 млн.(2004 йил).  
**Пойтахти**.....Вьентьян шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Саваннакхет, Луангпрабанг, Паксе, Тхакхек.  
**Расмий тили**.....лао (лаос) тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....1730 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....ёғоч маҳсулотлари, кийим-кечак, электр энергияси, кофе, қалай.  
**Импорт**.....машина ва жихозлар, автомобиллар, ёнилғи.  
**Миллий валютаси**.....кип.  
**Дини**.....буддавийлик ва анъанавий маҳаллий динлар.  
**Мустақиллик куни**.....19.07.1949.  
**Миллий байрами**.....2 декабрь - Республика эълон қилинган кун (1975).  
**Чегаралари**.....ғарбда Таиланд, Мъянма, шимолда ХХР, шарқда Вьетнам, жанубда Камбоджа билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Лаос - халқ демократик республикаси. Жануби-шарқий Осиёда, Хиндихитой ярим оролининг марказий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 13 кхуэнг (вилоят)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1991 йил 14 августда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент (1998 йилдан Кхамтай Сипхандон), у Миллат мажлиси томонидан 5 йил муддатга сайланади, бош вазир, вазирлар ва бошқа мансабдор шахсларни тайинлаш ҳуқуқига эга. Қонун чиқарувчи ҳокимият Миллат мажлиси (бир палатали парламент) бўлиб, у аҳоли томонидан умумий бевожита овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимияти - бош вазир бошчилигидаги ҳукумат.  
**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари**. Лаос халқ-инқилобий партияси - 1955 йилда Лаос халқ партияси номи билан тузилган. 1972 йил февралдан ҳозирги номини олган; Лаос Миллий қурилиш fronti (Неу Лао Санг Сат) - 1956 йил тузилган. 1979 йил февралгача Лаос ватанпарварлик fronti деб аталган, оммавий ватанпарварлик ташкило-

ти. Унга Лаос халқ-инқилобий партияси раҳбарлик қилади. Фронт таркибига Лаос хотин-қизлар иттифоқи, халқ инқилобий ёшлар иттифоқи, Талабалар уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари киради. Лаос касаба уюшмаси федерацияси - 1965 йилда тузилган, Жаҳон касаба уюшмалари федерацияси аъзоси.

Лаос 1955 йил 14 декабрда БМТга аъзо бўлди.

Лаос ҳукумати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олди ва ўша йили 10 сентябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси**. Асосий аҳолиси - лао (70%); шунингдек, кхму, мео, яо, хитойликлар, вьетнамликлар, ҳиндлар ҳам бор. Аҳолисининг 19%и шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти**. Лаос - аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 53%, саноат ва қурилишнинг улуши - 17%.

**Валютаси**. 10425 кип 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 508 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 371млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. Вьетнам, Таиланд, Германия, Франция, Бельгия, ХХР, Сингапур, Гонгконг.

**Ҳарбий салоҳияти**. Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 29.100;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 25.600 (армиянинг денгиз бўлинмасида 600), ҳарбий ҳаво кучларида 3.500 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 16 патруль кемаси мавжуд. 100.000 нафар ярим ҳарбийлашган милиция ва мудофаа кучлари бор.

**Табиати**. Лаос, асосан, тоғли мамлакат. Лаоснинг шимоли ўртача баландликдаги тоғ тизмалари ва платодан иборат. Траннинь тоғлигида Лаосдаги энг баланд чўққи - Биа тоғи (2820 м.) жойлашган. Иқлими - субэкваториал, муссонли. Катта дарёси - Меконг. Фалокатли сув тошқинлари бўлиб туради.

170. ЛИВАН

Ливан Республикаси  
(al-Jumhuriya al Lubnaniya)

**Майдони**.....10 450 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....4,5 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Байрут шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Триполи, Сайда ва Заҳда.  
**Расмий тили**.....араб тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....4.800 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....озиқ-овқат ва тамаки, газлама, кимёвий воситалар, металл ва металл буюмлар, ёнилғи.  
**Импорт**.....озиқ-овқат, машина ва транспорт жихозлари, кундалик эҳтиёж моллари, газлама ва металл.  
**Миллий валютаси**.....Ливан фунти.  
**Дини**.....ислом ва насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....22. 11. 1943.  
**Миллий байрами**.....22 ноябрь - Мустақиллик куни.  
**Чегаралари**.....шимолда Сурия, жанубда Исроил, ғарбда Ўрта ер денгизи.  
**Давлат тузуми**. Ливан парламентар республикаси Ғарбий Осиёдаги давлат. Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилида. Ливан маъмурий жиҳатдан 6 муҳофаза (вилоят)га бўлинган. Амалдаги конституцияси 1926 йил 23 майда кучга кирган, кейинчалик унга тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи – президент. Депутатлар палатаси (парламент) томонидан 6 йилга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият – 128 депутатдан иборат Депутатлар палатаси. Ижроия ҳокимиятни президент ва у тайинлайдиган ҳукумат (Вазирлар Кенгаши) амалга оширади.  
**Сiyсий партиялари, касаба уюшмалари**. Араб социалистик уйғониш партияси – 1950 йилда умумараб Баас партиясининг бўлими сифатида тузилган; Катаиб (ёки Ливан фаланглари) партиясига – 1936 йилда асос солинган; Тараққийпарвар социалистик партия – 1949 йилда тузилган, Миллий блок – 1943 йилда тузилган; Миллий либерал партия (Эркин ватанпарварлар партияси)га – 1958 йилда асос солинган; Ливан коммунистик партияси – 1924

йилда тузилган. Ливан меҳнаткашлари умумий конфедерациясига – 1958 йилда асос солинган.

Ливан 1945 йил Араб давлатлари Лигаси тузилишида иштирок этди ва шу йилнинг 24 октябрида БМТга аъзо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олди ва 1998 йил 22 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Аҳолисининг 90%дан ортиғи араблар, шунингдек, арманлар, курдлар, черкаслар, турклар яшайди. Аҳолининг 60%и мусулмон (сунний, шиа, друз), қолган қисми насронийлар (мароний, православ, католик). Аҳолининг 83,7%и шаҳарларда яшайди.**

**Иқтисодиёти**. Ливан – саноатлашган-аграр мамлакат. Ливан иқтисодиётининг асоси банк-молия фаолияти, савдо ва сайёҳликдир. Ялпи ички маҳсулотда хизмат соҳаси, савдо, молия 50,3%, саноат ва қурилиш 17,8%, қишлоқ хўжалиғи 9,8%ни ташкил этади.

**Валютаси**. 1.500 Ливан фунти 1 АҚШ доллари тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуғи 7 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуғи 1,5 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. БАА, Саудия Арабистони, Сурия, АҚШ, Швейцария, Япония, Буюк Британия.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 72.100:

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари) да 70.000, ҳарбий денгиз флотига 1.100, ҳарбий ҳаво кучларида 1.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. Патруль ва қирғоқ кўшинларида 7 патруль кемаси бор. 13.000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган ички хавфсизлик кучлари бор.

**Табиати**. Қирғоқларининг катта қисми паст. Соҳили текислик. Шарқда Ливан тизмаси мамлакатнинг катта қисмини эгаллаган (баландлиғи 3088 метргача).

Иқлими субтропик, ёзи қуруқ, киши сернам. Дарёлари кичкина, ёзда кўпинча қуриб қолади. Катта дарёси: Ал-Литони.

## 171. МАЛАЙЗИЯ

(Persekutuan Tanah Malaysia)

**Майдони**.....329 750 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....24,8 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Куала-Лумпур шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Жоржтаун, Ипох, Жохор-Бару.  
**Расмий тили**.....малайзия тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...8940 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....электроника жиҳозлари, нефть ва суюлтирилган табиий газ, кимёвий воситалар, пальма ёғи, ёғоч маҳсулотлари, каучук ва тўқимачилик маҳсулотлари.  
**Импорт**.....техника ва жиҳозлар, озиқ-овқат, кимёвий воситалар, ёнилғи-мойлаш материаллари.  
**Миллий валютаси**.....ринггит (Малайзия доллари).  
**Дини**.....ислом, буддизм, хиндуизм, насронийлик.  
**Мустақиллик куни**.....31. 08. 1957.  
**Миллий байрами**.....31 август - Миллий куни (1957).  
**Чегаралари**.....Малакка ярим ороли, Таиланд ва Сингапур билан, Калимантан ороли, Индонезия ва Бруней билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Малайзия сиёсий тузуми - конституциявий монархия. Жануби-шарқий Осиёдаги федератив давлат. Худудини Жанубий Хитой денгизи иккига ажратиб туради; Ғарбий Малайзия (Малайя) Малакка ярим оролининг жанубида, Шарқий Малайзия Калимантан оролининг шимолий қисмида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 13 штат ва 2 федерал ҳудудга бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибида. Амалдаги конституцияси 1963 йилда қабул қилинган, унга Малайя федерациясининг 1957 йилги конституцияси асос қилиб олинган ва кейинчалик тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи - олий ҳукмдор (подшоҳ, 2001 йил 12 декабрдан Султон Туанку Саид Сирожиддин Саид Нутра Жамолуллайл), у 9 малайя штати султонлари кенгашида яширин овоз бериш

йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи органи - 2 палатали парламент. Ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги вазирлар маҳкамаси амалга оширади.

**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари**. Умуммалайзия ислом партияси - 1951 йилда тузилган; Малайзия ҳинд конгрессига - 1946 йилда асос солинган; Малайзия хитой уюшмаси - 1949 йилда ташкил этилган; Малайя бирлашган миллий ташкилоти (янгига) - 1988 йилда асос солинган; Демократик ҳаракат партияси - 1966 йилда тузилган; Миллий фронт - 1973 йилда 12 партиянинг ҳукмрон коалицияси (иттифоқи) тарзида ташкил этилган. Малайзия касаба уюшмалари конгресси - 1949 йилда тузилган. Малайзия 1957 йил 17 сентябрдан БМТ аъзоси. 1992 йил 1 январда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олган ва шу йилнинг 21 феввалида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг** 54%и малайялар, 34%и хитойлар, 10%и ҳиндлар. Шаҳар аҳолиси 43%.

**Иқтисодиёти**. Малайзия - саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда ишлаб чиқариш саноатининг улуши - 28,7%, кончилик саноатининг улуши - 9,3%, қишлоқ хўжалигининг улуши 17,3%.

**Валютаси**. 3, 8 ринггит 1 АҚШ долларига тенг. (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 81 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 101 млрд. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. АҚШ, Япония, Сингапур, Тайвань, Корея Республикаси, Нидерландия, Гонгконг.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 110.000;

захирадагилар - 51.600:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 80.000, ҳарбий денгиз флотида 15.000, ҳарбий ҳаво кучларида 15.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 4 қўриқчи кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 6 корвет, 8 та снарядли кема ва 27 та патруль кемаси бор.

18.000 нафар ярим ҳарбийлашган полиция ва

## МАЛЬДИВ

2.100 нафар денгиз полицияси бор.

**Табиати.** Малайзия экватор минтақасида жойлашган. Малакка ярим оролининг катта қисмини тепаликлар, паст ва ўртача баландликдаги тоғлар (баландлиги 1000-2000 м., энг баланд жойи – Тахан тоғи, 2190 м.) эгаллаган. Соҳил қисмлари (эни 90 км. гача) паст-текислик. Малайзиядаги энг баланд жой – Кинабалу тоғи (4101 м.). Иқлими экваторга хос, шимолроғида субэкватор муссонли иқлим. Дарёлари (Ражанг, Паханг, Барам, Кинабатанган) серсув.

**Ўзбекистон – Малайзия муносабатлари.** 1993 йил июнда Тошкентда Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилди. 1999 йилнинг декабридан эса Малайзияда Ўзбекистон республикаси элчихонаси фаолият юрита бошлади. 1992 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Малайзияга расмий таширифи ва Малайзия Бош вазири Махатхир Муҳаммаднинг 1993 йили Ўзбекистонга таширифи доирасида бўлиб ўтган мулоқотларда икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларга асос солинди. 2003 йили Малайзия қироли Ўзбекистонга ташириф буюрди.

Ўзбекистон билан Малайзиянинг халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ёндашувлари мос келади: ядро қуролини тарқатмаслик ва ядро синовларини тақиқлаш, терроризмга, наркотикларнинг тарқалиши ва ноқонуний тижоратига қарши кураш каби масалаларда ҳамфикрлик мавжуд.

**Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик.** 2004 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 11,509 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Шундан Малайзиядан Ўзбекистонга 2,925 млн. долларлик ва Ўзбекистондан 8,584 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бугунги кунда республикада Малайзия инвестицияси асосида ишлайдиган 18 корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 15 таси қўшма корхона, 3 таси эса 100% Малайзия сармояси асосида ишлайди. Ўзбекистон меҳмонхонасини реконструкция қилиш, нефть қазиб олиш (“УзМалОйл”), Ўзбекистон ҳаво йўллари Миллий авиакомпанияси бортларида овқатланишни ташкил қилиш, Тошкент, Бухоро, Наманганда рақамли уяли телефон алоқаси-

ни ташкил қилиш (“Узмаком”) каби соҳалардаги ҳамкорлик бунга мисол бўла олади.

**Маданият, таълим, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик.** Техник ҳамкорлик бўйича Малайзия дастури доирасида Малайзия ҳукумати Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги мутахассисларининг Малайзияда ўқишини тўла молиялаштириб келмоқда.

Ўзбекистон ФА Кўлэзмалар институти, Навоий номидаги Миллий кутубхона билан Малайзия Миллий кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Икки томонлама дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида 1998 йилда “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамияти ташкил этилган.

### 172. МАЛЬДИВ

Мальдив Республикаси  
(Divedhi Raaajjeyge Jumhooriyya)

<b>Майдони</b> .....	300 км <sup>2</sup> .
<b>Аҳолиси</b> .....	287 000 (2001 йил).
<b>Пойтахти</b> .....	Мале шаҳри.
<b>Расмий тили</b> .....	мальдив (дивехи) тили.
<b>ЯИМ (аҳоли жон бошига)</b> ....	4880 АҚШ доллари. (2003 йил).
<b>Экспорт</b> .....	балиқ, кийим-кечак.
<b>Импорт</b> .....	кундалик эҳтиёж моллари, қурилиш материаллари ва жиҳозлари, нефть маҳсулотлари.
<b>Миллий валютаси</b> .....	руфия (Мальдив руфияси).
<b>Дини</b> .....	ислом.
<b>Мустақиллик куни</b> .....	26. 07. 1965.
<b>Миллий байрами</b> .....	26 июль - Мустақиллик куни.
<b>Чегаралари</b> .....	Хинд океанидаги орол.
<b>Давлат тузуми.</b> Мальдив республикаси Жанубий Осиёда, Хинд океанининг шимоли-ғарбий қисмидаги Мальдив оролларида жойлашган (Шри Ланка оролининг жануби-ғарбида) давлат. Маъмурий жиҳатдан 20 ороллар гуруҳига бўлинади. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибида. Амалдаги конституцияси 1968 йил 11 ноябрда кучга кирган, унга 1972 ва 1997 йилларда тузатишлар	

# МОНГОЛИЯ

киритилган. Давлат бошлиғи – президент, аҳоли томонидан 5 йил муддатга сайланади (1978 йилдан Мўмин Абдул Қайюм). Қонун чиқарувчи ҳокимият – бир палатали парламент (мажлис). Ижроия ҳокимиятини президент ва у тайинлайдиган Вазирлар маҳкамаси амалга оширади. Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари йўқ.

Мальдив 1965 йил 21 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1994 йил 7 декабрда тан олган ва шу куни дипломатик муносабатлар ўрнатган.

**Аҳолисининг 99%и мальдив (дивехи)лар, шунингдек, араблар ва малайялар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 30%и бирдан бир шаҳар – Малела истиқомат қилади.**

**Иқтисодиёти.** Мальдив – иқтисодий қолоқ мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда балиқчиликнинг улуши 13%, сайёҳлик 18%, хизмат кўрсатиш соҳаси 20%, қишлоқ хўжалиги улуши 23,7% ва саноат улуши 7,7%ни ташкил этади.

**Валютаси.** 11, 770 Мальдив рупияси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 372 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 88 млн. АҚШ доллари. (2000 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, Буюк Британия, Шри-Ланка, Япония, Сингапур, Ҳиндистон, Канада.

**Табиати.** Мальдив архипелаги 2 мингдан ортиқ кичик орол (атолл)дан иборат, шундан 200 тасида одам яшайди. Оролларнинг аксарияти маржон қоялар билан ўралган. Иқлими – экваторга ҳос, муссонли.

## 173. МОНГОЛИЯ

(Mongolian Republic/Mongol Uls)

**Майдони**..... 1 565 000 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 2,6 млн (2002 йил).

**Пойтахти**.....Улан-Батор шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Дархан, Эрдэнэт.

**Расмий тили**.....монгол тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..1770 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....кумуш, уй ҳайвонлари, жун, чарм ва рангли металллар.

**Импорт**.....машина ва жиҳозлар, ёнилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж товарлари, кимёвий воситалар, қурилиш материаллари, шакар ва чой.

**Миллий валютаси**.....тугрик.

**Дини**.....буддизм, ислом ва шаманизм.

**Мустақиллик куни**.....11.07.1921.

**Миллий байрами**.....11 июль – Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Россия, шарқ, жануб ва ғарбда Хитой билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Монголия парламентар республикаси Марказий Осиёда жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 18 аймақ (вилоят)га, аймақлар сомон (туман)ларга бўлинади. Улан-Батор, Дархан ва Эрдэнэт шаҳарлари мустақил маъмурий birlik бўлиб, бевосита марказий ҳокимият органларига бўйсунди. Амалдаги конституцияси 1992 йил 13 январда қабул қилинган ва 12 февралда кучга кирган. Давлат бошлиғи – президент (1997 йилдан Нацагийн Багабанди), у умумий бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади, яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Буюк давлат хурали (парламент) амалга оширади. Ижроия ҳокимиятини ҳукумат бошқаради. Ҳукумат бош вазирнинг таклифига биноан, президент билан келишилган ҳолда Буюк давлат хурали томонидан тузилади. Вазирлар маҳкамаси бошлиғининг помзодини президент Буюк давлат хурали муҳокамасига таклиф этади.

**Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Монголия халқ инқилобий партияси - 1921 йилда тузилган, 1999 йил мартда Монголия халқ партияси унинг таркибига кирган; Монголия миллий демократик партияси - 1992 йил октябрда ташкил этилган; Монголия бирлашган консерватив партиясига - 1993 йилда асос солинган; Монголия демократик уйғониш партияси - 1994 йилда тузилган; Монголия «кўкатпарварлар» партиясига - 1990 йилда асос солинган; Монголия ипчи партияси - 1992 йилда тузилган; Монголия республикачилар партияси - 1992 йилда ташкил этилган; Монголия социал-демократик

## МЬЯНМА

партияси - 1990 йилда тузилган; Монголия демократик иттифоқи, партиялар блокига - 1990 йилда асос солинган; «Ватан» коалицияси - 1999 йилда тузилган, Янги демократик социалистик партия билан Монголия ишчи партиясини бирлаштиради; Тўрт иттифоқ Федерацияси - 1993 йилда ташкил этилган (Монголия демократик иттифоқи, Янги тараққийпарвар иттифоқ, Монголия ёшлар иттифоқи ва Монголия талабалари иттифоқидан иборат). Монголия эркин касаба уюшмалари иттифоқи - 1990 йили тузилган; Монголия касаба уюшмалари федерацияси - 1927 йили ташкил этилган.

Монголия 1961 йил 27 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 19 декабрда тан олган ва 1992 йил 25 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Аҳолисининг 90% дан ортиғи монголлар. Мамлакат шимолида бурятлар, шимоли-ғарбда қозоқлар, тувалар яшайди. Диндорлар будда динининг ламаизм йўналишига эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси 60%.

**Иқтисодиёти.** Монголия - саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 34%, қишлоқ хўжалигининг улуши 16%.

**Валютаси.** 1,097,00 Монголия тутриқи 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 0,6 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 0,46 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Хитой, Россия, АҚШ, Япония ва Корея Республикаси. **Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 8.600;

захирадагилар - 137.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 7.500, ҳарбий ҳаво кучларида 800 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 6 000 нафар ярим ҳарбийлашган чегара ҳимоячилари ва 1.200 нафар ички хавфсизлик қўшинлари бор.

**Табиати.** Монголия худуди аксари қисмининг баландлиги 1000-2000 м. Йирик тоғ тизмалари: Монголия Олтойи (баландлиги 4362 метр-

гача), Гоби Олтойи, Хангай ва Хэнтэй. Катта Қўллар сойлиги ва Гоби чўлида 30 минг км. ер қум билан қопланган. Иқлими қуруқ, кескин континентал. Қиши совуқ, кам қорли, серкуёш. Монголия Олтойида музликлар бор. Катта дарёлари: Селенга, Керулен, Онон, Дзабхан ва Кобдо. Йирик қўллари: Убсу-Нур, Хиргис-Нур, Хубсугул ва Хара-Ус-Нур. Мамлакатнинг шимоли ва шимоли-шарқи дашт, жануби ва жануби-шарқи чала чўл ва чўлдан иборат.

**Ўзбекистон - Монголия муносабатлари.** 1977 йилдан 1994 йилгача Тошкентда Монголиянинг Бош консулхонаси ишлади, Монголиянинг молиявий аҳволи ёмонлашуви муносабати билан Бош консулхона ёпиб қўйилди. Ҳозирги пайтда иккала мамлакат ўртасидаги дипломатия муносабатлари Монголиянинг Қозоғистон Республикасидаги элчихонаси орқали амалга оширилмоқда. 1996 йил 11-13 февраль кунлари Монголия делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди, Ўзбекистон ва Монголия Ташқи ишлар вазирлари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар ҳақида баённома имзоланди. Ўзбекистон билан Монголия ўртасида озроқ ҳажмда бўлсада, савдо-сотиқ йўлга қўйилган. 1998 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 1,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

### 174. МЬЯНМА

Мьянма Иттифоқи Республикаси  
(Pyeyidaungzu Myanma Naingangandaw)

<b>Майдони</b> .....	678 500 км <sup>2</sup> .
<b>Аҳолиси</b> .....	52,8 млн (2003 йил).
<b>Пойтахти</b> .....	Янгон шаҳри.
<b>Катта шаҳарлари</b> .....	Мандалай, Мо- ламьян.
<b>Расмий тили</b> .....	мьянма тили.
<b>ЯИМ (аҳоли жон бошига)</b> .....	1500 АҚШ долла- ри.(2000 йил).
<b>Экспорт</b> .....	кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ўрмон маҳсулот- лари ва қимматбаҳо тошлар.
<b>Импорт</b> .....	техника, транс- порт ускуналари, қурилиш материаллари ва

озик-овқат маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....кьят.  
**Дини**.....буддавийлик.  
**Мустақиллик куни**.....4. 01. 1948.  
**Миллий байрами**.....4 январь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....ғарбда Бангладеш ва Хиндистон, шарқда Хитой, Лаос, Таиланд, жануби-ғарбда Андаман денгизи билан ўралган. **Давлат тузуми.** Мьянма республикаси жануби-шарқий Осиёда, Хиндихитой ярим оролининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 7 миллий вилоят ва 7 маъмурий вилоятга бўлинади. 1994 йил 9 апрелдаги Мьянма Иттифоқи Республикаси конституцияси амал қилади. Конституцияга биноан, давлат бошлиғи - президент, қонун чиқарувчи ҳокимият - Миллат мажлиси. Ижроия ҳокимиятини ҳукумат амалга оширади. Парламент сайловигача давлат ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг олий органи Тинчлик ва тараққиёт давлат кенгашидир.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Халқ озодлиги антифашист лигаси - 1945-47 йилларда мустамлакачиларга қарши халқ курашига бошчилик қилган, 1988 йилда қайтадан тузилган; Демократик партия - 1988 йилда ташкил этилган; Халқ демократик партиясига - 1988 йилда асос солинган; Демократия учун миллий лига - 1988 йилда тузилган; Миллий бирлик партияси - 1962 йилда ташкил этилган, 1988 йилгача Бирма социалистик дастури партияси деб аталган. Дехқонлар бирлиги ташкилоти касаба уюшмаси - 1969 йили тузилган Марказий халқ дехқонлар кенгаши негизида 1977 йилда ташкил этилган; Ишчилар бирлиги ташкилоти касаба бирлашмаси - 1977 йилда тузилган; Мьянма касаба уюшмалари федерациясига - 1988 йилда асос солинган.

Мьянма 1948 йил 19 апрелдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси билан 2001 йил 8 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатган. **Аҳолиси.** Мьянма - кўп миллатли давлат. У ерда 76 га яқин миллат ва элат бор. Мьянмада (бирмаликлар), карен, шан, чин, качин, мон ва бошқа халқлар яшайди. Хиндлар, хитой-

ликлар, европаликлар ҳам бор. Аҳоли ноте-кис жойлашган.

**Иқтисодиёти.** Қишлоқ хўжалиги Мьянма иқтисодиётининг негизидир. Айрим қишлоқ хўжалиги экинларидан 2-3 марта ҳосил олинади. Чорвачилигида қорамол, чўчқа, парранда боқилади. Ички сув ҳавзалари ва денгизда балиқ овланади. Ўрмонларда қимматбаҳо (айниқса, тик ва каучук) дарахтлар кўп. **Валютаси.** 5,9 Мьянма кьяти 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташиқ савдода импортнинг улуши 2515 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 2802 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Сингапур, Хиндистон, Хитой, Таиланд, АҚШ, Япония ва Корея Республикаси.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 485.000 (72.000 нафар халқ полицияси кучлари ва 35.000 нафар халқ милицияси билан бирга):

шундан, армия (куруқлик қўшинлари)да 350.000, ҳарбий денгиз флотидида 13.000, ҳарбий ҳаво кучларида 15.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 4 корвет, 6 та снарядли кема, 31 денгиз патруль кемаси ва 29 дарё патруль кемаси бор.

250 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган халқ марвариди ва Балиқчилик вазирлиги хизматчилари бор.

**Табиати.** Мьянма - тоғли мамлакат. Энг баланд жойи 5881 м. Иқлими - иссиқ, ўзгарувчан нам иқлим. Серёгин ойлари - июнь-октябрь. Март ва апрель энг қурғоқчил ва иссиқ ойлардир. Дарёлари муссон ёмғирлари мавсумида тўлиб оқади. Ҳар йили тошқинлар бўлиб туради. Энг катта дарёлари - Иравади, Салуин. Кўл кам, энг катта кўли - Инле.

175. НЕПАЛ

Непал Қироллиги (Nepal Adhirajya)

**Майдони**..... 140 800 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 24 000 000 (2002 йил).  
**Пойтахти**..... Катманду шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Биратнагар, Патан, Бхактапур.  
**Расмий тили**..... непал тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**...1350 АҚШ доллари. (2002 йил).  
**Экспорт**.....гиламлар, кийим-кечаклар, чарм буюмлар, дон маҳсулотлари.  
**Импорт**.....олтин, техника ва ускуналар, нефть маҳсулотлари ва ўғитлар.  
**Миллий валютаси**.....Непал рупияси.  
**Дини**.....ҳиндуизм, буддавийлик ва ислом.  
**Мустақиллик куни**.....1768 йилдан буён мустақил.  
**Миллий байрами**.....28 декабрь - Қирол Гяендранинг туғилган куни (1945).  
**Чегаралари**.....шимолда Хитой, шарқ, жануб ва ғарбда Хиндистон билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Конституциявий монархия тузуми қарор топган Непал Жанубий Осиёда, Ҳимолай тоғининг марказий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 14 зонага, зоналар туманларга бўлинади. 1990 йил 9 ноябрда қирол томонидан эълон қилинган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи - қирол (2001 йилдан Гяендра Бир Бикрам Шоҳ Дев). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қирол ва икки палатали парламент (Вакиллар палатаси ва Миллий кенгаш), ижроия ҳокимиятини қирол ва бош вазир бошчилигидаги Вазирлар Кенгаши амалга оширади.  
**Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари**. 1961 йил 5 январда қирол фармони билан мамлакатдаги барча сиёсий партиялар тақиқланган эди. 1979 йил 2 майда кўп партияли тизимга қайтиш масаласи юзасидан миллий референдум ўтказилди. 1990 йил 11 апрелда сиёсий партияларнинг ошкора фаолиятига ижозат берилди.  
 Миллий демократик партиятга - 1990 йил майда асос солинган; Непал конгресси партияси

- 1947 йилда тузилган, 1960 йил декабрда тақиқланган, 1990 йил апрелдан яна ошкора фаолият бошлаган; Непал коммунистик партияси - 1991 йилда тузилган. Непалнинг барча касаба уюшмалари 1990 йил 11 апрелдан ошкора фаолият кўрсата бошлаган. Непал 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 2 январда таън олган.  
**Аҳолиси** ҳинд ва тибет-хитой тили оиласининг 60 тил ва шевасида сўзлашади (шундан 14 таси ўз ёзувига эга). Асосий халқи - непаллар (52,3%) мамлакатнинг маркази ва жануби-ғарбида яшайди. Майтхиллар, бхожпурлар, таманглар, тхарулар, неварлар ҳам бор. Аҳолининг 90% га яқини ҳиндуизмга эътиқод қилади, 7,5%и буддавийлик, 2% га яқини ислом динида. 10% га яқин аҳоли шаҳарларда истиқомат қилади.  
**Иқтисодиёти**. Непал - аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 60%, саноат ва қурилишнинг улуши 14%. Иқтисодий фаол аҳолининг 92% аграр соҳада банд.  
**Валютаси**. 74 непал рупияси 1 АҚШ доллари тенг. (2001 йил).  
 Ташқи савдода импортнинг улуши 1,6 млрд. АҚШ доллари.  
 Экспортнинг улуши 795 млн. АҚШ доллари. (2001 йил).  
**Савдо соҳасидаги шериклари**. Хиндистон, АҚШ, Германия, Сингапур, Хитой ва Гонконг.  
**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:  
 фаоллар - 69.000;  
 шундан, армия (куруқлик кўшинлари)да 69.000 киши хизмат қилади.  
 Қурол-яроғи замонавий эмас. 47.000 нафар ярим ҳарбийлашган полиция кучлари ва 15.000 нафар қуролли полиция кучлари бор.  
**Табиати**. Непал ҳудудининг аксар қисмини Ҳимолай тоғлари эгаллайди. Шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон 2 тоғ тизмаси чўзилган. Непалнинг шимолий ва шарқий чегараларида Ҳомолунгма (Эверест, Ер юзидаги энг баланд чўкқи, 8848 м.) ва Канченжанга (8585 м.) тоғлари жойлашган. Тоғлар оралигида кўпгина водий ва ҳавзалар бор. Уларнинг энг каттаси - Катман-

## ОЗАРБАЙЖОН

ду водийси. Жанубида Хинд-Ганг текислигининг шимолий чеккаси ётади. Иқлими баланд минтақага хос субэкваториал муссонли.

### 176. ОЗАРБАЙЖОН

Озарбайжон Республикаси

(Azerbaijan Respublikasy, Azerbaijan)

**Майдони**.....86 600 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....8.300.000 киши.  
**Пойтахти**.....Боку шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Сумгаит, Мингечаур, Ганжа, Ленкоран, Нахичеван.  
**Расмий тили**.....озар тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..2 920 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....нефть ва газ, машиналар, пахта, озиқ-овқат маҳсулотлари.  
**Импорт**.....машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, металллар, кимёвий воситалар.  
**Миллий валютаси**.....Озарбайжон манати.  
**Дини**.....ислом.  
**Мустақиллик куни**.....30. 08. 1991.  
**Миллий байрами**.....28 май - Мустақиллик куни (1918).  
**Чегаралари**.....шимолда Россия ва Грузия, ғарбда Арманистон ва Туркия, жанубда Эрон, шарқда Каспий денгизи билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Озарбайжон республикаси Кавказортининг жануби-шарқий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 61 туман, 65 шаҳар, 122 шаҳарчага бўлинади. Нахичеван Мухтор Республикаси ва Тоғли Қорабоғ Озарбайжон таркибига киради. Давлат бошлиғи – президент (2003 йил октябрдан И.Алиев). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни – парламент (Миллий мажлис), ижроия ҳокимиятини – Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.  
**Сийёсий партиялари**. Янги Озарбайжон, Озарбайжон халқ fronti, Миллий мустақиллик партияси, Мусовот, Озарбайжон халқ партияси, Озарбайжон деҳқонлар партияси, Тўғри йўл партияси, Озарбайжон социал-демократик партияси ва бошқалар.  
**Аҳолиси**, асосан, озарбайжонлар (83%); руслар, лезгинлар, аварлар, курд, толиш, ца-

хур, татлар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 54%. **Иқтисодиёти**. Озарбайжон – саноатлашган-аграр мамлакат. Нефть, темир рудаси, алу-нит конлари бор; олтингугурт колчедани, барит, кобальт, молибден, маргимуш кабилар саноат асосида қазиб чиқарилади. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 54,2%, қишлоқ хўжалигининг улуши 26,1%.

**Валютаси**. 4 579 Озарбайжон манати 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 1.7 млрд. АҚШ доллари (2001 йил).

Экспортнинг улуши 2.5 млрд. АҚШ доллари (2001).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. Италия, Туркия, Россия, Грузия, Эрон, Украина, БАА. **Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 66.490;

захирадагилар – 300.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 56.840, ҳарбий денгиз флотидида 1.750, ҳарбий ҳаво ва ҳаво мудофааси кучларида 7.900 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 6 патруль кемаси бор. 10.000 нафар ярим ҳарбийлашган милиция ва 5.000 нафар чегара қўшинлари бор. **Табиати**. Озарбайжоннинг асосий қисми Катта Кавказ ва Кичик Кавказ тоғлари жануби-шарқий қисмларида, шунингдек, Толиш тоғлари оралиғида жойлашган. Жанубида Ўрта Аракс сойлиғи ва унинг шимолий тармоғи бор. Каспий денгизи қирғоғида қўлтиқлар кам. Қирғоқ чизигининг узунлиғи 800 км. Озарбайжонда, асосан, субтропик тоғ тундра иқлими ҳукмрон. Ёғингарчилик жуда нотекис. Катта дарёси – Кура ва унинг асосий ирмоғи – Аракс. 250 та кўл бор. Ўрмонзори 1146 минг га.

**Ўзбекистон – Озарбайжон муносабатлари**  
**1. Сийёсий соҳадаги муносабатлар**. Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1995 йил 2 октябрда ўрнатилган. Озарбайжоннинг Тошкентдаги элчихонаси 1996 йилнинг август ойидан бошлаб фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги элчихонаси эса 1998 йилнинг июль ойидан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Икки

давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1996 йил 27 майда давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик Шартномасига асосан олиб борилмоқда. Бугунги кунгача бу икки давлат ўртасида олий даражада учта ташриф бўлиб ўтган. Булардан бири Озарбайжон Республикасига (1998 йил) ва 2 таси Ўзбекистон Республикасига (1997 ва 2004 йил). 1997 йилнинг июнь ойида Озарбайжон Республикаси Президенти Г.Алиевнинг Ўзбекистонга биринчи расмий ташрифи бўлди. 1998 йилнинг сентябрь ойида Озарбайжонда бўлиб ўтган ТРАСЕКА конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу юртга ташриф буюрди. 2004 йилнинг 23-24 март кунлари Озарбайжон Республикаси Президенти И.Алиев мамлакатимизда давлат ташрифи билан бўлди. Мазкур учрашувлар чоғида икки томонлама муносабатлар ҳамда минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари борасида фикр алмашилди. Мазкур ташрифлар ва музокаралар натижасида бир қатор муҳим шартнома ва битимлар имзоланган. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 79 та ҳужжат ташкил этади. Улардан 47 тасини давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар; 24 тасини икки томонлама идоралараро халқаро ҳужжатлар; 8 тасини эса ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун 1998 йил 26 февралда ўзбек-озарбайжон ҳукуматлараро қўшма комиссияси ташкил этилди. Мазкур қўшма комиссиянинг 7-мажлиси 2004 йилнинг 15-16 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

**2. Савдо-иқтисодий соҳадаги муносабатлар.** Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар ҳамкорликни ривожлантириш борасида имзоланган 20 та халқаро ҳужжат асосида олиб борилмоқда. Булардан 9 таси илмий-техникавий ва гуманитар соҳалар бўйича, 5 таси транспорт ва алоқа соҳасидаги ҳамкорлик борасида, 19 таси солиқ, божхона ва ҳуқуқ идоралари соҳасига оид ҳужжатлардир. Ўзбекистон

Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасидаги 2004 йилда товар айирбошлаш 153 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан Ўзбекистон Республикасидан Озарбайжон Республикасига қилинган экспорт миқдори 147 млн. АҚШ доллари, импорт эса 6.0 млн. АҚШ доллари дир. Икки давлат ўртасидаги экспорт ва импорт структурасини: нефть ва нефть маҳсулотлари, қора металл ва унинг маҳсулотлари, пластмасса, қурилиш моллари, кимёвий маҳсулотлар, озиқ-овқат моллари ва ҳаво транспорти хизматлари ташкил қилади.

**3. Маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорлик.** Бу соҳадаги ўзбек-озарбайжон ҳамкорлиги 1996 йил 27 майда Боку шаҳрида икки давлат ўртасида имзоланган абадий дўстлик Шартномасига биноан олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасида 45 мингга яқин озарбайжон миллатига мансуб фуқаролар истиқомат қилади. 2003 йили Тошкентда Озарбайжон маданий марказлари Ассоциацияси ташкил қилинди. 1989 йилдан буён Тошкентда “Гардашлик” Озарбайжон маданият маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. 2004 йилнинг 23-24 март кунлари Озарбайжон Республикаси Президенти И.Алиевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Тошкентда Озарбайжон халқининг буюк мутафаккири Низомий ёдгорлиги тантанали суръатда очилди. Шунингдек, мазкур ташриф чоғида Озарбайжон маданият маркази ва Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси янги биноларининг очилиш маросими ҳам бўлди. Ҳозирда Боку шаҳрининг марказий хиёбонларидан бирида Алишер Навоий ёдгорлигини ўрнатиш ва шаҳар кўчаларидан бирини Улуғбек номи билан аташга тайёргарлик кўрилмоқда.

### 177. ПОКИСТОН

Покистон Ислом Республикаси  
(Islam-i Jamhuriya-e Pakistan)

**Майдони**..... 803 940 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 145 млн. (2002 йил).  
**Пойтахти**..... Исломобод шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Карочи, Лоҳур, Файсалобод, Ҳайдаробод, Равалпинди, Пешовар, Мўлтон.  
**Расмий тили**..... урду ва инглиз тиллари.

## ПОКИСТОН

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 1940 АҚШ доллари. (2002 йил).

**Экспорт**..... пахта, газлама-лар, гуруч ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари.

**Импорт**..... техникалар, нефть ва нефть маҳсулотлари, кимёвий воситалар, транспорт ускуналари, ун ва бошқалар.

**Миллий валютаси**..... Покистон рупияси.

**Дини**..... ислом.

**Мустақиллик куни**..... 14. 08. 1947.

**Миллий байрами**..... 23 март - Республика куни (1956).

**Чегаралари**..... ғарбда Эрон ва Афғонистон, шимолда Хитой, шарқ ва жануби-шарқда Хиндистон, жанубда Атлантика океани.

**Давлат тузуми.** Покистон – Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи ислом республикаси. Осиё жанубида, Хиндистон ярим оролининг шимоли-ғарбидаги давлат. Маъмурий жиҳатдан 4 провинция, федерал пойтахт ҳудуди ва федерал ҳукумат томонидан бошқариладиган қабилалар ҳудудида бўлинган. Амалдаги конституцияси 1973 йили қабул қилинган, 1977 йили тақиқланган ва 1985 йил 30 декабрда қайта тикланган. Давлат бошлиғи - президент (2001 йилдан Парвиз Мушарраф), у 5 йил муддатга сайланади ва кетма-кет 2 мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни - 2 палатали парламент (Сенат ва Миллий ассамблея), ижроия ҳокимиятини - президент ва ҳукумат амалга оширади. Бош вазирни президент тайинлайди.

**Сийёсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Покистон Халқ партиясига - 1967 йили асос солинган; Покистон Миллий Халқ партияси - 1986 йили тузилган; Покистон мусулмонлар лигаси - 1906 йили ташкил этилган; Покистон демократик партиясига - 1969 йили асос солинган; Жамоати Исломий, ўта радикал диний жамоа партияси - 1941 йилда тузилган. Умумпокистон касаба уюшмалари федерацияси - 1974 йилда тузилган; Қавмий маздур маҳаз ("Миллий ишчи фронти") - 1961 йилда тузилган; Покистон меҳнат халқ бюроси - ўтган асрнинг 80-йилларида Покистон халқ партиясининг ишчилар ҳаракатидаги қаноти

сифатида тузилган; Покистон миллий ишчи федерацияси - 1968 йилда тузилган; Покистон миллий касаба уюшмалари федерацияси - 1962 йили йирик фабрикалар касаба уюшмаларининг бирлашувидан ташкил топган.

Покистон 1947 йил 30 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1992 йил 10 майда дипломатик муносабатлар ўрнатган.

**Аҳолиси, асосан, панжобилар; пуштунлар, синдхийлар, балуч (балуж)лар ҳам яшайди.** Покистоннинг шимолий қисмида тоғли халқлар - кхў ва кўхистонийлар истиқомат қилади. Аҳолисининг 98%и ислом динига, қолганлари зардуштийлик, ҳиндуийлик динларига эътиқод қилади. Аҳолининг 57%и 12 та катта шаҳарларда яшайди.

**Иқтисодиёти.** Покистон - саноати ривожланаётган аграр мамлакат. 1947-91 йилларда мамлакат иқтисодиёти таркибида чуқур ўзгаришлар содир бўлди, ишлаб чиқариш замонавий шакл ва услубларга ўтди, ялпи ички маҳсулот 5 баравар ошди. Иқтисодиётдаги бу натижаларга асосан давлатнинг иқтисодий сиёсати, хусусий ишбилармонликни бошқариш ва рағбатлантириш ҳамда давлат секторининг фаолияти туфайли эришилди. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 22,3 %, саноатнинг улуши - 16 %.

**Валютаси.** 60 Покистон рупияси 1 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 9,6 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 8,6 млрд. АҚШ доллари. **Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, ЕИ давлатлари, Араб давлатлари, Хитой, Япония, Гонконг, Малайзия ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуроли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 619.000;

захирадагилар - 513.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 550.000, ҳарбий денгиз флотиди 24.000, ҳарбий ҳаво кучларида 45.000 киши хизмат қилади.

Қуроли-яроғи замонавий. Ядро қуроли, 11 сув ости кемаси ва 7 та қўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 6 та снарядли кема ва 4 та патруль кемаси бор.

185.000 нафар ярим ҳарбийлашган миллий муҳофизатчилар, 65.000 нафар чегара корпуси, 35 – 40.000 нафар Покистон рейнжерлари, 12.000 нафар шимолий пиёда аскарлар ва 2.000 нафар денгиз хавфсизлиги агентлиги ходимлари бор. Шунингдек, қирғоқ ҳимоячилари ҳам мавжуд.

**Табиати.** Мамлакат ҳудудининг катта қисмини Ҳиндукуш, Ҳимолай ва Эрон тоғ тизмалари эгаллаган (энг баланд жойи Тиричмир чўққиси, 7690 м.). Иқлими, асосан, тропик, шимоли-ғарбида субтропик, қуруқ континентал. Мамлакат ҳудудининг катта қисми Ҳинд дарёси ҳавзасига мансуб, ғарбий қисмидаги дарёлар Арабистон денгизига ёки берк ҳавзага (Балужистонда) оқади. Энг катта дарёси Ҳинд ва унинг ирмоқлари.

### **Ўзбекистон – Покистон муносабатлари.**

Покистон Ислом Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 20 декабрда тан олди ва икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 10 майда ўрнатилди. Покистоннинг Тошкентдаги элчихонаси 1992 йилнинг июнь ойида очилди. Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги элчихонаси эса 1994 йилнинг июль ойидан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. 1992 йилнинг март ойидан 2001 йилнинг октябрь ойига қадар Карачи шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг бош консулхонаси фаолият кўрсатди.

**1. Сиёсий соҳадаги муносабатлар.** Икки томонлама сиёсий муносабатлар 1996 йилнинг охирига қадар юқори даражадаги вазирлик ва идоралар ўртасидаги делегацияларнинг фаол алмашуви билан ажралиб турган. 1992 йилнинг июнь ойида Покистон бош вазири Н.Шарифнинг Ўзбекистонга биринчи расмий ташрифи бўлди. 1992 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Покистонга расмий жавоб ташрифи бўлиб ўтди. 1995 йилнинг май ва ноябрь ойларида Покистон бош вазири Б.Бхутто, 1996 йилнинг октябрь ойида Покистон Президенти Ф.Легари Ўзбекистонга расмий ташриф билан келдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2000 йил июнь ойида Техронда бўлиб ўтган ЭКО саммити чоғида Покистон Президенти П.Мушарраф билан учрашди ва икки томонлама муносабатлар

ҳамда минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама этди. Ўтказилган ташриф ва музокаралар натижасида бир қатор муҳим шартнома ва битимлар имзоланди. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 20 та ҳужжат ташкил этади. 1999 йилнинг октябрь ойида ҳокимият тепасига келган президент П.Мушарраф маъмурияти томонидан ички ва ташқи сиёсатда амалга оширилган ижобий ўзгаришлар ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига ёрдам бермоқда. Минтақадаги вазиятнинг ижобий ўзгариши туфайли икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун қулай омиллар яратилди. 1999 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Комилов Исломободга ташриф буюриб, Покистон бош вазири Н.Шариф билан учрашди. 2001 йилнинг январь ойида Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг ташрифи давомида Экстрадиция тўғрисида шартнома, Консуллик битими ва Икки давлат божхона идоралари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Учрашув ва музокаралар давомида минтақавий муаммолар, айниқса, афғон можаросини ҳал этишнинг умумий йўналишларини топишда икки томоннинг интилиши намоён бўлди. Покистон томони Президент И.А.Каримовни Ўзбекистоннинг халқаро аксилтеррор коалициясидаги иштироки ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлади. Покистон раҳбарияти Афғонистоннинг сиёсий ва иқтисодий тикланиши масалаларида Ғарб ва Марказий Осиё мамлакатлари билан бирдамлигини намоён этиб келмоқда. Ўзбекистон ва Покистон бугун икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, турли даражадаги алоқаларни кенгайтириш, ўзаро муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш йўлидан бормоқда.

2005 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф икки кунлик расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Икки мамлакат Президентлари давлатлари-

миз ўртасидаги бугунги кунда дўстона муносабатларимизга асос бўлган тарихий ришталарни мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестицион масалаларга доир ҳамкорликни янада ривожлантириш, икки мамлакатнинг ҳали ишга солинмаган иқтисодий-сиёсий масалаларга оид салоҳиятини янада ошириш ва Афғонистонда икки мамлакат ҳам бирдай манфаатдор бўлган тинчлик ва барқарорликни сақлашга доир масалалар юзасидан суҳбатлашдилар.

### **2. Савдо-иқтисодий соҳадаги муносабатлар.**

Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар 1992 ва 1995 йилларда имзоланган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги битимларга асосланган. Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик ҳақидаги битимга кўра, икки мамлакат ўртасида савдо борасида ўзаро имтиёзлар бериш тартиби жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси билан Покистон ўртасида 2003 йилгача савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида 23 та давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро шартнома ва битимлар имзоланган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Покистон Миллий банки ўртасида ваколат ҳисоб рақамлари ҳақидаги келишув, сув хўжалиги, энергетика соҳаларидаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар бунга мисол бўла олади. 1995 йил май ойида Покистон Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Тошкентда Покистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўرғазмаси бўлиб ўтди. Унда Покистоннинг 100 дан ортиқ фирмаси иштирок этди.

Сўнгги 7 йил мобайнида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги товар айирбошлаш динамикаси циклик кўринишга эга. Савдонинг ўртача ҳажми 7,6 млн. АҚШ долларини ташкил этади. 2003 йилда Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2002 йилдагига қараганда 55,5% ўсди ва 9,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Экспорт 76,6%га кўпайиб, 3,6 млн. АҚШ долларини, импорт эса 44,3%га кўпайиб, 5,6млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2004 йилда икки томонлама савдо ҳажми бироз пасайди. 2004 йилда пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари (61,2%), хизматлар (22,8%), кимёвий штапель иплар

(12,7%), зираворлар (1,4%) мевалар (0,9%) экспорт қилинди. Ўз навбатида, мевалар ва ёнғоқ (37,1%), фармацевтика маҳсулотлари (17,1%), механик ускуналар (14,3%), нон-қандолат маҳсулотлари (10,1%), пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари (8,4%), қоғоз ва картон (3,9%), чарм буюмлари (1,7%), шакар ва қандолат маҳсулотлари (2,8%) импорт қилинди. Покистон ўзбек пахтасини учинчи мамлакатлар орқали сотиб олгани туфайли икки томонлама савдонинг статистик кўрсаткичларида фарқ бор. Бандар-Аббосдаги (Эрон) порт агентларининг маълумотига кўра, 2004 йилда бу ердан Карачи (Покистон) портига 35960,0 тонна ўзбек пахта толаси юборилган (тахминан 43,0 миллион АҚШ доллари). Ўзбекистонда Покистон Ислום Республикаси сармоёси иштирокида тузилган 42 та корхона фаолият юритмоқда. Ушбу корхоналарнинг 2004 йил мобайнида ишлаб чиқарган товар ва хизматлар ҳажми 19,5 млрд. сўмни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Покистоннинг иккита компанияси ваколатхонаси рўйхатдан ўтган: «Табани Корпорейшн» (тўқимачилик маҳсулотларининг экспорти, ускуналар ва қурилиш моллари, меҳмонхона мажмуалари, авиабизнес, тикувчилик корхоналари барпо этиш, цемент ва шакар ишлаб чиқарувчи корхоналарни қайта таъмирлаш ва қуриш); «Пакистан Интернейшнл Эйрлайнз» (халқаро авиапарвозлар).

### **3. Маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорлик.**

Бугунги кундаги ўзбек-покистон ҳамкорлиги имкониятлар даражасидан анча паст. Икки мамлакат ўртасида фаол маданий ва илмий-техникавий алмашув мавжуд эмас. Спорт соҳасида ҳамкорлик деярли ривожланмаган. Тарихий яқинлик, икки мамлакат халқларининг маданияти ва урф-одатлари умумийлигини инобатга олиб, Покистон томони мустаҳкам маданий алоқаларни ўрнатишга қизиқиш билдирмоқда. Ўтган бир неча йил давомида Ўзбекистон ва Покистон ўртасида қуйидаги тадбирлар ўтказилди: Ўзбекистон вакиллари Х.Солиев ва И.Маматов Лаҳор шаҳрида 1999 йилнинг 7-30 январь кунлари ўтказилган ислום хаттотлик санъати бўйича II Халқаро танловда

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ

иштирок этиб, Покистон президентининг иккинчи даражали «Парвин рақам» мукофотига сазовор бўлдилар; Покистон спортчилари 1999 йилнинг 21-31 майида Тошкент шаҳрида юнон-рим ва эркин кураш бўйича ўтказилган 13-Осиё чемпионатида иштирок этдилар; 1999 йил 25 август - 2 сентябрь кунлари санъат арбоблари ва мумтоз эстрада артистларидан иборат Покистон делегацияси «Шарқ тароналари» II Халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиб, совринли ўринга сазовор бўлди; 1999 йил 19-22 сентябрида ўзбекистонлик физик олимлар М.Саидов ва Э.Абдукаримов Исломободда бўлиб ўтган физика ва технологик материаллар мавзусидаги 6-халқаро симпозиум ишида қатнашдилар; 2004 йил 25 ноябрь - 5 декабрида Ўзбекистон миллий рақс ижрочилари гуруҳи ва Тошкентнинг Марказий кўғирчоқ театри вакиллари Лаҳорда ўтказилган Халқаро санъат фестивалида иштирок этдилар. Ўзбек гуруҳининг ижодий ютуғи ва профессионал ижроси Покистон оммавий ахборот воситаларида ёритилди; 2004 йил 30 ноябрь - 4 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ўқитувчиси профессор А.Усмонов Исломободда ташкил этилган информацион технологиялар бўйича илмий семинарда қатнашди. Маданий алмашувлар доирасида ўзбек ва покистон киночилари икки мамлакат халқларининг тарихий алоқалари ҳақида хужжатли фильмлар яратиш устидан иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистоннинг тарихий-маънавий меросига оид бўлган маданий бойликлар, археологик топилмалар, қўлёзмаларни ўрганиш ва ўзаро келишган ҳолда уларнинг нусхаси ёки аслини мамлакатимизга олиб келиш соҳасида иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон - Покистон дўстлик жамияти (1991 йилдан) иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқда. Маданият соҳасида ҳамкорлик давом этмоқда: Э.Воҳидовнинг “Олтин девор” асари урду тилига таржима қилиниб (таржимон А.Иброҳимов), Лоҳурда сахналаштирилди (1996), Н.Аминовнинг “Бир аср ҳикояти” асари Покистонда урду тилида чоп

қилинди (1996), А.Иброҳимовнинг “Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар луғати” (1998), Т. Холмирзаевнинг “Урдуча-ўзбекча луғати” (2003) ва бошқалар адабий ҳамкорлик натижасидир.

### 178. САУДИЯ АРАБИСТОНИ

Саудия Арабистони Подшоҳлиги  
(al-Mamlaka al-'Arabiya as-Saudiya)

**Майдони**.....1 960 582 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 22.500.000  
 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Ар-Риёд шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Жидда, Макка, Мадина.  
**Расмий тили**..... араб тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....12850 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари.  
**Импорт**.....машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кимёвий воситалар, автомобиллар ва тўқимачилик маҳсулотлари.  
**Миллий валютаси**.....Саудия риали.  
**Дини**.....ислом.  
**Мустақиллик куни**.....23. 09. 1932.  
**Миллий байрами**.....23 сентябрь - Қироллик бирлашган кун (1932).  
**Чегаралари**.....шимолда Иордания ва Ироқ, шимоли-шарқда Қувайт, Қатар ва БАА, шарқда Уммон, жанубда Яман, ғарбда Қизил денгиз ва шимоли-ғарбда Исроил билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. Саудия Арабистони мутлақ теократик монархия. Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган давлат. Арабистон ярим оролининг тахминан 2/3 қисмини ва Қизил денгиз ҳамда Форс кўлтигидаги қатор қирғоқ-бўйи ороллари эгаллайди. Маъмурий жиҳатдан 14 вилоятга бўлинади. Давлат бошлиғи подшоҳ, айни вақтда, бош вазир ва қуроли кучлар олий бош қўмондони ҳамдир. У ҳукумат (Вазирлар Маҳкамаси)ни тузади. 1992 йил 1 мартда подшоҳ фармони билан 4 йиллик муддатга Шўро (Маслаҳат) Кенгаши ташкил этилган. 1997 йилда Шўро Кенгаши аъзоларининг сони 60 кишидан 90 кишига етказил-

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ

ди. Подшоҳ Шўро Кенгашини тарқатиб юбориши ва қайта тузиши мумкин. Подшоҳ вазирларни тайинлаш, ҳукуматни тарқатиб юбориш ва янгидан тузиш ваколатига эга. Ҳукумат, асосан, подшоҳ оила аъзоларидан тузилади.

Сиёсий партия ва касаба уюшмалари фаолияти расман ман этилган.

Саудия Арабистони 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган ва 1992 йил 20 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг** 90 фоизини араблар ташкил қилади. Ҳиндлар, мисрликлар ва покистонликлар, бир неча юз минг эронлик, яманлик, индонезиялик, суданлик, суриялик, иорданияликлар ҳам яшайди. Саудия Арабистонида 200 мингдан 800 миңгача ўзбек истиқомат қилади. Йирик қабилла бирлашмалари унайза ва шаммар; қабилалар ҳарб, мутайр, хузайл, кахтан, жуҳайна, муаҳиб, шарарат, мансир, бану асад, танух, қурайиш, бану шайбон. Ислом динининг муқаддас зиёратгоҳ шаҳарлари Макка ва Мадина Саудия Арабистонидадир. Ҳар йили бу шаҳарларда 2 млн. дан ортиқ мусулмон ҳаж ва умра сафарида бўлади. Шаҳар аҳолиси 80,2%ни ташкил этади.

**Иқтисодиёти.** Саудия Арабистони иқтисодиёти нефть қазиб олиш ва уни экспорт қилишга асосланади ва давлат иқтисодий фаолиятининг асосий соҳаларини назорат қилади. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши – 47%, қишлоқ хўжалигининг улуши – 6% ва хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши – 47%.

**Валютаси.** 0,27 Саудия риали 1 АҚШ долларига тенг (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 34 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 88,5 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, ЕИ давлатлари, Араб давлатлари, Хитой, Япония, Гонконг, Малайзия, Корея Республикаси, Сингапур, Ҳиндистон ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 124.500;

шувдан, армия (қуруқлик қўшинлари)да

75.000, ҳарбий денгиз флотида 15.500, ҳарбий ҳаво кучларида 18.000, ҳаво мудофааси кучларида 16.000, миллий гвардияда 75.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 7 та қўриқчи кемаси ва 4 та корвет бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 9 та снарядли кема ва 17 патруль кемаси бор.

10.500 нафар ярим ҳарбийлашган чегара кучлари, 4.500 нафар қирғоқ химоячилари ва 500 нафар махсус хавфсизлик кучлари бор.

**Табиати.** Саудия Арабистони жануби-ғарбдан Қизил денгиз, шимоли-шарқдан Ҳинд океанининг Форс қўлтиғи билан ўралган. Қирғоқлари кўп жойда паст, қумлоқ, катта қисмини чўл ташкил қилади. Иқлими – пимолда субтропик, жанубда тропик, қуруқ. Қиши – илиқ. Мунтазам оқиб турадиган дарёлар йўқ. Сув уч хил йўл билан: қудуқлар, ёмғир ёки сув тошқини вақтида ҳовузларга йиғиш ва махсус мосламалар ёрдамида денгиз сувини чучуклаштириш орқали олинади.

**Ўзбекистон – Саудия Арабистони муносабатлари.** 1992 йил февралда Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири ал-Файсал бин Абдулазиз Ол Сауднинг Ўзбекистонга, ўша йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Саудия Арабистонига ташрифидан сўнг 1992 йил ноябрда Жидда шаҳрида Ўзбекистон Республикаси консулхонаси, 1995 йил май ойида Ар-Риёда мамлакатимиз элчихонаси, 1997 йил 27 мартда Тошкентда Саудия Арабистони элчихонаси очилди. 1995 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг Саудия Арабистонига ташрифи давомида Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, техника, маданият, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. 1996 йил апрелда Ар-Риёда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, 1998 йил мартда “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарлари араб тилидаги нашрининг расмий тақдимоти ўтказилди. 1996 йилда Саудия Арабистонининг “Дельта ойл” ширкати билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Жум-

## СИНГАПУР

ладан, Ўзбекистон ҳукумати АҚШ –Саудия Арабистонининг “Юникол” ва “Дельта ойл” ширкатлари консорциуми билан нефть ва газ қувурлари лойиҳалари тўғрисида битим, “Ўзбекнефтваз” миллий холдинг компанияси эса Ўзбекистонда нефть захираларини аниқлаш ҳамда уни казиб чиқариш ҳақида англашув баён-номасини имзолади. 1996 йил январда “Ўзбектуризм” компанияси “Ал-Марва” ширкати билан туризм ва авиачипталарни сотиш тўғрисида битим имзолади. 2002 йилда Ўзбекистон – Саудия Арабистони ўртасидаги товар айланмаси 3,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонига экспорти, асосан, савдо ва унга алоқадор хизматлардан иборат. Айни пайтда, Саудия Арабистонидан ширинликлар, дон, гилам ва палослар, ўсимлик ва мол ёғи, мебель ва чойшаблар, спиртсиз ичимликлар, оптика жиҳозлари, пойабзал, бўёқлар, ўйинчоқ ва спорт анжомлари олинади. Ўзбекистонда Саудия Арабистони иштирокидаги 14 корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 10 таси қўшма корхона, 4 таси 100% Саудия Арабистони сармоясидаги корхоналардир. Икки давлат ўртасида таълим ва дин соҳаларида ҳам ҳамкорлик ривожланган. 1997 йили Саудия Арабистони Олий таълим вазири Халид ал-Анқарий Ўзбекистонга Саудия Арабистонининг бир неча университетлари ректорларидан иборат делегация билан ташриф буюрди. Мустақиллик даврида республикамизнинг 45 мингдан ортиқ фуқароси ҳаж, 35 мингдан зиёд фуқароси умра сафарларида бўлдилар. 2005 йилда 4 мингдан ортиқ ватандошларимиз ҳаж зиёратини адо этдилар.

### 179. СИНГАПУР

Сингапур Республикаси  
(Singapore, Republic of Singapore,  
Republc Singapura)

**Майдони**..... 647,5 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 4 300 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Сингапур шаҳри.  
**Расмий тили**.....хитой, инглиз, малайя, тамил тиллари.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..24180 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**..... машина ва ускуна-

лар, кимёвий воситалар, минерал ёнилғилар.  
**Импорт**..... машина ва ускуналар, минерал ёнилғилар, кимёвий воситалар, озиқ-овқат маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**..... Сингапур доллари.  
**Дини**.....буддавийлик, ислом, насронийлик, индуийлик, конфуцийлик.  
**Мустақиллик куни**.....9. 08. 1965.  
**Миллий байрами**.....9 август - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....Хинд океанида жойлашган.

**Давлат тузуми.** Сингапур – Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи республика. Жануби-шарқий Осиёдаги давлат. Сингапур ороли ва унга туташ майда оролар ҳамда Малакка ярим оролининг жанубий чеккасида жойлашган. Амалдаги конституцияси 1963 йили қабул қилинган (кейинчалик унга тузатишлар киритилган). Давлат бошлиги президент (1999 йилдан С.Р.Натан). у умумий бевосита овоз бериш йўли билан халқ томонидан 6 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент, ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Сингапур демократик партияси - 1980 йили тузилган; Сингапур халқ партияси - 1994 йили ташкил этилган; Халқ ҳаракати партиясига - 1954 йили асос солинган; Ишчи партияси - 1957 йили тузилган; Бирлашган халқ fronti - 1974 йили 5 партиянинг қўшилиши натижасида ташкил топган. Касаба уюшмалари миллий конгрессига - 1961 йили асос солинган. Сингапур 1965 йил 21 сентябрдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олган ва 1997 йил 8 апрелда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг кўпчилиги** хитойлар (76%). Малайялар (145%), Хиндистон, Бангладеш, Покистон, Шри Ланкадан келганлар (7%), европаликлар ва бошқалар яшайди.

**Иқтисодиёти.** Сингапур Жануби-шарқий Осиёда иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган давлат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 29%, хизмат кўрсатиш соҳасининг

улуши 70%, қишлоқ хўжалигининг улуши 0,2%

**Валютаси.** 1,73 Сингапур доллари 1 АҚШ долларига тенг. (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 128 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 144 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** АҚШ, ЕИ давлатлари, Жануби-шарқий Осиё давлатлари, Россия, Саудия Арабистони ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 72.500;

захирадагилар – 312.500;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 50.000, ҳарбий денгиз флотига 9.000, ҳарбий ҳаво кучларида 13.500 киши хизмат қилади. Курол-яроғи замонавий. 3 сув ости кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 6 корвет, 6 та снарядли кема ва 11 та патруль кемаси бор.

12.000 нафар ярим ҳарбийлашган Сингапур полиция кучлари ва 84.300 нафар фуқаро муҳофаази кучлари бор.

**Табиати.** Сингапур – орол. Ҷоҳор бўғози орқали Малакка ярим оролидан, Малакка ва Сингапур бўғозлари орқали Индонезия оролларида ажралиб туради. Соҳиллари пасттексиклик, бир оз ботқоқлашган, жануби-ғарбий соҳилларида маржон рифлари бор. Рельефи текислик (баландлиги 176 м.гача). Иқлими экваториал, муссонли. Катта дарёси – Сингапур. Ичимлик суви етишмайди, у Малайзиядан келтирилади.

## 180. СУРИЯ

Сурия Араб Республикаси

(Syrian Arab Republic/

Ал-Жумҳурия ал-Арабия ас-Сурия)

**Майдони**.....185 180 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....17,4 млн. (2003 йил).

**Пойтахти**..... Дамашқ шаҳри.

**Катта шаҳарлари**..... Халаб, Ҳимс, Латакия.

**Расмий тили**..... араб тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....3430 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**..... нефть, газлама,

саноат товарлари, мева ва сабзавотлар, пахта, тирик қўйлар ва фосфатлар.

**Импорт**..... машина ва ускуналар, озиқ-овқат, ҳайвонлар, металл ва металл буюмлар, газламалар.

**Миллий валютаси**..... Сурия фунти.

**Дини**..... ислом.

**Мустақиллик куни**.....17. 04. 1946.

**Миллий байрами**.....17 апрель - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**..... шимолда Туркия, шарқда Ироқ, жанубда Йордания, Ливан ва Исроил, ғарбда Ўрта ер денгизи билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Сурия республикаси Жануби-ғарбий Осиёдаги давлат. Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 14 вилоят (муҳофаза)га бўлинади. Амалдаги конституцияси 1973 йил 12 мартда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент (2000 йилдан Башар Асад), у миллий референдумда 7 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Халқ кенгаши (парламент), ижроия ҳокимиятини президент ва Вазирлар Кенгаши амалга оширади.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Араб социалистик уйғониш партияси (Баас) -1947 йил апрелда Араб уйғониш партияси сифатида ташкил этилган, 1954 йилдан ҳозирги номда; Сурия коммунистик партияси - 1924 йил тузилган; САР Тараққийпарвар миллий фронтга - 1972 йил асос солинган, 8 ташкилотни бирлаштиради; Сурия ишчи касаба уюшмалари федерацияси - 1938 йил тузилган.

1967 йил июнда Сурияга Исроил ҳужум қилиб, мамлакат ҳудудининг бир қисмини (Фулон тепаликларини) босиб олди. 1973 йил октябрда Сурия бошқа араб давлатлари қатори ҳарбий ҳаракатларда қатнашиб, Исроил томонидан босиб олинган ерларнинг бир қисмини қайтариб олишга муваффақ бўлди.

Сурия 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган ва 1992 йил 24 апрелда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг 90%и араблар (сурияликлар);** улардан ташқари курд, арман, туркман, турк, черкас, фаластинликлар ҳам яшайди.

## ТАИЛАНД

Аҳолисининг аксарияти сунний мусулмонлар, шунингдек, шиалар, алавийлар, насронийлар, маронийлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 52,4%.

**Иқтисодиёти.** Сурия – саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 26%, саноатнинг улуши 21%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 53%. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50%га яқини шуғулланади. Саноатида кончилик устун. Суриянинг Ўзбекистон билан 2002 йилдаги товар айланмаси 1,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

**Валютаси.** 1 Сурия фунти 00,2 АҚШ долларига тенг. (2002 йил).

**Ташқи савдода импортнинг улуши** 4,8 млрд. АҚШ доллар.

**Экспортнинг улуши** 5,9 млрд. АҚШ доллар. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Араб давлатлари, Туркия, ЕИ давлатлари, Хитой ва Россия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 296.800;

захирадагилар – 354.000:

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари) да 200.000, ҳарбий денгиз флотиди 7.600; ҳарбий ҳаво кучларида 35.000, ҳаво мудофааси кўмондонлигида 54.200 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 2 кўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ кўшинлари 12 та снарядли кема ва 8 та патруль кемасига эга.

8.000 нафар ярим ҳарбийлашган жандармерия ва 100.000 нафар милиция хизматчилари бор.

**Табиати.** Денгиз соҳилининг аксари қисми тепалик ва тошлоқ ясситоғликдан, озроғи пасттекислик (энг баланд жойи – 20-30 м.)дан иборат. Ғарб ва жанубда Антиливан тоғ тизмаси ва баландлиги 2814 метргача бўлган Аш-Шайх тоғи жойлашган. Сурия худудининг катта қисмини ғарбдан шарққа томон пасайиб борувчи плато эгаллаган. Мамлакат худудининг жануби-шарқини Сурия чўлининг бир қисми, шимоли-шарқини Ҳазира платоси ташкил қилади. Иқлими Ўрта денгизга хос субтропик иқлим. Қиш ва баҳорда ёнғингарчилик кўп, ёзи қуруқ. Мамлакат шарқида қуруқ континентал иқлим. Фурот дарёсининг (узунлиги 675 км.)

асосий ирмоқлари – Хобур ва Белих. Шимоли-шарқий чегара бўйлаб Дажла дарёси ўтади, шимоли-ғарбда Ўрта денгиз ҳавзасига мансуб бўлган Ал-Аси (Оронг) дарёси ва шимолда Ҳимс кўли бор.

### 181. ТАИЛАНД

Таиланд Қироллиги  
(Thai), (Ratcha Anachak Thai,  
таиланд тилида Пратет-Таи)

**Майдони**.....514 000 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**..... 64,3 млн.(2004 йил).

**Пойтахти**..... Бангкок шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Чиангмай, Чонбури.

**Расмий тили**.....тай тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..7450 АҚШ доллари.(2003 йил).

**Экспорт**..... компьютер ва аппаратуралар, тўқимачилик маҳсулотлари, микросхемалар ва гуруч.

**Импорт**.....ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва ярим фабрикатлар, кундалик эҳтиёж моллари, ёнилғи.

**Миллий валютаси**.....бат.

**Дини**.....буддавийлик.

**Мустақиллик куни**.....мамлакат умуман мустамлака бўлмаган.

**Миллий байрами**.....5 декабрь - Қирол туғилган кун (1927).

**Чегаралари**.....жанубда Лаос, Камбоджа, Вьетнам, ғарб ва шимоли-ғарбда Мьянма, жанубда Малайзия билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Конституциявий монархия тузуми қарор топган Таиланд Жануби-шарқий Осиёда, Хиндихитой ярим оролининг марказий қисми ва Малакка ярим оролининг шимолий қисмида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 73 вилоятга (changwad) бўлинади.

Амалдаги конституцияси 1997 йил 27 сентябрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – қирол (1946 йилдан Пумипон Адульядет). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (2 палатали парламент), ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

**Сийсий партиялари ва касаба уюшмалари.** Демократик партияга (Прачатипат) - 1946 йил асос солинган; Халқ партияси (Ратсадон) - 1986 йил тузилган; Маънавий куч партияси

(Паланг там) - 1988 йил ташкил этилган; Миллий тараққиёт партиясига (Чат паттана) - 1991 йил асос солинган; Янги умид партияси (Ванг май) - 1990 йил тузилган; Бирдамлик партияси (Еккапап) - 1989 йил ташкил этилган; Адолат ва озодлик партиясига (Серитхам) - 1992 йил асос солинган; Тай миллий партияси (чат тай) - 1974 йил собиқ хукмрон Таиланд халқи бирлашган партияси асосида ташкил этилган. Таиланд меҳнат конгресси - 1975 йил тузилган; Тай касаба уюшмалари конгресси - 1982 йил ташкил этилган.

Таиланд 1946 йил 16 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1992 йил 6 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Аҳолисининг катта қисмини тай гуруҳига мансуб халқлар (сиём ёки кхонтай ва бошқа), 1/5 қисмини лаолар ташкил этади. Мамлакат жанубида малайялар, ғарби ва жануби-ғарбида каренлар, монлар, жануби-шарқда кхмерлар яшайди. Малайялар исломга, хитойлар будда ва даосизмга эътиқод қилади. Католик ва протестантлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси - 18,3%.

**Иқтисодиёти.** Таиланд ривожланган саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик улуши 12%, саноат 39%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 49%ни ташкил этади. Таиланд билан Ўзбекистоннинг 2002 йилги товар айланмаси 7,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

**Валютаси.** 40,9 Таиланд бати 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 75,7 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 80,3 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** ЕИ давлатлари, Россия, Япония, Хитой, Малайзия, Гонгконг, Тайван, Сингапур.

**Ҳарбий салоҳияти.** Куролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 306.600;

захирадагилар - 200.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 190.000, ҳарбий денгиз флотида 70.600, ҳарбий ҳаво кучларида 46.000 киши хизмат қилади.

Курол-яроғи замонавий. 1 авианосец ва 12 кўриқчи кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 5 корвет, 6 та снарядли кема ва 104 та патруль кемаси бор. 20.000 нафар ярим ҳарбийлашган Тааһан Phran (овчи солдатлар), 50.000 нафар провинциалар полицияси, 2.200 нафар денгиз полицияси, 500 нафар авиация полицияси ва 41.000 нафар чегара патруль полицияси бор. Шунингдек, 45.000 кишидан иборат кўнгиллилар миллий хавфсизлик корпуси ҳам мавжуд. **Табиати.** Худудининг ярми пасттекислик, қолгани деярли тоғлик (Кхунтхан, Танентаунжи ва бошқалар)дан иборат. Таиланднинг шарқини Корат платоси эгаллайди. Иқлими субэкваториал, муссонли. Асосий дарёси - Менам-Чао-Прая (Менам). Мамлакатнинг шарқий ва қисман шимоли-шарқий чегарасида Меконг, ғарбий чегарасида Салуин дарёлари оқади. Пинг ва Мун дарёлари ҳавзасида йирик сув омбори бор. Мамлакат худудининг 60%га яқини ўрмон билан қопланган.

**Ўзбекистон - Таиланд муносабатлари.** Таиланднинг Ўзбекистонда дипломатик ваколатхонаси йўқлиги сабабли икки давлат ўртасидаги алоқалар Таиланднинг Россия Федерациясидаги элчихонаси орқали амалга оширилади. 1996 йилнинг февраль ойидан бошлаб Бангкокда Ўзбекистон Республикаси бош консуллиги фаолият кўрсатмоқда. Икки давлат ўртасидаги сиёсий алоқалар халқаро ташкилотлар доирасида ривожланиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг ижроия кенгашига ва БМТнинг халқаро фуқаролик хизмати комиссиясига аъзоликка кўрсатилган Таиланд номзодини қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида, Таиланд ҳукумати 2002-2004 йилларда Ўзбекистоннинг ЭКОСОСга номзодлигини қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Таиланднинг минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш борасидаги сиёсатини ижобий баҳолаб келмоқда. 2003 йилнинг май ойида Ўзбекистонга Таиланд қироллигининг Россия Федерациясидаги Фавқулудда ва Мухтор элчиси Сорают Промпот ташриф буюрди. Ташқи ишлар вазирлигида, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида ва "Ўзбектуризм" миллий компаниясида учрашувлар бўлиб ўтди. 2004 йилнинг сентябрида Ўзбекистонга Таиланд саноат вазирлигининг

доимий котиби П. Микунам бошчилигидаги савдо делегацияси ташриф буюрди.

Икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 2003 йилда 6,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2004 ва 2005 йилларда бу кўрсаткичлар янада юксалди. Мамлакатимизда ипак саноати соҳасидаги "Силк Стар" номли кўшма корхона ва 100% Таиланд инвестицияси асосида чой қадоқловчи "Махаража" номли корхона фаолият юритмоқда.

## 182. ТАЙВАНЬ (Taiwan)

**Майдони**..... 36 006 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 22,8 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**..... Тайпей шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Коахзиунг, Тайчунг, Панчиао, Чунго.  
**Расмий тили**..... хитой тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..... 17400 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**..... электр техникалари, ахборот технологиялари, металл ва ускуналар, кийим-кечаклар, транспорт, мусиқа жиҳозлари, соатлар, кимёвий воситалар, мевалар, ўсимлик ёғи ва газламалар.  
**Импорт**..... металллар ва хом ашёлар, нефть ва бошқалар.  
**Миллий валютаси**..... Тайвань доллари.  
**Дини**..... буддизм, даосизм ва бошқалар.  
**Мустақиллик куни**..... 1. 1. 1912.  
**Миллий байрами**..... 10 октябрь - Уйғониш куни.  
**Давлат тузуми**. Тайвань республика бошқарувига асосланган давлат бўлиб, 1947 йилдан бери қонунчилик органига эга. 2000 йили парламент 2 палатали қилиб ўзгартирилди. Қонунчилик палатаси 225 аъзодан иборат бўлиб, ҳар 3 йилда сайланади. Иккинчи палата бўлган Миллий Йиғин эса 334 аъзодан иборат бўлиб, сайловлар ҳар 4 йилда бўлиб ўтади. Давлат бошлиғи лавозими учун сайлов ҳар 4 йилда ўтказилади. 20 ёшга кирган ҳар бир фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга.  
**Мамлакатда қуйидаги сиёсий партиялар фаолият юритади:**  
 Демократик Тараққиёт Партияси / DPP,  
 Миллий Халқ Партияси / КМТ, Халқ Парти-

яси / PFP, Тайвань Бирлиги Иттифоқи / TSU, Янги Партия / NP.

Бугунги кунда ХХР ва Тайвань ўртасида бирлашиш масаласида баъзи бир келишмовчиликлар мавжуд.

**Аҳолисининг асосий қисми тайванликлар ва хитойликлар.** Шу билан бирга, ами, атайал, найван элатлари, таиландликлар, вьетнамликлар, индонезияликлар ва филиппинликлар ҳам истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Тайвань саноатлашган мамлакат бўлиб, тез ривожланиб бораётган Жануби-шарқий Осиё мамлакатларидан биридир. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 2%, саноатники 31%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 67%ни ташкил этади.

**Валютаси.** 33,16 Тайвань доллари 1 АҚШ долларига тенг (2004 йил). Ташқи савдода импортнинг улуши 166,0 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 152,4 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Деярли бутун дунё мамлакатлари билан савдо муносабатлари ўрнатилган.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 290.000;

захирадагилар – 1.657.500;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари) да 200.000, ҳарбий денгиз флотисида 45.000, ҳарбий ҳаво кучларида 45.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 4 сув ости кемаси, 11 эскадра миноносеси ва 21 қўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 59 та снарядли кема мавжуд. 25.000 нафар ярим ҳарбийлашган хавфсизлик кучлари, 1.000 нафар денгиз полицияси ва 650 нафар божхона хизматчилари бор. Шунингдек, 22.000 нафар қирғоқ мудофааси бошқармаси кучлари бор.

## 183. ТОЖИКИСТОН

Тоҷикистон Республикаси  
(Republic of Tajikistan)

**Майдони**..... 143 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**..... 6.600.000 киши.  
**Пойтахти**..... Душанба шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**..... Хўжанд, Қўрғонтепа, Кўлоб, Уструшона.

**Расмий тили**.....тожик тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**..900 АҚШ доллари (2002 йил).

**Экспорт**..... алюминий, электр энергияси, пахта, мевалар, ўсимлик ёғи ва газламалар.

**Импорт**..... электр энергияси, нефть маҳсулотлари, машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....сомоний.

**Дини**.....ислом.

**Мустақиллик куни**.....9. 09. 1991.

**Миллий байрами**.....9 сентябрь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....ғарбда Ўзбекистон, шимолда Қирғизистон, шарқда Хитой, жанубда Афғонистон билан чегарадош.

**Давлат тузуми**. Тожикистон - республика, унитар демократик ижтимоий-ҳуқуқий давлат.

**Ўрта Осиёнинг жануби-шарқида жойлашган давлат**. Маъмурий жиҳатдан Тоғли Бадахшон мухтор вилояти, 2 вилоят ва 45 туманга бўлинади. Амалдаги Конституцияси 1994 йил 6 ноябрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент (1994 йилдан И.Рахмонов), у фуқаролар томонидан 7 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Мажлиси Олий, ижроия ҳокимиятини бош вазир бошчилигидаги Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

**Сиёсий партиялари ва ҳаракатлар**. Тожикистон халқ-демократик партияси - 1994 йил халқ партияси номи билан таъсис этилган, 1997 йилдан ҳозирги номда; Тожикистон коммунистик партияси - 1924 йилда тузилган, 1992 йил январда тугатилиб, март ойида қайта ташкил этилган; Тожикистон уйғониш ва миллий бирлик ҳаракати; Адолатхоқ партияси - 1996 йили; Аграр партия - 1999 йили; Тожикистон ислом уйғониш партияси (Ҳизби наҳзати исломии Тоҷикистон) - 1978 йили яширин равишда ташкил этилган, 1991 йилдан опкора фаолият юритади; Тожикистон демократик партияси - 1990 йили; Тожикистон социалистик партияси - 1996 йили таъсис этилган.

Тожикистон 1992 йилдан БМТ аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 6 январда тан олган ва ўша йили

икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси**. Асосий аҳолиси тожиклар; ўзбек, рус, қирғиз, туркманлар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 28,3 %.

**Иқтисодиёти**. Тожикистон аграр-саноатлашган мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 25 %, саноатники 35 %, хизмат кўрсатиш соҳасиники 40 %ни ташкил этади.

**Валютаси**. 2,2 сомоний 1 АҚШ долларига тенг. Ташқи савдода импортнинг улуши 850 млн. АҚШ доллари (2003 йил). Экспортнинг улуши 770 млн. АҚШ доллари (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари**. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари, ЕИ, Япония, Хитой ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 7.600;

шундан, армияда (қуруқлик кўшиқлари) 7.600 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 5.300 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган чегара ҳимоячилари бор.

**Табиати**. Тожикистон тоғли мамлакат, худудининг 93 %ини 300 метрдан 7495 метр баландликкача бўлган тоғлар, шунингдек, Ўрта Осиёнинг энг йирик - Тяньшань ва Помир тизимига кирадиган тоғлар эгаллайди. Худудининг қарийб ярмини 3000 метрдан баланд бўлган тоғликлар ташкил этади. Иқлими - континентал. Мамлакат маркази ҳамда жанубида ёз ва кузда қуруқ иссиқ шамол, қисман гармсел, жанубида афғон шамоли эсади.

**Ўзбекистон - Тожикистон муносабатлари**.

**1. Сиёсий соҳадаги муносабатлар**. Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 20 октябрда ўрнатилган. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 2000 йил 15 июнда Душанбе шаҳрида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик Шартномасига асосан амалга оширилмоқда. Бугунги кунгача бу икки давлат ўртасида олий даражада бир қанча расмий ташрифлар бўлиб

ўтган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири бошчилигидаги давлат делегацияси Тожикистон Республикасида амалий ташриф билан бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2000 йил июнь ва 2002 йил октябрда Тожикистон Республикасига расмий ташриф билан борди. 2003 йилнинг май ойида Тожикистон Республикаси ҳукумат делегацияси Тожикистон президенти И.Раҳмонов бошчилигида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Европа Тараққиёт ва тикланиш банки бошқарув кенгашининг навбатдаги мажлисида ва 2004 йил июнь ойида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. 1998 йили Ўзбекистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик борасида уч томонлама декларация қабул қилинди. Мазкур декларацияга мувофиқ, аъзо давлатлар икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Бундан ташқари, икки давлат раҳбарлари турли хил халқаро ташкилотлар (жумладан, МДҲ, ШХТ, МОҲТ, БМТ, НАТО ва бошқалар) саммитлари, йиғилишлари ва учрашувларида ҳам иштирок этиб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш каби масалаларга катта аҳамият қаратиб келмоқда. Мазкур ташриф ва музокаралар натижасида бир қатор муҳим шартнома ва битимлар имзоланган. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 148 та ҳужжат ташкил этади. Улардан 48 тасини давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар; 47 тасини давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари борасидаги икки томонлама халқаро ҳужжатлар; 30 тасини идоралараро халқаро ҳужжатлар; 23 тасини эса президентларнинг қўшма баёнотлари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади.

**2. Савдо-иқтисодий соҳадаги муносабатлар.** 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги товар айирбошлаш 184,7 млн. АҚШ долларини, шундан экспорт 147,1 млн. АҚШ долларини,

импорт 37,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Икки давлат ўртасидаги экспорт ва импорт асосини нефть ва нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металллар ва унинг маҳсулотлари, қурилиш моллари ва бошқалар ташкил қилади.

**3. Маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорлик.** Бугунги кунда бу соҳадаги ўзбек-тожик ҳамкорлиги 2000 йил 15 июнда икки давлат ўртасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик Шартномаси, 1997 йил 10 январдаги таълим соҳасида ҳамкорлик борасидаги икки томонлама ҳукуматлараро битим ва 1998 йил 4 январдаги маданият ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик олиб боришга қаратилган битимлар асосида амалга оширилмоқда. 1998 йил июнь-июль ойларида Ўзбекистон Республикасида Тожикистон Республикаси Президенти И.Раҳмонов бошчилигида Тожикистон кунлари бўлиб ўтди. 2002 йил август ойида эса телевидение соҳасида, яъни Ўзбекистон теледастурларини Тожикистон ҳудудида ва ўз навбатида, тожик теледастурларини Ўзбекистон ҳудудуда намойиш қилиш хусусида икки томонлама битим қабул қилинди. Бу соҳадаги ҳамкорлик муносабатлари, пировард натижада, икки давлат халқларини янада яқинлаштиришга, ўзаро муносабатларни ривожлантиришга, ўртадаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

## 184. ТУРКМАНИСТОН (Turkmenistan)

Майдони.....	488 000 км <sup>2</sup> .
Аҳолиси.....	6 000 000 киши.
Пойтахти.....	Ашхобод шаҳри.
Катта шаҳарлари.....	туркманобод, Тошхөвүз, Мари.
Расмий тили.....	туркман тили.
<b>ЯИМ (аҳоли жон бошига).....</b>	<b>4 570 АҚШ долларлари (2002 йил).</b>
Экспорт.....	газ, нефть, пахта ва газламалар.
Импорт.....	машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари.
Миллий валютаси.....	Туркман манати.
Дини.....	ислом.

**Мустақиллик куни**.....27.10. 1991.

**Миллий байрами**.....27 октябрь - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Қозоғистон, шарқ ва шимоли-шарқда Ўзбекистон, жанубда Афғонистон ва Эрон, ғарбда Каспий денгизи билан ўралган.

**Давлат тузуми.** Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган давлат. Маъмурий жиҳатдан 5 вилоят, вилоятлар этрапларга (туман) бўлинади. Туркменистон – бетараф давлат. 1995 йил 12 декабрь - Туркменистон бетарафлиги куни. Амалдаги конституцияси 1999 йил 18 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – президент (1990 йилдан С.Ниёзов). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Мажлис (парламент), ижроия ҳокимиятини Вазирлар Маҳкамаси (ҳукумат) амалга оширади.

**Сийсий партиялари.** Расмий равишда 1 партия рўйхатга олинган: Туркменистон демократик партияси (собиқ Коммунистик партия негизда 1991 йили тузилган).

Туркменистон – 1992 йилдан БМТ аъзоси. 1993 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олган ва мамлакатимиз билан дипломатик муносабатларни ўрнатган.

**Аҳолисининг аксарияти** туркманлар, шунингдек, рус, ўзбек, қozoқ, татар, украин, арманлар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 45%ни ташкил этади.

**Иқтисодиёти.** Туркменистон саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 50 %, қишлоқ хўжалиғи 18 %, хизмат кўрсатиш соҳаси 31 %ни ташкил этади.

**Валютаси.** 5200 Туркман манати 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 1,65 млрд. АҚШ доллари (2000 йил).

Экспортнинг улуши 24 млрд. АҚШ доллари (2000 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** МДХ давлатлари, Эрон, Туркия, АҚШ, Германия, Япония, Хитой ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 26.000;

шундан, армияда (қуруқлик қўшинлари) 21.000, ҳарбий денгиз флотида 700, ҳарбий ҳаво кучларида 4.300 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас.

**Табиати.** Туркменистон худудининг аксарияти текисликдан иборат бўлиб, қарийб  $\frac{4}{5}$  қисми Турон текислигида (Қорақум чўли) жойлашган. Фақат жанубда тепаликлар ва ўрта баландликдаги тоғлар бор. Туркменистон жанубида Копетдоғ тоғлари (энг баланд жойи 2942 метр – Ризо чўққиси), ундан шимоли-ғарбда Кичик Болхон (777 метргача) ва Катта Болхон (1881 метргача) тоғлари жойлашган. Жануби-шарқдаги Бодхиз қирлари (энг баланд жойи 1267 метр) ва Қорабел қирлари (энг баланд жойи 984 метр) ўртасидан Мурғоб дарёси оқиб ўтади. Чекка жануби-шарқда Хисор тизмасининг Кўхитанг тармоғи (баландлиги 3139 метр – Туркменистоннинг энг баланд нуқтаси) бор.

Иқлими кескин континентал, қурғоқчил иқлим. Ёзи иссиқ ва қуруқ, киши юмшоқ, қор кам ёғади. Мамлакат худудининг 80 %да доимий оқар сув йўқ; жануб ва шарқий худудлардагина дарёлар бор. Энг катта ва серсув дарё – Амударё. Бу дарёнинг суви Қорақум канали орқали Баҳарденгача борган каналнинг узунлиги 900 км. Кўлларнинг аксарияти шўр. Чучук сувли Ясхан кўли Небитдоғ шаҳрини ичимлик суви билан таъминлайди.

**Ўзбекистон - Туркменистон муносабатлари.**

**1. Сийсий соҳадаги муносабатлар.** Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1993 йил 7 январда ўрнатилган. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1996 йил 16 январда икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик Шартномасига асосан амалга оширилмоқда. Бугунги кунгача бу икки давлат ўртасида олий даражада 4 та расмий ташриф бўлиб ўтган. 1996 ва 2004 йилларда Туркменистон давлат раҳбари Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган бўлса, 1996 ва 2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркменистонга расмий ташрифлари бўлди. Бундан ташқари, икки давлат муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида 2002 йили Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Туркменистонга амалий ташриф билан борди. 2004 йил октябрь ойида эса Туркманобод шаҳрида Ташқи иш-

лар вазирлари ва Мудофаа вазирлари иштирокида ўзбек-туркман музокаралари бўлиб ўтди. Икки давлат раҳбарининг 2004 йил 19 ноябрда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви ўзбек-туркман давлатлараро алоқаларини ривожлантиришда ва икки томонлама манфаатли муносабатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Мазкур учрашув чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва янада кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 100 дан ортиқ ҳужжатлар ташкил этади. Улардан 59 тасини давлатлараро ва ҳукуматлараро, халқаро ҳужжатлар; 10 тасини давлат чегараларини делимитация қилиш масалалари борасидаги икки томонлама халқаро ҳужжатлар; 17 тасини идоралараро халқаро ҳужжатлар; 14 тасини эса Президентларнинг қўшма баёнотлари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида 1996 йили ўзбек-туркман ҳукуматлараро комиссияси ташкил этилган.

**2. Савдо-иқтисодий соҳадаги муносабатлар.** Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий муносабатлар томонлар ўртасида қабул қилинган 20 дан ортиқ ҳужжат асосида олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон Республикаси ўртасида товар айирбошлаш 2004 йилда 159,6 млн. АҚШ долларини, шундан экспорт 143,8 млн. АҚШ долларини, импорт 15,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Республикасида туркман сармояси ҳисобига фаолият олиб бораётган 3 та корхона рўйхатга олинган. Туркменистонда эса Ўзбекистон ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 4 та корхона мавжуд. Икки давлат ўртасида юкларни ташиш хизматлари соҳасида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2003 йили Туркменистоннинг 1 млн. 894 минг тонна импорт-экспорт юклари Ўзбекистон ҳудуди орқали олиб ўтилди, 2004 йилнинг 8 ойида эса бу кўрсаткич 1 млн. 255 минг тоннага етди. Ўз навбатида, Туркменистон орқали олиб ўтилган Ўзбекистоннинг импорт-

экспорт юклари миқдори 2003 йилда 3 млн. 687 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 2004 йилнинг 8 ойида эса бу кўрсаткич 2 млн. 666 минг тоннага етди.

**3. Маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорлик.** Бугунги кунда Туркменистон билан Ўзбекистон ўртасидаги гуманитар алоқаларни ривожлантиришнинг асосий омили икки давлат ҳудудида истиқомат қилаётган кўп сонли ўзбек ва туркман диаспораларидир. Туркменистон томонининг 2002 йилдаги расмий маълумотиغا кўра, аҳолисининг 9,2%ини ўзбек миллатига мансуб кишилар ташкил этади. Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган туркман диаспорасининг сони расмий равишда 155 минг киши деб кўрсатилган. Ўзбекистон ҳудудида 5 та вилоятда туркман маданият марказлари мавжуд (Бухоро, Термиз, Тошкент, Тошкент вилояти, Тўрткул шаҳарларида). Ўзбекистонда 14 мингга яқин туркман ўғил-қизлари 45 та ихтисослашган мактабда таҳсил олиб келмоқда. Улардан 23 тасида дарслар тўлиқ туркман тилида олиб борилади. Туркменистон президенти С.Ниёзовнинг 1997 йил 28 ноябрда Ўзбекистонга расмий тапширғи чоғида Хива шаҳрида туркман шоири Маҳтумқули хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Шунингдек, Маҳтумқули ёдгорлиги тантанали суръатда очилди.

Ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий ва адабий алоқалар азалдан ривожланиб келган. Алишер Навоийни туркман халқи Мир Али номи билан таниган, унинг асарлари шоир ҳаёт чоғидаёқ туркманлар орасида машҳур бўлган. Навоий ғазалларини туркман бахшилари ҳозиргача ҳам куйлаб келади. Хива мадрасаларида таҳсил олган туркман мумтоз шоирлари Озодий, Маҳтумқули, Андалиб Навоийни ўзларига устоз деб билган. Айни пайтда, Маҳтумқулининг шеърларини билмаган ва куйламаган ўзбек ҳофизи йўқ деса бўлади. Андалиб ўзининг «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо» дostonларини Навоий ва Дурбек асарларидан таъсирланиб ёзган. Маҳтумқулининг танланган шеърлар тўплами ўзбек тилида бир неча марта нашр этилган. Фафур Фулом ва Берди Кербобоев, Абдулла Қаҳҳор ва Беки

Сейтоқов, Зулфия ва Товшан Эсанова, Асқад Мухтор ва Қора Сейтлиев каби ўзбек ва туркман ёзувчи-шоирлари ўртасидаги дўстлик адабий алоқалар тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Б.Кербобоевнинг «Дадил қадам», «Ойсултон», «Небитдоғ» романлари, Х.Деряевнинг «Қисмат» роман-эпопеяси, Муллаанафас, Андалиб, Камина шеърлари ва бошқа асарлар ўзбек тилига таржима килинган.

**185. УММОН**  
(Oman)

**Майдони**.....309 500 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....2 800 000 (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Масқат шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Назва.  
**Расмий тили**.....араб тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**8200 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, балиқ, сабзавотлар.  
**Импорт**.....машина ва транспорт жиҳозлари, хом ашёлар, озиқ-овқат, ичимлик ва ҳайвонлар.  
**Миллий валютаси**.....Уммон риоли.  
**Дини**.....ислом, ҳиндуизм, насронийлик.  
**Миллий байрами**.....18 ноябрь - Султон туғилган кун.  
**Чегаралари**.....ғарбда БАА, Саудия Арабистони ва Яман билан, жануб ва шарқда Араб денгизи, шимолда Уммон кўрфази билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. Султонлик бўлиб, 1996 йилдан бери қонунчилик органига эга. Унда қабул қилинадиган қонунлар ислом дини ва шариат аҳкомларига асосланган. Маслаҳат кенгаши - Мажлис-аш-Шура дея номланади ва 82 аъзодан иборат. Улар 164 нафар сайланганлар орасидан Султон томонидан тайинланади. Сайлаш ҳуқуқи 21 ёшдан. Давлат бошлиғи ҳукумат раҳбари, айни вақтда ташқи ишларни ҳам бошқаради. 1970 йилдан буён Султон - Қобус Бин Саиддир. Партиялар йўқ.  
**Тарихи**. Араб халифалигига тегишли бўлган Уммон ҳудудларида XVIII асрлардан бош-

лаб мустақил имомликлар ташкил топа бошлаган. Ўша вақтларда мамлакат ҳудудига бир вақтнинг ўзида учта давлат, яъни Эрон, Голландия ва Англия даъвогарлик қилар эди. Эронликларнинг уммонлик имом Аҳмад Бин Сайид томонидан қувиб чиқарилиши туфайли мамлакат иккига бўлиниб кетади. Уммон имомлиги ва Британия протекторати бўлган Масқат султонлиги ташкил топади. 1970 йилга келиб икки ҳудуд бирлашади ва Уммон султонлиги тузилади. Кўп ўтмай у мустақилликка эришади. Бугунги кунда мамлакат нефтдан олинаётган даромад туфайли тобора ривожланиб бормоқда.

Уммон 1971 йил 7 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган ва 1992 йил 22 апрелда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси**. Асосан араблар, ишлаш учун келган ҳиндлар ва бошқалар.

**Иқтисодиётининг** асосини нефть ва газ қазиб олиш, уни экспорт қилиш ташкил этади.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам кўрилкоқда.

**Валютаси**. 0,3350 Уммон риоли 1 АҚШ долларини ташкил этади.

**Ташқи савдода импортнинг** улуши 1938 Уммон риолига тенг бўлиб, унинг 43%ини машина ва транспорт жиҳозлари, 14%ини хом ашёлар, 12%ини озиқ-овқат, ичимлик ва тирик ҳайвонлар ташкил қилади.

**Экспортнинг** улуши эса 7231 млн. АҚШ доллари бўлиб, 77%ини нефть ва газ, 12%ини машина ва жиҳозлар ташкил этади.

**Савдо соҳасидаги шериклари**. Япония, Таиланд, Корея Республикаси, БАА, Буюк британия, АҚШ.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 41.700;  
 шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 25.000, ҳарбий денгиз флотига 4.200, ҳарбий ҳаво кучларида 4.100, қирол гвардиясида 6.400 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 та корвет, 4 та снарядли кема ва 7 патруль кемаси бор. 4.000 нафар ярим ҳарбийлашган қабила маҳаллий мудофаа отряди ва 400 нафар қирғоқ ҳимояси полицияси бор.

186. ФАЛАСТИН

(Palestine)

Майдони..... 364 кв км.  
 Аҳолиси.....3,3 млн (2003 йил).  
 Пойтахти..... Жанубий Қуддус шаҳри.  
 Катта шаҳарлари.....Ғазо, Рафақ, Хон Юнус.

Расмий тили.....араб тили.  
 Дипи.....ислом.  
 Чегаралари.....шарқда Иордания, жанубда Миср, ғарб ва шимолда Исроил билан ўралган.

Давлат тузуми. Собиқ Британия протекторати бўлган ушбу мамлакат ташкил қилинишининг юридик ва ҳуқуқий мақоми БМТ Бош ассамблеясининг 1948 йил 29 ноябрдаги резолюциясида белгилаб берилган эди. Бироқ бу ишлар амалга олмади ва Исроил давлати тuzилганидан сўнг Фаластин мухторияти ташкил этилди. Фаластинни озод қилиш ташкилоти етакчиси бўлган Ёсир Арофат мамлакатни узок йиллар давомида бошқарди. Ундан сўнг Маҳмуд Аббос етакчилик қилмоқда. Мамлакат республика бошқарувига эга. Унинг қонунчилик органи Фаластин Миллий Кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган ва 1994 йил 25 сентябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг асосини** араблар ташкил қилади. Диний нуқтаи назардан улар мусулмонлар ва насронийларга бўлинади.

**Иқтисодиёти.** Мамлакатнинг иқтисодиёти чет мамлакатлардан олинadиган ёрдамга боғлиқ бўлиб, аҳолининг асосий қисми Исроилда ёлланма ишчи сифатида ишлайди.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларида фаоллар йўқ.

Полициячилар ва 500 Президент ҳимоячилари бор. Шунингдек, бир қанча қуролланган гуруҳлар мавжуд.

187. ФИЛИППИН

(Philippines)

Майдони.....300 000 км<sup>2</sup>.  
 Аҳолиси..... 83,4 млн.(2004 йил).  
 Пойтахти.....Манила шаҳри.

Катта шаҳарлари.....Куизон сити, Калукан, Давао.

Расмий тили.....филиппин.

**ЯИМ (аҳоли жоп бошига)** 4640 АҚШ доллари. (2003 йил).

**Экспорт**.....махсус транспорт воситалари, электроника, кийим-кечак, радио ва телевизорлар.

**Импорт**.....электр жиҳозлари, нефть хом ашёси ва маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**..... филиппин песоси.

**Дини**.....насронийлик, ислом, буддизм.

**Мустақиллик куши**.....4. 07. 1946.

**Миллий байрами**.....12 июнь - Испаниядан мустақил бўлган кун (1898).

Давлат тузуми. Филиппин республика бўлиб, ҳар олти йилга сайланадиган президент томонидан бошқарилади. Қонунчилик органи - Конгресс, у икки палатадан, 24 аъзодан иборат бўлган сенат ва 250 аъзодан (шулардан 200 таси сайланади, 50 тасини президент сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар вакиллари орасидан тайинлайди) иборат Вакиллар палатасидан ташкил топган. Сенат ҳар олти йилда фақатгина бир муддатга сайланади. Вакиллар палатаси эса 3 йилга сайланади. Лекин Вакиллар палатаси депутатлари ҳам уч мартадан ортиқ сайланиш ҳуқуқига эга эмас.

Филиппин 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 22 январда тан олган ва шу йилнинг 13 апрелида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг асосий қисмини** висайялар, тагаллар, илоклар ташкил қилади. Давлат тилидан ташқари, инглиз, испан, себуано, бикол, илокано ва бошқа тиллар ҳам кенг тарқалган.

**Иқтисодиёти.** Филиппин иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ва тоғ-кон саноати ташкил қилади. Мамлакатда гуруч, маккажўхори, кокос пальмалари, шакарқамиш, тамаки, тропик мевалар, сабзавотлар, кофе ва какао етиштирилади. Қорамолчилик, чўчқачилик, ўрмончилик ва балиқчилик ҳам ривожланган. Тоғ-кон саноати, асосан, экспортга йўналтирилган бўлиб, унда хром, мис ва темир, никель, олтин ва бошқалар қазиб

## ХИТОЙ

олинади. Кимё, нефтни қайта ишлаш, металлургия ва машинасозлик корхоналари ҳам мавжуд. Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган.

Ташқи савдода импортнинг улуши 39 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 37 млрд. АҚШ доллари.(2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Япония, АҚШ, Индонезия, Австралия, Сингапур ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 106.000;

захирадагилар – 131.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 66.000, ҳарбий денгиз флотига 24.000, ҳарбий ҳаво кучларида 16.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. 1 та қўриқчи кемасига эга. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 58 та патруль кемаси бор. 40.500 нафар ярим ҳарбийлашган Филиппин миллий полицияси ва 3.500 нафар қирғоқ химоячилари бор. Шунингдек, 40.000 фуқаролар қуролли кучларининг географик бўлинмалари ҳам мавжуд.

### 188. ХИТОЙ

(China)

**Майдони**.....9 572 419 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....1311 млн (2004 йил).

**Пойтахти**.....Пекин шаҳри.

**Катта шаҳарлари**.....Шанхай, Тяньцзинь.

**Расмий тили**.....Хитой тили.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.4778 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....кийим-кечак, электр машиналар, электротехника маҳсулотлари, радио, теле ва машинасозлик техникалари, оёқ кийимлар ва ҳоказо.

**Импорт**.....ярим фабрика ва хом ашёлар, электр машиналар, кимёвий маҳсулотлар, темир ва пўлат, машинасозлик товарлари.

**Миллий валютаси**.....юань.

**Дини**.....буддизм, даосизм, ислом, ламаизм ва насронийлик.

**Мустақиллик куни**.....1. 10. 1949 йил.

**Миллий байрами**.....1 октябрь – Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....ғарбда Хиндистон, Покистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозғистон, шимолда Россия ва Монголия, шарқда КХДР, жанубда Вьетнам, Лаос, Мьянма, Хиндистон, Бутан ва Непал билан чегарадош.

**Давлат тузуми.** Социалистик Халқ Республикаси бўлиб, 1982 йилдан буён Қонунчилик органига эга. Унинг номи 1999 йили Миллий Халқ Конгресси деб ўзгартирилган. 2972 депутатдан иборат Конгрессга сайловлар ҳар беш йилда бўлиб ўтади. Депутатлар провинциялардан, автоном ҳудудлардан, шаҳар кенгашларидан ва халқ озодлик армияси вакилларида сайланадилар. Давлат бошлиғи 2003 йил 15 мартдан бери Ху Цзин Тао. Вице-президент эса Зенг Кинг Хонг. Ҳукумат раҳбари Вин Циа Бао. Мамлакатда ягона партия – Хитой Коммунистик партияси мавжуд. Мамлакатни коммунистик партия аъзоларидан ташкил топган, 8 аъзодан иборат Сиёсий Бюро бошқаради.

Хитой 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олган ва 1992 йил 2 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Тарихи.** Хитой қадим цивилизациянинг бешиги ҳисобланади ва унинг тарихи 4,5 минг йилдан ортиқ. Хитой ўз тарихи давомида ҳар хил императорларни ва подшоликларни кўрди. Мамлакатни босқинчилардан ҳимоя қилиш учун бир неча минг километрли Хитой девори қурилди. Мамлакат мўғулларга ҳам тобе бўлди. Охирги сулола манчжурларнинг цин сулоласи бўлиб, у Европа давлатлари ва АҚШнинг Хитойга кириб келишигача давом этди. XIX асрдаёқ мамлакат кучли давлатларнинг таъсир доирасига ва ярим мустамлакасига айланди. 1911-13 йилларда Сунь Ятсен бошчилигида цин сулоласи ҳукмронлигига барҳам берилди. 1932 йили мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудларини Япония босиб олди ва 1937 йили мамлакатнинг бутун ҳудудини босиб олиш учун ҳаракатлар бошлади. Иккинчи жаҳон урушида Япониянинг енгилиши туфайли ХХР овоз бўлди ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрин эгаллади. ХХР бугунги кунда юқори даражада ривожланаётган давлатлардан бири ҳисобланади.

**Аҳолиси.** Хитойда кўплаб миллатлар истиқомат қилса-да, аҳолининг асосий қисми, яъни 91,59%и хитойликлардир. Бундан ташқари, 7 млн. уйғур, 1 млн қозоқ ва 55 та кам сонли Тибет элатлари мавжуд.

**Иқтисодиёти.** Хитой бугунги кунда йиллик ўсиш ва саноат ривожланиши жиҳатидан дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бунинг асосий сабаблари мамлакатда очиқ бозор иқтисодиётининг мавжудлиги, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик туфайли хориж сармоясининг оқиб келиши ҳамда хитой халқининг меҳнатсеварлигидир. Мамлакатда саноат иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ҳисобланади. Бундан ташқари, нефть қазиб олиш, электроника, қишлоқ хўжалиги, энергетика, газ саноати, металлургия қабилар ҳам тез ривожланиб, Хитой тараққётининг асоси бўлмоқда.

**Валютаси.** 8,2774 Хитой юани 1 АҚШ доллари га тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуғи 412,8 млрд. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуғи 438,4 млрд. АҚШ доллари. (2003 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Деярли бутун жаҳон давлатлари билан савдо қилади.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 2.255.000;

захирадагилар – 800.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 1.600.000, ҳарбий денгиз флотида 255.000, ҳарбий ҳаво кучларида 400.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи ўта замонавий. Ядро қуроли, 69 сув ости кемаси, 21 та эскадра мина ташувчи ва 42 та қўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 96 та снарядли кема, 9 та торпедо ва 226 та патруль кемаси бор. 1.500.000 нафар ярим ҳарбийлашган халқ ҳарбий полицияси бор.

**Ўзбекистон – Хитой муносабатлари.** Ўзбекистон билан Хитой ўртасида барча соҳаларда икки томонлама муносабатларни тартибга солувчи 100 дан ортиқ давлатлараро ва бошқа келишувлар имзоланган. Икки давлат раҳбарияти ўртасида давомли учрашувлар ва ташрифлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Хи-

тойга 1992, 1994, 1999 ва 2001 йилларда ташриф буюрди. 2002 йилда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Борис Бугров, 2003 йилда бош вазир Ўткир Султонов, 2004 йилда Ташқи ишлар вазири Содик Сафоев, 2004 йилда Бош вазир ўринбосари Э. Ғаниевлар ХХРга ташриф буюрган бўлсалар, Хитой томонидан 1994 йилда давлат кенгаши раиси Ли Пэн, 1995 йили раис ўринбосари Ху Цзиньтао, 1996 йилда раис Цзян Цзэминь, 1999 йилда Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Цян Цичэн, 2001 йилда Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Ли Ландин, 2002 йилда Давлат кенгашининг аъзоси И.Аймат, 2003 йилда Ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин, 2003–2004 йилларда Ижтимоий хавфсизлик вазирининг ўринбосари Ян Хуаньнин, 2004 йилда ХХР раиси Ху Цзиньтаолар Ўзбекистонда расмий ташриф билан бўлдилар. Ху Цзиньтао ташрифи давомида 10 та муҳим ҳужжат, жумладан, Ўзбекистон ва ХХР ўртасида шериклик муносабатларини, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш, мустақамлаш тўғрисида қўшма декларация, наркотик воситалар, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ҳамда истеъмол қилинишига қарши ҳамкорликда курашиш ҳақида битимлар имзоланди. Ташқи ишлар вазирларининг ташрифлари чоғида қуйидаги битимлар имзоланди: терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида; икки томоннинг ташқи сиёсий идоралари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлар тўғрисида. 2005 йилнинг 25–27 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов икки кунлик давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг яккама-якка суҳбатида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. То-

монлар нефть-газ, сайёҳлик, таълим, юқори технологиялар, транспорт коммуникациялари, тўқимачилик, кончилик саноати соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

**Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик.** Давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий битимга биноан, ўзаро иқтисодий муносабатлар кун сайин ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг ахбороти-га биноан, 2004 йилда икки томоннинг товар айланмаси 367,1 млн. АҚШ доллари миқдо-рида бўлиб, унинг 101,5 млн.и Ўзбекистон-дан экспортни ва 265,6 млн.и Ўзбекистонга импортни ташкил этди. Ўзбекистонда ХХР сармояси иштирокида 122 та корхона мав-жуд бўлиб, уларнинг 102 таси қўшма кор-хона ва 20 таси 100 % ХХР сармояси асоси-даги корхоналардир.

**Илмий-техникавий ва гуманитар соҳадаги ҳамкорлик.** Икки мамлакат ўртасида мада-ният, таълим, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик фаол ривожланиб бормоқда. Са-марқанд шаҳрида “Шарқ тароналари” халқа-ро фестивалида Хитой вакиллари, Пекин халқаро маданият ва туризм фестивалида эса Ўзбекистоннинг фольклор жамоалари мунта-зам иштирок этади.

2001 йилда Тошкентда ХХР маданият марказининг очилиши бўлиб ўтди.

2004 йил июнь ойида ХХР раиси Ху Цзинь-таонинг ташрифи давомида хитой тилини ўрганиш бўйича Ўзбекистонда Конфуций но-мидаги Институтни ташкил этишга келишиб олинди. Хитой томони институтни барча за-рурий ўқув адабиётлари, лингфон жижҳозла-ри ва ўқитувчилар билан таъминлаш мажбу-риятини олди.

2005 йил 18 июль куни Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти И.А.Каримов Оқсаройда ХХР Давлат Кенгаши раҳбарининг ўринбо-сари қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Хитой ҳам-корлигини янада мустаҳкамлашга оид фикр алмашилди.

## 189. ШАРҚИЙ ТИМОР

(East Timor)

Майдони.....14 609 км<sup>2</sup>.  
 Аҳолиси.....753 000.  
 Пойтахти.....Дили шаҳри.  
 Расмий тили.....титум ва порту-гал тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жоп бошига)**..... 520 АҚШ доллари.

**Экспорт**.....асосан кофе.

**Импорт**..... озиқ-овқат, қури-лиш материаллари, нефть маҳсулотлари.

**Миллий валютаси**.....АҚШ доллари.

**Дини**.....насронийлик, ис-лом ва анъанавий эътиқодлар.

**Мустақиллик куни**.....20. 05. 2002.

**Миллий байрами**.....28 ноябрь - Мус-тақилликка бўлган интилиш куни (1975).

**Чегаралари**..... Индонезия ҳудуди билан чегарадош, асосан, сув билан ўралган. Давлат тузуми. Шарқий Тимор республика бошқарувига асосланган бўлиб, 2002 йилдан буён 88 аъзога эга бўлган парламенти фаоли-ят кўрсатди. Сайловлар ҳар беш йилда ўтка-зилади. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сай-лаш ҳуқуқига эга. Мамлакат раҳбари ҳам ҳар беш йилда бевосита умумий овоз бериш йўли билан сайланади. 2001 йилнинг 30 августида бўлиб ўтган парламент сайловларида қуйида-ги сиёсий партиялар иштирок этди.

1. Frente Revolucionaria do Timor Leste Independente / Fretelin.

2. Partido Democratico / PD/

3. Partido Social Democrata / PSD/

4. Associacao Social-Democrata Timorese / ASDT.

Мамлакат раҳбари 2002 йил 20 майдан буён Хосе Александре.

Мамлакат тарихи, асосан, Индонезия тари-хи билан чамбарчас боғлиқ. У кейинчалик Ин-донезиядан ажралиб чиққан.

Шарқий Тимор 2002 йил 29 сентябрдан БМТ аъзоси.

Аҳолисининг асосий қисми тиморликлар, индонезияликлар ва камчиликни ташкил эта-диган хитойликлар.

**Иқтисодиёти.** Мамлакатнинг иқтисодиёти кўпроқ қишлоқ хўжалигига асосланган бўлиб,

## ШРИ-ЛАНКА

кофе етиштириш ва сотиш ҳисобидан ҳамда чет эллардан олинадиган ёрдам ҳисобига яшайди. Ташқи савдода импортнинг улуши 172 млн. АҚШ доллари.

Экспортнинг улуши 5 млн. АҚШ доллари.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Индонезия ва Океания давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 1.250:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 1.250 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас.

### 190. ШРИ-ЛАНКА

(Sri Lanka)

**Майдони**..... 65 610 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси**.....19 млн (2003 йил).

**Пойтахти**..... Коломбо шаҳри.

**Расмий тили**..... Сингал ва тамил тиллари.

**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....3390 АҚШ доллари (2003 йил).

**Экспорт**.....саноат, қишлоқ хўжалиги ва нефть маҳсулотлари, чой.

**Импорт**.....тўқимачилик ва кийим-кечаклар, инвестициялар, машина ва жиҳозлар, ахборот технологиялари.

**Миллий валютаси**... .. Шри-Ланка рупийси.

**Дини**.....буддизм, ислом, ҳиндуизм ва бошқалар.

**Мустақиллик куни**.....4. 02. 1948.

**Миллий байрами**.....4 февраль - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....Ҳинд океанида жойлашган.

**Давлат тузуми.** Шри-Ланка 1978 йилдан бери социалистик президентлик республикаси бошқарувига асосланган. 1978 йилдан буён қонунчилик органи фаолият кўрсатади. Унинг номи ва таркиби 1987 ҳамда 1998 йилларда ўзгартирилган. Миллий Йигин номи билан аталувчи парламент 225 депутатга эга. Депутатларнинг 196 таси бевосита сайланади ва 29 таси партиялар пропорцияларига қараб тақсимланади. Парламент ва давлат бошлиғи лавозимига ҳар олти йилда сайлов ўтказилади. 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга. Давлат бошлиғи 1994

йилдан буён Чандрика Бандаранаика Камаратунга. Ҳукумат раиси эса Ранил Викрамсингх. 2001 йилнинг 5 декабрида бўлиб ўтган сайловларда қуйидаги сиёсий партиялар иштирок этган:

Бирлашган Миллий партия / UNP.

Халқ Альянси / PA, Шри-Ланка Озодлик партияси / SLFP, Коммунистик партия / CPSL, Ланка Сама Самая партияси / LSSP Халқ Бирлашган Либерал Фронти / JVP, Тамил Бирлашган Либерал Фронти / TVP, Шри-Ланка Мусулмон Конгресси / SLMC, Илам Халқ Демократик партияси / EPDP, Демократик Халқ Либерал Фронти / DPLF ва бошқалар.

Шри-Ланка 1955 йил 14 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 12 февралда тан олган ва 1999 йил 11 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолисининг асосий қисмини шри-ланкаликлар, сингаллар, моорлар, ҳиндлар, сейлонлар, малаиенолар ва бошқалар ташкил этади.**

**Иқтисодиёти.** Мамлакатнинг иқтисодиёти, асосан, қишлоқ хўжалигига асосланган бўлиб, мамлакат чой етиштириш ва уни сотиш, саноат маҳсулотлари ва сотиб олинган нефтни қайта ишлаб сотишдан даромад қилади.

**Валютаси.** 97,22 рупия 1 АҚШ долларига тенг (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 6.000 млн. АҚШ доллари. (2000 йил).

Экспортнинг улуши 5000 млн. АҚШ доллари. (2000 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 151.000:

захирадагилар – 5.500:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 118.000, ҳарбий денгиз флотида 15.000, ҳарбий ҳаво кучларида 18.000 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий эмас. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 та снарядли кема ва 59 та патруль кемаси бор. 60.600 нафар ярим ҳарбийлашган полиция кучлари, 15.000 нафар миллий мудофаа ва 13.000 нафар маҳаллий мудофаа кучлари бор.

191. ЭРОН  
(Iran)

**Майдони**.....1 648 000 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....64.400.000 (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Техрон шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Машҳад, Исфаҳон, Табриз.  
**Расмий тили**.....форс тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....7190 АҚШ доллари (2003 йил).  
**Экспорт**.....нефть ва газ маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, гиламлар.  
**Импорт**.....машина ва асбоб-ускуналар, кимёвий маҳсулотлар, темир ва пулат, электр ва электротехника жихрзлари.  
**Миллий валютаси**.....риол,  
**Дини**.....ислом давлат дини булиб, аҳолининг 90%и шиа мусулмонлари, 8% суннийлардир.  
**Мустақиллик куни**.....деярли 2500 йиллик давлат тарихига эга,  
**Миллий байрами**.....11 февраль - Инқилоб куни (1979).  
**Чегаралари**.....шимолда Озарбайжон, Арманистон ва Каспий денгизи сувлари билан, шарқда Туркманистон, Афғонистон ва Покистон, ғарбда Ироқ ва Туркия билан, жанубда Форс кўрфази сувлари билан уралган.  
**Давлат тузуми**. 1979 йилдан бери Ислом Президентлик Республикаси. Қонунчилик органи 1979 йилда узгартирилди ва 12 кишидан иборат Қонунчилик Кенгаши ташкил қилинди. 1989 йилга келиб мамлакатдаги қонунчиликни Ислом қонунлари, яъни шариаатга мослаштириш ва уни назорат қилиш учун махсус орган тузилди. У 290 аъзодан иборат булиб, унинг 5 таси диний озчиликни ташкил этувчи аҳоли вакиллари билан сайланади. Сайловлар ҳар тўрт йилда утказилади. Давлат раҳбарлиги учун сайлов ҳар беш йилда утказилади ва 16 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлов ҳуқуқига эга.  
 Партиялари: Ислохртчилар партияси, Радикаллар партияси ва хрказо.  
**Тарихи**. Эрон ер қурраси мамлакатларининг энг қадимийларидан бўлиб, антик даврларда қадимги Эллада билан ҳукмронлик қилиш ва уз таъ-

сир доирасини кенгайтириш учун курашган мамлакат ҳисобланади. Кейинги асрларда Эронда қулдорлик тузуми, мусулмон авторитар монархиялари ва халифаликлар бир-бири билан урин алмашган. Ислом дини кириб келиши билан Эронда зардуштийлик дини йўқ бўлди. XVI асрнинг бошларида ҳокимиятга сафавийлар келди ва 200 йил ҳукмронлик қилди. Шох Аббоснинг улиmidан сунг Эрон ҳокимияти инқирозга юз тутди ва мамлакат афғонлар томонидан босиб олинди. Орадан бир қанча вақт ўтиб, мамлакат яна мустақил булди ва юксалиш сари юз тутди. XVIII асрнинг урталарида Эрон кучли империялар ўртасидаги кураш сахнасига айланиб кетди. 1921 йилда Паҳлавийлар сулоласига утган подшоҳлик тахти 1979 йилги Ислом инқилоби оқибатида ағдариб ташланди. 1980-88 йилларда Эрон Ироқ билан ҳудудий можаро туфайли қонли урушлар олиб борди. 1990 йилларда мамлакатга келган янги ҳукумат ички ва ташқи муаммоларни муроса йўли билан барта-раф этиш ва мамлакатни ривожлантириш учун кураш олиб борди.  
 Эрон 1945 йил 24 октябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 25 декабрда тан олган ва 1992 йил 10 майда дипломатик муносабатлар урнатилган.  
**Аҳолиси** ҳар хил этник гуруҳлардан ташкил тошган булиб, уларнинг тўртдан уч қисми Эрон тиллари гуруҳига, 20 фоиздан кўпроқ аҳоли эса олтой тиллари оиласининг турк тили гуруҳига мансубдир.  
**Иқтисодиёти**. Мамлакат иқтисодиётининг асосини нефть, кумир, қора ва рангли металллар қазиб олиш ва уни экспорт қилиш ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида чорвачилик (қорамол ва қўйчилик) кенг ўрин тутди. Шу билан бирга, бугдой, гуруч, пахта, тамаки, узум ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади.  
**Валютаси**. 8517 Эрон риоли 1 АҚШ доллари-ни ташкил этади. (2004 йил).  
 Ташқи савдода импортнинг улуши 18,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 18%и машина ва асбоб-ускуналар, 12%и кимёвий маҳсулотлар, 10%и темир ва пулат, 7%и электротехника анжомлари ва бошқалардир. Экспортнинг улуши 23,7 млрд. АҚШ доллари-ни ташкил қилиб, унинг 82%и нефть, нефть маҳсулотлари ва газ маҳсулотларига, 10%и

саноат маҳсулотларига, 2%и кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, 2%и гиламларга тўғри келади.

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Япония, Корея Республикаси, БАА, ХХР, Италия, Хиндистон, Греция, Испания, Франция, Германия, Россия, Буюк Британия.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 540.000;

захирадагилар – 350.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 350.000, ислом инқилоби гвардияси корпусида 120.000, ҳарбий денгиз флотида 18.000, ҳарбий ҳаво кучларида 52.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 3 та сув ости кемаси ва 3 та қўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 2 та корвет, 10 та снарядли кема ва 44 та патруль кемаси бор.

40.000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган ҳуқуқ-тартибот кучлари бор.

**Ўзбекистон - Эрон муносабатлари.**

**1. Сиёсий соҳада.** Эрон Ислом Республикаси 1991 йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини расман тан олди. 1992 йил 10 майда Ўзбекистон ва Эрон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Эрон Ислом Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси 1992 йил ноябрь ойида ва Ўзбекистон Республикасининг Техрондаги элчихонаси 1995 йил май ойида очилган. 2000 йилнинг 10-11 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг 6-саммитидаги иштироки доирасида унинг Эронга амалий ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф давомида сармояларни рағбатлантириш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний тарқатилишига қарши кураш, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш, божхона ва экстрадиция соҳаларида ҳамкорлик қилишга оид ҳужжатлар имзоланди. 2002 йилнинг 26-28 апрель кунлари Эрон Ислом Республикаси Президенти С.М.Ҳотамий Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. 2003 йил 17-18 июнь кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Эронга расмий

ташрифи бўлиб ўтди. Сафар давомида икки давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга йўналтирилган 7 та ҳужжат имзоланди. Шунингдек, мазкур ташриф якунида Эрон, Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасида Трансафғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида уч томонлама ҳужжат имзоланди. Икки давлат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам равишда ҳайъатлар алмашуви бўлиб ўтмоқда. 2004 йилнинг 18 майида Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазири К.Харрозий Ўзбекистонга ташриф буюрди. Сафар чоғида ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашувларни фаоллаштириш, икки томонлама имзоланган битим ва шартномаларга амалий тус бериш, терроризм ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашда ҳамкорлик қилиш, Афғонистон масаласи бўйича сиёсий мулоқотларни давом эттириш, транспорт ва коммуникация соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. Музокаралар натижасига кўра, томонлар Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига Эрон томонидан 2,5 млн. доллар миқдорида грант берилиши тўғрисида ва икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Англашув Меморандумларини имзоладилар. 2005 йилнинг 4-6 январь кунлари Ўзбекистонга Эрон президентининг биринчи ўринбосари М.Р.Ориф бошчилигидаги ҳайъат ташриф буюрди. Бўлиб ўтган мулоқотлар натижасига кўра, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қаратилган 7 та ҳужжат имзоланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Эрон муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 57 та имзоланган ҳужжат ташкил этади. Бугунги кунда Эроннинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан олиб бораётган ташқи сиёсати бу минтақадаги фаолият доирасини кенгайтириш, асосий эътиборни савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига қаратиб, улар замида асосий мақсадни - минтақадаги транспорт инфратузилмасини Эрон йўналишига қаратиш билан минтақадаги энергетика, минерал ёқилғилар ва хом ашё захиралари тақсмотида иштирок этишга қаратилган. Эрон раҳбарияти Ўзбекистонга Марказий Осиёда-

ги муҳим давлат сифатида қараб, юқори даражадаги ташрифларни ташкил этиш орқали республикамиз билан турли соҳалардаги муносабатларни фаоллаштиришга интиломқда.

## 2. Савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалар.

**Товар айирбошлаш.** 2004 йилнинг дастлабки 10 ойи давомида Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг айнан шу даврига нисбатан 50,4 фоизга ўсиб, 288 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда Эрон Ислом Республикаси Ўзбекистоннинг 10 та етакчи савдо ҳамкори қаторидан жой олган. Экспортнинг асосий улушини пахта толаси, рангли металллар ва ундан ясалган буюмлар, қора металллар ва металл буюмлар, минерал ёқилғи, нефть ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар, механик дастгоҳлар, хизматлар, ўғитлар, кимёвий нтапель толалари ва ҳоказолар ташкил этди. Импортнинг аксарият қисми боғдорчилик маҳсулотлари, ўсимлик ва ҳайвон ёғлари, пойабзал, кимёвий иплар, кир ювиш воситалари, гилам ва гилам маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, тўқимачилик маҳсулотлари, органик кимёвий маҳсулотлар, кофе, қуруқ чой, ширинликлар ва дори-дармонлардан иборат. 2005 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Оқсарой қароргоҳида Эрон Ислом Республикаси Президентининг биринчи ўринбосари Муҳаммад Ризо Орифни қабул қилди. Музокараларда икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, қўшни мамлакат бўлган Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий вазият ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикрлар алмашилар экан, аввало, Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан имзоланган Марказий Осиёни Форс кўрфази билан боғлайдиган Трансафғон йўлагини барпо этиш тўғрисидаги уч томонлама ҳужжатнинг аҳамияти, унинг амалга оширилиш жараёнида кетаётган ҳамкорлик, мамлакатларимиз ўртасидаги соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан каби ижтимоий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Эрон Ислом Республикаси биринчи вице Президенти Муҳаммад Ризо Ориф мамлакатимизнинг бир

қатор вазирлик ва идораларида, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида бўлиб, музокаралар ва қизикарли мулоқотлар ўтказди. **Институционал соҳадаги ҳамкорлик.** 1993 йилнинг 18 октябрида имзоланган Протокол асосида Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ташкил этилган. 2004 йилнинг 19-20 август кунлари Техрон шаҳрида бўлиб ўтган ўзбек-эрон қўшма комиссиясининг 6-йиғилиши якунига кўра, иқтисод, савдо, транспорт коммуникациялари ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш тўғрисида Протокол имзоланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Эрон сармоясини иштирокида ташкил этилган 50 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 40 таси қўшма корхона, 13 таси эса тўлиқ Эрон сармоясини асосида иш олиб бормоқда. Мазкур корхоналар, асосан, халқ истеъмолчи моллари, қандолат, тикувчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда гиламлар ишлаб чиқариш, шунингдек, юк ташинишга ихтисослашган.

**Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик.** Йўловчи ва юкларни автотранспорт билан икки томонлама ташиниш Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Эрон Ислом Республикаси ҳукумати ўртасида 1993 йил 18 октябрда имзоланган автомобиль қатнови тўғрисидаги битимга биноан тартибга солинади. Ўзбекистон транспорт ташкилотлари экспорт-импорт юкларини ташинишда Эрон транспорт коммуникацияларидан фойдаланмоқда.

**Темир йўл транспорти.** Ўзбекистон темир йўлчилари фаол иштирок этган Тежан - Сарахс - Бандар-Аббос темир йўл йўналишининг ишга туширилиши Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларга Форс кўрфази орқали жаҳон бозорига чиқиш имкониятини берди. 2000 йилнинг 1 ноябрида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙКси ва «Эрон темир йўллари» ўртасида «Махсус контейнер поездининг қатнов тартиби» тўғрисида имзоланган шартнома асосида Оқ Олтин - Бандар-Аббос йўналишида контейнер поездлари қатнамоқда. Шунингдек, Ўзбекистон

юклари темир йўл ва денгиз орқали Тошкент – Бейнау- Оқтов - Бандар Хазар йўналишида ҳам ташилкида. 2003 йилнинг июнь ойида Техронда Афғонистон Ўтиш Ислон Давлати, Эрон Ислон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида уч томонлама битим имзоланди. Ушбу ҳужжатда халқаро трансфрон транспорт йўлагини барпо этиш кўзда тутилган бўлиб, лойиҳанинг амалга оширилиши Афғонистон учун доимий даромад манбаи бўлиб қолади, Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни, ўзаро товар айирбошлаш қажмини кенгайтиради. 2005 йилнинг 5 январь куни Тошкент шаҳрида ушбу транспорт тизимини шакллантириш бўйича Давлатлараро Мувофиқлаштириш Кенгашининг Низоми қабул қилинди.

**Ҳаво транспорти.** 1993 йилнинг 17 мартида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Эроннинг фуқаро авиацияси ташиқоти ўртасида Тошкент – Машҳад - Баҳрайн ва қайтиш йўналишида ўзбек авиакомпанияси ҳамда Техрон - Тошкент - Алмати ва қайтиш йўналишида Эрон авиакомпанияси катновларини амалга ошириш бўйича Англашув меморандуми имзоланди. Шу асосда 1994 йилнинг августидан бошлаб «Эрон эйр» авиакомпаниясининг А-310 русумли ҳаво кемалари ҳафтасига бир марта Техрон - Тошкент - Алмати – Тошкент - Техрон йўналиши бўйича мунтазам ҳаво катновини амалга оширмоқда. 2005 йилнинг 4 январь куни Тошкент шаҳрида икки мамлакат мутасадди ташиқотлари ўртасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан Тошкент - Техрон -Тошкент йўналиши бўйича ҳаво катновини йўлга қўйиш хусусида Битим имзоланди.

**3. Икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасидаги ҳамкорлик.** Ўзбекистон Республикаси Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш миллий маркази 2000 йилнинг 11 июнида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Эрон Ислон Республикаси ҳукумати ўртасида имзоланган «Гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида»ги меморандум доирасида Эрон Президенти ҳузуридаги Гиёҳ-

ванд моддаларни назорат қилиш идораси билан ҳамкорлик олиб бормоқда. 2001-2004 йилларда Ўзбекистон ва Эроннинг тегишли идоралари ўртасида гиёҳванд моддаларни назорат қилиш, уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш, гиёҳвандликка чалинишнинг олдини олиш ва даволаш кзасида амалий мулоқотлар ўтказиш, тажриба ва маълумот алмашиш мақсадида ҳайъатлар алмашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Эрон Ислон Республикаси божхона хизматлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик 1992-2002 йиллар оралиғида имзоланган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Икки мамлакат божхона хизматлари юк ўтказиш, божхона тўловларини тартибга солиш, ўзаро ҳайъатлар ва маълумотлар алмашиш, гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Эрон авиакомпанияларининг ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширмоқда. Ҳозирги кунга қадар корхонада Эрон авиакомпанияларининг самолётлари 18 бор техник кўрикдан ўтказилди ва жузъий таъмирланди. 2001 йилдан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Ўқув-машгулот марказида 30 нафар эронлик учувчи ва техник ходим ўз малакасини оширди.

**Соғлиқни сақлаш соҳасида.** 2002 йилда Самарқанд шаҳридаги Панжоб маданият марказида Эрон Ислон Республикаси билан ҳамкорликда Панжоб шифохонаси очилди. Шунингдек, Самарқандда Эроннинг «Доктор Обидий» фармацевтика ширкати билан қўшма корхона тузилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори-дармонлар ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан «Доктор Обидий» ширкатининг 18 турдаги дори-дармонларини Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасида қўлланишга рухсат берилган.

**Маданият соҳасида.** Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислон Республикаси ўртасида маданий ҳамкорликнинг шартномавий-

ҳуқуқий асоси мавжуд эмас. Икки давлат ўртасидаги маданий ва маърифий алоқалар 1999 йилнинг 8 сентябрь куни таъсис этилган «Ўзбекистон — Эрон» дўстлик жамияти доирасида олиб борилмоқда. Ушбу жамият саъй-ҳаракатлари билан олимлар ва зиёлиларнинг ўзаро ташрифлари амалга оширилмоқда.

## 192. ЯМАН (Yemen)

**Майдони**.....536 869 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....19,2 млн (2003 йил).  
**Пойтахти**.....Сана шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Адан.  
**Расмий тили**.....араб тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)**.....820 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....нефть ва нефть маҳсулотлари, пахта, тери, тамаки, мевалар ва ҳоказо.  
**Импорт**.....озиқ-овқат ва ҳайвонлар, машина ва транспорт маҳсулотлари, хом ашёлар.  
**Миллий валютаси**.....Яман риоли.  
**Дини**.....ислом.  
**Мустақиллик куни**.....30.10.1918 йил.  
**Миллий байрами**.....22 май - Республика куни (1990).  
**Чегаралари**..... шимолда Саудия Арабистони, шарқда Уммон, жанубда Арабистон денгизи ва ғарбда Қизил денгиз билан ўралган.  
**Давлат тузуми**. 1991 йилдан бери Ислом Республикаси, 1994 йилдан Қонунчилик ҳокимиятига эга. 300 депутатдан иборат Парламент 2000 йилда Мажлис ал-Нувааб бўлиб ўзгартирилди ва Шариат қонунлари давлат қонунлари сифатида эътироф этилди. Парламент сайлови ҳар олти йилда ўтказилади. Давлат бошлиғи лавозимига сайлов ҳар етти йилда бўлиб ўтади. Давлат бошлиғи 1990 йилдан буён генерал-лейтенант Али Абдуллоҳ Солиҳ. Ҳукумат раҳбари 2001 йил 4 апрелдан буён Абдул Қодир Бажамаал. Мамлакатдаги сиёсий партиялар қуйидагилардир:  
 Умумий Халқ Конгресси, Ислохотлар учун

бирлашиш / Ислоҳ партияси, Яман Социалистик партияси, Араб Социалистик Баат партияси.

Яман 1947 йил 30 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган ва 1992 йил 25 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиси**. Мамлакатнинг асосий аҳолиси яманлик араблардир.

**Иқтисодиёти**. Яман гарчи нефть, газ, темир рудаси, яримметалл конлари, мис, гипс, тошкўмир, қимматли тошлар каби бойликларга эга бўлса-да, аҳоли жон бошига тақсимланганда дунёда ялпи ички маҳсулоти энг кам давлатлардан биридир. Мамлакат иқтисоди ҳозирги даврда инқироз ёқасида турибди. Меҳнатта лаёқатли аҳолининг 70%и иш билан банд.

**Валотаси**. 184 яман риоли 1 АҚШ долларига тенг. (2004 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши 2,9 млрд. Яман риолини ташкил қилади. Унинг 30%и озиқ-овқат ва тирик ҳайвонлар, 21%и машина ва транспорт воситалари, 15%и ярим тайёр маҳсулотлар.

Экспортнинг улуши 4,35 млрд. Яман долларини ташкил қилади. (2003 йил). Унинг 96%и нефть ва нефть маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади.

**Савдо соҳасидаги шериклари**. Саудия Арабистони, БАА, Кувайт, Франция, ХХР, Таиланд, Ҳиндистон ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 66.700;

захирадагилар – 40.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 60.000, ҳарбий денгиз флотида 1.700, ҳарбий ҳаво кучларида 5.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 6 та снарядли кема ва 5 та патруль кемаси бор. 50.000 нафар ярим ҳарбийлашган ички кучлар вазирлиги ходимлари ва 20.000 нафар қабила солиқ йиғувчилари бор. Шунингдек, қирғоқ ҳимоячилари ҳам мавжуд.

## 193. ЯПОНИЯ

(Japan)

**Майдони**.....377 837 км<sup>2</sup>.  
**Аҳолиси**.....127 000 000 (2002 йил).  
**Пойтахти**.....Токио шаҳри.  
**Катта шаҳарлари**.....Иокогама, Осака, Нагоя, Кобе, Киота, Кавасаки.  
**Расмий тили**.....япон тили.  
**ЯИМ (аҳоли жон бошига)** 26070 АҚШ доллари. (2003 йил).  
**Экспорт**.....транспорт воситалари, машина, электротехника маҳсулотлари, минераллар ва озиқ-овқат, кимё, металл маҳсулотлари.  
**Импорт**.....машина ва минерал хом ашёлар, кимёвий маҳсулотлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, тўқимачилик ва пахта хом ашёси, қора металл ва маҳсулотлар.  
**Миллий валютаси**.....Япон иенаси.  
**Дини**.....синтоизм, буддизм ва бошқа динлар.  
**Миллий байрами**.....23 декабрь - Император туғилган куни.  
**Чегаралари**.....шимолда Россия, жанубда Филиппин, ғарб ва шимоли- ғарбда ХХР ва Жанубий Корея билан чегарадош.  
**Давлат тузуми**. 1947 йилдан буён Парламентар монархия. 1994 йилдан буён Парламенти Коккай деб аталади. Парламенти икки палатали бўлиб, қўйи палатаси - Шугийн 480 аъзодан ва юқори палатаси - Сангийн 247 аъзодан иборат. Сайлов қўйи палатага ҳар тўрт йилда, юқори палатага ҳар олти йилда ўтказилади. Давлат бошлиғи 1989 йилдан буён Император Акихито бўлиб, давлат, миллат ва халқ бирлиги рамзи ҳисобланади. Ҳукумат раҳбари 2001 йилдан бери - Жуничиро Коизуми.  
 Мамлакатда сиёсий партиялар кўп бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардир:  
 Либерал - демократик партия, Демократик партия, Либерал партия, Коммунистик партия, Социал-демократик партия, Консерватив партия ва бошқалар.  
 Япония 1956 йил 18 декабрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган ва 1992 йил 26 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.  
**Аҳолиси**. Япония дунёдаги бошқа миллат ва-

киллари кам яшайдиган ягона мамлакат ҳисобланади. Аҳолисининг 99%и японлар, қолган 1% ни Корея ва бошқа мамлакатлардан келганлар ташкил этади.

**Иқтисодиёти**. Япония юқори даражада ривожланган мамлакат бўлиб, постаграр-саноатлашган давлат ҳисобланади. Автомобиль, кема, маиший техника, саноат роботлари, дастгоҳлар ишлаб чиқариш ва балиқ овлаш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Япония деярли бутун дунё мамлакатлари билан савдосотиқ қилади. Ташқи савдода асосий шериги ва унинг маҳсулотлари импортёри АҚШ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам АҚШ Япония учун муҳим аҳамиятга эга.

**Валютаси**. 132 япон иенаси 1 АҚШ долларига тенг (2002 йил).

Ташқи савдода импортнинг улуши жуда катта бўлиб, унинг 31,8%ини машиналар, 19,4%ини минерал маҳсулотлари, 12,5%ини озиқ-овқат, 7,8%ни кимё, 6,5%ни тўқимачилик, 6%и хом ашё, 4%ини металл маҳсулотлари ташкил этади.

Экспортнинг эса 24,9%ни транспорт воситалари, 22,8%ни электротехника машиналари, 20,3%ни ҳар хил турдаги машиналар, 8,0%ни кимё, 6,2% металл ва металл маҳсулотлари ташкил этади.

**Савдо соҳасидаги шериклари**. АҚШ, ХХР, Корея, Австралия, Германия, Индонезия, БАА, Сингапур, Таиланд ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти**. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар - 239.900;

захирадагилар - 44.395;

шундан, қуруқликдаги мудофаа кучларида 148.200, денгиздаги мудофаа кучларида 44.400, ҳаводаги мудофаа кучларида 45.600 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. 16 сув ости кемаси, 45 та эскадра мина ташувчи ва 9 та қўриқчи кемаси бор. Патруль ва қирғоқ қўшинларида 9 снарядли кема бор. 12.250 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган қирғоқ химоячилари бор.

**Ўзбекистон - Япония муносабатлари**. 2002 йили Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Японияга иккинчи ташрифи давомида икки томонлама стратегик шериклик ва ҳамкорлик, дўстлик тўғрисидаги Қўшма баёнот

имзоланди. 2003 йилда Ўзбекистон ва Япония ўртасида собиқ Шўролар Иттифоқи ҳудудида дастлабки ҳаво ахбороти тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. 2004 йилнинг августида мамлакатимизга Япония Ташқи ишлар вазири Й.Кавагучи ташриф буюрди ва И.А.Каримов қабулида бўлди. Токио Ўзбекистондаги демократик ва иқтисодий ислоҳотларни ижобий баҳолаш ва қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларнинг амалга оширилиши учун молиявий ёрдам ҳам кўрсатмоқда.

Япония Марказий Осиё давлатларининг мустақил ривожланиши ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигидан манфаатдор. Шу мақсадда Япония 2004 йил 28 августда Ташқи ишлар вазирликлари даражасидаги илк мулоқот – “МО + Япония” ташаббуси билан чиқди.

Ўзбекистон Япония, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо бўлиш йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

**Савдо-иқтисодий ва молиявий-инвестицион соҳадаги ҳамкорлик.** 2004 йили икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 101,8 млн. АҚШ доллари миқдорида бўлиб, унинг 21,8 млн. Японияга экспорт ва 80 млн. Япониядан импортни ташкил этди. Ўзбекистонга Япония томонидан тақдим қилинган молиявий кўмакнинг умумий ҳажми 1,885 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Улардан Ривожланишга расмий ёрдам дастури бўйича 871 млн. АҚШ доллари, гуманитар ва беғараз ёрдам 147 млн. АҚШ долларини, техник ёрдам 47 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Халқаро ҳамкорлик бўйича Япония банкнинг (ДЖЕЙБИК) савдо кредитлари 820 млн. АҚШ долларига етди. Ривожланишга расмий ёрдам доирасида Япония ҳукумати томонидан Тошгузар-Войсун-Қумқўрғон лойиҳаси учун 150 млн. АҚШ доллари атрофида имтиёзли кредит ажратилди. Ўзбекистонда 22 та Япония компаниясининг ваколатхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. 8 та қўшма корхона ва 3 та 100% япон сармояси асосида фаолият кўрсатувчи корхона рўйхатга олинган.

**Институционал соҳадаги ҳамкорлик.** 1994 йилда Японияда “Япония-Ўзбекистон” дўстлик парламент лигаси (раиси мустақил депутат – К. Ватанабе) ташкил этилган. 1999-2001 йилларда Тошкентда Япония халқаро ҳамкорлик Агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо бўйича Япония ташкилоти (JETRO) ваколатхоналари ҳамда беғараз ва техник ёрдамларни амалга оширадиган ўзбек-япон маркази очилди. 2002 йилда ҳужмрон Япония Либерал Демократик Партиясининг таниқли депутатлари ташаббуси билан ЯЛДП – Ўзбекистон дўстлик парламент лигаси тузилди.

2003 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда Япония билан ҳамкорлик бўйича қўмита ташкил қилинди. 2004 йилнинг майдан эса Осака шаҳрида Япония фуқароси – машҳур бизнесмен, “Чори” компанияси бошқаруви раиси Х. Накамура раҳбарлигида Ўзбекистон Республикасининг Фахрий бош Консуллиги фаолият кўрсата бошлади.

2001 йилдан бошлаб Тошкент ва Осака ўртасида Миллий авиакомпаниямиз авиарейслари йўлга қўйилган.

**Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик.** Икки мамлакатнинг археолог олимлари узоқ йиллардан буён самарали фаолият юритиб келишмоқда. Асосан, Ўзбекистоннинг жанубидаги будда маданияти ёдгорликларини очиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ишларда фаол иштирок этган япон олими К. Като 2002 йилнинг май ойида давлатимизнинг олий мукофоти – “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

2002 йилда машҳур rassom И. Хираяманинг молиявий ёрдами билан Тошкентда “Маданият карвонсаройи” номли ўзбек-япон илмий-ижодий маркази очилди.

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Япониянинг Васеда ва Сока университетлари Фахрий доктори унвонига сазовор бўлди.

2003 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов Японияга Ўзбекистон ва Япония ёзувчилари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилуш учун ташриф буюрди.

2004 йилнинг мартада Токионинг Сока Уни-

верситетида ҳайкалтарош Р. Миртожиев яратган Навоий ҳайкали тантанали суръатда очилди. Ўша йилнинг октябрида Ўзбекистонга Ташқи ишлар вазирлиги ахборот ва маданият бюроси бош директори раҳбарлигидаги маданият миссияси ташриф буюрди. Учрашувда Япония делегацияси "Цивилизация мулоқоти"ни ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Ҳар йили Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари бўлиб ўтмоқда.

**194. ҚАТАР**  
(Qatar)

- Майдони.....11 437 км<sup>2</sup>.
- ✓ Аҳолиси.....610 000 (2002 йил).
- Пойтахти.....Доха шаҳри.
- Катта шаҳарлари.....Эл Вакра.
- Расмий тили.....араб тили.
- ЯИМ (аҳоли жон бошига) ..... 9 206 АҚШ доллари.
- ✓ Экспорт.....нефть ва нефть маҳсулотлари, минерал хом ашёлар, цемент, пўлат, денгиз маҳсулотлари.
- ✓ Импорт..... машина ва қурол-яроғлар, озиқ-овқатлар, кимёвий маҳсулотлар.
- Миллий валютаси.....Қатар риоли.
- Дини.....ислом, хиндуизм, насронийлар.
- Мустақиллик куни .....3. 9. 1971 йил.
- Миллий байрами.....3 сентябрь - Мустақиллик куни.
- Чегаралари.....жануби-ғарбда Саудия Арабистони, шимол, шарқ ва ғарбдан Форс кўрфази сувлари билан ўралган.
- Давлат тузуми. Мутлақ монархияга асосланган қироллик бўлиб, 2003 йилдан буён қонунчилик палатасига эга. Палата 45 депутатдан иборат. Улардан 30 таси сайланади, 15 таси тайинланади. Сайлов ҳар тўрт йилда ўтказилади. Давлат раҳбари 1995 йилдан бери Қирол Шайх Ҳамад бин Халифа ал-Тони, ҳукумат раҳбари 1996 йилдан бери Шайх Абдуллоҳ бин Халифа ал-Тони. Мамлакатда сиёсий партиялар йўқ.
- Қатар 1971 йил 21 сентябрдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил декабрда тан олган ва 1997 йил 27 ноябрда

дипломатик муносабатлар ўрнатилган.  
 ✓ Аҳолиси. 45%и араблар, 34%и ҳиндлар ва покистонликлар, 16%и эронликлар ва ҳоказо.  
 Иқтисодиёти. Мамлакат иқтисодиётининг асосини нефть қазиб олиш ва уни экспорт қилиш ташкил қилади. Мамлакат ҳукумати нефтдан келадиган даромад ҳисобига бошқа соҳаларни ривожлантирмоқда. Мамлакатда таълим ва тиббий хизмат бепул.

Валютаси. Белгиланган курсга кўра 3,64 Қатар динори 1 АҚШ долларига тенг.  
 Ташқи савдода импортнинг улуши 14 749 млн. Қатар динори бўлиб, унинг 41%и машина ва қурол-яроғ, 32%и ишланмаган товарлар, 13%и озиқ-овқат, 8%и кимё маҳсулотларидир.  
 Экспортнинг улуши 39,207 млн. Қатар динори бўлиб, унинг 81%ини нефть маҳсулотлари ташкил этади.

Савдо соҳасидаги шериклари. Япония, Корея, Сингапур, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бошқалар.

Ҳарбий салоҳияти. Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 12.400:

шундан, армия (қуруқлик кўшинлари)да 8.500, ҳарбий денгиз флотиди 1.800, ҳарбий ҳаво кучларида 2.100 киши хизмат қилади. Қурол-яроғи замонавий. Патруль ва қирғоқ кўпиняларида 7 та снарядли кема бор.

**195. ҚИРҒИЗИСТОН**  
(Kyrgyzistan)

- Майдони.....199 000 км<sup>2</sup>.
- ✓ Аҳолиси.....5.000.000 (2001 йил).
- Пойтахти.....Бишкек шаҳри.
- Катта шаҳарлари.....Ўш.
- Расмий тили.....қирғиз ва рус тиллари.
- ЯИМ (аҳоли жон бошига).1 520 АҚШ доллари (2002 йил).
- ✓ Экспорт.....саноат маҳсулотлари, усқуналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
- ✓ Импорт.....саноат маҳсулотлари, машина, нефть ва газ, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари.
- Миллий валютаси.....қирғиз соми.
- Дини.....ислом (суннийлар),

20% православлар, буддистлар ва бошқалар.

**Мустақиллик куни**.....31.08.1991.

**Миллий байрами**.....31 август - Мустақиллик куни.

**Чегаралари**.....шимолда Қозоғистон, шарқда Хитой, жанубда Тожикистон ва ғарбда Ўзбекистон билан чегарадош.

Қирғизистон – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзоси.

**Давлат тузуми.** 1991 йилдан бери Президентлик Республикаси ҳисобланади. Янги Қонунчилик органи 2003 йил 3 февралдан бери мавжуд. Бир палатали парламентда 100 депутат фаолият юритади. Сайлов ҳар беш йилда ўтказилади ва 18 ёшга кирган фуқаролар сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

**Тарихи.** Қирғизистон ҳудудида дастлабки синфий жамиятлар эрамиздан олдинги VII-VI асрларда вужудга келган. Эрамизнинг VI-XIII асрларида ушбу ҳудудлар Турк ҳоконлиги ва Қорахонийлар давлати таркибига кирган. XIII-XVI асрларда мўғул татарлар тасарруфига ва ундан кейин Темурийлар қўл остига ўтган. XIX асрнинг биринчи ярмигача Қўқон хонлигига қарашли бўлган ҳудуд Россия томонидан ишғол этилган. 1916 йилда бу ҳудудда Россия бошқарувига нисбатан кўпгина кўзғолонлар бўлиб ўтган. 1917-18 йилларда Совет ҳокимияти ўрнатилган. 1924 йили мамлакат РСФСР таркибига Автоном вилоят бўлиб киритилган бўлса, 1926 йил февралда Қирғизистон АССР, 1936 йил декабрда Қирғизистон ССР деб ўзгартирилди. 1991 йилдан мустақил давлат.

Қирғизистон 1992 йил 2 мартдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 29 сентябрда тан олган ва 1993 йил 16 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Аҳолисининг 60%ини қирғизлар, 16,2 %ини руслар, 14%ини украинлар ва бошқалар ташкил қилади.

**Иқтисодиёти.** Мамлакат муҳим табиий ресурсларга, жумладан, олтин конларига, тошкўмир, симоб, сурьма, вольфрам, қалай, цинк ва бошқаларга эга. Саноатда рангли металлургия ва машинасозлик, енгил ва озиқовқат саноати етакчи соҳа ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги қулай табиий муҳит ту-

файли ривожланмоқда.

**Валютаси.** 411, 815 қирғиз соми 1АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 700 млн. АҚШ долларини ташкил этади (2003 йил). Унинг 92,6%и саноат товарлар (шундан 29,3%и машиналар, 23,3%и нефть ва газ маҳсулотлари), 7,4%и қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ҳоказо. Импорт бўйича савдо шериклари: Россия (23,9 %), Ўзбекистон (13,6 %), Қозоғистон (10,4 %), АҚШ (9,7 %).

Экспортнинг улуши эса 560 млн. АҚШ доллари (2003 йил). Унинг 90,7%и индустриал маҳсулотлар, 9,3%и қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидир. Экспорт бўйича савдо шериклари: Германия (28,7 %), Ўзбекистон (17,7 %), Россия (12,9 %), ХХР (8,7 %).

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 12.500;

захирадагилар – 57.000:

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 8.500, ҳарбий ҳаво кучларида 4.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 5.000 кишидан иборат ярим ҳарбийлашган чегара химоячилари бор.

**Ўзбекистон – Қирғизистон муносабатлари.**

**1. Сиёсий соҳадаги муносабатлар.** Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1993 йил 16 февралда ўрнатилган. Икки томонлама сиёсий муносабатлар 1991 йилдан то бугунги қадар юқори даражадаги, вазирлик ва идоралар ўртасидаги делегацияларнинг фаол алмашуви билан ажралиб турган. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик Шартномасига асосан олиб борилмоқда. Мазкур Шартнома 1996 йил 24 декабрда икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган. Мустақиллик йилларида икки давлат ўртасида олий даражадаги учга расмий ташриф бўлиб ўтган. 1996 йилнинг декабрь ойида Қирғизистон Республикаси Президенти А.Акаев Ўзбекистонга биринчи расмий ташриф билан келди. 1998 йилнинг ноябрь ойида эса иккинчи олий даражадаги ташриф бўлиб ўтди. 2000 йил сен-

тябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Қирғизистонга расмий жавоб ташрифи билан борди. 2003 йилнинг май ойида Қирғизистон Республикаси ҳукумат делегацияси Қирғизистон Президенти А.Акаев бошчилигида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банки Бошқарув Кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. Бундан ташқари, икки давлат раҳбарлари турли хил халқаро ташкилотлар (жумладан, МДХ, ШХТ, МОХТ, БМТ, НАТО ва бошқалар) саммитлари, йиғилишлари ва учрашувларида ҳам иштирок этиб, ўзаро мулоқотларда бўлдилар. Зеро, бу икки давлат Марказий Осиё минтақасида узоқ асрлар давомида ўзаро қўшничилик асосида ҳаёт кечириб келмоқдалар. Ўтказилган ташрифлар ва музокаралар натижасида бир қатор муҳим шартнома ва битимлар имзоланган. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 129 та ҳужжат ташкил этади. Улардан 59 тасини давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар; 30 тасини идоралараро халқаро ҳужжатлар; 27 тасини чегараларни ўзаро делимитация қилиш масалалари борасидаги икки томонлама халқаро ҳужжатлар; 13 тасини эса Президентларнинг Қўшма Баёноتلари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади. 1996 йил декабрь ойида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида ўзбек-қирғиз ҳукуматлараро комиссияси ташкил этилган, бу комиссиянинг 4 та мажлиси бўлиб ўтди.

**2. Савдо-иқтисодий соҳадаги муносабатлар.** Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар иқтисодий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги имзоланган 32 та ҳужжат асосида олиб борилади. Булардан 7 та ҳужжат транспорт ва алоқа соҳасидаги ҳамкорлик борасида, 7 та ҳужжат солиқ, божхона ва ҳуқуқ идоралари соҳасидаги ўзаро алоқалар борасида, 3 та ҳужжат илмий-техникавий ва гуманитар соҳалар бўйича ҳамкорликка оиддир. 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги товар айирбошлаш 68.1 млн. АҚШ долларни

ташкил этди. Шундан экспорт 43.6 млн. АҚШ долларини, импорт 24.5 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Икки давлат ўртасидаги экспорт ва импорт структурасини нефть ва нефть маҳсулотлари, қурилиш моллари, электр энергияси ва технологиялари, ёқилғи маҳсулотлари, туз ва бошқалар ташкил қилади.

**3. Мадааний-маърифий соҳадаги ҳамкорлик.** Бугунги кунда бу соҳадаги ўзбек-қирғиз ҳамкорлиги икки давлат ўртасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик Шартномасига асосан олиб борилмоқда. Бундан ташқари, 1994 йили 16 январда қабул қилинган маданият, илм-фан, соғлиқни сақлаш, таълим, сайёҳлик ва спорт соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги қабул қилинган ҳукуматлараро Битимга ва 1996 йил 24 декабрда маданий ҳамкорлик борасида қабул қилинган идоралараро Битим бу соҳадаги алоқаларга асос бўлмоқда.

## 196. ҚОЗОҒИСТОН (Kazakhstan)

<b>Майдони</b> .....	2 717 300 км <sup>2</sup> .
<b>Аҳолиси</b> .....	14 900 000 (2003 йил).
<b>Пойтахти</b> .....	Остона шаҳри.
<b>Катта шаҳарлари</b> .....	Олма-Ота, Қарағанда, Чимкент, Павлодар.
<b>Расмий тили</b> .....	қозоқ ва рус тиллари.
<b>ЯИМ (аҳоли жон бошига)</b>	5 480 АҚШ доллари (2002 йил).
<b>Экспорт</b> .....	нефть ва газ конденсати, қора ва рангли металллар, озиқ-овқат, кимёвий маҳсулотлар.
<b>Импорт</b> .....	машина ва қурол-яроғлар, кимёвий маҳсулотлар, каучук ва бошқа хом ашёлар, қора металл, транспорт ва ҳоказолар.
<b>Миллий валютаси</b> .....	Қозоғистон тенгеси.
<b>Дини</b> .....	ислом ва насронийлик.
<b>Мустақиллик куни</b> .....	16. 12. 1991 йил.
<b>Миллий байрами</b> .....	25 октябрь - Республика куни.
<b>Чегаралари</b> .....	шимоли-ғарб ва

## ҚОЗОҒИСТОН

шимолда Россия, шарқда ХХР, жанубда Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркменистон билан, жануби-ғарбда Каспий денгизи билан ўралган.

Қозоғистон – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзоси.

**Давлат тузуми.** 1991 йилдан буён президентлик республикаси. 1995 йилдан Қонунчилик органи ҳам мавжуд. 1998 йилда унинг номи Мажлис деб ўзгартирилди. Депутатларнинг умумий сони 77 та. Сайлов ҳар тўрт йилда ўтказилади. Шу билан бирга, Сенатнинг 43 аъзоси бўлиб, улардан еттита президент томонидан тайинланади. Мамлакат раҳбарлиги учун сайлов ҳар етти йилда ўтказилади. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга. 1990 йилдан бери давлат бошлиғи Нурсултон Назарбоев, 2003 йил 13 июндан ҳукумат раҳбари Дониёл Ахметов. Мамлакатда бир неча сиёсий партиялар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

Отан республика партияси, Фуқаролар партияси, Аграр партия, Кооператив партия, Коммунистик партия, Республикачилар партияси.

**Тарихи.** Қозоғистон ҳудудида давлатчиликнинг юзага келиши VI-VII асрлардаги Турк ҳоқонлиги, қарлуқлар ва ўғузлар тарихи билан боғлиқ. XV асрларда дастлабки Қозоқ хонлиги ташкил топди ва у қабилалар иттифоқи бўлган жузларни бирлаштирди. XIX асрнинг ўрталарида мамлакат ҳудудининг катта қисми Россия империяси тасарруфида эди. 1917-18 йилларда барча собиқ иттифоқ республикаларида бўлгани каби бу ерда ҳам Совет ҳокимияти ўрнатилди ва РСФСР таркибидаги автоном республика деб эълон қилинди. 1936 йилда СССР таркибидаги республика мақомини олди. 1991 йили мустақил суверен давлат бўлди.

Қозоғистон 1992 йил 2 мартдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 23 октябрда тан олган ва шу куни дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

**Аҳолиснинг** 42%ини қозоқлар, 37%ини руслар, 6%ини украин ва немислар ташкил қиладди. Жанубий вилоятларда кўплаб ўзбеклар ҳам яшайди.

**Иқтисодиёти.** Қозоғистон аграр-саноатлашган

давлат бўлиб, иқтисодиётининг асосини тоғ-кон саноати ташкил этади. Қишлоқ хўжалигининг асоси чорвачилик ва буғдойчиликдир.

**Валютаси.** 133 қозоқ тенгеси 1 АҚШ долларига тенг.

Ташқи савдода импортнинг улуши 8 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

Экспортнинг улуши 13 млрд. АҚШ доллари (2002 йил).

**Савдо соҳасидаги шериклари.** Россия, Германия, АҚШ, Италия, Буюк Британия, Ўзбекистон ва ХХР.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 65.800;

захирадагилар – 237.000;

шундан, армия (қуруқлик қўшинлари)да 46.800, ҳарбий ҳаво кучларида 19.000 киши хизмат қиладди.

Қурол-яроғи замонавий эмас. 12.000 нафар ярим ҳарбийлашган давлат чегаралари ҳимояси кучлари, 20.000 нафар ички хавфсизлик қўшинлари, 2.000 нафар президент ҳимоячилари ва 500 нафар ҳукумат ҳимоячилари бор.

**Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатлари.**

**1. Сиёсий соҳадаги муносабатлар.** Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 23 ноябрда ўрнатилган. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1998 йилнинг 31 октябрида давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик Шартномасига асосан олиб борилмоқда. Бугунги кунгача бу икки давлат ўртасида олий даражада бешта расмий ташриф бўлиб ўтган. Булардан 2 таси Ўзбекистонда ва 3 таси Қозоғистонда. Бундан ташқари, Бош вазирлар даражасида давлатлараро 2 та ташриф амалга оширилган. 1994 ва 1998 йилларда Қозоғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоев Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1997, 2001, 2002 йилларда расмий жавоб ташрифлари бўлиб ўтди. 2003 йилнинг май ойида Қозоғистон Республикаси ҳукумат делегацияси Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев бошчилигида Тошкент шаҳрида Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банки

## ҲИНДИСТОН

Бошқарув Кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. Мазкур учрашув чоғида давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар ҳамда минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари борасида фикр алмашдилар. Ўтказилган ташриф ва музокаралар натижасида бир қатор муҳим шартнома ва битимлар имзоланди. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 166 та ҳужжат ташкил этади. Улардан 97 тасини давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро халқаро ҳужжатлар; 41 тасини чегараларни ўзаро делимитация қилиш масалалари борасидаги икки томонлама халқаро ҳужжатлар; 18 тасини эса Президентларнинг Қўшма Баёнотлари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида 1997 йили ўзбек-қозоқ ҳукуматлараро комиссияси ташкил этилган ва бугунга келиб бу комиссиянинг 8 та мажлиси бўлиб ўтган.

2005 йил 3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоевлар ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Унда халқаро терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, молия, божхона масалаларига доир ҳамкорликни янада ривожлантириш, ижтимоий соҳаларда муносабатларни кенгайтириш каби масалалар бўйича суҳбатлашдилар.

**2. Савдо-иқтисодий соҳадаги муносабатлар.** Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар иқтисодий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида имзоланган 50 та ҳужжат асосида олиб борилади. Булардан 9 таси илмий-техникавий ва гуманитар соҳалар бўйича, 8 таси транспорт ва алоқа соҳасидаги ҳамкорлик борасида, 10 таси солиқ, божхона ва ҳуқуқ идоралари соҳасидаги ўзаро алоқалар борасида ҳамда бошқа соҳалардаги ҳужжатлардир. 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги товар айирбошлаш 425.9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан экспорт 184.7 млн. АҚШ доллари, импорт 241.2 млн. АҚШ доллари

миқдоридадир. Икки давлат ўртасидаги экспорт ва импорт структурасини нефть ва нефть маҳсулотлари, қора металл ва унинг маҳсулотлари, пластмасса, қурилиш моллари, ёқилги маҳсулотлари, ун маҳсулотлари ва бошқалар ташкил қилади.

**3. Маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорлик.** Бугунги кунда бу соҳадаги ўзбек-қозоқ ҳамкорлиги 1998 йил 31 октябрда икки давлат ўртасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик Шартномаси, 1994 йил 10 январдаги маданият, илм-фан, соғлиқни сақлаш, таълим, сайёҳлик ва спорт соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги ҳукуматлараро Битим ва 1998 йил 30 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Қозоғистон Республикасининг Таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик борасида имзоланган идоралараро Битимга биноан олиб борилмоқда.

### 197. ҲИНДИСТОН

(India)

Майдони.....	3 287 263 км <sup>2</sup> .
Аҳолиси.....	1047,7 млн (2003 йил).
Пойтахти.....	Нью-Деҳли шаҳри.
Катта шаҳарлари.....	Бомбей, Калькутта, Мадрас.
Расмий тили.....	ҳинди, инглиз ва бошқа маҳаллий тиллар.
ЯИМ (аҳоли жон бошига).....	2540 АҚШ доллари. (2003 йил).
Экспорт.....	саноат хом ашёлари, тўқимачилик, машина ва жиҳозлар, кимёвий маҳсулотлар, денгиз маҳсулотлари.
Импорт.....	нефть ва нефть маҳсулотлари, олтин ва қумуш, электротехника товарлари, машина ва техника жиҳозлари, кимёвий товарлар ва бошқалар.
Миллий валютаси.....	Ҳиндистон рупийси.
Дини.....	ҳиндуизм, ислом, насронийлик, сингхлар.
Мустақиллик куни.....	15. 8. 1947 йил.
Миллий байрами.....	26 январь - Республика куни.

**Чегаралари**.....ғарб ва шимоли-ғарбда Покистон, шимолда Хитой, Непал, Бутан, шарқда Мьянма ва Бангладеш, жануби-шарқда Бенгал қўлтиғи, жанубда Ҳинд океани сувлари билан ўралган.

Ҳиндистон Буюк Британия раҳбарлик қиладиган Миллатлар Ҳамдўстлигининг аъзоси.

**Давлат тузуми.** 1950 йилдан буён парламентар федератив республика. Ҷша йилдан бери федератив парламент ҳам фаолият юритиб, у Lok Sabha деб юритилади. У ҳар беш йилда сайланади ва 543 аъзодан иборат. 245 аъзодан иборат давлат кенгаши - Raj Sabha ҳар олти йилда сайланади. 18 ёшга кирган ҳар бир фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга. 2002 йил 25 июлдан буён давлат раҳбари - Абдул Калом. Мамлакатда кўплаб сиёсий партиялар фаолият кўрсатади. Улардан асосийлари қуйидагилардир:

Bharata Janata Party / BJP (Ҳинду миллатчилар партияси).

All India Congress Committee / (Конгресс партияси).

Communist Party of India Marxist / CPI(M)

Telugu Desam Party / TDP.

Samajwadi Party.

Janata Dal United.

Shiv Sena.

Bahujan Samaj Party.

Dravida Munnetra Kazhagam / DMK.

All India Anna Dravida Munnetra Kazhagam.

Biju Janata Dal.

Trinamool Kongress.

National Kongress Party.

Rashtriya Janata ва бошқалар.

**Тарихи.** Ҳиндистон жуда қадимий тарихга эга бўлиб, эрамиздан аввалги учинчи минг йилликларда Ҳинд водийларида яшаган дравидлар илк Харапп цивилизациясига асос солишган. Эрамиздан аввалги XV асрлар атрофида Шимолий Ҳиндистонга орий қабилалари бостириб кирган. Дравидлар ва орийлардан бугунги ҳиндулар келиб чиққан. Бу халқларнинг тарихи ҳақида ведалардан, мифологик асарлар ҳисобланган «Рамаёна» ва «Маҳабхарата»лардан билиб олиш мумкин.

Эрамизнинг XI асрида Дехли мусулмонлар томонидан забт этилади ва Шимолий ҳиндис-

тонликлар орасида ислом дини тарқала бошлайди. 1526 йилда Ҳиндистон Заҳириддин Бобур тасарруфига ўтади ва буюк Бобурийлар империясига асос солинади. XVII асрда Бобурийлардан бўлган Шоҳ Жаҳон Аграда машҳур Тож Маҳал мавзолейини қурдирган. XVIII асрда Буюк Британия истилоси туфайли Бобурийлар империяси қулайди. Ост-Индия компанияси Ҳиндистонга ҳукмронлик қила бошлайди. XIX асрнинг охирига келиб Ҳиндистонда миллий монополистларнинг юзага келиши ва сиёсий фаолликнинг кучайиши туфайли Ҳиндистон буржуазияси билан Англия монополистлари ўртасидаги кураш кескинлашади. Ҳар хил ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг, М. Ганди бошчилигидаги озодлик курашчиларининг чиқишлари туфайли мустамлакачи ҳокимият мавқеи бирмунча сусаяди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Англия мамлакатга мустақиллик беришга мажбур бўлади. Диний қарама-қаршилиқлар туфайли мамлакат иккига - мусулмонлар кўпчилиги бўлган Покистонга ва Ҳиндистон Иттифоқига ажралиб кетади. 1950 йилда Ҳиндистон Иттифоқи Республика деб эълон қилинади. 1977 йилгача мамлакатни All India Congress Committee (Конгресс партияси) бошқарди ва мамлакат иқтисодиётини юксалтириш учун кўпгина ишларни амалга оширди. Ҳиндистонда бугунги кунда ҳам маълум маънода диний ва бошқа қарама-қаршилиқлар мавжуд бўлса-да, мамлакат демократик тараққиёт йўлидан бормоқда.

Ҳиндистон 1945 йил 30 октябрдан БМТ аъзоси. **Аҳолисининг** 70%ини ҳинд-орийлар ташкил этади. Жанубда тамил, телегу, каннада, малаяли каби халқлар яшайди ва улар мамлакат аҳолисининг 25%ини ташкил қилади. Шимоли-шарқда Ҳиндихитой халқларига яқин бўлган аҳоли истиқомат қилади.

**Иқтисодиёти.** Мамлакат «Янги саноатлашган давлатлар» сафига киради. Ҳиндистон хилма-хил минерал ресурсларга эга бўлиб, кўмир, темир, боксит, мис, нефть қазиб олинади. Саноатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 20%и, қишлоқ хўжалигида эса 60%и банд. Ҳарбий саноат, қазилма бойликларни қазиб олиш, энергетика соҳалари давлат секторига қараш-

ли. Озиқ-овқат, тиббиёт, қурилиш, савдо, қишлоқ хўжалигида хусусий сармоянинг улуши катта. Мамлакат қишлоқ хўжалигида бугдой, гуруч, маккажўхори, кофе, чой ва бошқалар етиштирилади.

**Валютаси.** 45,8 Ҳиндистон рупияси 1 АҚШ долларига тенг. (2004 йил). Ялпи ички маҳсулот 477.368 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Ташқи савдода импортнинг улуши 53,8 млрд. АҚШ доллари бўлиб, унинг 27,4 %ини нефть ва нефть маҳсулотлари, 9%ни металл ва металл маҳсулотлари, 8,9%ини олтин ва кумуш, 7,8%ини электротехника товарлари, 7%ини машиналар, 5,4%ини кимёвий маҳсулотлар, 2,7%ини истеъмол ёғлари ташкил қилади. Импорт бўйича савдо шериклари Швейцария, АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Германия, ХХР, Япония, Сингапур, Австралия.

Ташқи савдода экспортнинг улуши 44,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. (2003-2004 йил). Унинг 22 фоизи тўқимачилик маҳсулотлари, 16,8 фоизи қимматбаҳо тошлар, 15,8 фоизи машина ва жиҳозлар, 13,7 фоизи кимёвий маҳсулотлардан иборат. Экспорт бўйича савдо шериклари: АҚШ, БАА, Гонконг, Буюк Британия, Германия, Япония, Бельгия ва бошқалар.

**Ҳарбий салоҳияти.** Қуролли кучларининг умумий сони:

фаоллар – 1.325.000;

захирадагилар – 535.000:

шундан, армия (куруқлик қўшинлари)да 1.100.000, ҳарбий денгиз флотида 55.000, ҳарбий ҳаво кучларида 170.000 киши хизмат қилади.

Қурол-яроғи замонавий. Ядро қуролига, 16 сув ости кемаси, 1 та самолёт тапшувчи, 8 та эскадра мина тапшувчи ва 16 та қўриқчи кемаси бор. Патруль ва қиргоқ қўшинларида 26 та корвет ва 16 та патруль кемаси бор.

7.400 нафар ярим ҳарбийлашган миллий хавфсизлик гвардияси, 3.000 нафар махсус ҳимоя гуруҳи, 9.000 нафар махсус чегара кучлари, 40.000 нафар раштрия ўқчилари, 31.000 нафар мудофаа хавфсизлиги корпуси, 32.400 нафар Ҳинд-Тибет чегара полицияси, 52.500 нафар ассам ўқчилари, 70.000 нафар темир йўл мудофаа кучлари, 95.000 нафар марказий индустриал хавфсизлик кучлари, 167.400 нафар марказий полиция захираси кучлари, 174.000 нафар чегара хавфсизлик

кучлари, 574.000 нафар маҳаллий мудофаа кучлари, 400.000 нафар давлат қуролли полицияси, 453.000 нафар фуқаро мудофааси ва 8.000 нафар қиргоқ ҳимоячилари бор.

**Ўзбекистон - Ҳиндистон муносабатлари.**

Ҳиндистон азал-азалдан фан ва технология соҳасида ўз анъаналарига эгаллигини ва ХХ асрда кўзга кўринарли ютуқларга эришганини бугун жаҳон аҳли эътироф этмоқда. Буюк ҳинд олимлари Хоми Бхабха ва Викрама Сарабхаининг улкан хизматлари туфайли ядровий фан ва атомдан тинч мақсадларда фойдаланиш бобида салмоқли ютуқларга эришилди. Ҳиндистон фазовий тадқиқотлар, сунъий йўлдошлар технологиясидан фойдаланиш ва йўлдошларни самога учирини борасида янги чўққиларни забт этди. Сўнгги йилларда Ҳиндистон иқтисод, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника, телекоммуникация, авиация, таълим ҳамда мудофаа соҳаларида улкан ютуқларга эришмоқда.

Ўзбекистон - Ҳиндистон алоқалари кўп асрлик тарихга эга. Айниқса, Ҳиндистонда Бобурийлар ҳукмронлиги даврида икки халқ алоқалари ниҳоятда кенгайган. Бобурий шоҳлар даврида ўлкада кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Орадан бир неча аср ўтганига қарамай, бу иморатлар жуда яхши сақланган. Агра шаҳрида барпо этилган Тож Маҳал дунёнинг етти мўъжизасидан бири саналади. Дехлидаги Қизил қалъа ва кўплаб бошқа обидалар ҳам сайёҳларни ўзига жалб этади. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган юксак даражадаги ҳамкорлик алоқалари қарор топган. Икки мамлакат минтақада хавфсизлик ва барқарорлик масаласида муштарак қарашларга эга. Ҳиндистон ҳукумати Ўзбекистоннинг экстремизм ва терроризмга қарши олиб бораётган собитқадам сиёсатини юқори баҳоламоқда.

**1. Сиёсий соҳада.** Ҳиндистон Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда расман эътироф этган. 1992 йил 18 мартда Ташкент шаҳрида икки томонлама дипломатик алоқалар ўрнатиш борасида Протокол имзоланди. 1992 йилнинг сентябрь ойида Дехли шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Қонсуллик ваколатхонаси очилди ва 1994 йил

мазкур ваколатхона элчихона мақомига эга бўлди. Тошкент шаҳрида 1988 йилдан бошлаб фаолият олиб бораётган Ҳиндистон ҳукуматининг Бош Консуллик ваколатхонаси 1992 йили элчихонага айлантирилди.

Бугунги кунгача Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳиндистон Республикасига 3 марта расмий ташрифи амалга оширилди. (1991 йил август, 1994 йил январь, 2000 йил май). 1993 йил 23-25 май кунлари эса Ҳиндистон Бош вазири Н.Раонинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди. Бундан ташқари, ўзбек-ҳинд алоқаларини ривожлантириш мақсадида икки давлат Ташқи ишлар вазирларининг бир қатор учрашувлари уюштирилди. 2003 февраль ойида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А.Комиловнинг Ҳиндистонга ташрифи чоғида халқаро терроризмга қарши кураш борасида кўпма ишчи гуруҳини тузиш ҳақида битим имзоланди. Мазкур гуруҳнинг биринчи йиғилиши 2003 йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. 2003 йил 3-4 февраль кунлари Ҳиндистон Мудофаа вазири Дж.Фернандес, 6-9 ноябрь кунлари эса Ҳиндистон Ташқи ишлар вазири Я.Сингхнинг Ўзбекистонга ташрифлари бўлиб ўтди. Мазкур ташрифлар чоғида икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга қаратилган бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Икки томонлама алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 45 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро халқаро ҳужжатлар ташкил этади. "Ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги кўпма Декларация", "Давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим", "Ўзаро қўллаб-қувватлаш ва инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим", "Жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартнома", "Халқаро терроризмга қарши кураш борасида кўпма ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги Битим", маданият, таълим, сайёҳлик, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар бунга мисол бўла олади.

2005 йил 4 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. Ташриф давомида мамлакатимиз раҳбари Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх билан учрашди ва мамлакатларимиз ўртасидаги илм-

фан, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик каби ижтимоий соҳалар билан бирга, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва бошқа соҳаларда кенг ҳамкорлик қилиш зарурати ҳақида фикр алмашилди. Шу билан бирга, халқаро терроризм, экстремизм ва инсоният учун хавфли бошқа масалаларда қарашларимиз мос келиши ҳақида суҳбатлашилди. Шундан сўнг Президентимиз И.А.Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Абдул Қалам билан учрашди. Ушбу учрашувда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг бугунги ҳолати ва келажакда янада ривожланиш истикболлари тўғрисида кўплаб фикрлар ўртага ташланди ва бир неча келишувлар имзоланди.

**2. Савдо-иқтисодий соҳадаги муносабатлар.** Ўзбекистон ва Ҳиндистон Республикалари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида ташкил этилган савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик борасидаги махсус ҳукуматлараро комиссия ўз фаолияти доирасида бир қанча масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида 1993 йили имзоланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга асосан бу икки давлат ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари яхши йўлга қўйилган. Икки давлат ўртасида товар айирбошлаш 2002 йили 40,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2003 йили бу кўрсаткич 108,6 млн. АҚШ долларига ва ниҳоят, 2004 йили 15,1 млн. АҚШ долларигача кўтарилди. Икки давлат ўртасидаги экспорт ва импорт структурасини: дори-дармон, фармацевтика ва тиббиёт маҳсулотлари, қоғоз, косметика, электроника, чой, кимё препаратлари, пахта ва пахта маҳсулотлари, қора металл, қурилиш моллари, ипак, жун, чарм маҳсулотлари ва бошқалар ташкил қилади. Товар айирбошлашда авиа хизматлар алоҳида ўрин тутади. 1992 йили Деҳли шаҳрида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг ваколатхонаси очилди. Ҳозирда мазкур авиакомпаниянинг ҳаво лайнерлари ҳафтасига 4 марта Ҳиндистонга парвоз қилмоқда. Бугунга келиб, Ўзбекистон Республикасида 5 та ҳинд компанияси ва ташкилотининг ваколатхонаси, Ҳиндистон Республикаси инвесторлари иштирокида ташкил этилган 45 та корхона

фаолият олиб бораётти. Шундан 26 таси қўшма корхона, 19 таси эса 100% хинд сармоясини жалб этилган корхоналардир.

2005 йил 12 январда Ўзбекистон Республикасига Хиндистон ишбилармон доиралари вакиллари ташриф буюрдилар ва мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, инвестицион, илмий техникавий ҳамкорлик масалаларига доир ҳукуматлараро комиссиянинг бешинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

### ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

**АМЕРИКА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (АТБ)** — Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳар томонлама ривожлантириш дастурини кредит билан таъминлаш бўйича давлатлараро ҳудудий банки. 1959 йилда ташкил топган, бошқарув кенгаши Вашингтонда жойлашган. Лотин Америкасидаги 25 ва 19 хорижий мамлакат АТБ аъзоси ҳисобланади. Уставда кўрсатилган капитали 34 млрд. АҚШ доллари, улардан 34,5 % фонди АҚШга тегишлидир.

**АМЕРИКА ДАВЛАТЛАРИ ТАШКИЛОТИ** — Лотин Америкаси ва Кариб денгизининг 30 дан зиёд давлатларини бирлаштирган ҳукуматлараро минтақавий ташкилот ҳисобланади. (Канада ва Куба давлатлари бу ташкилотга кирмайди, Куба 1962 йилда АҚШ тазйиқи остида мазкур ташкилотдан чиқарилган). АДТга аъзо бўлган давлатлар ўзаро ёрдам кўрсатиш ҳақидаги Америка шартномаси ва бир қанча ҳарбий келишувлар билан узвий боғлангандир. АҚШ АДТда доминантлик қилади. 1971 йилда АДТ ҳузурида Япония, Канада, Франция, Исроил, Италия ва бошқа бир қатор давлатлар вакиллари бўлмиш доимий кузатувчилар аккредитациядан ўтган. АДТ Низомига мувофиқ, унинг мақсади Америка қитъасида тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, аъзо давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этиш, агрессияга қарши биргаликда ҳаракат олиб бориш, илмий-техника, маданият, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш. Штаб-квартираси — Вашингтонда.

**АҚШНИНГ БОШЛИҚЛАР ШТАБИ ҚЎМИТАСИ (БШҚ)** — АҚШ Олий бош қўмондони ва Мудофаа вазирлигининг қуролли кучларни тезкор бошқариш бўйича асосий органи. БШҚни раис бошқаради. Қуролли кучларнинг барча турдаги штаб бошлиқлари ва денгиз пийдаси қўшинлари қўмондони унинг доимий аъзолари ҳисобланади. БШҚнинг асосий вазифаси қўмита раиси, АҚШ Президенти миллий Хавфсизлик Кенгаши ва Мудофаа вазирининг қуролли кучларнинг тайёргарлигини таъминлаш, техник жиҳозлаш, ҳарбий қурилишнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакат Президенти ва Мудофаа вазирига тасдиқлаш учун тақдим этиладиган қуролли кучларнинг сафарбарлиги, стратегик ва тезкор жойлашиш режаси учун жавобгардир. БШҚ раиси президент томонидан Мудофаа вазирлиги тавсиясига кўра, 2 йил муддатга генераллар (адмирал) орасидан тайинланади ва Сенат томонидан тасдиқланади. БШҚ раиси томонидан мудофаа вазирлиги розилиги билан 3 йил муддатга тайин этилган бошлиқ раҳбарлигидаги бирлашган штаб БШҚнинг ишчи органи ҳисобланади. Бирлашган штаб қуролли кучларнинг ҳар бир туридаги офицерлардан тахминан тенг тарзда тузилади. БШҚ орқали мудофаа вазирлиги АҚШ қуролли кучларининг ўзига бўйсунувчи барча бирлашган қўмондонликларни бошқаради. Францияда БШҚ Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги маслаҳатчи органдир. Буюк Британияда эса БШҚ мудофаа штабининг коллегиял органдир.

**АФРИКА БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИ** — Африка қитъаси давлатларини бирлаштирувчи йирик минтақавий халқаро ташкилот ҳисобланади. Бу ташкилот Африка давлатлари ўртасидаги кўп томонлама иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш, Африка давлатларининг мустақиллигини, ҳудудий дахлсизлигини ва суверенитетини ҳимоя қилиш, ташқи сиёсат соҳасида ҳаракатларни мувофиқлаштириш, иқтисодиёт, мудофаа ва маданият соҳасини ривожлантириш мақсадида ташкил топган. Таркибига 50 дан зиёд Африка давлатлари киради. Ушбу ташкилот 1963 йил 25 майда Аддис-Абебадаги Африка-

нинг мустақил давлатлари ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этган конференцияда ташкил этилган. Конференция якунида ташкилотнинг Хартияси ва Низоми имзоланган.

Хартиянинг 2-моддасига биноан Африка Бирлиги Ташкилотининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Африка давлатларининг бирлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш;
2. Улар ўртасида сиёсий, дипломатик, иқтисодий, транспорт ва алоқа, таълим, маданият, давлат ҳимояси ва хавфсизликни таъминлаш, бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва кучайтириш;
3. Уларнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш;
4. Африка қитъасида мустамлакачиликнинг барча турларини тугатиб, халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш.

Африка Бирлиги Ташкилотининг штаб-квартираси Аддис-Абебада жойлашган.

**АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ (АДЛ)** – араб мамлакатларининг минтақавий халқаро ташкилоти; 1945 йил 22 мартда тузилган. Унинг низоми 1945 йил 10 майда кучга кирган. АДЛга 21 давлат ва Фаластин мухторияти аъзо бўлган. АДЛнинг мақсади: сиёсий, иқтисодий, молиявий, маданий, ижтимоий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда унинг аъзолари фаолиятини координациялаш ва ҳамкорликни ташкил этиш; давлатлар мустақиллигини таъминлаш; араб мамлакатлари ва уларнинг манфаатларига тегишли бўлган барча масалаларни кўриб чиқиш; АДЛ аъзолари орасида юзага келган низоларни бартараф этиш ва АДЛга аъзо давлатларга қарши агрессияларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш. АДЛнинг олий органи Кенгаш бўлиб, у беш йил муддатга АДЛ Бош котибини сайлайди. Унинг штаб-квартираси Қоҳирада (Миср) жойлашган.

**АМЕРИКА ДАВЛАТЛАРИ ТАШКИЛОТИ (АДТ) (ОАГ)** – ҳозирги пайтда ўз таркибига 35 давлатни бирлаштирган ташкилот 1948 йилда 9-панамерика конференцияси иштирокчилари томонидан ташкил этилган. АДТ Хартияси ўзаро муҳофаза – яъни, ҳар қан-

дай аъзо давлатга қилинган ҳужум барча аъзоларга ҳужум деб қаралиши лозим, деган тамойилни назарда тутди. 1948 йил бошлаб Америка қитъасида содир бўлган барча катта-кичик можароларда АДТ доимо АҚШ ҳукуматини қўллаб-қувватлаб келган.

АДТ 1994 йил Майамида бўлиб ўтган саммитда илк бор АҚШ томонидан 1990 йилда илгари сурилган қитъада эркин алмашув ҳудудларини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан.

**СОБИҚ ВАРШАВА ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (1955–1991)** – собиқ Совет Иттифоқи таклифига кўра тузилган ҳарбий-сиёсий ташкилот бўлиб, 1954 йил 23 октябрь Париж битимига кўра, ГФРнинг НАТОга қабул қилинишига жавобан тузилган. Совет Иттифоқи билан бир қаторда Варшава Шартномасига Альбания (1968 йили ташкилотдан чиққан), Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия ва Чехословакия кирган.

Совет Иттифоқининг парчаланиши ва Берлин деворининг қулаши билан Варшава Шартномаси ташкилоти тарқатиб юборилган.

**АТОМ ЭНЕРГИЯСИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО АГЕНТЛИК (МАГАТЭ)** – атом энергияси бўйича Халқаро агентлик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мухтор муассаса сифатида 1957 йилда ташкил топган. У атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича илмий ва техник ҳамкорлик борасида ҳукуматлараро етакчи форум сифатида фаолият юритади.

Агентлик 127 аъзо давлатларнинг атом энергияси соҳасидаги илмий дастурларини ишлаб чиқишда техник ёрдам кўрсатади. Агентлик озик-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, санъат ва гидрология, шуунингдек, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, айниқса, денгиз суви бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳам кенг қўламли фаолият юритади.

Агентлик илмий изланишларнинг натижаларини ҳарбий мақсадларга қаратмаслик кафолатининг таъминланишини назорат қилиб боради. Бутун дунё бўйича 200 инспектор 900 дан ортиқ қурилма ва бошқа объектларни Агентликнинг Кафолат дастури доирасида

назорат қилиб боради.

Ядровий дастурлар сонининг ўсиши ва жамоатчилик диққат-эътиборини хавфсизлик жабҳасига қаратиш билан Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг ядро хавфсизлиги соҳасидаги масъулияти ортиб кетди. Агентлик радиация хавфсизлиги стандартларини белгилайди, шунингдек, аниқ операциялар бажарилиши бўйича, жумладан, радиоактив моддалар ташилишининг хавфсизлигини белгиловчи қоидаларни жорий қилади. Агентлик радиациядан талофат кўрилган ҳолларда аъзо давлатларга шошилинч ёрдам кўрсатади.

Агентликнинг раҳбар органи барча аъзо давлатлар вакилларида иборат, ҳар йили чақириладиган Бош конференция ва 35 аъзодан иборат бошқарувчилар кенгашидир. 13 аъзо - Кенгаш томонидан тайинланади, 22 аъзо эса Конференция иштирокчилари томонидан сайланади.

**БЕНИЛЮКС** - Бельгия, Нидерландия ва Люксембургнинг божхона-иқтисодий уюшмаси. Шартнома 1958 йилда Гаагада 50 йил муддатга имзоланган. 1960 йилдан кучга кирган.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (БМТ)** - 1945 йил 25 апрелда Сан-Францискода ташкил этилган, унда 50 давлат вакиллари тўпланган. 25 июнда улар бир овоздан БМТ Хартиясининг биргаликда тайёрланган 111 моддасини тасдиқлашган. Ниҳоят, 1945 йил 24 октябрда Хавфсизлик Кенгашининг беш доимий аъзоси томонидан ратификация қилинди. Бош ассамблеянинг биринчи резолюцияси 1946 йил 24 январда қабул қилинган бўлиб, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва атом қуроли ҳамда бошқа оммавий қирғин қуролларидан фойдаланмасликка тегишли эди. 1948 йил 10 декабрда БМТ инсон ҳуқуқларининг умумий декларациясини қабул қилди.

БМТнинг бош мақсади - бутун дунёда тинчликни сақлаш, можароларнинг олдини олиш ва тартибга солишдан иборат. Ҳозирги пайтда 185 давлат унга аъзо. БМТ структураси олтига бош органдан иборат. Бундан ташқар

ри, 18 та автоном, ихтисослашган муассаса БМТ билан алоҳида битимлар орқали боғлангандир.

Асосий органи: Бош ассамблея (БА) — маслаҳат органи. БМТ Хартиясини доирасидаги барча масалалар унинг тасарруфидадир. БА ҳар бири бир овозга эга бўлган аъзо давлатлардан иборат. У аъзо давлат ҳукуматларига нисбатан мажбур этиш ҳукмига эга эмас, аммо унинг тавсиялари ахлоқий эътибор нуқтаи назаридан аҳамиятлидир. БА марказий орган ўлароқ, бошқа органлардан маърузалар қабул қилади, ташкилотга янги аъзолар жалб қилади ва Бош Котибни тайинлайди. Оддий оддий масалаларни ҳал этиш оддий кўпчилик томонидан амалга оширилади, муҳим масалаларни қабул қилишда аъзоларнинг учдан икки қисмининг овозлари бўлиши тақозо қилинади.

БА аъзолари оддий сессияларига ҳар йили сентябрь ўрталаридан то декабрь ўрталаригача йиғиладилар. Шароит тақозосига кўра, БА фавқулодда сессияси чақирилади. БА мажлислари оралиғидаги танаффусларда иш комиссиялар ва ихтисослашган органлар доирасида олиб борилади.

Хавфсизлик Кенгаши (ХК) 15 аъзодан иборат, улардан Буюк Британия, Хитой, Россия Федерацияси, АҚШ ва Франция доимий, қолган 10 аъзо БА томонидан икки йил муддатга сайланади. Қарорлар кўпчилик 9 овоз билан қабул қилинади, аммо доимий аъзолардан ҳар бири вето ҳуқуқига эга. ХК асосий вазифаси можароли томонларга баҳсларни тинч йўл билан ҳал этишга ёрдам беришдир. Шу мақсадда ХК зарур бўлган воситачиликни ўз зиммасига олади ёки тартибга солиш тамойилларини олдинга суради. Тинчлик таҳдид остида қолган пайтда ХК талаб қилинган ҳудудга ўз вакилларини тинчликни сақлаш ниятида юборади, зарур ҳолларда агрессорга нисбатан санкциялар қўлланади. ХК зўравонликка чек қўйишга қаратилган аъзо давлатларга ҳарбий операцияларни ўтказиш ҳуқуқини бериши мумкин. (Гаити, Ироқ, Раунда, Самали ва б). Аммо бу операцияларни ўтказишга қатнашувчи давлатлар масъулдирлар. Ниҳоят, Хавфсизлик Кенгаши БМТга янги аъзоларни қабул қилиш бўйича БАга тавсиялар беради.

**БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ** - БМТ бош (асосий) маслаҳат органи бўлиб, БМТ барча аъзолари вакилларида иборат. Унга Устав томонидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш ваколати берилган.

### Ўзбекистоннинг БМТ билан алоқалари

Ўзбекистон ва БМТ ўзаро муносабатлари расман 1993 йилнинг январидан бошланган. Бу пайтда келишилган битимга кўра, Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси очилган ва БМТнинг Доимий мувофиқлаштирувчиси фаолият юрита бошлаган.

БМТ ваколатхонаси - БМТнинг ихтисослаштирилган идоралари ва дастурий тизимларини яхлит ҳолатга бирлаштирадиган тузилма бўлиб, ўз олдига ҳукуматлар томонидан илгари суриладиган устуворликлар ва мақсадларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатлар эҳтиёжини қондиришни асосий мақсад қилиб қўяди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда БМТ тизимидаги қуйидаги агентликлар фаолият олиб бормоқда: БМТ ривожланиш дастури (БМТРД), БМТ Ахборот маркази (БМТАМ), Наркотик ва жиноятчилик бўйича БМТ бошқармаси (БМТ НЖБ), Қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссар бошқармаси (ҚОКБ), БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ), Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (БСТ), БМТ Аҳоли фонди (ЮНФПА), Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилот (ЮНЕСКО) ва Кўнгилчилар дастури (БМТКД).

БМТ Ривожланиш дастури (БМТРД) БМТ тизимидаги етакчи агентлик бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадига бирмунча кенг ҳажмдаги грантлар тақдим этади. Ўзбекистондаги БМТРД вакили бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасидаги БМТ тизими Мувофиқлаштирувчи Резиденти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТ ҳамкорликда ишлаб чиққан 2005-2009 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожланишига кўмаклашиш мақсадида доиравий дастури ва 2005-2009 йилларда Ўзбекистон Рес-

публикаси учун БМТРДнинг мамлакатларга оид ҳамкорлик дастурларига мувофиқ БМТРД қуйидаги: иқтисодий ривожланиш ва кам таъминланганлик соҳасидаги бошқарув; табиатдан фойдаланиш ва энергоресурсларга эҳтиёж бошқаруви, демократлашув жараёнларини ривожлантириш соҳасидаги бошқарув каби устувор масалалар учун кўмак кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Иқтисодий ривожланиш ва кам таъминланганликка кўмаклашиш доирасида БМТРД қишлоқ жойларни ривожлантириш, хусусий сектор ва микро-молиялаштиришни ривожлантириш, сиёсий тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш бўйича салоҳиятни мустаҳкамлаш каби соҳаларга ёрдам кўрсатади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиш доирасида биологик ранг-барангликни сақлаш, ердан самарали фойдаланиш, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва ифлосланишга қарши курашлар устида иш олиб боришни режалаштирмоқда. Шу билан бирга, энергиядан оқилона фойдаланиш масаласида ҳам иш олиб бориш мўлжалланмоқда.

Демократия жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш доирасида БМТРД фуқаролик жамиятини ривожлантиришга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, демократик институтларни ривожлантиришга, ВИЧ/СПИДга қарши курашишга ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шунингдек, БМТРД миллий профессионал кадрларни тайёрлаш, гендер тенгликни рағбатлантириш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини кенгайтиришга кўмаклашиш учун ҳам ёрдам кўрсатади. БМТРДнинг Марказий Осиё стратегиясига мувофиқ Ипак Йўли дастури ҳамда (Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган) Чегара бошқаруви ва наркотикларнинг ноқонуний айланишини қисқартириш дастури кабиларда Ўзбекистоннинг иштирокини рағбатлантириш каби ишлар режалаштирилган.

### **БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВ НУТҚИ**

*Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқида таъкидланишича, БМТни ислоҳ этиш борасида қуйидагилар амалга оширилиши зарур:*

Биринчидан, БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш даркор. Унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсадга мувофиқ. Биринчи қадам сифатида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнаётган Германия ва Японияни киритишни таклиф қиламан. Ушбу давлатлар бугунги кунда БМТ фаолиятини, шунингдек, инсонпарварлик ва хайрия йўналишидаги бошқа кўплаб лойиҳа ва дастурларни молияловчи асосий ҳомийлар ҳисобланади;

иккинчидан, глобал ва минтақавий таҳдидларга муносабат билдиришда тезкорликни ошириш учун Бош қотиб ваколатларини кенгайтириш зарур;

учинчидан, Хавфсизлик Кенгашининг қуролли можароларнинг олдини олиш, зиддиятлар ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари ҳамда механизмларидан, шу жумладан, узоқ вақт давом этаётган можароларни бартараф этишда «тинчликка мажбур қилиш» деб аталувчи механизмдан самарали фойдаланиш масалалари ўрни ва масъулиятини кучайтириш лозим.

*2000 йил, сентябрь.*

**БМТНИНГ ҲАРБИЙ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ** – БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ЕХХТ, МДХ мандатларига мувофиқ, қуролли можаролар мавжуд ёки келиб чиқиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда низолашаётган давлатлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва келишилган шартларнинг бажарилишини текшириш ҳамда назорат қилишга қаратилган миссия.

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ КОМИССИЯСИ** – БМТ Бош ассамблеясининг ёрдамчи органи; 34 нафар халқаро ҳуқуқшунослардан иборат

бўлиб, БМТ Бош ассамблеяси томонидан беш йиллик муддатга сайланади. Комиссия халқаро ҳуқуқнинг изчил ривожланишини қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланади. Йиллик сессиялари Женевада (Швейцария) бўлиб ўтади.

**АЁЛЛАР МАҚОМИ БЎЙИЧА БМТ КОМИССИЯСИ** – БМТ ижтимоий-иқтисодий кенгашининг (ЭКОСОС) қарорига кўра, 1946 йилнинг 21 июнида ташкил этилган. Комиссияга БМТга аъзо 32 мамлакатнинг вакиллари 4 йил муддатга сайланади. Комиссиянинг вазифаси – барча мамлакатларда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига эришиш ва БМТга унинг иқтисодий-ижтимоий кенгаши орқали тегишли тавсияномаларни тақдим этиш.

**БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ** – БМТ иқтисодий-ижтимоий кенгашининг ёрдамчи органи. Комиссия таркибига 1946 йилнинг 15 февралда тузилган иқтисодий-ижтимоий кенгаш сессиясида 3 йил муддатга сайланадиган вакиллар киради. Комиссия БМТ Низоми тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорлик масалалари билан шуғулланиши кўзда тутилган. Комиссиянинг энг муҳим вазифаси – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қўпол ва оммавий равишда бузилишига қарши курашишдан иборат. Комиссия иқтисодий-ижтимоий кенгаш ва БМТ Бош ассамблеясига инсон ҳуқуқлари ҳимояси масалалари бўйича тавсиялар ва маърузалар тақдим этиш, шунингдек, бу соҳага доир бўлган халқаро конвенциялар лойиҳаларини тайёрлаш учун ҳам масъулдир. Хусусан, 1948 йилда комиссия Инсон ҳуқуқлари бўйича умумий Декларация, 1966 йилда Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги пактлар, 1973 йилда Апартеид жиноятларини тўхтатиш ва жазолаш бўйича конвенция тайёрлашда бевосита иштирок этган. Комиссия йиғилишлари Женевада (Швейцария) бўлиб ўтади.

### **БМТНИНГ САВДО ВА РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИ (ЮНКТАД)**

- БМТ Бош ассамблеясининг доимий органи. 1964 йилда тузилган. Ассамблеянинг асосий вазифаси – халқаро савдони рағбатлантириш орқали иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга қаратилган.

### **БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИ**

- БМТ Бош Котибига бўйсунди ва унинг фаолияти барча инсонларнинг фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларининг таъминланиши ва ҳимоя қилинишига қаратилган. Унинг вазифаси қуйидагилардан иборат: 1) инсон ҳуқуқларига оид механизмларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш; 2) инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида барча ҳукуматлар билан мулоқотга киришиш; 3) БМТнинг барча тизимларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш.

Олий Комиссар БМТ Бош ассамблеяси томонидан 4 йил муддатга тайинланади ва лавозимига кўра, БМТ Бош Котиби ўринбосари ҳисобланади. Штаб-квартираси Женева шаҳрида (Швейцария) жойлашган.

### **БМТНИНГ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

- қуролланиш пойгасини чеклайдиган шартнома ва битимлар, шунингдек, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида музокаралар ўтказиш учун 1978 йилда ташкил этилган халқаро орган (1984 йилгача Қуролсизланиш бўйича қўмита деб номланган). 1979 йил январь ойидан Женевада (Швейцария) фаолият юритмоқда. Таркибига 40та, жумладан, ядро қуролига эга ҳамда ҳарбий салоҳияти жиҳатидан кучли давлатлар киради. Конференция фаолиятининг асосий йўналишлари: барча ядровий қуроллар синовини тўлиқ ва батамом тўхташиш; кимёвий ва оммавий қиргин қуролларининг бошқа турларини тақиқлаш (йўқ қилиш); оддий қурол-яроғ ва қуролли кучларни қисқартириш ва чеклаш; ҳарбий бюджет (харажатлар)ни қисқартириш; қуролсизланиш ва ривожланиш; қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик; барча манфаатдор

давлатларга мос келадиган, қуролсизланиш бўйича тегишли чора-тадбирларга оид текширувларнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар; самарали халқаро назорат остида тўлиқ ва ялпи қуролсизланишга эришишга йўналтирилган кенг қамровли қуролсизланиш дастури. Конференция Бош котиби БМТ Бош Котибининг шахсий вакили сифатида фаолият юритади ва конференциянинг натижалари бўйича БМТ Бош ассамблеясига йиллик маъруза тақдим этади.

### **БМТНИНГ ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ**

- БМТ Бош ассамблеясининг ёрдамчи органи; халқаро савдо ҳуқуқини ривожлантиришга ҳисса қўшиш, жумладан, халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш мақсадида 1966 йилда тузилган.

### **БМТНИНГ ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ**

- БМТ Бош ассамблеясига бўйсунувчи орган бўлиб, 1952 йилда тузилган. Дастлаб 12 мамлакатдан ташкил топган эди, 1959 йилдан эса унга БМТнинг барча аъзо давлатлари кирган. Фаолиятининг асосий йўналишлари: 1) қуролсизлантириш бўйича тавсиялар тайёрлаш, 2) музокаралар йўналишини ишлаб чиқиш, 3) БМТ Бош ассамблеясининг шу масала бўйича қарорлари ижросини назорат қилиш. Комиссия қарорлари консенсус (ўзаро келишув) асосида қабул қилинади. Фаолияти натижалари БМТга тақдим этилган йиллик маърузада баён этилади.

### **БУТУНЖАҲОН МЕТЕОРОЛОГИЯ ТАШКИЛОТИ**

- 1951 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус муассасаси. У атмосферанинг ифлосланиш, Ер қуррасида ичимлик суви захираси ва иқлим ҳолати ҳақидаги илмий маълумотларни тўплаш ҳамда уларни жаҳон жамоатчилиги эътиборига ҳавола қилиш билан шуғулланади. Мазкур ташкилот об-ҳаво маълумоти хизматини ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик доирасида жаҳон миқёсида об-ҳавони кузатишда қатнашади, бу

ҳақдаги маълумотларнинг тезлик билан алмашувини ташкил этиш ҳамда гидрология бўйича амалий ишга кўмаклашади.

Бутунжаҳон метеорология ташкилоти «Бутунжаҳон об-ҳаво хизмати», «Дунё иқлими», «Атмосферани ўрганиш ва атроф-муҳит», «Метеорологиядан амалий фойдаланиш», «Гидрология ва сув захиралари», «Ўқув ва касб тайёргарлиги», «Техник ҳамкорлик» каби бир қатор дастурларни амалга оширади.

Ушбу дастурларнинг тропик циклон, тўфон, сув тошқини, қурғоқчилик каби табиий офатларга зарур тайёргарлик кўриш борасидаги фаолияти инсонлар ҳаёти, мол-мулкни сақлаб қолиш, одамларнинг атроф-муҳит ва иқлим ҳақида кўпроқ тасаввурга эга бўлишига ёрдам беради.

Ташкилот озон қатламининг сийраклашуви, сайёрамиз миқёсида ҳароратнинг кўтарилиб бориши ҳамда сув захираларининг тобора камайиши каби ўта муҳим муаммоларга эътиборни қаратади. Бутунжаҳон метеорология ташкилоти 185 аъзодан, яъни 179 давлат ва 6 сарҳаддан таркиб топган: уларнинг барчаси ўзининг метеорологик ва гидрологик хизматига эга. Бутунжаҳон метеорология ташкилотининг раҳбар органи – Бутунжаҳон метеорология конгресси бўлиб, у тўрт йилда бир марта чақирилади. 1996-1997 йилларда мазкур ташкилот бюджети 177 миллион долларни ташкил этди.

**БУТУНЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ** – Бутунжаҳон савдо ташкилоти 1995 йилнинг 1 январида Тарифлар ва савдо бўйича бош битим вориси сифатида халқаро миқёсдаги ягона орган сифатида ташкил топган. У халқаро савдо соҳасидаги муносабатларни назорат этиш вазифасини амалга оширади. Бутунжаҳон савдо ташкилоти ихтисослашган муассаса ҳисобланмаса-да, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан аҳдлашув ва амалий ҳамкорлик ўрнатиш ҳуқуқига эга.

Бутунжаҳон савдо ташкилоти жаҳон савдоси ва савдо сиёсатининг халқаро ҳуқуқий асосини ташкил этган 28 битимга таянган ҳолда фаолият юритади. Ушбу битимлар уч асосий мақсадни назарда тутаяди:

— жаҳон миқёсида савдонинг имкон доирасида эркин амалга оширилишига кўмаклашиш; — музокаралар йўли билан савдо фаолиятининг босқичма-босқич янада либераллашувига эришиш;

— зиддиятларни ҳал қилишнинг оқилона усулларини яратиш ва амалиётга жорий этиш.

Халқаро савдо муносабатларига доир битимлар савдо музокараларининг Уругвай Якуний актида ўз ифодасини топган. Ушбу битимлар асосида қуйидаги тамойиллар ётади: камситишга йўл қўймаслик (кўпроқ қулайлик яратиш тамойили), савдонинг янада эркинлашуви, рақобатни рағбатлантириш, шунингдек, кам тараққий этган мамлакатлар учун алоҳида шартларнинг белгиланиши. Бутунжаҳон савдо ташкилотининг мақсадларидан бири йўл қўйилаётган қонуьбузарликларга барҳам бериш. Унинг 1998 йилги бюджети 80 миллион долларни ташкил этган.

Бутунжаҳон савдо ташкилотининг раҳбар органи икки йилда бир марта чақириладиган вазирлар Конференциясидир. Кундалик ишлар билан эса умумий кенгаш шуғулланади.

**БУТУНЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ** - 1970 йилда ташкил этилган. Унинг мақсади бутун дунёда ҳамкорлик асосида 169 аъзо давлатда интеллектуал мулкни сақлаш ва ҳимоя қилишга кўмаклашиш, бу борада тузилган маъмурий органлар иттифоқлари ҳамкорлигини таъминлашдан иборатдир.

Улардан асосийлари – Париж ва Берн иттифоқларидир. Биринчиси Халқаро саноат мулкни қўриқлаш, иккинчиси Адабиёт ва санъат асарларини сақлаш халқаро иттифоқи деб аталади.

Интеллектуал мулк икки асосий соҳани қамраб олади: саноат мулки, ихтирочилик устуворлиги, товар белгилари, адабиёт, мусиқа, бадий буюмлар, суратлар ва аудиовизуал ёзувларга оид муаллифлик ҳуқуқи.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг учта раҳбарлик органи мавжуд: Париж ва Берн иттифоқлари таркибидаги санъат вакилларининг Бош ассамблеяси (ассамблея икки йилда бир марта чақирилади); барча аъзо

давлатлар Конференцияси (у ҳам икки йилда бир марта чақирилади); координация қилиш бўйича Кўмита (унинг таркибида 68 киши бўлиб, ҳар йили тўпланади).

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг дастури ва бюджети икки йилда бир марта раҳбар органлар томонидан аниқланади. 1998-1999 йилларда унинг бюджети тахминан 280 миллион долларни ташкил этган.

**БУТУНЖАҲОН ПОЧТА ИТТИФОҚИ** - 1874 йилда Берн шартномасига кўра таъсис этилган. 1948 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасаси ҳисобланади.

Бутунжаҳон почта иттифоқи почта хизматининг ривожланишида етакчи ўрин тутаяди. 189 аъзо давлатни бирлаштириб, почта хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Воситачи сифатида маслаҳат беради, техник ёрдам кўрсатади. Унинг асосий вазифаларига бутун дунёда почта хизмати ривожига кўмаклашиш, почта жўнатмалари миқдорини замонавий воситалар ёрдамида ошириш, mijozларга кўрсатиладиган почта хизмати сифатини яхшилаш киради. Шу билан бирга, мазкур иттифоқ дунёнинг барча халқлари ўртасидаги алоқаларнинг такомиллашувига хизмат қилади.

Бутунжаҳон почта иттифоқи тариф ставкалар, шунингдек, ахборотларни қабул қилиш шартларини, шопилинч ва оддий хат, аэрограмма, открытка, матбуот материаллари ва кичик бандероллар ҳажми, миқдори ва оғирлигини белгилайди.

Ушбу ташкилотнинг олий органи бутунжаҳон почта конгресси ҳисобланади. Конгресс ҳар беш йилда бир марта чақирилиб, иттифоқ фаолиятининг умумий дастурини белгилайди, унинг бюджетини тасдиқлайди. Йигирма биринчи конгресс 1994 йил Сеулда, йигирма иккинчи конгресс эса 1999 йили Пекинда ўтказилди.

Бутунжаҳон почта иттифоқининг бюджети 1997 йилда 25,2 миллион долларни ташкил этган. Марказий аппарат 151 кишидан иборат.

**БУТУНЖАҲОН БАНКИ ГУРУҲИ** - қуйидаги тўрт муассасадан ташкил топган: 1945 йилда ташкил этилган халқаро Ривожланиш ва тараққиёт банки; 1956 йилда таъсис этилган халқаро Молия корпорацияси; 1960 йил асос солинган халқаро Тараққиёт ассоциацияси ва 1988 йилда тузилган Сармоялар қафолати бўйича кўп томонлама агентлик.

Ушбу институтларнинг умумий мақсади - ночор мамлакатлар иқтисодийгини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш орқали дунёда қашшоқлик даражасини камайтириш, инсонлар ҳаётини фаровонлаштиришдан иборат. Банкнинг раҳбар органи бошқарув кенгаши бўлиб, унинг таркибига барча иштирокчи давлатлар кирган. Умумий характердаги операцияларни амалга ошириш банк президенти раислигидаги ижрочи директорлар Кенгашига топширилган.

Бутунжаҳон банкининг асосий наشرларидан бири йилига бир марта чиқадиган "Дунё тараққиёти тўғрисида маъруза"дир (World Development Report).

**БУТУНЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ** - 1948 йил ташкил топган бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг етакчи институти ҳисобланади. Унинг мақсади имкон даражасида барча халқлар саломатлик даражасини юксалтиришга қаратилган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— жаҳоннинг барча мамлакатларида соғлиқни сақлаш масалаларида раҳбарликни таъминлаш;

— ҳукуматларнинг миллий соғлиқни сақлаш дастурларини амалга ошириш ва баҳолаш ҳамда бу борада режалаштириш ишларини такомиллаштиришга ёрдам бериш;

— тақдим этилган тиббий технологиялар ва соғлиқни сақлаш андазаларини кенг ёйиш, ахборотларни тарқатиш.

Ушбу ташкилотнинг раҳбар органи Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси бўлиб, унинг таркибига барча аъзо давлатлар кирган. Ассамблея ҳар йили чақирилади. 1977 йилда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти биринчи бўлиб "Саломатлик ҳамма

учун" шиорини ўртага ташлаган эди.

1996-1997 йилларда ташкилотнинг бюджети 842 миллион долларни ташкил этган.

Ташкилотнинг Браззавил (Конго), Вашингтон (АҚШ), Қоҳира (Миср), Копенгаген (Дания), Нью-Дехли (Хиндистон) ва Манила (Филиппин) каби шаҳарларда худудий бўлимлари фаолият юритмоқда.

### **ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАЛАРИ ИТТИ- ФОҚИ**

– 1865 йили халқаро телеграф сифатида ташкил этилган; 1947 йилдан буён БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ҳисобланади. Асосий вазифалари: электр алоқалари, жумладан, космик алоқалар соҳасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва бошқариш; радиоалоқанинг техник воситаларини такомиллаштириш, алоқа хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш. Бу масалаларни ҳал қилиш учун ХЭИ зиммасига радиочастоталарни тақсимлаш ва уларнинг ўзлаштирилишини рўйхатга олиш, зарур қонун-қоида ва тарифлар бўйича тавсияномалар қабул қилиш; молиявий ҳамда техник ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилган. Ташкилот қароргоҳи – Женева шаҳрида (Швейцария) жойлашган.

### **ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИ**

– 1919 йилда Миллатлар лигасининг мухтор ташкилоти сифатида тузилган. 1946 йилда БМТнинг махсус муассасасига айлантирилган. Ҳозирги вақтда унинг таркибига 180га яқин давлат киради. ХМТнинг мақсади ижтимоий адолат, меҳнаткашларнинг (ишчи, хизматчиларнинг) меҳнат ва турмуш шароитини яхшиланиши орқали ижтимоий барқарорликни таъминлашдан иборат. ХМТ штаб-квартираси Женева шаҳрида (Швейцария) жойлашган ва аъзо-давлатлар пойтахтларида ўз ваколатхоналарига эга.

### **ХАЛҚАРО ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ТАШ- КИЛОТИ**

– БМТнинг ихтисослашган маҳкамаси бўлиб, у 1944 йил ташкил топган. 1947 йилда фаолият юрита бошлаган. Унинг асосий вазифаси – халқаро авионавигация таъминотларини ривожлантириш, халқаро авиа-

линиялар қатновида хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳаво транспортининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш. Ташкилот тахминан 190 аъзога эга. Қароргоҳи Монреал шаҳрида (Канада) жойлашган.

### **ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР БҲЙИЧА ҚҲМИТА**

– БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши қарорига мувофиқ, 1985 йилда тузилган; иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактнинг бажарилишини назоратини қилади. 15 экспертдан ташкил топган.

### **БМТНИНГ ҚҲРОЛСИЗЛАНИШ БҲЙИЧА УМУМЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ МАХСУС ҚҲМИТАСИ**

– БМТ Бош ассамблеясининг ёрдамчи органи; БМТга аъзо давлатларнинг қуролсизланиш бўйича умумжаҳон конференциясини чақириш ва уни ўтказиш шартлари ҳақидаги таклифларни ўрганиш мақсадида 1973 йилда тузилган. Ядро қуролига эга бўлмаган 40 мамлакатдан ташкил топган. Қўмита билан ҳамкорлик қилиш ва алоқа ўрнатиш учун ядро қуролига эга бўлган мамлакатлар ҳам таклиф этилган. 1984 йилда БМТ Бош ассамблеяси махсус қўмитанинг мандати қайта тикланди ва қуролсизланиш бўйича умумжаҳон конференциясини барча аъзо давлатлар иштирокида чақириш зарурлиги таъкидланди.

### **ҲИНД ОКЕАНИ БҲЙИЧА БМТНИНГ МАХСУС ҚҲМИТАСИ**

– БМТ Бош ассамблеясининг ёрдамчи органи; БМТ Бош ассамблеясининг Ҳинд океанини тинчлик худуди деб эълон қилган резолюциясини амалга ошириш бўйича амалий чоралар ишлаб чиқиш учун 1972 йилда тузилган. Бугунги кунда махсус қўмита таркибига 50 та давлат киради.

### **БМТНИНГ ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ БҲЙИЧА МАХСУС ҚҲМИТАСИ**

– БМТ Бош ассамблеясининг ёрдамчи органи; 1972 йилда тузилган; таркибига 40 га яқин БМТга аъзо давлатлар киради. Махсус қўмита "халқаро терроризм" тушунчасини аниқ-

лаш, бу ҳодисанинг асосий сабабларини ўрганиш ва унга қарши курашишда аниқ тавсия ҳамда амалий чоралар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

**ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ ОПЕРАЦИЯЛАРИГА ОИД БМТНИНГ МАХСУС ҚЎМИТАСИ** - БМТ Бош ассамблеясининг ёрдамчи органи; 1965 йилда тузилган. Таркибига БМТга аъзо 33 давлат киради. Қўмитага тинчликни сақлаш топширилган. Сўнгги йилларда Бош ассамблеянинг топшириғига кўра, у БМТнинг тинчликни сақлаш бўйича ўтказадиган операцияларининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА КУЧ ИШЛАТМАСЛИКНИНГ САМАРАЛИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА БМТНИНГ МАХСУС ҚЎМИТАСИ** - 1977 йилда БМТ Бош ассамблеясининг 21-22-сессияларида тузилган; 35 давлат вакилларида таркиб топган. Қўмита бир йилда бир марта халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва таҳдид қилмаслик масалалари бўйича сессия ўтказди.

**БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ** - ваколати доирасида фаолият юритиш учун тузиладиган БМТ Бош ассамблеясининг ёрдамчи органлари. Ҳар бир сессиясида БМТ Бош ассамблеяси қуйидаги йўналишлар бўйича 7 та асосий қўмитани тузади: қуролсизланиш билан боғлиқ халқаро хавфсизлик ва бошқа масалалар; халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш; иқтисодий ва ижтимоий масалалар; ижтимоий гуманитар ва маданий масалалар; ўзини ўзи бошқармайдиган ҳудудларга тегишли масалалар; маъмурий ва бюджет масалалари; ҳуқуқий масалалар. Ушбу қўмиталар фаолияти БМТ Бош ассамблеясининг раиси, 21 ўринбосар ва 7 та асосий қўмита раисларидан иборат Бош қўмита томонидан бошқарилади. БМТ Бош ассамблеяси сессияси даврида фаолият юритадиган органлардан ташқари, БМТнинг вақтинча ва доимий асосда ишлайдиган махсус қўмита ва комиссиялари

тузилади (космик фазони тинчлик мақсадларида ўрганиш бўйича комиссия, қуролсизланиш бўйича халқаро конференциянинг махсус комиссияси, ирқий камситишни бартараф этиш бўйича комиссия ва бошқалар).

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ (ЮНИСЕФ)** - фаолияти болалар ҳимояси, Болалар ҳуқуқлари конвенцияси доирасида уларнинг барча ҳуқуқлари муҳофазаси ва ҳаёт даражасининг яхшиланишига кўмаклашадиган ягона ташкилот. Европада Иккинчи жаҳон урушидан кейин болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида Бош ассамблея томонидан 1946 йилда ташкил этилган ушбу жамғарма ҳозирги вақтда ривожланаётган давлатларда болалар ҳаётини ва яшаш шарт-шароитини ҳар томонлама яхшилашга қаратилган дастурларни кўпроқ амалга ошироқда. У 1989 йилда Бош ассамблеяда барча аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган ва деярли бир вақтда ратификация қилинган Болалар ҳуқуқи ҳақидаги конвенциянинг тўлиқ амалга оширилишига интилади.

ЮНИСЕФ БМТнинг бошқа муассасалари, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, озиқ-овқат таъминоти, бошланғич таълимни ривожлантириш, тоза сув билан таъмин этиш, санитария шарт-шароитларини яхшилаш, гендер тенгсизлигини бартараф этиш ва аҳолига арзон хизмат кўрсатиш бўйича дастурларга кўмаклашади. Шунингдек, ЮНИСЕФ фавқулодда ҳодисалар юз берганда шошилиш ёрдам кўрсатиш ва тиклаш ишларида ҳам иштирок этади.

ЮНИСЕФ 1965 йилда халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланган.

ЮНИСЕФ 36 кишидан иборат ижроия кенгаш томонидан бошқарилади. Ижроия кенгаш ташкилот сиёсатини белгилайди, дастурларни қўриб чиқади ва бюджетни тасдиқлайди. ЮНИСЕФ таркибидаги 6200дан ортиқ ходим 113 мамлакатдаги 242 жойда ишлайди. Ходимларнинг 84%и турли давлат шаҳар ва қишлоқларида фаолият юритади, қолгани Нью-Йоркдаги бош қароргоҳ, Копенгаген, Флоренция, Женевадаги БМТ ҳудудий бўлимларида меҳ-

нат қилади. ЮНИСЕФ бюджети тўлиқ ҳукуматлар ва ноҳукумат ташкилот ва шахсларнинг ихтиёрий бадаллари эвазига шаклланади. Жамғарма даромадининг 30%дан ортигини ноҳукумат ва хусусий манбалардан келиб тушган маблағлар ташкил этади. 1997 йилда умумий даромад 902 миллион долларни ташкил этди. Дастурни амалга оширишга 822 миллион доллар (жами харажатларнинг 89%) сарфланди, унинг 33%и болалар саломатлигини яхшилашга йўналтирилган.

Жамғарма бош нашрлари – «Жаҳонда болалар аҳволи» (The State of the World's Children) ва «Миллат тараққиёти» (The Progress of Nations).

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ САВДО ВА ТАРАҚҚИЁТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ (ЮНКТАД)** - 1964 йилда таъсис этилган бўлиб, унинг асосий мақсади, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда савдо ҳамда иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришдан иборат. Ташкил этилгандан буён саккиз сессияси: 1968 йилда (Нью-Дехли), 1972 йилда (Сантьяго), 1976 йилда (Найроби), 1979 йилда (Манила), 1983 йилда (Белград), 1987 йилда (Женева), 1992 йилда (Картахен) ва 1996 йилда (Мидрэнд, Жанубий Африка) бўлиб ўтди.

Мазкур ташкилот БМТ тизимида савдо, молия, технология, инвестиция соҳаларида тараққиётнинг умумий муаммоларига доир барча ёндашувларни мувофиқлаштириш маркази вазифасини ўтайди.

ЮНКТАДнинг ижроия органи – савдо ва тараққиёт кенгашидир.

1966 йилда ЮНКТАД ўз фаолият йўналиши доирасида тегишли сиёсатни ишлаб чиқиш учун кенгаш ҳузурида учта комиссия тузди, товар савдоси, хизмат кўрсатиш ва хом ашё бўйича комиссия; инвестиция, технология ва уларга оид молиявий масалалар бўйича комиссия; корхона ва тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш бўйича комиссия.

1993 йилдан бошлаб ЮНКТАД – ЭКОСОС комиссиясига фан-техникани ривожлантириш мақсадида иш юритиш ва техник ёрдам кўрсатиш борасида ёрдамлашиб келади.

ЮНКТАД таркибига 188 давлат аъзо бўлиб кирган. Унинг котибиятида 394 киши ишлайди. Ташкилотнинг йиллик бюджети 50 миллион доллар атрофида бўлиб, БМТ томонидан молиялаштирилади. Техник ҳамкорлик соҳасига оид фаолият бюджетдан ташқари маблағ ҳисобига молиялаштирилиб, унга тахминан миллион доллар сарфланади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ САВДО ВА ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ** - 1965 йилда ташкил этилган. У БМТнинг энг катта дастури ҳисобланиб, дунёда инсониятнинг барқарор ривожланиши учун кенг кўламли фаолият олиб боради. Мазкур дастур доирасида БМТ тизими орқали кўрсатиладиган техник ёрдамнинг катта қисми мувофиқлаштирилади.

БМТ Тараққиёт дастури учта муҳим вазифани бажаришга йўналтирилган:

— инсон ресурсларининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қудратли, жипслашган кучга айлантиришга кўмаклашади;

— ихтиёридаги имкониятларни инсон ресурсларининг барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтириш; камбағалликка барҳам бериш, иш ўринлари яратиш ва хотин-қизлар аҳволини яхшилаш;

— инсон ресурсларининг барқарор ривожланишини таъминлашда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш.

БМТ Тараққиёт дастури доирасида 174 ривожланаётган мамлакат ҳудудида жойлашган 132 бўлими орқали ҳукуматлар, ташкилотлар ва аҳоли билан ҳамкорликда иш юритилади. Дастурнинг ички маблағларидан 90%и дунёдаги камбағал аҳолининг 90%и яшайдиган 66 мамлакатга сарфланади. БМТ Тараққиёт дастури ходимларининг 85%и ёрдамга муҳтож бўлган – ривожланаётган мамлакатларда фаолият юритади.

БМТ Тараққиёт дастурининг молиявий маблағлари, асосан, ихтиёрий бадаллар эвазига шаклланади. 1997 йилда бу бадаллар ички маблағнинг 760 миллион долларини ташкил этди. Бундан ташқари, дастур ҳузуридаги жамғармалардан 1,4 миллиард доллар тушади.

БМТ Тараққиёт дастури фаолияти билан боғлиқ бўлган қуйидаги жамғармаларни бошқаради:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўнгиллилар дастури;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хотин-қизлар тараққиёт жамғармаси (ЮНИ-ФЕМ);
- Қурғоқчилик ва саҳрога айланишга қарши кураш бошқармаси;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг молиявий ривожланиш жамғармаси;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан ва техника тараққиётги жамғармаси;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг табиий захираларни янгилаш бўйича жамғармаси.

БМТ Тараққиёт дастури ривожланаётган ва саноати ривожланган мамлакатлар вакилларида иборат бошқарув кенгаши томонидан идора этилади.

Асосий нашри йиллик “Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза” («Human Development Report»).

## **БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ САВДО КўНГИЛЛИЛАР ДАСТУРИ**

БМТнинг ёрдамчи органи бўлиб, Бош ассамблея томонидан ҳамкорликни тараққий эттириш амалий дастури сифатида таъсис этилган. Ушбу дастур БМТ тизимида кўнгиллилар меҳнатидан фойдаланиш бўйича алоҳида муассаса ҳисобланади. Мазкур дастур ўз касби бўйича маълум маҳоратга эришган кишиларни айрим соҳаларни ривожлантириш ёки жамоаларда инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, инсон ҳуқуқлари ва демократияни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Бундан ташқари, БМТ кўнгиллилар дастури ихтиёрий хайр-эҳсонни рағбатлантиришга ҳаракат қилади. У БМТ тараққиёт дастурининг ижроия кенгашига ҳисобот беради ва дунё мамлакатларидаги бўлимлари орқали фаолият юритади.

Мазкур фаолият билан ҳар йили БМТ кўнгиллилар дастурининг 4.000 мутахассиси шуғулланади. Улар 140 миллат вакиллари бўлиб, бевосита дастурнинг жойлардаги миллий ташкилотларида ишлайди; Дастур доирасида

қисқа муддатта саноат ва тижорат бўйича маслаҳатчилар тўпланиб, хизмат сафарига жўнатилади. Маслаҳатчиларнинг учдан икки қисми – ривожланаётган ва ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакат фуқаролари, учдан бири эса ривожланган мамлакатлар вакиллариدير.

1971 йилдан буён БМТ кўнгиллилар дастурида 16.000 дан ортиқ киши хизмат қилган.

Унга қабул қилиниши учун даъвогар мутахассислик бўйича диплом ва бир неча йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлиши шарт. Одатда, шартномалар икки йилга тузилади; инсонпарварлик, сайловларни ўтказишга ёрдам кўрсатиш ва бошқа миссияларга йўллаш узайтирилган муддатдан кам бўлмайди. БМТ кўнгиллилари кундалик эҳтиёжини қондириши учун унчалик катта бўлмаган ойлик мукофот олиб туради. Маблағ БМТ тараққиёт дастури, унинг бошқа муассасалари ва кўнгиллилар дастурининг махсус жамғармасидан тушади.

## **БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЛОЙИҲАЛАРГА ХИЗМАТ КўРСАТИШ БОШҚАРМАСИ**

– ушбу бошқарма ўтиш даврини бошдан кечириб, тинчлик, ижтимоий барқарорлик, иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бораётган мамлакатларга ёрдам бериш учун лойиҳа ресурсларини бошқариб боради.

Бошқарма халқаро ҳамжамиятга лойиҳалар устидан умумий раҳбарлик қилишда кенг кўламдаги хизматлардан тортиб, бир марталик лойиҳаларнинг амалга оширилишига кўмаклашади. Мижоз истакини чуқур ўрганган бошқарма ўз фаолиятини уларнинг талаб ва эҳтиёжларига мослаштиради, бу борада муайян иқтисодий услубларга таянган ҳолда лойиҳалар устидан назоратни янада кучайтириш, хизматлар сифатини яхшилашга ҳаракат қилади.

Бошқарма БМТ тараққиёт дастури ва БМТнинг бошқа органлари билан ҳамкорликда фаолият юритади. У, асосан, хизматларга тўланган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ АТРОФ-МУҲИТ ДАСТУРИ (ЮНЕП)** - 1972 йилда ташкил этилган. У барча мамлакатлар халқлари турмуш даражасини кўтариш, келгуси авлод ҳаёти ва саломатлигига зарар етказмайдиган шарт-шароит яратиш, табиатни асраб-авайлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни бошқариш, бу соҳада кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган.

ЮНЕП атроф-муҳитни муҳофаза қилишда БМТнинг бош органи сифатида глобал экологик дастурларни ишлаб чиқади, экотизмнинг барқарор ривожланишига эришиш борасида изчил фаолият юритади ва, умуман, сайёрамиз миқёсида табиатни ҳимоя қилишга астойдил кўмаклашади.

ЮНЕПнинг бош вазифаси — одамлар истиқомат қиладиган глобал муҳит ҳолатини ўрганиш, атроф-муҳитдаги хатарли ўзгаришларни баҳолаб, аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш ва атроф-муҳит ҳолатини яхшилашга қаратилган, конвенцияларни мувофиқлаштириш; мавжуд экологик муаммоларни халқаро меъёр ва қоидаларга таянган ҳолда бартараф этилишига кўмаклашиш; табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида мувофиқлаштириб туриш; глобал экология жамғармаси маблағларини оқилона тақсимлаш; экологик таълимни рағбатлантириш ва бунга жамиятнинг барча қатламларини жалб қилиш; сиёсий қарор қабул қилишда масъул шахслар, олим ва мутахассислар билан амалий алоқалар ўрнатиш; муҳим масалалар бўйича тегишли институтларни ташкил этиш хусусида ҳукуматлар ҳамда ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан иборатдир.

ЮНЕПнинг 1996-1997 йилларга мўлжалланган иш режасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни бошқаришни ташкил этиш; экологик хавфсизлик, ишлаб чиқариш, инсонлар саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш мақсадида атроф-муҳитни яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш; иқтисодиётни глобаллаштириш каби масалалар ўрин олган.

ЮНЕПнинг асосий нашрларидан бири — икки йилда бир марта чоп этиладиган «Жаҳон ат-

роф-муҳит муҳофазасининг истиқболлари» («Global Environmental Outlook») шарҳидир. Бу нашрда глобал ва ҳудудий экологик муаммолар таҳлили ва уларни ҳал этиш стратегияси, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишда математик моделлаштириш усулларида фойдаланиш истиқболлари ҳақида фикр юритилади. ЮНЕП ҳукуматларнинг мақсадли жамғармалари орқали тушган бадаллар ҳисобига ташкил этилган. Унинг фаолияти иқтисодий жамғарма томонидан ҳамда БМТ доимий бюджетидан ажратиладиган маблағ эвазига молиялаштирилади. Дастурнинг 1996-1997 йиллардаги бюджетти 90 ва 105 миллион долларни ташкил этган. ЮНЕПнинг раҳбар органи 58 мамлакат вакилларида иборат бошқарувчилар кенгашидир. Кенгаш ҳар йили ўтказилади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖАМҒАРМАСИ (ЮНФПА)** - 1969

йилда Бош ассамблея ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, асосан, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиб келаётган йирик ташкилотлардан биридир.

ЮНФПА қуйидаги йўналишларда фаолият юритади:

— хотин-қизлар репродуктив саломатлигини таъминлаш, жумладан, ўзлари истаган катталикдаги оила қуриш имконига эга бўлишига ёрдам берадиган оилани режалаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

— жинсий саломатликни яхшилаш, аҳоли ўсишини оқилона режалаштириш имкониятларидан фойдаланиш;

— ривожланаётган давлатлар аҳолиси талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда сиёсат юритиш, кишилар ҳаёт тарзини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш, барқарор тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш;

— хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилигини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш, аҳоли турли қатламлари фаровонлигини таъминлаш масаласида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек, сайёрамиз аҳолисининг ўсиш суръатларининг барқарорлашувига эришиш. ЮНФПА билан БМТ тараққиёт дастурининг ижрочи органи бошқарувчилар кенга-

ши вазифалари ўртасида умумийлик мавжуд. Жамғарманинг жойлардаги фаолияти БМТ Тараққиёт дастури ва ЮНФПА вакиллари томонидан амалга оширилади. 1997 йил охирида 171 донордан йиғилган тушум 4 миллиард долларга етди. БМТ аҳоли қатламлари жамғармасига тушган ёрдам маблағининг 63 фоизи репродуктив саломатлик, жумладан, оилани режалаштириш, жинсий ва ёшларнинг репродуктив саломатлиги муаммоларини ҳал қилиш, оналар ўлимини камайтириш, қочоқларга шошилиш ёрдам кўрсатиш ва ОИТС (СПИД) масаласини ечишга сарфланади. Маблағнинг қарийб 31 фоизи аҳолининг кўнайкичи стратегиясини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини мувофиқлаштириш, мавжуд маълумотларга таянган ҳолда аҳоли ўсиш суръатини режалаштиришда мамлакатлар имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ФАЛАСТИН ҚОЧОҚЛАРИГА ЁРДАМ БЕРИШ ВА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЯҚИН ШАРҚ АГЕНТЛИГИ** - 1949 йилда тузилган. У ушбу ҳудуддаги ҳукуматлар билан ҳамкорликда фаластинлик қочоқларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. Унинг мандати вақти-вақти билан узайтириб турилади.

Дастлаб агентлик 1948 йилги араб-исроил можаролари натижасида уй-жойи ва яшаш воситаларидан маҳрум бўлган қарийб 750 000 фаластинлик қочоқларга шошилиш ёрдам кўрсатган эди. 1997 йилга келиб фаластинлик 3,4 миллиондан ортиқ қочоқларга соғлиқни сақлаш, маориф, моддий ёрдам ва ижтимоий хизмат борасида амалий кўмак берилди. 1,1 миллион қочоқ Агентликка қарашли Иордания, Ливан, Сурия Араб Республикаси, Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида жойлашган 59 лагерда ҳаёт кечиради.

Ушбу ҳудудда агентликнинг 120 ходимидан ташқари, асосан фаластинлик қочоқлардан иборат бўлган 22.000 хизматчиси фаолият юритади. Агентлик одатдаги ва фавқулодда операцияларни кўпинча ихтиёрий бадаллар ҳисобидан ўтказади. Унинг доимий бюджети

1996-1997 йилларда 589,2 миллион доллар нақд пул ва 77,4 миллион долларлик моддий бойлик, ҳаммаси бўлиб 666,6 миллион долларни ташкил этди. Бюджетнинг 74 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш, маориф, моддий ёрдам ва ижтимоий хизмат кўрсатиш дастурига сарф этилди.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ УНИВЕРСИТЕТИ** - тадқиқот ишларини олиб бориш, аспирантлар тайёрлаш ҳамда БМТ ва унинг муассасалари доирасида инсониятнинг истиқболи, глобал муаммоларга оид билимларни тарқатиш билан шуғулланади.

Университет низоми 1973 йилда қабул қилинган бўлиб, 1975 йилдан кучга кирган. Унинг таркибида қуйидаги бешта тадқиқот ва ўқув маркази мавжуд:

— Иқтисодий тараққиёт тадқиқотлари бўйича халқаро институти (Хельсинки, Финляндия);

— Янги технологиялар институти (Мастрихт, Нидерландия);

— Дастурлаш технологиялари бўйича халқаро институт (Макао);

— Африкадаги миллий ресурслар бўйича институт (Легон (Аккра), Гана);

— Истиқболли тадқиқотлар институти (Япония.)

Бундан ташқари, университет учта ихтисослашган дастур бўйича тадқиқот олиб боради: Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси учун биотехнология дастури (Каракас, Венесуэла); сув ресурслари, атроф-муҳит муҳофазаси ва соғлиқни сақлаш халқаро тармоғи (Гамильтон, Онтарио, Канада); халқаро бошқарув академияси (Уммон, Иордания).

БМТ университети ҳукуматлар, муассасалар, жамғарма ва хусусий донорларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига молиялаштирилади. Жорий сарф-харажатлар учун маблағ таъсис жамғармасидан ажратилади. 1996-1997 йилларда БМТ университети дастури харажатлари 80 миллион долларни ташкил этди.

БМТ университети 26 аъзодан иборат университет кенгаши томонидан бошқарилади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАР БОШҚАРМАСИ** - 1993 йилда таъсис этилган. У БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятига масъул асосий мансабдор шахсдир. Олий комиссар зиммасига барча кишиларнинг фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юкланган. Ушбу мандат илгари инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Марказига тегишли бўлса, эндиликда инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси орқали амалга оширилади.

Бошқарма инсон ҳуқуқлари борасидаги БМТ фаолиятининг етакчи маркази сифатида хизмат қилади. У Бош ассамблея ва бошқа органлар сиёсатини белгиловчи раҳбарлар топширигига кўра, маърузалар тайёрлайди ва тадқиқотлар ўтказиши. У инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуматлараро ва халқаро, ҳудудий ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ органларининг кўпгина йиғилишларида котибият сифатида фаолият кўрсатади.

Таркибига Олий комиссар ўринбосари ҳам кирадиган Олий комиссар бошқарувида 200га яқин ходим бўлиб, улар уч бўлимда хизмат қилади:

Тадқиқотлар ва ҳуқуқ бўлими – инсон ҳуқуқлари масалаларини тараққиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилади, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқади ва унинг ҳаётга татбиқ этилишини назорат қилади;

Хизматни қўллаб-қувватлаш бўлими – инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ органларига, шунингдек, шартнома субъектларига ёрдам кўрсатади;

Амалий ҳаракат ва дастурлар бўлими – инсон ҳуқуқлари борасида мамлакатларга кенг дастур асосида техник ёрдам кўрсатади, фактларни аниқлаш билан шуғулланувчи органларга, (маърузачилар, ишчи гуруҳи ва бошқаларга) можароларга доир маълумотларни текширувчиларга ёрдам беради. Шунингдек, бу бўлим инсон ҳуқуқлари соҳасида турли жойларда ишлаётган ходимларни тайёрлаш ҳамда уларнинг фаолиятига амалий ёрдам кўрсатади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ БЎЙИЧА МАРКАЗИ (ҲАБИБАТ)** - аҳоли истиқомат қиладиган жойларни барқарорлаштириш, тараққий эттириш сиёсатини ишлаб чиқиш, қурилиш учун имкониятлар яратиш, бу борада зарур маълумотларни тўплаш, ҳукуматлараро ҳамда турли мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

1996 йилда у Бош ассамблея томонидан «Кун тартибиде - ҲАБИБАТ» бутунжаҳон ҳаракат режасининг амалга ошириш маркази сифатида белгиланди. Бу режа (ҲАБИБАТ II) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли яшайдиган жойлар бўйича Иккинчи конференциясида қабул қилинган эди. 1978 йилда ташкил этилган ушбу марказ аҳоли яшайдиган жойларни ривожлантириш соҳасида БМТнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича етакчи муассаса ҳисобланиб, биринчи навбатда, қуйидаги масалаларга эътибор қаратади:

- уй-жой ва ижтимоий хизматлар.
- шаҳар хўжалигини бошқариш.
- атроф-муҳит муҳофазаси ва шаҳар инфратузилмаси.
- баҳолаш, мониторинг ўтказиш, ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш.

ҲАБИБАТ ҳукуматлар, муниципал ҳокимият, ноҳукумат ташкилот ва хусусий сектор билан ҳамкорликда ишлайди ва уларга кўмаклашади. 1998 йилда марказ 80дан ортиқ мамлакатда 200дан зиёд дастур ва лойиҳаларни амалга оширди. Марказ шаҳар хўжалигини бошқариш, уй-жой таъминоти, асосий коммунал хизматларни кенгайтириш ва турар жойлардаги инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашади.

Бу дастур кўпгина йўналишлар бўйича бошқа муассасалар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

1996-1997 йилларда ҲАБИБАТ харажатлари тахминан 100 миллион долларни ташкил этди. ҲАБИБАТ аҳоли яшайдиган жойлар бўйича комиссия томонидан бошқариб борилади, Комиссия таркибиде 58 аъзо бўлиб, улар икки йилда бир марта ўтказиладиган сессияга тўпланади.

### **БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ҚОЧОҚЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАР БОШҚАРМАСИ**

- Бош ассамблея томонидан 1951 йилда 20 миллион муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган эди. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси 30 миллион қочоққа моддий, маънавий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.

БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси фаолияти инсонпарварлик ғояларига таянади. Унинг бош вазифаси – қочоқларнинг халқаро миқёсда ҳимоясини таъминлаш; уларнинг узоқ муддатларда ечиладиган муаммоларини ҳал этиш йўлларини қидириш; моддий ёрдам кўрсатишдан иборат. Бунга қочоқларни дастлаб яшаган мамлакатга ихтиёрий равишда қайтариш ёки илк бор бошпана сўралган мамлакатга жойлаштириш ёхуд учинчи бир мамлакатга кўчириш йўли билан эришилади.

Бугунги кунда БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармасининг 122 мамлакатда фаолият кўрсатаётган 246 бўлимидаги 5.475 ходим қочоқлар ишлари билан машғул. Бошқарув ишларида 453дан ортиқ ноҳукумат ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Олий комиссар бюджетни тасдиқлаш учун ҳар йили тўпланадиган Бош ассамблея, ЭКОСОС ва 53 аъзодан иборат ижроия қўмита кенгашининг сиёсий кўрсатмаларига амал қилади. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси ҳимоя ва ёрдам дастурини амалга оширишда асосан кўнгиллиларнинг хайриясига таянади, айрим маъмурий харажатлар эса БМТнинг доимий бюджети ҳисобидан қопланади. Олий комиссар бошқармаси бюджети 1997 йили 1,22 миллиард долларни ташкил этди.

БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси икки йилда бир марта «Жаҳонда қочоқларнинг аҳволи» («The State of the World's Refugees») тўпламини нашр қилади. Ушбу тўпламда қочоқлар ва аралашиб кетган шахслар муаммолари ва бу борада юритилаётган сиёсат ҳар томонлама шарҳланади.

БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси 1954 ва 1981 йилларда халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланган.

### **ГИЁҲВАНД ВОСИТАЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИКДАН ОГОҲЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИ**

- 1997 йил 1 ноябрда ташкил этилган. Гиёҳванд воситалар устидан назорат ўрнатиш, жиноятдан жамоатчиликни огоҳ этиш ва халқаро терроризм муаммоларини ҳар томонлама, атрофлича ечиш борасида БМТ фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида тузилган. Бошқарма куйидаги бўлинмалардан иборат:

— гиёҳванд моддалар устидан халқаро назорат ўрнатиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дастури (ЮНДКП);

— жиноятлар тўғрисида огоҳлантириш бўйича халқаро марказ.

Дастур гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш ва бу борадаги БМТнинг бутун фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар ҳисобланган асосий тузилмадир. У мазкур соҳадаги техник экспертиза маркази сифатида хизмат қилади ва гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш масалалари бўйича аъзо давлатларга амалий маслаҳатлар беради.

Унинг зиммасига юкланган вазифалар жойлардаги тармоқлар орқали миллий, минтақавий ва глобал даражада амалга оширилади. Марказ эса жиноятлар ҳақида жамоатчиликни огоҳлантириш ва уни одил судга топшириш соҳасида асосий тузилма сифатида фаолият юритади ва мамлакатлараро уюшган жиноятчилик, одамлар ўртасидаги контрабанда савдоси, молиявий жиноятлар ва терроризмга қарши курашга диққат-эътибор қаратади.

Бошқарманинг 1998–1999 йиллардаги умумий бюджети 168,8 миллион долларни ташкил этди, шундан 161,1 миллион доллар дастурга, 7,7 миллион доллар марказга ажратилди. Дастурнинг 90%, марказнинг 29% маблағи ихтиёрий хайр-эҳсон эвазига тўпланади, қолгани БМТнинг доимий бюджети-дан ажратилади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ (ЮНИФЕМ)** - ривожланаётган мамлакатларда хотин-қизларнинг иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтиришга кўмаклашади. ЮНИФЕМ фаолияти тараққиётнинг барча жабҳаларида, режалаштиришдан тортиб, уни амалга оширишгача, хотин-қизлар иштирокини таъминлашга қаратилган.

ЮНИФЕМ БМТнинг тараққиёт дастури доирасида, барча минтақа вакилларида тузилган маслаҳат кўмитаси ва Тараққиёт дастури кенгашининг бошқарувчиларига ҳисобот берадиган мухтор ташкилотдир. Худудий ва миллий миқёсда ЮНИФЕМ дастур масалалари бўйича 12 худуд маслаҳатчиларидан ташкил топган.

Жамғарма хотин-қизлар учун муҳим аҳамият касб этадиган уч дастур бўйича фаолият юритади:

— хотин-қизлар қобилиятини иқтисодий соҳада – тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришда намоён бўлиши ҳамда ривожланишига кўмаклашиш;

— хотин-қизлар масалаларига оид қарорлар қабул қилиш жараёнида уларнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда бошқарув ва раҳбарлик қобилиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

— хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай кўринишдаги куч ишлатилишини бартараф этиш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

1995 йилда Пекинда бўлиб ўтган хотин-қизлар турмуш тарзи бўйича тўртинчи халқаро конференциядан сўнг ЮНИФЕМ Пекин ҳаракат платформасининг қабул қилиниши хотин-қизлар ҳаётига оид масалаларнинг ҳал қилинишида уларнинг ўзини кенг жалб этиш имконини яратди. ЮНИФЕМнинг йиллик бюджети тахминан 20 миллион долларни ташкил этади.

**ХОТИН-ҚИЗЛАР АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ** - 1976 йилда таъсис этилган. Унинг ташкил этилишидан мақсад хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда мавқеини

кўтариш борасида тадқиқотлар ўтказиш, халқаро миқёсда ўқув дастурлари ишлаб чиқиш; ижтимоий-сиёсий ҳаётда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш ва иштирокини кенгайтириш; гендер масалалари бўйича кенг жамоатчиликни хабардор қилиш-ни кенгайтириш ва гендер тенглигига эришишга хизмат қиладиган халқаро тизим яратиш. Бу борада институт ўз марказлари тармоғини кенгайтириб, халқаро, ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладди, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, тадқиқотлар натижаларини омалаштиради, илм-фан соҳасидаги тажриба ва ахборотларни кенг тарғиб этади. Буларнинг барчаси институтнинг сиёсий ва амалий фаолиятини кенгайтириш, пировард натижада гендер тенглигига эришиш имкониятини яратади.

Институт БМТ доирасида мухтор муассаса саналиб, 11 аъзодан иборат нозирлар кенгаши томонидан бошқарилади. У аъзо давлатлар, ҳукуматлараро органлар, ноҳукумат ташкилотлар, инсонпарвар муассасалар ва айрим шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидангина молиялаштирилади.

1996-1997 йилларда Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича халқаро ўқув ва илмий-тадқиқот институти харажатлари 4,158 миллион долларни ташкил этган.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ЮНИТАР)** - БМТ доирасида мухтор муассаса сифатида 1965 йилда ташкил этилган. У ўқув ва илмий тадқиқот ишларини амалга ошириб, БМТ фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган. ЮНИТАР ҳар йили тахминан 3.000 ишгирокчи жалб қилинган 70 га яқин ўқув дастури ишлаб чиқади ва у бутун дунёга тарқатади.

Мазкур институтда БМТ ёки унинг ихтисослаштирилган муассасалари лавозимларига ёки БМТ тизими ва муассасалари фаолияти билан боғлиқ миллий давлатлар хизматларига тайинланиши мумкин бўлган номзодлар турли даражада тайёргарликдан ўтаётир. ЮНИТАРни бошқариш нозирлар кенгаши ва

ижрочи директор зиммасига юклатилган. Институт ҳукумат, ҳукуматлараро ташкилотлар, жамғарма ва бошқа ноҳукумат манбаларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига молиялаштирилади.

ЮНИТАР бюджети 1996–1997 йилларда тахминан 10 миллион долларни ташкил этган. Институт фаолияти Женевада жойлашган бош қароргоҳ ҳамда Нью-Йоркдаги маъмурияти томонидан бошқарилади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ МУАММОЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ИНСТИТУТИ (ЮНИДИР)** - 1980 йилда қуролсизланиш муаммолари ва у билан боғлиқ халқаро хавфсизлик масалаларига оид мустақил тадқиқотлар олиб бориш мақсадида ташкил этилган. ЮНИДИРнинг асосий ходимлар сони кам бўлгани сабабли, у тадқиқотлар дастурини амалга оширишда кўпроқ аниқ мавзуга тегишли қисқа муддатли битимларга таяниб, иш юритади.

Асосий тадқиқот соҳалари қуйидагилар:

— ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланиш дастурида Осиё жанубидаги ядро сиёсати, ядро материаллар теварагидаги баҳслар ва қуролсизланиш соҳасидаги бошқа масалалар ўрин олган;

— ҳудудий хавфсизлик масалаларини ўрганиш дастури, Яқин Шарқ, Ғарбий Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида бири-бирига ишонч вазиятини юзага келтириш каби лойиҳаларни қамраб олган;

ҳаддан ташқари кўп миқдорда ўқ отиш қуролларининг тўпланишига (ҳудудий ва глобал миқёсда) қарши курашиш чора-тадбирлари, молиявий манбалари, муайян чекловлар қўйиш борасида аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.

Институт давлатлар, жамоат ва хусусий жамғармаларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига молиялаштирилади. Унинг бюджети 1997 йилда 1,2 миллион долларни ташкил этган.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ҚОШИДАГИ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ЮНРИСД)** - 1963 йилда ташкил этилган

мазкур институт тараққиётга таъсир кўрсатувчи ижтимоий муаммолар бўйича тадқиқотлар олиб боради. Институт ҳукуматлар, муассасалар, ташкилот ва тадқиқотчиларнинг иқтисодий-ижтимоий, экологик масалаларга доир сиёсатни кенг ижтимоий қатламлар томонидан яхшироқ тасаввур қилишига имконият яратади.

Ҳозирги вақтда тадқиқотлар қуйидаги мавзулар доирасида амалга оширилмоқда: барқарор тараққиёт жараёнини таъминлашда тадбиркорлик секторининг масъулияти; шаҳар хўжалигини бошқаришнинг ижтимоий истиқболлари; тараққиёт жараёнида гендер масалалари; ривожланаётган мамлакатларда ер ислоҳоти борасида илгари сурилаётган ташаббуслар; ахборот технологиялари ва ижтимоий тараққиёт; ривожланаётган мамлакатларда оммавий туризм; давлат сектори ва тангликни бошидан кечираётган давлатларда ислоҳот.

ЮНРИСДнинг молиявий фаолияти фақатгина ихтиёрий бадалларга таянади. 1997 йил бадаллари тахминан 1,5 миллион долларни ташкил этган. Бадаллар, асосан, Дания, Финляндия, Мексика, Нидерландия, кўшимча маблағлар эса қатор ташкилотлар БМТ муассасалари ва айрим донорлардан тушади. ЮНРИСДнинг бюджети ва тадқиқотлар дастури 11 аъзодан иборат институт кенгаши томонидан тасдиқланади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ОДИЛ СУДЛОВ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МИНТАҚАЛАРАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ЮНИКРИ)** - 1968 йилда ташкил этилган ушбу институт илмий-тадқиқот, ўқув ишлари ва ахборотлар тарқатиш билан шуғулланади. Институт қуйидаги масалалар бўйича манфаатдор мамлакатларга ёрдам кўрсатади:

1. Уюшган жиноятчилик ҳақида ахборот ва холисона илмий маълумотлар тўплаш.
2. Огоҳлантириш услубларини аниқлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида жиноятлар устидан назорат қилиш.
3. Сиёсатни шакллантириш амалий услубларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолаш.
4. Минтақалараро ва миллий миқёсда ўқув

тадбирлари ўтказиш услубларини ишлаб чиқиш.

5. Живоний гуруҳларга оид ҳужжатлар бўйича ўзининг хусусий халқаро маркази орқали ахборот алмашиш.

Аъзо давлатлар, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноят тўғрисида огоҳлантириш ва жиноятни адолатли суд қилиш жамғармасининг илмий ҳамда ўқув юртларидан ихтиёрий тушган бадаллар институтнинг молиявий манбаи ҳисобланади.

**ХАЛҚАРО САВДО МАРКАЗИ** - Жаҳон савдо ташкилоти ҳамда Савдо ва тараққиёт бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конференциясининг халқаро савдони тезкорлик ва омилкорлик билан ривожлантиришда техник ҳамкорлик қилувчи органи ҳисобланади. Халқаро савдо маркази БМТнинг техник маркази сифатида экспортни кенгайтириш ва импорт операцияларини такомиллаштиришда иштирок этиб, тараққиётнинг амалий дастурини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатлар ва иқтисодий ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатлар билан ҳамкорлик қилади.

Марказ БМТ ва Жаҳон савдо ташкилотининг ҳамкорликда ташкил этилган шўъба органи ҳисобланиб, ЮНКТАД орқали фаолият кўрсатади. Бош қароргоҳ тадбирлари БМТ ва Жаҳон савдо ташкилоти томонидан молиялаштирилади. Техник ҳамкорлик дастури БМТ тараққиёт дастури ҳисобига субсидация қилинади ва айрим шахслар, ҳукуматлар ҳамда ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади. Марказ бюджети 1998-1999 йилларда 40,1 миллион долларни ташкил этган.

**НОҲУКУМАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАР БҲЙИЧА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ХИЗМАТИ** - 1975 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади тараққиёт муаммоларини оммалаштириш борасида БМТ билан ноҳукумат ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат. У Женева ва Нью-Йоркдаги қароргоҳда жойлашган бўлиб, ҳаракат дастурини нашр

қилиш, маслаҳат бериш ва мавжуд алоқаларни қўллаб-қувватлаш орқали фаолият юритади.

Хизмат тараққиёт соҳасида иш олиб борувчи БМТнинг барча ташкилотлари, айниқса, амалий фаолият юритувчи муассаса ва дастурлар билан ҳамкорлик қилади.

Мазкур хизмат ҳар йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дастури ва Мувофиқлаштириш бўйича қўмита ҳамда БМТнинг Ахборотлар бўйича бирлашган қўмитасига ҳисобот беради. ЮНКТАД маъмурий раҳбарликни амалга оширса, БМТнинг Тараққиёт дастури унинг энг юқори органи ҳисобланади.

### ИХТИСОСЛАШГАН МУАССАСАЛАР ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАР

**ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ** - 1919 йилда таъсис этилган бўлиб, унинг низоми Версал шартномасининг таркибий қисми эди. 1946 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан алоқадор биринчи ихтисослашган муассаса бўлди.

Халқаро меҳнат ташкилоти жаҳоннинг барча минтақаларида меҳнаткашлар учун ижтимоий адолат тамойилини қарор топтиришга кўмаклашади. У меҳнат шароити ва турмуш тарзини яхшилашга қаратилган халқаро сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқади; халқаро меҳнат стандартларини жорий этади, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган сиёсатни миллий ҳокимиятларга етказиш борасида хизмат қилади; техник ҳамкорликнинг йирик дастурларини ҳаётга татбиқ этишда ҳукуматлар ҳамкорлик қилади; касб тайёргарлиги, бу борадаги таълим беришни амалга оширади.

Халқаро меҳнат ташкилоти қуйидаги уч органдан таркиб топган:

- ҳукуматлар, тадбиркорлар ва меҳнаткашлар вакилларида иборат Халқаро меҳнат конференцияси. У ҳар йили чақирилади. Конференция бюджетини қабул қилиш билан бирга, халқаро миқёсда меҳнат андозаларини белгилайди;
- маъмурий кенгаш йилига икки бор йиғи-

лиш ўтказиши ва халқаро меҳнат ташкилотини бошқаради, дастур ва бюджетни тайёрлайди, халқаро меҳнат андозаларига амал қилинишини назорат қилади.

— халқаро меҳнат бюроси ташкилотнинг доимий ишчи котибияти саналади.

Халқаро меҳнат ташкилоти Италиянинг Турин шаҳрида жойлашган бўлиб, у касбга тайёрлаш ва малака беришга кўмаклашади. Мазкур ташкилотнинг Халқаро ижтимоий-меҳнат тадқиқотлари институти илмий-тадқиқот, форум, ижтимоий сиёсат муаммолари бўйича семинарлар ўтказиш ва ўқув қуролларини етказиб бериш базаси ҳисобланади; аспирантлар, ишга келган олимлар учун дастурлар тузади, у наслр имкониятига ҳам эга. 1969 йили Халқаро меҳнат ташкилоти Нобель мукофоти билан тақдирланган.

Халқаро меҳнат ташкилоти бюджети 1998-1999 йилларда тахминан 481 миллион долларни ташкил этган.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ (ФАО)** - қишлоқларни тараққий эттириш муаммолари ва БМТ тизимида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи етакчи муассаса ҳисобланади. Унинг фаолияти дунё миқёсида камбағалликни камайтириш, озиқ-овқат таъминотини яхшилаш ва унинг хавфсизлигига оид муаммоларни ечиш, барчанинг саломатлигини таъминлаш учун зарур бўлган арзон ҳамда сифатли маҳсулот етказишга йўналтирилган.

ФАО 1945 йил 16 октябрда Квебекда бўлиб ўтган конференцияда таъсис этилган. 1981 йилдан бошлаб ушбу сана ҳар йили Бутунжаҳон озиқ-овқат куни сифатида нишонланади.

ФАОнинг махсус дастури турли мамлакатларда озиқ-овқат танглиги юзага келиши эҳтимоли туғилган ҳолларда ёрдам кўрсатишни назарда тутаяди. ФАО бир вақтнинг ўзида жойларда қарийб 1800 чора-тадбирларни амалга оширади. ФАО ёрдами билан амалга ошириладиган лойиҳаларга муассаса ва давлатларнинг қишлоқ ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ажратган хайрия маблағлари эвазига йилига 2 миллиард доллар сарф-

ланади. ФАО бюджети 1998-1999 йилларда 650 миллион долларни ташкил этди.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ МАОРИФ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТИ (ЮНЕСКО)** - 1946 йилда ташкил топган бўлиб, унинг мақсади инсониятнинг ақл-заковати ва маънавий-ахлоқий бирлигига асосланган барқарорлик ва тинчликни барпо қилишдир. Унинг фаолият доираси маориф, табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар, маданият ва коммуникация соҳаларини қамраб олган.

ЮНЕСКО дастурлари дунё маданияти тараққиётига кўмаклашиш, барқарор ривожланиш орқали инсониятни камолотга йўналтиришдир. У барча инсонларнинг таълим олиш имконига эга бўлиши ва экология соҳасида халқаро илмий дастурлар тузишга кўмаклашади; миллий маданиятларнинг ривожига, дунёвий мерос ҳисобланган бойликларни асраб-авайлаш, ахборотлар оқими ва матбуот эркинлигига ёрдам беради, шунингдек, ривожланаётган давлатларнинг коммуникация имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашади. ЮНЕСКО миллий комиссия, ассоциация, марказ ва клублар кўмагидан фойдаланади. У 395дан ортиқ ноҳукумат ташкилот ва жамғармалар, шунингдек, халқаро ҳамда худудий бирлашмалар билан ҳамкорлик қилади. Доимий бюджет 1998-1999 йилларда 554 миллион долларни ташкил этди.

ЮНЕСКОнинг раҳбар органи барча аъзо давлатларни жамлаган Бош конференциядир, у икки йилда бир марта чақирилади. Конференцияда қабул қилинган дастурларнинг бажарилишини Бош конференцияда сайланган 58 аъзодан иборат ижроия кенгаш назорат этади.

**ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 155-СЕСИЯСИНИНГ ЯҚУНЛОВЧИ МАЖЛИСИДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ СЎЗЛАГАН НУТҚ**

... Биз ядро қуролисиз яшаш тамойилларини эълон қилар эканмиз, айрим қўшни мамлакатларнинг ядро қуролига эга бўлишига интилаётгани, бутун маърифатпарвар инсониятнинг эътирозига қарамасдан оммавий

қиргин қуролларини, жумладан, ядро қуролларини синашни давом эттираётгани бизда хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистон аҳолисида, айниқса, амалда халқаро террорчилик ва диний экстремизм полигонига, дунёвий нарқобизнес марказига айланиб қолган Афғонистонда рўй бераётган веќеалар қаттиқ ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Афғонистондаги урушнинг кенг қулоч ёйиш хавфи одатий тушунчадаги давлатлараро чегаралар бўлмаган Марказий Осиё минтақасида олдиндан кўриб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Афғонистон ҳарбий-сиёсий танглик ўчоғи бўлибгина қолмасдан, айни пайтда қурол ва нарқотик моддалар тарқатиш манбаи, террорчилар, диний экстремистларни тайёрлаш маркази ҳамдир.

**Биринчидан**, биз ЮНЕСКО Бош конференцияси 29-сессиясининг Ипак йўлини ўрганишни давом эттириш ҳақидаги қарорини маъқуллаймиз ҳамда «Шарқу Фарб: Марказий Осиёда Халқаро мулоқот» лойиҳасида фаол эштирок этишга тайёр эканлигимизни билдирамыз. Мазкур лойиҳанинг амалга ошириши минтақамизда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга хизмат қилади, деб қатъий ишонамыз.

**Иккинчидан**, биз ЮНЕСКОнинг «Ҳамма учун умр бўйи таълим» дастурида бундан кейин ҳам иштирок этишдан манфаатдор эканлигимизни маълум қилмоқчиман.

Мустақиллигимизнинг биринчи йиллариданоқ биз таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бердик. Айнан таълим миллий давлатчиликни барпо этиш, маънавий уйғониш, иқтисодий юксалиш йўлида пайдо бўладиган қийинчиликларни енгиб ўтишда одамларга мададкор бўлади.

**Учинчидан**, ўзбек халқининг умумбашарий тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк бобокалонлари, шунингдек, жаҳон тарихи ва маданиятининг дурдоналари саналган шаҳарларнинг тўйларини ЮНЕСКО билан биргаликда ўтказиш борасида сўнгги йилларда талай тажриба тўпладик.

Биз бу ҳамкорликни келгусида ҳам ривожлантиришдан манфаатдормыз. Бу эзгу ишларга ўз халқимизга унинг тарихий хотирасини қай-

тариб бериш имкониятлари билан бир қаторда, инсонпарварлик гояларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қараймыз.

**Тўртинчидан**, мен сизларнинг эътиборингизни бизнинг халқимиз мисолидаги ноёб воқеликка, қимматли тажрибага қаратмоқчи эдим. ЮНЕСКО ёрдамида бу ибратли тажрибани бутун дунёга намойиш этса арзийди. Бу – турли динга мансуб бўлган халқларнинг кўп миллатли давлат шароитида ҳам тинчлик ва тотувликда яшай олиши тажрибасидир.

**Бешинчидан**, бизнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигимиз экологик муаммоларни ҳал этишда ҳам яхши самара бериши мумкин.

Бутун, ХХІ аср бўсағасида экологик хавфсизлик, инсон билан табиат муносабатларини тўғри йўлга солиш муаммолари ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Зеро, бу муаммонинг ечилиши барча халқларнинг манфаатларига дахлдордир, жаҳон цивилизациясининг бугуни ва келажакки кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, умуминсоният дардига айланди. Шу боисдан уни фақат халқаро ҳамкорлик асосидагина ҳал этиш мумкин.

1998 йил 6 ноябрь.

### **БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИ ТАШКИЛОТИ (ЮНИДО)**

– Бош ассамблея томонидан 1966 йилда таъсис этилган. 1985 йилда у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноат тараққиёти ва ҳамкорликка кўмаклашувчи махсус муассасасига айланди. Ҳозирги вақтда унинг таркибида 168 аъзо давлат бор. Икки йилда бир марта чақириладиган бош конференция унинг бюджети ва иш дастурини тасдиқлайди ҳамда бош директорни тайинлайди.

ЮНИДО фаолияти икки йўналиш бўйича амалга оширилади:

- 1) саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш;
- 2) экологик хавфсизлик ҳамда барқарор саноат тараққиётини таъминлаш.

Мазкур фаолиятни амалга ошириш учун

ЮНИДО Венада технология ва экология соҳасида муҳандислик, иқтисодчи мутахассислиги бўйича иш ўринларига, шунингдек, инвестицияларга кўмаклашадиган ва маҳаллий бўлимларида хизмат бюрolari, профессионал ходимларига эга. ЮНИДОнинг 1998-1999 йилларда тасдиқланган бюджети 129,5 миллион долларни ташкил этган. ЮНИДО лойиҳалари, асосан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури маблағлари эвазига амалга оширилади.

**ЖАҲОН ОЗИҚ-ОВҚАТ ДАСТУРИ** – дунё миқёсида озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш бўйича катта, кўпқиррали ташкилот бўлиб, 3 миллион тоннага яқин маҳсулотни тақсимлаш учун масъулдир.

1963 йилда ташкил топган Озиқ-овқат дастурига ривожланаётган давлатларнинг камбағал аҳолисига ёрдам кўрсатиш ва жаҳонда очлик ҳамда ночорликка қарши курашиш вазифаси юклатилган. У иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга эришиш учун озиқ-овқат ёрдами кўрсатишдан фойдаланади. Фавқулодда вазиятларда, табиий ёки одамлар фаолияти туфайли келиб чиққан талофат қурбонлари, урушдан жафо чекканларга шопилинч ёрдам кўрсатади. Унинг етмиш фоиз ресурслари фавқулодда ёрдам кўрсатишга сарф этилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, Жаҳон озиқ-овқат дастури ёрдамидан дунёда 50 миллион киши фойдаланади.

Жаҳон озиқ-овқат дастури ходимлари 4.115 кишини ташкил этади, шундан 1.525 ходим турли жойларда, 581 киши бош қароргоҳда, қарийб 2180 киши, асосан, фавқулодда операциялар билан машғул бўлиб, вақтинчалик хизмат қилаётган ходимлардир. 1997 йилда 84 мамлакатдаги 53 миллион киши учун 2,7 миллион тонна озиқ-овқат етказиб берилган.

Етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотининг асосий қисмини турли мамлакатларнинг хайр-эҳсони ташкил этса, 300 миллион долларлик маҳсулот жамоалар ва айрим шахслардан тушган нақд пулга сотиб олинади. Жаҳон озиқ-овқат дастури ривожланаётган мамлакатлардан БМТ тизимидаги энг йирик хизматлар ва озиқ-овқат сотиб олувчи ҳисобланади. 1997 йилда Жаҳон озиқ-овқат дасту-

ри 323 миллион долларга озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилган.

Жаҳон озиқ-овқат дастури сиёсий ва озиқ-овқат ёрдами бўйича 42 аъзодан ташкил топган қўмита томонидан бошқарилади.

Қўмита таркибининг ярми иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, қолган қисми эса БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан тайинланади. Қўмита йилига икки марта йиғилади.

**ҲАВОВА АВИАЦИЯСИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ (ИКАО)** – бир мамлакатдан иккинчисига бўладиган парвозлар хавфсизлигини таъминлашга масъул халқаро ташкилот. 1944 йилда ташкил этилган бу ташкилот ҳаво транспортининг мунтазам, самарали ва ишончлилигини таъминлаш учун зарур бўлган халқаро қоида ҳамда андозаларни белгилайди. Ташкилот ўз таркибига кирган 185 давлат авиациясининг барча соҳадаги ҳамкорликларига воситачилик қилади.

ИКАОнинг олий органи Ассамблея бўлиб, унга шартномага имзо чеккан 185 давлат делегатлари киради. У 33 мамлакат вакилларидан иборат кенгашни сайлайди. Ассамблея камидан уч йилда бир марта чақирилиб, ИКАО вазифасини белгилаб олади ва кенгашга тақдим этиладиган барча масалаларни кўриб чиқади. Кенгаш ИКАОнинг ижроия органи саналиб, Ассамблея қарорларини амалга оширади.

ИКАО бюджети 1998 йилда 54,5 миллион долларни ташкил этган.

**ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ АССОЦИАЦИЯСИ** – иқтисодий аҳволи ночор давлатларга имтиёзли молиявий кўмак беради. Ассоциацияни бошқариш Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки зиммасига юклатилган.

Халқаро тараққиёт ассоциацияси қарзлари кредит сифатида аҳоли жон бошига йиллик даромад 925 доллардан кам бўлган мамлакатларга берилади. Фоизсиз кредитлар 35-40 йил муддатга берилади, маъмурият харажатларини қоплаш учунгина ушлаб қолинадиган улуш бундан мустасно. Асосий маблағ 10 йиллик имтиёз даври ўтганидан сўнг тўлана бошланади.

Халқаро тараққиёт ассоциациясининг асосий ресурсларини донор-ҳукуматларнинг бадаллари ташкил қилади. Ушбу бадаллар, асосан, ассоциациянинг молиявий жиҳатдан қудратли аъзоларидан тушади, аммо донор-мамлакатлар орасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарзларини оладиганлар ҳам бор. Ҳар уч йилда донорга Халқаро тараққиёт ассоциацияси захираларини «тўлдириш» учун мурожаат этилади.

1997 бюджет йилида Халқаро тараққиёт ассоциацияси тўловлари 5,979 миллиард долларга етди. 50 мамлакат учун деҳқончилик, соғлиқни сақлаш, сувни тозалаш ва бошланғич маълумот олиш соҳалари учун 100та лойиҳа тасдиқланди. Халқаро тараққиёт ассоциацияси кўпгина маблағини экологик, шунингдек, хотин-қизлар аҳволи билан боғлиқ лойиҳаларга сарфлайди.

### **ХАЛҚАРО МОЛИЯ КООРПОРАЦИЯСИ**

акционерлик капиталини молиялаштиришнинг кўпқиррали йирик манбаи сифатида ўз маблағларини ривожланаётган мамлакатлар хусусий сектори лойиҳаларига йўналтиради. Инвестиция сиёсатида коорпорация уч асосий тамойилга эътибор қаратади.

— лойиҳаларга хусусий сармоялар ва кўшимча маблағларни жалб этишга ҳаракат қилади;

— хусусий сектор билан ҳамкорликда даромад келтирувчи корхона тузиш учун тижорат ишларида иштирок этади;

— салмоқли ютуқ келтириши мумкин бўлган лойиҳаларгагина маблағ қўйишга интилади.

Халқаро молия корпорацияси молиявий қуввати ва обрўсига таянган ҳолда, асосан, молия бозорларидан ўзлаштирилган маблағлар эвазига молиялаштирилади.

Бутунжаҳон банки гуруҳида у алоҳида ўрин тутди. 1997 бюджет йилида директорлар кенгаши 6,7 миллиард доллар миқдоридagi 276 лойиҳани тасдиқлаган.

### **КўПҚИРРАЛИ ИНВЕСТИЦИЯ КАФОЛАТИ АГЕНТЛИГИ**

— ривожланаётган мамлакатларга хусусий чет эл капиталининг кириб келишини рағбатлантириш учун тузилган бўлиб, шу билан бирга, у мамлакатлардаги сиёсий хавф-хатарни юмшатиш воситаси ҳам-

дир. Вазиятни юмшатишга чет эл инвесторларига кафолат бериш, суғурталаш йўли билан эришилади.

Агентликка 145 аъзо мамлакатлардан тушадиган маблағ миқдори 1 миллиард доллардан ошади. Яна 19 ривожланаётган, ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакат инвестиция кафолати бўйича агентликка аъзо бўлиш талабларини бажаришга киришган.

Агентлик ривожланаётган давлатларга инвестиция оқимини йўналтирган ҳолда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бугунги кунда у 15 миллиард доллар миқдоридagi чет эл инвестициясини 40 та ривожланаётган мамлакатга жойлаштиришга ёрдамлашди.

### **ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАЛАРИ ИТТИФОҚИ**

— 1865 йилда Парижда тузилган Халқаро телеграф иттифоқи (у 1934 йилдан шундай аталади) 1947 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус муассасаси ҳисобланади.

Иттифоқ қуйидаги соҳаларда иш олиб боради:

— техник соҳада электр алоқалари (телекоммуникация) воситаларининг ривожланиши ва улардан самарали фойдаланиш, ушбу воситаларнинг такомиллашувига кўмаклашиш ва дунё миқёсида қулай ҳамда арзон бўлишини таъминлаш;

— ривожланаётган мамлакатларга электр алоқаси доирасида техник ёрдам бериш, бу соҳа тараққиёти учун зарур бўлган молиявий ва инсон ресурсларини жалб этиш, жамики инсонларнинг янги ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланишига кўмаклашиш;

— сиёсат соҳасида электр алоқасининг жаҳон ахборот тизими ва жамиятдаги муаммоларга халқаро миқёсда кенг ёндашувнинг шаклланишига кўмаклашиш.

Мазкур иттифоқ 188 аъзо давлатдан таркиб топган, шунингдек, унга 482 илмий муассаса ва саноат корхоналари, иш ва хусусий телефон, телеграф, радиоэшиттириш компаниялари, ҳудудий ва халқаро ташкилотлар аъзо бўлган.

Олий органи — ваколат конференцияси тўрт йилда бир марта чақирилади ва Халқаро электр алоқалари иттифоқи кенгаши томонидан сай-

## ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

ланади. Кенгаш 46 аъзодан иборат бўлиб, ҳар йили мажлисга тўпланади.

Иттифоқнинг 1998-1999 йиллардаги бюджети 22,7 миллион долларни ташкил этган.

**ХАЛҚАРО ДЕНГИЗЛАР ТАШКИЛОТИ (ИМО)** - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кемалар қатнови хавфсизлиги ва океанларнинг тозаллиги масаласи билан шуғулланадиган ягона муассасаси 1959 йилдан иш бошлаган.

Ташкилотнинг бош вазифаси – денгизда энг юқори даражадаги хавфсизликка эришиш ва кемаларни бошқариш маҳоратини ошириш учун ҳукуматларнинг халқаро қатновнинг техник масалалари бўйича ҳамкорлигига ёрдам бериш. У денгиз худудини қўриқлаш, унинг кема ва бошқа сув транспорт воситалари томонидан ифлосланишининг олдини олишга қўмақлашади.

Мазкур ташкилот томонидан ишлаб чиқилган, хусусан, денгиздаги ҳаётни муҳофаза қилиш, унинг ифлосланишига йўл қўймаслик, денгизчиларни тайёрлаш ва аттестация қилиш, денгиздаги тўқнашувлар олдини олиш бўйича халқаро конвенция ҳамда бошқа тавсиялари ҳукуматлар томонидан қабул қилинган.

1989 йилда Валлеттеда (Мальта) ташкил этилган ИМОнинг Халқаро денгизлар ҳуқуқи институти ушбу соҳа бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди.

1989 йилда Триестда (Италия) тузилган ИМОнинг Халқаро денгизлар академияси денгиз мутахассислари бўйича турли фанлардан қисқа муддатли курслар ташкил этиш билан шуғулланади.

1983 йилда ИМО томонидан Мальмеда (Швеция) тузилган Халқаро денгизлар университети бошқарувчилар, ўқитувчилар ва ушбу соҳанинг турли йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди.

ИМОнинг раҳбар органи аъзо давлат вакиллари билан иборат ассамблея ҳисобланади. У икки йилда бир марта чақирилади. Ассамблея 32 кишидан иборат кенгаш сайлайди. Кенгаш ИМОнинг ижроия органи ҳисобланади.

ИМОнинг бюджети 1997-1998 йилларда 58 миллион долларни ташкил этган. Ташкилот штатида 300 киши хизмат қилади.

**ДАВОС ФОРУМИ** - Цюрих университети профессори Клаус Шваб томонидан 1971 йилда асос солинган. Форум норасмий дипломатик музокаралар ўтказиш ва савдо келишувлари тузиш учун учрашувлар ўтказиладиган қулай ва бетакрор институтдир. Унинг ҳар йили бир ҳафта давом этадиган анжуманига бутун дунёдан мингдан ортиқ бизнесмен, йирик корхона ва фирма раҳбарлари, эксперт ва банкирлар, сиёсий ва касба уюшмалари арбоблари тўпланади. Форум иштирокчилари 20 минг кириш бадали ва 8 800 швейцария франки миқдордаги йиллик бадални тўлайди.

**ЖАҲУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ (АСЕАН)** - 1967 йилда ташкил этилган халқаро ташкилот бўлиб, Ассоциациянинг шартномавий тарзда ташкил этилиши 1976 йилда Жаҳуби-шарқий Осиё давлатлари томонидан дўстлик шартномаси ва АСЕАН декларацияси имзолангандан кейингина юз берди. Ушбу ҳужжатларга таянган ҳолда ассоциация минтақа давлатлари ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, Жаҳуби-шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Унга Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин, Бруней, Лаос, Мьянма (Бирма), Вьетнам ва Камбоджа давлатлари киради. 1996 йилда Россия ва Хитойнинг тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида АСЕАНга қабул қилингани ҳақида қарор қабул қилинди. Шу билан бирга, унинг доимий ҳамкорлари сирасига АҚШ, Австралия, Япония, Жаҳубий Корея, Канада, Янги Зеландия ва Европа Иттифоқи киради. Ассоциация котибиятининг қароргоҳи Жакартада (Индонезия) жойлашган.

**ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТЛАРИ** - Ғарбий Европа давлатлари томонидан таъсис этилган Европа Иқтисодий ҳамжамияти (ЕЭС), Европа қўмир ва пўлат иттифоқи (ЕОУС) ва Атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти (ЕВРАТОМ) ташкилотларининг умумий номи. Бу ҳамжамия-

ятлар 1951-1957 йиллар мобайнида ташкил этилган ва умумий қоидаларни ўрнатишдан бошлаб, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик борасида бир неча тараққиёт босқичларини босиб ўтган.

**ЕВРОПА КЎМИР ВА ПЎЛАТ ИТТИФОҚИ** - 1951 йилда Ғарбий Европа мамлакатлари пўлат ва кўмир захираларини бирлаштириш мақсадида ташкил этилган.

**ЕВРОПА КЕНГАШИ** - Европа давлатларини бирлаштирувчи минтақавий халқаро ташкилот. Ҳозирги кунда 40 давлат Европа Кенгашининг аъзоси ҳисобланади. Шарқий Европанинг Болгария, Венгрия, Чехия, Словакия, Словения, Латвия, Литва ва Эстония каби давлатлари шулар жумласидандир. Россия Европа Кенгашига 1996 йилда қабул қилинган. Европа Кенгаши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократияни чуқурлаштириш, асосий ҳуқуқий, таълим, ахборот, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, соғлиқни сақлаш каби масалаларда Европанинг барча давлатларини яқинлаштириш ва ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган.

**ЕВРОПА КОМИССИЯСИ БИРЛАШМАСИ** - ўз ичига собиқ ЕИХ ва Евроатомни қамраб олган ушбу ташкилот Европа давлатлари доирасида қабул қилинган қарорларни амалга оширилишига кўмаклашиш ҳамда мавжуд муаммоларни ечиш борасида турли ташаббусларни илгари суришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Европа парламенти қонунларни (ЕИ Кенгаши таклиф этган қонун ва таклифларни) маъқуллаш, рад этиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш ваколатига эга.

**ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ** - Ташкилотнинг фаолияти 1975 йилда Хельсинкида имзоланган Яқунловчи ҳужжат, 1990 йилда Парижда қабул қилинган Янги Европа учун Хартия, 1992 йилда Хельсинкида қабул қилинган декларация каби ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бугунги кунда ЕХХТ таркибига жўғрофий жиҳатдан Ванкувердан Владивостоккача бўлган ҳудудда жойлашган 55 мамлакат аъзо

бўлган. ЕХХТ орган ва институтлари ўзаро ҳамкорлик асосида тинчликни мустаҳкамлаш, қуролланиш устидан назорат олиб бориш, превентив дипломатия, ишонч ва тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, сайловларда кузатувчиликни амалга ошириш, иқтисодий ва экологик хавфсизлик каби масалалар доирасида фаолият юритади. Унинг фаолиятида иштирок этувчи барча давлатлар бир хил мақомга эга ва қарорлар консенсус асосида қабул қилинади. Венада ҳар йили ЕХХТга аъзо давлатлар делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтади. Ҳар ҳафтада бир марта тўпланадиган Доимий Кенгаш сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашув ўтказадиган ва қарор қабул қиладиган органдир. Венада, шунингдек, қуролланиш устидан назорат ўрнатиш, ўзаро ишонч ва тинчликни мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланадиган хавфсизлик йўлида ҳамкорлик форуми (у Европада оддий қуролли кучлар бўйича шартноманинг бажарилиши билан шуғулланади), кўшма маслаҳат гуруҳи ва Очиқ осмон бўйича маслаҳат комиссиясининг йиғилишлари ўтказилади. Ушбу органларнинг мажлислари билан бир қаторда бир йилда уч марта Прага шаҳрида раҳбарлик кенгаши доирасида аъзо давлатлар сиёсий департаментлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтади. Бундан ташқари, ҳар йили ташқи ишлар вазирлари иштирокида Вазирлар кенгаши, ҳар икки йилда бир марта Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида барча давлат ҳамда ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари ўтказилади. ЕХХТ таркибий жиҳатдан бир неча институтлардан иборат. Венада ташкилотнинг кундалик фаолиятини таъминловчи котибият жойлашган. Унинг Прагада ҳам кичик бўлими бор.

2005 йил 16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Оқсарой қароргоҳида ЕХХТнинг амалдаги раиси, Словения Ташқи ишлар вазири Д. Рупелни қабул қилди. Бугунги кунда ЕХХТга раислик қилаётган Словения Ташқи ишлар вазири билан бўлиб ўтган суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестицион, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш каби ижтимоий соҳага доир алоқаларни янада ривожлантириш, транспорт, коммуни-

кация, саноат юзасидан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш асосий масала бўлди. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг нафақат Словения билан, балки бугунги кунда ушбу мамлакат раислик қилаётган ЕХХТ бошқа давлатлари билан ҳам муносабатларни, барча соҳадаги алоқаларни ривожлантириш фоятда устувор масала эканлиги таъжидланди.

## ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БЮРО - сайловларда кузатувчилик вазифасини бажаради ва миллий сайлов органларининг шаклланишига кўмаклашади;

— инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ривожланишига кўмаклашади ва техник ёрдам кўрсатади;

— турли мамлакатларда нодавлат ташкилотларнинг ташкил этилиши ва фуқаролик жамиятининг шаклланишига ёрдам беради;

— Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти инсон ҳуқуқлари аҳволини ўрганади, сайлов кузатувчилари ва журналистларни тайёрлайди;

— Доимий кенгашнинг топшириғига биноан семинарлар ўтказишда техник ёрдам кўрсатади ва ташкилот махсус лойиҳаларининг амалга оширилишига кўмаклашади.

Мазкур бюро Варшавада жойлашган. Шунингдек, низоларнинг олдини олиш ва барҳам топишида ЕХХТнинг кам сонли миллатлар бўйича олий комиссари институтининг ўрни бекиёсдир. Олий комиссар низоларнинг иложи борича барвақт таҳлил қилиниши ва бартараф этилиши чораларини кўради, маслаҳатлар ўтказиш ва тавсиялар бериш йўли билан низолашаётган томонларни тўқнашувларга бормасликка чақиради. ЕХХТнинг амалдаги раиси ижроия фаолиятининг амалга оширилиши учун жавобгар. Мазкур лавозим ротация асосида бир давлатдан бошқасига бериб борилади: 1998 йилда Польша, 1999 йилда Норвегия вакили ушбу лавозимда фаолият юритган. Раис ўз фаолиятида ўзидан ташқари собиқ ва бўлажак раислардан иборат Учликка таянади. ЕХХТ Бош котиби ташкилот операциялари тузилмалар фаолиятини бошқаради. ЕХХТ Низомига кўра, мазкур ташкилот Европадаги низоларнинг олдини

олиш ва ечимини топиш мақсадида минтақавий ташкилот сифатида фаолият юритади. Ушбу ташкилотнинг Босния ва Герцоговина, Македония, собиқ Югославия Республикаси, Грузия, Латвия, Молдова, Тожикистон, Украина, Хорватия ва Эстонияда миссиялари очилган. Ташкилот, шунингдек, 1994 йили Венада қабул қилинган ҳужжатга таянган ҳолда, оддий қуроолларни назорат қилиш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш борасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга интилади. Мазкур ташкилот доирасида демократик жамиятда қуроолли кучларнинг ўрнини белгиловчи тамойиллар ифодаланган фаолият кодекси қабул қилинган. Бундан ташқари, ташкилот томонидан тортишувларни ҳал этишнинг бир қанча механизмлари ҳам ишлаб чиқилган. ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг ҳар йили ўтказиладиган сессияларида ташкилот фаолиятига тегишли масалалар муҳокама этилади ҳамда минтақада хавфсизлик ва ҳамкорликни кучайтириш борасида декларация, тавсия ва таклифлар тайёрланади. Парламент Ассамблеяси котибияти Копенгагенда (Дания) жойлашган. Ташкилот томонидан Женевада Арбитраж ва ярашиш суди ҳам таъсис этилган. Арбитраж ва ярашиш конвенциясини имзолаган давлатлар Арбитраж трибунали ёки Яраш комиссияси доирасидаги низоларни судда кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин. Ташкилот, шунингдек, Европа Иттифоқи ташаббуси билан қабул қилинган Барқарорлик пактининг сақловчиси ҳамдир. Мазкур ташкилот 1990 йилга қадар, асосан, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқадиган ва уларнинг бажарилишини мунтазам назорат қиладиган конференция ва кенгашлар сифатида фаолият олиб борган эди. 1990 йилда олий даражадаги Париж учрашувидан сўнг унинг фаолиятида туб ўзгариш юз берди. Янги Европа учун Париж хартиясига Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти олдига Европадаги тарихий жараёнларни бошқаришга ўз ҳиссасини қўшиш ва «совуқ уруш» тугаганидан кейинги даврда юзага келган янги талабларга мос равишда фаолият юритиш вазифаси қўйилди. Уни бажариш мақсадида бир неч-

та институт ва муассасалар ташкил этилди, учрашувларнинг узлуксизлиги ва самарадорлигини йўлга қўйилди.

1990 йилнинг ноябрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти фаолияти доирасида қуролланишни назорат қилиш борасида муҳим битим - Европада оддий қуролли кучлар бўйича шартнома ишлаб чиқилди.

Кенгаш фаолиятининг кейинги босқичида (1990-1999 йиллар) учрашувлар доимий тус олиб, қатор таркибий бўлинмалар ташкил этилди ва «совуқ уруш» тугаганидан кейинги даврда минтақадаги муаммоларни ечиш тамойили ва механизмлари ишлаб чиқилди. Бугунги кунда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Европада хавфсизликни таъминлаш жараёнида етакчи ўрин тутаяди. Мазкур ташкилот ўзининг бу борадаги саъй-ҳаракатини янада кучайтириб, кўплаб халқаро, минтақавий ва нодавлат ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси ва ЕХХТ ҳамкорлиги.**

Ўзбекистон 1992 йил январдан буён ЕХХТнинг аъзоси ҳисобланади. 1995 йил Тошкентда ЕХХТнинг минтақавий ваколатхонаси - Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқа бюроси очилди. Бюро ўз фаолиятини дастлабки йиллардан оқ инсон ҳуқуқлари, демократик институтларни ривожлантириш, қонун устуворлиги каби масалаларга қаратди. 1999 йилдан бошлаб, яъни Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ЕХХТ ваколатхоналари ташкил этилгандан кейин Тошкентдаги Бюронинг номи «ЕХХТ Маркази» деб ўзгартирилди ва фаолият қамрови ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ҳамда инсон масалалари билан кенгайди.

1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон ЕХХТ аъзолари диққатини, Европадан ташқаридаги хавфларга қаратишга, шу жумладан, уларни Афғонистондан келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар тўғрисида огоҳлантириб келди.

1999 йилда Истанбулда ўтказилган ЕХХТ саммитида Ўзбекистон Президенти терроризмга қарши Халқаро марказ ташкил этиш гоёсини илгари сурди.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари ЕХХТнинг минтақадаги фаолияти йўналишига жиддий

таъсир кўрсатди. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан, ЕХХТ ҳам халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик ва қуролларнинг ноқонуний тарқалиши сингари хавфларнинг жиддийлиги тўғрисидаги Ўзбекистон билдирган хавотирни ҳақиқатан ҳам долзарб эканини тан олди. Бу фикрлар ОБСЕнинг турли анжуманларида, шу жумладан, 2001 йилда Бухарест ва Портода бўлиб ўтган форумларида қайд этилди.

Кейинги пайтларда ЕХХТ чегаралар хавфсизлиги, ноқонуний инсон ва қурол савдоси, терроризмнинг молиялаштирилиши, милиция кучларини қайта ўқитиш, қонунчиликни тақомиллаштириш сингари масалаларга урғу бермоқда.

2000-2004 йилларда ЕХХТнинг Тошкент Маркази томонидан чегара ва божхона хизматчиларини қайта ўқитиш бўйича қатор семинарлар, ўқотар ва енгил қуролларнинг ноқонуний савдоси бўйича семинарлар ва ЕХХТнинг иқтисодий форумига тайёргарлик семинари ўтказди.

Иқтисодиёт ва экология соҳасида ўтказилаётган тадбирларга келганда, қишлоқ жойларда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, ёшлар ва аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, «Маҳалла ва теварак-атрофни ҳимоя қилиш», туризмни ривожлантириш каби лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2004 йил 5 апрелда Тошкентда Марказий Осиё ва Афғонистонда таълимни ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

17 сентябрда миллий озчиликлар масалалари бўйича ЕХХТ Олий комиссари билан биргаликда Бухоро шаҳрида кўпмиллатли жамиятларда таълим ва интеграция муаммоларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Бундан ташқари, 1-5 ноябрда Тошкент вилояти (Чорвоқ комплекси)да таълим соҳасида Марказий Осиё ёшлари ўртасида ҳамкорлик ва алоқаларни ривожлантиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

2004 йилда ЕХХТ билан асосий ҳамкорлик икки палатали парламент сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича бўлганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. ЕХХТ вакиллари сайловолди даври мобайни-

да уч маротаба Ўзбекистонга ташриф буюришди. Ташрифлар чоғида Олий Мажлис, МСҚ, сиёсий партиялар, ТИВ, нодавлат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

### **ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ИСТАМБУЛ САММИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ СЎЗЛАГАН НУТҚИ**

...Янги хавфсизлик Хартияси лойиҳасини муҳокама этар эканмиз, қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман:

1. ЕХХТ минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё бўйича минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда янада фаолроқ бўлиши лозим.

Бу ўринда ЕХХТ масъулияти остидаги минтақаларда барқарорлик ва тинчликни издан чиқаришга қодир бўлган ташқи таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур.

2. ЕХХТ ва унинг тузилмалари томонидан инсон турмушини тобора яхшилаш масалаларига берилаётган ниҳоятда катта эътибор, айниқса, демократик янгиланиш йўлига кирга янги мустақил давлатлар учун ўта муҳим ва зарур эканига шак-шубҳа йўқ.

Шу билан бирга, мазкур ташкилотнинг асосий мақсадини ҳисобга олган ҳолда, ЕХХТнинг фаолияти халқаро зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган халқаро орган сифатидаги вазифаларини аниқ белгилаб олиш, шунингдек, унинг иқтисодиёт ва экология соҳаларида тутган ўрнини мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бу вазифаларни амалга оширишда АҚШнинг ЕХХТ доирасида Тезкор фуқаролик корпусини (REACT) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўл келиши мумкин.

3. Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга

қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим.

1999 йил 18 ноябрь.

**ЕВРОПА ИТТИФОҚИ (ЕИ) (ЕС)** – минтақавий ҳукуматлараро ташкилот сифатида 1951 йил Париж шартномасига (Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия) кўра ташкил этилган, умумий божхона ҳудудига эга бўлган Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕЭС ёки Умумий бозор) ва Атом энергияси бўйича Европа жамиятини таъсис этган (Евроатом). 1972–1986 йилларда бу иттифоққа Буюк Британия, Дания, Ирландия, Греция, Испания ва Португалия сингари давлатлар қўшилди. 1986 йил февралда 12 давлат ягона Европа актига имзо қўйди. Унинг мақсади давлатлар интеграцияси жараёнини тезлатиш ва Европа Иқтисодий Ҳамжамияти – ЕЭСнинг жаҳон бозоридаги иқтисодий ўрнини кучайтириш эди. Ниҳоят 1992 йил 7 февралда Маастрихтда (Нидерландия) ЕИ аъзолари ички ишлар, судлов ҳуқуқи, хавфсизлик ва ташқи сиёсатга оид битимлар мажмуасини имзолади, шунингдек, 2000 йилдан ягона валюта – экюни муомалага киритишни назарда тутган ягона пул сиёсати бўйича келишиб олди. Ҳозирги вақтда 15 давлат унга аъзо, 1995 йил 1 январдан унинг таркибига Австрия, Финляндия ва Швеция киргани ҳақидаги шартнома кучга кирди. ЕИ тузилмавий жиҳатидан қуйидаги институтлардан ташкил тошган.

**ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАШКИЛОТИ** – ИХТТни таъсис этиш ҳақидаги Париж конвенцияси асосида, иқтисодий жиҳатдан қашшоқ мамлакатларни тараққий эттириш ва халқаро савдониважландириш мақсадида тузилган (1961 йил 30 сентябрь). Бу ХСТ Европа иқтисодий ҳамкорлиги (ОЕЭС)нинг, яъни 1948 йил Фарбий Европани Иккинчи жаҳон урушидан кейин қайта тиклаш жараёнини мувофиқлаштириш учун тузилган ва “Маршалл планига” кўра, Америка ёрдамидан тўлақонли фойдаланиш мақсадида тузилган ташкилотнинг ворисидир. 29 та аъзо давлатни ўз ичига олади. Улар

орасида собиқ Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ОЕЭСнинг) 18 аъзоси бор: Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Исландия, Испания, Италия, Люксембург, Норвегия, Португалия, Туркия, Франция, ГФР, Швейцария ва Швеция. Қайд этилган мамлакатлардан ташқари асос солинган даврдан бошлаб АҚШ, Канада, Австралия (1971 йил), Венгрия (1966 йил), Польша, Мексика (1994 йил), Янги Зеландия (1973 йил), Корея Республикаси (1996 йил), Финляндия (1994 йил), Чехия Республикаси (1995 йил), Япония ҳам ушбу ташкилот аъзосидир. Россия ва ОЭСР ўртасида ҳамкорлик ҳақида Декларация, имтиёзлар ва иммунитетлар ҳақидаги битим 1994 йилда имзолаган. Россия Федерацияси ва Словакия ОЭСРга аъзо бўлиш учун ариза берган.

Дунё бойликларининг 60%идан кўпрогини ишлаб чиқарадиган ОЭСРнинг бош мақсади – молиявий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, шунингдек, халқаро савдо алоқаларини кенгайтириш ҳамда жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашдан иборат.

**ИНТЕРПОЛ** – 1919 йилда тузилган, оғир жиноятларга қарши биргаликда курашиш учун ташкил этилган жинорий полициянинг халқаро ташкилоти бўлиб, замонавий кўринишда у 1956 йилдан, яъни янги низоми қабул қилингандан сўнг фаолият кўрсатмоқда. 160га яқин давлат Интерполнинг аъзоси ҳисобланади. Унинг мақсади қуйидагилар деб эълон қилинган: 1) барча аъзо давлатлар полиция органларининг кенг миқёсдаги ҳамкорлигини таъминлаш; 2) жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш муассасаларини ривожлантириш; 3) сиёсий, ҳарбий, диний ёки миллатчилик кўринишидаги бирон фаолиятни амалга оширишга рухсат бермаслик. Интерполнинг доимий ишчи органи бош котибиятдир. Интерпол билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни таъминлаш учун ҳар бир давлат миллий марказий идора ташкил этади. Штаб квартираси Лионда (Франция) жойлашган. Ўзбекистон 1993 йилдан буён Интерполнинг аъзоси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошида

Интерполнинг бош бошқарма мақомига эга бўлган миллий марказий идораси ташкил этилган.

**ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЕВРОПА КОМИССИЯСИ** – инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳимояси ҳақидаги Европа конвенцияси Европа Кенгаши томонидан 1950 йил 4 ноябрда қабул қилинган ва 1959 йилда мос равишда ташкил этилган Европа Кенгаши органи. Мазкур Комиссия Европа Кенгаши Бош котибига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши ҳақидаги шикоятларни кўриб чиқариш ва уларни рад этиш ёки Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига бериш тўғрисида қарор чиқаради. Европа комиссияси шикоятни тан олинган халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос равишда, ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлингач, олти ой муддат ичида кўриб чиқиш учун қабул қилиши мумкин. Европа Комиссияси котибиятининг фаолияти Европа Кенгаши Бош котиби томонидан бошқарилади.

**КОСМИК ФАЗОДАН ТИНЧЛИК МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИШ ҚЎМИТАСИ** – 1959 йилда ташкил этилган БМТ Бош ассамблеясининг ёрдамчи органи. Космик фазодан тинчлик мақсадида фойдаланиш ва уни тадқиқ этишнинг илмий-техник ва ҳуқуқий масалалари билан шуғулланади, шунингдек, космосни ўзлаштириш бўйича халқаро ҳамкорликнинг асосий мувофиқлаштириш органи вазифасини бажаради. Қўмита таркибига дунёнинг барча минтақаларига мансуб 53 давлат киради. Ўз фаолияти давомида қўмита халқаро космик ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиши 5 шартномани ишлаб чиққан.

**ИРҚИЙ КАМСИТИЛИШНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎМИТА** – ирқий камситилишнинг барча шакллари бартараф этиш бўйича халқаро конвенцияга (1966) биноан, 1969 йилда ташкил этилган. Қўмита 4 йил муддатта конвенциянинг иштирокчи давлатлар фуқаролари орасидан сайланган 18 экспертлардан ташкил топган. Қўмита ҳар йили БМТ Бош котиби орқали БМТ Бош ассамблеясига ўз фаолияти ҳақида маъруза ва тегишли тавсиялар тақдим этади.

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА** - фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Халқаро пакт ҳамда иштирокчи давлатларнинг пакт низомини бажаришини назорат қилиш, ушбу пактга оид баённомага мувофиқ, 1976 йил сентябрда ташкил этилган. Қўмита 18 аъзо давлат фуқаролари экспертларидан иборат. Уларнинг ваколати 4 йил этиб белгиланган. Қўмита ўзининг сессияларида (йилига 3 та сессия) Пакт томонидан тан олинган ҳуқуқларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича иштирокчи давлатларнинг амалга оширган чоралари ҳақидаги даврий маърузаларни, шунингдек, аъзо давлатлар фуқаролари бўлмиш алоҳида шахслар ҳуқуқларининг бузилганини таъкидловчи ҳолатларини ҳам кўриб чиқади. Қўмитанинг барча қарорлари тавсия кўринишида бўлиб, аъзо давлатлар учун мажбурий кучга эга эмас. Қўмита ҳар йили БМТ Бош ассамблеясига ўз фаолияти ҳақида маъруза тақдим этади.

**МДҲДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ** - МДҲ низомига (1993) кўра тузилган. Комиссия Хамдўстлик давлатларидан инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳақида шикоятлар ҳамда шахсий арзномаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш масалалари билан шуғулланади.

**БМТНИНГ ДЕНГИЗ ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИ** – денгиз ҳуқуқини кодификация қилиш ва шу асосда жаҳон океанининг ягона халқаро ҳуқуқий тартиб-қоидаларини белгилаш мақсадида БМТ томонидан ўтказиб келинади. Улар халқаро денгиз ҳуқуқи ривожланишига яқин ясаб, территориял сувлар, континентал шельф ва очиқ денгизнинг халқаро ҳуқуқ тартиботи, халқаро ҳамкорликнинг бу борадаги тамойиллари асосларини шартнома тарзида мустаҳкамлайди.

1 - конференция 1958 йил февраль-апрель ойларида Женевада бўлиб ўтди.

2 - конференция 1960 йилда март-апрель ойларида Женевада бўлиб ўтди.

3 - конференция Каракасда (Венесуэла), Нью-Йоркда (АҚШ), Женевада (12 та сессия, 1973 йил декабрь, 1982 йил сентябрь) бўлиб ўтган.

**РИМ КЛУБИ** – бир гуруҳ ғарб олимлари ташаббуси билан 1968 йилда ташкил этилган халқаро нодавлат ташкилот. Осиё ва Америка мамлакатлари ишбилармон доиралари вакиллари, жамоат арбоблари ва 100 га яқин олимларни бирлаштиради. Африканинг айрим ривожланаётган мамлакатлари вакиллари клубда кузатувчи сифатида иштирок этиши таъминланади. Рим клуби инсоният тараққиётида глобал муаммоларнинг таъсири ҳамда уларни ҳал этиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, халқаро, минтақавий конференциялар ўтказиш билан шуғулланади. Бу тадбирлар, асосан, йирик монополистик бирлашма ва жамғармаларнинг хайрия маблағлари орқали молиялаштирилади.

**КРЕДИТОРЛАРНИНГ ЛОНДОН КЛУБИ** – хусусий тижорат банкларининг халқаро уюшмаси. XX асрнинг 70-йилларида бир қатор мамлакатларнинг ташқи қарзлардан қутулиш учун доимий тўловни амалга ошира олмаслиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш мақсадида тузилган. Париж клубидан фарқли равишда, унинг кредитлари давлат кафолати ёки сугуртаси билан ҳимояланмаган. Хусусий тижорат банкларнинг қарзлари бўйича фаолият кўрсатади, кредиторлар ва қарздор давлатларнинг учрашувларини ташкил этади, бу масалалар билан бевосита шуғулланадиган қўмита тузади. Томонлар ўртасида битимга эришиш ва унинг кейинги амалиётига мувофиқ заёмларнинг кредит ставкалари (миқдорлари) фоизи бўйича келишиб олиш ёки қарзни қайта кўриб чиқиш масаласи юзасидан қарорлар ишлаб чиқишга интилади.

**КРЕДИТОРЛАРНИНГ ПАРИЖ КЛУБИ** – Халқаро валюта фонди (жамғармаси) бошқарувчилар кенгаши қарори билан 1961 йилда Парижда тузилган кредитор давлатларнинг ҳукуматлараро ташкилоти. Уни таъсис этиш тўғрисидаги битим АҚШ, Англия, Франция, Япония, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландлар ва Швеция (1964 йили Канада, 1982 йили Швейцария қўшилган) вакиллари томонидан ХВФнинг кредитлар тўғрисидаги бош битими имзолангандан сўнг 1962 йили октябрда кучга

кирган. Уни ташкил этишдан мақсад - инқи-розли вазиятда ушбу клубга мурोजаат этган мамлакатларга кредит бериш йўли орқали ХВФнинг валюта-кредит ресурсларини кўпайтиришдан иборат. Ҳозирги вақтда клуб ХВФ сиёсатини белгиловчи органга айланиб қолди. Бошқарув органи ва штаб-квартирасига эга эмас. Аъзо давлатлар Молия вазирлари ва уларнинг ўринбосарлари, марказий банк бошқарувчилари, ХВФ директори, ЕИҚ ва бошқа вакиллари иштирокида кенгаш ўтказилади. Ҳозирги пайтда давлат кредитлари бўйича кўп томонлама музокаралар ўтказиш орқали жаҳон иқтисодий муаммоларни тартибга солиш учун хизмат қилади. Ташкилот нодавлат сиёсий ташкилот мақомига эга эмас. Париж клуби халқаро ҳуқуқ субъекти, ҳукуматлараро ташкилот сифатида ҳам эътироф этилмаган. Бунинг таркибига ОЭСР аъзолари бўлган кредитор давлатлар, шунингдек, араб ва Лотин Америкасидаги айрим мамлакатлар ҳам киради. Кузатувчилар сифатида клуб мажлисларида Халқаро валюта жамғармаси, ХТТБ ва БМТнинг Савдо ва ривожланиш конференцияси (ЮНКТАД) қатнашади. Ташкил бўлган даврдан буён Париж клуби 50 дан ортиқ мамлакатнинг умумий миқдори 100 млрд доллар миқдоридagi қарзини ундириб берган. Клуб мажлислари ҳар ойда ўтказилади, барча қарорлар консенсус тамойили асосида қабул қилинади. Россия собиқ Иттифоқ қарзларининг меросхўри бўлгани боис Лондон ва Париж клублари билан мулоқотда бўлиб, бу қарзларни узиш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

**«КАТТА ЕТТИЛИК» («САККИЗЛИК»)** (Е-7, С-8) - 1974 йилда Франция президенти Валери Жискар д'Эстен ташаббуси билан иқтисодий жиҳатдан ўта ривожланган етти мамлакат Буюк Британия, Германия (ГФР), Италия, Канада, АҚШ, Франция ва Япония "еттилик" гуруҳини тузган. Мазкур гуруҳ энг ривожланган давлатлар раҳбарларининг даврий норасмий учрашувларида ушбу мамлакатлар ўртасидаги умумий муаммоларни муҳокама қилиш, улар бўйича фикр алмашиш ва қарор қабул қилиш учун ташкил этилган.

**ЛОТИН АМЕРИКАСИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ АССОЦИАЦИЯСИ (ИЛА)** - таркибига 11 та Лотин Америкаси мамлакатларининг савдо-иқтисодий гуруҳи (Аргентина, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Колумбия, Мексика, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили ва Эквадор) киради. Уни тузиш ҳақидаги шартнома 1980 йилда имзоланган ва 1981 йилда кучга кирган. Ассоциация вазифаси - минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва савдо алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш орқали Лотин Америкаси бозорини барпо этишни назарда тутди. Штаб-квартираси Монтевидеода (Уругвай) жойлашган.

**ЛОТИН АМЕРИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИ (ЛАИТ)** - таркибига 26 та Лотин Америкаси мамлакатлари кирувчи минтақавий иқтисодий ташкилот. Уни тузиш ҳақидаги шартнома 1975 йилда имзоланган. Асосий вазифаси - ривожланиш режаларини мувофиқлаштириш, интеграция жараёни, иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш ва тадқиқот ишларига ёрдам бериш, иштирокчи давлатларнинг ўзаро маслаҳатлашув ва ахборот алмашувини ташкил этиш. Штаб-квартираси Каракасда (Венесуэла) жойлашган.

**МИЛЛАТЛАР ЛИГАСИ** - I жаҳон урушидан сўнг ташкил этилган халқаро ташкилот. Миллатлар лигасининг мақоми 1920 йил 10 январда кучга кирган. Ушбу ташкилот давлатлар ўртасида ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш, жаҳонда тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида халқаро механизмни яратиш йўлидаги дастлабки амалий уриниш эди. Миллатлар лигасининг фаолияти Кенгаш ва йигин томонидан амалга оширилган. Штаб-квартираси Женевада (Швейцария) жойлашган. Миллатлар лигаси фаолияти кутилган самара бермагани учун 1946 йилда тарқатиб юборилган. Бу ташкилотнинг салбий тажрибаси БМТ тузишда эътиборга олинган.

**ТЕХНИК МИССИЯ** - қуролли можаролар мавжуд ёки туғилиши эҳтимоли бўлган ҳудудда ҳақиқий ҳолатни аниқлаш, тинчликни сақлаш операцияларини ўтказиш мақсадга му-

вофиқлиги тўғрисидаги ва бу операцияларнинг кўлами ҳамда тахминий муддатига оид тавсиялар ишлаб чиқиш учун масъулдир.

**МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ (МДХ)** – ушбу минтақавий ташкилот собиқ СССР айрим республикалари томонидан тузилган эди. У 1991 йил 8 декабрда Минскда Белорусия, Россия ва Украина томонидан имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим, 1991 йил 21 декабрда (Болтиқбўйи республикалари ва Грузиядан ташқари) 11 собиқ Иттифоқ республикалари томонидан Олмаотада имзоланган Битимга Протокол ва 1991 йил 21 декабрда имзоланган Олмаота Декларацияси асосида ташкил этилган. 1993 йил 22 январда Минскда бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошлиқлари кенгашида (Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон номидан) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Низоми қабул қилинди. Ҳамдўстликнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

1. Сиёсий, иқтисодий, экологик, инсонпарварлик, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш;
2. Умумий иқтисодий макон яратиш;
3. Умуминсоний тамойиллар ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг меъёрларидан келиб чиқувчи инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
4. Аъзо давлатларнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда қуролсизланишга йўналтирилган ҳамкорликни амалга ошириш;
5. Аъзо давлатлар фуқароларининг Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудида эркин юришлари ва мулоқотларини таъминлаш;
6. Ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа соҳаларида ўзаро ёрдам ва ҳамкорликни йўлга қўйиш;
7. Ҳар қандай низо ва тортишувларни тинч йўл билан ҳал этиш.

МДХ ўз фаолиятини халқаро ҳуқуқнинг умумий тая олинган тамойиллари асосида ташкил этади. Шунингдек, давлатлараро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги, ўзаро ҳамдўстлик манфаатларидан келиб

чиқиш, биргаликда ҳаракат қилиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир аъзо давлат халқи маънавиятини муҳофаза қилиш, кадриятларни асраш ва маданий алмашилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш каби кўшимча тамойиллар ҳам ишлаб чиқилган.

Ҳамдўстлик давлат бўлмагани учун миллий ваколатларга эга эмас. Бу халқаро ҳуқуқнинг тенг субъектлари томонидан миллий суверенитет асосида ташкил этилган давлатлар бирлашмасидир. Унинг Низомида ҳамдўстлик манфаатларининг мавжудлиги тан олинади ва 1991 йил 8 декабрда имзоланган битим асосида давлатларнинг ҳамкорлик соҳалари белгиланади. Улар жумласига:

- инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш; ташқи сиёсатни мувофиқлаштириш;
- Умум Европа ва Евроосиё бозорлари умумий иқтисодий ҳудудини яратиш ва ривожлантириш йўлида ҳамкорлик қилиш;
- божхона сиёсати;
- транспорт ва алоқа тизимларини ривожлантириш йўлида ҳамкорлик қилиш;
- соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- ижтимоий ва миграциявий сиёсат масалалари;
- уюшган жиноятчиликка қарши кураш;
- ташқи чегараларни қўриқлаш ва мудофаа масалалари кабилар киради.

Ҳамдўстликдаги давлатларнинг ўзаро манфаати, умумий мақсади, бирга фаолият олиб бориш соҳаларининг мавжудлиги уни ваколати ва ҳуқуқий субъектлиги шартномавий асосга эга бўлган халқаро ҳукуматлараро ташкилот деб аташга имкон беради. Ҳамдўстлик Низомидан келиб чиққан ҳолда унда таъсис этувчи ва аъзо давлатлар аниқланади. Биринчи гуруҳга 1991 йил 8 декабрда имзоланган ҳамдўстликни ташкил этиш тўғрисидаги битим ва унга қўшимча 1991 йил 21 декабрда имзоланган Протоколни ҳамдўстлик Низоми-нинг қабул қилиниши вақтига қадар қабул қилган ва ратификация қилган давлатлар, аниқроғи, Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Ўзбекистон ва Украина киради. Ҳамдўстликка қабул қилиниш аъзо давлатларнинг розилиги билан унинг

мақсад ва тамойилларини қабул қилувчи, Низомда кўрсатилган мажбуриятларни унга қўшилиш йўли билан қабул қилувчи ҳар бир давлат учун очиқ ҳисобланади. Шунингдек, баъзи давлатларнинг ҳамдўстликнинг айрим фаолият соҳаларида қўшилувчи аъзо сифатида иш олиб боришлари имкони ҳам кўзда тутилган. Ҳамдўстликнинг олий органи давлат бошлиқларининг Кенгаши бўлиб, у аъзо давлатлар умумманфаатлари доирасида давлатлар фаолиятини муҳокама этиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга. Кенгаш йилда икки марта йиғилади ва аъзо давлатлардан бирининг ташаббуси билан навбатдан ташқари йиғилиш ҳам ўтказиши мумкин. Ҳамдўстлик ҳукуматлари раҳбарларининг Кенгаши ижроия органларининг умумманфаатлар доирасида иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларни мувофиқлаштиради. Кенгаш йилда тўрт марта чақирилади ва бунда ҳам аъзо давлатлардан бирининг ташаббуси билан навбатдан ташқари йиғилиш ҳам ўтказиши мумкин. Иккала кенгашнинг қарорлари ҳам ўзаро розилик (консенсус) асосда қабул қилинади. Бирор давлатнинг маълум соҳага қизиқиш билдирмаслиги қарор қабул қилинишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Ташқи алоқаларни мувофиқлаштирувчи орган Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ҳисобланади; жамоавий хавфсизлик ва ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик соҳасида мудофаа вазирлари кенгаши; Бирлашган қуролли кучлар олий қўмондонлиги, Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгаши тузилган. Шунингдек, тармоқлар бўйича ҳамкорликни мувофиқлаштириш назарда тутилиб, темир йўл транспорти кенгаши, давлатлараро фазовий йўллар кенгаши, давлатлараро экологик масалалар бўйича кенгаш ҳам мавжуд. Ҳамдўстлик доирасида иқтисодий мажбуриятларнинг бажарилиш жараёнида келиб чиқувчи низоларни ҳал қилувчи, шартнома ва бошқа иқтисодий ҳужжатларни таҳлил қилишдан келиб чиқадиган фарқларни ечиб берувчи иқтисодий суд, Ҳамдўстлик аъзолари олган мажбуриятлардан келиб чиқувчи инсон ҳуқуқлари таъминланишини назорат қилувчи Инсон ҳуқуқлари комиссияси мавжуд. Ҳамдўстлик доирасида доимий фаолият кўрсатувчи ижроия органи сифатида 1993

йил апрелда Минскда бўлиб ўтган давлат бошлиқлари кенгашида жорий этилган координатив-консультатив қўмита фаолият кўрсатади. У давлат бошлиқлари кенгаши тайинлайдиган Қўмита координатори ва ҳар бир аъзо давлатнинг иккитадан доимий мухтор вакилидан иборат. Қўмита Ҳамдўстликнинг барча фаолият соҳалари бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва юритади, иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ соҳалари бўйича шартномаларнинг бажарилишига имконият яратди. Унинг қошида Котибият ташкил этилган. Қўмита ва Котибият Минскда жойлашган. Ҳамдўстлик халқаро ташкилот сифатида бирмунча ўзига хосликларга ҳам эга. Унинг таъсис этувчи ҳужжатлари ҳамда Низоми Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг ташкилот фаолиятида қисман иштирок этишига ҳам имкон беради. Жумладан, Минскда 1991 йил 8 декабрда имзоланган битимнинг 10-моддаси иштирокчиларга битимни тўлалигича эмас, балки унинг айрим қисмларини тўхтатиб қўйиш имконини беради.

МДХ Низомининг 23-моддаси унинг аъзоларидан маълум масалага қизиқиши йўқлигини маълум қилиш ҳуқуқини берилишини таъкидлайди. 43-моддага кўра эса таъсис этувчи давлатлар Низомни ратификация қилиш вақтида қуйидаги масала ва бўлимлар юзасидан бир томонлама ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга: III бўлим — “Коллектив хавфсизлик ва ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик масалалари”, IV бўлим — “Низо ва тортишувларни бартараф этиш”, VII бўлим — “Парламентлараро ҳамкорлик”, шунингдек, Координатив-консультатив қўмита, Мудофаа вазирлари кенгаши, Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгаши, Иқтисодий суд ва Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия фаолиятларига тегишли 28,30,33-моддалар.

### **Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги иштирокини белгиловчи ҳолатлар**

1. Янги мустақил республикалар илгари ягона давлатнинг таркибий қисмлари эди. Улар ҳам худудий, ҳам жаҳон миқёсидаги сиёсий, ҳам ташкилий жиҳатдан бир бутун эди. Кўп йиллар мобайнида улар ўртасида таркиб топган

## ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

муносабатлар ва алоқаларнинг кескин узил-ши республиканинг ўзидагина эмас, шу билан бирга, халқаро майдонда ҳам вазиятни чигаллаштиришга олиб келган бўлур эди.

2. Республика иқтисодиёти ягона транспорт ва энергетика тизимига эга бўлган собиқ умумиттифоқ иқтисодий макони доирасида шаклланди ва ривожланди. У бошқа минтақалар билан хўжалик алоқаларининг чамбарчас тугуни орқали боғланган бўлиб, улар юзасидан ўзаро ҳисоб-китоблар рубль маконида амалга оширилмоқда. Бу муносабатларни жаҳон хўжалик алоқалари билан тегишлича тўлдирмай узиб қўйиш (шундай алоқаларни ўрнатиш учун узок вақт талаб этилади) ишлаб чиқариш хажмларининг пасайиб кетишига, иқтисодий аҳволни ёмонлашувига, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин ва ҳозирдаёқ шунга олиб келмоқда.

3. Барча мустақил республикаларда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифоқ кўламида яқин қариндош-уруғчилик алоқаларига эга бўлган кўп миллатли аҳоли яшайди. Хамдўстлик доирасида чегараларнинг очиқлигини, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориши ва ахборот узатиш эркинлигини сақлаб қолиш республикада фуқаролар ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш шарт, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ёш мустақил давлатлар ташқи сиёсий ва иқтисодий муносабатларда ҳали етарлича обрў-эътиборга эга эмас. Уларнинг халқаро мақомини мустаҳкамлаш учун вақт зарур. МДХга аъзолик хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишни заррача ҳам чекламайди, дипломатия соҳасидаги фаоллигимизга эса ҳисса қўшиши аниқ.

**МЕРКОСУР (ЖАНУВИЙ УМУМИЙ БОЗОР)** - ҳукуматлараро ташкилот. Унга Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай киради. 1991 йил Асунсьон шартномаси асосида ташкил топган. Чили ташкилотда (1966 йилдан) ассоциациялашган аъзо мақомида, Боливия кузатувчи мақомида. Ташкилотнинг асосий мақсади: товарлар, хизматлар, ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан эркин алмашув, умумий ташқи тарифларни ўрнатиш,

аъзо мамлакатлар микроиқтисодий сиёсат йўналишларини мувофиқлаштириш ва айрим иқтисодий секторларни ривожлантириш.

1995 йил 17 декабрдаги қўшимча баённомага кўра, аъзо давлатлар ўртасида умумий бозорни ташкил этиш йўлидаги биринчи босқич сифатида эркин алмашув ҳудуди ташкил этилган.

**МИНТАҚАВИЙ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР** - универсал халқаро ташкилотлар билан бир қаторда минтақавий (худудий) халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, у маълум жўғрофий минтақа давлатлари доирасида фаолият юритиши мумкин. Бундай ташкилотлар фаолияти хавфсизлик, иқтисодиёт, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги минтақавий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга қаратилган. БМТ Низомида бундай ташкилотларга маълум талаблар қўйилади. Жумладан, уларнинг мақсади ва фаолияти БМТ Низомининг мақсад ва тамойилларига тўғри келиши, улар БМТнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа муаммоларни ечишга қаратилган фаолиятига кўмаклашиши лозим.

**НЕФТНИ ЭКСПОРТ ҚИЛАДИГАН ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (ОПЕК)** - 1960 йил Боғдод конференциясида Венесуэла ташаббуси билан тузилган. 12 аъзо давлат унинг таркибига кирган: Жазоир, Венесуэла, Габон, Индонезия, Эрон, Ироқ, Қатар, Қувайт, Ливия, Нигерия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони ва Эквадор. Ташкилотнинг асосий мақсади: 1) аъзо мамлакатларнинг нефть сиёсатини мувофиқлаштириш ва бир хиллаштириш; 2) улар манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали индивидуал ва жамоавий воситаларини белгилаш; 3) нефть ишлаб чиқарувчи давлатлар манфаатларига доимий эътибор. ОПЕК таркибига конференция ва қўмиталар, бошқарувчилар кенгаши, Бош котиб раҳбарлигидаги котибият ва иқтисодий комиссия киради. 1970 йилларда ОПЕК жаҳон нефть бозорини тўлиқ назорат этиши маҳсулот баҳосини назорат қилиш имконини

яратди. Бу ҳолат (1973 ва 1978 йилда) нефть баҳосининг кескин ошиши оқибатида уни истеъмол қиладиган мамлакатларда иқтисодий таназулни келтириб чиқарди. Кейинчалик Фарб мамлакатлари томонидан кўрилган изчил чора-тадбирлар, жумладан, ёнилғини кам сарф этадиган автомобиллар авлодининг яратилиши, Шимолий денгиздаги нефть конларининг ишга туширилиши, ОПЕКка кирмайдиган мамлакатларда нефть ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши натижасида 1984 йилдаёқ ОПЕК жаҳон нефть ишлаб чиқаришнинг ярминигина назорат қила олди, холос. Бу эса нефть нархивинг сезиларли пасайишга олиб келди.

**ОАПЕК** – нефть экспорт қилувчи Арабистон минтақаси давлатлари уюшмаси. ОАПЕК 1968 йилда бой нефть захираларига эга бўлган ва уни экспорт қилувчи араб давлатлари манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзо давлатлар ўртасида нефть саноати соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Аъзо давлатлар: Жазоир, Бахрайн, Ироқ, Қатар, Қувайт, Ливия, БАА, Саудия Арабистони, Сурия, Тунис. Штаб-квартираси Қувайтда жойлашган.

**ОСИЁ – ТИНЧ ОКЕАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ - АТЭС (ОТОИХ)** - 1996 йилда Австралия ташаббуси билан Осиё-Тинч океани ҳудуди мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлигини янада жадаллаштириш мақсадида ташкил этилган.

Консенсус асосида қарорлар қабул қилиш мақомига эга. ОТОИХга 19 давлат аъзо ҳисобланади: Австралия, Бруней, Гонконг, Канада, Хитой, Кирабати, Малайзия, Маршалл ороллари, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, Корея Республикаси, Россия Федерацияси (1997 йилдан), Сингапур, АҚШ, Таиланд, Тайвань, Филиппин, Чили. Асосий вазифаси – ҳудуддаги мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш, барча аъзо давлатлар иқтисодий тараққиётини қўллаб-қувватлаш, очиқ ва кўп томонлама халқаро савдо тизимини мустаҳкамлаш, Осиё-Тинч океани ҳудудида савдо ва инвестицияларни янада либераллаштириш, нодавлат

сектори манфаатларини инобатга олиш ва ҳоказо. Ҳамон шаклланиш жараёнини бошдан кечираётган ОТОИХ тузилмалари – давлат раҳбарларининг йиллик учрашувлари, Тинч океан форуми, савдо ва инвестициялар бўйича қўмита, иқтисодий Кенгаш, бюджет-маъмурий қўмита, ишчи гуруҳлар ва котибият ҳисобланади. ОТОИХ фаолияти энергетика, инсон ресурслари, саноат, фан ва технология, туризм, телекоммуникациялар, савдо-инвестицион сиёсий, транспорт, денгиз захираларини сақлаш сингари йўналишларни қамраб олади. Ташкилот доирасида ривожланган мамлакатлар учун 2010 йилгача, ҳудудни ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган мамлакатлар учун 2020 йилгача эркин алмашув зонасини ташкил этиш кўзда тутилган.

**ПАГУОШ ҲАРАКАТИ** – дунёнинг етакчи олимлари томонидан жаҳонда тинчлик, қуролсизланиш, халқаро хавфсизлик ва илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида 1957 йилда Канаданинг Пагуош шаҳридаги I конференцияда ташкил этилган. Унинг аъзолари сони қатъий белгиланмаган. Ҳаракат томонидан ҳар йили бир-икки марта ўтказиладиган анжуманларда халқаро муносабатлар, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, қуролсизланиш, ядро қуроли синовини тақиқлаш, унинг ишлаб чиқарилишини тўхтатиш, стратегик қуролларни чеклаш ҳамда камайтириш ва бошқа долзарб муаммолар муҳокама этилади. Штаб-квартираси Лондонда жойлашган.

**ХАЛҚАРО СИЁСИЙ ФАҢЛАР АССОЦИАЦИЯСИ** - 1946 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан ташкил этилган. У 40дан ортиқ давлатлар миллий ассоциациялари ва 60дан зиёд мамлакатларнинг сиёсий фанлар соҳасидаги олимларини бирлаштиради. Котибият Оттавада (Канада) жойлашган.

**ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ ЖАМҒАРМАСИ** - кўп қиррали молиявий муассаса сифатида у Бутунжаҳон озиқ-овқат конференциясининг 1974 йилги қарорига мувофиқ, 1977 йилда ташкил топган. У ўз олдига кам даромадли ва озиқ-овқат етиш-

майдиган қишлоқ хуудларидаги аҳолининг оч-наҳор ҳаёт кечирishiга қарши курашишни мақсад қилган. Жамғарманинг бош мақсади - озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш учун барча имкониятларни жалб этиш ва ривожланиётган мамлакатлар аҳолисининг камбағал қатлами овқатланишини яхшилашдир. Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг қарийб 20% аҳолиси сурункали очлик ва озиқ-овқат тақчиллигидан азият чекмоқда. У Бутунжаҳон банки, хуудий тараққиёт банклари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хуудий молиявий органлари ва муассасалари каби кўплаб ташкилотлар билан биргаликда ана шундай кишиларга моддий кўмак беради. Ушбу муассасаларнинг аксарияти Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этади.

Жамғарма лойиҳа ва илмий-тадқиқот дастурларини амалга ошириш учун ҳар йили қарз ва субсидия шаклида ўртача 323 миллион доллар сарфлайди. 1997 йилда жойларда жамғарманинг капитал маблағлари (қарз ва субсидиялар) 430,5 миллион долларни ташкил этди.

Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармасининг раҳбар органи барча аъзо давлатлар вакилларида ва ҳар йили чақириладиган бошқарувчилар кенгашидан иборат. Амалга ошириладиган фаолиятни 18 директор ва 18 ўринбосардан иборат ижроия кенгаш кузатиб боради.

**ХАЛҚАРО ДЕНГИЗ ТАШКИЛОТЛАРИ (ХДТ)** - ҳозирги даврда фаолияти денгиз хуудлари ва бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган 60 дан ортиқ халқаро ташкилотларни санаб ўтиш мумкин. Улар орасида:

- Халқаро денгиз ташкилоти;
- Денгиз йўлдош алоқаси халқаро ташкилоти;
- ЮНКТАДнинг кема қатнови бўйича кўмитаси;
- ЮНЕСКОнинг ҳукуматлараро океанографик комиссияси етакчи ўрин туттади.

Халқаро денгиз ташкилоти (ХДТ) ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш мумкинки, у БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси бўлиб, 1958 йилдан буён фаолият юритмоқда.

Бу ташкилот БМТнинг халқаро денгиз конференциясида, 1948 йилда қабул қилинган Конвенцияси асосида ташкил этилган. 1990 йилга келиб, 133 давлат бу ташкилотга аъзо бўлиб кирган. Бугунги кунда унинг аъзолари сони 150га етди. Қароргоҳи Лондонда жойлашган.

ХДТ ички тузилишига кўра, ассамблея-олий вакиллик органи; кенгаш-ижроия органи ва кўмиталардан иборат.

ХДТнинг асосий вазифаси - денгиз савдо флотлари фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бериш, денгизда хавфсизликни таъминлаш ва кема қатнови самарадорлигини ошириш, денгизга оқизилаётган зарарли моддалардан атроф-муҳитни муҳофаза этиш. Ушбу муаммоларни ҳал этишда ХДТ турли халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этади. ЮНКТАДнинг кема қатнови бўйича ҳукуматлараро кўмитаси 1960 йилда ташкил этилган. У товар ва маҳсулотларни денгизда ташишнинг иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу турдаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалаларини ҳал этишга интилади.

Халқаро денгиз йўлдоши алоқалари ташкилоти (ИНМАРСАТ) ҳақида гапирадиган бўлсак, 1976 йил қабул қилинган Конвенция асосида 1979 йилда ташкил этилган. Асосий мақсади - денгиз қатновида сунъий йўлдошлардан фойдаланишни таъминлаш. Унинг 44 аъзоси мавжуд. Қароргоҳи Лондонда жойлашган.

**ХАЛҚАРО ФУҚАРОЛИК АВИАЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ (ХФАТ)** - ушбу ташкилот 1944 йилда фуқаро авиацияси масалаларига бағишланган Чикаго конференциясида тузилган. Ҳозирги вақтда ИКАО фуқаро авиацияси соҳасидаги энг йирик халқаро ташкилот бўлиб, таркибида 150 дан ортиқ мамлакатни бирлаштиради. Унинг асосий мақсади - халқаро фуқаролик авиацияси хавфсизлиги ва бир маромда ривожланишини таъминлашдан иборат. ИКАОдан ташқари, фуқаролик авиацияси соҳасида фаолият олиб борувчи бир қатор минтақавий халқаро ташкилот ва органлар ҳам мавжуд.

**ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ** – БМТнинг ҳукуматлараро валюта-кредит беришга ихтисослашган халқаро ташкилоти; 1945 йилда ташкил топган, 1947 йил 1 мартдан амалий фаолиятини бошлаган. ХВФ таркибига 182 давлат киради. Қароргоҳи Вашингтонда (АҚШ) жойлашган ва Парижда (Франция), Женева (Швейцария) шаҳарларида ўз бўлимларига эга. ХВФнинг асосий вазифаси – аъзо давлатларнинг валюта ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш, бюджет балансларини бошқариш ва валюта курсини сақлашда кўмаклашиш, нисбатан ривожланган давлатларга имтиёзли кредитлар бериш. ХВФнинг бош органи бошқарувчилар кенгаши, кундалик фаолиятини йигирма бир директордан иборат Ижрочи директорат амалга оширади, унинг Раиси бошқарувчи директор ҳисобланади.

Халқаро валюта фонди қуйидагиларни ўз олдига вазифа қилиб қўйган:

— пул-кредит соҳасида халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш;

— барқарор валюта курси ва валюта муносабатларини тартибга солишга ёрдам бериш;

— кўпқиррали тўловлар тизими ва чет эл валютасини алмаштиришдаги чеклашларга барҳам беришга ёрдамлашиш;

— ўз аъзоларига вақтинчалик молиявий ёрдам бериб, тўлов балансларидаги номутаносибликни йўқотишга кўмаклашиш.

Халқаро валюта жамғармасининг молиявий ресурслари асосан 182 аъзо мамлакатдан тушган бадаллардан (квотадан) ташкил топиб, ҳозирги вақтда 145.321 миллиардни ташкил этади. Квоталар қатнашчиларнинг нисбий иқтисодий ҳиссалари ҳисоб-китоби асосидаги формулага биноан аниқланади. Халқаро валюта жамғармаси ўз аъзоларига «махсус ўзлаштириш ҳуқуқи» шаклида халқаро молия резервлари тузиш ва ажратиш ваколатига эга.

Халқаро валюта жамғармасининг асосий вазифаларидан бири тўлов балансларида қийин аҳволга тушиб қолган аъзоларга қисқа муддатли кредитлар беришдир. Жамғарма аъзоси ўзлаштириши мумкин бўлган маблағ миқдори уларнинг квотасига нисбатан пропорционал тарзда чекланади.

Шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси таркибий қайта қуришни молиялаштириш механизми орқали даромади паст мамлакатларга имтиёзли ёрдам кўрсатади. Жамғарма аъзолари ана шу мақсадлар учун тегишли талабларга кўра, уч йил муддатта ўз квоталарининг 190%и миқдоридан қарз олишлари мумкин. Айрим ҳолларда ушбу миқдор квота ҳажмидан энг юқори – 255%га етиши мумкин.

Халқаро валюта жамғармасининг раҳбар органи бошқарувчилар кенгаши бўлиб, унда барча аъзо давлатлар вакиллари иштирок этади. Кенгаш йилига бир марта чақирилади. Кундалик ишларга 24 аъзодан иборат ижроия кенгаш раҳбарлик қилади, унга Муваққат кўмита маслаҳатлар беради.

Халқаро валюта жамғармаси ходимлари 110 мамлакатдан 2600 киши атрофида бўлиб, уларга Ижроия кўмита томонидан сайланган Бошқарувчи – директор раҳбарлик қилади. Халқаро валюта жамғармаси йилига икки марта «Жаҳон иқтисодий истиқболлари» («World Economic Outlook») шарҳини нашр қилади.

**ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ ТРИБУНАЛ** – бир давлатнинг (бир гуруҳ давлатлар томонидан) халқаро ҳуқуқнинг бузилиши, уларнинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид хатти-ҳаракатини атрофлича ўрганиб, тегишли қарор қабул қилувчи ташкилот.

**ХЕЛЬСИНКИ ЖАРАЁНИ** – Европа муаммоларининг кенг кўламли кўп томонлама музокаралари форуми. Мазкур жараён натижасида 1972 – 1975 йилларда бўлиб ўтган музокалар чоғида якуний акт имзоланиб, унга кўра Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши ташкил этилган эди. 1994 йилга келиб, мазкур кенгаш Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) деб юритила бошланди.

**ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ (ХҚХ)** – XVII асрда швейцариялик бадавлат сармоядор Анри Дюнан томонидан асос солинган бўлиб, ярадорлар, ҳарбий асирлар ва уруш қурбонларига ҳамда табиий офатлардан жабр кўрганларга ёрдам беришни мақсад қилган миллий

ва халқаро ташкилотлар уюшмаси.

ХҚХга кирувчи миллий ва халқаро ташкилотлар ўзаро мустақилдир. ХҚХнинг олий органи – халқаро конференция. Конференциялар орасида иш олиб борувчи орган – Доимий комиссияси. Қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган.

## **АТОМ ЭНЕРГИЯСИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО АГЕНТЛИК (МАГАТЭ)**

– БМТ билан ҳамкорлик қилувчи ихтисослаштирилган ҳукуматлараро ташкилот. 1957 йилда БМТ Бош ассамблеяси қарорига асосан, атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил қилинган; 150 га яқин аъзо давлатлар рўйхатга олинган; қароргоҳи Венада (Австрия) жойлашган. Фаолиятининг асосий йўналишлари: ядро энергетикаси соҳасидаги тадқиқот ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, радиацион хавфсизлик муаммолари, атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасида Агентликка аъзо мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш, атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланишни назорат этиш, атом хавф-хатарига (900дан ортиқ ядро қурилмалари устидан назорат ўрнатилган) боғлиқ бўлган муаммолар фаолиятини қатъий тартибга солиш. Агентликнинг бош вазифаси – ядро қуролини тарқатмаслик шартномасининг (1968) бажарилишини назорат қилиш. Бундай назоратнинг ўрнатилиши ядровий материаллардан ундан ҳоли мамлакатларда ядро қуролини ишлаб чиқиш мақсадида фойдаланишнинг олдини олишга ёрдам беради. Ядро қуролига эга бўлмаган шартнома аъзолари тинчлик йўлидаги ядровий фаолиятнинг барча муносабатларига асосланган МАГАТЭ назорати билан боғлиқ Агентлик битимларини имзолашни ўз зиммасига олган. Бу каби битимларга 120 га яқин давлатлар орасида шартномага кирмайдиган 10 дан зиёд мамлакатлар томонидан имзо чекилган.

**ХАЛҚАРО ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ** – ушбу банкни тузиш ҳақидаги келишув 1944 йилда Бреттонвуд конференциясида қабул қилинган эди. Банк фаолияти 1946 йилда халқаро капитал оқимини Иккинчи жаҳон урушида вайрон бўлган мамлакатлар

иқтисодийтини тиклашга йўналтиришдан бошланган эди.

Банк кредит операцияларининг тўқсон фоизи жаҳон бозорлари капиталидан молиялаштирилади. Унинг 51 йиллик фаолияти давомида акционерлар томонидан банкка жами 11 миллиард доллар маблағ қўйилган, аммо ушбу капитал 280 миллиард доллардан ортиқ кредит бериш имконини яратди.

1997 бюджет йилида банк мажбурияти 14,5 миллиард долларни ташкил этган, 42 мамлакатга 141 заём санкция қилинган. Узоқ муддатли иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ бўлган заёмлар 5085,7 миллион долларни ташкил этди, бу 26,5% банк мажбурияти дегандир. Ялпи миллий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига 785 ва ундан камроқ долларни, аҳоли ночор мамлакатларга кўрсатилган ёрдам дунё миқёсида 7,4 миллиард долларни ташкил этган. Банк заёмлари электр энергияси, нефть ва газ, қайта ишлаш ва тоғ-кон саноати, транспорт, шаҳар тараққиёти, сув таъминоти, канализация ва молиявий секторларга инвестиция қилинган.

## **ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ СЎЗЛАГАН НУТҚ**

... Биз Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, биринчи галда, халқаро террор, диний экстремизм, босқинчи айирмачилик ва нарқобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хавф-хатарга қарши туришда очик, ўзаро фойдали шериклик ва кўп томонлама ҳамкорликка қаратилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми, деб биламиз. Шанхай бирлашмаси доирасида давлатлараро ҳамкорлик ҳақида сўз кетар экан, мазкур бирлашма фаолиятининг асосини сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий-техникавий жиҳатдан қудратли, айна пайтда БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлган икки буюк давлат – Россия ва Хитой ташкил этаётгани ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишини таъкидлаш учун барча асос бор, деб ҳисоблаймиз. Бу давлатларнинг аҳамияти ва

таъсир доираси инobatта олинса, уларнинг сайёрамиздаги турли минтақалар, жумладан, Марказий Осиёдаги стратегик табиий манфаатлари тўла намоён бўлади.

...Ўзбекистон минтақа аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар ва нотинчлик ҳукм сураётган Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган ягона давлат сифатида таҳдид ва хавф-хатарнинг умумийлигини, Марказий Осиё минтақаси ва у ерда яшаётган халқлар тақдири учун масъулиятини яхши англайди. Биринчидан. Биз ечилмаётган афғон муаммоси минтақавий хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарнинг асосий манбаидир, деган фикрдамиз.

Иккинчидан. Замонавий халқаро террор, диний экстремизм, айирмачилик ва наркобизнеснинг фаолият кўлами кенгайиб бормоқда. Бундай кучлар мақсадга эришишнинг ўта қабих усул ва воситаларини ишга соляпти. Бу таҳдидларга ўзаро боғлиқ бўлган ҳодисалар сифатида қараш лозим. Чунки улар бир “томирдан озикланмоқда”. Бу кучларнинг ортида турганлар эса ўз режа ва хатти-ҳаракатларининг юксак даражада мувофиқлаштирилганини намоён этмоқда.

Учинчидан. Жаҳон оммавий қирғин қуроллари тарқалишидек хавфли анъана кучайиб бораётгани назарда тутилса, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ғояси муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ғоя минтақанинг барча давлатлари томонидан бирдай қўллаб-қувватланаяпти.

Тўртинчидан. Гап халқаро терроризм хавфининг ўсиб бораётгани, диний экстремизм ва наркотрафикнинг тарқалиши, аниқроғи, кенг ёйилиши ҳақида кетар экан, ушбу кучлар жинсий тўдаларга хайрихоҳларни ва уларга қўшилаётганларни қандай ва қаердан ёллаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бошқача айтганда, бунга олиб келадиган ижтимоий асосларни назардан қочирмаслик зарур.

...Фикримизча, бугундан бошлаб мазкур шартномавий-ҳуқуқий асосдан минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Минтақавий хавфсизлик тизими самарадорлигининг зарур шартни қуйидаги тамойиллар-

да акс этиши керак: ўзаро ишонч, ошқоралик, миллий ва минтақавий манфаатларнинг оқилона мувозанатига риоя қилиш, барча қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш.

...Биз декларацияда ҳарбий блок тузмаслик, бошқа мамлакатлар ва минтақаларга қарши йўналмаганлик, бошқа давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан алоқалар ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш тамойиллари акс эттирилиши муҳим деб ҳисоблаймиз. Террор, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш конвенциясига келсак, Ўзбекистон уларнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъий чоралар кўриш тарафдори сифатида мазкур ҳужжатнинг барча қоидалари амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр.

...Хартия, Декларация ва Минтақавий аксил-террор тузилма тўғрисида битим имзоланиши билан белгиланади.

ШХТнинг асосий ҳужжатлари бўлган Хартия ва сиёсий, Декларация ташкилотнинг ўзи ва, айни пайтда унинг асосида тузилиши мумкин бўлган барча тузилмаларнинг кенг кўламли фаолияти учун зарур асос яратади ҳамда халқаро ва давлатлараро алоқалар тизимида унинг ўрнини белгилайди.

Ўзбекистон ШХТнинг Хартия ва Декларацияда эълон қилинган ҳамда минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишларига, шунингдек, наркотрафик ва оммавий қирғин қуроли тарқалишига қарши курашга йўналтирилган асосий мақсадли вазифаларини; гуманитар соҳада ижтимоий ва маданий тараққиёт соҳаларидаги кўп томонлама, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди.

Ҳеч шубҳасиз, ШХТнинг ушбу ва бошқа муҳим мақсад ва тамойилларининг амалга оширилиши барча иштирокчи давлатлар манфаатларига бирдек мос келади.

Шу муносабат билан юқорида қайд этилган ҳужжатларда ШХТнинг блок ёки ёпиқ турдаги бирлашма эмаслиги, унинг очиқлиги, дунёнинг барча давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан БМТ Низоми, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ кенг кўламли амалий мулоқот ва ҳамкорликка тайёрлиги кўзда ту-

тилиши, ниҳоятда, муҳим аҳамият касб этади. Биз ҳар бир давлатнинг ва бутун Марказий Осиё минтақасининг суръатли, олға интилувчи ва барқарор тараққиётини қўллаб-қувватловчи барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлишимиз, бу ерда геосиёсий рақобат ва зиддиятлар пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.

Биз шу йилнинг май ойида Россия ва АҚШ президентлари томонидан имзоланган Қўшма декларациядаги ушбу баёнотни қўллаб-қувватлаймиз: «Биз Марказий Осиёда ва Жанубий Кавказда барқарорликни, минтақадаги ҳар бир давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашдан манфаатдор эканлигимизни тан оламиз. Россия билан АҚШ «буюк давлатлар» рақобатининг ўзини оқламаган моделидан воз кечади, зеро бу йўл мазкур минтақадаги вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкин».

Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуини кўриб чиқар эканмиз, биз ҳамкорлигимизнинг иқтисодий жиҳатларини ҳам унутмаслигимиз керак. Чунки мамлакатларимизнинг тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва осойишталик сари одимлаши кўп қиррали иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий тараққиёт эвазига таъминланиши мумкин.

Марказий Осиё давлатларининг ниҳоятда бой захиралари, илмий-интеллектуал салоҳиятининг Россия ва Хитой салоҳияти ҳамда иқтисодий ва технологик имкониятлар билан қўшилиши, назаримда, муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-сотиқ, инвестиция ва бошқа соҳалардаги ШХТнинг барча иштирокчилари манфаатларини кўзловчи ҳамкорлик янада ривожланишига хизмат қилади.

ШХТнинг ушбу барча мураккаб вазифаларни амалга оширишдаги ўрни ҳақида сўз юритадиган бўлсак, уни ўз иштирокчиларининг ҳолати ва имкониятларига мос, мумкин қадар очик, омилкор ва самарали ташкилотга айлантириш ниҳоятда муҳимдир. Саъй-ҳаракатларни совурмай, аксинча ҳамкорликнинг «Шанхай жараёни» қатнашчилари манфаатларига бир хилда мос бўлган асосий масалаларга сафарбар этиш зарур.

ШХТ тузилмаларини институциявий ва ташкилий жиҳатдан шакллантириш жараёнларини тезлаштириш хусусида, жумладан, Котибият ишини ташкил этиш ва аксилтеррор гуруҳи фаолиятини жадаллаштириш борасида билдирилган айрим таклифларга келсак, ўйлайманки, бу масалалар белгиланган тартибда барча зарур ҳуқуқий меъёрларга изчил риоя қилган ҳолда ҳал этилиши лозим. Бу масалалар муҳокамасини тегишли ваколатга эга бўлган миллий мувофиқлаштирувчиларга топшириш даркор.

\* \*

\*

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2005 йил 4–5 июль кунлари ШХТ аъзо давлатлари раҳбарлари саммитида иштирок этиш учун Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида бўлди.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммити ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида ШХТнинг асосий йўнашлари – хавфсизлик муаммолари ва савдо-иқтисодий мажмуаларидан ташқари, аъзо давлатлар ўртасида ижтимоий-маданий ва илмий-техникавий ҳамкорликни, транспорт коммуникациялари борасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Шунингдек, Президентлар минтақавий ва халқаро муаммоларга, террорчилик, экстремизм, айирмачилик, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркобизнес ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси каби иллатларга қарши биргаликда курашнинг самарадорлигини ошириш борасидаги масалаларга эътибор қаратдилар.

Саммитда Эрон, Покистон, Ҳиндистонга ШХТ ҳузурида кузатувчи мақомини бериш тўғрисидаги қарорларга имзо чекилди. Бунгача фақат Мўғулистон шундай мақомга эга эди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Хитой муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди. Ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганлиги қайд этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Мўғулистон

Халқ Республикаси Президенти Намбарин Энхбаёр билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Мўғулистон муносабатларининг бугунги аҳволи ҳамда мамлакатимизнинг ШХТ доирасидаги ҳамкорлигига оид масалалар муҳокама қилинди.

2005 йил июль.

### ШИМОЛИЙ АТЛАНТИКА ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (НАТО) - АҚШ ташаббуси

билан 1949 йил 4 апрелда таъсис этилган ҳарбий-сиёсий ташкилот. Шартнома 13 давлат: АҚШ, Канада, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Дания, Исландия, Италия, Люксембург, Норвегия, Нидерландия, Португалия ва Франция томонидан имзоланган. 1952 йилда НАТОга Греция ва Туркия, 1955 йилда ГФР, 1982 йилда Испания аъзо этиб қабул қилинган. Асосий мақсади – Ғарб давлатларининг ялпи хавфсизлигини таъминлаш ва Совет Иттифоқи томонидан туғиладиган хавфхатарга қарама-қарши туриш. «Совуқ уруш»нинг тугаши, аъзо мамлакатлар хавфсизлигига таҳдиднинг йўқолиши НАТО олдига жиддий муаммоларни кўндаланг қўйди. Шу муносабат билан 1989 йил декабрда Берлин девори қулашидан бир ой кейин АҚШ давлат котиби Ж.Бейкер ташкилотни ислоҳ қилиш ва янгилаш ғоясини илгари сурди. Тез орада бошланган ислохотлар ташкилот фаолиятининг ички ва ташқи соҳаларига қаратилган бўлиб, унинг сиёсий ва ҳарбий стратегик аҳамиятини сақлаб қолишни назарда тутган эди. Ички ислохотлар уч босқичда ўтказилди. Биринчисида “Альянснинг янгиланиши тўғрисида Лондон Декларацияси” (1990 йил 6 июль) қабул қилинди. 23 бобдан иборат бўлган ушбу ҳужжатда бошқа бир қатор масалалар қаторида Варшава шартномаси ташкилотига аъзо мамлакатлар билан доимий дипломатик алоқаларни ўрнатиш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳар икки блок ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш назарда тутилган. 1991 йил декабрда ўтказилган аъзо давлатлар вакилларининг олий даражадаги Рим учрашувида НАТОнинг сиёсати ва стратегиясига қўшимча ўзгартиришлар киритиш келишиб олинди.

Мазкур учрашувларда “Тинчлик ва ҳамкорлик Декларацияси”нинг қабул қилиниши билан бир қаторда, янги “Альянснинг стратегик концепцияси” ҳам ишлаб чиқилди. Унда, жумладан, НАТОнинг хавфсизлик сиёсати учта ўзаро боғлиқ тамойилларга асосланиши баён этилган: ўзаро мулоқот, ҳамкорлик ва ялпи муҳофаза имконияти. Мазкур тамойилларнинг ҳар бири Европа стратегик кенглигида инқирозларнинг олдини олиш ва уларни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган. НАТОга аъзо давлатлар раҳбарларининг Брюссель учрашувида ҳам ташкилот сиёсати ва стратегик йўналишига янги ўзгаришлар киритилди.

Брюссель декларациясининг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат: 1. НАТО доирасида “Европа муҳофазаси ва хавфсизлиги” ўқини яратиш зарурати ҳамда минтақа давлатларининг бир хиллигини шакллантириш; 2. Собиқ социалистик мамлакатларга “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурини таклиф этиш; 3. НАТО таркибига янги аъзоларни қабул қилиш ва шу йўл билан унинг Шарқ томонга кенгайишини таъминлаш. Мазкур қарор доирасида 1997 йил 8 июлда Венгрия, Польша, Чехия, 1999 йили Руминия ва Словакия, 2004 йил май ойидан яна қатор Шарқий Европа мамлакатлари НАТО аъзолигига қабул қилинди; 4. “Евроатлантик хавфсизликнинг кўпмиллатли кучлари гуруҳи”ни ташкил этиш.

1999 йил 23-25 апрель кунлари Вашингтонда НАТОга аъзо давлатларнинг 50-саммити бўлиб ўтди. Бу анжуман вафақат Альянснинг, балки, умуман, халқаро хавфсизлик масалаларида ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлди. Саммит бошланишидан олдин НАТО Югославияга қарши ҳарбий ҳаракатларни амалга оширди. Ваҳоланки, Югославия аъзо давлатларнинг бирортаси билан уруш ҳолатида эмас эди. Операция инсонпарварлик ғоялари, хусусан, С. Милошевич ҳокимияти томонидан албан аҳолисини этник тозалашдан қутқариш мақсадида амалга оширилаётгани таъкидланган эди. Аслида, бу хатти-ҳаракат халқаро ҳуқуқнинг икки муҳим тамойили бузилишига олиб келди: давлат суверенитети ва БМТ Устави. Ўз навбатида, Альянс давлатлари давлат бошлиқларининг юбилей учрашувида қабул қилинган янги НАТО иттифоқининг

стратегик концепциясида "гуманитар интервенция" гоёси мустаҳкамланиб, НАТОнинг бундан буён Шарқ томонга кенгайиши, Альянсга кириш истагида бўлган давлатларга (бунинг учун уларда етарли шарт-шароит бўлиши, НАТО қуролли кучларининг мақсадларини эътироф этиши) таклифномалар юбориш лозимлиги таъкидланди. Бошқача айтганда, Шимолий Атлантика шартномаси амал қиладиган ҳудуддан ташқарида ҳам БМТ Хавфсизлик кенгашининг рухсатисиз инқирозларни тартибга солиш бўйича операцияларни ўтказиш қайд этилган.

Табиийки, НАТО ислоҳотлари Россияда жиддий ташвиш ва хавотирлик билан ўз хавфсизлигига янги хавфнинг вужудга келиши сифатида, халқаро муносабатларни беқарорлаштирувчи омил, дунёнинг кўпгина ҳудудларида қуролланиш пойгасини тезлаштирувчи ҳол сифатида қабул қилинди. Айни пайтда Россияда НАТО билан ҳамкорликни тўхтатиш, у билан алоқани бутунлай узиш Россия Федерациясининг бошқа мамлакатлардан ажралиб қолишига, НАТОга аъзо бошқа давлатлар билан муносабатларига салбий таъсир кўрсатиш, умуман, Европа Иттифоқи билан ҳамкорликнинг ёмонлашувиغا, шунингдек, блокнинг стратегик мақсадлари ҳақида ўз вақтида ахборот олиш имкониятидан махрум этиши мумкинлиги яхши англанади.

**Ўзбекистон ва НАТО ўртасидаги ҳамкорлик.** Ўзбекистон Республикаси НАТО билан 1991 йил 21 декабрдан, Альянснинг ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ташаббуси натижасида ташкил этилган Шимолий Атлантика Кенгашига қўшилганидан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда.

1994 йил 13 июлда Ўзбекистон НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурига аъзо бўлди.

1995 йил 8 августда НАТОда Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот фаолиятидаги иштирокига бағишланган анжуманда Альянс билан бўлажак ҳамкорликнинг самарали бўлиши учун зарур бўлган жиҳатлар, мақсадлар белгилаб олинди ва уларни амалга ошириш йўллари ишлаб чиқилди.

1996 йил 24 июлда Ўзбекистон "Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастури" шартномасини

имзолади. Бу шартномада аъзо мамлакатлар қуролли кучларининг мақоми ва бу шартномага қўшимча протоколда НАТОга аъзо мамлакатлар қуролли кучларининг республика ҳудудига кириб келиши ва бўлишининг шартлари кўрсатилган.

Ҳамкор мамлакатлар билан алоқа ўрнатишда ўзига хос ёндашувни таклиф этган НАТО, ҳар бир мамлакат билан алоҳида дастур, яъни ИХД (Индивидуал ҳамкорлик дастури) асосида ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилади. Сўнгги вақтда НАТО ва Ўзбекистон олимлари ўртасида ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Жумладан, ташкилот томонидан ўзбек олимларига бир неча грантлар ажратилгани бундан далолат беради. 2002 йил июнь ойида НАТОнинг илмий қўмитаси Тошкентда илмий конференция ўтказди. Унда Альянсга аъзо мамлакатлар ва Марказий Осиё олимлари иштирок этди. Ўзбекистон вакиллари НАТОнинг минтақавий хавфсизлик, ҳарбий ҳамкорлик, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлари, мудофаа, бош штаб қўмондонлари, давлат ва ҳукумат раҳбарларининг йиллик анжуманларида фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов НАТОнинг 1999 йил апрелида Вашингтонда ва 2002 йил ноябрида Прагада бўлиб ўтган саммитларида иштирок этди.

2002 йил июнидан Ўзбекистон НАТО доирасида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини текшириш ва таҳлил қилиш (ҚБТТ) жараёнида иштирок этмоқда. 2003 йил Февралда вазиятлар вазирлиги билан "Фарғона-2003" машғулотлари ўтказилди.

НАТОнинг тегишли тузилмалари билан биргаликда Тошкентда ТИХ ўқув марказини ташкил этиш, Ўзбекистон қуролли кучлари тинчликпарвар батальонини тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон-НАТО ҳамкорлигининг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

**ШИМОЛИЙ АМЕРИКА ЭРКИН САВДО АССОЦИАЦИЯСИ** - 1992 йил 17 декабрда АҚШ, Канада ва Мексика ўртасидаги шартнома асосида ташкил топган ва 1994 йил январдан кучга кирган. Ташкилот 1998 йил имзолаган Америка-Канада ўртасидаги эркин

алмашув шартномасини кенгайтиришни назарда тутати. Мақсади – аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада либераллаштириш. Кейинги 15 йил мобайнида эркин алмашув зонасини тузиш назарда тутилмоқда.

**ҲУДУДЛАРАРО ХСТ (МПО)** - Буюк Британиянинг собиқ колониялари бўлган 54 давлатни бирлаштирувчи ташкилот. Мақсади – собиқ метрополия ва унинг колониялари ўртасида иқтисодий савдо ва маданий алоқаларни қўллаб-қувватлаш.

**ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ** - ҳудудлараро халқаро ташкилот сифатида 1969 йил мусулмон давлатлари раҳбарларининг биринчи саммитида ташкил этилган. Ташкилотнинг асосий мақсади – аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш; исломга эътиқод қилган мамлакатларда давлатлараро муносабатларни ривожлантириш; биргаликда илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва кадрлар тайёрлаш; халқаро муносабатларда фаол иштирок этиш; Исроилнинг аксиласломий сиёсатига қаршилиқ кўрсатиш; дунёнинг энг бой (Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони) ҳамда энг қашшоқ давлатлари (Бангладеш, Гвинея-Бисау, Мали) ташкилотга аъзо. Ҳозирги пайтда ташкилотга Осиё, Африка, Яқин Шарқ ва собиқ Иттифоқ республикаларидан (Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон) 55 та давлат, шунингдек, кузатувчилар сифатида Европада яшайдиган Босния ва Кипр турклари киради. Ташкилот тузилмаси Конференция, давлат ва ҳукумат бошлиқлари (ишчи органлар сифатида), Бош котибият ва Ташқи ишлар вазирлари конференциясидан иборат.

**ЧЕГАРА БИЛМАС ШИФОКОРЛАР** - 1971 йилда қатор шифокорлар томонидан асос солинган. Бу ташкилот бетарафлик тамойилини рад этиб, суиистеъмомликлар ва инсон ҳуқуқларининг бузилишини ошқора қоралайди ва бундай ҳолатлар ҳақида кенг халқаро жамоатчиликка ахборот беришга чақиради.

Чегара билмас шифокорлар, тиббий ёрдамга муҳтожларга, миллати, давлатидан қатъи назар, зарур ёрдам кўрсатишга чақиради. Бундай ёндашув БМТ томонидан ҳам қўллаб-қувватланади. БМТ Бош ассамблеясининг халқаро гуманитар ҳуқуқни ривожлантиришга доир 1988 йил 8 декабрдаги «Табиий офат ва фавқулодда ҳодисалар» тўғрисидаги резолюциясида нодавлат сиёсий ташкилотлар гуманитар мақсадларда ҳаракат қилиши мумкинлиги таъкидланади.

## **ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УЧРАШУВИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ СЎЗЛАГАН НУТҚ**

... ЭКОга аъзо бўлган ҳар бир давлат, бу ташкилотга кирган вақтидан ва ўзининг иқтисодий ривожини даражасидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли шерик ва тўла ҳуқуқли иштирокчи эканлигидан келиб чиқиши зарур. Ва бу ерда пешқадам ва ортда қолганларга ажратишга ўрин бўлмаслиги керак. Бу – биринчидан. **Иккинчидан.** Бундан мантқан ЭКО фаолиятининг амалий йўналишларини кучайтириш, унга янада тайинлироқ ва аниқроқ мўлжаллар белгилаб бериш зарурати пайдо бўлади.

ЭКО котибиятининг учрашувлар тартибқоидаларини пухтароқ ишлаб чиқиши, кун тартибида белгиланган муаммолар доирасидан чиқиб кетиш ва ЭКО минбаридан популистик ва тор сиёсий масалаларни ҳал этиш учун фойдаланишга йўл қўймаслик бунинг муҳим шarti бўлиши керак. Булар эса ЭКО котибияти ва бошқа органларининг тайёргарлик ишига алоҳида масъулият юклайди.

**Учинчидан.** ЭКО турли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий йўналишга эга давлатларни бирлаштирган ташкилот эканини ҳисобга олиш керак. Уларнинг манфаатлари ҳар доим бирига мос келиши мумкинми ё йўқ, албатта, бу табиий ҳолдир. Бу ерда у ёки бу долзарб масала бўйича ўз нуқтаи назарини зўрлаб ўтказиш учун уриниш ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди. Айни замонда давлат тузумининг ижтимоий-сиёсий тарзидаги тафовут-

лар фақат ўзаро иқтисодий манфаатларга асосланган муносабатларимиз йўлида тўсик бўлмаслиги керак.

**Тўртинчидан.** масала бевосита ҳозирги учрашувнинг мавзусига тегишлидир. Транспорт йўналишларининг айрим бўлаклари ҳозирда ноқ ишга тушгани таҳсинга лойиқ. Биз уларнинг жанубий портларга йўл очиб бераётган ва ЭКОга аъзо мамлакатларнинг транспорт тармоқларини кенгайтираётган йўналишларига муҳим аҳамият берамиз.

**Бешинчидан.** ЭКО доирасидаги иқтисодий интеграция жараёни минтақанинг «оловли нуқталари» муаммоларини четлаб ўтолмайди. Мен Афғонистон ва Тожикистонни назарда тутяпман. Токи қўшниларимиз ҳудудида беқарор вазият сақланиб турар экан, мустаҳкам иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ётқизиладиган темир йўл шаҳобчалари ёки қуриладиган катта автомобиль йўлларидан салмоқли натижалар кутиш мумкинми?

**Олтинчидан,** иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида сўз юритар эканмиз, энг ижобий ютуқлар қўлга киритилган тақдирда ҳам кескинлаштишга мойил муаммолар мавжудлигини унутмаслигимиз керак. Бунда мен наркотик моддалар ишлаб чиқариш муаммоси ва уларнинг янги транспорт йўналишлари орқали тарқатилиши хавфини назарда тутяпман. Биз бу масалани алоҳида муҳокама қилишимиз зарур.

Ўзбекистон ЭКО ташкилоти таркибида наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича махсус мувофиқлаштириш органи ташкил этилганини маъқуллайди. Бундан ташқари, ЭКО доирасида бу соҳадаги ҳамкорликнинг янги, янада таъсирчан шакллари назарда тутган аниқ мақсадга қаратилган комплекс дастурни ишлаб чиқиш лозим.

**Еттинчидан.** Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик мазкур дастурнинг таркибий қисми бўлиши мумкин ва бўлиши ҳам керак. Нима учун бунга биз долзарб масала сифатида қараяпмиз? Энг аввало, шунинг учун ҳамки, ЭКОга кирган мамлакатларнинг деярли барчаси инсон организмига салбий таъсир қиладиган жиддий экологик муаммоларни бошидан кечирмоқда. Мисол учун, Орол денгизи фожиасини олайлик. Ўз жамиятларимизни биргаликда иқтисодий жиҳатдан йўлга солишга

киришар эканмиз, мазкур принципиал ва муҳим ижтимоий масалани эътибордан соқит қилишимиз мумкинми?

**Ва ниҳоят, ЭКО фаолиятининг мақсади ва мазмунидан мантиқан келиб чиққан ҳолда, халқларимизнинг кенг қўламдаги маданий ҳамкорлигини ривожлантириш имкониятлари масаласини кун тартибига қўйиш лозим.**

*1997 йил 13 май.*

## **ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ СЎЗЛАГАН НУТҚ**

... Айни пайтда шуни очиқ эътироф этишимиз лозимки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақа учун жуда зарур бўлган лойиҳа ва дастурларни манتيқий якунига етказиш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ҳар бир аъзоси бу лойиҳаларнинг самарадорлиги ва аҳамиятини ўз мисолида ҳис этишига имкон берадиган ҳамкорлик жипслашуви даражасига чиқа олгани йўқ. Назаримизда, бундай шароитда саъй-ҳаракатларнинг ҳаддан ташқари майдалашиб кетиши Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида қўлланиладиган ташаббусларнинг самарадорлиги ва натижа беришини сусайтириб қўйиши мумкин.

Шу муносабат билан, биз ҳозирги босқичда Ташкилотнинг қўшлаб институт ва тузилмаларини барпо этишга зарурат йўқ, деб ҳисоблаймиз. Улар келажакда бизнинг эътиборимиз, имкониятларимиз ва саъй-ҳаракатларимизни ҳозирги пайтда минтақамиз учун ўта муҳим ва устувор бўлган асосий дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратиш ўрнига Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг туб мақсад ва вазифаларидан чалғитиши мумкин. Биз шунга чуқур аминмизки, бугунги кунда биргаликда истиқомат қилишимиз ва қўшничилигимизнинг мавжуд ҳолатини, яъни минтақамиздаги айрим мамлакатларда узоқ йиллар мобайнида халқларимиз ва давлатларимизга, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлашга тизимли бўлмайдиган даражада зиён етказётган қарама-қаршилик ва урушлар туфайли

туғилган кескин муаммоларнинг ҳал этилмаганини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Ҳамкорлик истиқболлари ҳақида гапирар эканман, мен коммуникациянинг замонавий, ривожланган тизимини шакллантириш масалаларига алоҳида тўхталишни истар эдим. Чунки, бундай коммуникацияни шакллантирмай туриб, минтақадаги улкан иқтисодий салоҳиятдан халқларимиз равнақи йўлида фойдаланиб бўлмайди.

Анжуманда иштирок этаётган барча давлатлар транспорт тармоғи ва коммуникацион инфратузилма қурилиши минтақани, нафақат бизнинг минтақамизни ривожлантиришда нақадар улкан аҳамият касб этишини яхши билишига аминман.

Шу муносабат билан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг ўтган йил май ойида Ашгабатда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақасида транспорт ва коммуникацион инфратузилма ҳамда трансмиллий қувурлар тизимини ривожлантиришга бағишланган навбатдан ташқари учрашуви ўз вақтида бўлганини қайд этмоқчиман.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар минтақаси учун бугунги кунда долзарб бўлган яна бир муаммо – наркотик моддаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг контрабандаси билан шуғулланиш муаммосига тўхталмоқчиман.

Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтидан бошлаб наркобизнесга қарши кураш борасида улкан саъй-ҳаракатлар қилмоқда ва муайян қадамлар қўймоқда.

Биз наркотик моддалар тарқатилишининг ҳалокатли оқибатларини сергаклик билан баҳолаган ҳолда, бу иллатга қарши курашда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз зарур.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида наркотик ва психотропик

моддалар контрабандаси ва божхона қаллобликларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро тушуниш ҳақида Меморандум тайёрлаш гояси бу моддаларнинг гайриқонуний савдоси ва олиб ўтилишига қарши курашда кўмаклашади, деб ўйлайман.

...Айни пайтда биз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган бу мамлакатларда мустақам ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатилмай туриб, ҳамжамиятимиз доирасида тўла иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапириш қийин эканини ҳам яхши англаймиз.

Назаримда, бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликка эришиш, мамлакатимизнинг келажакдаги тараққиёти учун асосий йўналишлардан бири – Афғонистон ва Тожикистонга, биринчи навбатда – уларнинг иқтисодиётини тиклаш ва оёққа қўйиш масалаларида келишилган ҳолда муайян ёрдам кўрсатиш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир бу масала минтақадаги мамлакатлар учун энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Сўзимга яқун ясаб, шуни яна бир бор таъкидлашни истар эдимки, бизнинг ташаббус ва амалий ҳаракатларимиз, энг аввало, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликнинг иқтисодий ва гуманитар масалаларини ҳал этишга қаратилиши керак.

Назаримда, бизнинг энг муҳим вазифамиз – айрим мамлакатларнинг ҳукмронлик қилишга бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатининг олдини олиш, бунга имкон бермаслик – агар кимда шундай ниятлар бўлса, улардан воз кечиш лозим, албатта, – қабул қилинаётган қарорлар Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган барча давлатларнинг манфаатларига мос келиши, шу билан бирга, бизни бирлаштириб, интилаётган мақсадларимиз доирасидан чиқмаслигига эришишдан иборат.

1998 йил 10 май.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Бизнесинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. -Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1997.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Т., Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2001.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2002.
13. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт йўли. 11-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2003.
14. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2004.

2. Расмий ҳужжатлар

15. Закон РҶУз «Об основных принципах внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан»/ «Народное слово», 31 декабря 1996 г.
16. Закон Республики Узбекистан «Об основах государственной независимости Республики Узбекистан » // «Права человека». Т., 1995.- Сб.3. Т.1.-С95-98.
17. Закон Республики Узбекистан «Об обороне» от 3 июля 1992 года // Конституционное право Республики Узбекистан. Т., 1995. Сб.2.- С.362-371.
18. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси. 1997.

3. Махсус адабиётлар

19. Мир, стабильность, сотрудничество. Навстречу Международной конференции «Центральная Азия - зона, свободная от ядерного оружия (Ташкент, 14-16 сентября 1997 г.). Ташкент: МИД-ИА «Жаҳон».
20. Центральная Азия: по пути безопасности и сотрудничества (Материалы Ташкентского совещания-семинара по вопросам безопасности и сотрудничества в Центральной Азии, 15-16 сентября, 1995 г.). Ташкент. Узбекистан, 1995.
21. Стабильность в Центральной Азии в постконфликтный период. Материалы международной конференции (14-15 июнь 2002 г. Ташкент). Центральная Азия. Т., 2003.
22. Сабитов Ш.А. Внешняя политика Китая в годы реформ (1978-1998 гг.) и перспективы сотрудничества с Республикой Узбекистан. Автореф. дис... канд. полит. наук Т. 2004
23. Авилов В.И. Дипломатические беседы. М., 1973.
24. Авилов В.И. Официальные контакты дипломатов. М., 1977.
25. Артыков Ж.Ю. Внешняя политика Республики Узбекистан и проблемы транспорт-

- ных коммуникаций. Автореф. дис... канд. полит. наук. Т.: 2005.
26. Аскарлов М.Э. Американо-иранские отношения и проблемы региональной безопасности Центральной Азии. Автореф. дис... канд. полит. наук. Т.: 2005.
27. Борисов Ю.В. Шарль-Морис Талейран. М., 1987.
28. Вапницвал П. Десять заповедей творческой личности / Пер. с англ. М., 1990.
29. Валентини К.Л., Оролбаев Э.Э., Абылгазиева А.К. Водные проблемы Центральной Азии. Б.: 2004
30. Демин Ю.Г. Статус дипломатических представительств и их персонал. М., 1995.
31. Жискард д'Эстен В. Власть и жизнь. Противостояние. М., 1993.
32. Заллет Р. Дипломатическая служба. Ее история и организация во Франции, Великобритании и Соединенных Штатах. М., 1956.
33. Захер Муъташ Жамъан ал-Анзи. Арабский мир - Республика Узбекистан: перспективы взаимовыгодного сотрудничества (на примере саудовско-узбекских отношений). Автореф. дис... канд. полит. наук. Т.: 2002
34. Зонова Т.В. Дипломатическая служба Италии (исторический очерк). М., 1995.
35. Ибрагимова Н.Ш. Сравнительный анализ политических взаимоотношений Республики Узбекистан с Республикой Индия и Исламской Республикой Пакистан на современном этапе. Автореф. дис... канд. полит. наук. Т.: 2004.
36. Исии К. Дипломатические комментарии. М., 1942.
37. История внешней политики СССР. М., 1976.
38. История дипломатии. Т. I. М., 1959; т. II. М., 1963; т. III. М., 1965.
39. Казанцев Б.А. Дипломатическая школа Испании. М., 1984.
40. Касимов О.С. Политические аспекты разрешения водных проблем в Центральной Азии. Автореф. дис... канд. полит. наук. Т.: 2005
41. Камбон Ж. Дипломат. М., 1945.
42. Карягин В.В. Дипломатическая жизнь за кулисами и на сцене. М., 1994.
43. Квицинский Ю. Время и случай. Заметки профессионала. М., 1999.
44. Кеворков В. Тайный канал. М., 1997.
45. Ковалев Ан. Азбука дипломатии. М., 1993.
46. Корниенко Г.М. Холодная война: свидетельство ее участника. М., 1995.
47. Корниенко Г.М. Новое о Карибском кризисе // Новая и новейшая история. 1991. № 3.
48. Лебедева Т. Искусство обольщения. М., 1996.
49. Левин Б.Д. Дипломатия, ее сущность, методы и формы. М., 1962.
50. Леонов Н. С. Информационно-аналитическая работа в загранучреждениях. М., 1996.
51. Мавлянова С.Н. Многопартийность-несущая конструкция политического плюрализма в Арабской Республике Египет и Республике Узбекистан. Автореф. Дис... канд. полит. наук. Т.: 2004.
52. Мавлонов Ў., Махкамов Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. -Т., "Академия", 2004.
53. Макиавелли Н. Избранные сочинения. М., 1992.
54. Матвеев В.М. Дипломатическая служба США. М., 1987.
55. Матвеев В.М. Британская дипломатическая служба. М., 1984.
56. Молчанов Н.Н. Генерал де Голль. М., 1980.
57. Мурадян А.А. Самая благородная наука об основных понятиях международно-политической теории. М., 1990.
58. Муса Фараг. Дипломатическая служба арабских государств. М., 1962.
59. Нергеш Я. Поле битвы - стол переговоров. М., 1989.
60. Николсон Г. Дипломатическое искусство. М., 1962.
61. Николсон Г. Дипломатия. М., 1941.
62. Новиков Н.В. Пути и перепутья дипломата (записки о 1943-1944 гг.). М., 1976.
63. Панов А. Японская дипломатическая служба. М., 1988.
64. Пегова Н.М., Попова В.И. М., 1979.
65. Современная дипломатия буржуазных государств. М., 1981.
66. Современная дипломатия зарубежных государств / Под ред. Ю.В. Борисова. М., 1986.
67. Петров В.П., Владимиров Ю.В. Кэ д'Орсэ (краткий очерк дипломатической службы Франции). М., 1966.
68. Симпсон С. Учебные программы и курсы по дипломатической практике /Пер. с англ. В.М. Матвеева. М., 1989. Советская диплома-

тическая и консульская служба / Под ред. И.Н. Земскова.

69. Трухановский В.Г. Внешняя политика Англии на первом этапе общего кризиса капитализма (1918-1935 гг.). - М., 1962.

70. Табак Г.А. Роль культурных и исторических традиций во внешней политике Республики Узбекистан. Автореф. Дис... канд. полит. наук. Т.: 2004.

71. Убайдуллаева С.Ф. Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг сиёсий жиҳатлари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражаси олиш учун диссертация автореферати. Т.: 2004.

72. Умаров Х.П. Ўзбекистон Республикаси геосиёсий ҳолатининг геостратегик хусусиятлари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражаси учун диссертация автореферати. -Т., 2004.

73. Хасанов У.А. Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центрально-азиатском регионе. Автореф. дис... канд. полит. наук. Т.: 2003

74. Центральная Азия в XXI веке: сотрудничество, партнерство и диалог. Материалы международной конференции. Т.: "Шарқ", 2004.

#### 4. Қўшимча адабиётлар

75. Касымова Н.А. Соединенные Штаты Америки в региональных интеграционных процессах. Политико-экономический аспект. Т.: УМЭ Шаклеина Т.А. Внешнеполитические дискуссии в США: поиски глобальной стратегии // США. Канада: экономика-политика-культура. 2002. - №10. - с. 3-15.

76. Внешняя политика Российской Федерации 1992 - 1999 гг. Учебное пособие. М., РОССПЭН, 2000. - 327с.

77. Международно-правовые принципы и нормы всеобъемлющей международной безопасности (справочно-аналитический обзор). Москва, 1989.

78. Зонн И., Жильцов С. Россия и США в Центральной Азии и на Кавказе: поиск региональной стабильности // Россия и мусульманский мир. 2003. №7. с. 62-74.

79. Международное положение в Центральной Азии // Россия и мусульманский мир. 1999. №7. с. 82-91.

80. Максименко В.И. Геополитическое измерение истории и Среднеазиатский вопрос (ответ оппонентам) / Форум: Геостратегическое значение Средней (Центральной) Азии в международных отношениях начала XXI века // Восток. 2003. №3. с. 64-125; №5. с. 73-84.

81. Карта-схема обстановки в регионе потенциального индо-пакистанского вооружённого конфликта. ИГ, №109, 2002, 5 июня, стр.6.

82. Князев Ю. О внешнеполитических интересах России. М., Власть, 2002, №5, стр. 63-68.

83. Абдуллаев Н.А. Региональная политика Сирийской Арабской Республики в свете Ближневосточного урегулирования. Автореф. дис... канд. полит. наук. Т., 2000.

84. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. Т., "Шарқ", 2005.

85. Ақобиров С.Р. Соотношение национальных и общечеловеческих интересов в обеспечении национальной безопасности. Автореф. дис... канд. полит. наук. Т.: 2005.

86. Очилдиев А.С. Миллий истиқлол гоёси - миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. Фалсафа фанлари доктори илмий даражаси учун диссертация автореферати. -Т., 2004.

87. Габриэльян С.И. Основные направления внешней политики Великобритании в Иране в конце XIX века. Автореф. дис... канд. ист. наук. Т., 2004.

88. Маннопова О.С. Политологическое изучение проблем регионального развития и безопасности в Центральной Азии в зарубежной русскоязычной литературе. Автореф. дис... канд. полит. наук. Т.: 2004.

89. Сабитов Ш.А. Внешняя политика Китая в годы реформ (1978-1998 гг.) и перспективы сотрудничества с Республикой Узбекистан. Автореф. дис... канд. полит. наук. Т.: 2004.

90. Турсунов Б.Э. Китай на пороге XXI века: философская и социально-политическая мысль как фактор общественного развития. Автореф. дис... канд. философ. наук. Т.: 2002.

91. Чиналиев У.К. Трансформация политической системы Киргизской Республики в переходный период. Автореф. дис... докт. полит. наук. Т.: 2004.

## 4. Журналлар

92. Свиридов А. А. Координация и функционирование структур системы обеспечения национальной безопасности и геополитики России. Понятие о структурных и безструктурных способах управления. Национальная безопасность и геополитика России, 2002, №1-2 (30-31), 2002г., стр.150-153. Лекционный курс.
93. Свиридов А. А. Геополитика России в вопросах военной и пограничной безопасности России, регионов, предприятий и фирм. Национальная безопасность и геополитика России, 2002, №1-2 (30-31), 2002г., стр.154-157.
94. Воцанов П. Чем грозит России усиление военно-политического влияния США в Средней Азии? Р и ММ, 2002, №4, стр.101-104.
95. Геополитические проблемы Центральной Азии и Закавказья. Реферативный журнал «Востоковедение и африканистика», серия 9, 2002, №2, стр.34-40.
96. Евангелиста М. Геополитика и будущее Российской Федерации Политические исследования, 2002, №2, стр.82-99.
97. Кременюк В. Диалог со сверхдержавой. Американский миропорядок и Россия: тест на совместимость. НГ, №93-94, 2002, 17-18 мая, стр.11.
98. Исмагамбетов Т. Структурирование нового геополитического пространства Центральной Азии: региональные особенности и перспективы. ЦА и Кавказ, 2002, №2(20), стр.7-16.
99. Ориентиры внешней политики России. (Свое видение приоритетов и достижений Российской внешней политики излагает министр иностранных дел РФ Игорь Иванов.) Власть-Ъ, №22, 2002, 11 июня, стр.48-50.
100. Антипенко Л. Об организации национальной геополитической службы в России: канон и канун. Национальная безопасность и геополитика России, 2002, №1-2 (30-31), 2002 г., стр.158-165.
101. «Геополитика России». Тема 5. Автор, разработчик А. Свиридов. Начало в журнале №9-10 (26-27), №11-12 (28-29) за 2001 г.
102. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. – Алматы. 2001. -№1. – с. 45-52.
103. Абазов Р. Глобальные перемены и геополитика на пороге XXI века // МЭ и МО. – 1999 - №2. – с. 116-120.
104. Анджи С.С. Италия. – М., 1991. Вторая мировая война. Краткая история. – М., 1984.
105. Вуд Д., Серре Ж. Дипломатический церемониал и протокол. – М., 1976.
106. Добрынин А.Ф. Сугубо доверительно. Посол в Вашингтоне при шести президентах США (1962-1986). – М., 1996.
107. История дипломатии. – Т. I. – М., 1959; т. II. – М., 1963; т. III. – М., 1965.
108. Капица М.С. На разных параллелях. Заметки дипломата. – М., 1996.
109. Попов В.И. Меняется страна традиций. Заметки посла и ученого о Британии восьмидесятых. – М., 1991.
110. Робер М.А., Тильман Ф. Психология индивида и группы / Пер. с франц. –М., 1988.
111. Рубинский Ю.М. Французы у себя дома. – М., 1989.
112. Худойбердиев Б.Х. Влияние стратификационного уклада США на основные внешнеполитические приоритеты (на примере Центральной и Южной Азии). Автореф. дис... канд. полит. наук. Т.: 2004
113. Мусекий И.А. Сто великих дипломатов. Москва, 2001
114. Макиавелли Н. Государь – Москва. ЭКСМО-ПРЕСС, 1999
115. Молчанов Н.Н. Дипломатия Петра Первого, Москва СМО, 1984
116. Mearsheimer John. The Tragedy of great power politics. N.Y, London, 2001
117. Сатоу Э. Руководство по дипломатической практике. Москва, 1961
118. Блищенко И.П. Дипломатическое право. М., «Высшая школа», 1990.
119. История дипломатии. Том первый. М., ОГИЗ. 1941
120. Низамиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон, -Т., Фан. 1966.
121. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. -Т., Ўзбекистон. 1997
122. Хошимов И. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи салтанати. -Т., Ўқитувчи. 1996.
123. R.C.Verma. Foreign Policy of the Great Mughals (Внешняя политика Великих Моголов) Agra (India), 1967

124. Фельтхем Р. Дж. Настольная книга дипломата, Минск, «Новое знание», 2000

## 5. Интернет ресурслари

### Страны и регионы мира

Ассоциация политических наук

<http://www.psa.ac.uk/www/world.htm>

Официальные серверы правительств. Конституции. Международные организации. Активная карта ссылок на серверы правительств.

### Университет штата Пенсильвания

[http://www.sas.upenn.edu/African\\_Studies/Home\\_Page/WWW\\_Links.html](http://www.sas.upenn.edu/African_Studies/Home_Page/WWW_Links.html)

Ресурсы по Африке. Ссылки аннотированы и разделены на подсекции. Правительственные серверы стран Африки.

### H-Africa

<http://h-net2.msu.edu/-africa/internet/index.html>

Ресурсы по Африке. Исследовательские программы, документы, очерки, обзоры и диссертации.

### ArabNet

<http://www.arab.net>

Ресурсы по арабскому миру на Ближнем Востоке и в Северной Африке. Содержит 1610 страниц. Страноведческая информация с данными о культуре, истории, современном бизнесе и т.д.

### Факультет политических наук университета г. Киль

<http://www.psr.keele.ac.uk/area.htm>

Страноведческая информация. Официальные серверы правительств.

### Раздел «Страноведение» библиотеки Конгресса США

<http://lcweb2.loc.gov/frd/cs/cshome.html>

Страноведческая информация. Ресурсы по политическим, экономическим, общественным и регулирующим институтам охваченных стран.

### База данных по этнологии

<http://www.sil.org/ethnologue>

Электронная версия одноименной «Базы данных по этнологии». Информация об около 6500 языках мира, включая количество носителей, области проживания носителей, диалекты, лингвистические особенности и другие социолингвистические и демографические данные. Активная карта по регионам.

### EuroInternet

<http://fgr.wu-wien.ac.at/nentwch/euroint.htm>

Информация об общеевропейской интеграции и странах Европы. Политологические ресурсы по европейским странам, базы данных статистической информации, телеконференции, документы ЕС, учреждения ЕС, европейские научно-исследовательские учреждения.

### Europa @Internet

<http://www.uv.es/cde/euinternet/>

Информация о европейских странах. Официальные серверы учреждений ЕС, электронные публикации и каталоги ЕС, статистика, европейские валюты, программы ЕС, университеты и образование в Европе, телеконференции, базы данных по ЕС, карты европейских стран. Сервер на испанском языке, но, будучи даже немного знакомым хотя бы с одним языком романской группы, сориентироваться на нем не составит труда.

### Europa

<http://europa.eu.int/index-en.htm>

Официальный сервер Европейского союза. Политика ЕС, официальные документы государств — членов Европейского сообщества. Доступен на нескольких языках.

### IANWeb Resources: Area Studies

<http://www.pitt.edu/~ian/resource/area.htm>

Научно-исследовательские программы и институты, занимающиеся проблемами Европы.

### Discover India

<http://jan.ucc.nau.edu/~vdk/sites/index.htm>

Ресурсы по Индии.

### **Asian Studies WWW Virtual Library**

<http://coombs.anu.edu.au/WWWVL-AsianStudies.html>

Ресурсы по Азии. Регионы: Азиатско-Тихоокеанский, Ближний Восток, Кавказ, Средняя Азия, Южная Азия, Юго-Восточная Азия.

### **LawWorld**

<http://www.lawworld.com/library/lw000633.htm>

Ресурсы по различным странам мира. Ссылки не аннотированы.

### **Soleiman M. Kiasatpour's Middle East Links**

<http://wizard.ucr.edu/~skiasatp/soleiman.html>  
Аннотированные ссылки на ресурсы по Ближнему Востоку.

### **Yahoo: Regional: Countries**

[http://dir.yahoo.com/regional\\_mformation/countries/](http://dir.yahoo.com/regional_mformation/countries/)

Официальные и неофициальные серверы страноведческой информации.

### **University of Michigan Government Resources on the Web**

<http://www.lib.umich.edu/libhome/Documents.center/govweb.html>

Серверы правительств различных стран. Организован по регионам. Аннотированные ссылки на конституции, статистические данные, серверы посольств и прочую информацию по странам мира.

### **Ministries of Foreign Affairs Online**

<http://people.itu.int/~baldi/mofa.htm>

Ссылки на серверы министерств иностранных дел.

### **Governance Resources**

<http://www.aber.ac.uk/~inpwww/links/index.html>

Европейская интеграция. Неправительственные и межправительственные организации. Международные программы.

### **Official Government Web Pages by Country**

<http://www.psr.keele.ac.uk/official.htm>

Информационные ресурсы о правительствах,

парламентах и министерствах иностранных дел стран мира.

### **The Electronic Embassy**

<http://www.embassy.org>

Официальные серверы посольств, расположенных в Вашингтоне. Международные организации.

### **Virtual Library on International Development**

<http://w3.acdi-cida.gc.ca/virtual.nsf>

Общая информация, социальные показатели, права человека и т.п. Основные доклады ООН, как, например, Доклад о развитии человечества, Положение детей в странах мира и Доклад о всемирном развитии. Активная карта по ресурсам в отдельных регионах или странах. Международные отношения. Поддерживается на французском и английском языках.

---

---

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Кириш.....	5
Ўзбекистон Республикаси.....	28
Австралия ва Океания.....	40
Америка давлатлари.....	54
Африка давлатлари.....	94
Европа давлатлари.....	150
Осиё давлатлари.....	222
Халқаро ташкилотлар.....	296

---

---

# ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

Akademiya  
Тошкент 2005

Муҳаррир Б.Умаров  
Мусахҳиҳлар М.Абдуллаева, Г. Абдуллаева  
Рассом Р.Султонов  
Техник муҳаррирлар Н.Қурбонова, Л.Исроилов  
Нашр учун масъул Ш.Ғаниев

Теришга берилди 24.11.05. Босишга рухсат этилди 28.12.05. Бичими 60x90<sup>1</sup>/8. Офсет босма. Шартли босма табағи 21,7. Нашриёт ҳисоб табағи 21,7. Адади 500. Баҳоси шартнома асосида.

«Akadem-xizmat» босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45.

